

Абу Мұхаммад Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Мұхаммад ибн Омир ибн  
Шарафиддин Шибрөвий

# عنوان البيان

وبستان الأذهان ومجموع نصائح في الحكم

## УНВАНУЛ БАЁН

ва бустанул азҳан ва мажмуъу насаих фил ҳикам

*(Баён манзили ва зеҳнлар бўстони ҳамда насиҳат ва ҳикматлар мажмуъаси)*

Араб тилидан  
**Рашид Зоҳид**  
таржимаси

Мусаҳҳих  
**Анвар Аҳмад**

Тошкент  
2018



## *Муқаддима*

Бутун оламларни яратган, бандаларига марҳамати чексиз Зот – Аллоҳга ҳамд бўлсин! Бандалари ичиди Аллоҳга энг яқин, энг суюкли, умматига энг ғамхўр зот – Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломга, унинг ахли оиласи ва барча сахобаларига соловот ва саломлар бўлсин!

Шайх Абдуллоҳ Шибрвийнинг ушбу “Унванул баён ва бўстонул азҳан” – “Баён манзили ва зеҳнлар бўстони” китобида инсоний маданият ва исломий одоб-ахлоқ қоидалари аниқ ва ёрқин бир кўринишда тақдим этилган. Мана шу аниқлик ва ёрқинлик насиҳат ва ҳикматлар тўплами бўлган мазкур китобнинг муваффақиятини таъминлаган хусусиятлардан биридир. Замонлар синовидан ўтган ибратли тажрибалар, ҳикматларга йўғрилган тарих бағридаги Бу манзилларни таниб, сахифадан сахифага ичкарироқ кираётган инсон қачонлардир йўқотган нарсасини топгандай қувончга тўлади... ойсиз, юлдузсиз зимиston тун бағрида адашиб чарчаган йўлчига узоқдан “йилт” этиб бир нур кўринса, бу нур уни умид чироғи бўлиб ўзига чорламайдими, бу умид унга тетиклик, куч-қувват бағишламайдими, бу ишонч, бу қувват уни нажотга элтмайдими?!

“Унвон...” китоби билан яқиндан танишиш асносида кўнгилда шундай таассуротлар кечди. Бу бежиз эмас. Каломдаги иъжоз мақоми Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом сўзларига ҳам кўчганига ҳадиси шарифлар гувоҳ. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари Қуръони каримда ҳикмат дея зикр этилган. Ҳикмат “жавомеъул калим” (қисқа лафзда кўп маъноларни жамлаш) услуби орқали намоён бўлган. Бу неъмат Аллоҳнинг маҳбуб Пайғамбари Мухаммад алайҳиссаломга берилган эди. Мазкур китобда

айни услугга муҳаббат таъсирланиш самарасини таъминлаганига шубҳа йўқ. Негаки, китоб муаллифи Абу Муҳаммад Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Омир ибн Шарафиддин Шибравий калом, ҳадис, фикҳ, усули фикҳ илмларида етук олим бўлиши билан бирга, ўз замонасининг назмий девон тартиб берган мумтоз шоирларидан, адаб илми бўйича рисолалар битган, баёнда мазмун ва шакл уйғунлигини ҳис қилиш малакасига эга инсонлардан эди. Бу имтиёз “жавомеъул калим” услубини ўзлаштиришга имкон берган. Муаллиф мў’жаз жумлада инсоннинг ўзи билан ўзи ва атрофдагилар билан муносабатидаги нозик нуқталарни бўрттириб, заррабин остида кўрсатар экан, бу сирли жозиба ўқувчини ўзига тортади, қўйиб юбормайди, мутолаадан узилолмайсиз…

Табиийки, бу тавсифлар арабча матнни ўқиш давомида олинган таассуротлар… Аслиятдаги мазмун, рух, кайфият ўзбекча таржимада қанчалик акс этганини эса аввало, соҳа мутахассислари, қолаверса, зукко ўқувчилар баҳолайди. Лекин шу ўринда таржима жараёни билан боғлиқ айрим фикрларни айтишга эҳтиёж сезиляпти.

Маълумки, Исломнинг бош манбаи муқаддас Қуръони карим араб тилида нозил бўлган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам араб тилида гапирганлар. Араб тили мукаммалликда тенгсиз эканига шубҳа йўқ. Бу тил асрлар давомида шу даражада такомиллашган асосга эга бўлди, илоҳий ҳикмат натижаси ўлароқ, лисоний тизимдаги энг кичик ўзгаришгача ҳар бир ҳолат учун муайян қонуният, аниқ қоида ишлаб чиқилди. Араб тилида қоидага

бўйинсунмайдиган ҳолат йўқ. Ҳар бир ўзгаришнинг асоси, тегишли изохи бор.

Аслида, араб тилини ўрганишнинг қийинлиги, балки осонлиги ҳам шунда.

Арабий матнни ўзга тилга ўгираётган таржимон, аввало ўша қонуниятлардан хабардор бўлиши талаб этилади. Жумладаги ҳар бир сўзнинг луғавий маъносини билиш матн мазмуни ҳали тўла англанди, дегани эмас. Асар ва унинг муаллифи ҳақида бутун тасаввур ҳосил бўлмагунча таржиманинг тўғрилиги иштибоҳли бўлади. Шунинг учун ҳам бир сатр, жумла, хатбошини ўқиб чиқиш билан кифояланмасдан, балки бутун бошли бўлимни ўқиб, тушунгандан сўнггина таржимага уриниш ишончлироқ йўлдир. Чунки матн руҳи қисмда эмас, бутунда акс этади. Матн руҳи англанса, сўзларни ўрни- ўрнига қўйиш осонлашади. Акс ҳолда, мазмун талаб қилган сўзнинг бошқа муқобили танланиб, маъно хирадашади.

Бу вазиятда бошқа оғриқли нуқта ҳам бор. Таржимон арабий матнни бутун нозикликлари билан тушуниб, ҳис қилиб, мазмунни она тилида у даражада бера олмаса-чи?! Бундай ҳолатда, ўз тилининг тарихини билмаслик, она тилининг табиатини ҳис қилмаслик ҳеч кимга ўзининг она тилини камситишига ҳуқук бермайди. Чунки она тили ҳар бир миллатга Яратувчи томонидан ато этилган. Шундай экан, айб таржима қилинаётган тилда эмас, таржимонда! Таржимон она тилини таржима қилаётган ажнабий тилдан кам билмаслиги керак. Шундагина, аввало, ўзи таржима қилаётган матн муаллифининг ҳаққини, қолаверса, таржимага муҳтож ўқувчиларнинг ҳаққини адо қилган бўлади. Мисол учун, араб тилида фасоҳат ва балоғат билан,

“жавомиъул калим” услубида, юксак мақомда изхор қилинаётган фикр нега ўзбек тилида нўнок ифодаланиши керак?!

Тўғри, аслиятдаги шакл ва мазмун уйғунлигидан томган ширани таржима қилинаётган тилда айнан бериш мушкил, аксар имконсиз иш. Айниқса, назмий матнни, сажъли насрни ўгиришда бу мушкиллик чандон ортади. Лекин бу холат таржиманинг аслиятдан узоқлашишига, таржимоннинг эринчоқ ва нўноқлигига узр бўлолмайди. Матонинг асл қийматли томонини тескари ўгириб, астардан либос тикиладими? Агар шундай қилинса, бу умумий қоидага хилоф иш бўлади ва урф бузилади.

Энди “Унвонул баён ва бўстонул азҳан” китобининг нашр тарихи, матни таҳқиқи ва таржима жараёни билан боғлиқ айrim жиҳатлар ҳақида тўхталсак.

Китоб анъанавий ҳамд, наът, муқаддима, мавзуга кўра ажратилган етти бўлим ва хотимадан таркиб топган. Таржимада арабий матн шартли бўлакларга тақсимланиб, ҳар бўлакдан сўнг матн таржимаси бериб борилди. Айrim сўз ва жумлалар қавс ичида изоҳланди. Матн мазмуни ва руҳини ўзбек тилида имкон қадар сақлашга ҳаракат қилинди. Лекин бу жиҳат арабча матнни нахв қоидаларига мувофиқ сўзма-сўз таркиб қилишда халал бериши мумкин. Негаки, сўзма-сўз таркиб оғзаки таҳсилга асосланган. Шунингдек, бу ўринда оғзаки нутқ билан ёзма нутқ орасидаги кескин тафовутни ҳам ҳисобга олиш зарур. Оғзаки нутқда устоз шогирд билан бевосита алоқада бўлади, ёзма нутқда эса бунинг иложи йўқ. Шунинг учун ушбу таржимада кўпроқ эътибор мазмунни етказишга қаратилди, шаклни танлашда эса изоҳга ҳожат сезмайдиган холат ихтиёр қилинди.

Таржима мукаммал бўлди, деган даъводан йироқмиз. Маъно равшан чиқмаган ўринлар учради. Бу бир томондан, араб тилини яхши билмаслигимизнинг, бошқа томондан, она тилида нўноқлигимизнинг оқибати. Қолаверса, эътиқодий маданиятимиз билан боғлиқ бундай ишлар тўла маънода бирдамлик, ҳамкорлик бўлсагина, мукаммал амалга ошади. Устозлар ва ўқувчиларнинг хайрли дуоларига ҳамиша муҳтожмиз.

Рашид Зоҳид

قال الإمام العالم العلامه، الحبر البخاري الفهامة، الشیعی عبد الله الشیبراوی الشافعی، تغمدہ  
اللہ بالرحمۃ والرضوان واسکنہ اعلیٰ فرادیس الجنان، آمين.

Олиму аллома имом, фаҳми ўткир, илми денгиз Шайх Абдуллоҳ Шибрәвийни Аллоҳ ўзининг раҳмати ва розилиги билан ўраб, фирмавс жаннатларининг юқорисидан жой берсин (омийн), у зот деди:

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَظْهَرَ مِنْ مَكْنُونَاتٍ أَسْرَارِهِ كُنُوزًا وَأَبْرَزَ مِنْ دَقَائِقٍ صُنْعَهِ لِصَفْوَةٍ حَلْقِهِ رُمُورًا  
وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى مَنْ كَانَتْ لَهُ الْبَلَاغَةُ شِعَارًا وَالْفَصَاحَةُ دِثَارًا وَاخْتُصَرَ لَهُ الْكَلَامُ اخْتِصَارًا  
الْمُنْتَقَى مِنْ صَفْوَةِ عَدْنَانَ الْحَائِرِ السَّبَقِ فِي مِضْمَارِ الْبَيَانِ وَ عَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ أُولَى الْعَرَائِمِ وَالْهَمَمِ  
حَامِلِ أَعْبَاءِ الْأَدَبِ وَالْحِكْمِ

Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! У Зот халқи ичидан саралаб танлагани Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун Ўзининг сирларга тўла хазиналарни очди, санъатининг нозикликларини намоён этди.

Балогат кўйлаги ва фасоҳат ёпинчиғи бўлган, жавомеъул калим – қисқа лафзда кўп маъноларни жамлаш неъмати ато қилинган, баён илми майдонида пешқадамликни қўлга киритган энг сара Адноний – соф қонли арабларнинг танлангани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга, у зотнинг хонадони ахлига, одобу ҳикмат юкларини қўтарган, азму ҳиммат эгалари бўлмиш сахобаларига Аллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлсин.

*Изоҳ. Пайғамбаримизга соловот ва саломлар айтилган бу жумлада Муҳаммад алайҳиссаломнинг бир нечта фазилати саналган: балогат эгаси, яъни гапни эши тувичининг ҳолатига мослаб, фикрни аниқ ва тушунарли қилиб, маънони равшан ҳолда етказиши иқтидорига эга эканлари; фасиҳ зот эканлари,*

яъни *Расулуллоҳ* соллаллоҳу алаиҳи ва салламнинг гапидаги ҳар бир сўзниңг айтилиши енгил ва айни пайтда гўзал, маъноси содда ва қоидага мувофиқ, жумлада бирорта етмай қолган ёки бирорта ортиқча сўзниңг учрамаслиги. Балоғат фасоҳатга нисбатан ичкарироқда кечадиган ҳодиса бўлгани учун у ички кўйлакка, фасоҳат унинг устидан ёпиладиган ёпинчиқقا ўхшатиляпти. Куръони каримда айтилади: “**У (Аллоҳ) омийлар** (яъни, аҳли Китоб бўлмаган илмсиз кишилар) **орасига ўзларидан бўлган, уларга (Куръон) оятларини тиловат қиласидиган, уларни (ширк ва жаҳолатдан) поклайдиган ҳамда уларга Китоб – Куръон ва ҳикмат – ҳадисни ўргатадиган бир Пайгамбарни** (яъни, Мухаммад алаиҳиссаломни) **юборган зотдир**” (Жумъа, 2-оят). “Ҳикмат” сўзининг лугавий маъноси донишмандликдир. Улуғларнинг айтишиича, ҳикмат билан илмнинг фарқи бор. Ниманидир билиши, зеҳнда ўша нарса ҳақида билим ҳосил бўлиши билан киши ўша нарсанинг олими саналиши мумкин. Лекин ҳаким бўлиши учун билишининг ўзи кифоя қилмайди. Балки ҳикмат эгаси билишдан, маълумот ҳосил қилишдан ташқари билганини қачон, қаерда, қай тарзда қўллашдан ҳам огоҳ бўлиши керак. *Расулуллоҳ* соллаллоҳу алаиҳи ва салламнинг қисқа гапда кўп маъноларни жамлаши айни ҳикмат тақозосидир.

(وَبَعْدُ فَهَذِهِ فُرْصَةٌ انْتَهَرَتْهَا يَدُ الْإِمْكَانِ وَدُرْرَةٌ اخْتَلَسَتْهَا نَوَاسِطُ الْأَزْمَانِ وَغَزَالَةٌ افْتَنَصَتْهَا حَبَائِلُ الْأَفْكَارِ وَعُجَالَةٌ افْتَطَقَتْهَا حَوَائِلُ الْأَذْكَارِ

Ҳамду санодан сўнг айтадиган муҳим сўзим фурсат ҳакида. Бу шундай фурсатки, имкон уни қўлга киритган, бу шундай дурки, замоналарининг эпчил кишиларигина уни ўзиники қилур, бу шундай кийикки, фақат фикр тўрлари уни илинтира олур, бу шундай шошилинч тайёrlанган таомки, зикрга ташналаргина унга аввал қўл солур.

*Изоҳ. Фурсат бир бебаҳо дурга, бир ҳуркак кийикка, бир нур тезлигидан ҳам тезроқ ҳаракатга ташбех қилинляпти. Бу – фурсатнинг бой бериб*

қўйилишии жуда осонлигига ишора. Инсон қўлига тутқазиб қўйилган бу фурсатни аксар ҳолда бой беради. Фурсатнинг шошилинч тайёрланган таомга ўхшатилиши, аввало, китобнинг ҳикмат ва насиҳатлардан жамланган таснифот эканига ишора бўлса, яна бир маъноси бу тўпламнинг йўл учун тайёрланган озиқдек қулай, умр йўлидаги йўловчига малолсиз, ҳазми енгил эканини англатишдир. Навбатдаги жумлада Шайх фурсатни ғанимат билиши одоби йўқолиб кетгани сабабли унинг сочилиб кетган бебаҳо дурларини итишига азм қилганини айтади:

نَظَمْتُ سِلْكَهَا الْمُتَمَرِّقَ لِكَسَادِ الْآدَابِ وَجَمَعْتُ شَمَائِهَا الْمُتَفَرِّقَ لِذَوِي الْأَلْبَابِ وَضَمَّنْتُهَا  
حِكْمَةً تَرَاتُخُ هَمَّا السُّفُوسُ وَتَبَتَّهُجُ هَمَّا الطُّرُوسُ

Одоб касодга учрагани учун сочилиб кетган бу дурларни бир шодага тиздим ва сочилган дурларни ақл эгалари учун жамладим. Нафслар роҳат топадиган, сахифалар сууруга тўладиган ҳикматларни унга қўшдим.

Изоҳ. Шайх фурсатни қўлга киритганинг аломати сифатида тасниф қилаётган китобини назарда тутяпти. Бунинг далили – охирги жумладаги “сахифаларга ҳикматларни қўшиши” маъноси ва кейинги жумлада ифодаланаётган маълумотлардир.

وَرَبَّتُهَا عَلَى سَبْعَةِ أَسَالِيبٍ وَخَاتِمَهُ وَأَعْقَبَتُ كُلَّ أُسْلُوبٍ بِضَرْبٍ مَثِيلٍ يَدْفَعُ عَنْهُ الْمَلَلَ.

Уни етти услуб ва бир хотима билан тартибладим. Ҳар бир услуб ниҳоясида малолу чарчоқни ёзадиган бир зарбулмасал келтирдим.

الْأُسْلُوبُ الْأَوَّلُ: فِي الْكَمَالَاتِ الرَّافِعَةِ لِذَوِي الْمُرُوَّاتِ

Биринчи услугб: Муруват эгалари – мард кишиларни камолга етказувчи комилликлар ҳақида.

**الأَسْلُوبُ الثَّانِيُ فِي حَفْظِ الْلِّسَانِ وَمَا يَحْسُنُ نُطْقَهُ مِنَ الْإِنْسَانِ**

Иккинчи услугб: Тилни сақлаш ва инсон гапириши чиройли саналган ишлар ҳақида.

**الأَسْلُوبُ الثَّالِثُ فِي وَصَائِيَا نَافِعَةٍ وَمَزَايَا رَافِعَةٍ**

Учинчи услугб: Фойдали насиҳатлар ва улуғ ахлоқ ҳақида.

**الأَسْلُوبُ الرَّابُّ فِي الْحُضْرِ عَلَى الْحَرْمِ وَالْأَخْدِ بِالْعَزْمِ**

Түртинчи услугб: Огохликка ундаш ва азмда событлик ҳақида.

**الأَسْلُوبُ الْخَامِسُ فِي الْحَذَرِ إِمَّا يُورِثُ الضَّرَرَ**

Бешинчи услугб: Заар келтирадиган нарсалардан огох бўлиш ҳақида.

**الأَسْلُوبُ السَّادِسُ فِي التَّفْوِيضِ لِلْقَضَاءِ بِالتَّسْلِيمِ وَالرِّضَاءِ**

Олтинчи услугб: Қазою қадарни бўйсуниш ва розилик билан қабул қилиш ҳақида.

**الأَسْلُوبُ السَّابِعُ فِي ذَمِّ مَا يَتَحَلَّقُ بِهِ الْإِنْسَانُ مِنَ الْعُدُوانِ**

Еттинчи услуб: Инсонни душманга айлантириб қўядиган хулқларнинг ёмонлиги ҳақида.

الْحَاتِمَةُ فِي حِكْمٍ مُنْتَشِرٍةٍ مِنَ الْإِثْنَيْنِ إِلَى الْعَشَرَةِ

Хотима: Иккидан то ўнгача бўлган сонлар билан боғлиқ ҳикматлар ҳақида.

وَسَمِّيَتُهُ عُنْوَانُ الْبَيَانِ وَبُسْتَانُ الْأَرْهَانِ وَعَلَى اللَّهِ اِعْتِمَادٍ وَهُوَ حَسْبٌ فِي مَبْدَئِي وَمَعَادِي

Китобни "Баён манзили ва зехнлар бўстони" деб номладим. Бу ишда суюнчим фақат Аллоҳгадир. Китобни бошлишимда ҳам, нихоялашимда ҳам Аллоҳнинг ўзи кифоядир.

### الْمُقَدِّمَةُ

#### Муқаддима

قَالَ اللَّهُ تَعَالَى : {يُؤْتِي الْحِكْمَةَ مَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُؤْتَ الْحِكْمَةَ فَقَدْ أُوتَى خَيْرًا كَثِيرًا} .

Аллоҳ таоло дейди: У Ўзи истаган кишиларга ҳикмат (фойдали билим) беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, бас, муҳакқакки, унга кўп яхшилик берилибди" (Бақара сураси, 269-оят).

وَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ :

لَا حَسَدَ إِلَّا فِي اثْنَيْنِ، رَجُلٌ آتَاهُ اللَّهُ مَا لَا فَسَلَطَهُ عَلَى هَلْكَتِهِ فِي الْخَيْرِ وَرَجُلٌ آتَاهُ اللَّهُ الْحِكْمَةَ فَهُوَ يَقْضِي بِهَا وَيَعْلَمُهَا النَّاسُ .

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: "Ҳасад қилиш мумкин эмас, фақат икки кишига нисбатан ҳасад(ҳавас) бундан мустасно: Аллоҳ таоло мол берган ва уни яхшиликка сарфлашга муваффак қилиб қўйилган киши; Аллоҳ таоло ҳикмат берган, шу ҳикмат билан ҳукм юритадиган ва шу ҳикматни одамларга ўргатадиган киши<sup>1</sup>."

وَنُقِلَ عَنِ الْأَبِ لُوقَا الْحَكِيمُ أَنَّهُ كَتَبَ عَلَى بَابِ دَارِهِ: أَنَّهُ لَنْ يَنْتَفِعَ بِحِكْمَتِنَا إِلَّا مَنْ عَرَفَ نَفْسَهُ وَوَقَفَ بِهَا عِنْدَ حَدِّهَا وَتَدَبَّرَ مَا يَلْقَى إِلَيْهِ بِعَيْنِ الْإِنْصَافِ، فَمَنْ كَانَ بِهَذِهِ الصِّفَةِ فَلَيْدُخُلْ وَإِلَّا فَلَيَرْجِعْ حَتَّى يَكُونَ بِهَا

Луқо ал-Ҳаким<sup>2</sup>дан нақл қилинишича, у ўз ҳовлиси эшигига шундай ёзувларни битган экан: “Ўзини таниган, нафсини ўз ҳаддида тўхтатган ва бошига тушган ишлар тадбирини инсоф билан амалга ошира оладиган инсонгина бизнинг ҳикматимиздан фойдалана олади. Кимда шу сифатлар бўлса, кирсин, йўқса, то шуларни ҳосил қилгунча қайтиб кетаверсинг”.

وَيُرَوِي أَنَّ بُزُرْجَمَهْرَ لَمَّا فَرَغَ مِنْ كِتَابِ أَمْشَالِهِ قَالَ: لَيْسَ الْعَجَبُ مِنْ قَرَأً هَذِهِ الْأَمْشَالَ فَصَارَ عَالِمًا، إِنَّمَا الْعَجَبُ مِنْ قَرَأَهَا وَمَمْ يَصِيرُ عَالِمًا

Ривоят қилинишича, Бузругмехр (Нўширавоннинг одил вазири) ўзининг “Амсол” номли китобини ёзиб тугатгач, айтган экан: “Бу китобни ўқиб олим бўлган кишига эмас, балки уни ўқиб олим бўла олмаган кишига ажаб!”.

<sup>1</sup> Муттафақун алайх. “Саҳихул Бухорий”да “Китобул илм” бобида келган.

<sup>2</sup> Баъзи нусхаларда “Ал-Айлуфо” (الْأَيْلُوفَا) деб келтирилган. Рум мамлакатидаги Антокия шахрининг коҳинларидан, тиббиётдан ҳам дарс берган.

شعر: أَلَا إِنَّمَا إِلَيْنَا الْإِنْسَانُ عِمْدٌ لِّقَلْبِهِ      وَلَا حَيْرَ فِي عِمْدٍ إِذَا مَّمْ كُنْ نَصْلٌ

Шеър (насрий баён): “Огоҳ бўл, инсон ўз қалбининг қинидир. Қачонки, қилич ўтмас бўлса, қиндан нима фойда?!”.

وَقَالَ بَعْضُهُمْ: اعْلَمُ، أَنَّ مَنْشُورَ الْحِكْمَةِ إِنَّمَا يُؤْخَذُ مِنْ مَعْدِنِ الرِّسَالَةِ عَلَى خَاتِمِهَا أَفْضَلُ  
الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ

Улуғлардан бири айтди: “Билгилки, сочилган ҳикматлар пайғамбарлик конидан олинади. Пайғамбарларнинг охиргиси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловот ва саломларнинг афзали бўлсин”.

وَالصِّيَحَةُ سَهْلٌ سُلُوكُهَا وَإِنَّمَا الْمُشْكِلُ قَبْوُهَا، لَأَنَّهَا فِي مَذَاقِ مُتَّبِعِ الْهَوَى أَمْرٌ مِّنْ تَحْرِيْعٍ  
الْمَرِيضِ الدَّوَاء، لَكِنَّ السَّعِيدَ تَأْتِيهِ الْعِنَايَةُ عَدْوًا وَالْمَحْرُومُ مَغْمُورٌ فِي بُحُورِ الْأَهْوَاءِ

Насихат қилиш – йўллари равон, осон иш. Балки мушкили – насиҳатни қабул қилиш. Чунки ҳаво-ю ҳавасига эргашган киши учун насиҳатни тинглаш дори ичган bemorning томоғида ҳосил бўлган талхдан кўра аччиқроқдир. Насихатдан баҳраланган баҳтли инсонга Аллоҳнинг инояти чопиб келади, бу иноятдан маҳрум кимса эса ҳаво-ю ҳавас денгизларига ғарқдир.

شعر:  
إِنَّ الْمَقَادِيرَ إِذَا سَاعَدَتْ  
الْحَقَّتِ الْعَاجِزَ بِالْحَازِمِ

Шеър (насрий баён): “Қачонки, тақдир ёрдам қўлини чўзса, ожиз кишига ҳушёр бир олимни кўмакчи қилиб қўяди”.

الأَسْلُوبُ الْأَوَّلُ

Биринчи услуб

## فِي الْكَمَالَاتِ الرَّافِعَةِ لِدَوِيِ الْمُرْوَاتِ

Муруват эгалари – мард кишиларни камолга етказувчи комилликлар  
ҳақида

قَالَ اللَّهُ جَلَّ ثَنَاءُهُ: فَاصْدَعْ بِمَا تُؤْمِرُ وَأَعْرِضْ عَنِ الْمُشْرِكِينَ.  
وَقَالَ أَيْضًا: خُذِ الْعَفْوَ وَامْرُ بِالْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَاهِلِينَ.

Шаънига улуғ ҳамдлар ёғилсин, Аллоҳ таоло деди: “*Бас, Сиз ўзингизга буюрилган ишини* (яъни, Ҳақ Динга даъват қилишни) *юзага чиқаринг ва мушириклардан юз ўгиринг*” (Хижр, 94-оят). Яна айтди: “(Эй Мухаммад алайҳиссалом) *афв – марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг*” (Аъроф, 199-оят).

فِي هَاتِينِ الْآيَتَيْنِ إِشَارَةٌ ظَاهِرَةٌ وَدَلَالَةٌ بَاهِرَةٌ إِلَى أَنَّ الْمَطْلُوبَ بِجَمِيلِ الْأَخْلَاقِ أُولُو الْأَلْبَابِ وَالْجَاهِلُونَ غَيْرُ مُلْتَقَتٍ إِلَيْهِ وَلَا مُعَوَّلٌ فِي الْخِطَابِ عَلَيْهِ

Ушбу икки оятда ахлоқи чиройлилиги туфайли матлуб бўлганлар – ақл соҳиблари эканлигига, жоҳил эса илтифот қилинмайдиган, сўзи инобатга олинмайдиган тоифа эканига очиқ ишора ва равshan далолат бор.

أَوَّلُ مَا تَوَاصَى بِهِ الْمُقَرَّبُونَ وَتَدَاوَلَهُ النَّاجُونَ وَأَوَّلَيْ مَا سَلَكَهُ النُّبَلَاءُ وَتَرِيزُ بِهِ الْعُقَلَاءُ التَّحَلِّي بِحُكْلَةِ التَّقْوَى وَالصَّبَرُ عَلَى مِضَاضِ الْبُلْوَى مِنْ غَيْرِ شَكُورٍ

Аллоҳга яқин бандалар бир-бирига тавсия қилган, нажот топувчи бандалар бир-бирига қўлма-қўл етказган нарсанинг энг аввалгиси, асл инсонлар унга кўра юрган, оқиллар у билан зийнатланган нарсанинг энг сараси – тақво либоси билан безанмоқ ва бало уқубатларига шикоятсиз сабр қилмоқдир.

الْعَزَّاءِمُ مَنَازِلُ الْأَبْطَالِ وَاسْتِعْمَالُ الصَّبْرِ دَأْبُ الرِّجَالِ

Хайрли ишни мақсад қилиб, уни бажаришга қаттиқ бел боғлаб киришиш – пахлавонларнинг манзиллари ва сабрдан фойдаланиш – мард кишиларнинг одати.

رُبَّ جَارٍ جَارٌ وَوَاقِفٍ سَارٍ

Елиб-югурувчиларнинг кўпи ўзига жабр қилаётган, тўхтаб турувчиларнинг кўпи сайр қилаётган бўлади.

مَنْ تَدَنَّسْتَ ثِيَابُ مُعَامَلَتِهِ لَمْ يَقْرُبْ مِنَ الْمُقْرَرِينَ

Кимнинг муомала либоси кирланиб қолса, у Аллоҳнинг яқинларига яқинлашолмайди.

أَكْسِرُ حِدَّةَ حَمْرَ الطَّبَّعِ يَرَاجِ الرِّيَاضَةِ،

Хулқ-атвор шаробининг ўткирлигини риёзат аралашмаси билан синдир.

## أُشْدُدْ إِزَارُ الْعَقْلِ بِحِبَالِ التَّقْوَى

Ақл изорини тақво иплари билан бөғла.

يُوسُفُ الْعَقْلِ يَنْظُرُ إِلَى الْعَوَاقِبِ وَرُؤْيَاخَاءُ الْهَوَى تَلَمَّجُ الْعَاجِلِ. إِنَّمَا رَدَّ يُوسُفَ الْعَقْلُ وَإِنَّمَا حَمَلَ رُؤْيَاخَاءَ الْطَّبَّعِ. لَا أَقُولُ لَكَ أَقْلِعْ شَجَرَةَ الطَّبَّعِ مِنْ أَرْضِ الْوَضْعِ إِذْ لَيْسَ فِي الْإِمْكَانِ قَلْبُ طَبَّعِ الْإِنْسَانِ وَإِنَّمَا أَقُولُ دُمْ عَلَى الْمُجَاهَدَةِ تُحْظَى بِالسَّعَادَةِ. وَكُلَّمَا نَبَتَ عِرْقٌ مِنْ عُرُوقِ الْهَوَى فَاقْطَعْهُ بِعَلَاجِ التَّقْوَى وَإِنْ كُلَّ مَا بِهِ تَقْطَعُ فَاسْحَدْهُ يَلْمَعُ

Юсуфий ақл эгаси ишнинг сўнгига қарайди, ҳаво-ю ҳавас Зулайхоси шу соат билангина озиқланади. Юсуфни ақл қайтарди, Зулайходан табиати устун келди. Табиатинг дараҳтини экилган жойидан сугуриб ташлагин демайман, чунки инсон табиатини ўзгартириш мумкин эмас, балки у билан курашишда давом эт, демоқчиман. Шунда Аллоҳ таоло тарафидан бир ёрдам билан насибаланасан. Қачонки, ҳаво-ю ҳавас томирларидан бири ўсадиган бўлса, уни тақво асбоби билан қирқ. Агар қирқаётган асбобинг ўтмаслашиб қолса, уни қайра, яна ўткирлашиб ялтирайди.

قَالَ حَكِيمٌ: مِنْ حَرْمِ الْإِنْسَانِ أَنْ لَا يُخَادِعَ أَحَدًا وَمِنْ كَمَالِ عَقْلِهِ أَنْ لَا يَخْدَعْهُ أَحَدٌ

Донишмандлардан бири айтди: “Инсоннинг бирор кишини алдамаслиги унинг тадбиркорлигидан, бирор кишига алданмаслиги эса ақлининг комиллигидандир”.

لَا تَنَالُ الْقَلِيلَ إِمَّا تُحِبُّ إِلَّا بِالصَّبَرِ عَلَى الْكَثِيرِ إِمَّا تَكُرُّهُ

Яхши кўрган нарсангнинг озига ёмон кўрган нарсангнинг қўпига сабр қилиш билан етасан.

مَنْ أَيْقَنَ بِالْمَحَازَةِ لَمْ يَعْمَلْ سُوءً

Ким жазоланишга ишонса, ёмонлик қилмайди.

أَنْقَصُ النَّاسِ عَقْلًا مَنْ ظَلَمَ مَنْ هُوَ دُونَهُ . أَوْلَى النَّاسِ بِالْعَفْوِ أَقْدَرُهُمْ عَلَى الْعُقُوبَةِ

Инсонларнинг энг ақли қисқаси – ўзидан пастларга зулм қиладигани. Кечиришга энг лойик одам жазолашга қудрати етган одамдир.

الدَّهْرُ لَا يَأْتِي عَلَى شَيْءٍ إِلَّا عَيْرُهُ

Замон ҳар қандай нарсани ўзgartиради.

أَحْسَنُ الْعَطَاءِ مَا كَانَ ابْتِدَاءً

Эҳсоннинг энг чиройлиси аввал қилингани.

لَا شَيْءٌ أَسْرَعُ لِإِزَالَةِ النِّعْمَةِ مِنَ الظُّلْمِ

Неъматни йўққа чиқаришда зулмдан кўра тезроқ нарса йўқ.

شعر:

الدَّهْرُ يَفْتَرِسُ الرِّجَالَ فَلَا تَكُنْ  
مِّنْ تُطِيشُهُمُ الْمَنَاصِبُ وَالرُّتُبُ  
كَمْ نِعْمَةٌ زَالَتْ بِأَدْنَى زَلَّةٍ  
وَلِكُلِّ شَيْءٍ فِي تَقْلِبِهِ سَبَبٌ

Шеър (насрий баён): “Замон инсонларни овляяпти. Мансаб ва мартабалар ақлдан оздиріб қўйғанлар жумласидан бўлма. Қанчадан-қанча неъматлар озгина тойилиш натижасида йўқ бўлади. Ҳар бир нарсанинг ўзгаришида сабаблар бўлади”

الْعَقْلُ وَزِيرٌ نَاصِحٌ، وَالْمَالُ ضَيْفٌ رَاجِلٌ

Ақл насиҳатгўй вазирдир, мол-дунё мусофири мөхмон.

وَالْعُمْرُ طَيْفٌ خِيَالٌ

Умр – хаёл шарпаси.

وَالتَّوَاضُعُ مِنْ مَصَائِدِ الشَّرِفِ

Камтарлик шарафнинг тузоқларири.

الْحَسَدُ كَصَدَاءُ الْحَدِيدِ لَا يَرَأُلُ بِهِ حَتَّى يَأْكُلُهُ

Ҳасад темирнинг зангига ўхшайди, то уни еб тугатмагунча кетмайди.

*Изоҳ. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан Пайғамбар алаиҳиссаломнинг шундай деганлари ривоят қилинади: “Олов ўтинни еб тугатгани каби ҳасад савоб амалларни еб битиради”.*

### الأَيَّامُ صَحَافِفُ الْآجَالِ

Кунлар умрларнинг саҳифалариидир.

### مَنْ صَاحِبَ الزَّمَانَ رَأَى مِنْهُ الْعَجَبَ

Ким замон билан ҳамроҳ бўлса, унинг ажойиботларини кўради.

### مَنْ طَالَ عُمُرُهُ فَقَدَ أَحِبَّتْهُ

Кимнинг умри узун бўлса, яхши кўрганларини йўқотади.

الشعر :

صَبَرًا عَلَىٰ فَقْدِ أَحِبَّائِهِ	مَنْ يَرْجُحُ طُولَ الْعُمُرِ فَلِيَدَرِعْ
مَا كَانَ يَرْجُوهُ لَا عُدَائِهِ	وَمَنْ يُعَمَّرْ يَلْقَ في تَقْسِيمِ

Шеърнинг насрий баёни: “Ким умри узун бўлишини умид қилса, яхши кўрганларини йўқотишга сабр қилиш билан қалқонлансин. Ким узоқ яшаса, душманлари учун орзу қилган нарсаларни ўзида топади”.

مَنِ اعْتَزَلَ عَنِ النَّاسِ أَمِنَ مِنْهُمْ

Ким одамлардан узлат қилса, улардан омонда бўлади.

لِلَّدَّهِرِ طَعْمَانِ حُلُوْ وَمُرْ، وَلِلْأَيَّامِ صَرْفَانِ عُسْرٍ وَيُسْرٍ

Замоннинг таъми икки хил: ширин ва аччиқ. Кунларнинг тусланиши икки хил: оғир ва енгил.

السَّعِيدُ مَنِ اسْتَظْهَرَ لِنَفْسِهِ، وَاعْتَبَرَ بِعُضُّيِّ أَمْسِهِ

Нафси учун ёрдам сўраган ва кечаги кунининг ўтишидан ибрат олган киши баҳтлидир.

الطَّاعَةُ حِرْزٌ وَالْقَنَاعَةُ عِزٌّ

Тоат – қўргон, қаноат азизликдир.

أَكْمَلُ النَّاسِ مَنْ مَلَكَ الرِّجَالَ بِحَمِيلِ الْخِصَالِ وَأَجْهَلُهُمْ مَنْ طَلَبَ مَا لَا يُنَالُ.

Инсонларнинг энг комили чиройли хислатлар билан кишиларни бошқарадигани, уларнинг энг жохили эришиб бўлмайдиган нарсаларни талаб қиласидиганидир.

شعر: إِذَا شِئْتَ أَنْ تُعَصِّي وَإِنْ كُنْتَ قَادِرًا  
فَمُرْ بِالَّذِي لَا يُسْتَطَاعُ مِنَ الْأَمْرِ

Шеърнинг насрий баёни: “Сенга итоатсизлик қилинишини ҳоҳласанг, қўлингдан келса, тоқати етмайдиган ишларни уларга буюр”.

إِقْتَاءُ الْمَنَاقِبِ بِاْحْتِمَالِ الْمَتَاعِبِ.

Мартабаларни ҳосил қилиш қийинчиликларни кўтариш билан бўлади.

شعر:

دَعِينِي أَنْلَ مَا لَا يُنَالُ مِنَ الْعُلَا  
فَسَهْلُ الْعُلَا فِي الصَّعْبِ وَ الصَّعْبُ فِي السَّهْلِ

وَ لَا بُدَّ دُونَ الشَّهْدِ مِنْ إِبْرِ النَّحْلِ<sup>3</sup>.  
ثُبِيدِينَ إِذْرَاكَ الْمَعَالِي رَجِيْصَةً

Шеърнинг насрий баёни: “(Эй нафс) мени тарк эт, шунда етиб бўлмас юксак мартабаларга эришаман, чунки улуғ мартабага енгил етиш йўли оғирлиқда, оғирлик эса енгилликдадир. Олий мартабаларга осонгина эришишни хоҳлаяпсан, бас, у ҳолда, асал олдида асаларининг игнасини тотишинг лозим”.

مَنْ ظَنَّ أَنَّ الْأَيَّامَ ثُسَالِمَةُ فَهُوَ مَحْنُونٌ وَ مَنْ اهْتَمَ بِجَمْعِ الْمَالِ فَهُوَ مَحْرُونٌ وَ مَنْ اعْتَرَ بِمَدْحِ

النَّاسِ فَهُوَ مَفْتُونٌ.

<sup>3</sup>Машхур араб шоири Абу Тоййиб Мутанаббийга тегишли байтлар. У ҳиж.303-354/ мил.915-965-йилларда (Куфа, Бағдод) яшаган.

Кимки кунлар у билан сулҳ тузишган деб ўйласа, у мажнундир, кимки бутун эътиборини мол тўплашга қаратса, у ғамгиндир, кимки одамларнинг мақтовига учса, у фитналангандир.

شعر:

وَ مَنْ يَطْلُبُ الْأَعْلَىٰ مِنَ الْعِيشِ لَمْ يَرَلْ  
حَزِينًا عَلَى الدُّنْيَا كَثِيرٌ غُبُونَهَا  
إِذَا شِئْتَ أَنْ تَحْيِي سَعِيدًا فَلَا تَكُنْ  
عَلَى حَالٍ إِلَّا رَضِيَتْ بِدُونَهَا

Шеърнинг насрый баёни: “Тирикчиликнинг энг олийсини истаган киши алдовлари қўп дунё учун мудом ғам-ташвишда бўлади. Бахтиёр ҳаёт кечирмоқни хоҳласанг, ҳозирги ҳолатингдан пастроғига рози бўл”.

وَ مَا عِزَّ مِنْ شَيْءٍ فَسَوْفَ يَهُونُ	غیره: لَعْمَرِي أَحَادِيث النُّفُوسِ ظُنُونُ
فَبَشِّرْهُ أَنَّ الدَّهْرَ سَوْفَ يَخُونُ	وَمَنْ ظَنَّ أَنَّ الدَّهْرَ مُوفٍ بِعَهْدِهِ
لَعَاشَ مَدَى الْأَيَّامِ وَ هُوَ مَصْوُونٌ	وَ لَوْ عَلِمَ الْأَنْسَانُ مَا هُوَ كَائِنٌ
تَحَارُّ عُقُولُ دُونَهُ وَ طُنُونُ	وَ لَكِنَّ قَضَاءَ اللَّهِ سِرْ حَجَّبٌ

Бошқа шеър (насрый баёни): “Умримга қасам, киши сўзлари гумондан иборат. Нимаики, азиз экан, яқинда хор бўлади. Кимки, замонни ваъдасига вафо қилувчи деб ўйласа, унга хабар бер, яқинда у хиёнат қиласи. Агар инсон энди бўладиган нарсаларни билганида, бутун кун давомида (офат-балолардан)

сақланиб яшаган бўларди. Лекин Аллоҳнинг қазо-ю қадари беркитилган парда, унинг қаршисида ақллар-у ўйлар хайрон-у хайратда!”

مَا عَذَرَ الْإِنْسَانُ نَفْسَهُ عَلَى فَعْلِهِ لَا يَنْبَغِي لَهُ أَنْ يَلْوَمَ عَيْرَهُ عَلَى مِثْلِهِ.

Инсон ўзи қилолмаган ишни бошқаси ҳам қилолмаса, уни маломат қилиши дуруст эмас.

شعر: فَيَحْمِلُ مِنَ الْإِنْسَانِ يَنْسَى عُيُوبَةَ وَ يَذْكُرُ عَيْبَاهُ فِي آخِيهِ قَدْ احْتَمَى

فَلَوْ كَانَ ذَا عَمْلٍ لَمَا عَابَ عَيْرَهُ وَ فِيهِ عُيُوبٌ لَوْ رَأَاهَا هُنَّا أَنْتَفَى

Шеърнинг насрий баёни: “Инсон учун ўз айбларини унутиб, биродарининг яширин айбларини эсга олиш қандаям хунук! Агар оқил бўлса, ўзида айблар бўла туриб, ўзгани айбламайди, балки ўздаги айбларини кўриш унга кифоя”.

مَنْ أَحَبَّ نَكَدَ الْأَعْدَاءِ فَلَيُزِدْ شَرَفًا وَ بَجْدًا.

Кимки душманларнинг қийналишини суйса, шараф ва улуғликни зиёда қилсин.

شعر: عَدُوَكَ بِالْتُّقَى وَ الْعِلْمِ فَافْهَرْ فَأَنْتَ بِدَّا وَ ذَاكَ عَلَيْهِ تَفْوِى

فَمَا قَرَنَ الْفَتَى شَيْئًا بِشَيْئٍ كَمِثْلِ الْعِلْمِ يَقْرِنُهُ بِتَفْوِى

Шеърнинг насрый баёни: “Душманингни тақво ва илм билан мағлуб қил. Сен буниси, яъни тақво ва униси, яъни илм билан душман устидан ғолиб бўласан. Йигит киши бирор нарсани илм билан тақвони боғлаганичалик яқинлаштиромайди”.

قال أبو الأسود الدؤلي شعر:

<p>فَاطْلُبْ هُدِيَّتْ فُنُونَ الْعِلْمِ وَ الْأَدَبِا</p> <p>كَانُوا الرُّؤْسَ فَائِسَى بَعْدَهُمْ ذَكَرًا</p> <p>نَالَ الْمَعَالِي بِالْأَدَابِ وَ الرُّتُبَا</p> <p>نِعْمَ الْقُرِينُ إِذَا مَا صَاحَبَ صَحَبًا</p> <p>عَمَّا قَلِيلٍ فَيُلْقَى الذُّلُّ وَ الْحُزْنَا</p> <p>وَ لَا يُحَاذِرُ مِنْهُ الْقُوَّةُ وَ السَّلَبَا</p> <p>لَا تَغْدِلَنَّ بِهِ دُرًّا وَ لَا ذَهَبًا.</p>	<p>الْعِلْمُ رَزْنٌ وَ شَرِيفٌ لِصَاحِبِهِ</p> <p>كَمْ سَيِّدٌ بَطْلٌ آبَاؤُهُ بُشِّبٌ</p> <p>وَ مُفْرِفٌ حَامِلٌ الْآيَاءِ ذِي أَدَبٍ</p> <p>الْعِلْمُ كَنْزٌ وَ دُخْرٌ لَا فَنَاءَ لَهُ</p> <p>قَدْ يَجْمَعُ الْمَالَ شَخْصٌ ثُمَّ يَخْرُمُهُ</p> <p>وَ جَامِعُ الْعِلْمِ مَغْبُوطٌ بِهِ أَبَدًا</p> <p>يَا جَامِعُ الْعِلْمِ نِعْمَ الدُّخْرُ تَجْمَعُهُ</p>
--	---

Абу Асвад Дуалий шундай шеър<sup>4</sup> ўқиди (насрый баёни): “Илм олим учун зийнат ва улуғлик, бас, илм талаб қил, илм-у одоб фанларида ҳидоят топасан. Қанча ботир бошлиқлар бор, уларнинг оталари улуғ эди, бош эди. Оталаридан сўнг улар думга айланиб қолишиди. Қанча кўримсиз, оталари номсиз ўтган кишилар бор, улар адаб соҳиби, одоб билан олий мартабаларга, даражаларга эришган. Илм – хазина ва туганмас захирадир. Илм қандаям яхши дўст, қачонки, у билан дўстона сухбат

<sup>4</sup> Ушбу шеър “Тариху мадинати Димашқ” асарида айрим фарқлар билан келтирилган. Бошқа бир манбада бу шеър Собиқ Барбарийга нисбат берилган.

курилса! Гоҳо киши мол-дунё тўплайди-ю, озгина вақтдан сўнг ундан маҳрум бўлади ва хорлик-у хўрликка юз тутади. Илм тўпловчи эса доимо ҳавасга лойик, у ўзидағи илм йўқолиб қолишидан, бирор уни тортиб олишидан қўрқмайди. Эй, илм тўплагучи, қандайям яхши захира йиғибсан! Зинҳор, уни дур-у тиллоларга тенглаштирма”.

إِذَا شَكَرَكَ إِنْسَانٌ مِنْ غَيْرِ سَابِقِ إِحْسَانٍ فَحَقِّقْ أَمْلَهُ شَسْتَرِّيْ عَمَلَهُ.

Агар сизга бир инсон яхшилик қилишингиздан олдин раҳмат айтса, унинг орзусини рўёбга чиқаринг, шунда унинг бошлаган ишини охирига етказиб қўйган бўласиз.

تُعْرِفُ الْخِسْنَةُ بِالْكَلَامِ فِيمَا لَا يَعْنِي وَالجَوَابُ عَمَّا لَا يُسْأَلُ عَنْهُ.

Тубан кимса бехуда гапларни сўзлашидан ва сўралмаган саволга жавоб бершидан билинади.

الْجَزْعُ بِالْمُصِبَّةِ مُصِبَّةُ أُخْرَى.

Мусибатга куюниш яна бир мусибатdir.

مَنِ اسْتَوْلَثْ عَلَيْهِ السَّلَامَةُ فَلَيَخِذِرِ الْعَطَابَ وَ مَنْ كَرِهَ الْمَلَامَةُ فَلَيَجِدَ فِي الطَّلَبِ.

Кимки саломат экан, бас, саломатлигига заар етишидан сақлансин. Ким маломатни ёмон күрадиган бўлса, интилиш-изланишда жидду жаҳд қилсин.

مَنْ تَسْأَلَ بِاللَّذِينَ عَلَا قُدْرَةُ وَ مَنْ قَصَدَ الْحُكْمَ كُمْلَ فَخُرُوْ.

Ким динни маҳкам ушласа, қадри юксалади, ким хаққа интилса, фахр-у иззати мукаммал бўлади.

مَنْ اتَّهَجَ بِالْمَوَاهِبِ ازْرَعَجَ بِالْمَصَائِبِ.

Кимки фазилатлари билан қувонса, мусибатлар билан безовта бўлади.

شعر: الدَّهْرُ لَا يَبْقَى عَلَى حَالٍ لَا يُدْبِرُ

فَاصْبِرْ فَإِنَّ الدَّهْرَ لَا يَصْبِرْ فَإِنْ تَلَقَاكَ إِمْكُرُوكَةٍ

Замон бир ҳолда турмайди. Унинг сенга юзланиши ё сендан юз ўгириши шубҳасиздир. Агар у сенга фалокатлари билан юзланса, сабр қил, чунки замон сабр қилмайди.

مَنْ سَلَكَ الْبِتَادَ بَلَغَ الْمَرَادَ.

Ким тўғри йўлда юрса, муродига етади.

الْقَنَاعَةُ رَأْسُ الْغَيْرِ وَ أَسَاسُ التُّعَمِّي.

Қаноат – бойликтининг боши ва тақвонинг асоси.

الْعَاقِلُ مَنْ اغْتَمَ عَقْلَةَ الرَّمَانِ وَ اتَّهَمَ فُرْصَةَ الْمَكَانِ.

Оқил замон ғафлатини ғанимат билган ва имкон фурсатини ушлаган кишиидир.

أَخْلَى الْأَشْيَاءِ نَيْلُ الْمَرْحُوَةِ وَ أَمْرُهَا ظَفَرُ الْعَدُوِّ.

Нарсаларнинг энг ширини – умидга етиш, энг аччиғи душманнинг зафар қучиши.

الشَّغَلُ بِنِ إِقْبَالٍ جَدِّهِ يَعْلَمُ الْأَسَدِ بِإِدْبَارٍ سَعِيدِهِ.

Омади келган тулки омад юз ўтирган шердан ғолиб келади.

شعر: وَ إِذَا الْعِنَاءُ لَا حَظَّتَكَ عُيُونَهَا  
مَمْ قَالْمَخَاوِفُ كُلُّهُنَّ أَمَانٌ

وَ اصْطَلَدَ بِكَ الْعَنَاءُ فَهِيَ حَبَائِلُ  
وَ اقْتَدَ بِكَ الْجُوزَاءُ فَهِيَ عَنَانُ

Шеърнинг насрий баёни: “Иноят сенга кўзларини тикиб турибди, тинч ухла, бу кез барча хавф-хатарлар осойишталикка айланади. Иноят тузоғи билан Анқо қушини овла. Иноят билан Жавзо юлдузини жиловла”.

البَيْعَائِيُّ نَارٌ وَ قَوْلُهَا عَارٌ وَ مَنْشُؤُهَا قِلَّةٌ وَرَعٌ أَوْ شَدَّهُ طَمَعٌ.

Чақимчилик – олов, уни қабул қилиш – уят, тақвонинг камлиги ёки тамаънинг кучлилиги чақимчиликнинг манбаидир.

قَالَ حَكِيمٌ ازْفَضِ الْمَوْىِ فَإِنَّهُ إِذَا غَلَبَ الْعُقْلَنَ جَعَلَ مُخَاسِنَ الْمَرْءِ مَسَاوِيَ فَيَصِيرُ الْحَلْمُ حِقًّا وَالْعِبَادَةُ رِبَاءً وَالْجُنُودُ تَبَذِّلِيًّا وَالْأُقْتِصَادُ بُخْلًا.

Донишмандлардан бири айтди: “Ҳаво-ю ҳавасни инкор эт, чунки у ақлга ғолиб бўлса, кишининг яхшиликларини ёмонликка ўзгартиради, кейин ҳалимлик кек-адоватга, ибодат риёга, сахийлик исрофга, иқтисод баҳилликка айланади”.

عَلَى هَوَاهُ عَقْلُهُ فَقَدْ بَحَى وَ آفَهُ الْعُقْلُ الْمَوْىِ فَمَنْ عَلَا شعر:

Шеърнинг насрий баёни: “Ақлнинг офати ҳаво-ю ҳавасдир, бас, кимнинг ақли ҳаво-ю ҳавасидан устун келса, нажот топади”.

الْحُرْصُ مَفْتَاحُ الدُّلُّ وَ الْجُنُدُ مَفْتَاحُ الْعَدَاوَةِ وَ اتِّبَاعُ الشَّهْوَةِ مَفْتَاحُ التَّنَادِيِّ وَ الْإِلْحَاجُ مَفْتَاحُ الرَّحْمَةِ وَ الْقَنَاعَةُ مَفْتَاحُ الرَّاحَةِ.

Очкүзлик – хорлик, кек сақлаш – душманлик, дунё истагига тобеъ бўлиш – пушаймонлик, астойдил сўраш – раҳмат, қаноат роҳат қалитидир.

وَ التَّسْجِرِيَّةُ مِرَأَةُ الْعَوَاقِبِ.

Тажриба – оқибатлар кўзгуси.

حُبُّ النِّسَاءِ أَصْلُ الْمَعَاطِبِ وَ كَثْرَةُ الْحَلْوَةِ بِهِنَّ فَسَادٌ لِلطَّبَاعِ وَ الْعُقُولِ.

Аёлларни яхши кўриш ҳалокатларнинг ўзаги, улар билан кўп хилватда бўлиш табиатлар-у ақлларни бузувчи фасоддир.

مَمْ يَخْلُلُ مِنْ جَوْهِهِنَّ الدَّهْرِ إِنْسَانٌ

شعر: إِنَّ النِّسَاءَ وَ إِنْ أَظْهَرُنَّ مَرْحَمَةً

وَ خُبُّهُنَّ لِمَنْ أَحْبَبْنَ حُسْنَرَانُ

إِنْ هُنَّ آبَعَضُنَ إِنْسَانًا فَتَكُنْ بِهِ

الْكُلُّ الْكُلُّ لِلْأَزْوَاجِ حَوْانُ

الْكُلُّ الْكُلُّ لَا تَسْتَشِنْ وَاحِدَةً

Шеърнинг насрий баёни: “Гарчи аёллар қанча мулойимлик изхор қилсалар ҳам, умр бўйи инсон уларнинг жавридан холи бўлолмайди. Агар улар бирор инсонга ғазаб қилсалар, уни ҳалок қиласдилар. Агар бирорни яхши кўрсалар, охир-оқибат бу муҳаббат у киши учун зиён бўлиб чиқади. Улардан

ҳеч бирини истисно қилмаган ҳолда ҳамма, ҳаммасидан узок бўл, уларнинг ҳамма, ҳаммаси эрларига хиёнаткордир”.

قَالَ حَكِيمٌ إِذَا فَعَلْتَ مَعْرُوفًا فَاسْتَرْهُ وَ إِذَا أُولَئِنَّهُ فَاشْكُرْهُ وَ لَا تُعَوِّذْ تَعْسِكَ إِلَّا مَا يَكْتُبُ لَكَ أَجْرُهُ وَ يُمْدُدُ عَنْكَ نَشْرُهُ وَ لَا تَفْعَلْ مَا يَسُوءُكَ عَاجِلًا وَ يَضُرُّكَ آجِلًا.

Донишмандлардан бири айтди: “Қачонки, бир яхшилик қиласиган бўлсанг, дарҳол уни яшир, сенга яхшилик қилинса, миннатдор бўл, нафсингни фақат ажри ёзиб қўйиладиган ва мақталадиган ишларга ўргат, ҳозир сенга ёқимсиз бўлган, сўнги ҳам сенга зарар бўладиган ишни қилма”.

شِفَاءُ الْجِنَانِ قِرَاءَةُ الْقُرْآنِ.

Қалблар шифоси – Куръонни қироат қилиш.

أَفْضَلُ الْمَعْرُوفِ إِغَاثَةُ الْمُلْهُوفِ.

Яхши ишларнинг афзали – ҳалокат юзланган одамга ёрдам бериш.

الْأَعْصَاءُ عَنِ الْمُفَوَّاتِ مِنْ أَخْلَاقِ السَّادَاتِ.

Хато камчиликларни кечириш улуғларнинг хулқлариданdir.

الْأَخِلَاءُ نَفْسٌ وَاحِدٌ فِي أَحْسَادٍ مُّتَبَاعِدَةٍ.

Ахл дўстлар турли таналардаги битта жондир.

شُرُّ النَّاسِ مَنْ لَا يُرْجِحُ خَيْرًا وَ لَا يُؤْمِنُ صَيْرًا.

Инсонларнинг ёмони яхшилиги умид қилинмайдиган ва зараридан сакланиб бўлмайдиган кишидир.

الْعَاقِلُ يَجِدُ فِي عَمَلِهِ وَ الْجَاهِلُ يَعْتَمِدُ عَلَى آمْلِهِ.

Оқил инсон амалида жидду жаҳд қиласи, жоҳил эса орзусига суюнади.

وَ تَكَامُ الْعِلْمِ اسْتِعْمَالُهُ وَ تَكَامُ الْعَمَلِ اسْتِقْلَالُهُ.

Илмнинг мукаммали – уни ишлатиш, амалнинг мукаммали – уни оз деб билишдир.

روضة رائقه

**Тоза боғча**

فَيَلْ إِنْرَاهِيمَ بْنِ عُبَيْنَةَ أَطْوَلُ نَدَامَةً؟ قَالَ أَمَّا فِي الدُّنْيَا فَصَانِعُ الْمَعْرُوفِ لِمَنْ لَا يَشْكُرُهُ، وَأَمَّا فِي الْآخِرَةِ فَعَالِمٌ مُغَرِّطٌ.

Иброҳим ибн Уяйна<sup>5</sup>дан: “Қайси инсоннинг пушаймонлиги кўп чўзилади?

— дея сўралди. У айтди: — Яхшиликни билмайдиган кимсага яхшилик қилувчи кишининг пушаймонлиги бу дунёда энг узоқ чўзиладиган пушаймонликдир. Аммо Охиратда энг кўп пушаймон бўладиган инсон — сусткаш, илмига амал қилмайдиган олимдир”.

شعر: إذا لم يزد عِلْمُ الْفَتَى قَلْبُهُ هُدًى وَ سِيرَتُهُ عَدْلًا وَ أَخْلَاقَهُ حُسْنًا  
فَبَشِّرُهُ أَنَّ اللَّهَ أَوْلَاهُ فِتْنَةً تُعَشِّيهِ حِرْمَانًا وَ ثُوَسِّعُهُ حُزْنًا

Шеър. “Агар йигитнинг илми қалбida ҳидоятни, сийратида адолатни ва ахлоқида гўзалликни зиёда қилмаса, бас, уни шундай хабар билан “суюнтириб” қўйки, Аллоҳ таоло уни ҳар нарсадан маҳрум қилиш билан ўраб оладиган, ғам-қайғусини қўпайтирадиган бир фитнага топшириб қўяди.

صِحَّةُ الْبَدَنِ فِي الصَّوْمَمْ .

Бадан соғлиги рўзада.

صَلَادَةُ اللَّيْلِ بِهَاءُ النَّهَارِ .

<sup>5</sup> Иброҳим ибн Уяйна ал-Ҳилолий Куфий хижрий 197 (мил.813) йилда вафот этган. Захабийнинг “Тарихул Ислом” китобидаги маълумот.

Тунги намоз кундузнинг кўркидир.

مَنْ قَلَ عَهْلُهُ كَثُرٌ هَرْلَهُ.

Ақли оз кишининг ҳазили кўп.

الْإِفْلَالُ مِنَ الْكَلَامِ أَبْعَدُ عَنِ الْمَلَامِ.

Камгаплик – маломатдан энг узоқлаштирувчи сифат.

جَمَالُ الْإِنْسَانِ كَمَالُ الْلِّسَانِ.

Инсоннинг чиройи тилнинг камолидир.

مِنَ الصَّلَالِ طَلَبُ الْمَحَالِ.

Маҳол нарсани талааб қилиш – адашиш.

مَبْدًأ رَأْيِ الْعَاقِلِ غَایَةُ رَأْيِ الْجَاهِلِ.

Оқил киши фикрининг бошланиш жойи жоҳил киши фикрининг чўққисидир.

لَيْسَ لِلنَّفْسِ عَوْضٌ وَلَا لِلْأَيَامِ بَدْلٌ.

Жоннинг эвази йўқ, кунлар ўрнини босадиган кунлар йўқ.

شعر:

تَمَتَّعْ مِنَ الدُّنْيَا بِسَاعَاتِكَ الَّتِي  
ظَفَرْتَ بِهَا مَا مَمْ تَعْقِلُكَ الْعَوَائِقُ  
فَمَا يَوْمُكَ الْمَاضِي عَلَيْكَ بِعَائِدٍ  
وَلَا يَوْمُكَ الْآتِي بِهِ أَنْتَ وَاثِقٌ

Шеър. Модомики, тўсиқлар йўқ экан, дунёнинг қўлга кирган соатларидан фойдалан. Ўтган кунинг қайтувчи эмас, келаётган кунга эса сенда ишонч йўқ.

بِالْحَلْمِ يَسُودُ الْإِنْسَانُ وَبِالْإِيْجَازِ يَكْمُلُ الْبَيَانُ.

Ҳалимлик билан инсон хукмрон, қисқалик билан баён мукаммал бўлади.

بِالرِّفْقِ تُنَالُ كُلُّ إِرَبٍ وَتَأْمَنُ مِنْ كُلِّ عَطَابٍ.

Юмшоқлик билан барча мақсадга етилади ва барча мاشаққатдан омон бўлинади.

شعر:

لَمْ أَرَ كَالَّرَافِيقِ فِي فِعْلِهِ  
قَدْ يَجْدَعُ الْعَذْرَاءِ فِي حِدْرِهَا

مَنْ يَسْتَعِنْ بِالرِّفْقِ فِي أَمْرِهِ  
يَسْتَخْرِجُ الْحَيَّةَ مِنْ وَكْرِهَا

Феъллар ичра юмшоқ муомаладек таъсир қилувчи феълни кўрмадим. У баъзан келинчакни чимилдиғида аврай олади. Кимки ўз ишида юмшоқликка суюнса, илонни инидан чиқаради.

لِكُلِّ مَقَالٍ جَوَابٌ وَلِكُلِّ أَجَلٍ كِتَابٌ.

Хар гапнинг жавоби, ҳар муддатнинг ҳисоби бор.

شُكْرُ اللَّهِ سُبْحَانَهُ وَتَعَالَى بِالتَّعْظِيمِ وَشُكْرُ الْمُلُوكِ بِالدُّعَاءِ هُمْ وَشُكْرُ الْأَصْحَابِ بِالْحُسْنِ  
الْجُزَاءُ.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога шукр қилиш улуғлаш билан, подшоҳларга шукр қилиш улар ҳаққига дуо қилиш билан, дўстларга шукр қилиш чиройли мукофотлаш билан бўлади.

أَشْرُرُ الْأَشْرَارِ مَنْ لَا يَقْبِلُ الْإِعْتِذَارَ.

Ёмонларнинг ёмони узрларни қабул қилмайдиган кишидир.

مَنْ رَجَعَ فِي هِبَتِهِ فَقَدْ بَالَّغَ فِي حِسَّتِهِ.

Ким ўзига берилган ҳадяни қайтарса, тубанлигини оширибди.

مَنْ سَاءَ خُلْفُهُ ضَاقَ رِزْفُهُ.

Кимнинг хулқи ёмон бўлса, ризқи тор бўлади.

الْحَزْمُ فِي الْأُمُورِ أَوَّلَى مِنَ الْعُرُورِ.

Ишларда хушёрлик алданишдан яхшироқдир.

إِذَا كَثُرَتِ الْآرَاءُ خُفِيَ الصَّوَابُ.

Фикру қарашлар қўпайса, тўғрилик йўқолади.

شعر:

فَارِسِلْ حَكِيمًا وَلَا تُوْصِيهِ	إِذَا كُنْتَ فِي حَاجَةٍ مُرْسِلًا
فَشَاؤْرْ حَكِيمًا وَلَا تَعْصِيهِ	وَإِنْ بَابُ أَمْرٍ عَلَيْكَ التَّوْى
فَلَا تُبَاعِدْهُ وَلَا تُقْصِيهِ	وَإِنْ نَاصِحٌ يَوْمًا مِنْكَ دَنَا

Шеърнинг насрий баёни: “Қачонки, бир иш учун кимнидир элчи қиласиган бўлсанг, доно кишини жўнат ва унга насиҳат қилма. Агар сенга бирор ишнинг эшиги бекилиб қолса, доно киши билан маслаҳатлаш ва унга

итоатсизлик қилма. Агар бирор насиҳат қилувчи сенга яқинлашса, ундан узоклашма, уни ҳайдама”.

وَقَالَ بُزْرُجٌمِهْرُ: أَفْوَى مَا يَكُونُ مِنَ الدَّوَابِ لَا غِنَىٰ بِهِ عَنِ السُّقُوطِ وَأَعْقَلُ مَا يَكُونُ مِنَ النِّسَاءِ لَا غِنَىٰ بِهَا عَنِ الزِّوَاجِ وَأَدْهَى مَا يَكُونُ مِنَ الرِّجَالِ لَا غِنَىٰ بِهِ عَنِ الْمُشَاوَرَةِ.

Бузругмехр деди: “Энг қувватли ҳайвон ҳам йиқилишдан, энг оқила аёл ҳам эрга тегишдан, энг уддабурон эркак ҳам маслаҳатлашишдан беҳожат бўлолмас”.

شعر:

إِنَّ اللَّيْبَ إِذَا تَفَرَّقَ رَأْيُهِ  
فَتَقَ الأُمُورَ مُنَاظِرًا وَمُشَارِرًا  
وَتَرَاهُ يَعْتَسِفُ الْأُمُورَ مُخَاطِرًا  
وَأَخُو التَّكَبُّرِ يَسْتَبِدُ بِرَأْيِهِ

Шеърнинг насрый баёни: “Қачонки, зийрак кишининг фикру ўйи паришон бўлса, баҳслашиб, кенгashiб хотирини жамлайди. Такаббур кимсанинг эса ўз қарашини хоҳлаганча тасарруф қилаётганини ва хатарларга бош уриб, ишларда зўрма-зўракилик қилаётганини кўрасан”.

الْوَلْدُ السُّوءُ يَشِينُ السَّلَفَ وَيَهْدِمُ الشَّرَفَ.

Ёмон бола ўтганларни қоралайди ва шарафни хароб қиласди.

شعر:

إِذَا أَظْهَرَ الدَّهْرُ شَخْصًا لَّبِيبًا  
فَكُنْ فِي ابْنِهِ سَيِّءَةَ الْإِعْتِقَادِ  
فَلَسْتَ تَرَى مِنْ بَحِيرٍ بَحِيرًا وَهَلْ تَلِدُ النَّارُ غَيْرَ الرُّمَادِ

Шеър (насрий баён): “Агар замон закий шахсни юзага чиқарса, унинг ўғли хақида ёмон эътиқодда бўл. Бас, улуғлардан улуғ чиққанини кўрмагансан-ку, олов ёниб бўлгач, кулдан бошқасини қолдирадими?”

قالَ حَكِيمٌ: كَمَا أَنَّ الشَّمْسَ لَا يَخْفَى ضَوْءُهَا وَإِنْ كَانَتْ تَحْتَ السَّحَابِ، كَذِلِكَ الصَّيْلُ لَا  
تَخْفَى غَرِيزَةُ عَقْلِهِ وَإِنْ كَانَ مَعْمُورًا بِأَخْلَاقِ الْحَدَاثَةِ.

Донишмандлардан бири айтди: “Қуёш нури, гарчи булат остида бўлса ҳам йўқолмаганидек, гўдак болалик хулқларига гарқ бўлса-да, унинг ақл ғаризаси қолади.

شعر:

فِي الْمَهْدِ يَنْطِقُ عَنْ مَنَاقِبِ سَعْدِهِ  
أَشْرُ النَّجَابَةِ ظَاهِرُ الْبُرْهَانِ

Шеър (насрий баён): “Улуғликнинг изи гўдакдаги саодатли фазилатларни бешикдалигидаёқ очик-ойдин айтиб туради”.

وَأَجْمَلُ حِصَالِ الْكَرِيمِ تَرْكُ جَوَابِ اللَّئِيمِ.

Хурматли киши хислатларининг энг чиройлиси пасткашга жавоб беришни тарк қилишидир.

قَالَ حَكِيمٌ إِذَا أَحْزَنَكَ أَمْرٌ فَانْظُرْ فَإِنْ كَانَ مِمَّا لَكَ فِيهِ حِيلَةٌ فَلَا تُعْجِزْ نَفْسَكَ عَنِ  
اسْتِدْرَاكِهِ وَدَفْعِهِ وَإِنْ كَانَ مِمَّا لَا حِيلَةَ فِيهِ فَاصْبِرْ وَلَا تَحْزَنْ فَكُلُّ شَيْءٍ لَهُ بِدَائِيَّةٌ وَعَلَيْكَ  
السَّعْيُ وَلَيْسَ عَلَيْكَ النَّجَاحُ.

Донишмандлардан бири айтди: “Қачонки бир иш сени ғамга солиб қўйса, карагин, агар бу қийинчилик хийла билан ундан чиқиб кетадиган ишлар сирасидан бўлса, нафсинг бу мушкилнинг моҳиятига етиб, уни даф этишда ожизлик қилмасин. Агар у хийла билан ечилмайдиган ишлар жумласидан бўлса, бас, сабр қил, жазавага тушма. Чунки бошланиши бор ҳар қандай ишнинг, нихояси ҳам бор. Сендан талаб қилинадиган иш – сайъ-ҳаракат қилиш, муваффакият қозониш эмас.

شعر:

عَلَى الْمَرْءِ أَنْ يَسْعَى إِلَى الْخَيْرِ جُهْدُهُ  
وَلَيْسَ عَلَيْهِ أَنْ تَتِمَ الْمَطَالِبُ

Шеър (насрий баён): “Кишидан яхшиликка жон-жаҳди билан ҳаракат қилиши талаб этилади, истак-хоҳишлиарнинг тўла амалга ошиши эмас”.

لَا تُنْكِثُ مُخَالَطَةَ النَّاسِ، فَإِنْ فَعَلْتَ فَاغْمِضْ عَنِ الْقَدَى وَاحْتَمِلْ مَا يَنَالُكَ مِنَ الْأَذَى.

Одамларга кўп ҳам аралашаверма. Агар аралашсанг, энди чанг-ғубордан кўзингни юм ва ўзингга етадиган азиятларни кўтар.

شعر:

إِذَا كُنْتَ فِي كُلِّ الْأُمُورِ مُعَايِهٌ  
صَدِيقَكَ لَمْ تَلْقَ الَّذِي لَا تُعَايِهٌ  
فَعِشْ وَاحِدًا أَوْ صِلَهُ أَخَاهُ فَإِنَّهُ  
إِذَا أَنْتَ لَمْ تَشْرَبْ شَرَابًا عَلَى الْقَدَى ظَمِئْتَ وَأَيُّ النَّاسِ تَصْنُفُو مَشَارِيْهُ  
كَفَى الْمَرْءَ نَبْلًا أَنْ تَعْدَ مَعَايِهٌ  
وَمَنْ ذَا الَّذِي تُرْضِي سَجَایاً كُلُّهَا

Шеър (насрий баён): “Ҳар бир ишда дўстингга танбех берувчи бўлсанг, сенинг танбехингдан холи дўстни тополмайсан. У ҳолда бир ўзинг яша ёки биродарингга яхшилик қил. Чунки у (умрида лоақал) бир марта гуноҳ содир этувчи ёки гуноҳдан четлашгувчи. Агар сен, чанг тушган экан, деб ичимлик ичмасанг, чанқайсан. Қайси инсоннинг ичадиган ўрни чанг-тубордан холи – соф? Барча хулқларидан рози бўлинадиган инсон борми? Айбларининг саноқли бўлмоғи кишининг олижаноб эканлигига кифоядир”.

قالَ بَعْضُهُمْ:

مَضَى الْخَيْرُ طَرَّا لَيْسَ فِي النَّاسِ مُنْصَفٌ  
وَكُلُّ وِدَادٍ فَهُوَ مِنْهُمْ تَكْلُفٌ  
وَكُلُّ إِذَا عَاهَدْتَهُ فَهُوَ نَاقِضٌ  
لِعَهْدِكَ أَوْ وَاعْدَتَهُ فَهُوَ مُخْلِفٌ  
وَأَبْنَاءُ هَذَا الدَّهْرِ كَالَّدَهْرِ لَمْ يَقِنْ  
بِهِ وَهُمْ إِلَّا جُهُولٌ وَمُسْرِفٌ

Ҳакимлардан бири айтди: “Яхшиликларнинг ҳаммаси ўтди, одамлар ичida инсофилилари қолмади. Улар томонидан содир этилаётган ҳар бир меҳру муҳаббат – тақаллуф(чираниш)дир холос. Улар билан қанча аҳдлашма, аҳдингни бузгувчи ёки қанча ваъдалашма,

хилоф қилгувчидир. Бу замон болалари замонга ўхшаш. Замон ва унинг болаларига фақат нодон ва исроф қилувчилар ишонадилар”.

قالَ حَكِيمٌ: خَيْرُ الْكَلَامِ مَا قَلَ وَمَا دَلَّ وَمَا يَطْلَعُ فَيُمَلَّ. الْأَدَبُ إِنْ تَطَعَّمْتَ بِهِ نَجَحَ وَإِنْ تَعَطَّرْتَ بِهِ سَطَعَ وَإِنْ تَرَوَيْتَ بِهِ نَفَعَ. أَدَبُ النَّفْسِ خَيْرٌ مِنْ أَدَبِ الدَّرْسِ. نِعْمَ النَّاصِرُ الْجَوَابُ الْحَاضِرُ. إِكْتَسِبْ أَدَبًا تَكْتَسِبْ نَسَبًا. الْعُقْلُ بِغَيْرِ أَدَبٍ شَيْءٌ وَالْأَدَبُ بِغَيْرِ عُقْلٍ حَيْثُنَّ. لُقَاطَاتُ الْأَدَبِ قُرَاضَاتُ الدَّهَبِ. حُلْيُ الرِّجَالِ مَا يُحِسِّنُونَهُ وَحُلْيُ النِّسَاءِ مَا يُلَبِّسُونَهُ. حُلْيُ الرِّجَالِ الْأَدَبُ وَحُلْيُ النِّسَاءِ الدَّهَبُ. ذَكَرُ عَقْلَكَ بِالْأَدَبِ كَمَا تُذَكِّي النَّارَ بِالْحَطَبِ.

Донишманд деди: “Гапнинг яхиси – қисқа ва аниқликка далолат қиласигани. Гапнинг чўзилгани малоллантириб қўяди. Одоб билан озиқлансанг, шифо бўлади, у билан ифорлансанг, хушбўйи атрофга таралади, у билан ўзингни суғорсанг, нафъ етади. Нафс одоби дарс одобидан хайрлироқдир. Ҳозир жавоблик қандаям яхши кўмакчи! Одобни касб қил, яхши насаб ҳосил қиласан. Одобсиз ақл шармандалик, ақлсиз одоб ҳалокатдир. Одоб бошоқлари олтин зарраларидир. Эркаклар зийнати чиройли бажарган ишлари, аёллар зийнати кийган кийимларидир. Эркаклар зийнати одоб, аёллар зийнати тилладир. Ақлингни ўтин ўтни алангалатгани каби алангалат”.

قالَ حَكِيمٌ: عَقْلٌ بِلَا أَدَبٍ كَشْجَاعٌ بِغَيْرِ سِلَاحٍ.

Донишмандлардан бири деди: “Одобсиз ақл қуролсиз ботирга ўхшайди.

شعر:

فَيَا لَائِمِي دَعْنِي أَغَالِي بِقِيمَتِي  
فَقِيمَةُ كُلِّ النَّاسِ مَا يُحِسِّنُونَهُ

Шеър (насрий баён): “Эй мени маломат қилувчи! Ўз ҳолимга қўй, қийматимни оширай. Бас, барча инсоннинг қиймати чиройли бажарган ишидир”.

الْمُرْوَةُ التَّامَّةُ مُبَايِنَةُ الْعَامَّةِ.

Оммадан ажралиш тўла мардликдир.

الإِنْفِرَادُ فِي الْخُلُوَّةِ أَقْمَعُ لِدَوَاعِي الشَّهْوَةِ.

Узлатдаги ёлғизлик шаҳват(дунё истаклари)ни туғдирувчи сабабларни йўқ қилувчиидир.

الْأَدْبُ وَسِيلَةٌ إِلَى كُلِّ فَضْيَلَةٍ وَذَرِيعَةٌ إِلَى كُلِّ شَرِيعَةٍ.

Хар бир фазилатга, хар бир қонунга восита одобдир.

النِّعَمَةُ وَسِيمَةٌ فَاجْعَلِ الشُّكْرُ لَهَا تَمِيمَةً. لَا زَوَالٌ لِلنِّعَمَةِ مَعَ الشُّكْرِ وَلَا بَقَاءٌ لَهَا مَعَ النُّكْرِ.

Неъмат гўзал нарса, шукрни унга тумор қил. Шукри бор неъматнинг заволи йўқ, инкор-ла бирга неъматнинг бақоси йўқ.

شعر:

فَلَا تَقْطَعُ الْعُمَرَ إِلَّا هُمْ  
هُوُمُكَ بِالْعَيْشِ مَقْرُونَةٌ

فَمَا تَأْكُلُ الْحُبْزَ إِلَّا يُسَمِّ فَإِنَّ الْمَعَاصِيَ تُنِيلُ النِّعَمَ فَإِنَّ الِّهَ سَرِيعُ النِّقَمِ فَحَادِرُ رَوَالٌ إِذَا قِيلَ ۖ	وَلَدَهُ دُنْيَاكَ مَسْمُومَةٌ إِذَا كُنْتَ فِي نِعْمَةٍ فَارْعَهَا وَدَاؤُمْ عَلَيْهَا بِشُكْرِ الِّهِ وَإِنْ يَمْ شَيْءٌ بَدَا نَفْصُهُ
--	--

Шеър (насрий баён): “Бутун ғамларинг тирикчилик билан боғланган, умринг фақат ғам билан кечяпти. Дунёнг лаззати заҳарланган, нонни фақат заҳар билан қўшиб еяпсан. Қачонки бир неъмат қўлга кирса, унинг риоясини қил, чунки гуноҳлар неъматларнинг кушандасидир. Неъматлар етар экан, Аллоҳнинг шукронасида давомли бўл, негаки, Аллоҳ тез ўч оловчи зот. Нима нарсаки, тугал бўлса, унинг нуқсони қўринади. Бас, нимаики, тугал бўлди, дейилса, унинг заволидин эҳтиёт бўл”.

الْزُّهْدُ فِي الدُّنْيَا الرَّاحَةُ الْكُبْرَى وَالرَّغْبَةُ فِيهَا الْبَلَىءُ الْعَظِيمُ.

Дунёдан зухд – улуғроҳат, дунёга рағбат улуғ балодир.

الرَّدُّ الْجَمِيلُ أَخْسَنُ مِنَ الْمَطَلِ الطَّوِيلِ.

Узундақ-узоқ чўзиб юришдан чиройли рад қилиш гўзалроқдир.

السُّؤَالُ وَإِنْ قَلَّ ثَمَنٌ لِكُلِّ نَوَالٍ وَإِنْ حَلَّ.

Гарчи сўралган нарса қанча оз бўлиб, берилган нарса қанча кўп бўлмасин, сўрашнинг нархи беришдан баланд.

شعر:

بَدَلًا وَإِنْ نَالَ الْغَنَى بِسُؤَالٍ	مَا اعْتَاضَ بَادِلٌ وَجْهِهِ بِسُؤَالِهِ
رَجَحَ السُّؤَالُ وَخَفَّ كُلُّ نَوَالٍ	وَإِذَا السُّؤَالُ مَعَ النَّوَالِ وَرَنْتُهُ

Шеър (насрий баён): “Сўраш орқали қанча бойлик қўлга кирмасин, сўраб юзини шувит қилганининг ўрнини босолмайди. Агар тиланчилик ва берилган нарсаларни ҳар паллада тортсанг, тиланчилик оғир, берилган барча нарсалар енгил келади”.

إِسْتَغْنِ عَمَّنْ شِئْتَ فَأَنْتَ نَظِيرُهُ، وَاحْتَاجُ إِلَى مَنْ شِئْتَ فَأَنْتَ أَسِيرُهُ وَتَقْضَلُ عَلَى مَنْ شِئْتَ  
فَأَنْتَ أَمِيرُهُ

Сен истаган кишига хожатинг тушмасин, унга баробар бўласан. Ўзинг истаган кишига муҳтож бўл, асири бўласан. Истаган кишингга яхшилик қил, бас, амири бўласан.

إِنْمَ الْعَفَافَ يَلْزَمُكَ الْكَفَافُ.

Сўрашдан ўзингни тий, етарли ризқ сенга ўзи келади.

شعر:

أَفَلَا تَكُونُ إِمَاءٍ وَجْهِكَ أَبْخَلَأً	تُلَحِّي عَلَى الْبُخْلِ الْبَخِيلِ إِمَالِهِ
قَدْرُ الْحَيَاةِ أَقْلَعَ مِنْ أَنْ تَسْأَلَ	أَكْرِمٌ يَدِيْكَ عَنِ السُّؤَالِ فَإِنَّمَا
وَأَيْتُ مُشْتَمِلًا بِهِ مُتَزَمِّلًا	وَلَقَدْ أَضْمُمُ إِلَيَّ فَضْلَ قَنَاعَتِي

وَأُرِيَ الْعَدُوُّ عَلَى الْخُصَاصَةِ حَالَةً  
تَصِيفُ الْغَنَى فِي حَالِنِي مُتَمَوِّلاً  
وَنَدَامَةً أَفْنَيْتُهُنَّ تَوْكُلاً  
وَإِنْ امْرِءٌ أَفْنَى الْلَّيَالِي حَسْرَةً

Шеър (насрий баён): “Бахилнинг ўз молини қизганишини айблайсанми? Ундан кўра, тиланиб юз сувингнинг тўкилишини қизғанганинг яхшироқ эмасми? Сўраш паст кетишидир, қўлингни бу тубанликдан баланд тут. Чунки ҳаёт икки қўлингни чўзиб, бандасига муҳтож бўлишдан қадрсизроқдир. Яхшиси, қаноатим фазлини ошириб, кечасини унга ўранган ҳолда ўтказаман. Қашшоқ ҳолимни душманга бойликка буркангандек қилиб кўрсатаман, майли у мени бадавлат деб ўйласин. Агар кимдир кечаларини ҳасрат ва надомат билан ўтказса, мен уни таваккул билан ўтказаман”.

قَلِيلٌ عَاجِلٌ خَيْرٌ مِنْ كَثِيرٍ آجِلٌ.

Накднинг ози, насиянинг қўпидан яхшироқ.

صُمْتُ كَافِي خَيْرٌ مِنْ كَلَامٍ غَيْرِ وَافِيٍ.

Етарли жимлик етарли бўлмаган гапдан яхшироқдир.

إِنَّمَا الْحَلِيمُ مَنْ يَعْفُرُ الدَّنْبَ الْعَظِيمَ.

Улуғ гуноҳларни кечира оладиган киши ҳақиқий ҳалимдир.

شعر:

فَطَالَ مَا اسْتَعْبَدَ إِلَيْنَا سَأَنَ إِحْسَانٌ  
 عَرَاضٍ رَّتَّهُ صَفْحٌ وَغُفرانٌ  
 يَرْجُوكَ فِيهِ فَإِنَّ الْحَرَّ مِعْوَانٌ  
 أَحْسِنْ إِلَى النَّاسِ تَسْتَعْبِدْ قُلُوبَهُمْ  
 وَإِنْ أَسَاءَ مُسِيءٌ فَلَيَكُنْ لَكَ فِي  
 وَكُنْ عَلَى الدَّهْرِ مِعْوَانًا لِذِي أَمْلٍ

Шеър (насрий баён): “Инсонларга яхшилик қил, қалбларини қул қиласан. Бас, не замонлардан бери инсонни яхшилик қул қилади. Агар ёмон ёмонлик қилса, уни адашиши қаршисида сенинг кечиришинг ва афв этишинг бўлсин. Орзусига сен орқали етиш умидида бўлган кишига йиллар давомида ёрдам берувчи бўл. Чунки хур одам ёрдам берувчидир”.

شَفِيعُ الْمُذْنِبِ إِفْرَارُهُ وَتَوْبَتُهُ اعْتِذَارُهُ.

Гуноҳкорни оқловчи – унинг иқори, (?) гуноҳкорнинг тавбаси гуноҳкорнинг узридир.

حَافِظْ عَلَى الصَّدِيقِ وَلَوْ فِي الْحَرِيقِ.

Дўстни асра, агар у ўт ичида бўлса ҳам.

خَلِّ الطَّرِيقَ لِمَنْ لَا يَلِيقُ.

Йўл бер, гарчи у йўл беришга муносиб бўлмаса ҳам.

سِعَةُ الْأَخْلَاقِ كُنُورُ الْأَرْزَاقِ.

Ахлоқнинг кенглиги ризқларнинг хазиналари дидир.

اسْتَظْهِرْ عَلَى الدَّهْرِ بِخِفْفَةِ الظَّهَرِ.

Замонга орқани ёнгил қилиш билан ғолиб кел.

صُدُورُ الْأَحْرَارِ قُبُورُ الْأَشْرَارِ.

Яхшиларнинг қалблари ёмонларнинг қабрлари дидир.

لِكُلِّ عَالَمٍ هَفْوَةٌ وَلِكُلِّ صَارِمٍ نَبْوَةٌ.

Хар олимнинг бир тойилиши, ҳар кескир қиличнинг бир сапчиб кетиши бўлади.

شعر:

دَعَ الْمَقَادِيرَ تَجْرِي فِي أَعْنَتِهَا مَا بَيْنَ عَمْضَةِ عَيْنٍ وَأَنْبَاهَتِهَا	وَلَا تَبْيَثَ إِلَّا خَالِيَ الْبَالِ يُعَيِّرُ اللَّهُ مِنْ حَالٍ إِلَى حَالٍ
---	--

Шеър (насрий баён): “Тақдирларни эркига қўй, тизгинида юрсин. Тунларни ўй-ташвишлардан холи ўтказгин. Кўзни юмиш ва очиш орасида Аллоҳ таоло сени бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўзгартиради”.

دَعُوا قَدْفَ الْمُحْسَنَاتِ تَسْلِمْ لَكُمُ الْأُمَّهَاتُ .

Пок аёлларни сўкишдан сақланинглар, шунда оналарингиз саломат бўлади.

أَشَرُ النَّاسِ مَنْ لَا يَقْبِلُ الْإِعْتِذَارَاتِ وَلَا يَسْتُرُ الزَّلَاتِ وَلَا يُقْبِلُ الْعَثَرَاتِ .

Одамларнинг энг ёмони узрларни қабул қилмайдиган, хатоларни беркитмайдиган, қоқилишларни кечирмайдиганлариdir.

شعر:

إِقْبَلَ مَعَادِيرَ مَنْ يَأْتِيكَ مُعْتَدِيرًا  
إِنْ بَرَّ عِنْدَكَ فِيمَا قَالَ أَوْ فَجَرَا<sup>١</sup>  
فَقَدْ أَجَلَّكَ مَنْ يُرْضِيكَ ظَاهِرًا  
وَقَدْ أَطَاعَكَ مَنْ يَعْصِيكَ مُسْتَتِرًا

Шеър (насрий баён): “Узр сўраб келган кишининг узрларини қабул қил, гарчи гапида ҳақ бўлса ҳам ёки бузуқлик қилаётган бўлса ҳам. Бас, шундай қилсанг, зоҳири шунчаки сенга кўниб турган киши, сени улуғлайди, ичида сенга итоатсизлик сақлаган киши, сенга бўйсунади”.

مَنْ كَثُرْتْ أَيَادِيهِ قَلْتْ أَعَادِيهِ .

Кимнинг яхшиликлари кўп бўлса, душманлари озаяди.

مَنْ كَرُمٌ عُنْصُرُهُ حَسْنَ مَخْبِرُهُ، مَنْ طَالَ سُرُورُهُ قَصْرَتْ شُهُورُهُ، مَنْ كَانَ ظَرِيفًا فَلِيْكُنْ عَفِيفًا.

Кимнинг асли улуғ бўлса, у ҳақдаги хабар чиройли бўлади, кимнинг ҳурсандчилиги узун бўлса, ойлари (хурсандчилик вақтлари) қисқа бўлади, кимнинг фаҳми ўткир бўлса, гуноҳлардан тийилувчи бўлсин.

شعر:

لَيْسَ الظَّرِيفُ بِكَامِلٍ فِي ظَرْفِهِ  
حَتَّىٰ يَكُونَ عَنِ الْحَرَامِ عَفِيفًا  
فَإِذَا تَعَفَّفَ عَنْ مَعَاصِيِ رَبِّهِ  
فَهُنَاكَ يُدْعَىٰ فِي الْأَنَامِ ظَرِيفًا

Шеър (насрий баён): “Фаҳми ўткир киши ўткирликда комил бўлолмайди, токи ҳаромдан тийиладиган бўлмагунча. Қачонки, Парвардигорига итоатсизлик қилишдан тийиладиган бўлгандагина у инсонлар ичра “ўткирфаҳм” деган номни олади”.

مَنْ وَاصَلَهُ الْحَبِيبُ هَانَ عَلَيْهِ الرَّقِيبُ.

Кимни дўсти қўллаб-қувватласа, душмани унга хор бўлади.

مَنْ قَعَدَ بِهِ حَسَبَهُ نَهَضَ بِهِ أَدْبُهُ.

Кимни насаби ўтиргизса, одоби уни турғизади.

مَنْ لَمْ يَرْغَبْ فِي إِلَّا خُوَانِ أُبْتَلِيَ بِالْخُسْرَانِ.

Кимки биродарларига рағбат кўрсатмаса, зиёнга йўлиқади.

مَنْ صَحَّتْ مَوْدَتُهُ وَجَبَتْ طَاعَتُهُ.

Кимнинг дўстлиги соғлом бўлса, дўстликка итоат қилиши вожиб.

مَنْ طَلَبَ الْمَمَالِكَ صَبَرَ عَلَى هُجُومِ الْمَهَالِكِ.

Ким мол-мулкларни истаса, хавф-хатарлар хужумига сабр қиласди.

مَنْ جَادَ سَادَ وَجَلَّ وَمَنْ بَخِلَ رَذَلَ وَذَلَّ.

Ким сахий бўлса, хукмрон ва улуғ бўлади, ким баҳил бўлса, разил ва хор бўлади.

شعر:

مَنْ عَفَّ حَفَّ عَلَى الصَّدِيقِ لِقَاوَهُ  
وَأَخُو الْحَوَائِجِ وَجْهُهُ مَلْوُلُ  
فَإِذَا عَيْشَتْ بِهِ فَأَنْتَ ثَقِيلٌ  
وَأَخُوكَ مَنْ وَفَرْتَ مَا فِي كِيسِهِ

Шеър (насрий баён): “Кимки сўрашдан тийилса, дўстига юзланиши осон кечади. Ҳожати кўпнинг юзи безовта. Кимнингки чўнтагини тўлдириб қўйган

экансан, у сенинг биродарингдир. Агар бу қоидани бузсанг, бас, ишинг оғир кечади”.

مَنْ تَوَاضَعَ وُقِرَ وَمَنْ تَعَاظَمَ حُقِرَ.

Ким ўзини паст тутса, хурмат қилинади, ким ҳурмат талаб қилса, хорланади.

مَنْ طَلَبَ الرَّئِاسَةَ صَبَرَ عَلَى مَضَضِ السِّيَاسَةِ.

Ким бошлиқ бўлишни хоҳласа, сиёсатнинг ғам-аламларига сабр қилсин.

ذَرْكُ الْأَمْوَالِ فِي رُكُوبِ الْأَهْوَالِ.

Мол-дунёга етишни орзу қилган киши қўрқинчу даҳшатлар маркабига миниб олсин.

مَنْ حَسُنَ قَنْوْعَهُ دَامَ رَبِيعُهُ.

Қаноати чиройли кишининг умри доим баҳор бўлади.

مَنْ اتَّخَذَ الْحِكْمَةَ لِجَاهًا اتَّخَذَهُ النَّاسُ إِمَامًا.

Ким ҳикмат жиловини қўлга олса, одамлар уни пешво тутади.

مَنْ لَمْ يَنْلِكْ خَيْرُهُ فِي حَيَاةِهِ لَمْ تَبْلِغْ عَيْنَاكَ عَلَى مَاتِهِ.

Тириклигига сенга яхшилиги етмаган кишининг ўлимида кўзларинг ёш тўкмайди.

مَنْ شَكَا لَكَ فَقَدْ سَأَلَكَ، وَمَنْ تَرَكَ فِعْلَكَ فَقَدْ عَذَلَكَ، وَمَنْ أَقْبَلَ بِحَدِيثِهِ عَلَى غَيْرِكَ فَقَدْ طَرَدَكَ.

Ким сенга шикоят қилса, албатта сендан нимадир сўрабди. Ким сенинг қилганингни тарк этса, бас, сени айблабди. Ким ўз гапида сендан бошқага юзланса, демак, сени ҳайдабди.

شعر:

إِذَا تَخَلَّفْتَ عَنْ صَدِيقٍ  
وَلَمْ يُعَايِنْكَ فِي التَّحْلُفِ  
فَلَا تَعْدْ بَعْدَهَا إِلَيْهِ  
فَإِنَّمَا وُدُّهُ عَنْ تَكْلُفٍ

Шеър (насрий баён): “Қачонки дўстингдан орқада қолсанг-у, бу хусусда у сенга танбех бермаса, бас, бундан сўнг унинг олдига қайтма. Чунки унинг дўстлиги сохта чиранишдан ўзга нарса эмас”.

مَنْ لَمْ يَسْتَفِدْ بِالْعِلْمِ مَالًاً اسْتَفَادَ بِهِ جَمَالًاً.

Киши илм орқали молга эга бўлмаса ҳам, чиройга эга бўлади.

مَنْ صَبَرَ عَلَى مَأْمُولِهِ أَدْرَكَهُ وَمَنْ تَهَاوَنَ فِي نَيْلِهِ أَهْلَكَهُ.

Кимки, орзусига етиш йўлида сабр этса, эришади. Кимки орзумга етдим, деб лоқайдликка юз бурса, эришганини йўққа чиқаради.

شعر:

وَاسْتَعْمَلِ الصَّبَرَ إِلَّا فَازَ بِالظَّفَرِ  
وَلَا زَوَالَ لَهَا مَعَ الشُّكْرَانِ  
وَقَلَّ مَنْ جَدَّ فِي أَمْرٍ يُخَاوِلُهُ  
لَا بَقَاءَ لِلْتَّعْمَةِ مَعَ الْكُفْرَانِ

Шеър (насрий баён): “Мақсад қилган ишига жидду жаҳд билан киришиб, сабрни ишлатган киши факат зафар қучади. Куфр билан қўлга кирган неъматда бақо, шукр билан етилган неъматда завол йўқ”.

لَا خَيْرٌ فِي وَعْدٍ مَبْسُوطٍ وَإِنْحَازٍ مَرْبُوطٍ.

Чўзилган ваъда ва боғлаб ташланган ишда хайр йўқ.

لَا يَجْتَرِي عَلَىٰ خِطَابِ الْحَلَائِقِ إِلَّا فَائِقٌ أَوْ عَائِقٌ.

Халоиққа хитоб қилишга ё бошлиқ, ё олифта кишидан бошқаси журъат қилолмайди.

لَا تَنْجَعُ الْحِكْمَةُ فِي الْقُلُوبِ الْقَاسِيَةِ كَمَا لَا يَرْكُو الزَّرْعُ فِي الْأَرْضِ الْحَاسِيَةِ.

Қаттиқ қалбларга ҳикмат таъсир қилмайди, худди тошлок ерда экин кўкармаганидек.

شعر:

وَهُلْ يَلِينُ لِقَوْلِ الْوَاعِظِ الْحَجَرُ  
لَا يَنْفَعُ الْوَعْظُ قَلْبًا قَاسِيًّا أَبَدًا

Шеър (насрий баён): “Қаттиқ қалбга ваъз ҳеч қачон фойда килмайди. Воъизнинг сўзидан тошнинг юмшаганини кўрганмисан?”

لَا يُنَالُ الْعِلْمُ إِلَّا بِالنَّفْسِ النَّقِيَّةِ وَالطِّبَاعِ التَّقِيَّةِ.

Илмга фақат пок қалб ва тақволи табиат билан етилади.

مَا زَرَتْهُ الْأَقْلَامُ لَمْ تَطْمَعْ فِي دَرْسِهِ الْأَيَّامِ.

Қаламлар ёзиб қўйган нарсаларнинг дарсида кунларнинг тамаъси йўқ.

إِلَّا كَمَا طَارَ وَقَعَ  
شـعـر: مـا طـار طـيـر وـارـتفـع

Куш қандай учган, ҳаволарга кўтарилиган бўлса, худди шундай ерга қўнади.

رُبَّ عِلْمٍ وُضِعَ وَجْهٌ رُفِعَ.

Қанча илмлар бор, пастлатилган, қанча жоҳилликлар бор, кўтарилиган.

وَجَهٌ عُطِيَ عَلَيْهِ النَّعِيمُ  
شـعـر: رـبـ عـلـمـ أـضـاءـ عـدـمـ الـمـالـ

Шеър (насрий баён): “Илмнинг қанчасини имконсизлик зое қилди, жаҳолатнинг қанчаси неъматлар билан ўралган”.

إِذَا رَغِبْتَ فِي الْمَكَارِمِ فَاجْتَنِبِ الْمَحَارِمِ.

Қадр-қиммат топишга рағбатинг бўлса, ҳаромдан тийил.

الْعِلْمُ جَبَلٌ صَعْبٌ الْمَصْعُدِ لَكِنَّهُ سَهْلٌ الْمُنْحَدَرِ.

Илм – кўтарилиш қийин бўлган тоғ, лекин қулаш осон қиялик.

شعر:

مَنْ لَمْ يَكُنْ عَقْلُهُ مُؤَدِّبٌ	لَمْ يُعْنِيهِ وَاعِظُّ مِنَ النَّسَبِ
كَمْ مِنْ وَضِيعِ الْأُصُولِ فِي أُثْمٍ	قَدْ سَوَدُوا بِالْعَقْلِ وَالْأَدَبِ

Шеър (насрий баён): “Кимгаки ақли одоб бермаса, насабдан ваъз қилувчига эҳтиёжманд бўлади. Уммат ичида қанча насаби паст кишилар бор, ақли ва одоби сабабли уммат уларни ўзларига бошчи этиб олганлар”.

روضة رائقۃ

Гўзал боғча

حُكِيَ أَنَّ رَجُلًا تَكَلَّمَ بَيْنَ يَدَيِ الْخَلِيفَةِ الْمَأْمُونِ فَأَخْسَنَ فَقَالَ لَهُ الْمَأْمُونُ: ابْنُ مَنْ أَنْتَ  
فَقَالَ ابْنُ الْأَدَبِ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ فَقَالَ: نِعْمَ النَّسَبِ.

Хикоя қилинишича, бир киши халифа Маъмун хузурида бўлиб, унга чиройли гапирибди. Шунда Маъмун ундан:

- Кимнинг ўғлисан? – деб сўрабди.
- Одобнинг ўғлиман, эй мўминлар амири! – жавоб берибди.
- Қандаям яхши насаб! – деган экан Маъмун.

شعر:

يُغْنِيَكَ مَحْمُودُهُ عَنِ النَّسَبِ  
كُنْ ابْنَ مَنْ شِئْتَ وَاكتَسِبْ أَدَبًا  
لَيْسَ الْفَتَى مَنْ يَقُولُ كَانَ أَبِي  
إِنَّ الْفَتَى مَنْ يَقُولُ هَا أَنَا ذَا

Шеър (насрий баён): “Кимнинг ўғли бўлсанг ҳам, одоб касб қил, мақтовга муносиб одоб сени насаб билан мақтаниш эҳтиёжидан озод этади. Ҳақиқий эр йигит “мана мен” дейди, “отам ундей бўлган, отам бундай бўлган” дейдиганлар ҳақиқий эр йигит эмас”.

الَّذِينُ أَقْوَى عِصْمَةً وَالْأَمْنُ أَهْنَأْ نِعْمَةً.

Кўрғоннинг энг кучлиси дин, неъматнинг энг ёқимлиси омонлиқdir.

الصَّابُرُ عِنْدَ الْمَصَائِبِ مِنْ أَعْظَمِ الْمَوَاهِبِ.

Мусибат пайтида сабр қилиш, неъматларнинг энг улуғидир.

شعر:

الصَّابُرُ أَوْلَى بِوَقَارِ الْفَتَّ	مِنْ قَلْقٍ يَهْتَكُ سَتْرَ الْوَقَارِ
مَنْ لَزِمَ الصَّابَرَ عَلَى حَالٍ	كَانَ عَلَى أَيَّامِهِ بِالْخِيَارِ

Шеър (насрий баён): “Йигитнинг ҳайбат пардасини йиртадиган бесаранжом виқоридан сабр авлороқдир. Кимки ҳар қандай ҳолда сабрга одатланса, кунлари узра яхшиликлар ёғилади”.

اعْصِ الْجَاهِلَ تَسْلِمٌ وَأَطِيعُ الْعَاقِلَ تَغْنِمٌ.

Жоҳилга итоат қилма, саломат бўласан, оқилга итоат қил, ўлжали бўласан.

جَالِسُنَّ أَهْلُ الْعَقْلِ وَالْأَدَبِ وَالرَّأْيِ وَالتَّجْرِبَةِ وَالْحُسْبِ.

Ақл, адаб, фикр, тажриба ва насаб эгалари билан ҳамсуҳбат бўл.

فَمُجَالَسَةُ الْعَاقِلِ لَقَاءٌ وَمُقَاوَضَةُ الْجَاهِلِ افْتِضَاءٌ.

Оқил билан ҳам ҳамсуҳбат бўлиш эмланиш, жоҳил билан келишувга бориш эса шармандалиқдир.

عَدُوٌ عَاقِلٌ أَيْسَرٌ مِنْ صَدِيقٍ جَاهِلٍ.

Ақлли душман нодон дўстдан яхшироқдир.

شعر:

ادْفَعْ عَدُوَكَ بِالْتِي  
وَانْفَعْ صَدِيقَكَ إِنْ تَيَسَّرْ  
إِذَا اكتَسَى وَرَقًا وَأَثْرَ  
فَالْعُصْنُ أَحْسَنُ مَا يَكُونُ

Шеър (насрий баён): “Душманингни яхшиликлар билан дафъ қил ва мијассар бўлганича дўстингга ёрдам бер. Барг ва меваларга бурканган пайтида шоҳ нақадар гўзал!”

قالَ حَكِيمٌ: مَنْ لَا تَنْكِبُ كَلِمَتُهُ وَجَبَتْ مَحْبَبُهُ، مَنْ لَمْ يَخْلُمْ نَدِيمَ وَمَنْ سَكَّ سَلِيمَ وَمَنْ اعْتَبَرَ  
أَبْصَرَ وَمَنْ أَبْصَرَ فَهِمَ وَمَنْ أَطَاعَ هَوَاهُ ضَلَّ وَمَنْ اسْتَبَدَ بِرَأْيِهِ زَلَّ.

Донишмандлардан бири деди: “Юмшоқ сўз кишини севимли қилади. Ҳалим бўлмаган киши афсус чекади, сукут қилган киши саломат бўлади. Ким ибрат назари билан боқса, кўради, ким кўрса, фаҳмлайди, ким ҳавою-ҳавасга эргашса, адашади, ким ўз фикри билангина ҳисоблашадиган бўлса, тойилади”.

شعر:

لَيْسَ الشُّجَاعُ الَّذِي يَحْمِي فُرِيسَتَهُ  
عِنْدَ الْقِتَالِ وَنَازِ الْحُرْبِ تَشْتَغِلُ

لَكِنَّ مَنْ كَفَّ طَرْفًا أُوْ ثَنَى قَدَمًا                  عَنِ الْحَرَامِ فَذَاكَ الْفَارِسُ الْبَطَلُ

Шеър (насрий баён): “Уруш олови ловуллаб турган жангда отинигина химоя қилган киши шижоатли эмас. Лекин ким кўзини ҳаромдан тўсса ёки қадамини ҳаромдан бурса, ана ўша киши ботир чавандоздир”.

وَقَالَ الْأَخْنَفُ بْنُ قَيْسٍ رَأْسُ الْأَدَبِ الْمَنْطَقُ وَلَا خَيْرٌ فِي قَوْلٍ إِلَّا يَفْعَلُ وَلَا فِي مَالٍ إِلَّا يُجُودٌ  
وَلَا فِي صَدَقٍ إِلَّا يَوْفَاء وَلَا فِي فِقْهٍ إِلَّا يَوْزَعُ وَلَا فِي صَدَقَةٍ إِلَّا يُنْيِّهُ

Ахнаф ибн Қайс айтди: “Одобнинг боши тилдир. Амалсиз сўзда, саховатсиз бойликда, вафосиз ростликда, тақвосиз фикҳда, ниятсиз садақада хайр йўқ”.

Шур:

إِذَا كَانَتِ الْأَخْلَاقُ غَيْرَ حِسَانٍ	وَهُلْ يَنْفَعُ الْفِتْيَانَ حُسْنُ وُجُوهِهِمْ
فَمَا كُلُّ مَصْنُوفٍ الْحَدِيدِ يَمَانِي	فَلَا تَجْعَلِ الْحُسْنَ الدَّلِيلَ عَلَى الْفَتَيْ

Шеър (насрий баён): “Ахлоқи чиройли бўлмаган йигитларга юзларининг чиройлилиги фойда берадими? Йигитга чиройни далил қилма, чунки ҳар ялтираган темир яманий қилич эмас”.

وَقَالَ بَعْضُ بَنِي تَمِيمٍ حَضَرْتُ مَحْلِسَ الْأَخْنَفِ بْنِ قَيْسٍ وَعِنْدَهُ قَوْمٌ مُجْتَمِعُونَ فِي أَمْرٍ لَهُمْ  
فَحَمِدَ اللَّهَ وَأَثْنَى عَلَيْهِ ثُمَّ قَالَ: مَا أَقْرَبَ النِّقْمَةَ مِنْ أَهْلِ الْبَغْيِ، لَا خَيْرٌ فِي لَذَّةٍ يَعْقِبُهَا نَدَمٌ وَلَنْ  
يَهْلُكَ مَنْ زَهَدَ وَلَنْ يَفْتَقِرَ مَنْ اقْتَصَدَ.

Бани тамим қабиласидан бири ҳикоя қилади, Ахнаф ибн Қайснинг мажлисида ҳозир эдим. Унинг ҳузурида ўз ишлари учун йигилган қавм ҳам бор эди. Шунда Ахнаф ибн Қайс Аллоҳга ҳамду сано айтди ва деди: “Зулм ахлидан олинадиган ўч қандаям яқин! Пушаймонликни эргаштирадиган лаззатда яхшилик йўқ, тақволи киши ҳамиша ҳалокатдан узоқ, иқтисод қилган киши ҳамиша қашшоқликдан йироқ.

شعر :

وَلَكِنْ لَا يَفِي بِالْحَرْجِ دَخْلِي	لَعْمُرُكَ لَيْسَ إِمْسَاكِي لِبُخْلِي
عَلَى قَدْرِ الْكِسَاءِ مَدَدْتُ رِجْلِي	وَفِي طَبَّعِ السَّمَاحَةِ غَيْرِ أَيِّ

Шеър (насрий баён): “Умрингта қасамки, молни ушлаб туришим баҳиллигим учун эмас, балки чиқимга кирим вафо қилмаяпти. Табиатимда сахийлик бор-у, бироқ мен кўрпамга қараб оёқ узатяпман”.

رُبَّ هَذِلْ قَدْ عَادَ جِدًّا.

Канча ҳазиллар бор, сўнгига жиддий бўлиб қайтади.

مَنْ أَمْنَ الزَّمَانَ خَانَهُ وَمَنْ تَعَاظَمَ عَلَيْهِ أَهَانَهُ.

Ким замонга ишонса, замон унга хиёнат қилади. Ким замондан ўзини улуғ тутса, замон уни хор қилади.

دَعُوا الْمُرَاجَعَ فَإِنَّهُ يُورِثُ الصَّاغَائِنَ.

Мазах қилишни ташланг, чунки у гинаю адоватларни мерос қолдиради.

اَخْتَمِلُوا لِمَنْ دَلَّ عَلَيْكُمْ وَأَقْبِلُوا عُذْرَ مَنِ اعْتَذَرَ إِلَيْكُمْ.

Сизга эркалик қилган кишининг эркалигини кўтаринг. Сизлардан узр сўраган кишининг узрини қабул қилинг.

أَطِعْ أَخَاكَ وَإِنْ عَصَاكَ وَصِلْهُ وَإِنْ جَهَّاكَ.

Биродарингга итоат қил, гарчи у сенга осийлик қилган бўлса ҳам.  
Дўстлик ришталарини боғла, гарчи у сенга жафо қилган бўлса ҳам.

أَنْصِفْ مِنْ نَفْسِكَ قَبْلَ أَنْ يُتَصَافَ عَنْكَ.

Инсофга чақирилишингдан олдин ўзингни инсофга чақир.

إِيَّاكُمْ وَمُشَارِأَةَ النِّسَاءِ.

Хотинлар билан маслаҳатлашишдан ўзингизни тийинг.

شعر:

إِنَّ النِّسَاءَ وَإِنْ عُرِفَنَ بِعَيْقَةٍ  
الْيَوْمَ عِنْدَكَ حِيدُهَا وَحَدِيشُهَا  
جِيفُ عَلَيْهِنَ النُّسُورُ الْحُومُ  
وَغَدًا لِغَيْرِكَ عِطْفُهَا وَالْمَعْصَمُ  
عَنْهُ وَيَنْزِلُ فِيهِ مَنْ لَا تَعْلَمُ  
كَالْخَانِ تَنْزِلُهُ وَتُصْبِحُ رَاحِلًا

Шеър (насрий баён): “Албатта хотинлар агарчи иффати билан танилган бўлса ҳам, улар устида калхатлар чарх урадиган ўлимтиклардир. Уларнинг чиройли бўйни ва ширин сўзи бугун ёнингда, эртага уларнинг меҳри ва билаги бошқаси учун шай. Улар бамисоли карвонсарой, бугун сенинг манзилинг бўлади, тонг отиши билан эса ундан кетасан, эртага сенга нотаниш бошқаси уни манзил тутади”.

أَعْلَمُوا أَنَّ كُفُرَ النِّعْمَةِ لُؤْمٌ وَصُحْبَةُ الْجَاهِلِ شُؤْمٌ وَمِنْ الْكَرَمِ الْوَفَاءُ بِالْدِيمِ.

Билингларки, неъматга ношукрлик – пасткашлик, нодон билан сухбат – бадбахтлик, бурчларга вафодорлик олижаноблиқдир.

مَا أَفْبَحَ الْقَطِيعَةَ بَعْدَ الصِّلَةِ وَالْجَفَاءَ بَعْدَ الْعَطْفِ وَالْعَدَاوَةِ بَعْدَ الْوَدِّ.

Қариндошлиқ ришталари боғлангандан сўнг узилиш, меҳрибонликдан сўнг жафо, дўстликдан сўнг душманлик нақадар ёмон!

لَا تَكُونَنَّ عَلَى الإِسَاءَةِ أَقْوَى مِنْكَ عَلَى الإِحْسَانِ وَلَا إِلَى الْبُخْلِ أَسْرَعَ مِنْكَ إِلَى الْبَذْلِ.

Ёмонлик қилишга бўлган қувватинг яхшилик қилишга бўлган қувватингдан кучли бўлмасин. Бахилликка интилишинг, саховатга интилишингдан тез бўлмасин.

وَاعْلَمُ أَنَّ لَكَ مِنْ دُنْيَاكَ مَا أَصْلَحْتَ بِهِ مَشْوَاكَ.

Билгилки, дунёдан қўлга киритган нарсанг, охиратинг учун ҳозирлаб қўйган нарсангдир.

فَأَنْفِقْ فِي حَقٍّ وَلَا تَكُونَنَّ خَارِجًا لِعَيْرِكَ.

Мол-дунёни ўз ўрнида сарфла, ўзингдан ўзгаси учун уни йифувчи бўлма.

:شعر:

تَمَتَّعْ بِمَا لَكَ قَبْلَ الْمَمَاتِ  
وَإِلَّا فَلَا مَالَ إِنْ أَنْتَ مِتَّ

Шеър (насрий баён): “Молингдан ўлимдан олдин фойдалан, акс ҳолда, сен ўлсанг, молиинг ҳам ўлади”.

:غَيْرُهُ

يَا عَافِلًا عَنْ حَرَكَاتِ الْفَلَكِ  
تَبَاهَكَ اللَّهُ فَمَا أَعْفَلَكَ  
وَإِنْ أَنْتَ أَنْفَقْتَهُ فَهُوَ لَكَ  
لِغَيْرِكَ مَالُكٌ إِنْ صُنْتَهُ

Бошқа шеър (насрий баён): “Эй, фалакнинг ҳаракатидан ғофил! Аллоҳ сени хушёр қилсин, ғафлатда қолдирмасин! Агар сақлаб турсанг, молинг ўзингдан бошқаси учун, инфоқ қилсанг, молинг ўзинг учундир”.

إِذَا كَانَ الْعَدْرُ فِي النَّاسِ مَوْجُودًا فَالْتِقَةُ بِكُلِّ أَحَدٍ عَجْزٌ.

Одамларда хиёнат мавжуд бўлган бир пайтда ҳар бирорга ишониш ожизлиkdir.

إِعْرِفِ الْحُقْقَ لِمَنْ عَرَفَهُ لَكَ.

Сени деб ҳақни таниган киши учун ҳақни тани.

وَاعْلَمُ أَنَّ قَطْيِعَةَ الْجَاهِلِ تَعْدُلُ صِلَةَ الْعَاقِلِ.

Билгилки, нодондан узилиш оқил билан боғланишга баробар бўлади”.

قَالَ فَمَا رَأَيْتُ كَلَامًا أَبْلَغَ مِنْهُ فَقُمْتُ وَقَدْ حَفِظْتُهُ

(Ахнаф ибн Қайснинг ҳикматли гаплари мана шу жойда ниҳоясига етди.

Унинг хузурига кирган киши) деди: “Бундан балоғатли каломни кўрмадим ва тик турган ҳолда уни ёдимга муҳрладим”.

وَقَالَ الْأَنْفَفُ أَيْضًا جِبْرِيلُ مَحَالِسَنَا ذِكْرُ النِّسَاءِ وَالطَّعَامِ فَإِنِّي أَكْرَهُ الرَّجُلَ يَكُونُ وَصَافًا لِفَرْجِهِ وَبَطْنِهِ.

Яна Аҳнаф айтди: “Мажлисимида аёлларни ва таомни эслашдан тиийилинг. Чунки мен фаржини ва қорнини мақтайдиган кишини ёмон кўраман”.

وَقَبْلَ لِإِسْكَنْدَرِ: لَوْ أَكْثَرْتَ مِنَ النِّسَاءِ حَتَّىٰ يَكُثُرَ نَسْلُكَ وَيَخْيَى ذِكْرُكَ

Искандарга айтилди: “Хотинларни қўпайтирганингизда наслингиз ортиб, мудом сизни эслашарди”.

قَالَ إِنَّمَا يَخْيَى الدِّكْرُ بِالْأَفْعَالِ الْجُمِيلَةِ وَالسِّيِّرَةِ الْحَمِيدَةِ النَّبِيلَةِ، وَلَا يَخْسُنُ إِمَّنْ يَغْلِبُ الرِّجَالَ أَنْ تَغْلِبِهُ النِّسَاءُ.

Искандар жавоб берди: “Эсланиш чиройли феъллар ва мақталган улуғ хулқлар билан мудом тирик. Эркаклардан ғолиб бўлган кишига аёлларнинг ғолиб келиши чиройли бўлмайди”.

وَقَالَ حَكِيمُ الْمُؤْتُوقُ مَوْمُوقٌ وَالْأَمِينُ بِالْمَوَدَّةِ قَمِينُ.

Донишманд зотлардан бири айтди: “Ишончли киши суюкли, амин киши дўстликка лойикдир”.

الْمَوَدَّةُ وَالْإِحْسَانُ نَافِعَانِ عِنْدَ كُلِّ إِنْسَانٍ.

Дўстлик ва яхшилик ҳар бир инсон наздида фойда берувчидир.

وَقَالَ الْآخَرُ: السَّعَادَةُ كُلُّهَا فِي سَبْعَةِ أَشْيَاءِ، حُسْنُ الصُّورَةِ وَصِحَّةُ الْجِسْمِ وَطُولُ الْعُمُرِ  
وَسِعَةُ ذَاتِ الْيَدِ وَطِيبُ الدِّيْكِرِ وَالْتَّمَكُّنُ مِنَ الصَّدِيقِ وَالْعَدُوِّ.

Донишмандлардан бошқа бири айтди: “Бахт-саодат етти нарсададир: кўринишнинг гўзаллиги, жисмнинг соғломлиги, умрнинг узоқлиги, қўлнинг узун бўлиши, яхшилик билан эсланиш, дўст бўлишга ҳам, душман бўлишга ҳам қодирлик”.

قال الشاعر:

عَدُوٌ وَّفِي أَحْشَائِهِ الضَّغْنُ كَامِنٌ  
وَإِنِّي لَا لَقَى الْمَرْءَ أَعْلَمُ أَنَّهُ  
فَأَمْنَحْمُهُ بِشْرًا فَيُرْجِعُ قَلْبَهُ  
سَلِيمًا وَقَدْ مَاتَتْ لَدِيهِ الضَّغَائِنُ

Шоир деди:

“Йўлиқурман шундай кишига албат,

Билурман у адув, ичда адоват.

Хадя қилгум унга битта табассум,

Қалби салим бўлиб ёнимга қайтсин,

Ўлсин ичидаги кийна, адоват”.

وَقَالَ آخَرُ: كَثِيرٌ مِنَ الْأُمُورِ لَا يَصْلَحُ إِلَّا بِقَرَائِبِهَا لَا يَصْلَحُ الْعِلْمُ بِغَيْرِ وَرَعٍ وَلَا الْحِفْظُ بِغَيْرِ فَهْمٍ وَلَا الْجُمَالُ بِغَيْرِ حَلَاوةٍ وَلَا الْحَسَبُ بِغَيْرِ أَدَبٍ وَلَا السُّرُورُ بِغَيْرِ أَمْنٍ وَلَا الْغَنَى بِغَيْرِ كِفَايَةٍ وَلَا الإِجْتِهادُ بِغَيْرِ تَوْفِيقٍ.

Донишмандлардан яна бири деди: “Күп ишлар ёнида яна бошқа шериги бўлсагина яроқли бўлади. Илм тақвосиз, ёдлаш фаҳмсиз, чирой ҳаловатсиз, насаб одобсиз, шодлик тинчликсиз, бойлик кифоясиз, ижтиҳод тавфиқсиз яроқли бўлмайди”.

شعر:

لَعُمْرُكَ مَا إِلَّا إِنْسَانٌ إِلَّا ابْنُ دِينِهِ  
فَلَا تَتْرُكِ التَّقْوَى اتِّكَالًا عَلَى النَّسَبِ  
لَقَدْ رَفَعَ الْإِسْلَامُ سَلْمَانَ فَارِسِ  
وَقَدْ وَضَعَ الْكُفُرُ النَّسِيبَ أَبَا هَبِّ

Шеър (насрий баён): “Умрингга қасамки, инсон фақат динининг фарзанди. Насабга суяниб қолиб, тақвони тарқ қилма. Шак йўқки, Ислом Салмон Форсийни азизлик мақомига кўтарди, куфр эса насаддор Абу Лаҳабни хорликларга ўраб, паст қилди”.

(Қасам умринггаки, замон дилбанди,

Инсон фақат ўз динининг фарзанди.

Насабга суянсанг, тақводан кечиб,

Шайтон қўйган ғуур шаробин ичиб.

Салмон Форсийни азиз қилди Ислом,

Абу Лаҳабни ерга урди куфрон.)

فَالْحَكِيمُ: مَنْ رَضِيَ عَنْ نَفْسِهِ سَخَطَ النَّاسُ عَلَيْهِ

Донолардан бири айтди: “Ким ўзидан рози бўлса, инсонларнинг ғазабига учрайди”.

وَقَالَ الْأَخْنَفُ: مَنْ ظَلَمَ نَفْسَهُ كَانَ لِغَيْرِهِ أَظْلَمُ وَمَنْ هَدِمَ دِينَهُ كَانَ لِمَجْدِهِ أَهْدَمُ

Аҳнаф айтди: “Ўзига зулм қилган киши, ўзгага ундан-да золимроқ бўлади. Динини яксон этган киши, ўз шарафини ундан-да ортикроқ яксон этгувчи бўлади”.

وقال الشاعر:

كُلُّ الدُّنُوبِ فِإِنَّ اللَّهَ يَعْفُرُهَا  
إِنْ أَسْعَفَ الْمَرْءَ إِخْلَاصُ وَإِيمَانُ  
وَكُلُّ كَسْرٍ فِإِنَّ اللَّهَ يُجْبِرُهُ  
وَمَا لِكَسْرٍ قَنَاءُ الدِّينِ جَبْرَانٌ

Шоир деди:

“Аллоҳ барча гуноҳларни кечиради, агар кишига ихлос ва иймон ёрдамга келса. Ҳар қандай синишни Аллоҳ ямайди, аммо диннинг қаноти синса, уни ямаб бўлмайди”.

(Барча гуноҳларни кечиради Аллоҳ,

Ихлосу иймон эрга берса ривож.

Ҳар қандай синишни ямайди Аллоҳ,

Дин қаноти синса, йўқ унга илож.)

وَقَالَ ابْنُ الْمُقْفَعَ: خَيْرُ الْأَدَبِ مَا حَصَلَ لَكَ ثَمَرَهُ وَظَهَرَ عَلَيْكَ أَثْرُهُ

Ибн Муқаффаъ айтди: “Одобнинг яхшиси мева бергани ва сенда унинг асари зохир бўлганидир”.

وَقَالَ الْأَحْنَفُ : مَنْ مَنَعَكَ الْخَيْرَ حَرَمَكَ ، وَمَنْ أَعَانَكَ عَلَى الشَّرِ ظَلَمَكَ .

Аҳнаф деди: “Ким сени яхшиликдан тўssa, сени ундан маҳрум қилибди, ким сенга ёмонлик йўлида ёрдам қилса, сенга зулм қилибди”.

شعر: وَإِنَّ أَحَقَ النَّاسِ مِنِي بِنَائِلِي  
عَدُوٌ عَدُوِي أَوْ صَدِيقٌ صَدِيقِي

Шеър (насрий баён): “Менинг мукофотимга инсонларнинг энг ҳақлиси – душманимнинг душмани ёки дўстимнинг дўсти”.

الْعُقْلُ أَحْسَنُ حِلْيَةً وَالْعِلْمُ أَفْضَلُ قُنْيَةً . لَا سَيْفَ كَالْحَقِّ وَلَا عَدْلَ كَالصِّدْقِ . الْجُهْلُ مَطِيلٌ  
سُوءٌ مَنْ رَكِبَهَا زَلَّ وَمَنْ صَاحَبَهَا ضَلَّ . مِنَ الْجُهْلِ صُحْبَةُ الْجُهَالِ وَمِنَ الدُّلُلِ عِشْرُهُ ذُويِ الضَّلَالِ .  
خَيْرُ الْمُوَاهِبِ الْعُقْلُ وَشَرُّ الْمَصَائِبِ الْجُهْلُ . مَنْ صَاحَبَ الْعُلَمَاءَ وُقِرَ وَمَنْ عَاشَرَ السُّفَهَاءَ حُقِرَ .  
مَنْ لَمْ يَتَعَلَّمْ فِي صِغَرِهِ لَمْ يَتَقدَّمْ فِي كِبَرِهِ .

Ақл – зийнатнинг энг чиройлиси, илм – мен эгалик қиласидиган нарсанинг энг афзали. Ҳақиқатдек қилич йўқ, тўғриликдек адолат йўқ. Нодонлик ёмонлик араваси, ким унга минса тойилади, ким уни дўст тутса, адашади. Жоҳиллар билан ҳамсуҳбат бўлиш – жоҳиллик, адашганлар билан яшаш – хорлик. Ато қилинган неъматларнинг яхшиси – ақл, мусибатларнинг ёмони – нодонлик. Ким уламоларнинг сухбатида бўлса, ҳайбати ошади, ким аҳмоқлар билан сухбат

курса, таҳқирланади. Ким ёшлигидан таълим олмаса, улғайганида пешқадам бўлолмайди.

شعر:

وَلَيْسَ يَنْفَعُهُمْ مِنْ بَعْدِهِ أَدْبٌ وَلَا يَلِينُ وَلَوْ لَيْتَهُ الْحَشَبَ	قَدْ يَنْفَعُ الْأَدْبُ الْأَطْفَالَ فِي صِغَرٍ إِنَّ الْعُصَوْنَ إِذَا عَدَّلْتَهَا اعْتَدَلَتْ
---	---

Шеър (насрий баён): “Ёшликда берилган одоб болага фойда беради. Ундан сўнг берилган одобда нафъ йўқ. Дарахт шохларини тўғриласанг, тўғриланади, ўтинга айланганидан сўнг у букилмайди”.

مَنْ تَفَرَّدَ بِالْعِلْمِ لَمْ تُوْحِشْهُ حَلْوَةُ، وَمَنْ تَسَلَّى بِالْكُتُبِ لَمْ تَقْتُهُ سَلْوَةُ.

Илм билан ёлғиз қолган кишини ёлғизлик қўрқитолмайди. Китоблардан юпанч топган кишини, юпанчи ташлаб кетмайди.

شعر:

أَلِيَاءُ مَأْمُونُونَ غَيْيَا وَمَشْهَدًا وَرَأِيَا وَتَأْيِيدًا وَقَوْلًا مُسَدَّدًا وَلَا تُخْتَشِي مِنْهُمْ لِسَانًا وَلَا يَدًا	لَنَا جُلَسَاءُ لَتَمَلُّ حَدِيشُهُمْ يُفِيدُونَا مِنْ عِلْمِهِمْ عِلْمٌ مَنْ مَضَى فَلَا غَيْيَةَ تُخْشَى وَلَا سُوءَ عَفْرَةٍ
--	---

Шеър (насрий баён): “Сўзларидан малол етмайдиган ҳамсуҳбатларимиз бор. Улар ёнингда йўқ пайтда ҳам, ёнингда ҳозир пайтда ҳам ишончни оқладиган оқил кишилардир. Улар ўтган улуғларнинг илми, фикри, қуввати ва

ҳақ сўзини жамлаган билими билан бизга фойда берадилар. На қўрқиладиган йўқлик, на сўнги хунук зулм бор. Уларнинг на тили, на қўлидан ёмонлик етади, **улар сабаб** хижолатли ҳолатга тушмайсан”.

وَقَالَ: أَصْلُ الْعِلْمِ الرَّغْبَةُ وَثَرَتُهُ الْعِبَادَةُ، وَأَصْلُ الرُّهْبَةِ وَثَرَتُهُ السَّعَادَةُ، وَأَصْلُ الْمُرْوَءَةِ  
الْحَيَاةُ وَثَرَتُهَا الْعِفَةُ. الْعُقْلُ أَقْوَى أَسَاسٍ وَالْتَّفَوْى أَفْضَلُ لِبَاسٍ. الْجَاهِلُ يَطْلُبُ الْمَالَ وَالْعَاقِلُ  
يَطْلُبُ الْكَمَالَ. لَمْ يُدْرِكِ الْعِلْمَ مَنْ لَا يُطِلِّنَ دَرْسَهُ وَلَا يَكُدُّ نَفْسَهُ. كَمْ مِنْ ذَلِيلٍ أَعَزَّهُ عَقْلُهُ وَعَزِيزٍ  
أَذْلُهُ جَهْلُهُ.

Аҳнаф ибн Қайс айтди: “Илмнинг илдизи – рағбат, меваси – ибодат. Тақвонинг илдизи – қўрқиши, меваси – саодат. Мардликнинг илдизи – хаё, меваси – иффат. Ақл – энг мустаҳкам пойдевор, тақво – энг афзал либос. Нодон молни, оқил камолни талаб қиласи. Дарс соатини узайтирганин ва нафсини қийнамаган киши илмга етолмайди. Қанча хору залил кишилар бор, ақли уларни азиз қиласи. Қанча азизлар бор, нодонлиги уларни хору залил қиласи”.

شعر:

مُخْلَدَةً وَلِلْجَهَالِ مَالٌ	رَضِيَّنَا بِالْعُلُومِ تَكُونُ فِينَا
وَإِنَّ الْعِلْمَ لَيَسَّرَ لَهُ زَوَالٌ	لَاَنَّ الْمَالَ يَفْتَنَ عَنْ قَرِيبٍ

Шеър (насрий баён): “Илмлар доимо бизда, мол-дунё жоҳилларда бўлишига розимиз. Чунки мол-дунё тез йўқ бўлади, илм учун эса завол йўқ”.

الْأَدَبُ مَالٌ وَاسْتِعْمَالُهُ كَمَالٌ، بِالْعُقْلِ يُصْلَحُ كُلُّ أَمْرٍ وَبِالْحَلْمِ يُقْطَعُ كُلُّ شَرٍ

Одоб – бойлиқ, уни ишлатиш – комиллик. Ақл билан ҳар бириш ислох қилинади, ҳилм билан ҳар бир ёмонлик кесилади.

شعر: إِذَا لَمْ تَصُنْ عِرْضًا وَلَمْ تَخْشَ خَالِقًا  
وَتُسْتَحِ مَخْلُوقًا فَمَا شِئْتَ فَافْعَلْ

Шеър (насрий баён): “Агар сен орингни ҳимоя этмасанг, Яратувчидан қўркмасанг, халойикдан уялмасанг, бас, ҳоҳлаганингни қиласавер”.

ثُمَّ أَعْلَمُ، أَنَّ الدُّنْيَا رُبَّمَا أَقْبَلَتْ عَلَى الْجَاهِلِ بِالإِتْفَاقِ وَأَدْبَرَتْ عَنِ الْعَالَمِ بِالإِسْتِحْقَاقِ.

Сўнгра билгил, дунё нодонга кўпинча мувофиқлик билан юзланади, олимдан хақли равишда юз ўгиради.

فَإِنْ أَتَاكَ مِنْهَا مُهِمَّةٌ مَعَ جَهْلٍ أَوْ فَاتَكَ مِنْهَا بُغْيَةٌ مَعَ عَقْلٍ فَلَا يُحْمِلَنَّكَ ذَلِكَ عَلَى الرَّغْبَةِ  
فِي الْجَهْلِ فَدَوْلَةُ الْجَاهِلِ مِنَ الْمُمْكِنَاتِ وَدَوْلَةُ الْعَاقِلِ مِنَ الْوَاجِبَاتِ وَلَيْسَ مِنْ أُمُكَنَّهُ شَيْءٌ فِي ذِاتِهِ  
كَمَنِ اسْتَوْجَبَهُ بِآدَابِهِ وَآلَاتِهِ. وَأَيْضًا فَدَوْلَةُ الْجَاهِلِ كَالْغَرِيبِ الَّذِي يَحْنُنُ إِلَى النُّفْلَةِ وَدَوْلَةُ الْعَاقِلِ  
كَالنَّسِيبِ الْمُتَمَكِّنِ الْوُصْلَةِ.

Агар дунё молидан жиддий бир улуш қаршингга келсаю, уни жаҳолат билангина қўлга киритиш мумкин бўлса ёки дунё молидан орзу қилиб юрганингни бой берсанг ва у ақлингни тамоман ўғирлайдиган бўлса, бас, ўшалар жаҳолатга рағбатингни қўзғаб қўймасин. Чунки, жоҳилнинг давлати имкониятлардан, оқилнинг давлати мажбуриятлардан барпо бўлади. Имконият

берилган киши билан, одоби ва барча аъзоларини ишлатиб бўлса ҳам имкониятни ўзида ҳосил қилишни зарур деб билган киши баробар эмас. Шунингдек, жоҳилнинг давлати кўчишга муштоқ мусофирга, оқилнинг давлати мустаҳкам ришталар билан боғланган яқин қардошга ўхшайди.

شعر:

لَا تَيَسَّنْ إِذَا مَا كُنْتَ ذَا أَدْبٍ عَلَى حُمُولَكَ أَنْ تَرْقَى إِلَى الْفَلَكِ  
فَبَيْنَمَا الْذَّهَبُ الْإِبْرِيزُ مُخْتَلِطٌ  
بِالثُّرْبِ إِذْ صَارِ إِكْلِيلًا عَلَى الْمَلِكِ

Шеър (насрий баён): “Модомики, одоб эгаси экансан, юксакка кўтарилишдан тўсаётган бепарволигингдан зинҳор ноумид бўлма. Бир пайтлар тупроққа қоришиб ётган соф олтин, вақти келиб, шоҳнинг бошидаги тожга айланади”.

وَقَالَ حَكِيمٌ: يَبْغِي لِلْمَرْءِ أَنْ لَا يَفْرَحَ بِمَرْتَبَةِ تَرْقَاهَا بِغَيْرِ عَقْلٍ وَلَا يَمْنَزِلَةً رَفِيعَةً حَلَّهَا بِغَيْرِ  
فَضْلٍ. فَلَا بُدَّ أَنْ يُرِيلَهُ الْجُهْلُ عَنْهَا وَيُسِّلَهُ مِنْهَا فَيَنْخَطُ إِلَى رُتبَتِهِ وَيَرْجِعَ إِلَى قِيمَتِهِ بَعْدَ أَنْ تَظَهَرَ  
عُيُوبُهُ وَتَكْثُرَ ذُنُوبُهُ وَيَصِيرَ مَادِحُهُ هَاجِيًّا وَصَدِيقُهُ مُعَادِيًّا.

Донишмандлардан бири деди: “Киши ақлни ишлатмасдан топган мартабага ва ҳеч бир фазилатсиз эгаллаган юксак манзилга хурсанд бўлмаслиги лозим. Шубҳа йўқки, жаҳолат унинг мартабасини йўққа чиқаради, юксак манзилидан туширади. Бас, айблари юзага чиқиб, гуноҳлари қўпайиб, мақтовчиси ҳажв қилувчига, дўсти душманга айланганидан сўнг у ўз ўрнига тушади, асл қийматига қайтади”.

شعر:

لَا تَقْعُدَنَّ عَنِ الْكِتَابِ فَضِيلَةً أَبَدًا  
وَإِنْ أَدْتُ إِلَى الْإِعْدَامِ  
وَحُمُولُهُ عَازٌ عَلَى الْأَيَامِ  
جَهَلُ الْفَقَى عَازٌ عَلَيْهِ لِذَاتِهِ

Шеър (насрий баён): “Фазилат касб қилишдан ҳеч қачон тўхтама, гарчи бу меҳнат қашшоқликка элтса ҳам. Йигитнинг жохиллиги ўзига, бепарволиги кунларга уятдир”.

### روضة رائقه Гўзал боғча

حُكِيَ أَنَّ الرَّشِيدَ قَالَ لِلْأَصْمَعِيِّ: هَلْ تَعْرِفُ كَلِمَاتِ جَامِعَاتِ لِمَكَارِمِ الْأَخْلَاقِ يَقْلُ لَفْظُهَا وَيَسْهُلُ حِفْظُهَا تَشْرِحُ الْمُسْتَهْمَ وَتُوَضِّحُ الْمُسْتَعْجَمُ. فَقَالَ: نَعَمْ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ، دَخَلَ أَكْتَمْ بْنُ صَيْفِي حَكِيمُ الْعَرَبِ عَلَى بَعْضِ مُلُوكِهَا، فَقَالَ لَهُ: إِنِّي سَائِلُكَ عَنْ أَشْيَاءٍ لَا تَنْزَلُ بِصَدْرِي مُخْتَلِجَةً وَالشُّكُوكُ عَلَيْهَا وَالجِلْهُ. فَأَتَيْنِي بِمَا عِنْدَكَ فِيهَا أَيُّهَا الْحَكِيمُ. فَقَالَ سَأَلْتَ خَبِيرًا وَاسْتَبْنَاتَ بَصِيرًا وَالجَوَابُ يَشْفَعُ الصَّوَابُ فَاسْأَلْ عَمَّا بَدَا لَكَ. فَقَالَ مَا السُّودَدُ؟ قَالَ: اصْطِنَاعُ الْمَعْرُوفِ وَاحْتِمَالُ الْجَرِيَةِ. قَالَ: فَمَا الشَّرَفُ؟ قَالَ: كَفُ الأَذَى وَبَذْلُ النِّدَى، قَالَ: فَمَا الْمَجْدُ؟ قَالَ: حَمْلُ الْمَعَارِمِ وَإِبْتَاءُ الْمَكَارِمِ، قَالَ: فَمَا الْكَرْمُ؟ قَالَ صِدْقُ الْأَخْيَاءِ فِي الشِّدَّةِ وَالرَّحَاءِ، قَالَ: فَمَا الْعِزُّ؟ قَالَ: شِدَّةُ الْقَصْدِ وَثِرَوَةُ الْعَبْدِ، قَالَ: فَمَا السَّمَاهَةُ؟ قَالَ: بَذْلُ النَّائِلِ وَإِجَابَةُ السَّائِلِ، قَالَ: فَمَا الْغِنَى؟ قَالَ: الرِّضَى بِمَا يَكْفِي وَقِلَّةُ التَّمَنِي، قَالَ: فَمَا الرَّأْيُ؟ قَالَ: كُلُّ فِكْرٍ انْتَجَتْهُ تَحْرِيَةٌ، قَالَ: لَهُ قَدْ أُورِيَتْ زِنَادَ تَبَصُّرِي وَأَذْكَيْتَ نَارَ حَيْرَتِي فَاحْتَكِمْ. قَالَ لِكُلِّ كَلِمَةٍ هَجْمَةٌ، قَالَ: هِيَ لَكَ.

قَالَ الْأَصْمَعِيِّ: فَقَالَ لِي الرَّشِيدُ وَلَكَ بِكُلِّ كَلِمَةٍ بَدْرَهُ فَانْصَرَفْتُ بِشَمَانِيَنَّ أَلْفًا.

Хикоя қилинишича, Ҳорун ар-Рашид Асмоъийга айтди:

— Лафзи қисқа, ёдлашга осон, мубҳам ўринларни ойдинлаштирадиган, тушунарсиз жиҳатларни изоҳлайдиган, гўзал хулқларни ўзида жамловчи гапларни биласанми? Асмоъий:

— Ха, биламан, эй амирал мўминин, деди. — Бир куни араб донишмандларидан Актам ибн Зойфий араб подшоҳларидан бирининг хузурига кирибди. Шунда подшоҳ:

— Мен сендан қалбимни доим безовта қиладиган нарсалар ҳақида, унга кириб олган шак-шубҳалар тўғрисида сўрамоқчиман. Эй донишманд, бу хусусда билганингни айт, дебди.

— Билимдон, қалб кўзи очик одамни топиб сўрадинг. Ҳар бир жавобга тўғрилик ҳамроҳ бўлиб олган. Бас, хаёлингга нима келса, сўрайвер,- деди Актам ибн Зойфий. Шунда подшоҳ сўради:

- Раҳбарлик нима?
- Яхшиликлар билан машғул бўлиш ва жиноятни кўтариш.
- Шараф нима?
- Азиятдан тийилиш ва саховатли бўлиш.
- Улуғлик нима?
- Зарарни кўтариш ва гўзал хулқларни бино қилиш.
- Карам нима?
- Йўқлик ва тўқликда ҳақиқий биродарлик.
- Азизлик нима?
- Мустахкам мақсад ва банданинг бой бўлиши.
- Сахийлик нима?
- Ҳадя қилувчига ҳадя қилиш ва сўраб келгувчига бериш.
- Бойлик нима?
- Кифоя қиладиганига розилик ва истакнинг камлиги.
- Қараш, нуқтаи назар нима?
- Тажрибадан келиб чиққан фикр.

- Мендаги фикр чақмоқтошини учқунлатдинг, ҳайратим оловини алангалатдинг, бас, энди хоҳлаганингни сўра.
- Ҳар бир сўз учун юзта туя!
- Шу сенга бўлсин.

Шунда Хорун Рашид менга: “Ҳар бир сўзинг учун сенга – “бадра”(яъни ўн минг дирҳам)”, - деди. Ўшанда мен саксон минг дирҳам билан қайтдим.

قالَ حَكِيمٌ: الْخَيْرُ أَجَلُّ بِضَاعَةٍ وَالْحُسَانُ أَزَكَّى زِرَاعَةً. عِلْمٌ لَا يُصْلِحُ ضَلَالٌ وَمَالٌ لَا يَنْفَعُكَ وَبَالٌ

Донишмандлардан бири айтди: “Яхшилик – молнинг энг хурматлиси, эҳсон – экиннинг энг яшнаб ўсадигани. Сени ислоҳ қилмайдиган илм – залолат, сенга фойда бермайдиган мол – зарар”.

شِعْرٌ :  
إِذَا الْمَرءُ لَمْ يَعْتِقْ مِنَ الْمَالِ نَفْسَهُ  
تَمْلِكُهُ الْمَالُ الَّذِي هُوَ مَالِكُهُ  
وَلَيْسَ لِي الْمَالُ الَّذِي أَنَا تَارِكُهُ  
إِلَّا إِنَّمَا مَالِي الَّذِي أَنَا مُنْفِقُ

Шеър (насрий баён): “Қачонки, киши ўзини молдан озод қилмаса, моли унга эгалик қиласи. Магар, ўзгаларга сарфлаган молим – меники, ўзимда қолгани – меники эмас”.

وَقَالَ: أَبْصَرُ النَّاسِ مَنْ أَحَاطَ بِدُنُوبِهِ وَوَقَفَ عَلَى عُيُوبِهِ.

Донишмандлардан бири айтди: “Назари энг ўткир инсон гуноҳларини кўра оладиган ва айбларидан воқиф одамдир”.

أَفْضَلُ النَّاسِ مَنْ كَانَ بِعَيْنِهِ بَصِيرًا وَعَنْ عَيْنِهِ غَيْرِهِ ضَرِيرًا.

Одамларнинг энг афзали – айбини кўрадиган ва бошқаларнинг айбини кўришдан кўр бўлгани.

مِنْ جَهْلِ الْمَرْءِ أَنْ يَغْصِيَ رَبَّهُ فِي طَاعَةِ هَوَاهُ وَيَهِينَ نَفْسَهُ بِإِكْرَامِ دُنْيَاهُ وَهُوَ مِنْ هَوَاهُ فِي ضَلَالٍ وَمِنْ دُنْيَاهُ فِي رَوَالٍ.

Ўзининг ҳавою-ҳаваси етовида Парвардигорига итоатсизлик қилиш ва дунёсини хурматлаш билан нафсини хорлаш кишининг жохиллигидан. Ҳолбуки, у ҳавою-ҳавас туфайли залолатга кетади, дунёси туфайли завол топади.

إِيَّاكَ وَمَا يُسْخِطُ سُلْطَانَكَ وَيُؤْحِشُ إِخْوَانَكَ. فَمَنْ أَسْخَطَ سُلْطَانَهُ تَعَرَّضَ لِلْمَنِيَّةِ.

Сен султонингни ғазаблантирадиган ва дўстларингни ўзингдан қочирадиган нарсалардан сақлан. Бас, кимки султонини ғазаблантирса, ўлимга рўбарў бўлади.

وَمَنْ أَوْحَشَ إِخْوَانَهُ تَبَرَّأً مِنَ الْحُرْسَيَّةِ .

Дўстларини ўзидан қочирган киши озодликдан маҳрум бўлади.

الْفَضْلُ مُلْكُ الْلِسَانِ وَبَذْلُ الْإِحْسَانِ.

Тилга эгалик қилиш ва эҳсон қилиш фазлдир.

مَنْ اسْتَخَفَّ بِشَرِيفٍ دَلَّ عَلَى لُؤْمِ أَصْلِهِ وَمَنْ مَالَ إِلَى سَخِيفٍ أَبَانَ عَنْ ضُعْفِ عَقْلِهِ. وَمَنْ قَالَ هَجْوًا سَقَطَ قَدْرُهُ وَمَنْ فَعَلَ تُكْرًا قَبَحَ ذِكْرُهُ.

Кимки, шариф (аслзода) кишини менсимаса, асли пастлигини қўрсатган бўлади. Кимки аҳмоққа ёндошса, ақли заифлигини ошкор қилган бўлади. Ҳажв билан гапирган кишининг қадри тушади, манъ этилган ишни қилган кимса, хунук сўзлар билан эсга олинади.

لَمْ تَفْسِكَ عَلَى قِيَحٍ أَفْعَالِكَ وَلَئِيمٍ أَقْوَالِكَ. قَبْلَ أَنْ يَلُومَكَ صَدِيقٌ نَاصِحٌ أَوْ يَذْمَكَ عَدُوٌّ كَاشِحٌ.

Самимий дўстинг маломат қилмасидан ва нафратини ичига яшириб юрган душманинг мазаммат қилмасидан илгари хунук фелларинг, ёмон сўзларинг учун нафсингни маломат қил.

لَا تَسْتَبِدْنَ بِتَدْبِيرِكَ وَلَا تَسْتَحْفِنَ بِأَمْيْرِكَ . أَحْسَنَ الْعَفْوَ مَا كَانَ عَنْ فُدْرَةٍ . وَأَحْسِنَ الْجُودَ مَا كَانَ عَنْ عُسْرَةٍ .

Тадбирингга ишониб, ўзбошимчалик қилмагин ва бошлифингга эътиборсиз муносабатда бўлмагил. Қудратли бўлатуриб кечириш – афвнинг, қашшоқ бўлиб туриб, эҳсон қилиш – яхшиликнинг энг гўзали.

رأس الفضائل اصطناع الأفضل ورأس الرذائل اصطناع الأرذل. من حسن الإختيار الإحسان إلى الإخيار.

Фазилатларнинг боши – энг афзалини бажариш, разилликларнинг боши – энг паст ишларни қилиш. Яхшиларга эҳсон қилиш ихтиёрнинг чиройидир.

شعر :

فما استطعت من معروفها فتنزود	وما هذه الأيام إلا مراحل
ضللت وإن تدخل من الباب تخد	إذا ما اتيت الأمر من غير بابه
وإن تقد الأطواد باحق تنقد	متى ما تقد بالباطل الأمر يأبه

Шеър (насрий баён): “Бу қунлар маълум муддатгина қўниб ўтадиган манзиллардир. Бас, бир қунлик бу манзилларда бирор яхшилик қилишга қодир бўлсанг, тезроқ тадоригингни кўр. Агар мақсад қилган ишингга бошқа эшикдан кирсанг, адашасан, айни мақсад эшигидан кирсанг, тўғри йўлдасан. Қачонки, мақсад қилган ишингни ботил йўл билан изингга солмоқчи бўлсанг, бўйин товлади. Агар тоғларни ҳақ йўл билан етакласанг, эргашади”.

عادة الكفران تقطع الإحسان.

Ношуқрликка одатланиш эҳсонни кесади.

الائِمُّ النَّاسُ سَعِيدٌ لَا يَسْعَدُ بِهِ إِخْوَانُهُ وَسَلِيمٌ لَا يَسْلُمُ مِنْهُ جَيْرَانُهُ.

Ўзи баҳтли бўлатуриб, биродарлари у туфайли баҳтсиз бўлган, ўзи саломат бўлиб, қўшнилари унинг ёмонлигидан саломат бўлмаган одам, энг пасткаш инсондир.

وإِذَا اصْطَبَتَ الْمَعْرُوفَ فَاسْتَرِهِ وَإِذَا اصْطَبَنَتْكَ فَانْشِرْهُ.

Қачон бир хайрли иш қилсанг, уни яшир. Агар сенга яхшилик қилишса, уни ошкор эт.

من حاور الْكَرَامَ أَمْنَ مِنَ الْإِعْدَادِ

Кимки сахийларга қўшни бўлса, йўқчилиқдан хотиржам бўлади.

من بخل على نفسه بخيرة لم يجد به على غيره. من ترقى درجات الهمم عظم في أعين الأمم.

Яхшилигини ўзидан қизғанган киши бошқага ҳам яхшилик қилмайди.  
Ким ҳиммат даражаларида кўтарилса, одамлар кўзи олдида у улуғлашади.

شعر:

كفتلك القناعة شبعا وريا	إذا اعطيتني أكف اللئام
وهامة همته في الشريا	فكن رجلاً رجله في الشري
دون إراقة ماء الْحَيَاةِ	فإن إراقة ماء الْحَيَاةِ

Шеър (насрий баён): “Пасткаш кимсалар ҳовуцидаги сувни қизғанса, түйишинг ва чанқовингни босишинг учун қаноат сенга кифоя. Оёғи ерда-ю, ҳимматининг чўққиси Сурайё юлдузида кезган одам бўл. Ҳаёт сувини оқизиш(яъни, қонинг тўкилиши – ўлиш) юз сувини оқизиш(яъни, ҳай пардаси йиртилиб, обрўйинг тўкилиши)дан енгилроқ”.

مَنْ سَاءَ خُلْقُهُ ضَاقَ رِزْقُهُ . مَنْ هَانَ عَلَيْهِ الْمَال تَوَجَّهَتْ إِلَيْهِ الْآمَال . منْ جَادَ بِمَالِهِ جَلَّ ،  
وَمَنْ جَادَ بِعِرْضِهِ ذَلَّ .

Кимнинг хулқи ёмон бўлса, ризқи тораяди. Ким мол-дунёни арзимас билса, орзулари у томон келаверади. Ким молини эҳсон қилса, улуғ, ким обрўсини эҳсон қилса, хор бўлади.

شعر:

على الأعناق من من الرجال	وما شيء بأشغل وهو حق
بوجهك أنه بالوجه غالٍ	فلا تفرح بشيء تستريح

Шеър (насрий баён): “Одамларнинг миннатидан оғирроқ нарса йўқ, ҳолбуки у бўйинлардаги ҳақ бўлса ҳам. Юзинг териси кетиши баробарига сотиб олган нарсангга хурсанд бўлма, чунки у нарса(миннат) юзингдан қимматроққа тушади”.

أَحْسَنُ الْجَدِ ما كَانَ عِنْدَ الْتَّعْبِ وَاحْسَنُ الصَّدْقِ ما كَانَ عِنْدَ الْغَضْبِ. أَفْضَلُ الْمَعْرُوفِ إِغَاثَةُ الْمَلْهُوفِ.

Жидду жаҳднинг чиройлиси – чарчаган пайтдагиси, ростгўйликнинг чиройлиси – ғазаб келган вақтидагиси, яхшиликнинг афзали кулфатга учраганга берилган ёрдамдир.

من أَحْسَنَ الْمَكَارِمْ عَفْوَ الْمُقْتَدِرِ وَجْهُو الْمُفْتَقِرِ. خَيْرُ الْعَمَلِ مَا أَثْرَ مَحْدًا وَخَيْرُ الْطَّلَبِ مَا حَصَلَ حَمْدًا.

Ёмонлик қилишга қодир бўлатуриб кечириш ва камбағал бўлатуриб саҳоватли бўлиш хурматга сазовор ишларнинг чиройлисиdir. Улуғлик келтирадиган иш – амалнинг яхиси, олқиши қозонтирадиган иш истакнинг яхисидир.

الصَّمُوتُ مَنْ لَمْ يَكُنْ صَمْتَهُ عَنْ كُلِّ لِسَانٍ وَقُلْةٍ بِيَانٍ. وَالْحَلِيلُ مَنْ لَمْ يَكُنْ حَلْمَهُ لِعَدْمِ النَّصْرَةِ وَفَقْدِ الْقُدْرَةِ.

Ҳақиқий сукут қилгувчи шундай кишики, жимлиги тилининг ўтмаслигидан ва баёнга нўноқлигидан эмас. Ҳақиқий ҳалим шундай кишики, юмшоқлиги ёрдамга қувватсизлиги ва қудратининг йўқлигидан эмас.

من المروآت أن لا تطبع فيما لا تستحق ولا تستطيل عمن لا تسترق ولا تعين قويا على  
ضعيف ولا تمنع مكرمة عن شريف

Хаққинг йўқ жойда тамаъ қилмаслигинг, қулинг бўлмаган кишига катта кетмаслигинг, заифга заарар етказиш ҳисобига кучлига ёрдам бермаслигинг, шариф(аслзода) одамни эҳтиром қилинишдан тўсмаслигинг ҳақиқий мардликдир.

ليس من عادة الكرام سرعة الإنقاص. ارحم من دونك يرحمك من فوقك. أحسن إلى من تملّكه يحسن إليك من يمْلّكك.

Интиқомга шошиш улуғларнинг одатидан эмас. Кичикларга раҳм этсанг, катталар сенга раҳм қиласди. Кўл остингдаги кишига яхшилик қилсанг, сен унинг қўл остида бўлган инсон ҳам сенга яхшилик қиласди.

شعر:

قدم لنفسك خيرا  
وأنت مالك مالك  
من قبل تصبح فردا  
ولون حالك حالك  
فأنت والله (لا) تدرى أى المسالك سالك  
أو في المهالك هالك  
أما لجنة عدن

Шеър (насрий баён): “Молингга эгалик қилиб турган пайтингда, ахволинг рангги қоп-кора бўлиб, ёлғиз тонг оттирмоғингдан илгари – яхшиликни ўзинг учун илдамлат. Аллоҳга қасамки, сен, қайси йўлга юрувчи эканингни

билмайсан: Адн жаннатигами ёки ҳалок бўлувчининг ҳалокат жойларигами?”

من أوحش الأحرار زهدوا في عشرة. ومن كتم الأسرار استبد براحته.

Кимки озод, олижаноб инсонларни ўзидан қочирса, улар ундей кимса билан улфат бўлиб яшашдан ўзларини четга тортишади. Кимки сирларини яширса, ўз роҳати билан эркин қолади.

آفة الزعماء ضعف السياسة وآفة العلماء حب الرياسة.

Раҳбарларнинг офати – сиёсатнинг заифлиги, олимларнинг офати – раҳбарликни яхши кўриш.

من كتم سره أحکم أمره.

Ким сирини яширса, ишини маҳкам қилибди.

شعر:

وحاذر فما الحزم إلا الحذر وأنت أسيير له إن ظهر	صن السر عن كل مختبر أسييك سرك إن صنته
---	--

Шеър (насрий баён): “Ҳар бир синовчидан сирингни сақла. Огох бўл, огоҳлик эса огоҳликдан бошқа нарса эмас. Сирингни сақласанг асирингдир, агар ошкор қилсанг, сен унинг асирига айланасан”.

قال عمرو بن العاص: القلوب أوعية الأسرار والشفاه أفقاها والألسن مفاتحها، فليحفظ كل امرىء مفتاح سره.

Амр ибн Ос айтди: “Қалблар – сирларнинг идишлари, лаблар – қулфлари, тиллар – унинг қалитлари. Ҳар бир инсон ўз сири калитини сақласин”.

وقال حكيم: كما أنه لا خير في آنية لا تمسك ما فيها، كذلك لا خير في صدر لا يكتم سره. من كثـر اعتباره قـل عـثاره.

Донишмандлардан бири айтди: “Ичидагини тутиб турмайдиган идиш каби сирини яширмайдиган қалбда яхшилик йўқ. Эътибори кўп кишининг қоқилиши оз”.

زوال الدول باصطناع السفل، من طالت غفلته زالت دولته. القليل مع التدبير خير من الكثير مع التبذير .

Давлатлар заволи турли пастқашликлар авж олиши билан юзага келади. Ғафлати узоқ кишининг давлати қўлдан кетади. Тадбир билан қўлга кирган оз нарса, исроф билан эгалланган кўп нарсадан яхшироқдир.

ظن العاقل خير من يقين الجاھل. قليل تھمد مغبته خير من كثير تذم عاقبته.

Оқилнинг гумони жоҳилнинг ишончидан яхшироқдир. Сўнги мақталадиган оз – оқибати ёмонланадиган кўпдан яхшироқ.

عَزِيْةُ الصَّرِ تطفي نار الضر. من وثق بإحسانك تَمَكَّنَ دوام سلطانك.

Сабрга азм қилиш зарар ўтини ўчиради. Ким сенинг яхшилигингга ишонса, султонлигинг давомли бўлишини хоҳлайди.

إذا استشرت الجَاهِلَ اخْتَارَ لَكَ الْبَاطِلَ. رُبَّ جَهَلٍ أَنْفَعُ مِنْ عِلْمٍ وَرَبُّ حَرْبٍ أَنْجَعُ مِنْ

سَلْمٍ.

Қачон жоҳил билан кенгашсанг, сенга ботил йўлни маслаҳат беради. Қанча нодонликлар бор, илмдан кўра фойдали, қанча урушлар бор, тинчликдан кўра ғалаба келтирувчироқ.

شعر:

إِلَى الْجَهَلِ فِي بَعْضِ الْأَحَادِيْنِ أَحْوَجَ  
وَلِي فَرْسٌ لِلْجَهَلِ بِالْجَهَلِ مَسْرُجٌ  
وَمَنْ رَامَ تَعْوِيْجِيْ فَإِنِّي مَعْوِجٌ

لَئِنْ كُنْتَ مُحْتَاجًا إِلَى الْحَلْمِ أَنْيَ  
وَلِي فَرْسٌ لِلْحَلْمِ بِالْحَلْمِ مَلْجُمٌ  
فَمَنْ رَامَ تَقْوِيْمِيْ فَإِنِّي مَقْوُمٌ

Шеър (насрий баён): “Агар сен ҳилмга муҳтож бўлсанг, мен баъзан жаҳолатга эҳтиёж сезаман. Менда бир от бор, у ҳилмга ҳилм

билин жиловланган ва менда яна бир от бор, жаҳлга жаҳл билан юганлаб қўйилган. Ким мени тўғирлашни хоҳласа, бас, мен тўғирланувчанман. Кимки мени эграйтиришни хоҳласа, бас, мен эгриланувчанман”.

من رکن إلى حسن حالته قعد عن حسن حيلته.

Холатини яхшилашга майл этган киши ҳийлага чирой беришдан тўхтайди.

من أتم النصيحة والأمر بالصلح، من أقبح الغدر المشورة بالشر، الحازم من حفظ ما في يده  
ولم يؤخر شغل يومه لغدته.

Мукаммал самимият – ислоҳга буюриш. Энг хунук хиёнат – ёмонлик қилишга маслаҳат бериш. Қўлидагини сақлай олган, бугунги ишни эртага қўймайдиган киши ҳақиқий событ кишиидир.

شعر: ولا أؤخر شغل اليوم عن كسل إلى غد أن يوم العاجزين غد

Шеър. Дангасалик сабаб бугунги ишни эртага кечиктирмайман. Чунки эрта ожизларнинг кунидир.

لا يخلوا المُرء من ودود يمدح وحسود يقدح، من لم يجد لم يسد. ذكر السلطان نار وذم الإخوان عار.

Инсон мақтайдиган дўстлардан ва зарар етказадиган ҳасадчидан холи бўлолмайди. Саховатсиз киши бошлиқ бўлмайди. Подшохни тилга олиш олов, биродарларни ёмонлаш қилишлик уятдир.

شعر:

ت مشارا إلية بالتقديم	لا تضع من عظيم قدر وإن كنـ
بالتجرى على الكبير العظيم	فالكبير العظيم يصغر قدرـا
ر بتنجيسها وبالتحرىـ	ولع الخمر بالعقل رمي الحـمـ

Шеър (насрий баён): “Қадри улуғ кишини ерга урма, гарчи пешқадамликда танилган одам бўлсанг-да. Бас, қадри улуғ одам ўзига ўхшаган қадри улуғ кишига ташланиши билан кичраяди. Хамр ақлга тажовуз қилиб, уни нажосат ва ҳаромга булғагани учун улоқтирилди”.

احتمال الأذية من كرم السجية. من ساءت أخلاقه طاب فراقه.

Озорни қўтариш хулқнинг улуғлигидан. Ахлоқи ёмон инсондан ажралган яхши.

لا يقمع السفـيه الأمر الكلام ولا يـرد الجـاهـل إلاـ حدـ السـهـامـ. لا تصـحبـ من يـنسـىـ معـالـيـكـ وـيـذـكـرـ مـساـويـكـ.

Аҳмоқни фақат аччиқ гап, жохилни эса фақат ўткир тиф қайтаради. Яхшиликларингни унутиб, ёмонликларингни эслаб юрадиган кимса билан ҳамроҳ бўлма.

من كثـر غـضـبـه سـئـم وـمـن طـال ظـلـمـه حـرـمـ. إـذـا اسـتـفـادـ القـلـبـ عـصـمـه اسـتـفـادـ اللـسـانـ حـكـمـهـ.

Ғазаби кўпдан ҳамма безор, зулми кўп ҳаммадан маҳрум.  
Қачонки қалб ўзни тийишдан нафъ топса, тил ўз ҳикматларидан нафъ топади.

أَعْزَ الْإِخْوَانَ تَسْتَجِدُدُ إِخْرَانًا وَأَشْكَرُ الْإِحْسَانَ تَسْتَحْقِقُ إِحْسَانًا.

Дўстларни азиз тут, дўстлик янгиланади. Яхшиликка шуқр эт, яхшиликка муносиб бўласан.

لَا تقطع صديقا وإن كفر ولا تركن إلى عدو وإن شكر. كم من عالم يعرض عنه وجاهل يستمع منه.

Ношукрлик қилган бўлса ҳам дўстдан узилма. Шукр қилаётган бўлса-да, душманга суюнма. Қанча олимлар бор, улардан юз ўгирилади, қанча жоҳиллар бор уларга қулоқ тутилади.

لَا خَيْرٌ فِي مَوَاحِدَاتٍ مِّنْ لَا يَسْتَرُ عَيْبَكَ وَيَرِدُ غَيْبَكَ. الْمُزِيْدَةُ بِحَسْنِ الصَّوَابِ لَا بِزِينَةِ الثِّيَابِ.

Айбингни яширмайдиган, сени ғийбат қилишганда қайтармайдиган кишининг дўстлигига яхшилик йўқ. Фазилат – либос билан зийнатланишда эмас, балки тўғрилик билан безанишда.

شعر:

ما شاب محض النصح منه بغشه في مدح من لم تبله أو خدشه وصفاه في حالٍ رضاه وبطشه كرما وإن تر ما يزين فافشه لثقال ملبسه ورونق رقشه لخمول حالته ورثة فرشه ومقوف البردين عيب لفحشه خلقا ولا البازي حقاره عشه من حكه لا من ملاحة نقشه	* اسمع أخي وصية من ناصح * لا تقطعن بقضية مبتوطة * وقف القضية فيه حتى ينجلِي * فهناك أن تر ما يشين فواره * ومن الغباوة أن تعظم جاهالا * أو أن تهين مهذبا في نفسه * فلكم أخا طمرين هيب لفضله* * ما إن يضر العصب كون قرابه* * وكذلك الدينار يظهر فضله
---	--

Шеър (насрий баён): “Эй биродарим, насиҳатчидан бир насиҳат эшиит, унинг маслаҳати холис, сохталиқдан холи. Синамаган кишиңгни буткул мақташдан ёки узил-кесил айблашдан тийил, то ҳузур-ҳаловатга ва куч-қудратга тўлганида билинадиган икки сифати намоён бўлгунча у ҳақда ҳукм қилишга шошма. Бас, ўша пайт унда айбли сифатни кўрсанг, ҳурмат билан ўраб, яшир, зийнат бўладиган сифатни кўрсанг, ошкор қил. Ялтири-юлтур кийими учун жоҳилни улуғлашинг ёки ботинан тарбияли кишини зоҳирда бепарво, рўзгори юпун бўлгани учун хор санамоғинг аҳмоқликдир. Жулдур кийимли қанча дўстлар борки, фазли туфайли уларнинг ҳайбати босади. **Устибоши олачибор бўлган одамлар борки бузуқлиги туфайли айбланади.** Ўткир қиличга қиннинг эскилигидан, лочинга инининг кўримсизлигидан зарар йўқ. Шунингдек, динорнинг афзаллиги нақшининг чиройида эмас, уни ишқагандা (сарфланганида) билинади”.

وقال حكيم: الميل إلى الغضب من أخلاق الصبيان. والجُزع على ما ذهب من أخلاق النسوان.

Донишманд деди: “Ғазабга мойиллик – гўдакларнинг, қўлдан кетган нарса учун “дод-вой” қилиш – хотинларнинг ахлоқидандир”.

قال الجرجاني شعر:

يقولون لي فيك انقباض وإنما*	رأوا رجلا من موقف الذل احجما	*	أرى الناس من داناهم هان عندهم *
ومن أكرمه عزة النفس أكرم		*	وما زلت منحازا لعرضي جانبا *
عن الناس اعتد السلامة مغنمما		*	ولو أن أهل العلم صانوه صانهم
ولو عظموه في النفوس لعظما		*	ولكن أهانوه فهينوا ودنسوا
محياه بالأطماء حتى تحشما		*	وما كل برق لاح لي يستفزني
وما كل من لاقيت أرضاه منعما		*	وإني إذا ما فاتني الأمر لم ابت
اقلب كفى أثره متندما		*	ولكنني أن جاء عفوا قبلته
وإن فات لم أتبعه عل وليتما		*	إذا قيل هذا مورد قلت قد أرى
ولكن نفس الحر تحتمل الظما		*	وأقبض خطوي عن حظوظ كثيرة
إذا لم انلها وافر العرض مكرما		*	وأكرم نفسي أن اضاحك عابسا
وإن أتلقى بالمدح مذما		*	انهها عن بعض ما قد يشينها
مخافة أقوال العدا فيم أو لما		*	ولم اقض حق العلم إن كان كلما
بدا طمع صيرته لي سلما		*	ولم ابدل في خدمة العلم مهجتي
لا خدم من لاقيت لكن لاخدمها		*	أشقى به غرسا واجنيه ذلة
إذا فاتياب الجهل قد كان احرزما			

Журжоний деди (шеърнинг насрий баёни): “Хорланишдан ўзини чеккага тортган кишини кўриб, сенда бир сиқилиш бор, дейишади менга. Ваҳоланки, одамларга яқинлашган кишини улар орасида хор бўлган, иззат нафсининг ҳурматини қозонган кишини эса нақадар ҳурматли эканини кўряпман. Мудом қадримга маҳкам ёпишиб, саломат бўлишни ғанимат билган ҳолда одамлардан ўзни четга тортяпман.

Агар олимлар илмни сақлаганида, илм ҳам уларни сақлаган, қалбларида илмни улуғлаганларида, илм ҳам уларни улуғлаган бўларди. Лекин улар илмни хорлашди, оқибат ўзлари хорландилар, тамаъ билан илм юзини кирладилар, ҳатто унинг юзи бужмайди.

Чақнаган ҳар бир чақмоқ, дуч келган кишининг берган нарсаси мени ром қилмайди. Кўлдан кетган нарсага чапак чалиб, дод-войлар билан кечани ўтказмайман. Лекин менга кутилмагандан бир нарса келиб қолса, қабул қиласман. Агар у бой берилса, “кошкийди”, “шояд”лар билан унинг орқасидан эргашмайман. Қачонки, “бу сув манбаидир, ( қониб қол) ” дейилса, кўриб турибман, аммо озод кишининг нафси ташналикка чидайди, дейман. Кўп насибалардан қадамимни тортаман, гарчи уларга етолмасам-да, қадр-қийматимни ҳурмат билан сақлаб қоламан.

Ёқтиргани учун менга қовоғини солаётган кишига тамаъ илинжида кулиб қарашдан, мени ёмонлаётган кишини бир нарса ундириш мақсадида мақташдан ўзимни улуг тутаман. Душманларнинг “нега” ёки “нима учун” деган гапларидан эҳтиёт бўлган ҳолда, баъзан айб етказиб қўядиган айрим ишлардан нафсимни қайтараман. Ҳар қачон тамаъ билан қўлга кирадиган нарса кўринса-ю, илмни унга етиш учун нарвонга айлантирсам, демак, мен илмнинг ҳаққини адо қилмабман. Дуч келган кишига хизмат қилиш учун эмас, балки менга хизмат этишлари учун жонимни илм йўлида қурбон қилдим. Илм риёзати билан экин суғориб, яна хорлик ҳосилини оламанми? У ҳолда, жаҳлга эргашиш, яъни илмсизлик йўлини танлаш тўғри тадбир ҳисобланиб қолади-ку?!”

القلب العليل يميل إلى الأباطيل. ترك الآثام يعلى المقام. ثوب التقى لا يبلى. اليد العليا  
خير من اليد السفلة. الصبر حيلة من لا حيلة له.

Иллатли қалб ботил нарсаларга мойил бўлади. Гуноҳларни тарк этиш даражани оширади. Такво тўни эскирмайди. Юқори қўл пастки қўлдан яхшироқ. Сабр – ҳийласи қолмаган одамнинг ҳийласи.

شعر:

تنکر لی دھری ولم یدر اُنی  
صبور وعندی الحادثات تھون

وبات یرینی الخطب کیف اقتداره  
وبت أريه الصبر کیف یکون

Шеър (насрий баён): “Замоним менга нисбатан бегоналик кўрсатди. Ҳолбуки, у менинг сабрли, ҳар қандай ҳодисалар наздимда арзимас эканини билмайди. Замон бало-ю офатнинг қудрати не чоғли эканини менга кўрсатиш билан тунини ўтказаётган бўлса, мен эса сабрнинг қандай бўлишини унга кўрсатиш билан тунни ўтказяпман”.

خلة اللئام سرعة الانتقام. خير الإخوان من لم يتلون وإن تلون الزمان. درهم ينفع خير من دينار يصرع.

Интиқомга шошилиш пасткашларга хос хусусият. Дўстларнинг яхшиси – замон турли рангга кириб ўзгарса ҳам, бир рангда туриб ўзгармайдигани. Фойда берадиган кумуш чақа – кулатадиган тилло тангадан яхши.

شعر: كل له غرض يسعى ليدركه والحر يجعل إدراك العلا غرضه

Шеър (насрий баён): “Ҳаммада мақсад бор ва ҳамма ўша мақсадига етиш учун интилади. Озод инсоннинг мақсади эса юксакликка етиш, у факат шуни мақсад қиласди”.

آخر: ٿُين درهمنا في صون سوددا

قد صان عرضا له من هان درهمه

Бошқа шеър (насрий баён): “Улуғлигимизни сақлаш учун пулларимизни хорлаймиз(сарфлаб юборамиз). Пулинин хор тутган кишигини обўсими сақлаб қолади”.

### ضرب مثل

Зарбул масал

حكى أن كلبة عيرت لبوة، فقالت: أنا ألد ثمانية في بطنٍ واحدٍ وأنت لا تلدين إلا واحداً.  
فقالت اللبوة: صدقت إلا أني ألد أسدًا وأنت تلدين الكلاب فقليلٌ خيرٌ من كثيرٍ.

Хикоя қилинишича, урғочи ит она шерни айблаб: “Менинг битта корнимда саккизта бола бўлади, саккизта туғаман, сен эса факат битта туғасан” – дебди. “Тўғри айтдинг, мен битта туғаман, аммо шер туғаман. Сен эса итларни туғасан, бас, менинг озим сенинг кўпингдан яхшироқ” – дебди она шер.

مثل آخر: حكى أن قطة تنازعت مع غراب في حفرة يجتمع فيها الماء. وادعى كل واحد منهما أنها ملكه. فتحاكما إلى قاضي الطير، فطلب بيته، فلم يكن لأحد منهم بيته يقيمهها.

فحكم القاضي للقطاة بالحفرة. فلما رأته قضى لها بما من غير بينة والحال أن الحفرة كانت للغراب، قالت له: أيها القاضي، ما الذي دعاك لأن حكمت لي وليس لي بينة وما الذي اثرت به دعواي على دعوة الغراب، فقال لها: قد اشتهر عنك الصدق بين الناس حتى ضربوا بصدقك المثل، فقالوا: أصدق من قطاة، فقالت له: إذا كان الأمر على ما ذكرت فوالله أن الحفرة للغراب وما أنا ممن يشتهر عنه خصلة جميلة ويفعل خلافها، فقال لها: ما حملك على هذه الدعوى الباطلة، فقالت: ثورة الغضب لكونه منعني من ورودها ولكن الرجوع إلى الحق أولى من التمادي في الباطل ولئن تبقى لي هذه الشهرة خير لي من ألف حفرته.

### Бошқа масал

Хикоя қилинишича, каклик билан қарға сув түпланиб қолган бир чуқур устида тортишиб қолишиди. Ҳар иккаласи ўша қўлмакни ўзиники деб даъво қилишарди. Бас, улар бу масалани қушлар қозисининг хукмига ҳавола этишди. Қози ҳужжат талаб қилди, лекин ҳар икковида ҳам ҳақлигини исботловчи далил йўқ эди. Шундай бўлсада, қози масалани каклик фойдасига ҳал қилди. Аслида чукурча қарғаники эди, аммо ҳеч қандай ҳужжатсиз ўз фойдасига хукм қилинганини кўрган каклик қозига:

—Эй қози, нима учун далилим бўлмаса ҳам, менинг фойдамга хукм қилдинг, менинг даъвомни қарғаникидан устун қўйишга сени нима мажбур этди? — деб сўради. Шунда қози айтди:

—Эй каклик, сен одамлар орасида ройтгўйлигинг билан танилгансан, ҳатто улар бу сифатингни ибрат қилиб “какликдан ҳам ростгўй” дея зарбулмасал келтиришади.

—Бас, иш сен айтаётгандай экан, Аллохга қасамки, бу кўлмак қарғаникидир, мен чиройли хислат билан танилиб, унинг зиддини киладиганлардан эмасман, — деди каклик. Шунда қози сўради:

—Ноҳақ даъво қилишга сени нима мажбур этди?

—Газаб ўти, чунки қарға мени кўлмакка киришдан тўсди, ғазабим келиб “бу чукур меники” деб юбордим. Лекин ҳаққа қайтиш ботилда оёқ тираб туришдан хайрлироқ. Албатта “ростгўй” деб қозонилган шухратнинг менда қолиши мунингдек мингта чукурдан яхшироқдир, — деди каклик.

## الأُسْلُوبُ الثَّانِيُّ فِي حِفْظِ الْلِسَانِ وَمَا يَحْسُنُ نُطْقُهُ مِنَ الْإِنْسَانِ

### Иккинчи услуб тилни тийиш ва инсоннинг гапириши чиройли саналган нарсалар хақида

فَالَّذِي أَنْذَلْنَا إِلَيْهِ مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ مَا لَمْ يَرَوْا فَإِذَا قُلْتُمْ فَأَوْجِزْ فَإِذَا  
بَلَغْتُ حَاجَتَكُمْ فَلَا تَتَكَلَّفْ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхумога: “Агар гапирсанг, қисқа қил, хоҳлаганингни етказган бўлсанг, бас, энди чиранма”, — дедилар.

وَقَالَ أَيْضًا لِمَعَاذِ: أَنْتَ سَامُ مَا سَكَّتَ، فَإِذَا تَكَلَّمْتَ فَلَكَ أُوفٌ عَلَيْكَ.

Яна Маозга айтдилар: “Қачонки, сукут сақласанг, саломатсан, гапирсанг, гапинг ё сенинг фойдангга ёки зарарингга бўлади”.

وَقَالَ عَمْرُو بْنُ الْعَاصِ: الْكَلَامُ كَالدَّوَاءِ إِنْ أَقْلَلْتَ مِنْهُ نَفْعًا وَإِنْ أَكْثَرْتَ مِنْهُ صَدَاعًا.

Амр ибн Ос: “Гап дорига ўхшайди, ози фойда, кўпи қулатади”, – деди.

وَقَالَ لُقْمَانُ لِابْنِهِ: يَا بُنَيَّ! إِنَّ مِنَ الْكَلَامِ مَا هُوَ أَشَدُّ مِنَ الْحَجَرِ وَأَنْفَدُ مِنْ وَحْرِ الْإِبَرِ وَأَمْرُ مِنَ الصَّبَرِ وَأَخْرُ مِنَ الْجَمْرِ.

Луқмони Ҳаким ўғлига айтди: “Эй ўғилчам! Шундай сўзлар борки, тошдан қаттиқ, игнадан ўткир, сабир(алое ўсимлиги)дан аччик, чўғдан куйдирувчироқдир”.

إِنَّ الْقُلُوبَ مَزَارِعُ فَازْرَعْ فِيهَا طِيبَ الْكَلَامِ، فَإِنْ لَمْ يَنْبُتْ فِيهَا كُلُّهُ نَبَتَ بَعْضُهُ.

Албатта қалблар экинзор, бас, экинзорга чиройли сўзларни эк. Гарчи унда ҳаммаси ўсмаса ҳам, баъзиси ўсиб вояга етади.

قَالَ حَكِيمٌ: الْكِذْبُ دَاءٌ وَالصِّدْقُ دَوَاءُ. الْكِذْبُ ذُلٌّ وَالصِّدْقُ عِزٌّ.

Донишманд дейди: “Ёлғончилик дард, ростгўйлик эса даводир. Ёлғончилик хорлик, ростгўйлик эса азизликдир”.

كَفَاكَ مُوْنَخَا عَلَى كِذِبِكَ عِلْمُكَ بِأَنَّكَ كَاذِبٌ.

Ёлғончи эканингни билишинг ёлғонингни койишинг учун кифоя қилади.

وَقَالَ أَيْضًا لِقْمَانُ لِابْنِهِ: يَا بُنَيَّ! إِيَّاكَ وَالْكِذْبَ. فَإِنَّهُ يُفْسِدُ عَلَيْكَ دِينَكَ وَيَمْحُقُ عَلَيْكَ عِنْدَ النَّاسِ مُرُوءَتَكَ وَيَضَعُ مَنْزِلَتَكَ وَيُضَيِّعُ جَاهَكَ وَلَا يَسْمَعُونَ مِنْكَ إِذَا حَدَّثْتَ وَلَا يُصَدِّقُونَكَ إِذَا قُلْتَ وَلَا خَيْرٌ لَكَ فِي الْحَيَاةِ إِذَا كُنْتَ كَذِلِكَ. وَإِذَا اطَّلَعُوا عَلَى ذَلِكَ مِنْ أَمْرِكَ ثُمَّ صَدَفَتْ أَتَهْمُوكَ وَحَقَرُوكَ شَأْنَكَ وَأَبْغَضُوكَ وَأَخْفَفُوكَ عَنْكَ أَسْرَارَهُمْ وَخَتَمُوا حَدِيشَهُمْ وَكَتَمُوهُ وَحَذَرُوكَ فِي أَمْرِ دِينِهِمْ وَمَمْ يَأْمُنُوكَ فِي شَيْءٍ مِنْ أَحْوَالِهِمْ وَهَذِهِ حَالَتُكَ فِي قُلُوبِ النَّاسِ وَأَكْبَرُ مِنْ ذَلِكَ مَقْتُ اللَّهِ وَعُقُوبَتُهُ فِي الْآخِرَةِ.

Луқмон Ҳаким ўғлига яна айтди: “Эй ўғилчам, ёлғондан сақлан! Чунки, ёлғон динингни бузади, одамлар олдида муруватингни йўққа чиқаради, мартабангни туширади ва обрўнгни зое қилади, гапирсанг, сени эшитишмайди, сўз айтсанг, сени тасдиқлашмайди. Модомики, шундай экансан, хаётда сен учун яхшилик қолмайди. Ишингдаги бу ҳолдан огоҳ бўлишар экан, энди тўғри гапирсанг ҳам, сени муттаҳамга чиқаришади, шаънингни ерга уришади, сен билан ўтиришдан нафратланишади, сирларини сендан махфий тутишади, сени кўрган заҳоти сўздан тўхтайдилар, гапини яширишади, дин ишларида сендан эҳтиёт бўлишади, шахсий ҳолатлари билан боғлиқ ишларда сенга ишонишмайди. Бу дунёда инсонлар олдида шу ҳолатга тушасан, лекин охиратда Аллоҳ таолонинг азоби ва уқубати бундан каттароқдир”.

وَقَالَ ابْنُ السَّمَاكُ: مَا أَحْسَبْنِي أَوْجَرَ عَلَى تَرْكِ الْكِذْبِ لَأَنِّي أَتُرْكُهُ أَنْفَةً وَقَالَ أَيْضًا لَوْ مَيْكُنْ فِي الْكِذْبِ إِلَّا الْخِذْلَانُ لَكَفَاهُ قُبْحًا فَكَيْفَ وَفِيهِ الْإِثْمُ أَيْضًا.

Ибн Саммок деди: “Ёлғонни тарк қилганим учун ўзимни савоб топган деб ҳисобламайман. Чунки мен ёлғондан нафратланганим учун уни тарк қиляпман”. Яна айтди: “Агар ёлғонда хорликдан бошқа нарса бўлмаганда ҳам, унинг хунук иш эканига кифоя қиласи. Қандай кифоя қилмасин, чунки ёлғонда гуноҳ ҳам бор”.

وَقَالَ الشَّعْبِي عَلَيْكَ بِالصِّدْقِ حَيْثُ تَرَى أَنَّهُ يَضْرُكَ فَإِنَّهُ يَنْفَعُكَ وَاجْتَنِبِ الْكِذْبَ حَيْثُ تَرَى أَنَّهُ يَنْفَعُكَ فَإِنَّهُ يَضْرُكَ.

Шаъбий деди: “Ростгўйлик сенга зарар етказишини билган ўринда ҳам уни лозим тут. (Негаки, зарар бўлиб кўринаётган) ростлик, аслида сенга фойда келтиради. Сенга нафи тегадиган ўринда ҳам ёлғондан сақлан. Чунки (манфаатли бўлиб туюлаётган) ёлғон, аслида сенга зарар беради”.

شعر:

أَخْرَقَكَ الصِّدْقُ بِنَارِ الْوَعِيدِ	عَلَيْكَ بِالصِّدْقِ وَلَوْ أَنَّهُ
مَنْ أَسْخَطَ الْمَوْلَى وَأَرْضَى الْعَبِيدِ	وَاطْلُبْ رِضَى اللَّهِ فَأَشْقَى الْوَرَى

Шеър (насрий баён): “Агар ростлик сени таҳдидли ваъдалар оловида куйдирса ҳам, ростгўй бўл. Аллоҳнинг розилигини иста. Одамларни энг бадбахти бандаларнинг розилигини қозонаман деб Парвардигорининг ғазабини келтирган кишидир”.

وَقَالَ عَلِيٌّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: مَا حَبَسَ اللَّهُ جَارِحَةً فِي حِصْنٍ أَوْثَقَ مِنَ الْإِسَانِ الْأَسْنَانُ أَمَامَهُ  
وَالشَّفَقَاتِنِ مِنْ وَرَاءِ ذَلِكَ وَاللَّهُ أَمْطَبُوكَةً عَلَيْهِ وَالْقُلْبُ مِنْ وَرَاءِ ذَلِكَ فَاتَّقِ اللَّهَ وَلَا تُطْلِقْ هَذَا  
الْمَحْبُوسَ مِنْ حَبْسِهِ إِلَّا إِذَا أَمِنْتَ شَرَّهُ.

Алий розияллоху анху деди: “Аллоҳ таоло тилни шунчалик мустаҳкам қўрғон билан ўрадики, бирорта аъзо бунчалик мустаҳкам ҳибс қилинмаган. Тилнинг олдида (ўттиз иккита) тиш саф тортган, тишилар ортида иккита лаб ёпилган, ичкарида тилнинг усти кичик тилча билан қопланган, ундан ичкарида қалб турибди. Бас, Аллоҳдан қўрқ, бу маҳбусни қамоқхонасидан бўшатиб юборма. Магар қачонки, тилнинг ёмонлигидан сақланишга ишонч ҳосил қилсанг, ана ўша пайтда уни эркин қўйишинг мумкин”.

وَقَالَ بَعْضُ الْأَدَبَاءِ: إِحْبَسْ لِسَانَكَ قَبْلَ أَنْ يُطِيلَ حَبْسَكَ. وَقَالَ آخَرُ: مَنْ كَتَمَ سِرَّهُ سَرَّهُ  
وَآمَنَ النَّاسَ شَرَّهُ وَمَنْ حَكَمَ لِسَانَهُ شَانَهُ وَأَفْسَدَ شَانَهُ. صَمْتُ يَعْقِبُهُ نَدَامَهُ خَيْرٌ مِنْ نُطْقِ يَسْلُبُ  
سَلَامَهُ.

Адиблардан бири айтди: “Маҳбуслик муддатинг чўзилишига сабаб бўлишидан олдинроқ тилингни ҳибс қилиб қўй”. Бошқаси деди: “Ким сирини яширса, сири уни хурсанд қиласи ва одамларни сирининг ёмонлигидан (яъни сири очилиши оқибатида пайдо бўладиган ёмонликдан) сақлаган бўлади. Ким тилини ҳоким қиласа, уни шармандали ҳолга солади, шаънини булғайди. Тинчликни олиб қўядиган гапдан пушаймонни эргаштириб келадиган жимлик яхшироқ”.

شعر:

وَامْضِ عَنْهُ سَلَامٌ	خَلِّ جَنْبِيلَكَ لِرَامِ
لَكَ مِنْ دَاءِ الْكَلَامِ	مُتْ بِدَاءِ الصَّمْتِ خَيْرٌ
قِ مَعَالِيقَ الْحَمَامِ	رِيمَا اسْتَفْتَحْتَ بِالنُّطْ
جَمَ فَاهِ بِلِحَامِ	إِنَّمَا السَّاَمُ مَنْ أَلْ

Шеър (насрий баён): “Сенга ўқ отмоқчи бўлиб турган кишига биқинингни тутиб бер ва унинг ёнидан “Ассалому алайкум” деб bemalol ўтиб кетавер. Жимлик дарди билан ўлишинг маҳмаданалик дардига чалингандан яхшироқдир. Кўпинча гап билан ўлим қулфларини очиб қўясан. Фақат оғзини юганлай олган кишигина бундай балолардан саломат инсондир”.

قالَ بَعْضُ الْحَكَمَاءِ: الْكَذَابُ لَا يُعَاشُرُ وَالنَّمَامُ لَا يُشَاؤْرُ وَالْكَبِيرُ لَا يُكَابِرُ وَالْهَارِبُ لَا يُسْتَخْبِرُ وَالْجَبَانُ لَا يُسْتَنْصَرُ وَالْكُرُورُ لَا يُسْلَمُ عَلَيْهَا وَالْأَمْمَةُ لَا يُؤْمَنُ بِإِلَيْهَا وَالرَّفِيقُ لَا يُشَاحَحُ وَالْبَخِيلُ لَا يُسَامِحُ وَالْعَاشِقُ لَا يُعَايَرُ وَالْفَاسِقُ لَا يُسَامِرُ وَالْخَسِيسُ لَا يُكَارِمُ وَالْأَسَدُ لَا يُصَادِمُ وَالْأَهْوَجُ لَا يُزَوَّجُ وَالْبَاطِلُ لَا يُرَوَّجُ وَالْعِرْضُ لَا يُسَيَّبُ وَالْمُؤْمِلُ لَا يُخَيِّبُ وَالْخَيْرُ لَا يُنْكَرُ وَالْبَاغِي لَا يُنْصَرُ.

Ҳакимлардан бири айтди: “Ёлғончи билан дўст тутиниб, ўзаро муомалаларни йўлга қўйиб бўлмайди, чақимчи билан маслаҳатлашилмайди, каттага катта кетилмайди, қочиб келаётган кишидан хабар сўралмайди, қўрқоқдан ёрдам талаб қилинмайди, бокира қиз эътиборсиз ташлаб қўйилмайди, чўри(номахрам аёл)га имо-ишора этилмайди, хамроҳга зиқналик кетмайди, баҳилга кўнгилчанлик ўтмайди, ошиқ айбланмайди, фосиқ билан тунги сухбатлар қурилмайди, пасткаш улуғланмайди, шерга ташланилмайди, аҳмоқ уйлантирилмайди, ботил – нотўғри иш ривожлантирилмайди, обрў

қаровсиз, эътиборсиз қолдирилмайди, умидвор ноумид қилинмайди, яхшилик инкор этилмайди, бузғунчи, золимга ёрдам берилмайди”.

وَقَالَ عَلَيْهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: الْمَرْءُ مَحْبُوبٌ تَحْتَ طَيْسَانِهِ لَا تَحْتَ طِيلْسَانِهِ.

Алий розияллоҳу анҳу деди: “Эр киши тилининг ўрами остига яшириндир, дўпписи остига эмас” (яъни, дўппи иссиқ ёки совуқдан сақлаши мумкин, аммо ундан ҳам каттароқ балолардан тилнинг ечилиб кетмасдан ўралиб туриши сақлайди).

مَنْ عَذْبَ لِسَانُهُ كَثُرَتْ إِخْوَانُهُ . مَا هَلَكَ امْرِئٌ عَرَفَ قَدْرَهُ . قِيمَةُ كُلِّ إِنْسَانٍ مَا يُحْسِنُهُ . مَنْ عَرَفَ نَفْسَهُ عَرَفَ رَبَّهُ . بَشَّرَ الْبَخِيلَ بِحَادِثٍ أَوْ وَارِثٍ .

Тили ширииннинг оғайнилари кўп. Қадрини таниган ҳалокатга юз тутмайди. Ҳар бир инсоннинг қиймати чиройли адо қилган иши билан белгиланади. Ким ўзини таниса, Яратувчисини танийди. Бахилга (бир куни албатта содир бўладиган ўлим) ҳодисасининг ёки (ўлимидан сўнг қолиб кетган мол-дунёсига эгалик қиласидиган) ворисининг “хушхабар”ини бер.

لَا تَنْظُرْ إِلَى مَنْ قَالَ وَانْظُرْ إِلَى مَا قَالَ . لَا سُؤْدَدَ مَعَ الإِنْتَقَامِ . لَا صَوَابَ مَعَ تَرْكِ الْمُشَارِأَةِ . لَا مُرْوَةَ لِكَذُوبٍ . لَا تُسَيِّرْ لِسَانَكَ بِمَا يُسِيِّءُ إِخْوَانَكَ .

Ким гапираётганига эмас, нимани гапираётганига қара. Интиқом билан бошқарув йўқ, маслаҳатсиз тўғрилик йўқ, ёлғончи учун

одамийлик йўқ. Оғайниларингга ёмонлик етказадиган нарсани тилингга келтирма.

إِعَادَةُ الْاعْتِذَارِ تَذْكِيرٌ بِالذَّنْبِ. النُّصْحُ بَيْنَ الْمَلَأِ تَقْرِيرٌ. إِذَا تَمَّ الْعَقْلُ نَقْصٌ الْكَلَامُ.  
الشَّفِيعُ جَنَاحُ الطَّالِبِ. الْحُزْنُ أَتَعْبُ مِنَ الصَّبَرِ. أَكْبُرُ الْأَعْدَاءِ أَخْفَاهُمْ مَكِيدَةً. مَنْ طَلَبَ مَا لَا  
يَعْنِيهِ فَأَتَهُ مَا يَعْنِيهِ. السَّابِعُ لِلْعَيْنِيَّةِ أَحَدُ الْمُغْتَابِينَ.

Қайта-қайта узр сўрайвериш қайта-қайта гуноҳни эслатишидир. Одамлар орасида насиҳат қилиш сўкишидир. Ақл мукаммал бўлган пайтда гап қисқа бўлади. Ҳимоя қилувчи сўровчининг қанотидир. Жазавага тушиб, “дод-вой” солиши сабр қилишдан кўра толиқтирувчироқ иш. Душманларнинг энг каттаси хийласи маҳфийроғидир. Ким ўзига керак бўлмаган нарсани талаб қилса, ўзига керакли нарсани бой беради. Гийбатни тингловчи иккита ғийбат қилувчининг биридир.

شعر:

وَسَمِعَكَ صُنْ عَنْ سِمَاعِ الْقَبِيجِ  
كَصْوَنِ الْلِسَانِ عَنِ النُّطْقِ بِهِ  
فَإِنَّكَ عِنْدَ اسْتِمَاعِ الْقَبِيجِ  
شَرِيكٌ لِقَائِلِهِ فَانْتَهِ

Шеър (насрий баён): “Ёмон гапдан тилингни тийганинг каби қулоғингни ҳам ёмон гапни эшитишдан сақла. Чунки ёмон сўзга қулоқ тутар экансан, ёмонликни сўзловчига сен ҳам шериксан, бас, огоҳ бўлгин!”

مَنْ كَثُرَ مِرَاحَةً لَمْ يَكُنْ مِنْ اسْتَخْفَافٍ بِهِ أَوْ حَقْدٍ عَلَيْهِ.

Ҳазил-мазахи қўпайган киши шу феъли сабаб енгилтак деб саналишдан ёки (одамларнинг) унга нисбатан кек-адоватидан холи бўлолмайди.

شعر:

يَجْمُعُ وَعَلَّهُ بِشَيْءٍ مِّنَ الْمِنْحِ  
يُعْدَارٌ مَا تُعْطِي الطَّعَامَ مِنَ الْمِلْحِ  
أَفْدِ طَبْعَكَ الْمَكْدُودَ بِالْهَمِ رَاحَةً  
وَلَكِنْ إِذَا أَعْطَيْتَهُ الْمِنْحَ فَلَيْكُنْ

“Ғам-қайғудан эзилган табиатингга дам бер, роҳат олсин, бироз ҳазил-хузул билан уни овунтири. Лекин ҳазилга йўл очар экансан, ҳазилинг таомга қўшилган туз миқдорича бўлсин”.

عَبْدُ الشَّهْوَةِ أَذْلُّ مِنْ عَبْدِ الرِّيقِ. الْحَاسِدُ مُعْتَازٌ عَلَى مَنْ لَا ذَنْبَ لَهُ. كَفَى بِالظَّفَرِ شَفِيعًا  
لِلْمُذْنِبِ. رُبَّ سَاعٍ فِيمَا يَضُرُّهُ. الإِتَّكَالُ عَلَى الْأُمْنِيَّةِ مِنْ بَضَائِعِ الْحَمْقَى. الْيَأسُ حُرُّ وَالرَّجَاءُ  
عَبْدٌ. ظَنُّ الْعَاقِلِ كَهَانَةً. الْعَدَاوَةُ شُغْلٌ لِلْقَلْبِ.

Шаҳватга (яъни нафс хоҳишларига) қул бўлиш ҳақиқий қулликдан-да хорроқдир. Ҳасадгўй бегуноҳ кишидан ғазабланувчиdir. Гуноҳкор устидан қозонилган ғалаба уни кечиришга, ҳимоя қилишга кифоя қиласди. Қанча елиб-югурувчилар борки, ўзига зарар бўлиб қайтадиган нарсалар кетидан қувади. Тинчлик, осойишталикка суюниб қолиш (яъни осойишталикка ишониб, бепарво бўлиш) аҳмоқларнинг матолариданdir. Бандадан умидвор бўлмаслик – хурлик, умидвор бўлиш – қуллик. Оқилнинг гумони – фолбинлик (яъни, ўзи ақлли

бўлатуриб, гумонга боравериш оқилни фолбинга ўхшатиб қўяди). Душманлик қалбни банд қилиб қўяди.

شعر:

أَرْحَتْ نَفْسِي مِنْ هَمِ الْعَدَاوَاتِ إِنِّي أُحَبِّي عَدُوِي عِنْدَ رُؤْبِتِهِ	لَمَّا صَقَوْتُ وَ لَمْ أَحِدْدُ عَلَىٰ أَحَدٍ لِأَذْفَعَ الشَّرَّ عَنِي بِالْتَّحِيَّاتِ
---	--

Шеър (насрий баён): “Бирорта кишига кек сақламасдан пок бўлгач, нафсимни адоват ғамидан қутқардим. Душманимни қўрганда албатта салом бераман, саломлар билан ёмонликни ўзимдан дафъ қилиш учун”.

صَمْتُ الْجَاهِلِ سَتْرُ وَكَلَامُ الْعَاقِلِ فَخْرٌ. لَا يَزَالُ الرَّجُلُ مُهَابًا مَا دَامَ سَاكِنًا فَإِذَا تَكَلَّمَ  
 رَادَتْ مَهَابَتُهُ أَوْ سَقَطَتْ رُبْتُهُ.

Нодоннинг жимлиги парда, оқилнинг сўзи фахрdir. Киши жим турар экан, мудом ҳайбатли қўринади. Агар гапирса, ё ҳайбати ошади ёки мартабаси тушади.

شعر:

فَإِذَا نَطَقْتَ فَلَا تَكُنْ مِكْتَارًا وَلَقَدْ نَدِمْتُ عَلَى الْكَلَامِ مِرَارًا	الصَّمَتُ زَينٌ وَالسُّكُوتُ سَلَامٌ مَا إِنْ نَدِمْتُ عَلَى سُكُوتِي مَرَّةً
---	--

Шеър (насрий баён): “Жимлик зийнат, сукут саломатлиқdir. Сўзласанг гапинг кўпаймасин. Мен сукут қилганимга бирор марта пушаймон бўлмадим, аммо гапириб қўйганим учун бир неча марта пушаймон бўлдим”.

الأَدْبُرُ فِي النُّطْقِ ثَمَرَةُ الْعُقْلِ. لَا حَيَاءَ لِحِرِيصٍ. السَّعِيدُ مَنْ وُعِظَ بِغَيْرِهِ. الْحِكْمَةُ ضَالَّةُ  
الْمُؤْمِنِ. الشَّرُّ جَامِعٌ لِمَسَاوِيِ الْعُيُوبِ. صِدْقُ الْمَرْءُ بَحَانُهُ.

Гапирганда одобга риоя қилиш ақлнинг мевасидир. Очкўзда хаё йўқ. Ўзгалардан ибратлана олган киши баҳтлидир. Ҳикмат мўминнинг йўқотган нарсаси. Ёмонлик айбларнинг ёмонларини жамловчидир. Эр кишининг ростгўйлиги унинг нажотидир.

وَقَالَ ابْنُ الْمُعْتَرِ: إِذَا اضْطُرْرْتَ إِلَى كَذَابٍ فَلَا تُصَدِّقُهُ وَلَا تُعْلَمُهُ أَنَّكَ تُكَذِّبُهُ فَيَنْتَقِلُ عَنْ  
وُدُّهِ وَلَا يَنْتَقِلُ عَنْ طَبِيعَهِ.

Ибн Муътаз дейди: “Ёлғончини эшитишга мажбур бўлиб қолсанг, гапини тасдиқлама ва уни ёлғончиликда айблаётганингни ўзига билдириб ҳам қўйма. Чунки ёлғончилигини билдирганинг билан у ошнолигидан кечади, лекин ўзининг ёлғончи табиатидан кечмайди”.

قَالَ حَكِيمٌ: الْبِشْرُ تَرْجِمَانُ الْلِّسَانِ وَاللِّسَانُ صَحِيقَةُ الْجِنَانِ. الْبِشْرُ ذَالٌ عَلَى السَّخَاءِ كَمَا  
يُذْلِلُ النَّوْرُ عَلَى الشَّمْرِ. لِسَانُ الْعَاقِلِ فِي قَلْبِهِ وَقَلْبُ الْأَحْمَقِ فِي فَمِهِ.

Донишманд айтди: Очиқ юз тилнинг таржимони, тил қалблар сахифаси. Гул мевага айланганидек, очиқ юзлилик саховатга далолат қиласи. Оқилнинг тили қалбида, аҳмоқнинг қалби оғзирадир.

شعر:

مَنْ لَزِمَ الصَّمْتَ اكْتَسَى هَيْبَةً  
تُخْفِي عَنِ النَّاسِ مَسَاوِيهِ

لِسَانٌ مَنْ يَعْقُلُ فِي قَلْبِهِ  
وَقَلْبٌ مَنْ يَجْهَلُ فِيهِ

Шеър (насрий баён): “Жим туришни қасб қилган инсон гўё устига ҳайбат либосини ёпиниб олган, бу либос унинг айбларини одамлар кўзидан яширади. Оқилнинг тили қалбида, жоҳилнинг қалби оғзидадир”.

إِذَا وَصَلَتْ إِلَيْكُمْ أَطْرَافُ النِّعَمِ فَلَا تُنَفِّرُوا أَقْصَاهَا بِقِلَّةِ الشُّكْرِ. مَنْ لَمْ يَمْلِكْ لِسَانَهُ نَدِمَ.  
أَفَتَاتُ الْوَجْهِ وَفَتَاتُ اللِّسَانِ تُظْهِرَانِ مَا أَضْمَرَهُ الْإِنْسَانُ مِنْ كُلِّ شَأْنٍ.

Қачонки сизларга неъматларнинг бир тарафи етса, шукрни камайтириш билан унинг қолган тарафларини қўлдан чиқариб юборманг. Тилига эгалик қилолмаган киши афсус-надомат чекади. Кўзу юзнинг гоҳ у томон, гоҳ бу томон аланглайвериши, тилнинг талмовсираб каловланавериши инсон ичидаги яширган ҳар бир ишни ошкор қиласди.

قَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَابَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: مَنْ كَتَمَ سِرَّهُ كَانَتِ الْحِينَةُ فِي يَدِهِ.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу деди: “Сирини яшира олган кишининг ихтиёри қўлидадир”.

شعر:

إِذَا الْمَرْءُ أَبْدَى سَوْءَةً مِنْ لِسَانَهُ	وَلَامَ عَلَيْهَا غَيْرَهُ فَهُوَ أَحْمَقُ
إِذَا ضَاقَ صَدْرُ الْمَرْءِ عَنْ كُتْمِ سِرِّهِ	فَصَدْرُ الدِّي يَسْتَوْدِعُ السِّرَّ أَضْيَقُ

Шеър (насрий баён): “Киши ўз тили билан бир ёмонликни юзага чиқарса ва бошқани ўша айб билан маломат қилса, у аҳмоқдир. Кишининг сирини яширишга ўз қалби торлик қилар экан, сири ишониб топширилган ўзга қалбундан-да торроқдир”.

وَقَالَ بَعْضُهُمْ: مَنْ زَعَمَ أَنَّهُ يَحْدُرُ رَاحَةً فِي إِفْشَاءِ سِرِّهِ إِلَى غَيْرِهِ فَقَدِ اتَّهَمَ عَقْلَهُ لَاَنَّ مَشَقَّةَ الْإِسْتِبْدَادِ بِالسِّرِّ أَقْلُ مِنْ مَشَقَّةِ إِفْشَائِهِ بِسَبَبِ الْمُشَارِكَةِ.

Донишмандлардан бири деди: “Ким ўзгаларга сирини очиб, роҳат топишни хаёл қилса, ақлига тухмат қилган бўлади. Чунки сир билан ёлғиз қолиш мاشақати шериклик сабаб бўлиб сирнинг ёйилиб кетиш машақатидан камроқдир”.

الْأَمْرَانِ يَسْلُبُانِ الْحُرُّ كَمَالَ الْحُرِّيَّةِ، إِفْشَاءُ السِّرِّ وَ قَبُولُ الْبِرِّ لَاَنَّ مِنْ وَصَلَ إِلَيْكَ بِرُّهُ فَقَدْ وَجَبَ عَلَيْكَ بِالْخُضُوعِ شُكْرُهُ وَمَنْ أَفْشَيْتَ إِلَيْهِ الْأَسْرَارَ أَلْزَمَكَ الذُّلُّ لِتَقْيِيَةِ مُخَافَةِ الْإِنْتِشَارِ.

Сирни очиш ва яхшиликни қабул қилиш каби икки иш борки, эркин кишининг бутун эркини кемтик қилиб қўяди (гўё кишининг эгнидаги озодлик тўнига чанг солиб, бир қисмини сидириб олади). Чунки сенга кимнинг яхшилиги етса, таъзим билан унга миннатдорчилик билдиришга мажбур бўласан. Кимга сирларингни очсанг, уларнинг тарқалиб кетишидан қўрққанинг учун хорликка рози бўласан.

وَقَالَ آخَرُ: نَدَمِي عَلَى مَا لَمْ أَفْلَهْ مِنْهُ عَلَى مَا قُلْتُ. وَقَالَ آخَرُ: أَنَا لِمَا لَمْ أَفْلَهْ أَمْلَكُ مِنِّي لِمَا قُلْتُ.

Ҳакимлардан бир деди: “Айтмаганимга пушаймоним бўлишим – айтганимга пушаймон бўлишдан енгилроқ”. Бошқа бири айтди: “Айтганимдан кўра айтмаганларимга эгалигим қучлирок”.

مَنْ قَلَ صِدْقَهُ قَلَ صَدِيقَهُ. مَنْ صَدُقَتْ لَهْجَتُهُ ظَهَرَتْ حُجَّتُهُ. الصَّادِقُ بَيْنَ الْمَهَابَةِ  
وَالْمَحَبَّةِ. مَنْ عُرِفَ بِالصِّدْقِ جَاهَرَ كِذْبُهُ. وَمَنْ عُرِفَ بِالْكِذْبِ لَمْ يَجُزْ صِدْقَهُ. مِنْ تَمَامِ الصِّدْقِ  
إِلَى خَبَارٍ بِمَا تَحْتَمِلُهُ الْعُقُولُ. إِذَا اسْتَفَادَ الْقَلْبُ عِصْمَةً اسْتَفَادَ اللِّسَانُ حِكْمَةً. مَنْ غَلَبَتْهُ شَهْوَةُ  
الْكَلَامِ تَصَرَّفَتْ فِيهِ أَلْسِنَةُ الْمَلَامِ. كَلَامُ الْعَاقِلِ قُوَّتْ وَكَلَامُ الْجَاهِلِ فَوَّتْ. طُولُ اللِّسَانِ هَلَأُ  
الْإِنْسَانِ. الْكَلَامُ الْمَهَدَّبُ كَالْحُسَانِ الْمُدَرَّبِ. ذِكْرُ السُّلْطَانِ نَازٌ وَذَمُّ الْإِخْوَانِ عَازٌ. أَصْدَقُ  
الْمَقَالِ مَا نَطَقَ بِهِ ظَاهِرُ الْحَالِ.

Тўғри сўзи ознинг – дўсти оз. Тили ростнинг – хужжати рост. Тўғрисўз киши ҳайбат ва муҳаббат орасида (яъни, ёлғончилар ундан доимо ҳайиқиб юради, ростгўйларнинг муҳаббати эса унга ҳамиша зиёда). Ростгўйлиги билан танилган кишининг ёлғони рост ўрнида ўтиб кетиши мумкин. Аммо ёлғончилик билан танилган кишининг тўғри сўзи ҳам рост ўрнида ўтмайди. Тўғрисўзлик мукаммал бўлиши учун айтилаётган гап ақл кўтарадиган бўлиши керак. Қалб гуноҳдан сақланса, тилдан ҳикматлар сочилади. Гапиришни яхши кўрадиган (яъни, гапирмаса туролмайдиган – маҳмадана) маломатга нишон. Оқилнинг гапи қут-барака, нодоннинг гапи йўқотиш, бош беришдир. Тилнинг узуни – инсоннинг ҳалокати. Яхши ишлов берилган (яъни танлаб, ўрнида айтилган) гап қайралган қиличга ўхшайди. Подшоҳни фийбат қилиш – нор (яъни ўт, олов) дўстларни ёмонлаш – оп (яъни уят). Сўзнеинг энг тўғриси зохир ҳолат гапириб турган сўздир.

شعر:

أَنْ تُتَمَّمَ الْوَعْدَ فِي شَيْءٍ إِنَّمَا بِنَحَارِ الْوَعْدِ إِنَّ الْخُلْفَ ذَمٌ عَادِلٌ أَيْ كَمَا كَانَ رَعَمٌ.	لَا تَقُولَنَّ إِذَا لَمْ تُرِدْ فَإِذَا قُلْتَ نَعَمْ فَاصْبِرْ لَهَا كَمْ تَصَبَّرْتُ فِرَارًا أَنْ يَرَى
--	---

Шеър (насрий баён): “Бирор нарсада ваъданинг уддасидан чиқолмайдиган бўлсанг, “хўп” дема. Бас, “хўп” дедингми, энди ваъдага вафо қилиш билан берган сўзингнинг машаққатига сабр қиласан. Чунки ваъдага хилоф қилиш мазаммат – ёмонотлиқ бўлишдир. Эҳ, қанчалар сабр қилдим, мендан айб излайдиган кишининг ўйидагидек бўлиб қолмаслигим учун!”

مَنْ قَلَّ كَلَامُهُ قَلَّتْ آثَامُهُ . مَنْ كَثُرَ لَعْظَهُ كَثُرَ غَلَطُهُ.

Гапи ознинг – гуноҳлари оз. Шовқини кўпнинг – хатоси кўп.

الْكَذُوبُ مُتَهَمٌ وَإِنْ وَضُحَتْ حُجَّتُهُ وَصَدُقَتْ لَهُجَّتُهُ.

Ёлғончининг гарчи ҳужжати равшан, сўзи тўғри бўлса ҳам, “ёлғончи” деган ном билан тухматга қолаверади.

مَنْ مَلَكَ لِسَانَهُ أَحْرَرَ سُلْطَانَهُ . مَنْ بَسَطَ لِسَانَهُ قَبَضَ إِخْرَانَهُ

Тилига эга киши салтанат эгасидир. Тили бўш киши дўстларини танг ҳолатга солиб қўяди.

مَنْ لَرَمَ الصَّمْتَ أَمِنَ الْمَقْتَ. مَنْ قَالَ مَا لَا يَنْبَغِي سَمِعَ مَا لَا يَشْتَهِي. النُّطُقُ بِغَيْرِ حِكْمَةٍ هَوَسُ وَالصَّمْتُ بِغَيْرِ فِكْرٍ خَرَسٌ.

Жим туролган киши нафратдан омондир. Нолойик гапни гапирган киши, ҳохламаган сўзларини эшитади. Бехикмат гапириш – ақлсизлик, фикрсиз жимлик – соқовлик.

مَنْ تَتَّبَعَ مَسَاوِيَ سُلْطَانِهِ تَعَرَّضَ لِقَطْعٍ لِسَانِهِ

Ким ўз подшосининг айбларини текширса, тили кесилишига рўбарў бўлади.

مَنْ أَسْمَحَ الْكَلَامَ مَدْحُ اللَّئَامِ. عَلَامَةُ اللُّؤْمِ مَدْحُ الْمَذْمُومِ. عَایَةُ الْأَوْزَارِ تَزْكِيَةُ الْأَشْرَارِ.

Гапларнинг энг хунуги – пасткашларни мақташ. Ёмонлиги билан танилган кимсани мақташ – пасткашликнинг белгиси. Ёмонларни поклаш (яъни, оқлаш) – гуноҳларнинг чўққиси.

مَنْ قَالَ الْحَقَّ صُدِّقَ وَمَنْ عَمِلَ بِهِ وُفِّقَ

Хақни гапирган киши тасдиқ қилинади (яъни, одамлар унинг оғзидан чиққан гапни доимо тўғри деб тан олишади), ҳаққа амал қилган киши эса (дунё ва охират саодатига) муваффақ бўлади.

مَنْ كَثُرَ اخْتِلَافُهُ طَالَتْ غَيْبَتُهُ. وَمَنْ كَثُرَ مِرَاحُهُ زَالَتْ هَيْبَتُهُ. مَنْ أَفْشَى سِرَّهُ أَفْسَدَ أَمْرَهُ.

Ихтилофи кўп кишининг ғийбати узун бўлади (яъни, ҳадеб талашиб-тортишаверадиган киши кўп ғийбатга нишон бўлади). Ҳазили кўпайган сайин кишининг ҳайбати кетиб боради. Сирини очган одам ишини издан чиқаради.

لَيْكُنْ مَرْجِعُكَ إِلَى الْحَقِّ وَمَنْزَعُكَ إِلَى الصِّدْقِ. فَالْحُقُوقُ أَقْوَى أَمِينٍ وَالصِّدْقُ أَفْضَلُ قَرِينٍ.

Қайтишинг ҳақقا, интилишинг тўғриликка бўлсин. Чунки, ҳақ ишончли нарсаларнинг энг кучлиси, тўғрисўзлик яқин нарсаларнинг энг афзалидир.

مَنْ طَالَ كَلَامُهُ سُئِمَ وَمَنْ كَثُرَ اجْتِرَامُهُ شُتِّمَ.

Гапи чўзилган кишидан ҳамма безор, гуноҳи ортган киши таънаю маломатга дучор.

لَا تُحَاجِجْ مَنْ يَذْهَلُكَ حَوْفَةً وَيَهْلَكُكَ سَيْفَهُ. فَرُبَّ حُجَّةٍ تُتَلْفُ مَهْجَةً وَفُرْصَةٍ تُؤَدِّي إِلَى غُصَّةٍ. إِيَّاكَ وَاللَّهُجَاجَ. فَإِنَّهُ يُوَعِّرُ الْقُلُوبَ وَيُسْتِجْرِي الْأَرْوَبَ.

Хавфи сени саросимага соладиган ва қиличи сени ҳалок қиласидиган киши билан тортишма. Чунки, қанча исбот-далиллар бор, жонга хатар, қанча фурсат-имкониятлар бор, ғам-ғуссага етаклар. Саркашликтан сақлан, чунки у қалбларни ғорат қиласиди, урушларни келтириб чиқаради. Сени пушаймон қиласидиган гапдан тинчлигингни сақлаб турган соқовлик(жимлигинг) яхшироқ.

شعر:

إِنْ مَدَحْتُ الْحُمُولَ نَبَهْتُ قَوْمًا  
أَعْقَلُوهُ فَسَايَقُونِي إِلَيْهِ  
هُوَ قَدْ دَلَّنِي عَلَى لَدَّةِ الْعَيْشِ  
فَمَالِي أَدْلُّ غَيْرِي عَلَيْهِ

Шеър (насрий баён): “Агар (машҳур бўлиб кетиши, шуҳрат қозонии ҳолатининг зидди бўлган ғарифлик, тавозуз, эътиборга олинмаслик каби феълларни ўзида жамлаган) *хумул* сифатини мақтасам-у, ғофил қавмнинг бу лаззатга рағбатини уйғотиб қўйсам, бас, улар бу сифатни қўлга киритишида мендан ўзиб кетишади. Хумул менга шундай ҳаёт лаззатини бахшида этиб турган бир пайтда уни бошқаларга илинишим нимаси?!”

أَفْتَصِرْ مِنَ الْكَلَامِ عَلَى مَا يُقِيمُ حُجَّتَكَ وَيُبَلِّغُ حَاجَتَكَ . وَإِيَّاكَ وَالْفُضُولَ فِإِنَّهُ يُنْزِلُ الْقَدَمَ  
وَيُؤْرِثُ النَّدَمَ . اسْتَعِنْ بِالصَّمْتِ عَلَى إِطْفَاءِ الْعَضَبِ .

Гапни далил-хужжатингни ифодалайдиган ва ҳожатингга етказадиган даражада қисқа қил. Ортиқча гапдан сақлан, чунки у қадамни тойилтиради ва пушаймонлик келтиради. Газабни ўчириш учун сукут (жим туриш) дан ёрдам сўра.

لِسَانُكَ سَبَعُ إِنْ عَقَلْتُهُ حَرَسَكَ وَإِنْ أَطْلَقْتُهُ افْتَرَسَكَ . إِخْزِنُهُ كَمَا تَخْزِنُ مَالَكَ وَاعْرِفُهُ كَمَا  
تَعْرِفُ وَلَدَكَ وَزِنْهُ كَمَا تَزِنُ نَفَقَتَكَ . وَانْطِقْ بِهِ عَلَى قَدَرٍ وَكُنْ مِنْهُ عَلَى حَدَّرٍ . فَإِنَّ إِنْفَاقَ الْفِ  
دْرَهْمِ فِي غَيْرِ وَجْهِهَا أَيْسَرُ مِنْ إِطْلَاقِ كَلِمَةٍ فِي غَيْرِ حَقِّهَا .

Тилинг йиртқич ваҳший, агар боғлаб қўйсанг, сени қўриқлади, бўш қўйсанг, сени ҳалок қиласди. Тилингни молингни сақлаганингдек сақла, болангни таниганингдек тани ва ишлатаётган нафақангни ўлчаганингдек ўлча.

Маълум бир ўлчов билан гапир ва доим тилдан эҳтиёт бўл. Чунки минг кумуш тангани ноўрин сарфлаш бир сўзни норҳақ айтиб қўйишдан енгилроқдир.

رُبَّ كَلِمَةٍ جَلَبْتُ مَقْدُورًا وَأَخْرَيْتُ دُورًا وَعَمَرَتُ قَبُورًا. إِلِسْتِمَاعُ أَسْلَمُ مِنَ الْقَوْلِ. قَلْبُ الْكَذُوبِ أَكْذَبُ مِنْ لِسَانِهِ. أَحْسَنُ الْمَدْحِ أَصْدَقُهُ. الْلِسَانُ سَيْفٌ قَاطِعٌ حَدُّهُ وَالْكَلَامُ سَهْمٌ نَافِذٌ لَا يُمْكِنُ رَدُّهُ. مَعَ السُّكُوتِ السَّلَامَةُ وَمَعَ الْكَلَامِ النَّدَامَةُ. فَلَا تَقُلْ مَا يُزِيلُ قَدَمَكَ وَيُطِيلُ نَدَمَكَ. مَنْ قَلَّ أَدْبُهُ كَثُرَ شَعْبُهُ. الْيُمْنُ مَعَ الرِّفْقِ وَالنَّجَاهُ مَعَ الصِّدْقِ.

Қанча сўзлар бор, тақдирда битилган (бало)ларни келтиради, уйларни хароб қиласди, қабрларга элтади. Тинглаш гапиришдан тинчроқ. Ёлғончининг дили тилидан ёлғончироқ. Мақтовнинг чиройлиси – унинг рости. Тил – дами кескир қилич, гап – тешиб ўтувчи ўқ, уни тўсиш имконсиз. Саломатлик сукутда, пушаймонлик гапиришда. Оёғингни тойилтириб, узундан-узоқ пушаймонга сабаб бўладиган гапдан тийил. Одоби ознинг – шовқин-сурони кўп. Барака мулойимлик билан, нажот ростгўйлик билан бирга.

## ضرب مثل Зарбул масал

حُكَّيَ أَنَّهُ اجْتَمَعَ بُرْغُوثُ وَبَعْوَضَةُ. فَقَالَتِ الْبَعْوَضَةُ لِلْبُرْغُوثِ: إِنِّي لَأَعْجِبُ مِنْ حَالِي وَحَالِكَ أَنَا أَفْصَحُ مِنْكَ لِسَانِاً وَأَوْضَحُ بَيَانِاً وَأَرْجَحُ مِيزَانِاً وَأَكْبَرُ مِنْكَ شَأْنِاً وَأَكْثَرُ طَيْرَانِاً وَمَعَ هَذَا فَقَدْ أَضَرَّنِي الْجُوعُ وَأَخْرَجَنِي الْهُجُوعَ وَلَا أَزَالُ عَلِيلَةً مَجْهُودَةً مُبَعَّدَةً عَنِ الطَّرِيقِ مَطْرُودَةً وَأَنْتَ تَأْكُلُ وَتَشْبَعُ وَفِي نَوَاعِمِ الْأَبْدَانِ تَرْتَعُ. فَقَالَ لَهَا الْبُرْغُوثُ: أَنْتَ بَيْنَ الْعَالَمِ مُطْنَطِنَةٌ وَعَلَى رُؤُسِهِمْ مُدَنِّدَةٌ وَأَنَا قَدْ تَوَصَّلْتُ إِلَى قُوَّتِي بِسَبَبِ سُكُونِي.

Хикоя қилинишича, бурга билан чивин учрашиб қолибди ва чивин бургага дебди: “Ўзимнинг ва сенинг ҳолингга қараб ажабланаман: овозим сеникидан чиройли, баёним аник, равшан, вазним оғир, ҳурматим ҳам сеникидан улуғ, учишда ҳам сендан афзалроқман. Лекин шундай бўлса-да, очлик мени қийнайди, уйқудан маҳрум қиласи, мудом хастаҳолу қийноқдаман, йўлдан чеккага ҳайдаб солишади. Сен эса доимо тўйиб ейсан, ҳамиша юмшоқ баданларда яйрайсан?!”

Шунда бурга чивинга жавобан: “Сен оламга ғавғо солиб визиллайсан, одамларнинг бошлари узра ғинғиллайсан, мен эса жим туриб озиғимга етаман” – деган экан.

قالَ حَكِيمٌ: أَبْلَغُ الْكَلَامَ مَا قَلَّتْ فُضْلُهُ وَتَمَّتْ فُصُولُهُ. أَبْلَغُ الْكَلَامَ مَا صَحَّتْ مَبَانِيهِ  
وَوَضَّحَتْ مَعَانِيهِ. أَبْلَغُ الْكَلَامَ مَا أَعْرَبَ عَنِ الضَّمِيرِ وَأَعْنَى عَنِ التَّفْسِيرِ. أَبْلَغُ الْكَلَامَ مَا يَدْلُلُ أَوْلُهُ  
عَلَى آخِرِهِ وَيُسْتَغْنِي بِبَاطِنِهِ عَنْ ظَاهِرِهِ. أَبْلَغُ الْكَلَامَ مَا زَانَهُ التَّتَّامُ وَعَرَفَهُ الْخَاصُّ وَالْعَامُ. أَبْلَغُ  
الْكَلَامَ مَا قَلَّ مَحَازِهُ وَنَاسَبَتْ صُدُورُهُ أَعْجَازَهُ.

Донишмандлардан бири айтди: “Гапнинг энг етуги – ортиқчаси кам ва ҳар бўлаги мукаммал бўлгани. Гапнинг энг етуги – қурилиши соғлом, маънолари равшан бўлгани. Гапнинг энг етуги – қалбдан айтилиб, изоҳга ҳожат қўймасдан англарадигани. Гапнинг энг етуги – боши охирига далолат қиласидигани ва ичи ташига ҳожат сезмайдигани. Гапнинг энг етуги – комиллик зийнатлагани ва хосу авом бирдек тушунадигани. Гапнинг энг етуги – мажози оз ва боши охирига муносиб келгани”.

كَثْرَةُ الْإِسْتِمَاعِ تُورِثُ الْإِنْتَقَاعَ. سُوءُ الْمَقَالَةِ يُزْرِي بِخُسْنِ الْحَالَةِ. كَثْرَةُ السُّؤَالِ تُورِثُ  
الْمَلَأَ.

Кўп тинглаш фойда келтиради. Ёмон гап чиройли ҳолатга айб етказади. Кўп сўраш малол келтиради.

شعر:

حِبَكَ فِي الدَّهْرِ أَخْوُهُ مَرَّةً بَحَلَّكَ فُوهُ سَائِلًا مَا وَاصَلُوهُ ذُلْلًا لِمَالٍ حَمَلُوهُ فَضْلٌ مِنَ النَّاسِ ذَوُوهُ	أَنْتَ مَا اسْتَعْنَيْتَ عَنْ صَاهِ فَإِذَا احْتَجْتَ إِلَيْهِ لَوْ رَأَى النَّاسُ نَبِيًّا وَهُمُوا إِنْ حَمِلُوا إِنَّمَا يَعْرِفُ ذَا الْ
--	--

Шеър (насрий баён): “Дўстингга узун замонлар ҳожатинг тушмаса, демак сен унга оғайнисан. Қачонки, бир марта унга муҳтоҷ бўлиб қолсанг, у сени туфлаб ташлайди. Одамлар нимадир сўраётган кишини қўрар экан, ҳатто пайғамбар бўлса хам у билан алоқани узадилар. Агар уларга мол-дунё учун бир хорлик юкланса, кўтараверадилар. Албатта инсонлар ичидаги фазл эгасини фазл эгалари танийди”.

عِشْرَةُ الرِّجْلِ تُدْمِي الْقَدَمَ وَعِشْرَةُ الْلِّسَانِ تُزِيلُ النِّعَمَ.

Оёқнинг қоқилиши оёқни қонатади, тилнинг тойилиши неъматни кеткизади.

مِنْ حَقِّ الْعَاقِلِ أَنْ يَبْذِلَ النُّصْحَ لِلْقَرِيبِ وَيَكْتُمَ السِّرَّ عَنِ النَّسِيبِ. دَاءُ الْمُكْثِرِ شِدَّةُ الْحُمْقِ وَدَوَاؤُهُ قِلَّةُ النُّطْقِ. الرِّبَيْبَةُ عَارٌ وَالْغِيَبَةُ نَارٌ.

Яқинларидан насиҳатни аямаслиги ҳам, насабдор қариндошидан сирни яшириши ҳам оқилнинг ҳаққидир. Маҳмадананинг дарди – ўта ахмоқлик, бу дарднинг давоси кам гапиришдир. Ҳар нарсадан шубҳаланиб, саросимага тушавериш уят, ғийбат эса жаҳаннамнинг оловидир.

أَحَدُ السُّيُوفِ الْلِسَانُ وَأَفْتَكُ الْأَعْدَاءِ الْجِنَانُ. جَهْلٌ يُضْعِفُ حُجَّتَكَ خَيْرٌ مِنْ عِلْمٍ يُتْلِفُ مَهْجَّتَكَ. تَحْصَنْ بِالْجَهْلِ إِذَا نَفَعَ كَمَا تَسْخَنْ بِالْعِلْمِ إِذَا رَفَعَ.

Энг ўткир қилич – тил, энг хавфли душман қалбdir. Даилил-хужжатингни заифлаштирадиган билимсизлик ҳаётингга талофат етказадиган илмдан яхшироқ. Билимга қўрғонланиб, даражанг кўтарилигани каби, агар фойда берса, билимсизлик билан ҳам ўзингни қўрғонла.

مَنْ قَالَ بِلَا احْتِرَامٍ أُجِيبَ بِلَا احْتِشَامٍ. قَصِيرٌ كَلَامَكَ تَسْلَمُ وَأَطْلِ احْتِشَامَكَ تُكْرَمُ. مَنْ أَجْهَلَ قِيلَّاً سَيَعِ جَمِيلًاً.

Хурматсизлик билан гапирган кишига, уятсизлик билан жавоб қайтарилади. Гапингни қисқа қил, саломат бўласан, узоқроқ уял, ҳурматга сазовор бўласан. Кишининг гапи қанча чиройли бўлса, эшитадигани шунча чиройли бўлади.

لَا تَقُولَنَّ مَا يَسْئُكُ جَوَابُهُ وَيَضُرُّكُ مَعَابُهُ. لِكُلِّ قَوْلٍ جَوَابٌ وَلِكُلِّ حَمِيلٍ شَوَابٌ. لَا تَقُولَنَّ هَجْرًا وَلَا تَفْعَلَنَّ نُكْرًا. اعْقِلْ لِسَانَكَ إِلَّا عَنْ حَقٍّ ثُوَضِحُهُ أَوْ خَلَلٍ تُصْلِحُهُ أَوْ كَلِمَةٍ تُفَسِّرُهَا أَوْ مَكْرُمَةً تَنْشُرُهَا. وَيُسْتَدَلُّ عَلَى عَقْلِ الرَّجُلِ بِقَوْلِهِ وَعَلَى أَصْلِهِ بِفَعْلِهِ.

Жавоби сени хафа қиладиган ва айби сенга зарар етказадиган гапни ҳаргиз дема. Ҳар бир сўзнинг жавоби, ҳар бир чиройли амалнинг савоби – мукофоти бор. Ташлаб юбориладиган гапни гапирма, қайтарилиган ишни қилма. Тилинг тий, магар ҳақни изоҳласа ё бузуқни тузатса ёки бир сўзни тушунтириб, шарҳласа ёхуд бир яхшиликни ёймоқчи бўлса, ана ўша ҳолатларда тилингга эрк бергин. Айтган гапи кишининг ақлига, қилган иши унинг аслига далолатдир.

شعر:

يُتَلِّي عَلَى الْأَسْمَاعِ وَالْأَفْوَاهِ تُنْبِيِّكُمْ عَنْ أَصْلِهِ الْمُتَنَاهِي بَيْنَ الْأَنَامِ قَلِيلَةُ الْأَشْبَاهِ أَفَأَنْتَ أَصْدَقُ أَمْ رَسُولُ اللَّهِ.	قَالَ النَّبِيُّ مَقَالَ صِدْقٍ لَمْ يَرَلْ مَنْ غَابَ عَنْكُمْ أَصْلُهُ فَقَعَالُهُ وَلَقَدْ فَعَلْتَ فِعَالَ سَوْءٍ أَصْبَحْتَ وَرَعَمْتَ أَنْكَ مِنْ سُلَالَةِ مَاجِدٍ
--	--

Шеър (насрий баён): “Пайғамбар алайҳиссалом қулоқлар (остида янграб,) оғиздан оғизларга ўтиб турадиган бир рост сўзни айтдилар: “Кимнингки, аслини билолмай қийналсангиз, феъл-атворига қаранг, унинг қилган ишлари ҳатто энг қадимги ота-боболари кимлигини ҳам айтиб туради”. Сен бўлсанг, қилган ёмон ишларинг сабаб одамлар орасида ўхшashi йўқ кишига айланиб қолгансан-у, яна сулоласи улуғ кишиларданман деб ўйлайсан. Энди айт-чи, сен ростгўйми ёки Аллоҳнинг расули?!”

إِيَّاكَ وَفُضُولَ الْكَلَامِ إِنَّهَا تُخْفِي فَضْلَكَ وَتُنْفِي عَذْلَكَ وَتُقْلِلُ بَيَانَكَ وَتُمْلِلُ إِخْوَانَكَ.  
 الْإِقْتِصَادُ فِي النُّطْقِ يَسْتُرُ الْعَوَارَ وَيُؤْمِنُ الْعِثَارَ.

Ортиқча гапдан сақлан, чунки у фазилатингни ёпиб, адолатингни йўқ қиласи, баёningни қийинлаштиради, дўстларингни малоллантиради. Гапиришда тежамкорлик айбларни ёпали ва тойилишдан сақлайди.

حَدُّ السِّنَانِ يَقْطَعُ الْأَوْصَالَ وَحَدُّ اللِّسَانِ يَقْطَعُ الْآجَالَ. فَاخْشَ إِسَاعَتَهُ إِلَيْكَ وَتَوَقَّ جِنَائِتَهُ عَلَيْكَ.

Тигнинг ўткири бўғимларни, тилнинг ўткири умрларни қирқади. Шунинг учун тилнинг сенга қиласидан ёмонлигидан қўрқ, сенга қарши амалга ошириладиган жиноятидан сақлан.

فَوْمٌ لِسَائِكَ تَسْلِمٌ وَقَدْمٌ إِحْسَانِكَ تَغْنَمٌ. لَا تَفْلِ مَا يُزْرِي بِكَ وَلَا تَفْعَلْ مَا يَضَعُ مِنْكَ. قُلْ مَا يُرِجِّحُ زَنَّكَ وَافْعَلْ مَا يُحِلُّ قِيمَتَكَ.

Тилингни тўғри қил, саломат бўласан, яхшилигингни илдам қил, ўлжали бўласан. Айбингни юзага чиқарадиган гапни айтма, мартабангни туширадиган ишни қилма. Тарозунгни оғир қиласидан сўзни айт, баҳонгни оширадиган ишни қил.

مَنْ قَوْمٌ لِسَائِهُ زَادَ عَقْلُهُ وَمَنْ سَدَّدَ كَلَامُهُ بَانَ فَضْلُهُ . مَنْ مَنْ يَعْرُوفُهُ سَقَطَ شُكْرُهُ وَمَنْ أَعْجَبَ بِحِلْمِهِ حَبَطَ أَجْرُهُ . مَنْ صَدَقَ فِي مَقَالِهِ زَادَ فِي جَمَالِهِ .

Ким тилини тўғри қилса, ақли ўсади, ким гапини тузатса, фазилати равшанлашади. Кимки ўз яхшилигини миннат қилса, шукрини йўқотади, кимки ўз мулојимлиги билан мағурурланса, савобидан маҳрум бўлади. Кимнинг гапи рост бўлса, чиройи зиёда бўлади.

إِلَزَمَ الصَّمْتَ تَعْدَّ فِي نَفْسِكَ فَاضَالاً وَفِي جَهْلِكَ عَاقِلاً وَفِي أَمْرِكَ حَكِيمًا وَفِي  
عَجْزِكَ حَلِيمًا.

Жим туришга одатлан. Шунда фазилатли кўринасан, билмаслигинг ёпилиб, оқил саналасан, қилаётган ишингда донишмандга айланасан, ожизлигинг ҳалим деб эътибор этилади.

إِنْهَا تُظْهِرُ مِنْ عُيُوبِكَ مَا بَطَنَ وَتُحَرِّكَ مِنْ عَدُوِّكَ مَا سَكَنَ.

Пишиб етилмаган сўзлардан саклан. Чунки улар яширин айбларингни юзага чиқаради, тинч турган душманингни харакатга солиб қўяди.

كَلَامُ الْمَرْءِ بِيَانٍ فَضْلِهِ وَتَرْجِمَانُ عَقْلِهِ. أَكْثَرُ مِنَ الْجَمِيلِ وَاقْتَصِرْ مِنْهُ عَلَى الْقَلِيلِ. الْفَضْلُ  
مُلْكُ الْلِّسَانِ وَبَذْلُ الْإِحْسَانِ. إِلَزَمَ الصَّمْتَ تَكْتِسِبْ صَفْوَ الْمَوَدَّةِ وَتَأْمَنْ سُوءَ الْمَغْبَةِ وَتَلْبِسْ  
ثُوبَ الْوِقَارِ وَتَكْفُرَ مَؤْنَةَ الْإِعْتِدَارِ.

Эр кишининг гапи унинг фазилатини баён қилувчи ва ақлининг таржимонидир. Чиройли ишларни кўпайтиргин ва уларни оз-оздан кўпчиликка тақсимла. Фазилат – тилга эга бўлиш ва эҳсон беришдир. Жим туришга одатлан, шунда чин дўстликни касб қиласан, ёмон оқибатлардан омон бўласан, викор либосини киясан ва узр сўраш заҳматидан тўсиласан.

الصَّمْتُ آيَةُ الْفَضْلِ وَثَمَرَةُ الْعَقْلِ وَرَبِّنُ الْعِلْمِ وَعَيْنُ الْحَلْمِ. فَالْأَلْزَمُهُ تَلْزِمُكَ السَّلَامَةُ وَاصْحَابُهُ  
تَصْحِبُكَ الْكَرَامَةُ.

Жим туриш – фазилат белгиси, ақл самараси, илм зийнати ва айни ҳалимликдир. Бас, жимликни маҳкам тут, шунда саломатлик сени маҳкам тутади, унга ҳамроҳ бўл, шунда ҳурмат-эътибор сенга ҳамроҳ бўлади.

كَثُرَةُ الْمَقَالِ تُمِلِّ السَّمْعَ وَكَثُرَةُ السُّؤَالِ تُوَجِّبُ الْمَنْعَ.

Кўп гап – кулоққа малол, кўп сўрайвериш – рад жавобини олишга сабаб.

إِذَا حَاجَتَ فَلَا تَقْصُرْ وَإِذَا لَأْجَحْتَ فَلَا تُكْثِرْ. فَمَنْ قَصْرَ فِي حِجَاجِهِ خُصِّمَ وَمَنْ أَكْثَرَ فِي لَحَاجِهِ سُئِمَ.

Хужжатлашмоқчи, яъни ҳақлигингга ишонтиromoқчи экансан, гапинг чала қолмасин, қайсарлигинг тутиб қолганида, гапинг чўзилиб кетмасин. Чунки, хужжатлашаётганингда гапинг қисқа бўлиб қолса, рақибнинг қўли баланд келади, қайсарлигинг ошиб кетса, сухбатдошлар сендан безор бўлади.

اعْقَلْ لِسَانَكَ إِلَّا عَنْ عِظَةٍ شَافِيَّةٍ يُكْتَبُ لَكَ أَجْرُهَا أَوْ حِكْمَةٍ بِالْغَةِ يُحْمَدُ عَنْكَ نَشْرُهَا.  
إِيَّاكَ وَقَبِيحَ الْكَلَامِ فَإِنَّهُ يُنَفِّرُ عَنْكَ الْكِرَامُ وَيُعْرِي عَلَيْكَ اللِّثَامُ.

Тилингни тий, магар, сенга ажри етадиган шифобахш насиҳат ёхуд сен сабаб омма ичра тарқалиши мақтовга муносиб кўрилган етук бир ҳикматли гап бўлса, тилингга эрк беришинг мумкин. Қўпол сўзлардан сақлан, чунки қўполлик улуғларни сендан қочиради, пасткашларни сенга “гиж-гиж” лайди.

شعر:

لَقَدْ صَدَقَ الْبَاقِرُ الْمُرْتَضَى  
سَلِيلُ الْإِمَامِ عَلَيْهِ السَّلَامُ  
بِمَا قَالَ فِي بَعْضِ الْفَاظِ  
قَبِيْحُ الْكَلَامِ سِلَاحُ اللِّئَامِ

Шеър (насрий баён): “Пайғамбар алайҳиссалом наслидан бўлган Боқир Муртазо ўзининг айтган гапларидан бирида ҳақ эди: “Хунук сўз пасткашларнинг қуроли”.

الْحَذْرُ خَيْرٌ مِنَ الْهَذْرِ لَأَنَّ الْحَذْرَ يَقِيِّ الْمَهْجَةَ وَالْهَذْرَ يُضَعِّفُ الْحُجَّةَ. مَنْ أَفْرَطَ فِي الْمَقَالِ  
رَلَّ وَمَنْ اسْتَخَفَّ بِالرِّجَالِ ذَلِّ. جَرْحُ الْكَلَامِ أَشَدُّ مِنْ جَرْحِ الْحُسَامِ.

“Хазар” яъни эҳтиёткорлик “хазар”дан яъни маҳмаданалиқдан яхшироқ. Чунки эҳтиёткорлик жонни асрайди, маҳмаданалик далилнинг жонини суғиради. Кимки гапда ҳаддан ошса, тойилади. Кимки мард – эр кишини кичик санаса, хор бўлади. Сўз жароҳати қилич жароҳатидан қаттигрок.

شعر:

جَرَاحَاتُ السِّنَانِ لَهَا التِّئَامُ  
وَلَا يُلْتَامُ مَا جَرَحَ اللِّسَانُ

Шеър: “Тифдан етган жароҳатнинг давоси бор,

Тилдан етган жароҳатга қани бир кор?!”

اَتَّقِ عَشَرَاتِ لِسَانِكَ تَأْمَنْ سَطْوَاتِ سُلْطَانِكَ. لَا تَقُولَنَّ مَا يُوَافِقُ هَوَاهُ وَيُغْضِبُ اَنْحَاكَ  
وَإِنْ خَلْتُهُ هُوَا وَقُلْتُهُ لَغْوًا. فَرُبَّ هُوٰ يُوَحِّشُ مِنْكَ حَرًّا وَلَغْوٍ يَجْلِبُ لَكَ شَرًّا.

Тилингни хатолардан сақласанг, султонинг(яъни, оламлар подшохи бўлмиш Зот) ғазабидан омон бўласан. Ҳавойи нафсингга мувофиқ келади-ю, аммо биродарингни ғазабга келтирадиган сўзни гапирма. Гарчи бу сўзни

шунчаки “ўйин-қулгу” деган хаёлга борсанг ҳам, гарчи бу сўзни шунчаки бекорчиликдан гапираётган бўлсанг ҳам. Чунки, шундай ҳазиллар борки, (табиати мусаффо ва ёмонликдан) озод инсонни сендан бездиради ва шундай бекорчи гаплар борки, сени ёмонлик томон тортади.

تَعَامَ عَمَّا تَسْوُءُكَ رُؤْيَتُهُ وَ تَغَابَ عَمَّا تَضْرُبَ مَعْرِفَتُهُ. لَا تَنْصَحْ مَنْ لَمْ يَتِقْ بِكَ وَ لَا تُشِّرِّعْ  
عَلَى مَنْ لَا يَقْبِلُ مِنْكَ. لَا شَيْءٌ أَنْفَعُ لِلنِّسَانِ مِنْ حِفْظِ اللِّسَانِ. إِذَا سَكَّتَ عَنِ الْجَاهِلِ فَقَدْ  
أَوْسَعْتَهُ جَوَابًا وَ أَوْجَعْتَهُ عِقَابًا.

Кўрсанг таъбингни хира қиладиган нарсадан ўзингни кўрлика сол(иб), билсанг сенга зарари етадиган нарсадан ўзингни жиннилика сол(иб четлан). Сенга ишонмайдиган кишига насиҳат қилма, йўриғингга юрмайдиган кишига маслаҳат берма. Инсонга тилни сақлашдан кўра фойдалироқ нарса йўқ. Нодонга сукут қилишинг – унга берилган энг батафсил жавобинг, унга етказган энг аламли азобингдир.

شعر:

وَطُولُ احْتِبَارِي صَاحِبًا بَعْدَ صَاحِبِ مَبَادِيهِ إِلَّا أَسَاءَنِي فِي الْعَوَاقِبِ مِنَ الدَّهْرِ إِلَّا كَانَ إِحْدَى النَّوَائِبِ	وَزَهَدَنِي فِي النَّاسِ مَعْرِفَتِي بِهِمْ فَلَمْ تُرِنِي الْأَيَامُ خَلَّا تَسْرُّنِي وَلَا كُنْتُ أَرْجُوهُ لِدْفَعِ مُلِمَةٍ
--	--

Шеър (насрий баён): “Одамлар орасида юриб, уларни таниб-билишим ва кетма-кет “дўст” кетидан “дўст”нинг синовдан ўтавериши мени тарки дунё қилиб қўйди. Бу кунлар бошиданоқ қўзни қувнатадиган дўстни менга йўлиқтирмади, агар йўлиқтирса ҳам, охирда улардан ёмонлик кўрдим. Замон туфайли етадиган мусибатни дафъ қилиш учун на бир дўст умид этдим. Магар,

қачон умид қилган бўлсам, айни ўша қўзланган дўст менга ёғилган талофатлардан бири бўлиб чиқди”.

قالَ حَكِيمٌ: مَقْتَلُ الرَّجُلِ بَيْنَ فَكَيْهِ يَعْنِي لِسَانَهُ.

Донишмандлардан бири деди: “Кишининг ҳалокати икки жағи орасида яъни тилидадир”.

رُبَّ قَوْلٍ أَشَدُ مِنْ صَوْلٍ. عَيْبُ الْكَلَامِ تَطْوِيلُهُ وَجَمَالُهُ تَرْتِيلُهُ. لَيْنُ الْكَلَامِ قَيْدُ الْفُلُوبِ.  
مَحْلِسُ الْكَرِيمِ أَنْفَسُ الْكَلَامِ. مَنْقَبَةُ الْمَرءِ تَحْتَ لِسَانِهِ. نَصْرَةُ الْوَجْهِ فِي الصِّدْقِ. هَاتِ مَا عِنْدَكِ  
تُعْرَفُ بِهِ. وَلَا كَرَامَةً لِلْكَادِبِ.

Шундай сўзлар борки, ҳужумдан қаттиқроқ. Гапнинг айби – унинг чўзилиши, чиройи унинг дона-дона айтилишидир. Гапнинг юмшоғи – қалблар тузоғи. Улуғлар сухбати – гапнинг энг нозиги. Эр кишининг мартабаси – тили остида, юзнинг кўркамлиги – тўғри сўзликда. Борингни кўрсат, у билан таниласан. Ёлғончига ҳурмат йўқ.

وَقَالَ الْمِهْلَبُ لِبَنِيهِ: إِتَّقُوا رَبَّهُ اللِّسَانِ فَإِنِّي وَجَدْتُ الرَّجُلَ تَعْثِرُ رِجْلُهُ فَيَقُومُ مِنْ عِثْرَتِهِ وَيَرِئُ  
لِسَانُهُ فَيَكُونُ فِيهِ هَلَّكُهُ.

Михлаб ўғилларига деди: “Тилнинг тойилишидан сақланинг. Чунки мен оёғи тойиб йиқилган кишининг ўрнидан турганига, тили тойиб хатога кетган кишининг ҳалокатга учраганига гувоҳ бўлганман”.

إِيَّاكَ وَالْمِزَاحَ فَإِنَّ فِيهِ الدِّبَاحَ. رُبَّ مَحْذُورٍ يُقَالُ وَمَرْجُونٌ لَا يُنَالُ. إِذَا لَمْ تَخْشَ فَصْلَ وَإِذَا لَمْ  
تَسْتَحْ فَقْلُ.

Хазл қилаверишдан сақлан, чунки унда сўйилиш бор. Айтишдан эҳтиёт бўлинадиган қанча гаплар бор, айтилиб кетади, умид қилинадиган қанча нарсалар бор, етиб бўлмайди. Кўрқмасанг, ташланиб хужум қилавер, уялмасанг, гапиравер.

شعر:

إِذَا لَمْ تَخْشَ عَاقِبَةَ اللَّيْلِي  
وَلَا الدُّنْيَا إِذَا ذَهَبَ الْحَيَاةُ  
وَلَمْ تَسْتَحْ فَأَفْعَلْ مَا تَشَاءُ  
فَلَا وَاللَّهِ مَا فِي الدِّينِ خَيْرٌ

Шеър (насрий баён): “Агар кечаларнинг оқибатидан қўрқмасанг, ҳаё қилмасанг, ҳохлаганингни қилавер. Аллоҳга қасамки, ҳаё кетса на динда, на дунёда яхшилик қолади”.

مَنْ نَقَلَ لَكَ فَقَدْ نَقَلَ عَنْكَ، مَنْ شَهِدَ لَكَ فَقَدْ شَهِدَ عَلَيْكَ. وَمَنْ تَحْرَى لَكَ فَقَدْ تَحْرَى  
عَلَيْكَ.

Ким сенга гап олиб келса, сендан ҳам гап олиб кетади. Ким сенинг фойдангга гувоҳлик берса, зааринга ҳам гувоҳлик беради. Ким сенинг фойдангга жасорат қилса, заарингга ҳам жасорат қилолади.

لَا تَقْبِلِ الْحُبْرَ مِنْ كَذَابٍ وَلَوْ أَتَاكَ بِحَدِيثٍ عَجَابٍ. مَنْ أَكْثَرَ مَقَالَةً سُئِمَ وَمَنْ أَكْثَرَ سُؤَالَةً  
حُرِمَ. لَا تَقُولَنَّ مُرَّا وَلَا تَفْعَلَنَّ شَرًّا.

Ёлғончининг хабарини қабул қилма, гарчи у ҳайратланарли бир сўзни кўтариб келган бўлса ҳам. Гапини кўпайтирган киши зериктиради, сўрашни кўпайтирган киши маҳрум бўлади. Аччик сўз айтма, ёмонликка қайтма.

قالَ حَكِيمٌ: تَعَلَّمُوا الْعِلْمَ لِلْأَدْيَانِ وَالنَّحْوَ لِلْسَّانِ وَالطِّبَّ لِلْأَبْدَانِ.

Донишманд деди: “Динни билиш учун илм ҳосил қилинглар, тилни билиш учун нахв илмидан таълим олинглар, баданлар сиххати учун табобатни ўрганинглар.

شعر:

الدَّهْرُ أَدَبَنِي وَالصَّبَرُ رَبَّانِي  
وَالصَّمْتُ أَفْنَعَنِي وَالْيَأسُ أَغْنَانِي  
حَتَّى نَهَيْتُ الدِّيَ قَدْ كَانَ يَنْهَانِي  
وَأَحْكَمَتْنِي مِنَ الْأَيَامِ تَجْرِيَةً

Шеър (насрий баён): “Замон менга одоб берди, сабр мени тарбиялади, сукут менга қаноат бахш этди, тамаъсизлик мени бой қилди. Ўтган кунлардан ийғилган тажриба мени шу даражада мустаҳкам қилдики, ҳатто менга насиҳат киладиганлар мендан насиҳат оладиган бўлди”.

## ضَرْبٌ مَثَلٍ Зарбул масал

حُكَّيَ أَنَّ بَعْضَ الْأَسْوَدِ مَرِضَ فَعَادَهُ جَمِيعُ الْوُحُوشِ إِلَّا التَّعْلَبُ. فَقَالَ الدِّئْبُ لِلْأَسَدِ: أَيُّهَا الْمَلِكُ أَمَا تَنْظُرُ إِلَى فِعْلِ التَّعْلَبِ وَقِلَّهُ اغْتَنِيَهُ بِخِذْمَتِكَ وَاطْرَاحِهِ الْقِيَامِ بِوَاجِبِكَ فَذْ عَادَكَ جَمِيعُ

الْوُحُوشِ فِي مَرْضِكَ هَذَا إِلَّا الشَّعْلَبُ وَلَئِنْ لَمْ تَعْاقِبْهُ عِقَابًا يَرْتَدِعُ بِهِ أَمْثَالُهُ لَيَتَجَرَّأَ عَلَيْكَ بِإِقْرَارِ  
الْوُحُوشِ وَيَقْتَدِيَنَّ بِهِ فِي سُوءِ أَدْبِهِ. فَلَمَّا سَمِعَ الْأَسَدُ كَلَامَ الذِّئْبِ أَثْرَ ذَلِكَ فِي قَلْبِهِ وَقَالَ إِذَا  
حَضَرَ الشَّعْلَبُ عِنْدِي فَذَكَرَنِي بِمَا وَقَعَ مِنْهُ وَكَانَ الْأَرْنَبُ حَاضِرًا فِي ذَلِكَ الْمَجْلِسِ فَمَضَى إِلَى  
الشَّعْلَبِ وَقَالَ لَهُ: يَا أَبَا الْحَصَينِ خُذْ حِذْرَكَ مِنَ الْأَسَدِ فَقَالَ وَلَمْ فَأَخْبَرْهُ بِمَا وَقَعَ مِنَ الذِّئْبِ فِي  
حَقِيقَتِهِ عِنْدَ الْأَسَدِ وَمَا كَانَ مِنْ جَوَابِ الْأَسَدِ فَشَكَرَهُ الشَّعْلَبُ عَلَى ذَلِكَ. ثُمَّ أَنَّ الشَّعْلَبَ مَضَى  
وَصَادَ كُرْكِيًّا وَتَرَقَبَ خَلْوَةَ الْأَسَدِ وَدَخَلَ وَسَلَّمَ عَلَيْهِ. فَقَالَ لَهُ الْأَسَدُ: وَيْلَكَ أَمْرِضُ أَنَا وَيَعُودُنِي  
كُلُّ الْوُحُوشِ إِلَّا أَنْتَ أَهْدَا مِنْكَ اطْرَاحُ لِقَدْرِي فَقَالَ لَهُ الشَّعْلَبُ: مَعَادُ اللَّهِ أَنَا أَقْلُ عَبِيدِكَ. وَلَكِنْ  
لَمَّا بَلَغَنِي مَرْضُ الْمَلِكِ عَافَاهُ اللَّهُ ذَهَبْتُ أَطْلُبُ لَهُ طَبِيبًا حَادِفًا كُنَّا مَعَاشِرَ الشَّعَالِبِ نَصِيفُهُ بِجَهْوَدَةِ  
الرَّأْيِ وَالْمَعْرِفَةِ فَقَصَدْتُ أَنْ أُخْضِرَهُ بَيْنَ يَدَيْكَ فَلَمَّا وَصَلْتُ إِلَيْهِ وَجَدْتُهُ مَشْغُولًا بِمَوْتِ وَلَدِهِ فَلَمْ  
يُمْكِنْهُ الْمَجِيءُ إِلَى خِدْمَتِكَ غَيْرَ أَنَّنِي عَرَقْتُهُ بِمَرْضِكَ فَقَالَ: يُطْعَمُ لَهُمْ كُرْكِيٌّ وَتُؤْخَذُ مِرَارُتُهُ فَتَخْلُطُ  
بِدِمِ سَاقِ ذِئْبٍ وَيُدَهَّنُ بِهَا وَيُعَلَّقُ عَلَيْهِ رِجْلُ ذِئْبٍ فَإِنَّ فِي ذَلِكَ الشِّفَاءَ وَقَدْ أَخْضَرْتُ لَكَ كُرْكِيًّا  
فَلَمَّا سَمِعَ الْأَسَدُ مَقَالَةَ الشَّعْلَبِ لَمْ يَشُكْ فِي صِدْقِهِ ثُمَّ إِنَّهُ أَكَلَ الْكُرْكِيَّ فَلَذَ لَهُ وَوَجَدَ حِفَةً فِي  
جِسْمِهِ وَأَخَرَ مِرَارَتَهُ حَتَّى ذَهَبَ الشَّعْلَبُ. وَلَمَّا جَاءَ الذِّئْبُ إِلَى الْأَسَدِ قَبَضَ عَلَى رِجْلِهِ فَقَطَعَهَا  
وَأَخَذَ مِنْ دَمِهَا فَخَلَطَ بِهِ الْمَرَارَةَ وَادَّهَنَ بِذَلِكَ وَمَضَى الذِّئْبُ يَحْجَلُ وَهُوَ لَا يَصْدِقُ بِنَجَاةِ نَفْسِهِ  
مِنَ الْأَسَدِ، فَلَمَّا بَعْدَ عَنْهُ الْقَى نَفْسَهُ عَلَى الْأَرْضِ مِنْ شِدَّةِ الْأَلمِ فَمَرَّ بِهِ الشَّعْلَبُ وَهُوَ مُلْقَى  
فَنَادَاهُ يَا صَاحِبَ الْحُفْرِ الْأَحْمَرِ إِذَا حَضَرْتَ عِنْدَ الْمُلُوكِ فَاكْفُفْ لِسَانَكَ عَنِ الْقُدْحِ فِي إِعْرَاضِ  
أَصْحَابِكَ فَإِنَّ لِسَانَكَ هُوَ الَّذِي أَوْفَعَكَ فِي هَذَا.

Хикоя қилинишича, шерлардан бири касал бўлиб қолди. Тулкидан бошқа барча ҳайвонлар хаста шернинг зиёратига келишди. Шунда бўри шерга: –Эй подшоҳ! Тулкининг бу феълига қарамайсанми, хизматингга бепарво, вазифаларингни бажаришга эътиборсиз?! Ахир тулкидан бошқа ҳамма ҳайвонлар сени бундай хаста ҳолингда йўқлаб келишди. Бас, бу тулкига унга ўхшаганларга ибрат бўладиган бир жазони бериб қўймасанг, бошқа ҳайвонлар

ҳам сенга қарши журъатли бўлиб қолади ва албатта тулкининг ёмон феълига эргашади, – деди.

Шер бўрининг бу гапини эшитиб, қаттиқ таъсирланди ва бўрига: –Тулки ҳузуримга келган пайт унинг бу қилмишини менга эслат, – деб уқтириди. Ўша йифинда қуён ҳам бор эди. Йифиндан сўнг қуён дарҳол тулкининг олдига чопиб: – Эй тулки! Шердан эҳтиётингни қилиб юр – деди. – Нима учун? – сўради тулки. Қуён шер ҳузурида бўлган воқеани гапириб, бўрининг тулки ҳақида айтганлари ва шернинг бунга жавобидан хабар берди.

Тулки қуёнга миннатдорчилик билдирганидан сўнг дарҳол шер ҳузурига отланди. Йўл-йўлакай бир турнани овлаб, шернинг ёлғиз қолишини кутиб турди. Кейин унинг ҳузурига кириб, салом берди. Шер ғазабнок ҳолда: – Ҳолинга вой сенинг, мен хаста бўлсан-у, сендан бошқа барча ҳайвонлар мени кўришга келса, бу нимаси, қадримни топташми?! – ўшқирди тулкига. Шунда тулки шерга: “Аллоҳ сақласин, мен бир ҳақир қулингман. Ҳақиқатан ҳам подшоҳнинг бетоблиги хабари менга етган эди, Аллоҳ шифосини берсин. Мен жамоамиз ичидаги ўз моҳирлиги билан танилган бир ҳозиқ табибни ҳузурингга олиб келиш учун кетган эдим. Аммо табибни боласининг ўлимни билан машғул ҳолда топдим, бу ахволда уни хизматингга олиб келишнинг иложи бўлмади. Бироқ унга бетоблигингни етказдим, табиб дардинг шифосини шундай билдириди: турна гўшти ейилиб, унинг ўти алоҳида олиб қўйилади, сўнгра уни бўри оёғининг қони билан аралаштирилиб, аралашма касал жойга суртилади, кейин бўри оёғи ўша жойга боғлаб қўйилади, шифо – мана шунда! Мана бу олиб келган турна ҳам сенга, – деди. Шер тулкининг гапи ростлигига заррача шубҳа қилмади. Сўнг маза қилиб турна гўштини еди ва жисмида бир енгиллик пайдо бўлгандай эди. Турнанинг ўтини алоҳида олиб қўйди. Тулки шернинг олдидан чиқиб кетди.

Қачонки, бўри шер ҳузурига келгач, шер унинг сонига панжа уриб, оёғини узиб олди. Сўнгра қонни турна ўтига аралаштириб, касал жойига суртди. Бўри чўлоқланиб қочар экан, ҳануз ўзининг шердан кутилганига

ишонмас эди. Шердан узоқлашгач, оғриқнинг зўрига чидолмасдан ўзини ерга отди. Ўша пайт – шўрлик бўри ерда ётган ҳолатда тулки унинг ёнидан ўтиб колди ва бўрига: “ Эй, қизил пойабзал эгаси! Подшоҳлар хузурига кирганингда тилингни тий, дўстларинг обрусини тўкишдан сақлан. Билиб қўй, сени бу ахволга туширган нарса тилингдир”– деди.

شعر:

إِذَا حَضَرَتِ الْمُلُوكَ فَالْبَسْنُ  
مِنَ التَّوْقِيِّ أَجَلَّ مَلَبِسٍ  
وَادْخُلْ إِذَا مَا دَخَلْتَ أَعْمَى  
وَانْجُرْجُ إِذَا مَا خَرَجْتَ أَخْرَصَ

Шеър (насрий баён): “Подшоҳлар хузурига кирганингда, либосларнинг энг улуғи – эҳтиёткорлик либосини кийиб ол. Бу даргоҳга кираётганингда кўр бўлиб кир, чиққанингда соқов бўл чиқ”.

## الأسلوب الثالث

في وصاية نافعة ومزايا رافعة

Учинчи услуб:

Фойдали насиҳатлар ва  
улуғ хулқлар ҳақида

قالَ حَكِيمٌ مَنْ وَعَظَكَ فَقَدْ أَيْقَظَكَ . وَمَنْ بَصَرَكَ فَقَدْ نَصَرَكَ . وَمَنْ أَوْضَحَ وَبَيَّنَ فَقَدْ نَصَحَ  
وَزَّينَ . وَمَنْ حَذَرَ وَبَصَرَ فَمَا غَدَرَ وَمَا قَصُرَ .

Донишманд деди: “Ким насиҳат қилса, бас, у сени уйғотибди, ким күзингни очса, шак йүқки, у сенга ёрдам берибди, ким изохласа ва очиқ-ойдин баён этса, самимият күрсатибди ва зийнатлабди, ким эҳтиёт ва огоҳ бўлса, демак, у хиёнат қилмабди, эътиборсиз бўлмабди”.

وَقَالَ آخَرُ : نَقْلُ الصَّحَرِ عَلَى الْأَعْنَاقِ أَيْسَرُ مِنْ تَفْهِيمٍ مَنْ لَا يَفْهَمُ

Бошқа бир донишманд айтди: “Харсанг тошни елкада олиб юриш, фахмламайдиган кимсага тушунтиришга уринишдан осонроқдир”.

وَقَالَ آخَرُ : النَّصِيحَةُ بِشَعْرِ الْمَبَادِي خُلُوهُ الْعَوَاقِبِ .

Яна бири деди: “Насиҳатнинг боши ёқимсиз, охири тотлидир”.

النَّصِيحَةُ كَالدَّوَاءِ يَسْنُوُ اسْتِعْمَالُهَا وَيَسْرُ مَآهُهَا .

Насиҳат дорига ўхшайди: уни истеъмол қилиш бэздиради, оқибати қувонтиради.

النَّصِيحَةُ يُدْمُ عَبْهَا وَيُمْدُغُ غَبْهَا. مَهْرُ النِّعَمِ الشُّكْرُ.

Насиҳатни қабул қилиш (аввал) қораланади, (кейин) унинг оқибати эса мақталади. Неъматларнинг маҳри шукрдир.

قِيلَ: أَوْصَى عَلَيْ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ابْنُهُ مُحَمَّدَ بْنَ الْحَنْفِيَّةَ فَكَانَ مِنْ وَصِيَّتِهِ لَهُ يَا بَنِيَ أُوصِيَكُ  
بِتَقْوَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ فِي الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ. وَكَلِمَةُ الْحَقِّ فِي الرِّضَى وَالْعَضَبِ. وَالْقَصْدُ فِي الْفَقْرِ  
وَالْغَنِيِّ. وَالْعَدْلُ عَلَى الصَّدِيقِ وَالْعَدُوِّ. وَالْعَمَلُ فِي النَّشَاطِ وَالْكَسْلِ. وَالرِّضَى عَنِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ فِي  
الشِّدَّةِ وَالرَّخَاءِ. يَا بَنِيَ! مَا شَرٌ بَعْدَهُ الْجَنَّةُ شَرٌ وَلَا خَيْرٌ بَعْدَهُ النَّارُ خَيْرٌ. وَكُلُّ نَعِيمٍ دُونَ الْجَنَّةِ  
حَقِيرٌ. وَكُلُّ بَلَاءٍ دُونَ النَّارِ عَافِيَّةٌ. وَاعْلَمُ، يَا بَنِيَ أَنَّ مَنْ أَبْصَرَ عَيْبَ نَفْسِهِ شَعَلَ عَنْ عَيْبِ عَيْرِهِ.  
وَمَنْ رَضِيَ بِيَقْسِمِ اللَّهِ لَمْ يَحْزُنْ عَلَى مَا فَاتَهُ. وَمَنْ سَلَّ سَيْفَ الْبَعْنِيِّ قُتِلَ بِهِ. وَمَنْ حَفَرَ لِأَخِيهِ بِئْرًا  
وَقَعَ فِيهَا. وَمَنْ هَنَّكَ حِجَابَ أَخِيهِ انْكَشَفَتْ عَوْرَاتُ بَنِيهِ. وَمَنْ نَسِيَ خَطِيئَتَهُ اسْتَعْظَمَ خَطِيئَةَ  
غَيْرِهِ. وَمَنْ كَابَرَ الْأُمُورَ عُطِبَ. وَمَنْ اقْتَحَمَ الْبَحْرَ غُرِقَ. وَمَنْ أَعْجَبَ بِرَأْيِهِ ضَلَّ. وَمَنْ اسْتَعْنَى  
بِعَفْلِهِ زَلَّ. وَمَنْ تَكَبَّرَ عَلَى النَّاسِ ذَلَّ. وَمَنْ سَفَهَ عَلَيْهِمْ شُتِّمَ. وَمَنْ سَلَّكَ مَسَالِكَ السُّوءِ اتْهِمَ.  
وَمَنْ خَالَطَ الْأَنْدَالَ حُقْرَ. وَمَنْ جَالَسَ الْعُلَمَاءَ وُقْرَ. وَمَنْ مَرَحَ اسْتُخْفَفَ بِهِ. وَمَنْ أَكْثَرَ مِنْ شَيْءٍ  
عُرِفَ بِهِ. وَمَنْ كَثَرَ كَلَامُهُ كَثَرَ خَطَأُهُ. وَمَنْ كَثَرَ خَطَأُهُ قَلَّ حَيَاءُهُ. وَمَنْ قَلَّ حَيَاءُهُ قَلَّ وَرَعْهُ. وَمَنْ  
قَلَّ وَرَعْهُ مَاتَ قَلْبُهُ. وَمَنْ مَاتَ قَلْبُهُ دَخَلَ النَّارَ. يَا بَنِيَ! مَنْ نَظَرَ فِي عُيُوبِ النَّاسِ ثُمَّ رَضِيَّهَا  
لِنَفْسِهِ فَذَاكُ هُوَ الْأَحْمَقُ. وَمَنْ تَفَكَّرَ اعْتَبَرَ وَمَنْ اعْتَبَرَ اعْتَزَلَ. وَمَنْ اعْتَزَلَ سَلَمَ. وَمَنْ تَرَكَ  
الشَّهَوَاتِ كَانَ حُرًّا. وَمَنْ تَرَكَ الْحَسَدَ كَانَتْ لَهُ الْمَحَبَّةُ عِنْدَ النَّاسِ. يَا بَنِيَ عِزُّ الْمُؤْمِنِ غَنَاؤُهُ عنِ  
النَّاسِ. وَالْقُنَاعَةُ مَالٌ لَا يَنْفَذُ. وَمَنْ أَكْثَرَ مِنْ ذِكْرِ الْمُوْتَ رَضِيَ مِنِ الدُّنْيَا بِالْيُسِيرِ. وَمَنْ عَلِمَ أَنْ  
كَلَامُهُ مِنْ عَمْلِهِ قَلَ كَلَامُهِ إِلَّا فِيمَا يَعْنِيهِ.

Айтилишича, ҳазрати Алий розияллоху анху ўғли Мұхаммад ибн Ҳанафийяга шундай насиҳат қилган экан: “Эй ўғлим, ёлғиз қолғанда ҳам, одамлар орасыда бўлғанда ҳам улуғ ва қудратли Аллоҳдан қўрқишни, рози бўлган ҳолатингда ҳам, ғазабланганда ҳам ҳақни гапиришни, фақирликда ҳам, бойлиқда ҳам мўътадил ҳолатни сақлашни, дўстга ҳам, душманга ҳам адолат қилишни, ғайратинг тошганда ҳам, дангасалик тутганда ҳам амалдан тўхтамасликни, оғир дамларда ҳам, тўкин-сочинликда ҳам улуғ ва қудратли Зотдан рози бўлишингни сенга васият қиласман.

Эй ўғлим! Ортида жаннат турган ёмонлик – ёмонлик эмас, ортида дўзах турган яхшилик – яхшилик эмас. Барча неъматлар жаннат олдида арзимас ва ҳар қандай бало дўзах олдида саломатликдир.

Эй ўғлим, билгинки, ким ўз айбини кўрса, бошқаларнинг айбидан юз ўгиради. Кимки, Аллоҳнинг қисматига рози бўлса, кўлдан кетганига ғам чекмайди. Ким зулм қиличини яланғочласа, ҳалокати шу қиличдан бўлади. Ким биродарига чоҳ казиса, унга ўзи йиқилади. Кимки дўстининг айбини очса, фарзандларининг айби очилиб қолади. Ўз хатосини унутган ўзганинг хатосини катта санайди. Кимки (барча) ишларга (лаёқатим бор деган ишонч билан) катта кетса, ҳалокатга йўлиқади. Ким денгизга ўзини отса, ғарқ бўлади. Ўз фикри билан мағурурланган киши адашади. Кимки ўз ақлидан бошқасига эҳтиёж сезмаса, тойилади. Одамларга такаббурлик қилган кимса хор, одамларга аҳмоқлик қилган сўқилишга сазовор. Ёмон йўлларга ўзини урган кимса тухматга дучор. Пасткашларга аралашган кимса паслатилади, олимларга ҳаммажлис бўлган киши улуғланади. Кимнинг ҳазили кўпайса, енгилтак саналади. Ким ниманики кўп қилса, шу нарса билан танилади. Гапи кўпнинг хатоси кўп, хатоси кўпнинг ҳаёси оз, ҳаёси ознинг тақвоси оз, тақвоси ознинг қалби ўлади. Кимнинг қалби ўлса, дўзахга киради.

Эй ўғлим! Кимки одамларда бир айбни кўриб, сўнгра ўзига шу айбни лойик кўрса (яъни ўзи шу айбни қилса), ана ўша одам ҳақиқий аҳмоқдир. Фикр юритган киши ибратланади, ибрат олган, (гуноҳдан) чекинади, (гуноҳдан)

чекинган киши саломат бўлади. Ким хою-ҳавасларни тарк этса, у озод кишига айланади, ҳasadни тарк этса, одамларда унга нисбатан муҳаббат уйғонади.

Эй ўглим! Мўминнинг азизлиги – одамларга ҳожат сезмасликда, қаноат эса туганмас бойлиkdir. Ким ўлимни кўп эсласа, озгина дунёга ҳам рози бўлади. Кимки гапи ҳам амал эканини билса, сўзи камаяди, фақат керакли бўлган ўринда гапиради.

شعر:

إذا المرء عوفي في جسمه  
وأعطاه مولاه قلبا فنوعا  
وأعرض عن كل ما لا يليق فذاك المليك ولو مات جوعا

Шеър (насрий баён): “Кимга Аллоҳ соғлом жисм, қаноатли қалб берса ва у нолойик нарсалардан юз ўгирса, ана ўша инсон подшоҳdir, гарчи очдан ўлган бўлса ҳам”.

العجب من خاف العقاب فلم يكف. ورجي الثواب فلم يعمل. الفكر نور. والغفلة ظلمة.  
والجهالة ضلاله. والسعيد من وعظ بغيره. الأدب خير ميراث. وحسن الخلق خير قرين.

Ҳар бир қилган гуноҳига жазо бор эканидан қўрқиб, гуноҳдан тийилмаган кишига ажаб! Қилинган ҳар бир солиҳ амалга савоб бўлишини умид этиб, амал қилмаётган кишига ажаб! Фикр – нур, ғафлат – зулмат ва жаҳолат залолатdir. Ўзгалардан ибрат олган киши – ҳақиқий баҳтли, мероснинг энг яхшиси – одоб, энг яхши дўст чиройли хулқdir.

يا بني، ليس مع القطيعة نما ولا مع الفجور غنا.

Эй ўғилчам! Қариндошлиқ алоқаларини узиш билан ўсиш, бузук ишларни қилиш билан бойиш йўқ.

يا بني، العافية عشرة أجزاء. تسعه منها الصمت إلا بذكر الله تعالى وواحدة في ترك مجالس السفهاء. ومن تزين بمعاصي الله تعالى في المجالس أورثه الله تعالى ذلا. ومن طلب العلم علم.

Эй ўғилчам! Саломатлик ўн қисм, улардан тўққизтаси – жим туришда, фақат Аллоҳ таолони зикр қилиш бундан мустасно. Қолган биттаси аҳмоқлар мажлисини тарқ қилишдадир. Ким йигин-сұхбатларда Аллоҳга итоатсизлик билан зийнатланса, Аллоҳ унга ҳорликни мерос қиласи, ким илм талаб қиласа, илм берилади.

يا بني، رأس العلم الرفق. وآفته الحدق. ومن كنوز الإيمان الصبر على المصائب. العفاف زينة الفقراء. والشكر زينة الأغنياء.

Эй ўғилчам! Илмнинг боши – мулојимлик, офати – моҳирлик (яъни, кўп ҳолларда зехни ўткир, дарсни битта уринишида илиб оладиган талаба сабоқни секин оладиган талабага қараганда унтувчироқ бўлади). Мусибатларга сабр қилиш иймон хазиналаридандир. Тамаъдан тийилиш камбағаллар зийнати, шукур қилиш эса бойлар зийнатидир.

يا بني، أغنى الغنى العقل. وأفقر الفقر الأحمق. وأوحش الوحشة العجب. وأكرم الحسب حسن الخلق.

Эй ўғилчам! Энг катта бойлик – ақл, энг катта қашшоқлик аҳмоқликдир. Энг даҳшатли қўрқинч – ўзига бино қўйиш, энг улуғ наساب чиройли хулқдир.

إياك ومصادقة الحمق. فإنه يريد أن ينفعك فيضرك. وإياك ومصادقة الكذاب فإنه يقرب إليك البعيد ويبعد عنك القريب. وإياك ومصادقة البخيل فإنه يبعد عنك أحوج ما تكون إليه. وإياك ومصادقة الفاجر فإنه يبيعك بالثافه.

(Эй ўғилчам!) Аҳмоқ билан дўстлашишдан сақлан, чунки у сенга фойда бераман деб, зарар етказади. Ёлғончи билан дўстлашишдан сақлан, чунки у сенга узоқни яқинлаштиради, яқинни сендан узоқлаштиради. Бахил билан дўстлашишдан сақлан, чунки унга муҳтоҷ бўлганингда сендан йироқлашади. Фожир билан дўстлашишдан сақлан, чунки у сени арзимаган нарсага сотади.

يا بني كثرة الزيارة تورث الملل. والطمأنينة قبل الخبرة ضد الحزم.

Эй ўғилчам! Зиёратнинг кўпи малоллик туғдиради. Синовдан олдинги хотиржамлик эҳтиёткорликнинг зиддидир.

شعر: على كل حال فاجعل الحزم عدة لما أنت ترجوه وعونا على الدهر

Шеър (насрий баён): “Ҳар қандай ҳолатда, мақсад қилаётган ишингда эҳтиёткорлик қуролинг ва замон-ла юзма-юз келадиган турли вазиятларда ёрдамчинг бўлсин.”

إعجاب المرء بنفسه دليل على ضعف عقله.

Кишининг ўз-ўзига бино қўйиши ақлининг заифлигига далил.

يا بني، كم نظرة جلبت حسرة. وكم كلمة سلبت نعمة. لا شرف أعلى من الإسلام. ولا كرم أعز من الزهد. ولا معقل أحرز من الورع. ولا لباس أجمل من العافية. ولا مال أذهب للفاقة من الرضى بالقوت. ومن اقتصر على بلغة الكفاف تعجل الراحة وتبوأ حفظ الدعة. الحرص مفتاح التعب ومطية النصب. وداع إلى اقتحام الذنوب والشره جامع لمساوي العيوب. وكفاك أدبا لنفسك ما كرهته لغيرك. وكفاك أدبا لنفسك ما كرهته لغيرك. وكفاك أدبا لنفسك ما كرهته لغيرك. لأنريك عليك مثل الذي لك عليه. ومن تورط في الأمور من غير تبصر في الصواب فقد تعرض لقدحات النوائب. التدبير قبل العمل يؤمنك الندم. من استقبل وجوه الآراء عرف موقع الخطأ. الصبر جنة من الفاقة. البخل جباب المسكنة. الحرص علامة الفقر. وصول معدم خير من جاف مكثر. لكل شئ قوت وابن آدم قوت الموت.

Эй ўғилчам! Қанча “бир қараб қўйиш” бор, ҳасрат келтиради, қанчадан-қанча “бир сўз” бор, неъматни суғуриб олади. Исломдан олийроқ шараф йўқ, зухдан азизроқ улуглик йўқ, тақводан мустаҳкам қалъа йўқ, саломатликдан чиройли либос йўқ, озгина емишга рози бўлишдан афзалроқ қашшоқликни кетказувчи мол йўқ. Ким кифоя қиласиган даражадаги нарса билан чекланса, демак унинг роҳати нақд ва хотиржамлигини саклашга тайёргарлиги ҳам тахт. Ҳирс – мاشаққатлар қалити, қийинчиликлар – араваси, гуноҳлар ичра ботишга чорловчиидир. Очкўзлик энг ёмон айбларни тўпловчиидир. Ўзгада ёмон деб топган нарсанг, сенга адаб беришга кифоя. Сенинг зиммангдаги биродарингнинг ҳақи унинг зиммасидаги сенинг ҳақинг мисличадир. Тўғрилигини англамасдан ишларга киришган киши, мусибатлар ўтига ўзини урган бўлади. Ишдан олдин тадбир қилиш сени афсус-надоматдан асрайди. Ким фикрларнинг юзига юзланса, хато ўринларни илғайди. Сабр – қашшоқликка қарши қалқон, баҳиллик – камбағалликнинг чодраси. Ҳирс – қашшоқлик белгиси. Қариндошлиқ алоқаларига риоя қилувчи камбағал қариндошлиқ алоқаларинини узувчи бойдан яхшидир. Ҳар бир нарсанинг таоми бор, Одам боласи ўлимнинг таомидир.

يا بني، لا تيئسن مذنبنا على ذنبه فكم عاكف على ذنب حتم له بالخير. وكم مقبل على عمله أفسده في آخر عمره فصار إلى النار. في خلاف النفس رشدها. الساعات تنقص الأعمار. لا تNAL نعمة إلا بفارق أخرى.

Эй ўғилчам! Гуноҳкорнинг гуноҳига қараб, ноумид бўлма. Чунки қанча гуноҳга шўнғувчилик бор, охири яхшилик билан хотима топади. Қанча хайрли амалга астойдил киришувчилик бор, умри сўнгида шу амалини бузиб қўяди, оқибат, дўзахга равона бўлади. Нафсга қарши чиқиш нафсни тўғри йўлга йўллашдир. Соатлар умрларни қисқартиради. Сен бир неъматга фақат бошқасидан ажраш билан етишасан.

شعر:

إن الليالي في الزمان مراحل  
تطوي وتنشر دونها الأعمار  
فقصارهن مع الهموم طولية  
وطواهن مع السرور قصار

Шеър (насрий баён): “Дарҳақиқат, бу замонда кечётган кечалар бир тўхтаб ўтадиган манзиллардир. Умрлар бу манзилларда ўралади ва ёйилади. Бас, қисқа кечалар ғамлар билан узун ва узун кечалар хурсандчилик билан қисқадир”.

آخر:

ألا إنما الدنيا نضارة أيكة  
إذا حضر جانب جف جانب  
فلا تكتحل عيناك يوما بعيرة  
على ذاهب منها فإنك ذاهب  
وما الناس إلا خائضوا غمرة الردا  
فطاف على ظهر التراب وراسب.

Бошқа шеър (насрий баён): “Огоҳ бўл, бу дунё – яшнаган бир боғча. Қачонки, бир тарафи кўкарса, бошқа тарафи қурийди. Бир куни бу боғчадан ўтган киши учун кўзларингни кўз ёш билан сурмалама, чунки сен ҳам ундан ўтгувчисан. Инсонлар фақат ўлим гирдобига шўнғийдилар. Бас, айримлари тупроқ устида айланяпти, айримлари тупроқ остида”.

وقال علي رضي الله عنه: ما أقرب الراحة من النصب والبؤس من النعيم والموت من الحياة.  
فطوبى لمن أخلص الله علمه وعمله وجبه وبغضه وأخذه وتركه ونحاف البيان فاعد واستعد إن سئل  
أفصح وإن ترك صمت كلامه صواب وسكته غير عي عن الجواب والويل كل الويل لمن بلي  
بحرمان وحذلان وعصيان واستحسن لنفسه ما يكرهه الله. وازرى الناس بمثل ما يأتي.

Алий розияллоху анҳу айтади: “Роҳат мاشаққатга, баҳтсизлик неъматга, ўлим ҳаётга нақадар яқин! Бас, илми, амали, муҳаббати, ғазаби, олиши ва тарк қилиши Аллоҳ учун холис бўлган, гапиришдан қўрқадиган, шунинг учун тайёргарлик кўриб, ўзни сафарбар қилиб турадиган, сўралса, очиқ жавоб берадиган, сўралмаса, жим туродиган, гапи тўғри, сукути жавобга ожизлиқдан эмас – кишига жаннат бўлсин! (Неъматлардан) маҳрумликка, расвоникка, Аллоҳга итоатсизликка, Аллоҳ хунук санаган нарсани ўзи учун чиройли деб билишга, одамларни ўзи ҳам қиласидиган иш билан айблашга мубтало кимсага дўзах, бутун дўзах бўлсин!

من لم يكن له حياء ولا سخاء فالموت أولى به من الحياة. لا تتم مروءة الرجل حتى لا يبالي  
أي ثوبيه ليس ولا أي طعاميه أكل

Хаёси ва саховати бўлмаган киши ҳаётдан кўра ўлимга лойикроқ. Токи (қимматроқ ва соддароқ) икки кийимдан қайси бирини кийиш ва (лазизроқ ва бемазароқ) икки хил таомдан қайси бирини ейиш эътиборсиз бўлмагунча, эр кишининг мардлиги мукаммал бўлмайди.

وأوصى لقمان ابنه فقال: يا بني لا عفة ملن لا عصمة له ولا مروءة ملن لا صدقة له ولا كنتر  
أنفع من العلم ولا شيء أربع من الأدب ولا قرين أزین من العقل ولا غائب أقرب من الموت ولا  
شيء أنفع من الصدق ولا سيئة أسوء من الكذب. ولا عبادة أفضل من الصمت ولا عار أقبح  
من البخل.

Луқмони ҳаким ўғлига насиҳат қилиб, шундай деди: “Эй ўғлим! Поклиги йўқ кишининг ифрати (ёмонликлардан сақланиш), садоқати йўқ кишининг мардлиги йўқ. Илмдан манфаатли хазина, одобдан фойдали нарса йўқ. Ақлдан зийнатли дўст, ўлимдан яқинроқ ғойиб йўқ. Ростгўйликдан нафлироқ ҳеч нарса, ёлғондан ёмонроқ ҳеч гуноҳ йўқ. Жим туришдан афзалроқ ибодат йўқ, баҳилликдан хунукроқ уят йўқ”.

يا بني من حمل ما لا يطيق عجز ومن أعجب بنفسه هلك ومن تكبر على الناس ذل ومن  
لم يشاور ندم ومن جالس العلماء علم ومن قل كلامه دامت عافيته.

Эй ўғилчам! Кучи етмайдиган нарсани кўтарган – ожиз, ўзига бино қўйган – ҳалокатга юзма-юз. Одамларга такаббурлик қилган – хор, маслаҳатлашмаган – пушаймонликка дучор. Олимлар билан мажлис қурган – билади. Кимнинг гапи оз – мудом саломат.

شعر:

تَمْتَعْ بِمَا أُعْطِيْتَ فَالْمَالْ عَارَةٌ وَكُلَّهُ مَعَ الدَّهْرِ الَّذِي هُوَ آكِلُهُ  
فَأَيْسَرُ مَفْقُودٍ وَأَهْوَنُ تَالِفٌ عَلَى الْمَرْءِ مَا لَا يَبْلُغُ الْمَرْءُ نَائِلُهُ

Шеър (насрий баён): “Сенга ато қилингган нарсадан фойдалан. Бас, мол-дунё – бир муддат фойдаланишга берилган нарса. Замон уни (бир бошдан кемириб) ейяпти, сен ҳам уни ўша еювчи билан бирга егин. Кишига Йўқотилган, қўлдан кетган нарсанинг энг арзимаси – кишига фойдаси тегмайдиган нарса”.

قال حكيم: المرء من حيث يثبت لا من حيث ينبت ومن حيث يوجد لا من حيث يولد.

Донишманд деди: “Кишининг кишилиги – униб-ўсан жойи билан эмас, айни пайт событ турган ўрни билан ва қаерда туғилгани билан эмас, айни пайт қаерда топилгани билан белгиланади”.

شعر:

العلم أنفس ذخر أنت ذاخره	من يدرس العلم لم تدرس مفاحره
أقبل على العلم واستقبل مقاصده	فأول العلم إقبال وآخره

Шеър (насрий баён): “Сен тўплаган захираларнинг энг қимматлиси – илм. Ким дарс қилиб, илм олган экан, унинг мақтовга муносиб фазилатлари ўчмайди. Илм сари юз бур, унинг мақсадларига қучоқ оч. Чунки илмнинг аввали ҳам, охири ҳам илмга юзланиш – илм талаб қилишдир”.

## روضه رائقة

# Гўзал боғча

اختارت الحكماء أربع كلمات من أربع كتب: من التوراة: من قنع شبع، ومن الزبور: من سكت سلم، ومن الإنجيل: من اعتزل نجى، ومن القرآن العظيم: من يعتصم بالله فقد هدي إلى صراط مستقيم.

Донишмандлар тўрт (илоҳий) китобдан тўрт гапни ажратиб айтган эканлар: “Таврот”дан: ким қаноат қилса, тўқ бўлади; “Забур”дан: ким сукут қилса, саломат бўлади; “Инжил”дан: ким узлат қилса, нажот топади; “Қуръони азим”дан: ким Аллоҳга маҳкам боғланса, тўғри йўлга ҳидоят қилинади.

شعر:

لأصل علا وفضل أشيعا	تعلم ولا تستند يا فلان
وكم رفع العلم أصلاً وضيعا	فكم وضع الجهل أصلاً رفيعا

Шеър (насрий баён) : “Эй фалончи, илм ол! Олий наслингга ва машхур фазлингга суяниб қолмагил. Жаҳолат қанчадан-қанча асли баландларни пастлатди. Илм қанчадан-қанча асли пастларни юксакка кўтарди”.

وقال حكيم: المنفعة توجب المحبة والألفة. والمضرّة يوجب البغض والعداوة. والصدق يوجب الثقة. والأمانة توجب الطمأنينة. والعدل يوجب اجتماع القلوب والجور يوجب الفرقة. وحسن الخلق يوجب المودة وسوء الخلق يوجب المباعدة والإنساط يوجب المانسة والإنقباض يوجب

الوحشة والكبر يوجب المقت. والتواضع يوجب الرفعة. والجود يوجب الحمد. والبخل يوجب المذمة.

Донишманд деди: “Манфаат – мұхаббат ва ошноликни, зарар – нафрат ва душманликни, ростгүйлик – ишончни, омонатдорлик – хотиржамликни, адолат – қалблар жамланишини, зулм ажралишни, гүзәл хулқ – дүстликни, ёмон хулқ – (бир-бировдан)узоқлашишни, кенгфеъллик – улфатчиликни, торфеъллик – одамовиликни, кибр – ғазабни, камтарлик – юксакликни, сахийлик – мақтовни, баҳиллик – хорликни келтириб чиқаради.

شعر:

فذلك شيء ما إليه سبيل بخيلا له في العالمين خليل فأكرمت نفسي أن يقال بخيل ومالي كما قد تعلمين قليل إذا ما رأته عامر وسلول وتكرهه آجالهم فتطول فقلت لها أن الكرام قليل عزيز وجار الأكثرين ذليل فليس سواء عالم وجهول	وأمّرة بالبخل قلت لها اقتصري أرى الناس خلان الجoward ولا أرى إنّي رأيت البخيل يزري بأهله عطائي عطاء المكثرين تكرما وأنا أناس لا نرى القتل سبة يقرب حب الموت آجالنا لنا تعيرنا أنا قليل عديدنا وما ضرنا أنا قليل وجارنا سلّي إن جهلت الناس عنا وعنهم
---	---

Шеър (насрий баён): “Нафс баҳилликка буюрувчиidir. Мен унга: гапни қисқа қил, чунки баҳиллик шундай нарсаки, унга йўл йўқ,—дедим. Одамларнинг сахийга дўст эканларини кўряпман, баҳилнинг эса оламларда бирорта дўсти борлигини кўрмаяпман. Албатта мен баҳил кимсанинг баҳиллиги сабаб

айбланаётганига гувоҳман. Шундай экан, мен ўзимни “бахил” деб ном олишдан баландроқ тутаман. Саҳоват мақомидан тушмасдан бойлардек эҳсон қиласман, ҳолбуки, ўзинг билганингдек, молим кам. Биз шундай инсонлармизки, ўлимни ёмон, ҳақоратли бир нарса деб ҳисобламаймиз, худди Омир ва Салул қавмларидек. Ўлим бизни яхши кўргани учун ажалларимизни яқинлаштиради, уларни ёмон кўргани учун эса ажаллари чўзилиб кетади. Улар сонимиз озлигидан бизни айбситади. Шунда мен уларга: “Улуғлар доимо оз бўлган” – дейман. Сонимиз камлигининг бизга зиёни йўқ, ҳолбуки, бизнинг ҳимоячимиз Азиз Зот! Сони кўпларнинг ҳимоячиси эса хордир. (Эй нафсим,) агар билмасанг, биз ҳакимиизда ва улар ҳақида одамлардан сўра. Бас, олим ва жоҳил баробар эмас!”.

وَالْتَّعْزِيرُ يُوجِبُ النَّدَامَةَ.

Айблаш пушаймонликни келтириб чиқаради”.

وبلين العشرة تدوم المؤدة. بخض الجانب تأنس النفوس. وبكثرة الصمت تكون الهيئة.  
والفظاظة تخلع عن صاحبها ثوب القبول. من صغر الهمة حسد الصديق على النعمة. النظر في العواقب بحجة. مع العجلة الندامة. ومع التأني السلامة. شحيح غني أفقر من فقير سخي.

Ҳалим, мулойим яшаш билан дўстлик давомли бўлади. Ўзни паст тутиш (камтарлик) билан одамларга ошно бўлинади. Кўп жим туриш билан хайбат ошади. Қўполлик ўз эгасидан қабул кийимини ечиб олади (яъни қўпол гап қабул қилинмайди). Дўстига ато этилган неъматига ҳasad қилиш ҳимматнинг пастлигидандир. Оқибатларга қараш нажотдир. Пушаймонлик шошқалоқлик билан, саломатлик эҳтиёткорлик билан биргадир. Хасис бой сахий камбағалдан кўра қашшоқроқдир.

شعر:

وقد يكون مع المستعجل الزلل	قد يدرك المتأني بعض حاجته
من التأني وكان الحزم لو عجلوا	وربما فات قوما جل أمرهم

Шеър (насрий баён): “Шошмайдиган киши гоҳо баъзи ҳожатларини бажаришга улгуради, шошқалоқ кимса гоҳо тойилади. Кўпинча сустлиги сабаб улуғ ишлар қавмнинг қўлидан кетади. Ҳолбуки, эҳтиёткорлик уларнинг шошишларида эди”.

إذا جهلت فاسأل. وإذا زللت فارجع. وإذا أساءت فاندم وإذا غضبت فاحلم. من بدأك بيره فقد شغلك بشكره. المروآت كلها تبع للعقل. والعقل تبع للتجربة. العقل أصله التثبيت وثمرته السلامة. والتوفيق أصله العقل وثمرته النجاح. التوفيق والإجتهاد زوجان ينشأ عنهما الظفر.

Агар билмасанг – сўра, тойилсанг – қайт, ёмонлик қилсанг – пушаймон, ғазаблансанг – ҳалим бўл. Ким сенга яхшилик қила бошласа, энди сенинг машғулотинг унга миннатдорчиликдан иборатдир. Мардлик, олийжаноблик тўлалигича ақлга эргашади, ақл эса тажрибага. Ақлнинг илдизи – событлик, меваси саломатликдир. Тавфиқнинг илдизи – ақл, меваси ғолиблиқдир. Тавфиқ ва ижтиход эр хотин бўлиб, улардан ғалаба (деган фарзанд) пайдо бўлади.

قال الله تعالى: **والذين جاهدوا فينا لنهدينهم سبلنا**.

Аллоҳ таоло айтди: “Бизнинг йўлимизда жидду жаҳд этган зотларни албатта ўз йўлларимизга ҳидоят қиласиз” (Анкабут, 69-оят).



Шеър (насрий баён): “Умрингга қасамки, бу дунё доимий қўналға эмас, балки ақл юритувчи киши учун кўчиб кетиладиган жойдир. У бугун кулдирса, эрта йиглатади, бугун юз очиб келса, эртага орқа ўгириб кетади. Агар дунё бир нарса берса, (билимни,) унинг кунлари айланиб турувчиидир”.

تعطي وترجع وتنقاد ومتمنع. تغر الجاهل بالإبتسام وترحّف أضغاث أحلام. تسترد النوال  
وتصد بعد الوصال.

Дунё беради, қайтиб олади, эргашади ва бўйин товлади. Дунё жоҳилни жилмайиш билан алдайди ва алмойи-анжойи тушларни чиройли қилиб кўрсатади. Берганини қайтариб олади ва сен унинг эшигини “очдим” деганда, у эшигини ёпади.

وقال بعض الأدباء شرعاً: أبداً يسترد ما وهب الدهر فياليت جوده كان بخلا

Адиблардан бири шундай шеър айтди (насрий баён): “Замон берган нарсаларини доимо қайтариб олади. Кошки, унинг сахийлиги баҳиллик бўлганда эди!”

يعرض عنها السعداء ويرغب فيها الأشقياء لذاتها قليلة وحسراها طويلة

Саодатманд кишилар дунёдан юз ўгиради, бадбахтлар унга рағбат қиласади.  
Дунёнинг лаззатлари оз, ҳасратлари эса узундан узундир.

:شعر:

ألم تر أن الدهر يهدم ما بني      ويأخذ ما أعطى ويسلب ما أسدى  
فمن سره أن لا يرى ما يسوءه      فلا تتحذ شئيا يخالف له فقدا

Шеър (насрий баён): “Замоннинг ўз қурганларини бузатганини, берганларини қайтиб, кийдирғанларини ечиб олаётганини кўрмадингми? Кимки ўзини маъюс этадиган нарсани кўрмасликдан хурсанд бўлмоқчи экан, бас, йўқотишдан қўрқадиган нарсани олмасин (яъни, дунё ва ундаги барча матоларни қўлдан-қўлга ўтказиш мумкин, лекин зинҳор кўнгилга яқинлаштириб бўлмайди. Дунё меҳри кўнгилга кириши билан кўнгил кўнгилликдан чиқади)”.

إِذَا طَلَبْتُ الْعَزَّ فَاطَّلَبْهُ بِالطَّاعَةِ وَإِذَا طَلَبْتُ الْغَنَاءَ فَاطَّلَبْهُ بِالْقَنَاعَةِ. لَا تَنْصَحُ مِنْ لَا يُثْقِلُ  
بَكَ وَلَا تَشَرُّ عَلَى مِنْ لَا يَقْبِلُ مِنْكَ. خَيْرُ الْأَمْوَالِ مَا اسْتَرْقَ حَرَا وَخَيْرُ الْأَعْمَالِ مَا اسْتَحْقَ  
شَكْرَا. مَحَالَسَةُ الْأَحْدَاثِ مَفْسِدَةُ الدِّينِ. نُورُ الْمُؤْمِنِ فِي قِيَامِ اللَّيلِ. نَيْلُ الْمُنْتَى فِي الْغَنَاءِ.

Азизликни хоҳласанг, уни тоат билан, бойлик истасанг, уни қаноат билан талаб қил. Сенга ишонмайдиган кишига насиҳат қилма, сендан қабул этмайдиган кишига маслаҳат берма. Мол-дунёнинг яхшиси – озод кишини қул қилгани (яъни, ўрнига тушган эҳсон олувчини берувчига қулдек мойил қилиб қўяди), амалларнинг яхшиси – кимнидир миннатдор қилишга лойиқ бўлгани. Ёшлар билан улфатчилик қилиш динни бузувчи сабабдир. Мўминнинг нури – тунда ибодат билан бедор бўлишда. Орзуга эришиш – бойликда.

شعر:

ربما ضاق الفضاء ثم اتسع	ليس كل الدهر يوماً واحداً
فاقتصر فيه وخذ منه ودع	إنما الدنيا متاع زائل
طبع الله عليه من طبع	إن للخير لرسماً بينا
فرأيناهem لذi المال تبع	قد بلونا الناس في أخلاقهم
إنما الناس جميعاً بالطمع	وحبيب الناس من أطعمهم

Шеър (насрий баён): “Замоннинг ҳаммаси бир хил эмас. Кўпинча осмонлар торайиб, сўнгра кенгаяди. Дунё албатта кетувчи, вақтинча фойдаланишга берилган бир нарсадир. Шундай экан, ундан фойдаланишда ўртacha бўл, ҳалолини олиб, ҳаромини тарк эт. Ҳақиқатан ҳам яхшиликнинг аниқ ва равшан суврати бор, Аллоҳ кимники яхшилардан қилган экан, уни ўша сувратда шакллантирган. Одамларнинг ахлоқларини синаб, кузатиб, уларнинг бой-бадавлат инсонларга тобеълигини кўрдик ва билдики, одамларнинг суйган кишиси – уларни едириб-тўйдиргани. Албатта инсон борки, ҳаммаси тамаъга гирифтордир”.

وضع الإحسان في غير موضعه ظلم. ولاية الأحمق سريعة الزوال. وحدة المرء خير من جليس السوء. هرتك من نفسك خير من هربك من الأسد. لا وفاء للمرءة. ولا غنى لمن لا فضل له. يأتيك ما قدر لك. يطلبك الرزق كما تطلبه. يأمن الخائف إذا دخل ما خافه. يسود المرء بالإحسان إلى قومه. يأس القلب راحة النفس. يسعد الرجل بصاحب السعيد. نشر الصنائع من أقوى الذرائع. من بسط يده بالإنعم صان نعمته عن الملام. من أمات شهوته أحبي مروءته. البشر أول البر. صلاح البدن في السكوت. صل الأرحام يكثر حشمك. من قرب بره بعد ذكره. من وجه رغبته إليك أوجب معونته عليك. اذكر النعمة القديمة عليك وأنس النعمة الجديدة منك. وتفطن للرغبة الخفية إليك وتغافل عن الجناية العظيمة عليك. إذا أذنبت فاعتذر وإذا اعتذر إليك فاغتفر. عالمة الكرم الجود وعلامة اللؤم الجحود. من غرس الحلم اجتنى السلم. أحسن إلى من كان له قديم أصل أو سابق فضل ولا يزهدنك فيه سوء حالته ولا إدبار دولته فإن إحسانك إليه يفيتك إما نفس حر تسترقها أو مكرومة يرفعك نشرها. فإن الدنيا تخبر كما تكسر. والدولة تقبل كما تدبر. ومن زرع معروفا فلا بد أن ينتج زرعه ومن اصطنع الأحرار لم يخرب صنعه.

Яхшиликни ўз ўрнидан бошқа жойга ишлатиш зулмдир. Аҳмоқона бошқарувнинг заволи тез. Кишининг ёлғизлиги – ёмон билан ошно бўлишдан яхшироқ. Нафсингдан қочишинг шердан қочишингдан авлороқ. Аёл зотида вафо йўқ. Фазли бўлмаган киши бой эмас (яъни, ўзидан ошириб ўзгага бера олган киши бой. Қанча мол-дунёси бўлмасин, ўзидан ошмаётган экан, демак у ҳали камбағал, бой эмас). Сенга нима тақдир қилинган бўлса, шу келади. Ризқинг сени излайди, худди сен ризқингни излаганинг каби. Қўрқкан киши, қўрқкан нарсасига дуч келиши биланоқ, қўрқмай қолади. Киши қавмига яхшилик қилиш билан улуғ бўлади. Қалбнинг (Аллоҳдан бошқасидан) умид қилмаслиги – жоннинг роҳати. Киши – баҳтли дўст билан баҳтли. Яхшиликларни ёйиш воситаларнинг энг кучлисиdir. Ким инъомлар билан қўлини очса, ўзига берилган неъматни маломатдан сақлаган бўлади. Ким дунё меҳрини ўлдирса, муруватини тирилтирибди. Очиқ юзли бўлиш яхшиликнинг аввалидир. Баданинг яхшиликка яроқли бўлиши сукут қилишда. Қариндошлиқ алоқаларини боғла, ходимларинг кўпаяди. Кимнинг яхшилиги яқин бўлса, унинг зикри узун бўлади (яъни тез ва осон яхшилик қиласидан одамни узоқ вақт эслаб юришади). Ким сенга рағбатини қаратса, демак у сенинг ёрдамингга муҳтоҷлик мажбуриятини зиммангга юклабди. Қачонлардир ўзингга қилинган яхшиликларни доим эслаб юр, аммо бугун қилган яхшилигинги шу заҳоти унут. Сенга қаратилган яширин рағбатни хушёрлик билан илға, аммо сенга қарши қаратилган катта жиноятдан огоҳ бўлсанг-да, ўзни ғофил тут. Гуноҳ қилсанг, узр сўра, хузурингга узр сўраб келишса, кечир. Улуғлик аломати – сахийлик, пасткашлик аломати – ҳамма нарсани инкор қиласериш. Ҳалимликни эккан, саломатлик ҳосилини олади. Унинг ота онаси ёки олдинги фазилати бор кишига эҳсон қил. Асли насли тоза ёки олдин яхши ишлари бўлган одамга яхшилик қил. Унинг айни пайтдаги ёмон ҳолати, давлатининг орқага кетганлиги сени ундан четлаштириб қўймасин. Негаки, унга қилган яхшилигинг икки фойда келтиради: ё озод бир қалбни қулдек ўзингга мойил қиласан ёки мақтовга сазовор бу ишнинг овоза бўлиши даражангни кўтаради.

Чунки дунё, ниманики, синдирган бўлса, уни ямаб ҳам қўяди, давлат қандай орқа ўгирган бўлса, шундай юзланиб ҳам келади. Ким яхшилик уруғини экса, экини албатта ҳосил беради. Ким озод, ҳур инсонларга яхшилик қиласа, яхшилиги бесамар кетмайди.

شعر:

فالصفح من ذي قدرة أصلح	لا تنتقم إن كنت ذا قدرة
تلقي إذا أذنبت من يصفح	وأصفح إذا أذنب خل عسى

Шеър (насрий баён): “Ўч олмагин, гарчи қанчалик қудрат соҳиби бўлсанг-да! Чунки кечириш қудратли кишига ярашади. Бир дўст гуноҳ қиласа, кечир. Шояд, сен ҳам қачон гуноҳ қилсанг, кечирадиган зотга йўлиқсанг”.

قيل للإسكندر: بم نلت ما نلت؟ قال باستمالة الأعداء والإحسان إلى الأصدقاء

Искандардан сўралди: “Бу даражага қандай эришдинг?” Искандар деди: “Душманларни ўзимга мойил қилиш ва дўстларга яхшилик қилиш билан”.

وقال بزرجمهر: سوسوا أحرار الناس بمحض المودة وال通用ة والرهبة والأسفاف بالمخافة

Бузругмехр айтди: “Озод инсонларга дўстликни холис қилиш, оммага рағбат ва ҳайбат, пасткашларга эса фақат қўрқитиш билан сиёsat қилинглар”.

وقال أبو العباس السفاح: لأعملن اللين حتى لا ينفع إلا الشدة ولأكرمن الخاصة ما أمتهم على العامة ولأغمدن سيفي حتى يسله الحق ولأعطيين حتى لا أرى للعطية موضعا

Абу Аббос Саффоҳ айтади: “Токи, қаттиқликгина фойда берадиган вазият келмагунча, мен фақат мулойимлик билан иш юритаман. Модомики, халқни хосларга ишонган эканман, хослар албатта ҳурматим остида бўлади. Қиличимни қинида сақлайман, токи ҳақ уни қинидан суғурмагунча. Токи, берадиган жой тополмай қолгунимча, мудом эҳсон қиласман”.

وقال حكيم: لا تترك قليل ما تقوى عليه لكتير ما لا تقوى عليه. بادر إلى الخير إذا أمكنك.

Бир донишманд деди: “Тоқатинг етмайдиган кўп нарсани деб, тоқатинг етадиган оз нарсани ташлаб қўйма. То имконинг бўлди дегунча, яхшиликка шошил”.

بأنه يُعرف قدر المرسل، رفق الرسول يلين القلب الصعب و خُرفة يقسي القلب اللين

Юборган элчисига қараб, юборувчининг даражаси маълум бўлади. Элчининг мулойимлиги қаттиқ қалбни юмшатади, аҳмоқлиги юмшоқ қалбни тош этади.

استصغر المشقة إذا أدت إلى منفعة. القلب أسرع تقلبا من الطرف.

Агар манфаатга элтса, бу йўлдаги мashaққатни арзимас сана. Қалбнинг айланиб, ўзгариб туриши кўзning айланишидан тезроқдир.

لا صلاح لرعية فسد وإليها. أرفق الولاة من جمع اللين والشدة. من لاحى السلطان ندم.  
فساد الوالي أضر بالرعاية من جدب الزمان.

Волийси бузилган раийят учун тузалиш йўқ. Волийларнинг энг яхиси – юмшоқлик ва қаттиқликни жамлаган киши. Султон билан тортишган киши пушаймон бўлади. Волийнинг бузуқлиги раийят учун қурғоқчилик замонидан ҳам заарлироқдир.

الوفاء يثبت الإخاء. خير ما اكتسبته أخ ثقة.

Вафо дўстликни мустаҳкамлайди. Сен топган нарсаларингни энг яхиси – ишончли биродар.

كن من فوقك موقرا . لا تدخلن في أمر لا تكون فيه ماهرا .

Ўзингдан юқориларни улуғловчи бўл. Ўзинг моҳир бўлмаган ишга киришма.

أكثـر مـحادـة مـن يـصـرك بـعيـوبـكـ. لا تـثقـ بالـثـنـاءـ الكـاذـبـ ولا بـودـ النـسـاءـ ولا بـالـمـالـ الـكـثـيرـ

Айбларингни ўзингга кўрсатадиган одам билан сухбатни кўпайтири. Ёлғон мақтовга, хотинларнинг дўстлигига ва мол-дунёнинг кўплигига ишонма.

استصغر ما فعلت من المعروف ولو كان كثيرا. استعظام ما أتاك منه وإن صغيرا. سلطان الغضب أضعف سلطان. استعن بالصمت على إطفاء الغضب. كن في الحرص على معرفة عيوبك منزلة عدوك في معرفة ذلك منك.

Килган яхши ишларингни, гарчи кўп бўлса ҳам – оз, ўзингга қилинган яхшиликни, гарчи кичик бўлса ҳам – катта, сана. Ғазабнинг подшоҳлиги энг ожиз подшоҳликдир. Ғазаб ўтини ўчиришга сукутдан ёрдам сўра. Душманинг сендан содир бўлган айбни билишни қай даражада хоҳласа, сен ҳам ўз айбингни таниб олишни шу даражада хоҳла.

من قنع لم يهتم. لا يكون الشحيم وصولاً. أحق الناس بالفقة البخيل. الحازم من كسب من حله وانفق في حقه. أشبه الناس بالبهائم من كانت همتة بطنه.

Қаноат қилган, ғам чекмайди. Бахил – “кўришиб, бир-бировнинг холидан хабар олиб туришдек одамгарчиликдан” йироқ кимсадир. Одамлар ичида қашшоқликка энг ҳақдори баҳилдир. Ҳалолдан касб қилиб, ўрнига сарфлайдиган киши чин маънода мулоҳазали, оқил кишидир. Одамлар орасида энг ҳайвонсифат кимса – бор қайгу-гами қоринни ўйлаш бўлган кимса.

شعر:

إِذَا مَا فَتَى لَمْ يَبْغِ إِلَّا طَعَامَهُ      وَمَلِيسَهُ فَالْخَيْرُ مِنْهُ بَعِيدٌ

Шеър (насрий баён): “Қачонки, йигит киши таоми ва кийимидан бошқасини ўйламас экан, бас, яхшилик ундан йироқдир”.

ربما كان وجهك مرآة ما في صدرك. أظهر لعدوك الصدقة إذا رجوت نفعه واضمر لصديقك العداوة إذا احشيت ضره. قلب المكذب أكذب من لسانه. صحبة الأحمق عناء. الراحة من قرين السوء فراقه.

Кўпинча юзинг қалбинг яширган нарсага кўзгу бўлади. Душманингта садоқат изхор қил, қачонки, ундан бирор фойда чиқишини умид этсанг, дўстингга қарши адоватни ичингга яшир, қачонки, унинг зарар беришидан қўрқсанг. Ёлғончининг дили тилидан ҳам ёлғончироқдир. Аҳмоқ билан ҳамсухбат бўлиш – оғир мashaқкат. Ёмон ошнодан роҳат топиш – ундан ажралиш билан ҳосил бўлади.

شعر:

ولا تذمنه من غير تجريب	لا تحمدن أمرا حتى تجربه
وما مفاتيحةها غير تجارب	أن الرجال صناديق مقلة

Шеър (насрий баён): “То синамаган экансан, кишини мақтама, синовсиз унга айб ҳам тақма. Чунки инсон қулфли сандик, бу қулфнинг очқичи эса фақат синов-имтиҳонлардир”.

مقارنة الأشخاص تسيء الظن بالأخيار. من الحزم احتراس المرء من أصحابه. الضعف المحترس من عدوه أقرب إلى السلامة من القوى المغتر. من كثـر ابتهاجـه بـالـموـاهـب اـشـتـد اـنـزـعـاجـه بـالمـصـائـب. حـسـبـكـ منـ عـدوـكـ الـبـعـد عـنـهـ وـإـحـتـرـاسـ مـنـهـ طـاعـةـ العـدـوـ هـلـاكـ وـطـاعـةـ اللهـ غـنـيـمـةـ.

Ёмонларга яқинлашиш, яхшилар ҳақида ҳам ёмон гумон пайдо қиласи. Кишининг ўз дўстларидан эҳтиёт бўлиб туриши ҳам бир эҳтиёткорликдир. Ўзи кучли бўлатуриб, душманига эътиборсиз кишидан кўра, ўзи заиф бўлса ҳам душманидан эҳтиёткор одам саломатроқдир. Кимки ўзига ато этилган неъматлардан қанча кўп шодланса, мусибатлар сабабли туғилган безовталиги шунча кучаяди. Душмандан узоқ ва огоҳ бўлиб юришинг – ундан сақланишинг учун етарли чора. Душманга итоат – ҳалокат, Аллоҳга итоат тайёр ўлжадир.

ضاق صدر من ضاقت يده. ما ضاق مكان بمحابين. والدنيا لا تسع المتباغضين. ظمأ المال أشد من ظمأ الماء. علو الهمة من الإيمان. عسر المرء مقدم يسره . غلام عاقل خير من شيخ جاهل. غنية المرء من وجدان الحكمة. فخرك بفضلك خير منه بأصلك.

Қўли қисқанинг қалби тор. Бир-бировга муҳаббат боғланган икки кишига битта ўрин торлик қилмайди, бир-бирини ёмон кўрган икки киши дунёга сифмайди. Мол-дунёга чанқоқлик сувга чанқоқликдан кучлироқ. Ҳимматнинг баландлиги имондан. Кишининг камбағаллиги – бойлика қўйилган биринчи қадам. Оқил бола жоҳил кексадан яхшироқ. Кишининг ўлжани қўлга киритиши ҳикматни чақишдан бошланади. Фазлинг билан фахрланишинг аслинг билан фахрланишдан яхшироқ.

شعر:

إذا افتخرت بأعظم مقوبة والناس بين مصدق ومكذب	فاصم لنفسك في انتسابك شاهدا بدليل فضل للحديث محقق
---	--

Шеър (насрий баён): “Қачонки сен қабрнинг катталиги билан фахрланишга ўтсанг, одамлар буни ё тасдиқлади ёки ёлғонга чиқаради. Бас, ўзингни ўша қабрга муносиб билиш йўлида сени тасдиқловчининг гапини ортиқча далил билан исбот қилиб, гувоҳ келтир”.

الفرع يدل إلى الأصل. فسدت نعمة من كفرها. قوة القلب من صحة الإيمان. قتل الحريص حرسه. قرب الشرار مضره. ويل من وتر الأحرار ومن أخذ الثار.

Шоҳ илдизга далолат қиласди. Неъмат уни тан олмаслик билан фасод топади. Қалбнинг қуввати иймоннинг соғломлигидан. Очкўзни очкўзлиги

ўлдиради. Ёмонларга яқинлашиш кони зарар. Озод инсонларга озор етказган ва ўч олган кимсага дўзах бўлсин!

شعر:

إِذَا وَتَرَتْ أُمْرًا فَاحْذِرْ عَدَوَّهُ      مِنْ يَزْرِعُ الشَّوْكَ لَا يَجْنِي بِهِ عَنْبَا

Шеър (насрий баён): “Қачонки, бирорни хафа қилган экансан, ундан етадиган душманликдан сақлан. Тикон эккан киши узум термайди”.

احذر صولة اللئيم إذا شبع والكريم إذا جاع. ربما تحولت المودة بغضا والبغضة مودة.

Хасиснинг тўйган, сахийнинг оч қолган пайтида ташланишидан огоҳ бўл.  
Адоват дўстликка, дўстлик адоватга айланиб қоладиган вақтлар ҳам бор.

شعر:

وَاحْبَبْ إِذَا أَحْبَبْتَ حَبَا مَقَارِبَا      إِنَّكَ لَا تَدْرِي مَتَى الْحُبُّ يَنْزَعُ  
وَابْغَضْ إِذَا أَبْغَضْتَ بَغْضَا مَقَارِبَا      إِنَّكَ لَا تَدْرِي مَتَى الْحُبُّ يَرْجِعُ

Шеър (насрий баён): “Яхши кўрсанг, муҳаббатинг ўртacha бўлсин, чунки унинг қалбдан қачон суғурилиб чиқишини билмайсан. Ёмон кўрсанг, нафратинг ҳам ўртacha бўлсин, чунки муҳаббатнинг қачон қайта келишини билмайсан”.

اطلب رضى الإخوان فإن رضى العامة غير موجود. ما يستحب من فعله لا يليق النطق به.  
ما عملته يظهر وإن بالغت في إخفائه. المال ينفد والذكر يبقى. الأمل الطويل يسقم القلب  
ويضر الفكر.

Сен дўстларни рози қилиш пайида бўл, ҳамманинг рози бўлиши йўқ нарса. Қилиш уят нарса, гапиришга ҳам лойик эмас. Қанчалар беркитсанг ҳам, килинган иш ошкор бўлади. Мол-дунё тугайди, яхши сўз қолади. Узун орзу-ҳавас қалбга дард орттиради, фикрни бузади.

وقال جالنوس: الحكمة في الهند والكبر في الفرس. وقرى الأضيف في العرب. والصدق في الحبش. وقصاوة القلب في الترك. والشجاعة في الأكراد. والخيانة في الأرمن. والجهل في الشام والعلم في العراق والحساب في قبط مصر. والحمق في الطويل صغير الرأس. والكذب في القصير. والتيه في المغاني. والظلم والزنا في ذي الشامات. والحفظ في العميان. وسوء الخلق في العرجان. وخفة الروح في الحولان. والخذق في الخدبان. وقلة العقل في الخصيان. والفحور في الزنج. والعجلة في الصبيان. والمراء في العلماء. والحرص في المشايق. والذل في الأيتام. والشر في الشقر. والفصاحة في الحجاز واليمن. والبخل في الغرب. والحسد في الجيران. والسلامة في عزلة. والصحة في الحمية.

Жолинус айтади: “Хикмат ҳиндларда, кибр форсларда, меҳмондўстлик арабларда, ростгўйлик ҳабашларда, қалбининг қаттиқлиги туркларда, шижаот курдларда, хиёнат арманларда, жаҳолат Шомда, илм Ироқда, ҳисобга усталик Миср қибитийларида, ахмоқлик бўйи узун-у боши кичкина одамда, ёлғон паканада, олифталик ашулачишларда, зулм ва зино гердайганларда, кучли хотира кўрларда, хулқи бузуқлик чўлоқларда, қувноқлик ажойиботларда, усталик буқриларда, ақлнинг камлиги бичилганларда, бузуқликлар занжиларда, шошилиш болаларда, тортишув олимларда, хирс қарияларда, хорлик етимларда, ёмонлик маллаларда, фасоҳат Ҳижоз ва Яманда, баҳиллик гарбда, ҳасад қўшниларда, саломатлик узлатда, соғлик ҳамиятда бўлади”.

وقال آخر: بالإحسان يسترق الإنسان وبقهر النفس يكتب الشيطان ويرضى الرحمن.  
وبإخلاص النيات تدرك الرغبات.

Бошқаси деди: “Эҳсон билан инсон қул қилинади, нафсни енгиш билан шайтон янчилади ва Аллоҳ розилиги топилади, ният холислиги билан истакларга етилади”.

من مدح شخصا بما ليس فيه فقد عابه .

Кимки, бирони йўқ фазилатини айтиб мактаса, уни айبلاغан бўлади.

و اذا اراد الله أمرا هيا اسبابه .

Аллоҳ бир ишни ирода қилса, унинг сабабларини тайёрлаб қўяди.

شعر:

الله أكرم من ان تستعد له إذا اصطفاك لأمر هيأتك له ليس في كل حين ينجح الطلب	بعدة أو ترجى دونه سببا يد العناية حتى تبالغ الاربا ولا كل وقت تبلغ الاربا
--	---

Шеър (насрий баён): “Мақсадинг амалга ошиши учун бир воситани тайёрлаб қўйишдан“Унга тайёргарлик қилишинг билан Аллоҳ улуғдир ёки уни муқобилида бирор нарсани сабаб қилишинг билан ҳам аллоҳ улуғ. (бесабабдан-

бесабб ҳам ҳудо яратаверади). Қачонки Аллоҳ сени бир иш учун танлайдиган бўлса. Ҳаттоинки мақсадга еткунингча иноят қўли ўзи сени ўша ишга тайёрлаб кўяди. Ҳар-бир вақтда талаб ютиб чиқавермайди ва ҳар бир вақтда сен мақсадга етавермайсан.

لا فرح إلا بالحسنات ولا حزن إلا على السيئات. لا تتعبن جسدك إلا في كد على عيال  
أو عبادة لذى الحلال.

Яхши амаллар туфайли ҳосил бўлган қувонч ҳақиқий қувончdir. Ёмон амаллар учун чекилган ғам ҳақиқий ғамdir. Жасадинг ё бола-чақанг учун мashaққат чекиб ёки улуғ ва қудратли Зотнинг ибодати йўлидагина чарчасин.

شعر:

واکضم الغیظ ولا تبدی ضجر	اضع للناس إن رمت العلا
للفتی أفضل شے يدخل	واجعل المعروف زحرا أنه
وخيار العفو في وقت الظفر	وخيار البر ما عجلته
فبه تملك أعناق البشر	احمل الناس على أخلاقهم
كل شيء بقضاء وقدر	وكل الأمر إلى خالقه

Шеър (насрий баён): “Агар юксак бўлишга интилсанг, одамлар учун ўзингни паст тут, ғазабингни тий, безовталигингни ошкор этма. Яхши ишларни захира қил, чунки йигит киши учун захиранинг энг афзали яхши ишлардир. Яхшиликнинг сараси – нақд бўлгани, кечиришнинг сараси голиб пайтда қилинган афвдир. Одамларнинг ахлоқига қараб муомала қил, шунда уларни ўзингга бўйсундирасан.

Ишни яратувчисига топшири, ҳар бир нарса қазои қадар билан амалга ошади”.

## ضرب مثل

حكي أن عصفورا مر بفح ف قال العصفور: مالي أراك متبعادا عن الطريق؟ فقال الفخ: أردت العزلة عن الناس لآمن منهم ويأمنوا مني. فقال العصفور: فمالي أراك مقينا في التراب؟ فقال: تواضعا. فقال العصفور: فمالي أراك ناحل الجسم؟ فقال: نهكتني العبادة. فقال العصفور: وما هذا الحبل الذي على عاتقك؟ قال: هو ملبس النساك. فقال العصفور: وما هذه العصا؟ قال: أتوكأ عليها وأهش بها على غنميه. فقال العصفور: وما هذا القمح الذي عندك؟ قال: هو فضل قوتي أعددته للفقير جائع وابن سبيل منقطع. فقال العصفور: إيني ابن سبيل وجائع. فهل لك ان تطعمني؟ قال: نعم، دونك. فلما ألقى منقاره أمسك الفخ بعنقه. فقال العصفور: بئس احترت لنفسك من الغدر والخداع والأخلاق الشنيعة. ولم يشعر العصفور إلا وصاحب الفخ قد قبض عليه. فقال العصفور في نفسه: بحق قالت الحكماء من تهور ندم ومن حذر سلم. وكيف لي بالخلاص ولات حين مناص ثم حدثه نفسه بالإحتيال فربما نفع في مضيق الأحوال فالتفت إلى الصياد وقال له: أيها الرجل اسمع مني كلمات أرجو أن ينفعك الله بها ثم افعل بي ما تشاء. فعجب الصياد من كلام العصفور وقال له: قل، فقال له العصفور: لا يشك عاقل إيني لا أسمن ولا أغنى من جوع فإن كانت ترغب في الحكمة فاسمع مني ثلاث حكم أنسع لك مني واطلقني واحدة وأنا في يدك والثانية وأنا على أصل هذه الشجرة والثالثة إذا صرت في أعلىها. فرغب الصياد في اطلاقه وقال له: قل الأولى. فقال: حييت فلا تندم على فائت. فاعجبه مقاله وأطلقه. فلما صار في أسفل الشجرة قال والثانية. ما عشت فلا تصدق بشيء لا يكون أنه يكون ثم طار إلى أعلى الشجرة. فقال له الصياد: هات الثالثة. فقال العصفور: أيها الرجل لم أر اشقى منك ظفرت بعناك وغنا أهلك وولدك وذهب من يدك في أيسر وقت. فقال له الصياد: وما ذاك؟ فقال العصفور: لو أنك ذبحتني لو وجدت في حوصلتي جوهرتين من الياقوت. زنة كل واحدة

منهما خمسون مثقالاً. فلما سمع الصياد مقالة العصفور اعتراه الأسف وعرض على إصبعه وقال: خدعتني أيها العصفور لكن هات الثالثة. فقال العصفور: كيف أقول الثالثة وأنت قد نسيت الإثنين قبلها في لحظة. ألم أقل لك لا تندم على ما فات ولا تصدق بما لا يكون إنه يكون؟ وكيف صدقت إن في حوصلتي جوهرتين زنة كل واحدة منها خمسون مثقالاً؟ وأنت لو وزنتني بريشي ولحمي وعظمي وجميع ما في جوفي ما وفي ذلك عشرة مثاقيل وقد ندمت على إطلاق الفائت وتلهفت عليه ثم طار وتركه وفارق بحيلته شركه.

### Зарбул масал

Хикоя қилинишича, бир Чумчук Тузоқнинг ёнидан ўтаётиб ундан:

- Нима бўлди, сени йўл чеккасида кўряпман? – деб сўради.
- Мен одамлардан, одамлар мендан тинч бўлишини хоҳладим,—деди Тузоқ.
- Нега тупрокқа беланиб ётибсан? – сўради Чумчук.
- Ўзимни паст тутганим учун,— жавоб қилди Тузоқ.
- Нима учун жисминг бунчалар ориқ?
- Ибодат мени озиб-тўздирди, — деди Тузоқ.
- Елкангдаги бу арқон нима? – сўради Чумчук.
- Зоҳидлар жандаси.
- Бу асо нима учун?
- Унга таянаман ва қўйларимга барг қоқиб бераман, — жавоб берди Тузоқ.

- Нега олдингда буғдойлар сочилиб ётибди? – сўради Чумчук.
- Улар емишимдан ортиб қолгани, оч қолган фақирлар ва йўлини йўқотган мусофиirlар учун ҳозирлаб қўйганман.
- Ўша мусофиirlар ва оч қолган фақир менман, мени тўйдирасанми? – деди Чумчук.
  - Ҳа, емиш олдингда, еявер, – деди Тузоқ. Чумчук донларга тумшук уриши билан Тузоқ унинг бўйнидан илди.
  - Бунчалар хиёнат, ҳийла, бузук хулқни ўзингга касб қилибсан, нақадар ёмонлик бу! – дебди Чумчук ва тузоқ эгасига ўлжа бўлганини англабди. Шунда Чумчук ўз-ўзига: – Ҳақиқатан ҳам донишмандлар “бепарво – пушаймонда, эҳтиёткор – омонда” дея бежиз айтмаган экан, энди бу ҳолатдан қандай қутуламан, фурсатни бой бердим, эсизиз... – деб турганида нафси уни ҳийла ишлатишга чорлабди. Кўпинча танг аҳволда қолганда ҳийла ҳам наф беради. Кейин овчига қараб:

- Эй инсон, мендан бир неча сўзларни эшит, умид қиласманки, улар туфайли сенга Аллоҳдан манфаат етади, майли сўнгра мен билан хоҳлаганингни қиласвер, – деди. Овчи чумчуқнинг сўзларидан ажабланди ва
- Қани, айт-чи, – деди. Шунда Чумчук сўз бошлади:
- Албатта ҳар бир оқил киши биттагина чумчук ориқни семиртирмаслигини, очни тўйдирмаслигини билади. Агар доно сўзга рағбатинг бўлса, сенга мендан кўра фойдаси кўпроқ учта ҳикматни еткизаман, тингла ва мени қўйиб юбор. Ҳикматли гапнинг биринчисини – қўлингда туриб,

иккинчисини – дарахт шохига қўниб, учинчисини – дарахт учига етганимда айтаман. Чумчуқни қўйиб юборишга майли ортган Овчи:

– Биринчисини айт, – деди.

– Модомики, ҳаёт экансан, қўлдан кетган нарсага пушаймон бўлма, – деди Чумчуқ. Овчини Чумчуқнинг сўзлари ҳайратга солди ва уни озод қўйди.

Чумчуқ дарахтнинг пастки шохига етгач, Овчи:

– Иккинчиси айт, – деди.

– Модомики, яшаётган экансан, бўлмайдиган нарсани бўлади деб тасдиқлама, – дея Чумчуқ қанот қоқиб, дарахтнинг учига қўнди.

– Учинчисини айт, – деди Овчи.

– Эй инсон, ўзинг, аёлинг, бола-чақаларингга етадиган бойликни қўлга киритиб, озгина вақт ичидаги уни бой берган, сенек бахтсиз кишини қўрмадим!

– Нима экан у!? – таажжубланиб сўради Овчи.

– Агар мени сўйганингда, жигилдонимдан ёқутдан бўлган иккита гавҳарни топардинг. Ҳар гавҳарнинг вазни эллик мисқол эди, – деди Чумчуқ.

Овчи Чумчуқнинг сўзини тинглар экан, пушаймонлик ичра қотди, афсус бармоғини тишлади ва:

– Эй Чумчуқ, майли, мени алдадинг, энди учинчи ҳикматни айт, – деди.

Шунда Чумчуқ:

– Учинчисини қандай айтай, олдинги икки ҳикматни бир лаҳзадаёқ унудинг! Ахир, мен сенга қўлдан кетган нарсага афсус чекма, бўлмайдиган нарсани бўлади, деб тасдиқлама, демаганмидим!? Сен эса менинг миттигина жигилдонимда ҳар бири эллик мисқол бўлган иккита гавҳар борлигига

ишоняпсан. Ҳолбуки, менинг патим, этим, суюгим қорнимдаги барча нарсалар билан қўшиб тортилса, ўн мисқолга етмайди. Сен бўлсанг, қўлдан кетган нарсага пушаймон бўляпсан, у нарсани деб ғам чекяпсан, – деди ва қанот қоқиб, овчидан узоклашди, хийла билан тузоқдан қутулди.

#### الأسلوب الرابع

فِي الْحُضْرَةِ عَلَى الْحَزْمِ وَالْأَخْذِ بِالْعِزْمِ

**Тўртинчи услуб  
Эҳтиёткорликка ундаш ва азму қарорда  
мустаҳкам бўлиш ҳақида**

قيل لبعض العرب: ما الحزم؟ قال حفظ ما استرعیت ومحانیة ما كفیت. قيل: فما العجز؟ قال:

العجلة قبل الإمكان ومسالمة الزمان. قيل: فما الجد؟ قال: ابتناء المكارم وحمل المغارم والاطلاع

بالعظائم ومنع النفس عن ركوب المحارم. قيل: فما الشرف؟ قال: كرم الجوار وصيانة الأقدار وبذل

المطلوب في اليسر والأعسار. قيل: فما المروءة؟ قال: سمو الهمة وصيانة النفس عن المذمة. قيل:

فما الحلم؟ قال: كظم الغيظ وضبط النفس عند الغضب وبذل العفو عند القدرة.

“Эҳтиёткорлик нима” деб сўралганида араблардан бири айтди: “Кўл остингдаги нарсани сақлаш ва сендан тўсилган нарсадан узокроқ туриш”. “Ожизлик нима” деб сўралганида, айтди: “Ожизлик – имкондан олдин шошиш ва замон билан келишиш”. “Буюклик нима?” – дейилса: “Улуғ ишларни бино қилиш, зиёнларни кўтариш, улкан ишларга интилиш ва нафсни ҳаром ишлардан тўсиш” – деди. “Шараф нима?” деб сўралса, деди: “Кўшниларга саховат, ўзининг ва ўзганинг қадр-қимматни пок сақлаш, хоҳ бой, хоҳ камбағал ҳолатда сўралган нарсани бера олиш”. “Муруват нима?” дейилса, айтди: “Юксак ҳиммат ва ўзни ёмон отлик бўлишдан сақлаш”. “Ҳилм нима?” деб сўралса, деди: “Нафрат ўтини ўчириш, ғазабланган пайтда нафсни тийиш ва жазолашга қодир бўлатуриб, кечириб юбориш”.

شعر:

فالعفو من ذي قدرة اصلاح	لا تنتقم إن كنت ذا قدرة
تلقى إذا أذنبت من يصفح	واصفح إذا أذنب خل عسى

Шеър (насрий баён): “Кучли бўлсанг, ўч олмагин, чунки кечириш кучли кишига ярашади. Дўстинг гуноҳ қилса, кечир, шояд, гуноҳ қилиб қўйганингда сен ҳам кечирадиган одамга йўлиқсанг”.

قيل حكيم: أي الأمور أجعل عقوبة. فقال: ظلم من لا ناصر له إلا الله ومقابلة النعمة بالقصير واستطالة الغنى على الفقير. قيل: فمن أظلم الناس لنفسه. قال: من تواضع لمن لا يكرمه ومدح من لا يعرفه.

Донишманддан сўралди: “Қайси ишларнинг азоби тезроқ?”. Донишманд деди: “Аллоҳдан ўзга ёрдамчиси йўқ одамга зулм қилганинг, неъмат қарисига неъматни камситишни қўйганинг, камбағалга гердайган бойнинг азоби тезроқ келади”. Сўралди: “Одамлар орасида ўзига энг жабр қилувчиси ким?” Деди: “Ҳурмат қилмайдиган киши олдида ўзини паст тутадиган, ўзи танимайдиган одамни мақтайдиган киши жонига энг жабр қилувчи инсондир”.

قيل: فمن أعظم الناس حلما. قال: من قمع غضبه بالصبر وجاهد هواه بالعزم. قيل: فيما يسلم الإنسان من العيوب. قال: إذا جعل الشكر رائدة والصبر قائدة والعقل أميرة والإعتصام بالتقوى ظهيره والمراقبة جليسه وذكر الزوال أنيسة.

“Одамларнинг энг ҳалими ким?” – сўралди. Деди: “Сабр билан ғазабини ўчирган ва қатъий азму қарори билан кибру ҳавосига қарши курашган киши”. Сўралди: “Инсон қай йўл билан айблардан холи бўлади?” Деди: “Шукрни – йўлбошчи, сабрни – етакчи, ақлни – бошчи, тақвога боғланишни – ёрдамчи, ўзни қузатини – сухбатдоши, қайтишни эслашни – улфати қилиб олган киши айблардан холи бўлади”.

وسائل حكيم: من أحزم الناس. قال: من ملك جده هزله وقهر لبه هواه وأعرب لسانه عن ضميره ولم يخدعه رضاه عن سخطه ولا غضبه عن صدقه

“Одамларнинг энг эҳтиёткори ким?” – сўралди. Айтди: “Жиддийлиги ҳазилини бошқарган, ақли ҳою-ҳавасини бўйсундирган, тили дилидагини гапирадиган, розилиги газабидан, газаби ростгўйлигидан чалғитиб, алдаб қўймаган киши ҳақиқий эҳтиёткордир”.

وسائل آخر عن الدليل الناصح. فقال حسن المنطق. وسائل عن العنااء المتعب. فقال:  
تطبعك مع من لا طبع له.

Бошқа бир донишманддан холис йўл кўрсатувчи ҳақида сўралди. Дастрлаб кўнгилга келган табиий сезги тўғри йўлга холис ишора қилувчидир, – деди. Мехрибон етакчи ҳақида сўралди. Чиройли сўз, – деди. Чарчатувчи машаққат ҳақида сўралди. Табиатсиз кишига ҳамтабиат бўлиб қолишинг, яъни сенга тескари табиатли киши билан ҳамсухбат бўлишинг, – деди.

وقيل لبعض الملوك: ما أبلغ بك هذه المنزلة. فقال: بعفوبي عند قدرتي وليني عند شدتي  
وبذل الإنصاف ولو من نفسي وابقائي في الحب والبغض محلًا لموضع الإستبدال.

Шоҳлардан бирига: “Бу мартабага қандай эришдинг?” – савол берилди.

Деди: “Жазолашга қодир бўлган ҳолда афв қилганим, кескинлик пайтида ўзни мулойим тутганим, гарчи зиёнимга бўлса ҳам инсофдан чекинмаганим, муҳаббат ва ғазабда ўрин алмашинишига имкон қолдирганим сабабли бу мартабага етдим”.

وقيل لبعض الحكماء: ما الحزم؟ فقال: سوء الظن. قيل له: فما الصواب؟ قال: المشورة. قيل له: فما يجمع القلوب؟ قال: المودة. قيل له: فما الإختياط؟ قال: الاقتصاد في الحب والبغض.

Бир донишманндан сўралди:

- Эҳтиёткорлик нима?
- Ёмон гумон, – деди у.
- Тўғрилик нима?
- Маслаҳат.
- Қалбларни нима жамлайди?
- Дўстлик.
- Эҳтиёткорлик нима?
- Мухаббат ва нафратда ўртacha бўлиш, – деди донишманд.

شعر:

اجعل يقينك سوء الظن تنج به  
ولن جواباً كن كالأفعوان إذا  
وأجعل العدو بوجه لا قطوب به  
من عاش مستيقظاً قلت معائبه  
لانت ملامسه اعيت مضار به  
واجعل له في الحشى جيشاً يحاربه

Шеър (насрий баён): “Ишончингни ёмон гумонга айлантир, шу йўл билан нажот топасан. Кимки уйғоқ яшаса, айблари кам бўлади. Жавобни мулойим қил, мисоли аждар илондек. Унинг тегиниши юмшоқ, аммо ичи тўла заҳар.

Душманга хўмрайиб эмас, очиқ юз билан юзлан. Ҳадиксирашинг ичига у билан урушадиган қўшинни жойлаб қўй”.

وقال حكم: بالحزم يتم الظفر وباحالة الرأي يظفر بالحزم. وقال آخر كما أن جلاء السيف أهون من صنيعه كذلك صلح الصديق أهون من اكتسب غيره.

Донишманд деди: “Эҳтиёткорлик билан ғалаба мукаммал бўлади ва ҳар томонлама фикр юритиш билан эҳтиёткорликка эришилади. Бошқаси айтди: “Қилични яраклатиш уни ясашдан осон бўлганидек, дўст билан ярашиш янги дўст топишдан енгилроқдир”.

شعر:

لما أنت باغيه وعونا على الدهر وإن قصرت عنك الحظوظ فعن عذر	على كل حال فاجعل الحزم عدة فإن نلت أمراً نلته عن عزيمة
--	---

Шеър (насрий баён): “Ўзинг истаган нарса учун ҳар қандай ҳолатда эҳтиёткорликни қурол ва замона (душманларига) қарши ёрдамчинг қил. Агар сен бир ҳолатга етишсанг, нияту қатъиятинг туфайли эришдинг. Агар насибалар йўли қисқариб, сенгача етиб келмаса, бу узрли сабабдир”

هموم المرء بقدر همته وأنفاسه نقص من مدته. واساك من تغافل عنك ووالاك من لم يعادك.  
ليس لسلطان العلم زوال بخلاف سلطان المال. كثرة الوفاق نفاق وكثرة الخلاف شقاق. رب رجاء يؤدي إلى حرمان ورب ربح يؤدي إلى خسنان. الإحسان يقطع اللسان. الشرف بالفضل

والأدب لا بالأصل والنسب. أحسن الأدب حسن الخلق. أفقر الفقر الحمق أو حش الوحش العجب. الطامع لم ينزل في وثاق الذل. احذروا نفاد النعم فما كل شارد مردود.

Кишининг ғамлари ҳиммати миқдорича бўлади. Олаётган нафаслари эса умри муддатининг камайишидир. Сени билиб туриб, билмасликка, кўриб туриб кўрмасликка олган киши сенга ёмонлик қилибди, сенга душманлик қилмаган киши дўстлик қилибди. Мол-дунё салтанатининг хилофи ўлароқ, илм салтанатининг заволи йўқ. Ортиқча мувофиқлик мунофиқликдир. Ихтиофинг кўпайиши – оранинг бузилиши. Кўпинча умид маҳрумликка, фойда зиёнга элтади. Эҳсон тилни кесади. Шараф аслу насабда эмас, фазлу адабда. Энг гўзал одоб – чиройли хулқ. Аҳмоқлик – қашшоқликнинг қашшоқроғи, ўзига бино қўйиш ваҳшийликларнинг ваҳшийлигидир. Тамаътир доим хорлик исканжасидадир. Неъматнинг узилиб қолишидан огоҳ бўлинглар, ҳар бир кетгувчи нарса, қайтиб келгувчи эмас.

شعر:

إذا كنت في نعمة فارعا  
فإن المعاصي تزييل النعم

وداوم عليها بشكر الإله  
فإن إلاه سريع النقم

Шеър (насрий баён): “Қачонки сенга бир неъмат берилса, унинг қадрига ет. Чунки гуноҳлар неъматларни йўққа чиқаради. Аллоҳга шукр этиш орқали неъматлар ҳаққини доимий адо қил. Чунки Аллоҳ тез ўч оловчи Зотдир”.

أَكْثَرُ مَصَارِعِ الْعُقُولِ تَحْتَ بَرْوَقِ الْأَطْمَاعِ. مِنْ أَبْدِي صَفَتِهِ لِلْخَلْقِ هُلُكٌ.  
إِذَا أَمْلَقْتَ فَتَاجِرَ اللَّهَ بِالصَّدَقَةِ. إِذَا قَدِرْتَ عَلَى عَدُوكَ فَاجْعَلْ الْعَفْوَ عَنْهُ شَكْرًا لِلْقَدْرَةِ عَلَيْهِ.

Ақл қатлгоҳининг аксари тамаълар чақмоғи остидадир. Сифатини халққа ошкор қилган киши ҳалок бўлади. **Қачонки, камбағал тортсанг, садақа бериб,**

Аллох учун савдо қил. Қачонки, душманингни жазолашга қодир бўлсанг, берилган шу қудрат шукронасига уни афв қил.

شعر:

والحر يعفو المن بالذنب يعترف	إن الكرام إذا ما استعطفوا عطفوا
وفي الوفاء لأخلاق الفتى شرف	والصفح عن مذنب قد تاب مكرمة
والهجر بعد اعتذار فعله سرف	فالعفو بعد اقتدار فعله كرم

Шеър (насрий баён): “Дарҳақиқат, улуғлар меҳр истаганларга ҳамдарддир. Гуноҳини бўйнига олганни кечириш ҳақиқий озод инсоннинг иши. Тавба қилган гуноҳкорнинг гуноҳидан ўтиш мақтовга муносиб феълдир. Эр йигит ахлоқидаги вафода шараф бор. Жазо беришга қодир бўлатуриб, афв қилиш олийжанобликдир. Қилган ишига узр сўраганидан сўнг айтилган қўпол сўз – ҳаддан ошиш, исрофдир”.

قال حكيم: من أطاك النظر أكثر الفكر ومن أطاع الهوى ندم ومن عصاه عصم.

Донишманд деди: “Кимнинг кузатиши узоқ бўлса, фикри зиёдалашади, ким ҳою-ҳавасга эргашса – пушаймон, ким унга бўйсунмаса – омон”.

شعر:

قويما وينشاء إذا ما التوى التوى	بني استقم فالعود تنمو عروقه
إلى الجو لما أن أطاع الهوى هوى	وعاص الهوى المردى فكم ملحق

“Болажоним, тўғри бўл. Дарахтнинг томирлари тўғри ўсади, агар эгилса, ҳалокат уни ўраб олади. Ўлдирувчи ҳою-ҳавасларга бўйинсунма. Ҳавода ҳалқа ясаб учувчи қанча қушлар истакларга бўйсуниб, пастга қулади”.

من لم يقدمه حزم آخره عجز. من حبس الدرهم كان لها ومن أنفقها كانت له. من لم يعرف بالوثاقة في أرومته والكرم في طبيعته والدماة في خلقه والنبل في همته فلا ترجمة. من لم تؤدبها الكراهة قومته الإهانة.

Кимники эҳтиёткорлик пешқадам қилмаган экан, ожизлик уни орқага сурибди. Кимки дирҳамларни сақлаб қўйган экан, у киши дирҳамлар учун хизматкор, кимки уларни тарқатса, дирҳамлар унинг учун хизматида бўлади. Кимки аслу насли ишончли, табиати ҳурматга лойик, ҳулқи юмшоқ мулоим, ҳимматда олийжаноб бўлиб танилмаган экан, ундан умидингни узавер. қилмагин. Кимга улуғлик адаб бермаган экан, хорлик уни тўғирлайди.

شعر:

فإنك قد أساءت إلى الكرامه	متى تضع الكراهة في لثيم
وكان جزاؤها طول الندامه	وقد ذهب الصنيع به ضياعا

Шеър (насрий баён): “Агар пасткашни ҳурмат-иззатга лойик кўрсанг, демак сен ҳурмат-иззатга ёмонлик қилибсан ва унга кўрсатган бу “яхшилигинг” зое кетибди. Энди бунинг жазоси узоқ пушаймонлик бўлади”.

من استعاد الغنا ليوم الفقر فقد استعد لنائبة الدهر. من لم ينصت لحديثك فارفع عنه مؤنة استماعك.

Кимки бойликни қора қунлар учун тайёрлаб қўйса, у замон мусибатлари учун ўзини ҳозирлабди. Кимки сўзингни эшитмаса, сени тинглаш бойлигидан уни халос эт.

شعر:

ومن البلية عذل من لا يرعوي  
عن جهله وخطاب من لا يفهم

Шеър (насрий баён): “Нодонлигидан қайтмайдиган кимсани койиш ва тушунмайдиган кишига гапириш кулфат келтиради”.

من طاب ريحه زاد عقله، من نظف ثوبه قل همه، من حذر شمر، من أمن تهاون من توقي  
سلم، من زها حرم، من كسل أجدب، من لم يقنع لم يشبع، من أنعم على الكفور دام غيظه،  
من لم يتتفع بتجاربه أوقع الدهر في نوائبه.

Хуш бўйи таралиб турган кишининг ақли ҳам зиёда, кийими озоданинг ғами оз, эҳтиёткорнинг енги шимарилган, хавфсизликда қўним топган кишининг эътибори суст, сақланган киши саломат, мағрур киши маҳрум, дангаса унумсиз ер мисоли, қаноатсиз очкўз, ношукрликни ўзига неъмат билган кишининг ғазаби давомли, тажрибаларини қўлламайдиган киши замон синовларига ғарқ бўлади.

من أخذ من العلوم نتفها ومن الآداب طرفها فقد أحرز عيونها وادخر مكنوناتها. من تواضع  
للعلم نبله ومن تعزز عليه ذل له. من قال لا أدرى وهو يتعلم أفضل من يدرى وهو يتعظم. من  
انتحل من العلم الغاية لم يدرك لجهله نهاية.

Кимки сугуриб олинган (яъни, минг мاشаққат билан юзага чиқкан) илмларни ва (шу илм тақозо қиладиган) одобларни атрофлича эгалласа, илм ва одобнинг булокларига етибди, хазиналарини захира қилибди. Ким илм йўлида ўзни паст тутса, илм унинг мартабасини кўтаради, ким бу йўлда катта кетса, илм уни хорлайди. Сўрасангиз “бilmайман” деб жавоб бериб, ўзи таълим олаётган киши – биладиган, аммо ўзини улуғ санайдиган кишидан афзал. “Илмнинг охирига етдим” деган киши, ҳали нодонлигининг охирига етмаган кимсадир.

من لم يستفرغ في العلم المجهود لم يبلغ منه المقصود. من اعتبر الأمور رأى مصارفها.  
كشف مقالة الحكماء عرف حقائقها. من حلم ساد. من اعترف بالجريرة استحق الغفيرة.  
من رغب عن الإخوان خسر لذة الزمان.

Интилган илмига бор кучини сарфламаган одам, илмдан ҳосил бўладиган мақсадига эриша олмаган кишидир. Ишларга эътибор билан қараган киши, чиқиб кетадиган томонларни кўради. Донишмандлар айтганларининг мағзини чаққан киши, ҳикмат ҳақиқатларини танийди. Ҳалим киши улуғ бўлади. Айбини бўйнига олган киши кечирилишга ҳақли инсондир. Ким дўстларидан юз ўғирса, замоннинг мазасини йўқотади.

شعر:

فما في استقامة مطعم	تحمل أحكاك على ما به	وأني له خلق واحد
وفيء طبائعه الأربع		

Шеър (насрий баён): “Дўстингни борича қабул қил, унинг тўғриланишига умид йўқ. Қачонки унда битта яхши хулқ бор экан, кифоя. Ахир инсон мижози тўрт хил табиатдан иборат-ку!”

من جهل النعم عرف النقم. من كانت له فكره كان له في كل شيء عبرة. من ناهز الفرصة أمن الغصة. من سكت فسلم كان كمن قال فغم. من كره النطاح لم يبل النجاح. من كثرت زلته دامت غيابته. من كان له من نفسه واعظ كان عليه من الله حافظ. منكساه الحباء ثوبه حجب عن الناس عبيه. من خان هان. من شكر على الحرمان فهو جدير بالإحسان. من أدمن قرع الباب ولجه. و من صبر أتاه الفرج.

Неъматларни тан олмаган кимса, айб ахтаришнигина тан олади. Фикри бор одам учун ҳамма нарсада ибрат бор. Ким фурсатни қўлга киритса, ғамгуссадан қутулади. Сукут қилган саломат бўлади, худди гапириб ўлжали бўлган кишидек. Ким “сузишиб”ни ёмон кўрса, ғалаба қозонолмайди. Тойилиши қўпнинг йўқолиши кўп. Кимнинг қалбида бир насиҳатгўйи бўлса, Аллоҳ томонидан унга бир асровчи ато этилибди. Кимгаки, ҳаё ўз қўйлагини кийдирган экан, ҳаё унинг айбини одамлардан тўсибди. Хиёнат қилган хор бўлади. Махрумлик ҳолатига шукр қилган киши эҳсонга ҳақиқий лойик инсондир. Ким эшикни давомли қоқса, ичкарига киради. Ким сабрли бўлса, қувонч у томон келади.

شعر:

اخلق بذى الصبر ان يحظى  
و مدممن القرع للابواب ان يلجا

Шеър (насрий баён): “Сабр эгаси насибали бўлишига ва эшикни тинимсиз тақиллатувчи киши ичкари киришга нақадар лойик!”

من أخذ في أموره بالإختياط سلم من الإختلاط. من نشر صبره طوى عن الناس أمره. من من معروفة أفسده. ومن أكرم حرا تعبده. من تشجع وجهه جبن قلبه. من قل حياؤه كثر ذنبه. من أكثر الرقاد حرم المراد. من غرس ردى الطعام اجتنى ثمر الأسمام. من أطاع طرفه استدعى حتفه.

Ким ўз ишида эҳтиёткорликни маҳкам ушласа, турли чалкашликлардан қутулади. Кимнинг сабри эл аро машхур бўлса, иши одамларга ошкор бўлмайди. Яхшилигини миннат қилган киши уни йўққа чиқаради. Киши хурмату саховат билан озод инсонни ўзига қул қиласди. Ким юзини шижаотли қилиб кўрсатса, қалби қўрқоқдир. Ҳаёси камнинг гунохи кўп. Ким уйқуни кўпайтирса, муродидан маҳрум. Ёмонлик таомини эккан, дардлар хосилини ўради. Кўзига бўйсунган кишини ўлими ўзига чорлаётган бўлади.

شعر:

ليس الشجاع الذى يحمى فريسته \* \* \* عند القتال ونار الحرب تشتعل  
لكن من كف طرفا أو ثنى قدما \* \* \* عن الحرام فذاك الفارس البطل

Шеър (насрий баён): “Уруш олови алангаланиб турган жанг пайтида ўз ўлжасини ҳимоя қилган киши шижаотли эмас, ким ҳаромдан кўзини тўсса, қадамини бурса, ана ўша чавандоз ҳақиқий ботирдир”.

من غره السراب تقطعت به الأسباب. من عز بز. من عفا وفي من أحب نهى من أغض  
أغري. من ساء خلقه عذب نفسه. من اثقلتها الدنيا فالآخرة طبيبه من أغض الدنيا فالآخرة  
حبيبه.

Саробга алданган кишининг сабаблар йўли кесилади. Ғолиб кишининг  
қўли баланд. Кечирган вафо, яхши кўрган жафо, ёмон кўрган иғро  
(галамислик, фитна) қилибди. Кимнинг хулқи ёмон бўлса, ўзини-ўзи азоблабди.  
Кимни дунё бемор қилган бўлса, охират унинг табиби, ким дунёни ёмон кўрса,  
охират унинг ҳабиби.

من لم يتحمل بشاعة الدواء دام ألمه. من بھج بأمر هج بذكره. من لم يصلحه الخير أصلحه  
الشر. من تعلل بالمني أفسس. من تعلل بدار الفنا لها عن دار البقا. من صدق نجى. من لم يرحم  
لم يرحم.

Дорининг ёқимсизлигига тоқат қилмаганинг оғриғи давомли. Кимни бир  
иш қувонтирса, уни доим эслаб юради. Кимни яхшилик тузатмаган экан, уни  
ёмонлик тузатади. Орзу-истакларга овунган – сариқ чақаси қолмаган қашшоқ,  
ўткинчи дунёга овунган – боқий уйдан ғафлатда қолган. Тўғри гапирган нажот  
топади. Ким раҳм қилмаса, унга раҳм қилинмайди.

من يصمت يسلم. من كره الشر عصم. من لم يجد عليك يبره بخل عليك بشره. من كف  
بشره اصنع به ما يسره. من كف عنك ضيره فقد بذل لك خيري. من صفر لونه من النصيحة  
اسود وجهه من الفضيحة.

Жим турган – саломат бўлади. Ёмонликни ёмон кўрган – ёмонликдан  
сақланибди. Яхшилигини сендан қизғанган киши – табассумини сендан

қизганибди. Ёмонлигини сендан тийган кишига, шундай бир иш қилки, хурсанд бўлсин. Кимки сенга зарар етказишдан тийилган экан, у сенга яхшилик килибди. Насихатдан рангги саргайган кишининг, уятдан юзи қораяди.

من فعل ما شاء لقي ما ساء. من بان عجزه زال عزه. من نام عن عدوه نبهته المكايد.  
من نصح قبل أن يستنصح فلا لوم على من اتهم بالخداع. من عنى بكشف ما يستر عنه فلا لوم  
على من اتهمه بخبت الطياع. من افطر كان كمن فرط. من احتفل في علوه استقل في غلوه. من  
تطأطاً لقط رطباً ومن تعالى لقط عطب.

Хоҳлаганини қилган киши, ёмонликка йўлиқади. Ожизлиги юзага чиққан кишининг иззати кетади. Ким душманидан ғафлатда қолса, ҳийлалар уни хушига келтиради. Насихат сўралмасдан олдин насиҳатни бошлаган кишини койимаса ҳам бўлади, худди ёлғонда айбланган кишига маломат ортиқча бўлгани каби. Бекитилган нарсани билишга қизиққан кишини ҳам койимаса бўлади, худди бузук табиатли кишига маломат ортиқча бўлгани каби. Ҳаддан ошган киши гўё сустлик қилаётгандек бўлади. Баланд мартабаси атрофида ўралашиб қолган киши, ҳаддан ошишда довон ошибди. Эгилган – хурмо, гердайган – бало теради.

### روضة رائقية

قال عامر بن المطلب: القلب يخلق كما يخلق الثوب. وقال آخر: لكل شيء طرفان ووسط

وأعدل الأمور أو سلطها وقال محمد بن الحنيفة: من كرمت عليه نفسه هانت عليه الدنيا. وقال

الحكيم: من الجهل صحبة الجهل ومن المحال مجادلة ذوى الحال. وقال آخر: من ضيق أمره فقد

ضيع كل أمر، ومن جهل قدره جهل كل قدر. وفي حكم الهند: ذو المرأة يرتفع بها وتأركها يهبط. والإرتقاء صعب والإختطاط هين كالحجر الثقيل، فان رفعه عسير وحطه يسير.

### Гўзал боғча

Омир ибн Мутриб айтди: “Кийим тўзгани каби қалб ҳам тўзади”. Бошқа бири деди: “Ҳар бир нарсанинг икки томони ва ўртаси бор. Ишларнинг энг адолатлиси унинг ўртачасидир”. Муҳаммад ибн Ҳанафийя айтди: “Ўзини ҳурмат қилган кишига дунё арзимас нарсадир”. Донишманд деди: “Нодонлар билан ҳамсуҳбат бўлиш – нодонлик, куч-қувват эгалари билан тортишиш – натижасиз иш”. Бошқа бири айтди: “Ўз ишини зое қилган – барча ишни зое қилибди, ўз қадрини билмаган бошқалар қадрини не билсин!” Ҳинд ҳикматларидан: “Мурувват эгаси муруввати туфайли кўтарилади, мурувватдан кечган пасаяди. Кўтарилиш қийин, тушиш осон, мисоли, оғир тошни юқори кўтариш қийин, пастга қўйиш енгил бўлгани каби”.

شعر:

بقدر الصعود يكون الهبوط \* \* فإياك والرتب العلية  
وكن في مكان إذا ما سقطت \* \* تقوم ورجلاك في عافية

Шеър (насрий баён): “Тушиш кўтарилиш миқдорича бўлади. Бас, баланд мартабалардан сақлан. Шундай жойда бўлгилки, йиқилсанг, тура бил ва оёқларинг бутун қолсин!”.

احمل رعاية ذوي الحرمات، واقبل على أهل المروءات. فرعاية ذوي الحرمة من الشيمة.  
والإقبال على ذوي المروءة من شرف الهمة. اقتصر من الإخوان على قدر الحاجة ولا تكثر منهم  
لتتکثر بهم. فلن يخلو الإستکثار من تنافر يقع به الخلل أو ارتفاق يضيق به العمل.

Хурматли зотларнинг ҳурматини сақлашни зиммангга ол ва муруват  
ахли томон юр. Ҳурмат эгаларининг ҳурматини жойига қўйиш фазилатдир.  
Муруват эгаларига юзланиш – ҳимматнинг юксаклигидан. Дўст орттиришинг  
эҳтиёжинг даражасида бўлсин, уларнинг сонини кўпайтирма, кўплигидан  
фаҳрланиб юришинг учун. Бундай кўпайиш бир-бировдан қочишни пайдо  
қиласи, оқибат, орада бузуқлик ёки солиҳ амалга йўлни тор қилиб қўядиган  
манфаатпараслик воқе бўлади.

شعر:

عدوك من صديقك مستفاد \*\*\* فلا تستکثرن من الصحاب  
فإن الداء أكثر ما تراه \*\*\* يكون من الطعام أو الشراب  
ودع عنك الكثير فكم كثير \*\*\* يعاف وكم قليل مستطاب  
وما اللحج الملاح بمرويات \*\*\* وتلقى الري في النطف العذاب

Шеър (насрий баён): “Душманинг дўстингдан ҳосил бўлади. Бас,  
дўстларни зинҳор кўпайтирма. Кўраётган дардларингнинг аксари таом ёки  
шароб сабаблидир. Кўп дўст орттиришни тарк эт. Чунки бу “кўп”ларнинг  
қанчаси бор – бездиради, “оз”лардан қанчаси бор – дилни олади. Тўлиб-тошиб  
ётган денгизнинг шўр суви қондирмайди, холбуки, чучук сув томчи бўлса ҳам  
chanqofingni bosadi”.

وقال حكيم: لا تكل إلى غيرك ما يختص ب مباشرتك طلبا للدعة فتعزل عنه نفسك وتوثر به غيرك فتكون من وفائه على غرر وفي أمرك على خطر والبطالة عطلة والعطلة عقلة. والجواب إذا وقف سبقته البراذين.

Донишманд деди: “Бироз тин олиш илинжида бевосита ўзингга тегишли ишни ўзгага топшириб қўйма. Акс ҳолда, ўзингни у ишдан ажратиб қўясан ва ўзингнинг ишингга ўзгани лойикроқ деб топган бўласан. Натижада ўзганинг вафосига алданасан, ишинг хатар остида қолади. Ялқовлик – маҳрумлик, маҳрумлик кишандир. Тўхтаб қолган чопқир отдан, оғир юк ташийдиган отлар ҳам ўзиб кетади”.

والصديق الأصيل أوثق والصاحب القديم أشدق. وتدبير العلاء أفضل. وقال بزجمهر: إن لم يكن الشغل مجده فإن الفراغ مفسدة.

Асл дўст ишончли, эски дўст меҳрли. Оқилларнинг тадбири афзал. Бузружмехр деди: “Бир иш билан банд бўлиш мashaққат эмас экан, демак бекорчилик бузгунчидир”.

شعر:

وليس فراغ القلب مجدًا ورفعة \* \* \* ولكن شغل القلب للمرء رافع  
فذو الهم محمول على كل آلة \* \* وكل قليل الهم في الناس ضائع

Шеър (насрий баён): “Қалбнинг ҳеч нарса билан банд бўлмаслиги на улуғлик, на шараф. Балки унинг нима биландир банд бўлиши кишини юксакка қўтаргувчидир. Ҳимматли киши ҳар қандай воситанинг эгаси, одамларнинг ҳимматсизи зое бўлгувчидир”.

وقال آخر: ما زانك ما اضع زمانك. ولا شأنك ما أصلح شأنك. الأمور إذا انقضت كالكوكب إذا انقضت.

Бошқа бир донишманд деди: “Вақтингни зое қилган нарса сенга зийнат эмас, ишингнинг ислоҳига яраган нарса сенга айб эмас. Ишларнинг тугаши сўнган юлдузга ўхшайди”.

شعر:

أَلْمَ تَعْلَمَا أَنَّ الْمَلَامَةَ نَفْعُهَا \* \* \* قَلِيلٌ إِذَا مَا الشَّيْ وَلَى وَادِبِرَا

Шеър (насрий баён): “Қачонки бир иш орқа ўгириб кетса, маломатнинг фойдаси озлигини билмайсанми?!”

احفظ جناحك لمن علا ووطيء كنفك لمن دنا. وتحاف عن الكبر تملك من القلوب  
مودتها ومن النفوس مساعدتها.

Кўтарилган кишига қанотингни паст тут, яқинлашган кишини пинжингга ол. Кибрдан узоқ турсанг, қалблар муҳаббатини ва одамлар ёрдамини қозонасан.

قيل لحكيم الروم: من أضيق الناس طريقاً. وأقلهم صديقاً. قال: من عاشر الناس بعبوس وجهه واستطال عليهم بنفسه. وآخر: التواضع في الشرف أشرف من الشرف.

Румлик донишманддан: “Одамлар ичida йўли энг тор ва дўсти энг оз ким?” – деб сўрашди. “Одамларга хўмрайиб муомала қиласидиган ва улардан

ўзини баланд тутадиган киши” – деди у. Бошқа бир донишманд айтди: “Юксаклиқда ўзни паст тутиш юксаклиқдан юксакроқдир”.

شعر:

وَلَا تُقْطِعْ أَخَالَكَ عِنْدَ ذَنْبٍ \* \* \* إِنَّ الذَّنْبَ يَغْفِرُهُ الْكَرِيمُ  
وَلَا تَعْجُلْ عَلَى أَحَدٍ بِظُلْمٍ \* \* \* إِنَّ الظُّلْمَ مُرْتَعِهُ وَخَيْمَ  
وَلَا تَعْنِفْ عَلَيْهِ وَكَنْ رَفِيقًا \* \* \* فَقَدْ بِالرَّفْقِ تَلَئَمَ الْكَلُومُ  
وَلَا تَفْحَشْ وَلَوْ مَلِئَتْ غَيْظًا \* \* \* عَلَى أَحَدٍ إِنَّ الْفَحْشَ لَوْمٌ  
وَخَيْرَ الْوَصْلِ مَا دَأَوْمَتْ فِيهِ \* \* \* وَشَرَّ الْوَصْلِ وَصَلَ لَا يَدْوِمُ

Шеър (насрий баён): “Дўстинг гуноҳ қилиб қўйса, уни тарқ этиб кетма. Чунки унинг гуноҳини Карим Зот кечиради. Бирорта кишига зулм қилишга шошма, чунки зулм яйловлари ҳалокатли. Қўполлик ҳам қилма, ҳалим бўл, ахир жароҳатлар ҳам мулойимлик билан битади. Ғазабинг қайнаб тошса ҳам кишига беадаблик қилма, чунки беадаблик маломатдир. Висолнинг яхшиси – мудом васл ичра бўлганинг, висолнинг ёмони – давомсиз қолгани”.

كَنْ شَكُورًا عَلَى النِّعْمَةِ، وَصَبُورًا فِي الشَّدَّةِ. لَا تَبْطُرُكَ السَّرَّاءَ، وَلَا تَدْهِشُكَ الضرَّاءَ. لَتَتَكَافَأْ  
أَحَوالَكَ وَتَعْتَدُلْ خَصَالَكَ. فَتَسْلِمْ مِنْ طَيْشِ النَّظَرِ وَسَكْرَةِ الْبَطْرِ. إِنَّهَا تَنْجِلِي عَنْ نَدْمٍ أَوْ ضَرَرٍ.  
وَفِي أَمْثَالِ الْهَنْدِ: الْعَاقِلُ لَا يَبْطِرُ بَيْتَلَةً أَصَابَهَا وَلَا يَنْزَعِجُ لَنْعَمَةً يَوْدِعُهَا كَالْجَبَلِ الَّذِي لَا  
يَنْزَحِّ وَإِنْ اشْتَدَ الرِّيحُ وَالسَّخِيفُ تَبْطِرُهُ أَدْنَى مَنْزَلَةً كَالْحَشِيشِ الَّذِي يَحْرُكُهُ أَدْنَى رِيحٍ.

Сен неъматларга беҳад шукрли, қийинчиликка ўта сабрли бўл. Бойлик қувончи сени ношукрликка, қашшоқлик ғами сени даҳшатга солиб қўймасин. Аҳволинг ўртамиёна, хислатларинг мўътадил бўлсин. Шундагина сен – бемулоҳаза назардан, ношукр мастиликдан саломат бўласан. Негаки, бу

холатлар ё надомат ё етган заар орқали кўринади. Ҳинд масалларидан бирида айтилишича, оқил ўзи эришган мартабадан ҳайратга тушмайди, қўлдан кетган неъмат учун довдираб қолмайди. У бамисоли, шиддатли бўрону довулларда ҳам қилт этмайдиган тоғдек. Аҳмоқни озгина мартаба ҳам ҳаяжонга солади. У енгил шабада учирган хашакка ўхшайди.

استدم مودة الصديق بالإحسان واستأصل سخيمة عدوك بالإحتراز وداهن من لم يجاهرك  
بالعداوة. قيل لبعض الحكماء: ما الحزم؟ قال: مداجاة الأعداء ومواححة الألفاء. وقال آخر: إذا  
اقنعك الإغصاء من الإختبار فلا تتخذه فإن أكثر الأمور تمشي مع التغافل والإغصاء

Яхшиликлар қилиш билан дўст меҳрининг давомли бўлишини таъминла. Душманинг адватини ундан сақланиш билан суғуриб ташла. Адоватини ичда тутадиган кимсага тилёғламалик қил. Бир донишманндан: “Эҳтиёткорлик нима?” – деб сўралди. “Душманларга хушомадгўйлик ва улфатлар билан дўстлашиш” – деди у. Бошқаси деди: “Қачонки, синаб-текширавериш сенга ёқмаса, бас, у томон юрма, чунки аксар ишлар – билиб туриб, билмаганга олиш ва кўз юмиш билан юришади”.

شعر:

مل عن النمام وازجره فما \*\*\* بلغ المكروه إلا من نقل  
وتعاول عن أمور أنه \*\*\* ليس بحوي الجد إلا من غفل

Шеър (насрий баён): “Чақимчидан юз ўгир ва ундан ўзингни торт. Ёмонлик етмайди, балки етказилади. Ишлардан ўзингни ғофилликка сол, чунки ғафлатда турган кишигини улуғликни касб қиласди”.

من شدد نفر ومن تغاضى تألف. والشرف في التغافل. ولقل ما جوهر المغضي وقطع  
المتغافل. ذكر نفسك بما فيها. فأنت أعلم بمحاسنها ومساويها.

Ким қўпол бўлса, ундан қочишади, айбларни кўрса ҳам кўрмасликка олган киши томон шошишади. Шараф – билиб туриб, ўзни билмасликка олишда. Ўзгалар айбидан кўз юмувчининг – ошкор қилиниши, ўзини ғафлатга солиб юрган одамнинг – дўстлардан узилиб кетиши кам учрайдиган ҳолат. Нафсингга ичидаги бор нарсани эслатиб тур, чунки сен унинг яхшилигу ёмонликларини яхшироқ билгувчисан.

قيل: فيما أنزل الله من الكتب السالفة عجبت لمن قيل فيه الخير وليس فيه كيف يفرح.  
وعجبت لمن قيل فيه الشر وهو فيه كيف يغضب. وقال حكيم: فوض مدخلك إلى  
أفعالك فإنها تمدخلك بصدق إن أحسنت وتذمك بحق إن أساءت.

Аллоҳ таоло нозил қилган ўтган китобларда айтилган: “Бир кишига “сенда яхшилик бор”, дейилса, ҳолбуки, ўша яхшилик унда бўлмаса ҳам, бундан унинг қандай хурсанд бўлаётганига ажабланаман! “Бир кишига “сенда ёмонлик бор”, дейилса ва ўша ёмонлик унда бўлса, бундан унинг қандай ғазабланаётганига ажабланаман!” Донишманд деди: “Сенга айтилган мақтовни қилган ишларингга топшир. Чунки, қилганинг яхши бўлса, қилмишинг сени чиндан мақтайди, агар ёмон бўлса, ҳақиқатан қоралайди”.

شعر:

إِذَا هَبَتْ رِيَاحُكَ فَاغْتَنَمَهَا \* \* \* إِنْ لَكُلَّ خَافِقَةٍ سَكُونٌ  
وَلَا تَغْفَلْ عَنِ الْإِحْسَانِ فِيهَا \* \* \* فَمَا تَدْرِي السَّكُونُ مَتَى يَكُونُ

Шеър (насрий баён): “Шамолинг эсаётган экан, уни ғанимат бил. Чунки ҳар бир ҳаракатланувчининг тўхташи бор, айни пайтда яхшилик қилишдан тоғифил қолма, ахир тўхташ қачон содир бўлишини билмайсан”.

لا تفرح بالعلو ولا تشمت بالذلة. فإن مع السفاهة الندامة والترك راحة. ما دل على الأحوال كالأقوال ما هتك قناع العقول كالمقول. من لم تعرفك غائباً أذناه لم تعرفك حاضراً عيناه.

Мартаба баландлигидан қувонма, бироннинг хорлигидан суюнма. Чунки пушаймонлик – аҳмоқлик билан бирга, аҳмоқликни тарқ этиш эса роҳатдир. Ҳолатларга далолат қиласиган нарса худди сўзлар каби, ақллар пардасини йиртадиган нарса айтилган гап мисоли. Кимнингки қулоқлари сени йўғингда танимаган экан, унинг қўзлари ҳозир бўлган пайтингда ҳам сени танимайди.

من طلب شيئاً وجده وإن لم يجده يوشك أن يقع قريباً منه. صرفك النظر إلى عدوك أضاعه. وأصغاؤك السمع إلى حديثه ضياعه. إذا أمكنت عدوك من أذنك فقد تعرضت للغرق ببحره والحصول في ومق سحره. عجبًا ملن يصغى إلى عدوه سمعاً وهو لا يرجو عنده نفعاً. إذا عجزت عن التحصن من كلام العدو فأنت عن التحصن من كيده أعجز.

Излаган топади, гарчи топмаса ҳам излагани томон яқинлашган бўлади. Душманингга назарингни буришинг – назарни зое қилиш, унга қулоқ тутишинг тинглашни зое қилишдир. Душманинг гапириб, сен уни тинглашга имкон бериб қўйсанг, демак, душман денгизига ғарқ бўлиш ва унинг мулојим сехрига асир бўлишга ўзингни рўбарў қилибсан. Бирор фойдани умид қилмаса-да, душманига қулоқ тутадиган кишига таажжуб! Қачонки, душманинг сўзларидан ҳимояланишга ожиз экансан, унинг макридан ҳимояланишга янада ожизроқсан.

وقال حكيم: عدوك ضدك وحكم الصدرين التباعد والتدارب لا تطا أرضا وطعها عدوك إلا على حذر واحتراس. ولا يغرنك خروجه منها وبعده عنها فربما رتب لك فيما شباكا ونصب لك فيما اشراكا. لا تغض عدوك إلا متسلحا متحفظا ولا يغرنك منه القاء السلاح فما كل سلاح يدرك بالبصر من تعرض لما لا يعنيه تورط فيما يعنيه وسمع مالا يرضيه.

Донишманд айтди: “Душманинг сенинг зиддингдир. Ўзаро зид икки нарсанинг ҳукми – бири иккинчисидан узоклашиш ва тадбирли иш кўриш. Душманинг ўтган ерга эҳтиёткор бўлиб, огоҳлик билан қадам бос. У ердан чиққанинг, бироз узоклашганинг сени алдаб қўймасин. Кўпинча айнан ўша ерларда сен учун тўрлар тўқилган, тузоқлар тикиб қўйилган бўлади. Душманинг олдига қуролланган, ҳимояланган ҳолда бор, унинг қуролини ташлаши сени алдаб қўймасин. Ҳар бир қурол-яроғ кўз билан идрок қилинавермайди. Ким кераксиз ишларга ўзини урса, кераклик ишларда кийинчиликларга йўлиқади ва ўзи хоҳламаган сўзларни эшитади”.

شعر:

قد شاب رأسي ورأس الحرص لم يشب إن الحريص على الدنيا لفي تعب	قد يرزق المرء لم تتعب رواحله ويحرم الرزق من قد جد في الطلب
قد كان ملآن باللذات والطرب قد وحقك يأتي الرزق بالنصب	بإله ربک کم بیت مررت به فازجر فؤادك عن حرص وعن نصب
الرزق اروع شيء عن ذوي الأدب وكن على قدر ما عاينت من زمن	

Шеър (насрий баён): “Сочим оқарди-ю, аммо ҳирснинг сочи оқармади. Дунёга ҳирс қўйган одам албатта мاشаққатда. Гоҳо от-уловини чарчатмаганга

ҳам ризқ берилади, гоҳо ризқ талабида қаттиқ ҳаракат қылғанлар ризқдан маҳрум қилинади. Сенинг ҳам Раббинг бўлган Аллоҳга қасам, қанча уйлар ёнидан ўтдим, лаззатлар ва қувонга тўла! Бас, қалбингни хирс ва мاشаққатлардан тий. Ҳаққингга қасамки, ризқнинг келишига мешаққат сабаб эмас. **Умр давомида кўрган-билғанларингдан ибрат олиб, шу ўлчовда бўл.** Ризқ кўпинча одоб эгаларидан юз ўгирувчироқ бўлади”.

شهوة العاقل من وراء فكرته وفكرة الأحمق من وراء شهوة. عدو عاقل أسهل من صديق جاهم. العديم من احتاج إلى لثيم. أصل الدهاء حسن اللقاء.

Оқилнинг истаги фикридан сўнг, аҳмоқнинг фикри истагидан сўнг келади. Оқил душман билан муроса қилиш жоҳил дўст билан муроса қилишдан осонроқ. Пасткашга муҳтож бўлган киши ҳақиқий йўқсилдир. Юзма-юз бўлгандаги хушмуомала айёрликнинг аслидир.

شعر:

أَسْقَهُمُ النَّذْلُ إِنْ ظَفَرْتُ بِهِمْ  
وَامْزِجْ لَهُمْ مِنْ لِسَانِكَ الْعَسْلَا

Шеър (насрий баён): “(Душман) устидан зафар қучсанг, уларни хорлик билан суғор. (Аммо бундан олдин) тилингга асал аралаштири”.

كمون العداوة في الفؤاد ككمون الجمرة تحت الرماد. كتمان السر يورث السلامة. وإفشاءوه  
يورث الندامه.

Қалбдаги яширин адоват қул остига яширин чўғга ўхшайди. Сирни яшириш саломатликни, уни ошкор қилиш надоматни юзага чиқаради.

شعر:

ك فإن لكل نصيحة نصيحا  
ولا تفشن سرك إلا إلى

Шеър (насрий баён): “Ўзингдан ўзгага сирни ошкор қилма, чунки ҳар насиҳатчининг бир насиҳатгўйи бор”.

احفظ ما في الوعاء بشد الوكاء. من ختم البضاعة أمن الإضاعة. من غره السراب أخطأه الصواب. لا تأمن الحقوقد وان حمد شره. واحذر العدو وإن دق خطره. ضمائر الجنان في فلتات اللسان.

Идишдаги нарсани оғзини боғлаб сақла. Ким молини муҳрлаб қўйса, уни йўқотиш хавфидан омон бўлади. Саробга алданган кишини тўғрилик адаштиради. Гарчи ёмонлиги сўнган бўлса ҳам, ичиқора кимсадан хотиржам бўлма. Душмандан эҳтиёт бўл, гарчи унинг хатари кичкина бўлса ҳам. Қалбнинг яширганлари – тилнинг тойилишларида.

شعر:

في وجهه شاهد من الخبر  
لا تسأل المرأة عن ضمائره

Шеър (насрий баён): “Кишидан унинг ичидаги нарсани сўрама, унинг юзида сен истаган хабарга гувоҳ бор”.

ما كل فرصة تناول ولا عشرة تقال. ما خاب من استخار ولا ندم من استشار

Ҳар фурсатда (мақсадга) етилавермайди, ҳар қоқилишда дам олинавермайди. Истиҳора иккиланиб қолган одам таҳорат қилиб икки ракат намоз ўқиб кейин ўша дуосини ўқиб ётади. Икки ишдан хайрлисини сўраган одамда ноумидлик, маслаҳатлашган одамда пушаймонлик йўқ.

شعر:

رب أمر يسوء ثم يسر و كذلك الزمان حلو ومر  
وكذاك الخطوب تعثر بالنا س فخطب يأتي وخطب يفر

Шеър (насрий баён): “Кўп ишлар ёмонлик келтиради, кейин эса суюнтиради. Шунга ўхшаб замон ҳам бир ширин, бир аччиқ. Шунингдек, фалокатлар инсонга қоқилиб кетади, бир мусибат келади, бир мучибат кетади”.

إذا ظهر الغدر فقد حسن الحجر. إذا بلغتك الشمس فتحول وإذا كبابك منزل فتبدل.

Хиёнат зоҳир бўлса, энг чиройли чора хиёнаткордан ажралишdir. Агар сенга қуёш нури тушса, ўгирилиб ол, агар бир жойда қоқилсанг, бошқа жойдан юр.

شعر:

لَكَ يقال عزيز النفس مصطبر  
إِلَى الديار التي يهمي بها المطر  
عَن النبات كأرض حفها الشجر  
بَلْت يداك به فليكفك الظفر  
فَان قبلك موسى رده الخضر  
وَتستقر باقصى قعره الدرر  
وَلَيُس يكشف إِلَّا الشمس والقمر

لَا تَقْعُدْنَ عَلَى ذَلِ وَمَسْغَبَة  
رَحْلَ قَلْوَصَكَ عَنْ أَرْضِ تَهَانَ بَهَا  
وَانْظَرْ بَعْينَكَ هَلْ أَرْضَ مَعْتَلَة  
وَاسْتَنْزَلَ الْرِّيْ من دَارِ السَّحَابِ فَان  
وَإِنْ رَدَدْتَ فَمَا فِي الرَّدِ مَنْقَصَة  
أَمَا تَرَى الْبَحْرُ تَعْلُو فَوْقَهُ جَيْف  
وَفِي السَّمَاءِ نَجُومٌ لَا عَدَادَ لَهَا

Шеър (насрий баён): “Хурматталаб ва сабрли деган номни олиш учун хорлик ва очликда ўтириб қолма. Туяңгни қақшаган ердан ёмғирлар ювадиган диёрларга кўчир ва назар сол: ўт-ўланлардан холи, ташландиқ ер дараҳтлар билан ўралган ерга teng бўлурми?! Булутлардан чанқоғингни қондиришни сўра, агар шундан қўлингга нам етса, мана шу сенга зафар учун кифоя. Агар рад қилинсанг, бунда ҳеч қандай нуқсон йўқ. Чунки сендан илгари Мусо алайҳиссаломни Хизр ҳам рад қилган. Кўрмайсанми, денгиз устида ўлимтиклар сузиг юрибди, унинг тубида эса дурлар яширин. Осмонда сонсиз юлдузлар бор, улар қуёш билан ойдан фарқли равишда ҳеч қачон тутилмайди”.

من أَبْرَمَ الْأَمْرَ بِلَا تَدِيرٍ صِيرَهُ الدَّهْرَ إِلَى تَدْمِيرٍ. مَنْ كَتَمَ سَرَهُ عَنْكَ فَقَدْ اتَّهَمَكَ.  
وَمَنْ صَافَ عَدُوكَ فَقَدْ عَدَكَ. وَمَنْ عَادَى عَدُوكَ فَقَدْ وَالَّكَ.

Ким бир ишга тадбирсиз киришса, замон у ишни вайроналикка элтади. Ким сендан сирини яширса, демак унинг сендан шубҳаси бор. Ким душманингга дўстлик қилса, сенга душманчилик қилибди. Ким душманингга душманлик қилса, сенга дўстлик қилибди.

شعر:

فقد صافك ما حام الحمام	إذا صاف صديقك من تصاف
فقد عداك وانقطع الكلام	وإن صاف صديقك من تعادى

Шеър (насрий баён): “Агар дўстинг сенга дўст бўлган одам билан дўстлашса, демак у ўлим хабари етгунча сен билан дўстлик қилибди. Агар дўстинг сен душманликка борган одам билан дўстлик қилса, демак у сенга душманлик қилибди, энди ундан алоқани уз”.

من أقبل بحديثه على غيرك فقد طردك. ومن شكى لك سوءاً فقد سألك. ومن مدحك بما ليس فيك وهو راض عنك فقد ذمك بما ليس فيك وهو ساخط عليك. من كف لسانه عن الملام كفت عنه السنة الأنام.

Ким гапираётиб, сендан бошқага юзланса, демак у сени тарк этибди. Ким сенга бир ёмон ҳолатдан шикоят қилса, ниманидир сендан сўрабди. Сендан рози ҳолда ўзингда йўқ нарсалар билан сени мақтаётган кимса, аслида, сендан ғазабнок ҳолда ўзингда йўқ айблар билан сени қоралабди. Ким тилини маломат килишдан тийса, одамларнинг тили ундан тийилади.

شعر:

ذموه بالحق والباطل	ومن يذم الناس في فعلهم
--------------------	------------------------

Шеър (насрий баён): “Ким одамларни, уларнинг феъли сабаб, қораласа, одамлар уни хоҳ ҳақ, хоҳ ноҳақ айблайверади”.

القرابة تحتاج للمودة والمودة لا تحتاج لقرابة. القريب من قربته الحبة وإن بعد نسبة والبعيد من أبعدته البغضاء وإن قرب نسبة. الأشكال أقارب وإن تباعدت منهم المناسب.

Қардошлик дўстликка муҳтож, дўстлик қардошликка муҳтож эмас. Ҳақиқий яқин киши муҳаббат уни яқинлаштирган одамдир, гарчи насиби узоқ бўлса-да, ҳақиқий узоқ киши нафрат уни йироқлаштирган кимсадир, гарчи насиби яқин бўлса-да! Феъли, хулқи ўхшаш кишилар, гарчи насиби бирбиридан узоқ бўлса ҳам, ўзаро яқин инсонлардир.

شعر:

وَمَا غَرِيْةٌ فِي شَقَّةِ النُّوْىِ  
وَلَكُنْهَا وَاللَّهُ مِنْ عَدَمِ الشَّكْلِ

Шеър (насрий баён): “Ғариблик бир-бировдан узоқликда эмас, балки ғариблик, Аллоҳга қасамки, ўзаро ўхшашликнинг йўқлигидадир”.

لَا تَحاجَجْ مِنْ يَذْهَلُكَ خَوْفَهُ وَيَتَلَفَّكَ سِيفَهُ. فَرَبْ حَجَةُ تَأْتِي عَلَى مُهْجَةٍ وَفَرَصَةٍ تَؤْدِي إِلَى  
غَصَّةٍ. إِيَّاكَ وَاللَّجَاجَ فَإِنَّهُ يَوْغُرُ الْقُلُوبَ وَيَنْتَجُ الْحَرُوبَ. لَا تَثْقِلْ بِالْأَرْضِ فَإِنَّهَا ظَلٌّ زَائِلٌ. وَلَا تَعْتَمِدْ  
عَلَى النِّعَمَةِ فَإِنَّهَا ضَيْفٌ رَاحِلٌ.

Хавфи довдиратадиган ва қиличи ҳалок қиладиган одам билан ҳужжат талашма. Баъзи далиллар жонга етади, баъзи фурсатлар ғуссага етаклайди. Саркашлиқдан сақлан, чунки у қалбларни нафрат билан тўлдиради, урушларни

келтириб чиқаради. Келган давлатга ишонма, чунки у кетувчи соя, келган неъматга ҳам суюниб қолма, чунки у кетувчи меҳмондир.

شعر:

فالدھر يقعد للإنسان بالرصد  
لا تأمن الدهر مُساه وَمُصيّحه

Шеър (насрий баён): “На кечаси, на кундузи замондан хотиржам бўлма. Негаки, замон инсон учун мудом пистирмада ўтиради”.

قليل يغنى خير من كثير يطغى.

Хожатни чиқарадиган оз, туғёнга соладиган кўпдан яхшироқдир.

شعر:

<p>أن الذي هو رزقي سوف يأتيني ولو قعدت أتأني لا يعييني لا بد لا بد أن يحتازه دوني وبلغة من قليل العيش تكفيوني ولا يصان به عرضي ولا ديني وأكثر الصمت عما ليس يعنيني وكم غني فقير النفس مسكون ان انتواكه عنى سوف يطوييني ولا ألين لمن لا يتغير ليبني</p>	<p>لقد علمت وما الإسراف من خلقي أسعى إليه فيعييني تطلبه وحظ غيري أمر سوف يدركه لا خير في طبع يدني إلى طمع لا أركب الأمر تزري بي عواقبه أقوم بالأمر إذا ما كان من أرببي كم من فقير غنى النفس تعرفه وكم صديق طوى كشحا فقلت له لا أبتغي وصل من لا يتغيري صلي</p>
--	---

Шеър (насрий баён): “Ризқим яқинда олдимга келишини аниқ билдим, ҳолбуки, ҳаддан ошиш менинг хулқимга ёт. Ризқ томон юрсам, бас уни излаш

мени чарчатади. Агар тинч ўтирсам, у мени қийнамаган ҳолда мен томон келади. Ўзганинг ризқи шундай ҳолатдаки, эгаси унга тезда етади. Бас, ризқини менсиз қўлга киритмоғи унга лозим бўлади. Тамаъга яқинлаштириб қўядиган табиатда ҳеч қандай яхшилик йўқ. Яашашга кифоя қиладиган нарса менга етарли. Оқибати мени ерга урадиган, ҳурматим ва динимни ҳимоясиз ҳолга келтирадиган ишни қилмайман. Ҳожатим тушган ишни қиласман, аммо менга кераксиз ишларда жим туришни кўпайтираман. Қанча ўзи қашшоқ бўлса-да, қалби бой зотларни танийсан! Қанча ўзи бой бўлса-да, қалби қашшоқ мискинларни биласан! Дўстларнинг қанчаси менга орқа ўгириб кетган! Улардан бирига дедим: менга терс ўгирилганинг яқинда мени ҳам сендан юз ўгиритириб қўяди. Мен билан боғланишни хоҳламаган одамни мен ҳам хоҳламайман. Мулоимлигимни истамаган кишига мулоим бўлолмайман.”

من لم يكن له من عقله زاجرا لم تزجره الزواجر. من سالم الناس سلم ومن قدم الخير غنم.

Ёмон ишдан тўхтатишда ақлга teng келадигани йўқ. Агар кишида шундай тўхтатувчи бўлмаса, бошқа тўхтатувчилардан фойда йўқ. Одамларга келишув билан муомала қилган – мудом саломат, яхшиликни олдиндан қилган – ўлжага эга бўлган кишидир.

شعر: الخير أبقى وإن طال الزمان به والشر أحيث ما أوعيت من زاد

Шеър (насрий баён): “Яхшилик ўлмас, қанча замонлар ўтса ҳам, ёмонлик – тўплаган нарсангнинг энг жирканчидир”.

ما عز من ذل حيرانه ولا سعد من شقي إخوانه. الموسأة أفضل والمداراة أكمل. خل من  
قل خيره لك في الناس غيره. آفة التدبير إضاعة الحزم وآفة العقل استضعف الخصم.  
آفة المنعم قبح المن. آفة المذنب حسن الظن. الحزم أشد الآراء والغفلة أضر الأعداء.

Қўшнилари хор киши азиз эмас, дўстлари бадбаҳт киши баҳтли эмас. Ҳамдардликда фазл, ҳалимликда комиллик бор. **Холи қўй...** Эҳтиёткорликни йўқотиш – тадбирнинг оғати, душманни заиф санаш – ақлнинг оғати, қўпол миннат – мурувват қилувчининг оғати, яхши гумон гуноҳкорнинг оғатидир. Фикр-қарашларнинг энг кучлиси – мулоҳазакорлик, энг заарли душман ғафлатдир.

من قعد عن حيلته أضعفته الشدائـد. ومن نام عن عدوه أيقـظـته المـكـائـدـ. الغـرـةـ ثـمـرـةـ الـجـهـلـ  
والـتجـربـةـ مـرـأـةـ الـعـقـلـ. من استـرـشـدـ غـوـيـاـ ضـلـ وـمـنـ اـسـتـنـجـدـ ضـعـيفـاـ ذـلـ. من نـامـ عن نـصـرـةـ وـلـيـهـ  
انتـبـتـهـ بـوـطـئـةـ عـدـوـهـ. ومن دـامـ كـسـلـهـ خـابـ أـمـلـهـ. المـتـنـدـ مـصـيـبـ وـإـنـ هـلـكـ. وـالـعـجـولـ مـخـطـئـ وـإـنـ  
مـلـكـ.

Ким хийла ишлатишдан тўхтаса, қийинчиликлар уни заифлаширади. Ким душманидан ғафлатда қолса, макр ҳийлалар уни уйғотади. Мағурурлик жаҳл меваси, тажриба ақл ойнасидир. Адашгандан йўл сўраган – адашади, ожиздан ёрдам сўраган – хор бўлади. Дўстининг ёрдамидан ғафлатда қолган душманининг топташидан ўзига келади. Дангасалиги узоқ давом этадиган кишининг умиди пучга чиқади. Шошмаган киши мақсадга етгувчидир, гарчи ҳалок бўлса ҳам, шошқалоқ кимса хато қилгувчидир, гарчи кўп нарсага эга бўлса ҳам.

شعر:

لتـعـرـفـ الرـشـدـ مـنـ الـغـيـ	تـأـنـ فـيـ الشـيـءـ إـذـاـ رـُمـتـهـ
فـالـنـارـ تـوـقـدـ لـلـكـيـ	لـاـ تـتـبـعـنـ كـلـ دـخـانـ تـرـىـ
يـدـلـكـ الشـيـءـ عـلـىـ الشـيـءـ	وـقـسـ عـلـىـ الشـيـءـ بـأـشـكـالـهـ

Шеър (насрий баён): “Бир ишга қасд қилган экансан, шошма, тўғрини нотўғридан фарқлаб ол. Кўрганинг ҳар тутунга эргашиб кетаверма, ахир олов куйдириш учун ёқилади. Ҳар бир нарсага ўзининг ўхшашидан киёс ол. Агар билсанг, нарса нарсага ишорат этади”.

الحزم صناعة والتوكيل بضاعة. من أمارات الخذلان معادات الإخوان. من علامات الإقبال  
اصطناع الرجال.

Эҳтиёткорлик – касб, таваккул – мол. Ака-укалар хусумати –  
ночорликнинг белгиси, кишиларга яхшилик қилиш – баҳтиёрлик аломати.

شعر:

وَأَنْ تَهِيبَ الَّذِي لَا يَهابُ	مِنْ الْحَزْمِ إِنْ تَكُونُ الْأَرْذلِينَ
لِتَلْقَى الْمَنْيَةَ إِلَّا الْكَلَابُ	فَمَا أَخْرَجَ الْأَسْدَ مِنْ غَابِهَا

Шеър (насрий баён): “Пастларнинг пасти бўлишинг, қўрқилмаса ҳам бўладиганлардан қўрқишинг айни эҳтиёткорлиқдир. Шерларни ўрнидан қўзғаб, ўрмондан ташқарига чиқарадиган, ўлимга рўбарў қиласидиган махлук ҳам фақат итлардир”.

من كثرت مخافته قلت آفته. إقبال الدولة في احكام الحيلة. تحرع الغصة تظفر بالفرصة.  
استفساد الصديق من عدم التوفيق. الرفق مفتاح الرزق. فضيلة السلطان عمارة البلدان.

Кўрқинчи кўпнинг офати оз. Давлатнинг юзланиши пухта хийлада.  
Ғуссани ютасан, фурсатни қўлга киритасан. Дўстни айнитишга интилиш

тавфиқнинг йўқлигидандир. Мулойимлик – ризқ калити. Султоннинг фазилатли бўлиши – юртнинг обод бўлиши.

من قلت فكرته كثرت عثرته. من اشتحف بوليه خف على عدوه. من استuan بالرأي ملك من كابد الأهوال هلك. من أعمل الرفق غنم ومن سلك العنف ندم.

Фикрлаши камнинг тойилиши кўп. Дўст қадрини билмаган душманига ёрдам берибди. Фикрдан ёрдам сўраган хоҳлаганига эга бўлади, даҳшатларни бошдан кечирган ҳалок бўлади. Ким мулойимликни қўллади – ўлжани олди, қўполликка ўтган – пушаймон қолди.

من اقتحم اللجة اتلف المهجة. من قلت تجربته خدع ومن قلت مبالاته صرع. من قصرت عن السياسة صغرت عن الرئاسة. من استuan بذوي الألباب سلك سبيل الصواب. لا تشق بالصديق قبل الخبرة ولا توقع بالعدو قبل تمام القدرة.

Уммонга ўзини отган – жонини қурбон қилибди. Тажрибаси кам алданади, эътибори кам мағлуб қилинади. Бошқарувда чала киши бошлиқ бўлишга ёшлиқ қиласди. Ким ақл эгаларига мурожаат этибди, тўғри йўлга қадам урибди. Дўстга синамасдан ишонма, душманга тўла куч-қудратга эга бўлмасдан ташланма.

شعر:

فأول طالع فرج كذوب  
ولا تفرح بأول ما تراه

Шеър (насрий баён): “Биринчи кўрган нарсангга қувонма. Чунки субҳи козиб – ёлғон тонг ҳам аввал чиқади”.

مکروه تحلو ثمرته خیر من محبوب تمر غبته. لا تجف أحدا يسويك فراقه ولا تخل عقدا يعنيك  
إيشاقه ولا تفتح بابا يعييك سده ولا ترم سهما يعجزك رده ولا تفسد أمرا يغبنك إصلاحه ولا  
تغلق بابا يعجزك افتتاحه.

Кўриниши хунук бўлса ҳам, меваси ширин нарса – кўриниши гўзал-у  
охири аччик нарсадан яхшироқдир. Ундан ажраш сени ғамга соладиган кишига  
жафо қилма, боғлаш сени қийнайдиган тугунни ечма, ёпиш сенга айб  
саналадиган эшикни очма, қайтаришга кучинг етмайдиган ўқни отма, тузатиш  
мартабангни туширадиган ишни бузма, очиш сени ташвишга соладиган эшикни  
ёпма.

شعر:

إذا لم تستطع شيئاً فدعه  
وجاوزه إلى ما تستطيع

Шеър (насрий баён): “Қачонки бир ишга кучинг етмаса, уни холи қўй ва  
тоқатинг етадиганига ўтиб кет”.

انقياد الأخيار بحسن الرغبة وانقياد الأشرار بذكر الرهبة. فائز الأخيار يصيب نعمتك  
واحصد الأشرار بسيف نقمتك.

Яхшиларга эргашиш – чиройли хоҳиш-истак билан, ёмонларга эргашиш  
– қўрқинчу даҳшатни эсга олиш билан бўлади. Яхшиликларни сенга берилган  
неъмат ёмғирлари билан эк, ёмонликларни нафратинг қиличи билан ўр.

شعر:

فوضع الندى في موضع السيف بالعدا  
مضى كوضع السيف في موضع الندى

Шеър (насрий баён): “Хусумат сабаб саховатни қиличнинг ўрнига қўйиш – қилични саховат ўрнига қўйишдек заарли”.

من استرشد العاقل فيما يأته واستشار العالم فيما ينويه. وضحت له الأمور وصلاح به الجمهور واستثار منه القلب وسهل عليه الصعب لأن تسأل وتسلم خير من أن تستبد وتندم.

Кимки ўз ишларида оқилдан йўл-йўриқ сўраса, ният қилган ишларида олимдан маслаҳат олса, ишлар унинг учун равshan тортади, ҳамма нарса унга муносиб бўлади, қалб ундан нурланади, оғирликлар енгил кечади. Сўраб саломат бўлишинг – ўзбошимчалик қилиб, пушаймон бўлишингдан яхшироқдир.

### روضة رائقه Гўзал боғча

حکی، أن رجلاً أتى إلى بعض الحکماء فشكى إليه صديقه وعزم على قطعه والانتقام منه، فقال له الحکيم: أتفهم ما أقول لك فأكلمك أو يكيفيك ما عندك من فورة الغضب التي تشغلك عني؟ فقال: إني لما تقول لوع. قال: أسرورك بموته كان أطول أم غمك بذنبه؟ قال: بل سروري. قال: فحسناهه عندك أكثره أم سيئاته؟ قال: حسناته. قال: فاصفح بصالح أيامك معه عن ذنبه وهب لسرورك به جرمك واطرح مؤنة الغضب والانتقام للود الذي بينكمما في سالف الأيام ولعلك لا تنال ما أملت. فتطول مصاحبة الغضب ويؤل أمرك إلى ما تكره.

Ҳикоя қилинишича, бир киши донишманд ҳузурига келиб, дўстидан шикоят қилди ва у билан алоқани узишга, ундан ўч олишга қасд этганини билдириди. Шунда донишманд ундан:

- Ҳозир сенга айтадиганларимни фаҳмлармикансан, тушунсанг айтаман ёки ичингда ёниб турган, сени мендан узоқлаштирадиган ғазаб шиддати сенга кифоя қиласдими?! – сўради.
- Албатта айтганларингга риоя қиласман, – деди у.
- Дўстингнинг меҳр-муҳаббати туфайли топган қувончинг узокроқ давом этганми ё гуноҳи сабабли етган хафагарчиликми?
- Меҳр-муҳаббати туфайли кўрган қувончим, – деди у.
- Унинг сенга қилган яхшиликлари кўп бўлганми ё ёмонликлари?
- Яхшиликлари кўп бўлган.
- У ҳолда, дўстинг билан ўтказган яхши кунларинг ҳаққи, гуноҳини кечир, у туфайли топган қувончинг баробарига хатосидан ўт, ўтган кунлар мобайнида орангизни боғлаган дўстлик учун ғазаб ва интиқом оловини ўчир.

Акс ҳолда, ўйлаганингга етолмайсан, ғазабга ошночилигинг чўзилиб кетади, ишинг ўзингга ёқмаган оқибатга элтади, – деди донишманд.

شعر:

سماحة النفس وترك اللجاج	من يصحب الإخوان فليلترم
أي طريق ليس فيه اعواجاج	ويستر المعوج من أمرهم

Шеър (насрий баён): “Кимки дўстлар билан ҳамсуҳбат бўлар экан, қалб саховатини ва қайсарликдан кечишини, улардан содир бўлган эгриликларни ёпишни ўзига лозим тутсин. Ахир, эгри бўлмаган йўл борми ўзи?!”

وقال حكيم: من نصحك حسن إليك ومن وعظك أشفق عليك. من تقمعه بسياستك  
اطمعته في رياستك. عد أضعف أعدائك قويا واجبن اندادك جريا.

Донишманд деди: “Сенга насиҳат қилган – сенга эҳсон қилибди, сенга ваъз қилган – сенга меҳрибонлик қилибди. Кимниги ўз сиёсатинг билан ўчириб қўймаган бўлсанг, то бошлиқ экансан, у сендан умидвор бўлади. Душманларингнинг энг заифини ҳам кучли бил, сен билан даражада баробарларнинг энг кўрқофини ҳам журъатли санагин”.

شعر:

لَا تَحْقِرُنَّ عَدُوَّا فِي مُخَاصِمَةٍ  
وَلَوْ يَكُونُ ضَعِيفٌ الْبَطْشُ وَالْجَلْدُ  
فَلَلْبَعْوُضَةُ فِي الْحَرْجِ الْمُدِيدِ يَدُ  
تَنَالُ مَا قَصَرَتْ عَنْهُ يَدُ الْأَسْدِ

Шеър (насрий баён): “Гарчи тортишувда душманнинг қуввати ва қатъияти заиф бўлса-да, уни кичик санама. Чунки узоқ чўзилган жароҳатга чивиннинг қўли етади-ю, шернинг қўли етмайди”.

مِنْ آثَرِ اللَّهِ وَهُوَ ضَاعِتُ رَعِيَتِهِ وَمِنْ لَازِمِ الشَّرِ فَسَدَتْ رَوِيَتِهِ لَا يَكُونُنَّ عَفْوُكَ سَبِيلًا لِلْجَرَاءَةِ  
عَلَيْكَ وَالْوَصْولُ بِالْمَسَاءَ إِلَيْكَ فَإِنَّ النَّاسَ رِجَالًا عَاقِلًا يَكْتُفِي بِالْقَوْلِ وَالْتَّائِنِيَّثُ وَجَاهِلٌ يَحْتَاجُ  
لِلتَّأْدِيبِ.

Ким бекорчи ишни танласа, қўл остидагилар зое бўлибди, ким ёмонликни тутса, кўриниши бузилибди. Кечиришинг сенга қарши журъатга ва сенга ёмонлик етказишга сабаб бўлмасин. Чунки одамлар икки хил бўлади: сўз ва мулойимлик кифоя қиласиган оқил ва адаб бериб қўйишга муҳтож жоҳил.

شعر:

البعضُ يَضْرِبُ بِالْعَصَمِ  
وَالبعضُ يَكْتُفِي بِالْإِشَارَةِ

Шеър (нарий баён): “Баъзи бирорларни асо билан урилади, баъзи бирорга ишора кифоя”.

عامل کلا بما يليق وخل الطريق من لا يفيق. إياك والنظرة فإنها تنتج الحسرة. طوبى لمن كان بصره في قلبه. والويل لمن كان قلبه في بصره. أفضل العمل أداء الفرض وأقرب الدعاء للإجابة دعاء الملهوف لمن أغاثه. أفضل العطاء ما خلا عن المن والأذى.

Сен ҳаммага ўзига лойик муомала қил ва ақл-хушини йўқотган кишининг йўлини холи қўй. Қарашдан сақлан, чунки у ҳасрат келтиради. Кўзи қалбида бўлган инсонга жаннат бўлсин! Қалби кўзида бўлган кимсага дўзах бўлсин! Амалнинг афзали – фарзни адо қилиш, дуонинг тез ижобат бўладигани – фалокатда қолган одамнинг ўзига ёрдам берган киши ҳаққига қилган дуоси. Эҳсоннинг афзали – миннату азиятдан холи бўлгани.

شعر:

من المكارم كي ينمو لك الثمر	إذا غرست جميلا فاسقه غدقا
من عادة المن أن يؤذي به الشجر	ولا تسنه من أنهم ذكروا

Шеър (насрий баён): “Эккан яхшилигинг вояга етиб ҳосилга кириши учун уни чиройли хулқлардан иборат мўл-кўл сув билан суғор, зинҳор миннат сувига бўқтирма. Ахир, айтишади-ку, ўсимлик ширасининг одати – дарахтга озор етказиш”.

أفضل القول كلمة الحق عند من تخافه. أعقل الناس من عمل بطاعة ودل عليها غيره. أجهل الناس من باع آخرته بدنياه. أحمق الناس من باع دينه بدنيا غيره. من سكر من الدنيا أفق في عسكر الموتى. الصيام منع الفكر من الآثام لا منع البطن من الطعام.

Сўзнинг энг афзали – ўзинг қўрқадиган одам олдида айтилган ҳақ сўз. Инсонларнинг оқили – ўзи тоат-ибодат қилиб, ўзгаларни ҳам шунга бошлайдиган киши. Энг нодон кимса – дунёсини деб охиратини сотган кимса. Энг аҳмоқ киши – динини бошқаларнинг дунёси учун сотган киши. Дунёдан маст киши ўлим лашкари олдида хушига келади. Рўза қоринни таомдан тўсиш эмас, балки фикрни гуноҳлардан тўсишдир.

ضعف البصر لا يضر مع نور البصيرة. كثرة النوم تجلب الدمار و تسلب الأعمار. للعاقل فضيلتان عقل يستفيد ونطق يفيد. من لان عوده أثمرت أغصانه ومن حسن خلقه كثرت إخوانه.

Қалбда нур бўлса, кўзнинг хирагидан зарап йўқ. Кўп уйқу ҳалокатни келтиради ва умрларни емиради. Оқил кишида иккита фазилат бор: фойдани илғайдиган ақл ва фойда келтирадиган тил. Кимнинг танаси мулойим бўлса, шохлари мева тугади, кимнинг хулқи гўзал бўлса, дўстлари қўпаяди.

من أودع الوفاء صدره أمن الناس غدره. من ورد مناهل الوفاء شرب من منهل الصفا. ليكن غرضك في اتخاذ الأصدقاء تقوية العدة لا تكثير العدة.

Қалбига вафони омонат қилиб жойлаган кишидан хиёнат содир бўлмайди. Кимки вафо чашмасига келса, сафо булоғидан сув ичади. Дўст орттиришдан мақсадинг уларнинг сонини қўпайтириш эмас, балки (охират сафарига) тайёргарликни кучайтириш бўлсин.

شعر:

فريما قام إنسان مقام فئة والدال أربعة والدال سبعمائة	لا تحمدن امرءا من غير تحريرية الدال والدال في التصوير واحدة
---	--

Шеър (насрий баён): “Тажрибасиз одамни мақтама. Кўпинча битта инсон бутун бир жамоатнинг ўрнида туради. Дол (۵) билан зол (۵) ҳарфлари кўринишда бир хил, лекин абжад хисобига кўра, дол – 400 га, зол – 700 га тенг”.

وتحصيل النفع لا مجرد الجمع فواحد يحصل به المراد خير من ألف تكثير الإعداد.

Манфаат – дўстлар сонини кўпайтиришда эмас. Мақсадни ҳосил қиласидиган бир киши – сонни кўпайтирадиган минг кишидан яхшироқ.

شعر:

تعد وألف لا تعد بواحد                          وما الناس إلا واحد بقبيلة

Шеър (насрий баён): “Кўпчилик эмас, магар битта киши жамоа ўрнида саналиши ва мингтаси битта киши ўрнида саналмаслиги мумкин”.

أجهل الناس من يمتنع البر ويطلب الشكر ويفعل الشر ويتوقع الخير. وربما أخطأ البصير قصده وأصاب الأعمى رشه. من قضيت واجبه أمنت جانبه. من عتب على الزمان طالت معتبرته. ومن لم يعترض للنواب تعرضت له. ضرب الحبيب أوجع والمعروف المبتدأ أوقع.

Яхшиликни тўсиб, миннатдорчилик талаб қиласидиган, ёмонлик қилиб, яхшилик кутадиган кимса одамларнинг энг жоҳилидир. Кўпинча кўзи очик одам мақсадида адашиши, кўр одам йўлини тўғри топиши мумкин. Бирор олдидағи мажбуриятингни адом қилиб қўйсанг, ундан хотиржам бўласан. Ким замонни сўкса, сўкиши узок давом этади. Ким мусибатларга юзма-юз бўлмаса, мусибатлар унга юзма-юз бўлади. Дўстнинг зарбаси аламли бўлади. Биринчи қилинган яхшилик энг ўрнига тушгувчи яхшиликдир.

شعر:

إنما الدنيا هبات	وعوار مستردة
شدة بعد رحاء	ورخاء بعد شدة

Шеър (насрий баён): “Албатта дунё – совға ва қайтариб олинадиган омонат. Тўкинликдан сўнг қашшоқлик, қашшоқликдан сўнг тўкинлик бордир”.

من قلت تجربته جذع ومن قل احترازه صرع. خذ بالأناء ما استقامت لك. واقبل العافية  
ما وهبت لك. ولا تجاهر عدوك ما وجدت إلى الحيلة سبيلا. واجعل الحزم جنتك والعزم عدتك.  
تفكير قبل أن تعزم وتبين قبل أن تهجم وشاور قبل أن تقدم.

Кимнинг тажрибаси оз – жазавага тушади, кимнинг эҳтиёткорлиги оз – енгилади. **Модомики, ҳалимлик ва виқор сени тўғри сақлар экан, ҳалиму виқорли бўл.** Модомики, саломатлик сенга берилган экан, уни қабул қил. Модомики, хийлага йўл топган экансан, ошкоро душманликка ўтма. Эҳтиёткорликни – қалқонинг, азму қарорни – қуролинг қилиб ол. Ишга киришишдан бурун фикр қил, хужумга ташланишдан илгари ойдинлаштири, қадам ташлашдан олдин маслаҳатлаш.

شعر:

اهجر من استغباك هجر القلا	وهبه كالمحدود في رمسه
والبس لمن في وصله لبسة	لباس من يرغب عن أنسه
ولا ترج الود من يرى	أنك تحتاج إلى فلسة
ورب مذاق الهوى خالني	أصدقه الود على لبسه
وما درى من جهله أنني	أقضى غريبي الدين من جنسه

ولست بالمحظى حقاً لمن  
فما له إلا جنا غرسه  
وكُلُّ من يطلب عندي جني

Шеър (насрий баён) : “Сени аҳмоқ санаган кишини нафрат-ла тарк эт ва уни гўрга кўмилган хисобла. У билан учрашиб юрган одам учун унинг ошночилигидан юз ўғирган кишининг либосини кийиб ол. Сени чақага муҳтож кўрган кишидан меҳр умид қилма. Ҳою-ҳаваслардан лаззатланиб юрганларнинг кўпи ўйлайдики, уст-бошига қараб, мен уларнинг меҳр-муҳаббатини тасдиқ этавераман. **Нодонлиги сабаб у билмайдики, мен қарзимни узяпман, холос.** Зиммасига мажбурият олмаган кишига мен мажбурият юклаб қўёлмайман. Қайси бир кишики, ҳузуримдан ҳосил олмоқчи экан, факат ўз экканини ўради”.

## ضرب مثل

حکی، أَنْ دِيْكَا وَصَرَا اصْطَحْبَا مَدَةً. فَفِي بَعْضِ الْأَيَّامِ قَالَ الصَّقِرُ لِدِيْكَ: إِنِّي مَا رَأَيْتُ أَقْلَ وَفَاءً وَلَا أَضْيَعُ لِحْقَوْقِ الصَّحْبَةِ مِنْكُمْ مَعَاشِ الدِّيْوَكَ. فَقَالَ الدِّيْكَ: وَمَا الَّذِي أَنْكَرْتَهُ مِنِّي؟ قَالَ: إِنِّي أَرَى النَّاسَ يَكْرِمُونَكُمْ وَيَحْسِنُونَ إِلَيْكُمْ فِي الْمَطْعَمِ وَالْمَشْرَبِ وَأَنْتُمْ تُفْرُونَ مِنْهُمْ وَتُنْفَرُونَ مِنْ قَرْبِهِمْ. وَيَأْخُذُونَ الْوَاحِدَ مِنَا فَيَقِيدُونَ وَيَغْطِيُونَ عَيْنِيهِ وَيَمْنَعُونَهُ الطَّعَامَ وَالشَّرَابَ ثُمَّ يَرْسُلُونَهُ فِي ذَهَبٍ إِلَى حَيْثُ لَا يَقِيُّ لَهُمْ إِلَيْهِ وَصُولُ الْبَتَةِ وَلَا لَهُمْ قَدْرَةٌ ثُمَّ يَدْعُونَهُ إِلَيْهِمْ فَيَأْتِي مُسْرِعًا وَيَقْتَصِصُ الصَّيْدَ وَالْطَّيْرَ لَهُمْ. فَلَمَّا سَمِعَ الدِّيْكَ كَلَامَ الصَّقِرِ ضَحَّكَ ضَحْكًا عَالِيًّا. فَقَالَ: مَا يَضْحَكُكَ أَيْهَا الدِّيْكَ؟ فَقَالَ: عَجَبٌ مِنْ شَدَّةِ جَهَلِكَ وَغَرْوُرِكَ أَمَا أَنْكَ أَيْهَا الصَّقِرَ لَوْ عَانِتَ مِنْ جَنْسِكَ جَمَاعَةٌ فِي كُلِّ يَوْمٍ تَلْسُخُ جَلْوَدَهُمْ وَتَقْطَعُ أَعْنَاقَهُمْ وَيَقْلُونَ عَلَى النَّارِ وَيَطْبَخُونَ فِي الْقَدُورِ لَفَرَرَتْ مِنْهُمْ أَشَدُ الْفَرَارِ وَلَمْ يَسْتَقِرْ لَكَ بِصَحْبَتِهِمْ قَرَارٌ وَلَوْ قَدِرْتَ لَطَرَتْ إِلَى جَوِ السَّمَاءِ عَنْهُمْ وَعَلِمْتَ أَنَّهُ لَا فَائِدَةٌ فِي الْقَرْبِ مِنْهُمْ وَأَنَّ السَّلَامَةَ فِي الْبَعْدِ عَنْهُمْ، فَعَرَفَ الصَّقِرُ صَدْقَ كَلَامِهِ وَأَقْلَعَ عَنْ مَلَامِهِ.

### **Зарбул масал**

Хикоя қилинишича, Лочин ва Хўроз бир неча муддат ҳамроҳ бўлиб қолишибди. Кунларнинг бирида Лочин:

– Мен хўролардек вафоси кам, дўстлик ҳаққинни зое қилувчироғини кўрмадим! – дебди Хўрозга. Шунда Хўроз:

– Биздан қандай иш содир бўлибдики, сен уни инкор қиляпсан? – сўрабди.

– Мен одамлар томонидан сизларга яхшиликлар қилинаётганини, дон-дун ва сувлар билан сийланяётганингизни кўряпман, сизлар бўлса, одамлардан қочиб, уларнинг яқинига йўламаяпсизлар? Биз билан одамлар ўртасидаги муомала эса бошқача. Улар ичимииздан биттасини ушлаб, оёғидан боғлашади, кўзини ёпиб, оч-наҳор қўйишади. Сўнгра уни қўйиб юборишади. Кейин у одамлар мутлоқ етолмайдиган, зарар етказа олмайдиган жойларгача учиб кетади. Лекин одамлар уни чорлаши билан дарҳол уларнинг қошига қайтиб келади, улар учун ҳар хил ўлжа ва қушларни овлайди.

Хўроз Лочиннинг сўзларини эшитаркан, қах-қах отиб қулишдан ўзини тийолмади. Шунда Лочин унга:

– Нега қуляпсан? – деди.

– Ўта нодонлигинг ва бу даражада алданишингдан ажабланяпман. Эй лочин, агар сен ҳам ўзингдек қушларнинг ҳар куни терилари шилинганини, бўйинларидан сўйилганини, оловда қоврилганини, қозонларда қайнатилганини кўрганингда, одамлардан бор кучинг билан қочган бўлардинг. Ахвол шу экан, улар билан дўстлашишда сен учун қандай ҳаловат бўлсин?! Имконинг бўлганида осмонларга учиб кетардинг, уларга яқинлашишдан фойда йўқлигини, саломатлик улардан узоқлашишда эканини билган бўлардинг.

Лочин Хўрознинг гапи тўғри эканини англади ва уни маломат қилишдан тўхтади.

## الأسلوب الخامس

### في الحذر مما يورث الضرر

Бешинчи услуг

Зарарни келтириб чиқарадиган нарсалар хақида

قالَ حَكِيمٌ: الْعَاقِلُ إِذَا قَدَّمَ لِطَوَارِقِهِ حِذْرَ الْمُتَيِّقِظِ وَتَلَقَّاهَا بَعْدَهُ الْمُتَحَفِظِ وَرَدَّ بَادِرَتَهَا بِعَزْمٍ ذِي حَرْمٍ قَدْ جَلَبَ أَشْطُرَ دَهْرِهِ وَقَامَ بِوَاضِحٍ عُذْرِهِ ثُمَّ هُوَ بَعْدَ حِذْرِهِ مُسْتَسِلٌ لِّقَضَاءٍ لَا يُرَدُّ وَقَدْرٍ لَا يُصَدُّ مُسْتَظْهِرٌ لِنَفْسِهِ وَمُعْتَبِرٌ بِأَمْسِيهِ.

Донишманд айтди: “Оқил киши кутилмаганда келадиган ишлар томон қадам ташлар экан, уйғоқ кишидек эҳтиёткор бўлади, сақланувчи кишидек уларни тайёргарлик билан қабул қиласи, азму қарорли кишининг тайёргарлиги билан уларнинг аввал кўринган аломатини қайтаради, хушёр кишининг тайёргарлиги билан уларнинг келишига юзма-юз туради, тажрибасини орттиради ва очик-ойдин ўз узрини билдиради, кейин – ўз эҳтиёткорлигидан сўнг у қайтариб ва тўсиб бўлмайдиган қазою қадарга ўзни топширади, ўзини сақлайди, кечаги кунидан ибрат олади”.

وقال عثمان رضي الله تعالى عنه: يَكْفِيكَ مِنَ الْحَاسِدِ أَنَّهُ يَعْتَمُ وَقْتَ سُرُورِكَ

Усмон розияллоҳу анҳу деди: “Ҳасадгўйнинг сен хурсанд бўлаётган пайтдаги ғам чекиши сенга кифоя”.

وقال يَزِيدُ بْنُ الْمُهَلَّبَ: أَكْثِرُوا مِنَ الْمَحَامِدِ فَإِنَّ الْمَذَامَ قَلَّ مَنْ يَنْجُو مِنْهَا

Язид ибн Мулҳаб айтди: “Мақтовга сабаб бўладиган ишларни кўпайтиринглар, чунки мазамматга сабаб бўлган ишлардан нажот топганлар оз”.

وقال أَبُو مُسْلِمٍ الْخُرَاسَانِيَّ: مَا تَاهَ إِلَّا وَضِيقٌ وَلَا فَاحِرٌ إِلَّا لَقِطٌ وَلَا تَعْصُبْ إِلَّا دَخِيلٌ

Абу Муслим Хурасоний айтди: “Фақат пасткаш кимсаларгина мақтанчоқлик, фақат ташландик кимсаларгина фахрга берилувчи, фақат асли бегона кимсаларгина мутассиблик билан аслликни даъво қилувчи бўлади”.

المنع الجميل خير من الوعود الطويل. الكلام المرغوب مصائب القلوب.

Чиройли рад қилиш чўзилган ваъдадан яхширок. Ёқимли гаплар қалбларнинг **тузогидир**.

اياك و الافراط الممل و التفريط المحل. من دلائل العجز كثرة الاحالة على الاقدار. العاقل

من يصدق بالقضاء و يأخذ بالحزم. من لم يرب معروفة فكأنه لم يفعله. عليك بالجد و ان لم

يساعد الجد. من عمل ما لا يجب لقى ما يكره. ما أভق الخضوع عند الحاجة و التيه عند الاستغفاء. ثلاثة القليل منها كثير العداوة و النار و المرض.

Малол етказувчи ҳаддан ошишдан, халал берувчи эътиборсизликдан сақлан. Ишни тақдирга кўп йўявериш ожизликнинг далилларири. Оқил киши қазою қадарни тасдиқлади ва хушёрликни маҳкам ушлайди. Ким ўз яхшиликларини тарбияламаса, гўё у яхшиликларни қилмабди. Жидду жаҳдни ўзингга лозим тут, гарчи у фойда бермаса ҳам. Ким яхши кўрмаган нарсасини қиласа, ёмон қўрган нарсасига йўлиқади. Эҳтиёж тушган пайтда бўйин эгиш, беҳожат пайтда гердайиш қандаям хунук иш! Учта нарсанинг ози ҳам кўп: душманлик, олов ва хасталик.

أضل الحرص اعناق الرجال	شـعـر: تـعـالـى اللـهـ يـا سـلـمـ بـنـ عـمـرـ
أليس مصير ذلك للنزاول	هـبـ الدـنـيـاـ تـسـاقـ إـلـيـكـ عـفـواـ
تصرفهن حالا بعد حال	نـعـيـ نـفـسـيـ إـلـيـ مـرـ الـلـيـالـيـ
و مالي لا أخاف الموت مالي	فـمـالـيـ لـسـتـ مشـغـولاـ نـفـسـيـ
و ما لا قوة لم يخطر بي	أـمـاـ فـيـ السـالـفـيـنـ لـيـ اـعـتـبـارـ
و نعشـيـ بين أـرـبـعـةـ عـجـالـ	كـأـنـ بـالـلـنـيـةـ أـزـعـجـتـنيـ
كان قلوبـهـنـ عـلـىـ المـقـالـ	وـ خـلـفـيـ نـسـوـةـ يـيـكـونـ بـعـدـيـ
وـ لـاـ شـئـ يـدـوـمـ مـعـ الـلـيـالـيـ	وـ حـقـكـ كـلـ ذـاـ يـفـنـيـ سـرـيـعاـ

فلم أر غير ختال و قال  
فما طعم أمر من السؤال  
و أصعب من معادات الرجال  
كنقض القادرين على الكمال.

خبرت الناس قرنا بعد قرن  
و ذقت مرارة الاشياء طرا  
ولم ار في الامور أشد وقعا  
ولم أر في عيوب الناس عيما

Шеър (насрий баён): “Аллоҳга қасамки, эй Амир ўғли Силм, хирс эрлар бўйинни эгади. Майли, дунё сенга кутилмаганда етди, деб ўйлайлик. Ахир бунинг сўнги заволга юз тутмайдими?! Кечаларнинг ўтиши, бир ҳолдан бошқа ҳолга алмашиб туриши нафсимга ўлим хабарини бермайдими? Нима бўлди менга, нафсим билан машғул эмасман, нима бўлди менга, ўлимдан қўрқмаяпман?! Ахир менда ўтганларга эътибор бўлиши керак эмасми? Қувват йўқ, гўё – на ўлимнинг мени безовта қилиши, на тўртта шошилган одамнинг ўртасида тобутимнинг туриши, на мендан сўнг ортимда аёлларнинг йиғлаши, қалбларининг товада қоврилиши – хотиримга келмайди. Ҳаққингга қасамки, ҳаммаси, ўтаётган кечалар билан бирга тезда йўқликка юз тутади. Асрлардан асрлар оша инсонларни синаб кузатдим. Ёлғончилик ва бекорчиликдан бошқасини кўрмадим. Ҳамма нарсаларнинг аччиғини тотдим. Бирордан нарса сўрашдан аччикроғи йўқ экан. Ишларда кишиларга душманликдан кўра қаттикроқ ва оғирроғини кўрмадим. Одамларнинг айблари ичida комилликка қодир бўлганларнинг нуқсонидек айбни кўрмадим”.

عَيْرَةُ:

فَلَا تَأْمَنَنَّ الدَّهْرَ حُرًّا ظَلَمَتُهُ  
فَمَا لَيْلٌ مَجْرُوحٌ الْفُؤَادِ بِنَائِمٍ

Бошқа шеър (насрий баён): “Сендан зулм қўрган ҳур кишидан ҳеч қачон хотиржам бўлма. Чунки қалби яраланган киши кечалари ухламайди”.

و قال حكيم الشیخ لا يخاשىن و النذل لا يحاسن و الاحمق لا يعاتب و مستحيل الود لا  
يقرب و القاضي لا يعاند و السلطان لا يرadd و الوالي لا يخاصم و الاب لا يحاكم و صاحب  
الحق لا يشاتم و الكذوب لا يعاشر و النمام لا يشاور و القبطي لا يؤمن و العجمي اليه لا يرکن  
و الحنان لا يسكن و الحنان لا يدخل و المحالس لا تنقل و الحقير لا يهمل و الاعزب لا يساكن  
و الاحمق لا يقارن و الشرير لا يكلم و الغائب لا يشتتم و الامرد لا يشاكل و المبتلى لا يؤاكل و  
المازح لا يحرد من مقاله و الكافر لا تواله و العدو لا تغفل عنه و لا تتم و طالب الرزق من  
وجهه لا يلم و الشاعر لا يعادى و البخيل لا يهادى و الحبيب لا يجازى بالبعد و ما مضى من  
الزمان لا يعاد و الملك لا يوادد فان وده لا يدوم و البليد لا يستغل بالعلوم و الكسلان لا يندب  
لحاجة و الملح لا يستدعي لحاجة و المغفل لا يستشهد و الالكان لا يستشند و العبد لا يمازح و  
الحار لا يقابح و الرفيق لا يساحج و السيف لا يماري و التكبير لا يداري و الحقدود لا يصافي و  
الخليم لا يجافى و الاسد لا يصادم و العربيد لا ينادم و المرأة لا يحسن بها الظن و كل فن لا  
يؤخذ الا من اهل ذلك الفن و الجليل لا يصغر و الشرة لا يخier و القبيح لا يذكر و الجميل لا  
ينكر و الرسول لا يقتل و المدية من كل احد لا تقبل و الدعاء لا يترك و بالله الواحد لا يشرك  
و الخلق لا تعامل الا بالاحسان فكما يدين الفتى يدان

Донишманд дейди: “Кекса одамга қўполлик, пасткашга яхши муомала қилинмайди, аҳмоққа танбех берилмайди, дўстлашиш маҳол кишига яқинлашилмайди, қозига қарши борилмайди, сultonнинг гапи қайтаришмайди, ҳоким билан хусуматлашилмайди, отанинг сўзи муҳокама этилмайди, ҳақдор билан тортишилмайди, ёлғончи билан ошно бўлинмайди, чақимчи билан маслаҳатлашилмайди, суҳбат мажлислидаги гап ташилмайди, қибтийга ишонилмайди, ажамларга суюнилмайди, карвонсаройда маскан тутилмайди, майхонага кирилмайди, ночорга эътиборсизлик қилинмайди, бўйдоқ билан бирга турилмайди, аҳмоққа teng бўлинмайди, ёмонга гапирилмайди, йўқ одамни сўкилмайди, кўсага ўхшашга ҳаракат қилинмайди, дардга чалинган киши билан овқат ейилмайди, ҳазилкашнинг гапидан ғазабланилмайди, кофирни дўст тутма, душмандан ғофил бўлма ва мудрама, ўз йўли билан ризқ ахтарган киши маломатланмайди, шоирга душманлик қилинмайди, баҳил билан ўзаро совға улашилмайди, суюкли кишини ундан узоқлашиш билан жазоланмайди, ўтган замонлар қайтаришмайди, подшоҳ билан дўстлашилмайди, чунки унинг дўстлиги давомий эмас, бефаҳм, зехнсиз кишини илм билан машғул қилинмайди, дангасани бирор эҳтиёж учун чақирилмайди, ўзини ғофилликка солган кишидан гувоҳлик сўралмайди, дудук одамдан ифодали ўқишилмайди, қул билан ҳазиллашилмайди, қўшни билан кўпол гаплашилмайди, ҳамроҳга зиқналик қилинмайди, аҳмоқ билан баҳслашилмайди, такаббур билан муросага борилмайди, кекчига самимий бўлинмайди, ҳалимга қўполлик ишлатилмайди, шерга тўқнашилмайди, инжиқ билан мажлис қурилмайди, хотин кишига яхши гумон қилинмайди, ҳар бир соҳа фақат ўша соҳа аҳлидан олинади, улуғ кичик кўрилмайди, очкўзга ихтиёр берилмайди, ёмон нарса эсланмайди, чиройли нарса инкор этилмайди, элчи ўлдирилмайди, ҳадя ҳар кимдан олинавермайди, дуо тарқ қилинмайди, ёлғиз Аллоҳга ширк келтирилмайди, халқ билан фақат яхшилик билан муомалага борилади, йигит қандай хукм этган бўлса, шундай хукмга тортилади”.

و قال حكيم يعيش البخيل في الدنيا عيش الفقراء و يحاسب في الآخرة حساب

الاغنياء.

Донишманд айтди: “Хасис киши дунёда қашшоқдек яшайди ва охиратда бойлардек ҳисоб беради”.

روضة رائقية

Гўзал боғча

قال حكيم اشقي الناس بالسلطان صاحبه كما أن أقرب الاشياء أسرعها احتراقا لا يورث

القرب من السلطان الا نفسها خائفة و جسما متعبا و دينا منشلما.

Донишманд айтди: “Султонга яқин бўлганларнинг энг баҳтсизи – султоннинг дўстларидир, худди ўтга энг яқин нарсанинг кувиши тез бўлганидек. Султонга яқинлашиб фақат уч нарсани мерос қолдиради: кўркоқ қалбни, қийналган жисмни ва дарз кетган динни”.

شعر:

و معاشر السلطان شبه سفينة في البحر ترعد دائمًا من خوفه

ان أدخلت من مائه في جوفها      أدخلتها و ماءها في جوفها

Шеър (насрий баён): “Султонга ошно киши денгиздаги кемага ўхшайди, кема доимо денгиз хавфидан титраб туради. Агар кема денгиз сувини ичига киритса, кемани ҳам, унинг ичидаги сувни ҳам денгиз ўз қаърига тортиб кетади”.

لَئِنْ كَانَ الْبَحْرُ كَثِيرُ الْمَاءِ فَهُوَ بَعْدُ الْمَهْوَىٰ . مَنْ شَارَكَ السُّلْطَانَ فِي عَزِّ الدُّنْيَا شَارَكَهُ فِي دُلُّ الْآخِرَةِ . إِذَا حَضَرَتِ مَجْلِسَ مَلِكٍ فَضُمِّ شَفَقَتِيَّكَ وَغُضَّ عَيْنَيَّكَ وَإِذَا حَدَّثَكَ فَأَصْنَعَ إِلَيْهِ وَأَقْبَلَ بِوَجْهِهِ عَلَيْهِ وَلَا تُحَدِّثْهُ بَادِيًّا وَلَا تُعْدِ لَهُ حَدِيثَكَ ثَانِيًّا . وَلَا تُعْرِضْ عَنْهُ إِذَا أَكْثَرَ وَتُكْثِرَ عَلَيْهِ إِذَا اسْتَخْبَرَ وَلَا تَصِلْ حَدِيثًا بِحَدِيثٍ وَلَا تُعَارِضْ أَحَدًا فِي تَحْدِيَّثٍ . رُضِّ نَفْسِكَ فِي طَاعَةِ سُلْطَانِكَ وَاحْفَظْ نَفْسَكَ مِنْ عَشْرَةِ لِسَانِكَ وَاجْعَلْ لِدِينِكَ مِنْ دُنْيَاكَ نَصِيبًا وَأَقْمِ مِنْ نَفْسِكَ لِنَفْسِكَ رَقِيبًا . وَصَيِّرْ لِكُلِّ جَارِحَةٍ مِنْ جَوَارِحِكَ زِمَامًا وَلِكُلِّ حَرَكَةٍ مِنَ الْحَزْمِ لِحَامًا .

Денгизнинг суви қанча қўп бўлса, шунча чуқур бўлади. Дунёни азиз билишда ким султонга шерик бўлса, охиратда хор бўлишда ҳам унга шерик бўлади. Подшоҳ мажлисида ҳозир экансан, оғзингни ёп ва кўзингни юм. Агар сенга гапирса, қулоқ тут ва у томон юзлан. Биринчи бўлиб гапирма, сўзингни унга икки бор қайтарма. Агар гапи чўзилса ҳам, ундан юзингни ўгирма. Сендан бирор нарса ҳақида сўраса, гапни чўзма. Бир гапни иккинчи гапга улама, сўзларкансан, ҳеч ким билан зиддиятга борма. Нафсингни султонга итоат этиш йўлида машқ қилдир. Тилинг тойилмаслиги учун нафсингни сакла. Дининг учун дунёнгдан бир улуш ажрат. Ўзинг учун ўзинг тарафингдан бир кузатувчини ҳозир эт. Аъзоларингнинг ҳар бири учун арқон ҳозирла. Ҳар бир ҳаракатни эҳтиёткорлик билан жиловла.

قَالَ حَكِيمٌ: أَظْلَمُ النَّاسِ لِنَفْسِهِ الْلَّئِيمُ، إِذَا ارْتَفَعَ جَفَّا أَقَارِبَهُ وَأَنْكَرَ مَعَارِفَهُ وَاسْتَخَفَ بِالْأَشْرَافِ وَتَكَبَّرَ عَلَى ذَوِي الْفَضْلِ.

Донишманд деди: “Ўзига зулм қиладиган кишининг пасткашлиги шу даражадаки, у бирор мавқега кўтарилса, яқинларига жафо етказади, танишларини бегонасирайди, улуғларни кичик санайди, фазилат эгаларини менсимасдан, улардан ўзини катта олади”.

قِيلَ لِمَلِكٍ بَعْدَ ذَهَابِ مُلْكِهِ: مَا الَّذِي أَدْهَبَ مُلْكَكَ؟ قَالَ: ثُقِيَ بِدَوْلَتِي وَاسْتِبْدَادِي  
يُعَرِّفِي وَإِغْفَالِي عَنِ اسْتِشَارَتِي وَإِعْجَابِي بِشِدَّتِي وَإِضَاعَةِ الْحِيلَةِ وَقْتَ حَاجَتِي وَالْتَائِي عِنْدَ احْتِيَاجِي  
إِلَى عَجَلَتِي.

Мулки қўлдан кетган бир подшоҳдан: “Салтанатинг қўлдан кетишига нима сабаб бўлди? – деб сўралди. “Давлатимга ишониб қолишим, билганимдан қолмаслигим, кенгашиб маслаҳат қилишдан ғофиллигим, кучимга бино қўйишим, эҳтиёжим бор ўринда ҳийлани унудишим, шошилиш керак пайтда сусткашлик қилишим сабабли мулкни бой бердим” – деди у.

وَقَالَ يَحْيَى بْنُ خَالِدٍ: آخِرُ مَا وَجَدْتُ فِي طِرَازِ الْحِكْمَ مِنَ الْبَلَاغَةِ: الْبُخْلُ وَالْجَهْلُ مَعَ  
الْتَّوَاضُعِ خَيْرٌ مِنَ الْعِلْمِ وَالسَّخَاءُ مِنَ الْكِبَرِ فَيَا هَا مِنْ حَسَنَةٍ عُطِّلَتْ عَلَى سَيِّئَةٍ  
عُطِّلَتْ عَلَى حَسَنَتَيْنِ.

Яхё ибн Холид айтди: “Тирозул ҳикам” (“Ҳикматлардан намуна”) китобидан топганим энг таъсирли ўринлардан сўнггиси шу бўлди: “Ўзи баҳил ва жоҳил бўлса ҳам камтар бўлган киши – ўзи олим ва сахий бўлишига қарамасдан такаббур бўлган кишидан яхшироқдир. Ажабо, буниси қандай

яхшиликки, иккита ёмонлик билан ўраб қўйилибди?! Ажабо, униси қандай ёмонликки, иккита яхшилик билан ўраб қўйилибди?!”

كَفَىٰ بِالْتَّجَارِبِ تَأْدِيْبًا وَبِتَقْلُبِ الْأَيَامِ عِظَةً。 مَنْ قَرَّبَ السَّفَلَةَ وَأَدْنَاهُمْ وَبَا عَدَ دَوِيَ الْفَضْلِ  
وَأَعْضَاهُمْ اسْتَحْقَقُ الْحَذْلَانَ وَاسْتَوْجَبَ الْهَوَانَ。 مَنْ مَنَعَ الْمَالَ مَنْ يَحْمَدُهُ وَرِثَةٌ مَنْ لَا يَحْمَدُهُ.

Тажрибалар адаб беришга, кунларнинг ўзгариб туриши насиҳатланишга кифоя. Ким пасткашларга яқинлашиб, уларни ўзига яқин тутса ва фазилат эгаларидан узоқлашиб, улардан кўз юмса, бундай кимса кўмакчи тополмасдан чорасиз қолади, хорликка ўзини лойик кўрган бўлади. Молини миннатдорлик билан “раҳмат” айтиб оладиган инсонлардан тўсган киши – берганни олиб “раҳмат” айтмайдиган кимсаларга молини мерос қолдирган бўлади.

وَقَالَ حَكِيمٌ: مَا أَحْوَجَ ذَا الْقُدْرَةِ إِلَى دِينٍ يَحْجُزُهُ وَحَيَاءٍ يَكُفُّهُ وَعَقْلٍ يُعَدِّلُهُ وَبَخْرِيَةٍ طَوِيلَةٍ  
وَعِبَرٍ مَحْفُوظَةٍ وَأَعْرَاقٍ تَسْرِي إِلَيْهِ وَأَخْلَاقٍ تُسَهِّلُ الْأُمُورَ عَلَيْهِ وَجَلِيسٍ رَفِيقٍ وَرَائِدٍ شَفِيقٍ وَعَيْنٍ  
تُبْصِرُ الْعَوَاقِبَ وَفِكْرٌ تُنَالُ بِهَا الْمَرَاتِبُ.

Донишманд деди: “Куч-қудратга эга инсон ҳар қадамда адашишдан тўсадиган динга, ҳаддан ошишдан тийиб турадиган ҳаёга, тўғри йўлга буриб турадиган ақлга, билимини амалга айлантирадиган узоқ тажрибага, хотирада мустаҳкамланган ибратларга нақадар муҳтож! Куч-қудратли инсон аждодларидан то ўзи қадар етиб келувчи томирларга, ишларни енгиллаштирувчи хулқларга, ҳамсуҳбат дўстга, меҳрибон етакчига, ишларнинг охирини кўрувчи кўзга, мартабаларга эриштирувчи гояга қандаям муҳтож!”

مَنْ لَمْ يَعْرِفْ ظَفَرَ الْأَيَّامِ لَمْ يَكُنْ تَرِزْ مِنْ سَطْوَاتِهَا وَلَمْ يَتَحَفَّظْ مِنْ آفَاتِهَا وَلَمْ يَتَعَاظِمْ ذَنْبُهُ وَإِنْ عَظُمَ.

Кимки қунларнинг ғолиб келишини билмаса, уларнинг босиб келишидан эҳтиёт бўлмаса, уларнинг офатларидан сақланмаса, катта гунохларни ҳам у катта деб ҳисобламаса, хушёрлик ва эҳтиёткорлиқдан юз ўгирса, ишларини асосиз нарсалар устига қурса, қувват ундан кетади ва ожизлик уни эгаллаб олади.

مَنْ أَعْرَضَ عَنِ الْحُدْرِ وَالْإِحْرَاسِ وَبَنَى أَمْرَةً عَلَى غَيْرِ أَسَاسٍ زَالَ عَنْهُ الْعِزُّ وَاسْتَوَى عَلَيْهِ  
الْعَجْزُ.

Ким огоҳ бўлиш ва сақланишдан юз ўгирса ва ишларини асосиз бажарса, ўша одамдан куч-қудрат кетиб, ожизлик унга эгалик қилиб олади.

قال حكيم: إِذَا رأَيْتَ مِنْ جَلِيلِكَ أَمْرًا تَكْرُهُ أَوْ صَدَرَتْ مِنْهُ كَلِمَةً عَوْرَةً فَلَا تَقْطَعْ حَبْلَهُ  
وَلَا تَصْرِفْ وُدَّهُ وَلَكِنْ دَاوِيَ كَلِمَتَهُ وَاسْتُرْ عَوْرَتَهُ وَأَنْقِعِهِ وَتَبَرَّأْ مِنْ عَمَلِهِ. قَالَ اللَّهُ سُبْحَانَهُ تَعَالَى : {فَإِنْ  
عَصَوْكَ فَقْلَ إِنِّي بَرِيءٌ مِمَّا تَعْمَلُونَ}. وَلَمْ يَأْمُرْ بِقَطْعِهِمْ وَإِنَّمَا أَمَرَ بِالبَرَاءَةِ مِنْ عَمَلِهِمْ.

Донишманд деди: “Дўстингда ўзингга ёқмайдиган бир ишни кўрсанг ёки уят бир сўз унинг оғзидан чиқса, дархол дўстлик риштасини узма, унинг меҳрини кесиб қўйма, балки унинг сўзини давола, унинг уят ишини бекит, уни шу ҳолда қолдир ва ўзингни унинг бу ишларидан пок эканингни билдирилган. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло деди: “Бас, агар улар итоатсизлик қилсалар, у ҳолда айтинг: “Албатта мен сизларнинг амалингиздан покдирман” (Шуаро, 216-оят). Аллоҳ таоло улардан узилиб кетмасликка буюряпти, балки бу ҳолатда улар қилаётган ишдан норозилигинизни билдириб, вазиятдан пок ҳолда чиқишга буюряпти.

شعر:

بَقِيْتُ وَمَا فِي الْجَسْمِ مِنِي مَفْصِلٌ فَقَطَعْتُهُ  
إِذَا رَأَبَ مِنِي مَفْصِلٌ وَلَكِنْ أُدَاوِيهِ فِإِنْ صَحَّ سَرَّنِي  
وَإِنْ هُوَ أَعْيَانِي فَلِلْعَذْرِ مَحْمَلٌ

Шеър (насрий баён): “Агар аъзоларимдан бири мени мушкил аҳволга солди, деб оғриган бўғинимни кесиб ташлайверсан, баданимда бирорта ҳам бўғиним қолмайди-ку?! Лекин мен оғриган аъзомни даволайман, агар шу билан у аъзом сихчат топса, бу соғайиш мени хурсанд қиласи. Агар сихчат топмасам, дард мени чарчатса, ана ундан сўнг қаттиқроқ чора кўрсан, бундай йўл тутишимга асосим бўлади”.

خَيْرُ الْمُلُوكِ مَنْ كَفَى وَكَفَ، وَعَفَا وَعَفَ لِلرَّعِيَّةِ الْمَنَامُ وَعَلَى الْمَلِكِ الْقِيَامُ  
ضَاعَ مَنْ نَامَ حُرَّاسُهُ وَسَقَطَ مَا ضَعُفَ أَسَاسُهُ. لَا سُلْطَانٌ إِلَّا بِرِجَالٍ وَلَا رِجَالٌ إِلَّا بِمَالٍ  
وَلَا مَالٌ إِلَّا بِعِمَارَةٍ وَلَا عِمَارَةٌ إِلَّا بِعَدْلٍ

Подшоҳларнинг яхиси – эли учун қайғурадигани ва ўзини ёмонликлардан тиядигани, ўзгаларга кечиримли ва ўзи пок бўлгани. Шунда қўл остидагилар тинч уйқуда, подшоҳ эса бедор бўлади. Қўриқчилари ухлаб ётган киши ҳалокатга учрайди, пойдевори заиф уй йиқиласи. Салтанат мард кишилар билан, мардлар мол-дунё билан қад ростлайди, мол-дунё ободлик билан, ободлик адолат билан юзага чикади.

وَصَفَ بَعْضُ الشُّعَرَاءِ وُلَّةً بَنِي مَرْوَانَ فَقَالَ:

وَأَفْنِيْتُمْ أَيَّامَكُمْ بِمَلَأِمٍ  
 وَمِنْ ذَا الَّذِي يُلْقَاكُمْ بِسَلَامٍ  
 بِلَثْمٍ عُلَامٍ أَوْ بِشُرْبِ مُدَامٍ  
 إِعْدَحْ كِرَامٍ أَوْ بِدَمٍ لِئَامٍ  
  
 شِعْرٌ: إِذَا مَا قَضَيْتُمْ لَيْلَكُمْ بِمَنَامَكُمْ  
 فَمِنْ ذَا الَّذِي يَحْشَأكُمْ وَقْتَ ظلمةٍ  
 رَضِيْتُمْ مِنَ الدُّنْيَا بِأَيْسَرِ بُلْغَةٍ  
 أَمْ تَعْلَمُوا أَنَّ الزَّمَانَ مُوكَلٌ

Шоирлардан бири Марвон қабиласи волийларини шундай “сифатлади”, шеър (насрий баён): “Қачон сиз тунларингизни уйқу, кунларингизни маломат билан ўтказар экансиз, кун ботиб, қоронгу тушган пайтда бирор сиздан кўркадими, сизга “салом” билан юзма-юз бўладиган киши топиладими?! Сиз бола ўпид “баччавозлик”ка, шароб ичиб “майхўрлик”ка берилган экансиз, дунёнинг арзимаган бир улушига рози бўлибсиз. Наҳот билмасангиз, бу замонга улуғларни мақташ, пасткашларни ёмонлаш вазифаси топширилган (демак, замонингиз мақтовига ҳақиқий муносиб бўлган улуғларнинг ишини қилинг, ёмонликка сазовор пасткашларнинг ишини эмас)!

وَقَالَ بُرْجِمْهُرُ: نَصَحَنِي النُّصَحَاءُ وَوَعَظَنِي الْوَعَاظُ فَلَمْ يَعِظْنِي مِثْلُ شَيْبَتِي وَلَمْ يَنْصَحْنِي مِثْلُ فِكْرِتِي وَعَادَتِنِي الْأَعْدَاءُ فَلَمْ أَرَ أَعْدَى إِلَيَّ مِنْ نَفْسِي إِذَا جَهَلْتُ . وَزَهَمَتِنِي الْمُضَاقُ فَلَمْ يَزْهُمْنِي مِثْلُ سُوءِ الْخُلُقِ وَوَقَعْتُ مِنْ أَبْعَدِ الْبَعْدِ وَأَطْوَلِ الطُّولِ فَلَمْ أَقْعَ مِنْ شَيْءٍ أَضَرَّ عَلَيَّ مِنْ لِسَانِي وَمَشَيْتُ عَلَى الْجَمْرِ وَوَطَّنْتُ عَلَى الرَّمْضَاءِ فَلَمْ أَرَ نَارًا أَحَرَّ عَلَيَّ مِنْ غَضَبِي إِذَا تَمَكَّنَ مِنِي . وَالْتَّمَسْتُ الرَّاحَةَ لِنَفْسِي فَلَمْ أَجِدْ لَهَا أَرْوَحَ مِنْ تَرَكَ مَا لَا يَعْنِيهَا وَرَكِبْتُ الْبِحَارَ وَرَأَيْتُ الْأَهْوَالَ فَلَمْ أَرَ أَهْوَلَ مِنَ الْوُقُوفِ عَلَى السُّلْطَانِ الْجَائِرِ وَتَوَحَّشْتُ فِي الْبَرِّيَّةِ وَالْجَيَالِ فَلَمْ أَرَ أَوْحَشَ مِنَ الْقَرِينِ السُّوءِ وَعَاجَحْتُ السِّبَاعَ وَالْذِئَابَ وَعَاشَرْتُهَا وَغَالَبْتُهَا فَغَلَبْتُهَا وَغَلَبَنِي صَاحِبُ الْخُلُقِ السُّوءِ وَأَكَلْتُ الطَّيْبَ وَشَرِبْتُ الشَّرَابَ وَعَانَقْتُ الْحِسَانَ فَلَمْ أَرَ أَلَّذَّ مِنَ الْعَافِيَّةِ وَالْأَمْنِ . وَأَكَلْتُ الصَّبَرَ وَشَرِبْتُ الْمُرَّ فَلَمْ أَرَ أَمْرَ مِنَ الْفَقْرِ وَشَهَدْتُ الزُّحُوفَ وَلَقِيْتُ الْحُثُوفَ وَبَاشَرْتُ السُّيُوفَ وَصَارَعْتُ الْأَقْرَانَ فَلَمْ أَرَ قَرِينًا أَصْبَعَ وَلَا أَغْلَبَ مِنَ الْمَرَأَةِ السُّوءِ . وَعَاجَحْتُ الْحَدِيدَ وَنَقَلْتُ

الصُّخُورَ فَلَمْ أَرَ حَمَلاً أَتَقْلَ مِنَ الدَّيْنِ. وَنَظَرَتُ فِيمَا يُذْلِلُ الْعَزِيزَ وَيُكْسِرُ الْقَوِيَّ وَيَضْعُ الشَّرِيفَ فَلَمْ أَرَ أَذْلَّ مِنْ ذِي حَاجَةٍ وَفَاقَةٍ. وَطَلَبَتُ الْغِنَى مِنْ وُجُوهِهِ فَلَمْ أَرَ أَغْنَى مِنَ الْقُنُونَ وَتَصَدَّقَتُ بِالذَّخَائِرِ فَلَمْ أَرَ صَدَقَةً أَنْفَعَ مِنْ رَدِّ ضَلَالَةٍ إِلَى هُدَى. وَشَيَّدْتُ الْبُنْيَانَ لِأَعِزَّ بِهِ وَأَشْرَفَ وَأَذْكَرَ فَلَمْ أَرَ شَرَفًا أَرْفَعَ مِنْ اصْطِنَاعِ الْمَعْرُوفِ وَلَيْسَتُ الْكِسْوَةُ الْفَاخِرَةُ فَلَمْ أَبْسِنْ مِثْلَ الصَّلَاحِ وَطَلَبَتُ أَحْسَنَ الْأَشْيَاءِ عِنْدَ النَّاسِ فَلَمْ أَجِدْ شَيْئًا أَحْسَنَ مِنْ حُسْنِ الْحُلْقِ، سُرِّرْتُ بِعَطَايَا الْمُلْوَكِ فَلَمْ أُسَرَّ بِشَيْءٍ أَكْثَرَ مِنَ الْخَلَاصِ مِنْهُمْ.

Бузружмехр деди: “Насиҳаттүйларнинг насиҳатини тингладим, воизларнинг ваъзини эшитдим. Лекин ҳеч бири менга битта оқарган сочимдек, ўйимга келган битта фикрдек панд-насиҳат беролмади. Душманлар адоватини кўрдим, лекин жоҳил нафсимдан душманроғини кўрмадим. Тангликлар мени сиқиб қийнади, лекин ҳеч бир танглик мени ёмон хулқдек қийноққа дучор этмади. Сурилиб-қоқилиб, узундан-узоқ чукурларга қуладим, аммо бу қулашлар ичида тилдан тойилиб йиқилишдан заарлироғини туймадим. Чўғлар устидан юрдим, кун тифида қумларга қадам босдим, лекин ғазаб мени эгаллаб олганда аланталанган оловдан иссиқроғини кўрмадим. Жонимга роҳат изладим, аммо кераксиз нарсани тарқ қилишдан кўра роҳатлироқ нарсани топмадим. Денгизларга отланиб, турли-туман даҳшатларга гувоҳ бўлдим, аммо золим сultonнинг олдида туришдан даҳшатлироғини кўрмадим. Чўл-саҳроларда, тоғларда ёлғиз қолдим, лекин ёмон дўстдан ваҳшийроғини кўрмадим. Ширин нарсаларни еб, тотли ичимликларни ичдим, гўзалларни қучоғимга олдим, аммо соғлиқ ва хотиржамлиқдан кўра лаззатлироғини топмадим. Йиртқичлар, бўрилар билан тил топишдим, дўстлашдим, курашдим, улардан ғолиб келдим, лекин ёмон хулқли кишидан ғолиб келолмадим. Аччиғи тилдан ўтиб кетадиган сабир ўсимлигини едим, энг аччиқ дориларни ичдим, аммо қашшоқлиқдан аччиқроғини кўрмадим. Жангларга кирдим, ўлим билан юзма-юз бўлдим, қиличларни уриштирдим, тенгқур паҳлавонлар билан курашдим, лекин ёмон хотиндан оғирроғини, ғолиброғини кўрмадим. Темирларни букиб, тўғирлаб

ишлов бердим, харсанг тошларни жойидан кўчирдим, аммо қарздан оғирроқ юкни кўрмадим. Азиз кишини хор қиласиган, кучлини синдирадиган, улуғни паслатадиган нарсалар ҳакида ўйладим ва мухтоҷ ва қашшоқ бўлишдан кўра хорловчироғини кўрмадим. Бойликни ҳамма жиҳатдан излаб, ўрганиб, билдимки, қаноатдан кўра катта бойлик йўқ экан. Тўплаган кўп бойликларимни садақа қилдим, аммо адашган бир кишини тўғри йўлга бошлишдан фойдалироқ садақани кўрмадим. Азизлик, шараф, машхурликни топиш учун уйлар қурдим, лекин солиҳ амал қилишдан юксакроқ шарафни кўрмадим. Дабдабали, энг қимматбаҳо кийимларни кийдим, аммо яхшилик деган кийимни кийолмадим. Инсондаги энг гўзал нарсани изладим, гўзал хулқдан чиройлироғини топмадим. Подшоҳларнинг ҳадялари мени хурсанд қилди, лекин улардан қутилишдан кўра хурсанд қилувчироқ нарсани кўрмадим”.

فِيْلَ حَكِيمٌ: هَلْ تَعْرِفُ نِعْمَةً لَا يُحْسِدُ عَلَيْهَا وَبِلَيْهَا لَا يُرْحِمُ صَاحِبُهَا؟ قَالَ: نَعَمْ، التَّوَاضُعُ وَالْكِبْرُ. وَقَالَ حَكِيمٌ: مَنْ تَكَبَّرَ فَقَدْ أَخْبَرَ عَنْ مَذَلَّةِ نَفْسِهِ وَمَنْ تَوَاضَعَ فَقَدْ أَظْهَرَ كَرَمَ طَبْعِهِ. لَنْ تَنَالَ مَا تُرِيدُ إِلَّا بِتَرْكِ مَا تَشْتَهِي. لَنْ تَبْلُغَ مَا تَأْمُلُ إِلَّا بِصَبْرِكَ عَلَى مَا تَكُرُهُ

Донишманддан сўралди: “Ҳасад қилинмайдиган неъматни ва шундай бир балони биласанми, унга йўлиққан кишига раҳм қилинмайди? –Ҳа, ҳасад қилинмайдиган неъмат – камтарлик, эгасига раҳм қилинмайдиган бало – кибр, – деди донишманд. Донишманд айтди: “Такаббурлик қилган киши ўзининг хорлигидан хабар берган, ўзини паст олган киши табиатининг улуғлигини юзага чиқарган бўлади”. Истаган нарсангни тарк қилмагунча истагингга эришолмайсан. Ёмон кўрган нарсаларингга сабр билан тоқат қилмагунча орзуингга етолмайсан.

حَتَّى تَسْوَدَ وَجْهُهُ فِي الْمَبْدَا  
شعر: مَا ابْيَضَ وَجْهُ الْمَرْءِ فِي طَلَبِ الْعِلَّا

Шеър(насрий баён): “Олий мартабага етиш талабида кишининг юзи ёришиб оқармайди, токи аввал тўкилган терлардан юзи қорайиб кетмагунча”.

مَنِ انتَقَمَ فَقَدْ شَفَى غَيْظَهُ وَمَنْ عَفَا اسْتَحْقَ الشُّكْرَ مَنْ أَخَذَ حَقَّهُ لَمْ يُذْكُرْ لَهُ فَضْلٌ كَظُمٌ  
الغَيْظِ حِلْمُ التَّشَفِي طَرَفٌ مِنَ الْجَزِعِ الْمُعَاقِبُ مُسْتَوْدِعٌ أَوْلَيَاءُ الْمُذْنِبِ عَدَاوَةً، وَالصَّافِحُ مُسْتَرِعٍ  
لِشُكْرِهِمْ، آمِنٌ مِنْ مُكَافَأَتِهِمْ. لَأَنْ تُوصَفَ بِاتِّساعِ الصَّدْرِ خَيْرٌ مِنْ أَنْ تُوصَفَ بِضِيقِهِ.

Кимки ўч олса, ғазабини шифолабди, кимки кечирса, шукрга ҳақли бўлибди. Ҳаққини ундириш киши учун фазилат эмас. Ғазабни ичга ютиш ҳалимликдир. Ўч олиш пайида бўлиш сабрсизликнинг бир кўриниши. Жазоловчи гуноҳкорнинг яқинларига душманликни омонат қўйувчи, гуноҳкорни кечиравучи эса унинг яқинларидан келадиган шукр-раҳматни ўзига қаратувчи ва уларнинг кейинги “жавоб”ларидан омонлик топган кишидир. “Қалби кенг” деб сифатланишингиз “қалби тор” деб сифатланишдан яхшироқдир.

إِقَاتْكَ عَشَرَاتِ الْعِبَادِ، مُوجِبٌ لِإِقَالَةِ عَشَرَاتِكَ فِي الْمَعَادِ الزُّهْدُ قَطْعُ الْعَلَائِقِ وَهَجْرُ الْخَلَائِقِ.  
الدُّنْيَا سَاعَةٌ فَاجْعَلْهَا طَاعَةً.

Бандаларнинг тойилишларини кечиришинг Қиёматда сенинг тойилишларингнинг кечирилишини вожиб қиласи. Зоҳидлик – барча (дунёвий) алоқалардан узилиш ва яратиқнинг ҳар қандайини тарк этиб, ёлғиз Яратувчига боғланиш. Дунё бир соат, шундай экан, уни тоатга сарфла.

شعر:

إِذَا كُنْتُ أَعْلَمُ عِلْمًا يَقِينًا بِأَنَّ جَمِيعَ حَيَاةِي كَسَاعَةٍ  
فَلِمَ لَا أَكُونُ ضَنِينًا إِلَيْهَا وَأَجْعَلُهَا فِي صَلَاحٍ وَطَاعَةٍ؟

Шеър (насрий баён): “Агар мен барча ҳаётим бир соат муддат каби эканини аниқ билсам, у ҳолда, нега бу муддатга хасислик қилмаяпман ва вақтимни солих амаллар, тоат учун сарфламаяпман?!”.

الْتَّصَوْفُ تَرْكُ التَّكْلُفِ. قِيلَ لِبَعْضِهِمْ: لَمْ لَا تَنْزَوَّجْ؟ فَقَالَ: لَوْ قَدِرْتُ أَنْ أُطْلِقَ نَفْسِي  
لَطَّلَقْتُهَا وَأَنْشَدَ: شعر: بَخَرَدْ مِنَ الدُّنْيَا فَإِنَّكَ إِنَّمَا نَزَلْتَ إِلَى الدُّنْيَا وَأَنْتَ مُحَرَّدْ

Тасаввуф – такаллуфни тарк қилишдир. Сўфийлардан биридан: “Нимага уйланмайсан? – деб сўралса, – агар ўзимни талоқ қилишга қодир бўлганимда, албатта, талоқ қилган бўлардим” – деб ушбу шеърни айтган экан (шеърнинг насрий баёни): “Сен ўзингдан дунёни сидириб, яланғоч бўл, чунки дунёга яланғоч ҳолда келгансан”.

قِيلَ لِبَعْضِ الْعَبَادِ: مَا أَصْبَرَكَ عَلَى الْوَحْدَةِ! قَالَ: أَنَا جَلِيسُ الرَّبِّ إِنْ شِئْتُ أَنْ يُنَاجِيَنِي  
قَرَأْتُ كِتَابَهُ وَإِنْ شِئْتُ أَنْ أُنَاجِيَهُ صَلَّيْتُ لَهُ . وَقَالَ ذُو النُّونُ الْمِصْرِيُّ: الْأَنْسُ بِاللَّهِ نُورٌ سَاطِعٌ  
وَالْأَنْسُ بِالْخُلْقِ غَمٌ وَاقِعٌ.

Обидлардан бирига: “Ёлғизлика бунчалар сабрлисан” – дейилса, у: “Йўқ, мен доимо Парвардигор билан биргаман, агар Раббим менга гапиришини хоҳласам, У Зотнинг Китоби – Қуръонни ўқийман, агар Раббимга гапиришни хоҳласам, Унинг учун намоз ўқийман” – деди. Зуннун Мисрий айтган экан:

“Аллоҳга улфат бўлиш чараклаган нурдир, ҳалққа улфат бўлиш эса бошга тушган ғамдир”.

وَقَالَ الْعِتَابِيُّ: مَا رَأَيْتُ الرَّاحَةَ إِلَّا فِي الْخَلْوَةِ وَلَا الْأَنْسَ إِلَّا مَعَ الْوَحْشَةِ. الدُّنْيَا نَوْمٌ وَالآخِرَةُ  
يَقْظَةٌ وَالْوَاسِطَةُ بَيْنَهُمَا الْمَوْتُ وَتَحْنُّ فِي أَضْغَاثِ أَحْلَامٍ.

Иътобий дейди: “Роҳатни фақат хилватда, Аллоҳ билан ошноликни фақат ёлғизлиқда топдим. Дунё – уйқу, охират – уйғоқлик, икковининг ўртасидаги восита – ўлим, яшаётганимиз бу ҳаёт, аслида, биз кўраётган алоқ-чалоқ тушлардир”.

Шур:

يَا رَاقِدَ اللَّيلِ إِنْتِبِهْ  
إِنَّ الْحُطُوبَ لَهَا سُرَى  
ثِقَةُ الْفَتَىٰ بِزَمَانِهِ  
ثِقَةُ مُحَلَّلَةِ الْعُرَىٰ

Шеър (насрий баён): “Эй, кечани уйқу билан ўтказгувчи, уйғонгил, ҳалокатлар сен томон шошяпти! Замонига (яъни, айни дамдаги аҳволига) алданиб қолган йигитнинг ишончи, бамисоли тутса ечилиб кетадиган ҳалқага бўлган ишончdir”.

وَقَالَ ابْنُ الْمُبَارَكِ: مَنْ جَاهَ طَرْفُهُ كَثُرَ أَسْفُهُ. مِنْ سُوءِ الْقَدَرِ التَّهَاوُنُ فِي النَّظَرِ. مَنْ نَظَرَ  
بِعَيْنِ الْهَوَى حَارَ وَمَنْ حَكَمَ الْهَوَى عَلَيْهِ حَارَ. مَنْ أَطَالَ النَّظَرَ لَمْ يُدْرِكِ الْعَايَةَ وَلَيْسَ لِلنَّاظِرِ نِهايَةٌ.  
رُبَّمَا أَبْصَرَ الْأَعْمَى رُشْدَهُ وَأَضَلَّ الْبَصِيرُ قَصْدَهُ.

Ибн Муборак деди: “Кимнинг кўзи у ёқ бу ёқка югуриб “олма терса”, афсуси кўп бўлади”. У ёқ, бу ёқка аланглайвериши арзимас санаш – тақдирнинг шўрлиги, баҳтиқароликдир. Ҳавои нафснинг кўзи билан билан қараган кишининг кўзи қамашиб гангийди. Ҳавои нафсни ўзига хрким қилган киши зулм қиласи. Қарашни кўпайтирган киши мақсадга етолмайди, чунки қарашнинг охири йўқ. Кўпинча кўзи кўрлар тўғри йўлни топади, кўзи очиқлар эса адашади.

رَبَّ حَرْبٍ حَمِيتُ مِنْ لَفْظَةٍ وَرَبَّ حُبٍ عُرِسَ مِنْ لَحْظَةٍ. إِذْمَانُ النَّظَرِ يَكْشِفُ الْحَبْرَ  
 وَيَفْضَحُ الْبَشَرَ وَيُطِيلُ الْمُكْثَ فِي سَقَرٍ. إِنْ حَفِظْتَ عَيْنَيْكَ حَفِظْتَ كُلَّ الْجَوَارِحِ وَإِنْ أَطْلَقْتُهُمَا  
 أُوقَعْتَكَ فِي الْفَضَائِحِ.

Битта сўз билан уруш олови алангаларади, битта қараб қўйиш билан муҳаббат уруғи экилади. Берилиб қараш хабардорликни ҳосил қиласи, шу билан бирга инсонни бузади ва дўзахда узоқроқ қолишни вожиб этади. Агар иккала кўзингни (ёмонликларга тикишдан) сақласанг, барча аъзоларингни (ёмонликдан) сақлаган бўласан. Агар назарингни эркин қўйиб юборсанг, кўзларинг сени шармандалика қулатади.

عَلَامَةُ الْقَطِيعَةِ مِنَ الصَّدِيقِ أَنْ يُؤَخِّرَ الْجَوابَ وَلَا يَبْتَدِي بِكِتَابٍ. لَا يُفْسِدُ بِلَكَ الظُّنُونَ عَلَى  
 الصَّدِيقِ قَدْ أَصْلَحَكَ الْيَقِينُ لَهُ. إِنْ كَثُرَتْ ذُنُوبُ الصَّدِيقِ إِنْمَحَقَ السُّرُورُ بِهِ وَتَسْلَطَتِ التُّهْمَةُ  
 عَلَيْهِ.

Дўстдан узилишнинг белгиси – унга жавоб қайтаришни кечикириш ва унга мактуб ёзишни аввал бошламаслик. Аниқ ишонч туфайли ўнгланган дўстликни гумон билан бузиб қўйма. Агар дўстнинг

гуноҳлари кўпайса, шу гуноҳлар сабаб хурсандчилик йўқолади, сени унга нисбатан ишончсизлик эгаллайди.

شعر:

وَمَا عَلِقْتُ يَدِي بِصَدِيقٍ صِدْقٍ  
أَنْحَافُ عَلَيْهِ إِلَّا حِفْتُ مِنْهُ  
وَمَا تَرَكَ التَّحَارِبُ لِي صَدِيقًا  
أَمْيَلُ إِلَيْهِ إِلَّا مِلْتُ عَنْهُ

Шеър (насрий баён): “Қачонки бирорга чинакам дўстлик билан боғланиб, у ҳақида ростакам қайгуар эканман, ўша дўстнинг ўзидан зарар этиш хавфи туғилди, ундан қўрқдим. Бошимдан ўтган тажрибалар кўнглимга мойил бирорта дўстни қолдирмади, аксинча, кўнглимни улардан бездирди”.

مَنْ لَمْ يُقَدِّمْ الْإِمْتِحَانَ عَلَى الشِّفَةِ وَالثِّقَةِ عَلَى الْأَنْسِ أَمْرَرْتُ مَوْدَتُهُ نَدَمَا

Кимки имтиҳонни ишончдан, ишончни дўстликтан муқаддам қилмас экан, унинг муҳаббати фақат пушаймонлик мевасини беради.

شعر:

عَلَى شَهْوَاتِ النَّفْسِ فِي زَمَنِ الْعُسْرِ	إِذَا شِئْتَ أَنْ تَسْتَقْرِرِضَ الْمَالَ مُنْفِقاً
عَلَيْكَ وَأَنْظِرْهَا إِلَى زَمَنِ الْيُسْرِ	فَسَلِّنْ نَفْسَكَ إِلِّقْرَاضَ مِنْ كَنْزِ صَبْرِهَا
فَكُلُّ مُنْوِعٍ بَعْدَهَا وَاسْعُ الْغُذْرِ	فَإِنْ فَعَلْتَ كُنْتَ الغَنِيًّا وَإِنْ أَبْتِ

Шеър (насрий баён): “Сен инфоқ қилувчи бир бойдан қийинчилик вақтида нафс хоҳиши йўлида қарз сўрашдан аввал нафсингнинг сабр хазинасидан қарз сўра ва қийинчилик ўтиб, енгилликка етгунча кут. Агар нафсинг қарз берса, сен бойсан. Агар бош тортса, ўзгалардан гина

қилмасанг ҳам бўлади. Чунки ўз нафсинг сенга қарз бермаганидан кейин бошқалар сенга қандай қарз берсин?!”

**نُصْحُ الْمُحِبِّ تَأْدِيبٌ وَنُصْحُ الْعَدُوِّ تَأْنِيبٌ.** ظَاهِرُ الْعِتَابِ خَيْرٌ مِّنْ بَاطِنِ الْحِقْدِ. مَا حُمِيَ الْوُدُّ إِيمَانُ الْعِتَابِ. الصَّدَاقَةُ حِفْظُ الْغَيْبِ. مَنْ أَكْثَرَ النَّوْمَ لَمْ يَجِدْ فِي عُمْرِهِ بَرَكَةً وَمَنْ أَكْثَرَ الْأَكْلَ لَمْ يَجِدْ لِذَّةَ الْعِبَادَةِ.

Дўстнинг насиҳати – одоб бериш, душманнинг насиҳати – сўкишдир. Ошкора танбех махфий гина-кудуратдан яхшироқдир. Дўстлик тўғри танбех билан химоя қилинади. Дўстингни ўзи йўғида химоя қилишинг – дўстликдир. Уйқуни кўпайтирган кишининг умридан барака қочади, кўп таом еган киши ибодат лаззатидан бебахрадир.

**لَيْسَ كُلُّ طَالِبٍ يُدْرِكُ وَكُلُّ هَارِبٍ يَنْجُو. إِذْخَارُ الرِّجَالِ أَوْلَى مِنِ اِذْخَارِ الْمَالِ، فَإِنَّ كُلَّ دِرْهَمٍ يُعْنِي عَنْ غَيْرِهِ وَمَا كُلُّ رَجُلٍ يَسْتُدْ مَسَدَّهُ عَيْرُهُ.**

Ҳар бир изловчи киши ҳам излаганига етавермайди, ҳар бир қочувчи киши ҳам нажот топавермайди. Мард кишиларнинг орттирилиши мол орттирилишидан (яъни, атрофингда мард кишиларнинг кўпайиши, молинг кўпайишидан) яхшироқдир. Чунки бир танга бошка танганинг ўрнини босиши мумкин, аммо бир одам бошка одамнинг ўрнини босолмайди.

شعر:

<b>فَكُنْ بِهِمْ كَذِي الرَّحِمِ الشَّفُوقِ وَعَمِّ الْعَيْنَ عَنْ عَيْبِ الصَّدِيقِ</b>	<b>إِذَا رَأَفَقْتَ بِالْأَسْفَارِ قَوْمًا بَشُوشَ الْوَجْهِ ذَا عَقْوٍ وَصَفْحٍ</b>
--	--

وَلَا تَأْخُذْ بِعَشْرَةِ كُلِّ شَخْصٍ  
وَلَكِنْ قُلْ هَلْمَ إِلَى الْطَّرِيقِ  
فَإِنْ تَأْخُذْ بِعَشْرَهُمْ يَقُلُوا  
وَتَبَقَّى فِي الْطَّرِيقِ بِلَا رَفِيقٍ

Шеър (насрий баён): “Сафарларда бирор қавм билан ҳамроҳ бўлсанг, уларга меҳрибон қариндошлардек юзинг очик, кечиримли бўл, кўзингни кўр қил, дўстнинг айбини кўрмасин. Ҳар бир кишининг қоқилишига дашном беравермасдан, аксинча, “келинг, мана бу йўлдан юринг” деб уларга хушмуомала қил. Агар ҳамроҳларингнинг ҳар тойилишига дашном бераверсанг, уларнинг сони камаяди ва охирида бу йўлда ўзинг ёлғиз, дўстсиз қоласан”.

اذا كانت الغاية الزوال فما الجزع من تصرف الاحوال. من أسرف في حب الدنيا مات فقيرا و من قنع عاش غنيا. أعقل الناس من اعتبر بما راي و اتعظ بما سمع. شر ما في الكريم أن يمنعك خيره و خير ما في اللئيم أن يمنعك شره. حركة الاقبال بطيئة و حركة الادبار سريعة.

Ҳар бир нарсанинг заволи, яъни бир кун йўқликка юз тутиши бор экан, ҳолатларнинг ўзгариб туришидан нега жазавага тушиш керак?! Кимнинг дунёга муҳаббати ҳаддан ошса, қашшоқ ҳолда ўлади, борига қаноат қиласидиган киши бой яшайди. Одамларнинг ақллиси – кўрганидан ибрат оладигани ва эшитганидан насиҳатланадигани. Улуғ, саховатли кишидаги ёмон иллат – ўзидағи бир яхшиликдан сени тўсиши бўлса, маломатга лойик, пасткаш кишидаги яхшилик эса сени ўзидағи ёмонликдан тўсишидир. Сен қучоқ очиб кутадиган нарсаларнинг келиши мунча секин, кетиши эса мунча тез!

شعر:

إِنَّ لِلْمَجْدِ أَوْقَاتًا وَتَرْتِيبًا  
لَا يُؤْسِنَكَ مِنْ مَجْدٍ تَرْفُعُهُ

إِنَّ الْقَنَاءَ الَّتِي شَاهَدْتَ رُفْعَتَهَا  
تَنْمُو وَتَبْتُ أَنْبُو بَا فَأَنْبُو بَا

Шеър (насрий баён): “Сен улуғликка кўтарилишдан ҳеч ноумид бўлма. Чунки улуғликка эришишнинг ўз вақти ва тартиблари бор. Юқорига ўрлаган сув йўлларига тикилсанг, сувнинг қувурлар оша астасекин юксакликка кўтарилаётганини кўрасан.

الْبِطْنَةُ تُذَهِّبُ الْفِطْنَةَ. عَصْفُورٌ فِي الْيَدِ خَيْرٌ مِّنْ كُرْكِيٍّ فِي الْهُوَاءِ. خَيْرُ الْوَعْظِ مَا رَدَعَ وَخَيْرُ  
الْمَالِ مَا نَفَعَ. إِنْ طَلَبْتَ السَّلَامَةَ فَلَا تُعَادِ الْأَسْرَارَ وَإِنْ طَلَبْتَ مِنْ صَدِيقَ الْكَرَامَةَ فَلَا تُؤَدِّعْهُ  
الْأَسْرَارَ.

Очкўзлик билан тўлган қорин закийликни кеткизади. Қўлдаги чумчук осмондаги ўрдақдан яхши. Ваъз-насиҳатнинг яхиси – ёмонликдан қайтаргани ва молнинг яхиси – фойда бергани. Агар соғомон бўлишни хоҳласанг, ёмонлар билан ёвлашма, агар дўстингдан ҳурмат кўришни истасанг, унга сирингни айтма.

الْفَقْرُ هُوَ الْمَوْتُ الْأَحْمَرُ وَالْجَحْرُ إِنْ دَامَ دَمَرُ وَالْأَعْمَى مَيِّتٌ وَإِنْ لَمْ يُقْبَرْ. الْمَنَامُ شُعْبَةٌ مِّنَ  
الْحُمَامِ. أَقْلَلُنَّ طَعَامَكَ تَحْمَدُ مَنَامَكَ. أَفْضَلُ مِنَ السُّؤَالِ رُكُوبُ الْأَهْوَالِ. مَنْ دَامَتْ سَخَطَاتُهُ  
دَامَتْ حَسَرَاتُهُ. مَنِ اسْتَوَى الْحِرْصُ عَلَيْهِ أَسْرَعَ الْمَقْتُ إِلَيْهِ.

Камбағаллик бу қип-қизил ўлим. Зулм давомли бўлса, ҳалок қиласди. Кўр ўликдир, гарчи кўмилмаган бўлса ҳам. Уйқу – ўлимнинг бир бўлаги. Таом ейишни камайтири, уйқунгни мақтаб юрасан. Мехнату мاشаққатлар билан топиш бандадан тиланишдан афзалдир. Ғазаби

давомлининг ҳасрати давомли. Очкўзлик эгаллаган, ҳирсга қул киши нафратга тез йўлиқади, одамларга ёмон кўринадиган бўлиб қолади.

شعر:

فَإِنْ فَعَلْتَ فَرَاعِ الْقَصْدَ فِي الْطَّلْبِ وَيُحْرِمُ الْمَرْءُ ذُو الْأَسْفَارِ وَالْتَّعَبِ	إِيَّاكَ وَالْحِرْصَ إِنَّ الْحِرْصَ مَتَّبَعٌ قَدْ يُرْزَقُ الْمَرْءُ لَمْ تَتَّعَبْ رَوَاحِلُهُ
--	--

Шеър (насрий баён): “Очкўзликдан эҳтиёт бўл, чунки у машаққатга сабаб. Мабода ҳирс ғолиб келиб, очкўзлик талабида бўлсанг-да, ўртacha йўл тут. Гоҳо киши уловлари чарчамасдан ризқлантирилади, гоҳо сафарларга отланиб, мешаққатлар тортиб ризқдан маҳрум ҳам қилинади”.

مَنْ صَبَّا إِلَى الشَّهَوَاتِ أَوْرَثَتُهُ النَّكَبَاتِ . مَنْ أَمِنَ الزَّمَانَ لَقِيَ الْهُوَانَ . مَنْ كَتَمَ سِرَّهُ جَهَلَ  
 الْعَدُوُّ أَمْرَهُ . مَنْ تَرَيَا بِغَيْرِ مَا هُوَ فِيهِ فَضَّحَ الْإِمْتِحَانُ مَا يَدَعِيهِ . مَنْ تَكَلَّفَ مَا لَا يَعْنِيهِ فَأَتَهُ مَا  
 يَعْنِيهِ . مَنْ أَرْسَلَ طَرْفَهُ اسْتَدْعَى حَتْفَهُ . مَنْ كَانَ قَوِيًّا كَانَ بَهِيًّا . مَنْ شَابَ رَأْسُهُ أَخْلَقَ لِبَاسَهُ . مَنْ  
 عَاتَبَ عَلَى كُلِّ ذَنْبٍ أَخَاهُ مَلَهُ وَقَلَاهُ .

Кимки нафс хоҳишларига берилса, бу хоҳишлар унга мусибатларни келтиради. Кимки замонга ишонса, хорликка йўлиқади. Кимки сирини беркитса, душман унинг ишидан ғофил қолади. Кимки ўзида йўқ нарса билан бурканса, яъни ўзида йўқ нарсани бор қилиб кўрсатса, унинг бу пуч даъвосини имтиҳон фош этади, расво қиласи. Кимки бехуда ишларга ортиқча чиранса, муҳим ишларни бой беради. Кўзини эркин қўйиб юборган киши ўлимини чақирган бўлади. Ким кучли бўлса, у чиройлидир. Сочи оқарган кишининг либоси ҳам тўзади – ташқи холатида қарилик аломатлари кўринади: юзига

ажин тушади, териларидан таранглик кетиб, осилиб, буришади. Кимки ҳар бир гунохи учун дўстига танбех бераверса, дўсти ундан зерикиб, уни ёмон кўриб колади.

شعر:

صَدِيقَكَ لَمْ تَلْقَ الَّذِي لَا تُعَايِبُهُ مُفَارِقُ ذَنْبٍ مَرَّةً وَمُجَانِبُهُ ظَمِيْتَ وَأَيُّ النَّاسِ تَصْفُو مَشَارِبُهُ كَفَى الْمَرءَ نَبْلًا أَنْ تُعَدَّ مَعَايِبُهُ	إِذَا كُنْتَ فِي كُلِّ الْأُمُورِ مُعَايَبًا فَعِيشْ وَاحِدًا أَوْ صِلَهُ أَخْحَادَ فَإِنَّهُ إِذَا أَنْتَ لَمْ تَشْرَبْ شَرَابًا عَلَى الْقَدَى وَمَنْ ذَا الَّذِي تُرْضِي سَجَایَاهُ كُلُّهَا
---	--

Шеър (насрий баён): “Ҳар ишда дўстингга дашном бераверадиган бўлсанг, билгилки, дашном олмайдиган одамни тополмайсан. Бас, ё ёлғиз яша ёки дўстинг билан дўстлик риштасини боғла. Чунки у бир гал хато қилса, бир гал хатодан ўзини четга тортади. Қачонки, сен сувга хас тушган деган гумонда ҳар сафар оғзингни сувдан олиб қочсанг, чанқаб қоласан. Қани, қайси кишининг ичадиган ери тиник, мусаффо?! Барча хулқлари сени рози қиласидиган ким бор? Кишининг саноқли айблари бўлиши унинг олийжаноблигига кифоя қиласиди.

لَيْسَ لِمُمَارِحٍ مُرْوَةٌ وَلَا لِمُمَارِ خُلَّةٌ. لَيْسَ مَعَ الْخِلَافِ ائْتِلَافٌ. رُبَّ إِغْبَابٍ خَيْرٌ مِنْ إِكْبَابٍ.

Хазил-мазаҳга берилган кишининг одамгарчилиги йўқ, жанжалкаш кишининг дўсти йўқ. Доим ихтилоф қиласидиган кишининг улфати бўлмайди. Вақти-вақти билан зиёратлашиш ҳар кун кўришишдан яхшидир.

شعر:

عَنْكَ يَأْتِيكَ الْأَذَى مِنْ قِبَلِهِ	رُبَّ مَنْ تَرْجُو بِهِ دَفَعَ الْأَذَى
قَدْ أَتَاهُ خَوْفُهُ مِنْ أَمْلِهِ	رُبَّ مَأْمُولٍ لَهُ مِنْ رَجُلٍ

Шеър (насрий баён): “Мени азиятдан халос қилади, деб умид қилган кишингдан, ха, кўпинча айнан ўша кишингдан сенга озор етади. Ёрдамидан умидвор бўлиб, орзунгга айланган кишидан, ха, кўпинча ўша орзунгдан сенга хавф етади”.

أَجْهَلُ النَّاسِ مَنْ يَعْتَمِدُ فِي أُمُورِهِ عَلَى مَنْ لَا يَأْمُنُ غَائِلَتَهُ وَلَمْ يَرْجُ نَصِيحَتَهُ. مَنْ أُوغْرَثَ  
صَدْرَهُ اسْتَدْعَيْتَ شَرَّهُ.

Кимки ўз ишларида ёмонлигидан сақланиб бўлмайдиган, холислиги умид қилинмайдиган кимсага суянса, билингки, у одамларнинг энг нодонидир. Бироннинг қалбида нафрат уйғотсанг, демак унинг ёмонлигини ўзинг сари чорлабсан.

شعر:

مَنْ يَرْزِعُ الشَّوْكَ لَا يَجْنِي بِهِ عِنْبًا	إِذَا وَتَرَتْ إِمْرَأً فَاحْذَرْ عَدَاؤَهُ
--	---

Шеър (насрий баён): “Қачонки бир кишига зарар етказсанг, унинг адватидан эҳтиёт бўл. Кимки тикан экса, у ердан узум териб олмайди”.

حَاسِبْ نَفْسَكَ تَسْلِمْ وَاحْفَظْ دِينَكَ تَغْنِمْ.	مَنْ فَعَلَ الْحُمْرَ فِي نَفْسِهِ بَدَأَ
وَمَنْ فَعَلَ الشَّرَّ فَعَلَى نَفْسِهِ اعْتَدَى	

Нафсингни ҳисоб-китоб қилиб юр, саломат бўласан, динингни асра, ўлжани қўлга киритасан. Яхшилик қилган киши аввал ўзига яхшилик қилган, ёмонлик қилган ҳам аввал ўзига душманлик қилган бўлади.

شعر:

وَيَحْصُدُ الْزَّارِعُونَ مَا زَرَعُوا	غَدًا تُؤْتَى النُّفُوسُ مَا كَسَبَتْ
وَإِنْ أَسَأُوا فِيْسَ مَا صَنَعُوا	إِنْ أَحْسَنُوا أَحْسَنُوا لِأَنفُسِهِمْ

Шеър (насрий баён): “Ҳар бир жон эртага қилган ишининг мукофот – жазосини тўла олади. Нима эккан бўлсалар, шуни ўришади. Агар яхшилик қилган бўлсалар, бас, ўзлари учун қилишди, агар ёмонлик қилган бўлсалар, бу ишлари қандай ҳам ёмон!”

مَنْ أَطَاعَ هَوَاهُ بَاعَ دِينَهُ بِدُنْيَاهُ. الْهُوَى أَشَاءُ دَلِيلٍ وَالْأُمُّ خَلِيلٍ وَأَعْشَمُ وَالِّيْ وَأَعْشُ مُؤَالٍ.	وَيُكَذِّبُ الْعِيَانَ وَيُقَلِّبُ الْأَعْيَانَ وَيَجْلِبُ الْهُوَانَ.
---	--

Ҳавою нафсга, яъни кўнглиниг истаганига бўйсуниб қолган киши динини дунёсига сотган кишидир. Ҳавою нафс – йўл кўрсатувчининг энг ёмони, дўстнинг энг пасти, бошлиқнинг энг золими, дўст тутингланларнинг энг ёлғончисидир. У очиқ-ойдин нарсани ёлғонга чиқаради, асл нарсаларнинг оёғини осмондан қиласди, хорликни ўзига чорлайди.

شعر:

إِذَا الْمَرْءُ لَمْ يَغْلِبْ هَوَاهُ أَقَامَهُ	إِنْ مَنْزِلَةٌ فِيهَا الْعَزِيزُ ذَلِيلٌ
---	---

Шеър (насрий баён): “Агар киши ҳавою нафсига мағлуб бўлса, нафс ҳавоси унга азизлар хор бўладиган манзилни макон қилиб қўяди”.

فَخُذْ مِنْ تَقْسِيكَ لِنَفْسِكَ وَقُسْنِ مِنْ يَوْمَكَ عَلَى أَمْسِيكَ قَبْلَ أَنْ تَسْتَوْفِيَ الْأَجَلَ وَتَعْجِزَ عَنِ  
الْعَمَلِ وَاخْتَلِسِ الدَّهْرَ إِخْتِلَاصًا فَطَالَمَا سَرَّ ثُمَّ أَسَاءَ.

Бас, муддат битишидан, амалга ожиз бўлиб қолишдан аввал нафсингнинг фойдасига нафсингдан улуш ол, бугунингни кечангга қиёсла. Бу замондан юлиб олиб охиратинг учун ишлат, чунки кўпинча бу дунё сенга сурур бағишлиб, кейин хафа қиласи.

شعر:

فَعَمَّا قَلِيلٍ أَنْتَ مَاضٍ وَتَارِكُهُ	إِذَا كُنْتَ فِي أَمْرٍ فَكُنْ فِيهِ مُحْسِنًا
وَقَدْ مَلَكُوا أَضْعَافَ مَا أَنْتَ مَالِكُهُ	وَكَمْ أَفْنَتِ الْأَيَامُ أَصْحَابَ دَوْلَةٍ

Шеър (насрий баён): “Агар бир ишга киришсанг, уни чиройли бажар. Чунки озгинадан кейин сен ўтиб кетувчи, уни ташлаб кетувчисан. Мол-давлат эгаларининг қанчаларини кунлар йўқ қилди. Ҳолбуки, улар сен эга бўлган мол-мулкдан бир неча баробар кўп мол-давлатга эга эдилар”.

الْبَخِيلُ حَارِسُ نِعْمَتِهِ وَخَازِنُ وَرَثَتِهِ. الرِّضَى بِالْكَفَافِ خَيْرٌ مِنْ سُؤَالِ الْأَشْرَافِ.

Бахил ўзига берилган неъматнинг қоровули ва меросхўрлари ҳазинасини сақловчидир. Кифоя қиласиганига рози бўлиш улуғлардан сўрашдан яхшироқдир.

شعر:

تَعْفَفُ عَنِ الْأَعْلَى مِنَ الْعَيْشِ وَاحْتَكْمٍ  
وَإِنَّ يَدَ الْحُرِّ الْكَرِيمِ مَذَّلَةٌ

عَلَى النَّفْسِ إِنْ تَرْضَى سُؤَالَ كَرِيمٍ  
فَكَيْفَ إِذَا كَانَتْ يَدُ الْتَّيْمِ

Шеър (насрий баён): “Тўкин-сочин ҳаётдан тийил, сахий бойдан бирор нарса сўрамасликка нафсингни кўндири. Негаки, саховат эгасининг сахий қўллари ҳам (олувчининг) хорлигига сабаб бўлади. Энди берувчи лаъим – берганини пеш қиласерадиган пасткаш бўлса, унинг қўлидан олган шўрликнинг ахволи нима бўлади?!”

مَنْ كَثُرَ اخْتِلَافُهُ طَالَتْ غِيَبُتُهُ وَمَنْ كَثُرَ مَزَاحُهُ زَالَتْ هَيْبَتُهُ . مَنْ اسْتَوْزَرَ غَيْرَ كَفِءٍ خَاطَرَ  
بِمُلْكِهِ، وَمَنْ اسْتَشَارَ غَيْرَ أَمِينٍ أَعَانَ عَلَى هُلْكِهِ . مَنْ أَسَرَ إِلَى غَيْرِ ثِقَةٍ ضَيَّعَ سِرَّهُ وَمَنْ اسْتَعَانَ  
بِغَيْرِ مُسْتَقِلٍّ أَفْسَدَ أَمْرَهُ . وَمَنْ ضَيَّعَ أَمْرَهُ جَهَلَ قَدْرَهُ جَهَلَ كُلَّ قَدْرٍ .

Кимда қаршилик, ихтилоф кўпайса, унинг орқасидан ғийбат қилиш ҳам кўпаяди. Кимнинг ҳазил-мазахи кўпайса, ҳайбати йўқолади. Кимки муносиб бўлмаган кишини ўзига вазир қилса, мулкини хатарга солибди, кимки ишончсиз одамдан маслаҳат сўраса, ўзининг ҳалокатига ёрдам қилибди. Ишончсиз кимсага сир айтган киши сирини зоёв қилибди. Кимки мустақил бўлмаган кишидан кўмак сўраса, ўз ишини бузибди. Ўз ишини зоёв қилган киши барча ишни зоёв қилибди. Кимки ўзининг қадрини билмаса, ҳеч кимнинг қадрини билмайди.

شعر:

وَمَنْ جَهَلَتْ نَفْسُهُ قَدْرَهُ

رَأَى غَيْرُهُ [مَنْهُ] مَا لَا يَرَى

Шеър (насрий баён): “Нафс ўз эгасининг қадрини билмаса, эгаси кўрмаган нарса (айб)ларни бошқалар кўради”.

أَفْضَلُ الرَّأْيِ مَا لَمْ يُفَوَّتْ فُرْصَةً وَمَمْ يُورِثْ غُصَّةً. اسْتِصْلَاحُ الْعَدُوِّ بِحُسْنِ الْمَقَالِ، أَصْلَحُ  
مِنِ اسْتِصْلَاحِهِ بِطُولِ الْقِتَالِ.

Фикр-қарашнинг афзали – фурсатни бой беришга сабаб бўлмайдигани ва ғам-ғуссани келтирмайдигани. Яхши сўз ишлатиб душман билан келишиш узундан-узоқ уруш билан эришилган сулҳдан осонроқдир.

شعر:

إِنَّ الْعَدَاؤَةَ تَسْتَحِيلُ مَوَدَّةً  
بِتَدَارُكِ الْمُقَوَّاتِ بِالْحَسَنَاتِ

Шеър (насрий баён): “Тойилиш-қоқилишларни яхшиликлар билан ўнглаш орқали душманлик дўстликка айланиб қолади”.

مَنْ طَلَبَ مَا لَا يَكُونُ طَالَ تَعْبُهُ وَمَنْ فَعَلَ مَا لَا يَحْسُنُ كَانَ فِيهِ عَطَبُهُ. مَنْ قَصَرَ عَنْ  
سِيَاسَةِ نَفْسِهِ كَانَ عَنْ سِيَاسَةِ غَيْرِهِ أَقْصَرَ، وَمَنْ عَدَرَ بِأَهْلٍ بَيْتِهِ كَانَ بِأَهْلٍ وُدُّهُ أَغْدَرَ.

Бўлмайдиган нарсани талаб қилган кишининг машаққати узаяди, яхши бўлмаган ишни қилаверадиган кишининг ҳалокати ҳам шундай иш орқали келади. Ўзига сиёsat қилолмаган киши ўзгага қандай сиёsat қилсин?! Оиласига хиёнат қилувчи дўстларига янада хиёнаткорроқдир!

شعر:

إِذَا الْمَرْءُ ضَيَّعَ مَا أَنْكَحَهُ  
وَمَا لَإِلَّا تَتَبَرَّأُ  
فَدَعْهُ فَقَدْ سَاءَ تَدْبِيرُهُ  
سَيَضْحَكُ يَوْمًا وَيَبْكِي سَنَةً

Шеър (насрий баён): “Қачонки, қилиш мумкин бўлган ишни зое қилиб, хато йўлга мойил бўлса ва уни чиройли санаса, бундай кимсани тарк эт, чунки унинг бу тадбири – жуда ёмон тадбир! У бир кун кулса, бир йил йифлайди”.

الشَّرْكَةُ فِي الرَّأْيِ تُؤَدِّي إِلَى صَوَابِهِ وَالشَّرْكَةُ فِي الْمُلْكِ تُؤَدِّي إِلَى خَرَابِهِ أَعْمَدْ سَيْفَكَ مَا نَابَ عَنْهُ لِسَانُكَ وَاسْتَمِلْ عَدُوكَ مَا وَسِعَهُ إِحْسَانُكَ مَنْ أَصْلَحَ نَفْسَهُ أَرْغَمَ أَعَادِيهِ، وَمَنْ أَعْمَلَ حَدَّهُ بَلَغَ أَمَانِيهِ

Фикрда шерик – ҳамфирк бўлиш фикрнинг тўғрилигига, мулқдаги шериклик ўша мулкни хароб қилишга олиб боради. Қиличингни қинида сакла, модомики, тилинг унинг ўринбосари экан, душманингни ўзингга мойил қил, модомики, эҳсонинг унга етаётган экан. Ким ўзини ўнгласа, душманларини мағлуб қилибди, ким ҳаддида турса, орзуларига етибди.

شعر:

إِذَا الْمَرْءُ عُوْفَى فِي جِسْمِهِ  
وَأَعْطَاهُ مَوْلَاهُ قَلْبًا قُنُوْعًا  
وَأَغْرَضَ عَنْ كُلِّ مَا لَا يَلِيقُ  
فَذَاكَ الْمَلِيلُ وَإِنْ مَاتَ جُوْعًا

Шеър (насрий баён): “Қачонки киши жисман соғлом бўлса, Хожаси – Аллоҳ таоло унга қаноатли қалб ато этган бўлса ва у ҳар бир нолойик нарсалардан юз ўгирса, ана шу инсон подшоҳdir, гарчи очликдан ўлар ҳолатда бўлса ҳам”.

كُلُّ امْرٍ يَمِيلُ إِلَى شَكْلِهِ لَيْسَ العَجْبُ مِنْ جَاهِلٍ صَاحِبٌ جَاهِلًا إِنَّمَا الْعَجْبُ مِنْ عَاقِلٍ  
جَفَا عَاقِلًا كُلُّ شَيْءٍ يَنْفَرُ عَنْ ضِدِّهِ وَيَمِيلُ إِلَى نِدِّهِ.

Ҳар бир киши ўзининг ҳамшаклига, яъни хулқда ўзининг ўхшишига мойил. Нодон бошқа бир нодон билан дўстлашса, ажабланмаса ҳам бўлади. Аммо оқил кишининг яна бир оқил билан келишолмаслиги, бир-биридан қочиши ажабланарли! Ҳар бир нарса ўз зиддидан қочади ва ўзига ўхшаган нарсага мойилдир.

شعر:

وَكُلُّ امْرٍ يَصْبُو إِلَى مَنْ يُشَاكِلُهُ      وَلَا يُأْلِفُ الْإِنْسَانُ إِلَّا نَظِيرُهُ

Шеър (насрий баён): “Инсон фақат ўзига ўхшаш инсон билан ошна тутинади, ҳар бир киши ўзига ўхшишига интилади”.

لَا يَعْرِنَكَ كِبْرُ الْجِسْمِ مِنْ صَعْرَ فِي الْعِلْمِ وَلَا طُولُ الْقَامَةِ مِنْ قَصْرَ فِي الْإِسْتِقَامَةِ فَإِنَّ الدُّرَّةَ  
عَلَى صِغْرِهَا خَيْرٌ مِنَ الصَّخْرَةِ عَلَى كِبَرِهَا أَجْهَلُ النَّاسِ مَنْ يَغْتَرُ بِقَوْلٍ غَرِّ مِنْ مُتَمَلِّقٍ يُحْسِنُ لَهُ  
الْقَيْحَ وَيُبَغْضُ لَهُ النَّصِيحَ نَارُ الْجَفْوَةِ أَحْرَقُ مِنْ نَارِ الصَّبَوَةِ لَيْسَ لِضَحْجُورٍ رِيَاسَةً وَلَا لِمَلُولٍ إِدْرَاكٍ  
مِنْيَ وَلَا لِبَخِيلٍ صَدِيقٌ.

Модомики, илми кичик экан, унинг катта гавдасига алданиб қолма. Шунингдек, истиқомат, яъни тўғриликда қисқа экан, бўйининг узунлиги сени алдаб қўймасин. Чунки кичинагина дур улкан харсанг тошдан яхшироқдир. Одамларнинг энг нодони – хунукни чиройли, самимиятни нафратли қилиб кўрсатадиган хушомадшўй маддоҳнинг

ёлғон гапига алданган киши. Қўполлик олови ёшлиқ оловидан куйдирувчироқдир. Юраги тор киши бошлиқ бўлолмайди, зерикувчан киши орзусига етолмайди, баҳилда дўст бўлмайди.

شعر:

إِذَا أَنَا عَاتَبْتُ الْمُلُوكَ فَإِنَّمَا  
أَخْطُلُ بِأَقْلَامِي عَلَى الْمَاءِ أَخْرُفًا  
وَهَبْهُ إِرْعَوْيَ بَعْدَ الْعِتَابِ أَمَّ تَكُونُ  
مَوَدْنُهُ صَعْبًا فَصَارَتْ تَكَلُّفًا

Шеър (насрий баён): “Агар малолланиб турган (насиҳатдан зериккан) кишига танбех берсам, қаламларим билан сувга ҳарфлар ёзган бўламан. Майли, у танбехингни олди ҳам дейлик. Унинг сенга муҳаббати йўқ эди, бу танбехингдан кейин баттарроқ бўлди: йўқ нарсани бор қилиб кўрсатишга ўтди”.

لَا تُحِمِّلْ نَفْسَكَ مَا لَا تُطِيقُ وَلَا تَعْمَلْ عَمَلاً لَا يَنْفَعُكَ وَلَا تَغْتَرِ بِأَمْرَأٍ وَلَا تَثِقْ بِالْمَالِ  
وَإِنْ كَثُرَ اصْنَعَ الْمَعْرُوفَ تَكْسِبِ الْحَمْدَ، وَأَكْرِيمِ الْجَلِيلِسَ يُعَمَّرْ نَادِيكَ، وَأَنْصِفْ مِنْ نَفْسِكَ يُوَثِّقْ  
بِكَ. وَإِيَّاكَ وَالْأَخْلَاقَ الدِّينِيَّةَ فَإِنَّهَا تُضِيغُ الشَّرَفَ وَتَهْدِمُ الْمَجْدَ.

Тоқати етмайдиган ишни нафсингга юклама ва фойдасиз ишни қилма. Хотинга алданма молингга ишонма, гарчи у кўп бўлса ҳам. Яхши ишларни қил, мақтовга сазовор бўлсан. Суҳбатдошларингга иззат-ҳурмат кўрсатсанг, суҳбатинг обод бўлади. Инсоф ўз тарафингдан бўлса, сенга ишонч пайдо бўлади. Паст ҳулқлардан сақлан, чунки у улуғликни кеткизади, буюкликини барбод қиласди.

شعر:

أَرْوُمْ مِنَ الْمَعَالِيِّ مُنْتَهَا هَا  
وَلَا أَرْضَى بِمَنْزِلَةِ دَنَيَّهِ  
فَإِمَّا أَنْ تُصَادِفَنِي مَنِيَّهِ  
وَإِمَّا أَنْ نَيْلُ غَایَةٍ مَا أُرْجِحِي

Шеър (насрий баён): “Мен юксакликларнинг чўққиси сари интиламан, паст (яъни, дунёвий) мартабага рози бўлмайман. Мен учун ё ният қилганим ўша мақсадга етиш ёки ўша мақсад йўлида ўлиш бор”.

وَاعْلَمُ، أَنَّ رَئِيسَ الْعَشِيرَةِ يَحْمِلُ أَثْقَالَهَا وَرَئِيسَ الْقَبِيلَةِ يَتَّسِعُ أَحْمَالَهَا

Билгилки, қавмнинг бошлиғи уларнинг юкини қўтаради, қабиланинг бошлиғи уларнинг юкини енгил қилиш чорасини қидиради.

شعر:

فَأَنِلْ أَقَارِبَكَ الْأَقَاصِيَ فَضَلَّهَا	وَإِذَا أَنَّالَّكَ الْلَّيَالِيِ شَرَوَةً
حَتَّىٰ تُرِيَ دَمِثَ الْخَلَائِقِ سَهَلَهَا	وَاعْلَمُ بِأَنَّكَ لَنْ تَسْوُدَ فِيهِمْ

Шеър (насрий баён): “Қачонки кечалар (яъни, ўтган кунлар) сенга бир бойликни етказса, энг узоқ қариндошларингга ҳам у бойликдан орттири. Билгилки, қариндошларинг ичida улуғ бўлолмайсан, токи хулқларнинг энг юмшоғини уларга кўрсатмагунингча”.

صِحَّةُ الْجِسْمِ خَيْرٌ مِنْ شُرُبِ الدَّوَاءِ وَتَرْكُ الذَّنْبِ خَيْرٌ مِنَ الْإِسْتِغْفارِ

Жисм соғломлиги дори ичишдан яхшироқ, гуноҳни тарк қилиш ўша гуноҳ учун истиғфор айтишдан яхшироқ.

شعر:

وَقَدْ يُورِثُ الذُّلَّ إِذْمَانُهَا	رَأَيْتُ الذُّنُوبَ تُمْيِتُ الْقُلُوبَ
وَخَيْرٌ لِنَفْسِكَ عِصْيَانُهَا	وَتَرَكَ الذُّنُوبِ حَيَاةً الْقُلُوبِ

Шеър (насрий баён): “Гунохлар қалбларни ўлдираётганини, гунохни доимий қилиш хорликни мерос қолдираётганини кўрдим. Гуноҳларни тарк этиш қалбларнинг ҳаётидир. Нафсингга бўйинсунмаслигинг нафсинг учун яхшидир”.

زِينَةُ الْعِلْمِ الصِّدْقُ وَزِينَةُ الْكَرَمِ الْبِشْرُ وَزِينَةُ الشَّجَاعَةِ الْعَفْوُ عِنْدَ الْقُدْرَةِ.

Илмнинг зийнати – ростгўйлик, саховатнинг зийнати – юзи очиқлик, шижаотнинг зийнати – янчиб ташлашга қудрати бўлатуриб, кечира олишдир.

شعر:

وَالْكَلْبُ كَلْبٌ وَلَوْ بَيْنَ السِّبَاعِ رُبِّيَ	السَّبْعُ سَبْعٌ وَإِنْ كَلَّتْ مَحَالُبُهُ
صِفْرُ النُّحَاسِ وَكَانَ الْفَضْلُ لِلذَّهَبِ	وَهَكَذَا الْذَّهَبُ إِلَيْهِ بَرِيزٌ خَالَطَهُ
إِنْ رُمْتَ تَعْرَفَهُ وَانْظُرْ إِلَى الْأَدَبِ	لَا تَنْظُرَنَّ لِأَتْوَابِ عَلَى رَجُلٍ
مَا فَرَقَ النَّاسُ بَيْنَ الْعُودِ وَالْحَطَبِ	فَالْعُودُ لَوْ لَمْ تَفْحَ مِنْهُ رَوَاهِحُهُ

Шеър (насрий баён): “Йиртқич, гарчи тирноқлари ўтмас бўлиб қолган бўлса-да, йиртқичдир. Ит, гарчи йиртқичлар орасида тарбия топган бўлса-да, итдир. Шунингдек, соф тиллога миснинг сариқлиги аралашса ҳам, афзаллик тиллога тегишлидир. Сен кишини танимоқчи

экансан, унинг устидаги кийимида боқма, одобига қара. Тутатилганида бўй таратадиган хушбўй ўсимлик – уд ҳид таратмаса, одамлар уд билан ўтиннинг фарқига бормай қолади, яъни уд билан ўтин баробар бўлиб қолади”.

## ضرب مثل

### Зарбул масал

حُكِيَ أَنَّ فَرَسًا كَانَ لِرَجُلٍ مِنَ الشَّجَعَانِ وَكَانَ يُكْرِمُهُ وَيُحِسِّنُ الْقِيَامَ بِهِ وَلَا يَصِيرُ عَنْهُ سَاعَةً وَيُعِدُهُ لِمُهِمَّاتِهِ وَكَانَ يَخْرُجُ بِهِ فِي كُلِّ غَدَاءٍ إِلَى مَرْجٍ وَاسِعٍ فَيُزِيلُ عَنْهُ سَرْجَهُ وَبِحَامَهُ وَيُطِيلُ رَسْنَهُ فَيَتَمَرَّغُ وَيَرْعَى حَتَّى تَرْتَفَعَ الشَّمْسُ وَيَرْدُهُ إِلَى مَنْزِلِهِ وَإِنَّهُ خَرَجَ يَوْمًا عَلَى عَادَتِهِ إِلَى الْمَرْجِ فَلَمَّا نَزَلَ عَنْهُ وَاسْتَقَرَتْ قَدَمَاهُ عَلَى الْأَرْضِ نَفَرَ عَنْهُ الْفَرَسُ وَجَمَحَ وَمَرَّ يَعْدُو بِسَرْجِهِ وَبِحَامِهِ فَطَلَبَهُ الْفَارِسُ يَوْمَهُ كُلَّهُ فَأَعْجَزَهُ وَغَابَ عَنْ عَيْنِيهِ عِنْدَ عُرُوبِ الشَّمْسِ فَرَجَعَ الْفَارِسُ إِلَى أَهْلِهِ وَقَدْ يَكْسِنَ مِنَ الْفَرَسِ وَلَمَّا انْقَطَعَ الْطَّلَبُ عَنِ الْفَرَسِ وَأَظْلَمَ عَلَيْهِ اللَّيْلُ جَاءَ وَفَرَّمَ أَنْ يَرْعَى فَمَنَعَهُ الْلِّحَامُ وَرَأَمَ أَنْ يَتَمَرَّغَ فَمَنَعَهُ السَّرْجُ وَرَأَمَ أَنْ يَسْتَقِرَّ عَلَى أَحَدِ جَنِيَّبِهِ فَمَنَعَهُ الرَّكَابُ فَبَاتَ يُشَرِّ لَيْلَةً وَلَمَّا أَصْبَحَ ذَهَبَ يَبْتَغِي فَرَجًا إِمَّا هُوَ فِيهِ فَاعْتَرَضَهُ نَهْرٌ فَدَخَلَهُ لِيَقْطَعُهُ إِلَى الْجَانِبِ الْآخِرِ فَإِذَا هُوَ بَعِيدُ الْقُعْدَرِ فَسَبَحَ فِيهِ إِلَى الْجَانِبِ الْآخِرِ وَكَانَ حَزَامُهُ وَلِبْبُهُ مِنْ جَلْدٍ لَمْ يُبَالِغْ فِي دَبْغِهِ فَلَمَّا خَرَجَ مِنَ النَّهْرِ أَصَابَتِ الشَّمْسُ الْحَزَامَ وَاللِّبَبَ فَيَسِّا وَاشْتَدَّا عَلَيْهِ فَوَرَمَ عُنْقَهُ وَوَسَطَهُ وَاشْتَدَّ الضرَرُ عَلَيْهِ إِلَى مَا هُوَ مِنَ الْجُوْعِ فَلَيْثَ بِذَلِكَ أَيَّامًا إِلَى أَنْ ضَعَفَ عَنِ الْمَشِيِّ فَقَعَدَ فَمَرَّ بِهِ حِنْزِيرٌ وَهُمْ يَقْتُلُهُ ثُمَّ عَطَفَهُ عَلَيْهِ مَا رَأَى بِهِ مِنَ الْضَّعْفِ فَسَأَلَهُ عَنْ حَالِهِ فَأَخْبَرَهُ إِمَّا هُوَ فِيهِ مِنْ إِضْرَارِ الْلِّحَامِ وَالسَّرْجِ وَاللِّبَبِ وَالْحَزَامِ وَسَأَلَهُ أَنْ يَصْطَبِعَ مَعَهُ مَعْرُوفًا وَيُخْلِصَهُ إِمَّا ابْتُلِيَ بِهِ فَسَأَلَهُ الحِنْزِيرُ عَنِ الدَّنْبِ الَّذِي اسْتَحْقَ بِهِ تِلْكَ الْعُقُوبَةَ فَزَعَمَ الْفَرَسُ أَنَّهُ لَا ذَنْبَ لَهُ فَقَالَ الْحِنْزِيرُ: كَلَّا بَلْ أَنْتَ كَاذِبٌ فِي رَعْمِكَ أَوْ جَاهِلٌ بِجُرمِكَ فَإِنْ كُنْتَ يَا فَرَسٌ كَاذِبًا فَمَا يَنْبَغِي لِي أَنْ أُنْفِسَ عَنْكَ خِنَاقًا وَلَا أَصْطَبِعَ عِنْدَكَ مَعْرُوفًا وَلَا أَنْخِذُكَ وَلَيْا وَلَا أَتَمِسَ عِنْدَكَ شُكْرًا وَلَا أَطْلَبَ فِيكَ أَجْرًا فَإِنَّهُ كَانَ يُقَالُ:

اَحْذَرْ مُقَارَنَةً ذَوِي الصِّبَاعِ الْمَرْدُوْلَةِ لِعَلَّا يَسْرِقُ طَبْعُكَ مِنْ طِبَاعِهِمْ وَأَنْتَ لَا تَشْعُرُ وَكَانَ يُقَالُ:

أَصْعَبُ مَا يُعَانِيهِ الْإِنْسَانُ مُمَارَسَةً صَاحِبٍ لَا يَتَحَصَّلُ مِنْهُ عَلَى حَقِيقَةٍ وَكَانَ يُقَالُ: لَا تَطْمَعُ فِي اَصْطِلَاحِ الرِّذْلِ وَالْحُصُولِ عَلَى مَصَافَاتِهِ فَإِنَّ طِبَاعَهُ أَصْدَقُ لَهُ مِنْكَ وَلَنْ يَتَرَكَ طِبَاعَهُ مِنْ أَجْلِكَ.

ثُمَّ قَالَ لَهُ الْخِنْزِيرُ: وَإِنْ كُنْتَ أَئِيْهَا الْفَرَسُ بِحَالًا بِمُجْرِمَكَ الَّذِي اسْتَوْجَبْتَ بِهِ هَذِهِ الْعُقُوبَةَ فَجَهَلْكَ بِذَنْبِكَ أَعْظَمُ مِنْهُ فَإِنَّ مَنْ جَهَلَ ذُنُوبَهُ أَضَرَ عَلَيْهَا فَلَمْ يُرْجِعْ فَلَاحِهُ وَكَانَ يُقَالُ: اَحْذَرِ الْجَاهِلَ فَإِنَّهُ يُجْنِي عَلَى نَفْسِهِ وَلَسْتَ أَحَبَ إِلَيْهِ مِنْهَا. فَقَالَ الْفَرَسُ لِلْخِنْزِيرِ: يَنْبَغِي لَكَ أَنْ لَا تَزَهَّدَ فِي اَصْطِنَاعِ الْمَعْرُوفِ، فَإِنَّ الدَّهْرَ دُوْ صُرُوفٍ. فَقَالَ الْخِنْزِيرُ: إِنِّي لَسْتُ بِزَاهِدٍ فِي ذَلِكَ وَلَكِنَّهُ كَانَ يُقَالُ: الْعَاقِلُ يَتَخَيَّرُ لِمَعْرُوفِهِ كَمَا يَتَخَيَّرُ الْبَادِرُ لِبَدْرِهِ مَا زَگَّا مِنَ الْأَرْضِ فَحَدَّثْنِي يَا فَرَسُ عَنِ ابْتِدَاءِ أَمْرِكَ فِيمَا نَزَلَ بِكَ وَعَنِ حَالِكَ قَبْلَ ذَلِكَ لِأَعْلَمُ مِنْ أَيْنَ دُهِيتَ. فَحَدَّثَهُ الْفَرَسُ عَنْ جَمِيعِ أَمْرِهِ وَكَيْفَ كَانَ عِنْدَ فَارِسِهِ وَكَيْفَ فَارَقَهُ وَمَا لَقِيَ فِي طَرِيقِهِ إِلَى حِينِ اجْتِمَاعِهِ بِالْخِنْزِيرِ. فَقَالَ لَهُ الْخِنْزِيرُ: قَدْ ظَهَرَ لِي الآنَ أَنَّكَ جَاهِلٌ بِمُجْرِمَكَ وَأَنَّ لَكَ ذُنُوبًا سِتَّةً:

**الأول:** خِدْلَانُكَ فَارِسُكَ الَّذِي أَحْسَنَ إِلَيْكَ وَأَعْدَكَ لِلْمُهَمَّاتِ.

**والثاني:** كُفْرُكَ لِإِحْسَانِهِ.

**والثالث:** إِضْرَارُكَ بِهِ فِي طَلِيلِكَ.

**والرابع:** تَعَدِّيَكَ عَلَى مَا لَيْسَ لَكَ مِنَ الْعُدَّةِ وَهِيَ السَّرْجُ وَاللِّحَامُ.

**والخامسُ:** إِسَاءَتُكَ عَلَى نَفْسِكَ بِتَعَاطِيكَ التَّوْحُشَ الَّذِي لَسْتَ لَهُ أَهْلًا وَلَا لَكَ عَلَيْهِ مقدرة.

**والسادس:** إِصْرَارُكَ عَلَى ذَنْبِكَ وَتَمَادِيكَ فِي غَوَائِبِكَ فَقَدْ كُنْتَ مُتَمَكِّنًا مِنَ الْعَوْدِ إِلَى فَارِسِكَ وَالاسْتِقْبَالَةِ مِنْ فَرْطِ جَهْلِكَ قَبْلَ أَنْ يُوْهِنَكَ اللِّحَامُ بِالْجُوْعِ وَاللِّبَبِ وَالْحِزَامِ بِالضَّغْطِ. فَقَالَ الْفَرَسُ لِلْخِنْزِيرِ: أَمَّا إِذَا عَرَفْتَنِي ذُنُوبِي وَأَيْقَظْتَنِي لَمَا كُنْتُ ذَاهِلًا عَنْهُ بِحِجَابِ الْجَهْلِ فَانْطَلَقَ الآنَ وَدَعْنِي فَإِنِّي مُسْتَحْقٌ لِأَصْعَافِ مَا أَنَا فِيهِ. فَقَالَ لَهُ الْخِنْزِيرُ: أَمَّا إِذَا اعْتَرَفْتَ وَفَطَنْتَ لِهَذَا الْعُدْرِ وَلُمْتَ نَفْسِكَ وَوَحْنَتْهَا وَانْخَرَتْ لِنَفْسِكَ الْعُقُوبَةَ عَلَى جَهْلِهَا فَإِنَّكَ مُسْتَحْقٌ أَنْ يُفَرَّجَ عَنْكَ. ثُمَّ إِنَّ الْخِنْزِيرَ قَطَعَ مِنْهُ اللِّحَامَ وَالْحِزَامَ فَسَقَطَ السَّرْجُ وَفَرَّجَ عَنْهُ وَتَرَكَهُ وَانْطَلَقَ.

Ҳикоя қилинишича, бир жўмард кишининг оти бор эди. У отини ювиб-тараб тарбия қилар, отини бир соат кўрмаса, тура олмас, уни мухим ишлари учун тайёрлаб, парвариш қилар эди. У ҳар куни эрталаб отини кенг ўтлоққа олиб чиқар, эгар-юганидан озод этиб, арқонини узун қўйиб юборарди. От қуёш кўтарилгунча ўтлаб, майсаларга ағанаб яйрар, кейин эгаси уни уйига қайтаарди. Бир куни одатига кўра отини яйловга олиб чиқди ва эгардан тушиб, ерга оёғи тегиши билан от эгаржабдуғи билан қочиб кетди. Эгаси кун бўйи уни тутишга уриниб, ожиз колди, қуёш ботаётганида оти кўздан ғойиб бўлди.

Тонг отгач, от бу машаққатлардан қутулиш умидида юриб, дарёга рўбарў келди, дарёнинг у қирғоғига ўтиш учун ўзини сувга урди. Дарё чуқур эди, сузди, бир амаллаб нариги бетга ўтди. Танага ботмаслиги учун тўла ошланмаган теридан ясалган юганнинг бўйин ва қорин боғичлари сувга бўккач, қуёш тифида қуриб, сиқа бошлади. Боғичлар қуриб қотгани сайин от бўғилиб борар, ҳатто бўғилганидан бўйни ва қорни шишиб кетди. Камига очлик ҳам уни ҳолдан тойдирган эди. Бир неча қунни у шундай қийинчиликда ўтказди, ҳатто юришга мадори етмасдан ўтириб қолди.

Ўша пайт отнинг олдидан бир тўнғиз ўтиб, уни ўлдиришга хезланди, лекин отнинг чорасиз ётганини кўриб, раҳми келди. Тўнғиз ундан нималар бўлганини сўради. От юган, эгар, бўйинбоғ ва белбоғлардан етган озорларни бирма-бир айтиб берди ва ундан юзланган бу балолардан қутулишда ёрдам бериб, бир яхшилик қилишини ўтинди. Шунда тўнғиз: “Бунча азоб-уқубатларга гирифтор бўлишингнинг сабаби нима?” – деб сўради. От ўзининг бу ахволга тушишида ҳеч бир гуноҳи йўқлигини айтди. Шунда тўнғиз: “Йўқ, сен бу даъвонгда ёлғончисан ёки қилган жиноятингдан ғофил нодонсан! Эй от, агар ёлғон гапираётган бўлсанг, на сени бўғилишдан халос

қилиш, на сенга яхшилик қилиш, на сени дўст тутиш, на сендан раҳмат эшитиш ва на сендан мукофот кутиш менга лозим эмас. Чунки айтилганки, разил, пасткашлардан узоқ бўл, токи ўзинг билмаган ҳолда сенинг табиатинг уларнинг табиатидан разилликни ўғирлаб олмасин. Яна айтишадики, инсонни қийнайдиган нарсаларнинг энг оғири – кимлиги номаълум киши билан дўстлашиш. Яна айтилади, пасткашларни ўнглайман, улар билан дўстона муносабатни тиклайман, деб овора бўлма. Чунки улар сендан кўра ўзининг табиатига садоқатлироқ. Улар ҳеч қачон сени деб ўз табиатидан кечмайди”. Кейин тўнғиз яна деди: “Эй от! Агар мана шу азоб-уқубатларни тотишингга сабабчи бўлган гуноҳингдан ғофил бўлсанг, сенинг бу нодонлигинг қилган гуноҳингдан ҳам улканроқдир. Кимки гуноҳларидан ғофил бўлиб, яна шу ҳолатида барқарор турса, унинг учун нажотдан умид йўқ”. Яна айтиладики, жоҳилдан узоқ бўл. Жоҳил ўз нафсига жиноят қиляпти, сен унга нафсидан суюклироқ эмассан.

Шунда от: “Килишинг лозим бўлган яхшиликдан ўзингни тортма. Чунки замон айланиб турари, яъни бир куни сен ҳам менинг ҳолимга тушиб қолишинг мумкин” – деди. Тўнғиз деди: – Мен яхшиликдан юз ўгирувчи эмасман. Лекин шундай гап ҳам бор, худди деҳқон пок ер учун уруғ танлагани каби оқил киши ҳам яхшиликни танлайди. Эй от, қани бир бошидан ҳикоя қил-чи, сенинг бу аҳволга тушишингга нима сабаб бўлди, бу мусибатлардан олдин ахволинг қандай эди, токи сенга бу бало қаердан юзланганини билай? От бошидан кечган ҳамма ишларни айтиб берди: эгаси қандай инсон бўлганини, ундан қандай ажралганини, то тўнғизга йўлиқкунча йўлида учраган барча кўргуликларни ҳикоя қилди.

– Энди менга аён бўлди, деди тўнғиз, сен гуноҳингдан ғофил қолибсан. Сенинг олтита гуноҳинг бор экан. Биринчиси, зарур ишлар учун сени тайёрлаб, парваришлаб, сенга чиройли муомала қилган

эгангни ёрдамчисиз қолдирибсан. Иккинчиси, унинг яхшилигини қадрлаш ўрнига, таҳқирлабсан. Учинчиси, эганг сени излабди, сен эса кочиб, унга зарар берибсан. Тўртинчиси, ўзингники бўлмаган эгар ва юганларни олиб қочибсан. Бешинчиси, табиатингга ёт бўлган, тоқатингдан ташқари бўлган ёввойиликка уриниб, ўзингта ёмонлик қилибсан. Олтинчиси, шунча қилғилиқларни қилиб, яна гуноҳ, адашиш йўлида оёқ тираб турибсан. Мана бу юган очликка қўшилиб ҳолдан тойдиришидан олдин, бўйинбоғу коринбоғлар бўғиб сиқишидан олдин сенда эгангта қайтиш, ҳаддан ошган нодонлигинг учун кечирим сўраш имкони бор эди.

От тўнғизга деди: – Менга гуноҳларимни танитдинг, жаҳолат пардаси қоплаган кўзимни очдинг, энди мени холи қолдир, аслида, бу ахволимдан ортиқроғига лойик эканман. Шунда тўнғиз унга: – Модомики, узрли ҳолингни сезиб, тан олган, нафсингни маломат қилаётган, ўзингни маломат этаётган, койиётган ва нодонлиги учун нафсингни азобга лойик қўраётган экансан, энди сен бу азоблардан халос бўлишга муносибсан, – деди. Кейин у отнинг югани, узангиларини маҳкам ушлаб турган боғичларни кесди, эгар ерга тушди, от азобдан қутилди ва у ерни тарк этди.

## الأسلوب السادس Олтинчи услуб

في التفويض للقضاء بالتسليم والرِّضى

Қазою қадарга бўйсуниш ва розилик билан қабул қилиш ҳақида

قَالَ تَعَالَى حِكَايَةً عَنْ مُؤْمِنٍ قَوْمٍ فِرْعَوْنَ:

{وَأَفْوَضْ أَمْرِي إِلَى اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ بَصِيرٌ بِالْعِبَادِ}

وَلَمَّا صَدَقَ فِي الاتِّكَالِ وَفَوَضَ لِذِي الْجَلَالِ كَانَ بِهِ بَصِيرًا وَلَهُ نَصِيرًا. فَقَالَ جَلَّ مِنْ قَائِلٍ:

{فَوَقَاهُ اللَّهُ سَيِّئَاتٍ مَا مَكَرُوا} .

Фиравн қавмидан бўлиб, ўзининг иймонини яшириб юрадиган бир мўминнинг тилидан Аллоҳ таоло ҳикоя қилиб дейди: “Мен ўз ишимни Аллоҳга топшируман. Зеро, Аллоҳ бандаларини кўриб тургувчи Зотдир” (Фоғир, 44-оят). У мўмин Аллоҳга ҳаққи рост суюниб, ишларини Қудрат Эгасига топширгач, Аллоҳ уни кўрувчи ва унга ёрдамчи бўлди. Айтгувчиларнинг энг улуғи Аллоҳ деди: “Бас, Аллоҳ у (иймон келтирган киши)ни уларнинг ёмон макр-хийлаларидан сақлади” (Фоғир, 45-оят).

وَرُوِيَ أَنَّ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، كَتَبَ إِلَى أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ: أَمَّا بَعْدُ! فَإِنَّ  
الْحَسَنَ كُلُّهُ فِي الرِّضَى، فَإِنِ اسْتَطَعْتَ أَنْ تَرْضَى وَإِلَّا فَاصْبِرْ حَقِيقَةَ التَّفْوِيضِ التَّسْلِيمُ لِأَحْكَامِ  
الْحَكِيمِ وَجَزْمُ الْاعْتِقَادِ بِأَنَّهُ لَا يَكُونُ إِلَّا مَا أَرَادَ.

Ривоят қилинадики, Умар ибн Хаттоб Абу Мусо Ашъарийга шундай мазмунда мактуб ёзган: “Албатта яхшиликнинг ҳаммаси розиликда. Агар қодир бўлсанг, рози бўл, акс ҳолда сабр қил. Ишларни Аллоҳ таолога топшириш дегани – Ҳаким Зотнинг ҳукмларига таслим бўлиш ва фақат Аллоҳ хоҳлаган нарса бўлишига қатъий эътиқод қилишдир”.

وَقَدْ أَوْضَحَهُ سَيِّدُ الْأَنَامِ لِقَوْلِهِ عَلَيْهِ السَّلَامُ فِي كَلَامِ قَالَهُ لَأَيِّ هُرَيْرَةَ: "وَإِنْ أَصَابَكَ شَيْءٌ فَلَا تَقُلْ لَوْ أَيْنِ فَعَلْتُ كَذَا وَكَذَا، وَلَكِنْ قُلْ قَدَرُ اللَّهِ وَلَوْ شَاءَ فَعَلَ، فَإِنَّ "لَوْ" تَفْتَحُ عَمَلَ الشَّيْطَانِ". رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Инсонларнинг улуғи Пайғамбар алайҳиссалом Абу Ҳурайрага айтган сўzlари билан буни шундай изоҳладилар: “Агар бошингга бир иш тушса: “агар мана бу ишни қилмаганимда ана у иш бўлмасди...” каби сўzlардан тийил. Балки: “Нимаки бўлса, бу – Аллоҳнинг қадари, Аллоҳ хоҳлади – бўлди” дегин. Негаки, “агар... агар” деган сўз шайтоннинг амалига йўл очади”.

قَالَ حَكِيمٌ: مُعَارَضَةُ الْعَلِيلِ طَبِيعَةُ تُوجُبٍ تَعْدِيَةُ إِنَّمَا الْكَيْسُ الْمَاهِرُ مَنِ اسْتَسْلَمَ لِقَبْضَةِ الْقَاهِرِ، إِذَا كَانَتْ مُعَالَبَةُ الْقَدَرِ مُسْتَحِيلَةً فَمَاذَا تَنْفُعُ الْحِيلَةُ.

Донишманд деди: “Хастанинг ўз табиби билан тортишиши азобланишига сабаб бўлади холос. “Оқилу моҳир” дегани хар нарсадан Ғолиб Зотнинг қадар билан ушлашига ўзини топширган кишидир. Тақдирдан ғолиб келиш имконсиз иш экан, бу бемаъни жангда ҳийла қандай фойда бериши мумкин?!”

شعر:

عَلَيْكَ وَيُنْجِحُ الْأَمْرُ الْعَسِيرُ أَمِ الْأَمْرِ الَّذِي تَخْشَى السُّرُورُ كَمْدِبِرِهِ لَمَا عَمِيَ الْبَصِيرُ وَلَكِنْ أَحْمَقُ الْقَوْمُ الْفَقِيرُ	وَقَدْ تَرْجُو فَيَعْسُرُ مَا تُرْجِي وَمَا تَدْرِي أَفِي الْأَمْرِ الْمُرْجَى لَوْ أَنَّ الْأَمْرَ مُقْبِلٌ بَلِّي وَلَيْسَ الْفَقْرُ مِنْ إِفْلَالٍ مَالٍ
وَإِنْ قَلَ الْأَسَى عَجَزَ الْكَثِيرُ وَلَا يُرْجِحِي لِتَأْدِيبٍ كَبِيرٍ وَيُحْلِفُ ظَنَّكَ الرَّجُلُ الطَّرِيرُ وَإِنْ أَوْقَدْتَهُ كَبُرَ الصَّغِيرُ وَيُفْسِدُهُ وَإِنْ كَبِرَ الْفُجُورُ مِنِ الصَّدِيقِ الْمُفَاؤضُ وَالْوَزِيرُ وَلَكِنْ رَبِّنَهُمْ كَرَمٌ وَخَيْرٌ	وَقَدْ يَقْوِي الْقَلِيلُ مَعَ التَّأْسِيِ صَغِيرُ السِّنِّ فِي التَّأْدِيبِ يُرْجَحِي تُصِيبُ الْحَيْرَ مِنْ تَرْدَرِيهِ مَتَى تُطْفِئُ كَبِيرَ الشَّرِّ يُطْفَأُ كَمَالُ الْمَرْءِ حُسْنُ الدِّينِ مِنْهُ إِذَا لَمْ تَدْرِ مَا الإِنْسَانُ فَانْظُرْ وَمَا عِظَمُ الرِّجَالِ هُمْ بِزَيْنٍ

Шеър (насрий баён): “Гоҳо осон бўлишини умид қилган ишинг қийинлашади ва сен қийин деб ўйлаган иш осон битади. Хурсандчилик сен умид қилган ишдами ё қўрқкан ишингдами, билмайсан. Агар ишнинг охири аввалидек равшан бўлганида, кўзи очик кишининг кўрларча адашиши бўлмас эди. Молнинг камлиги эмас, одамларнинг ақлсизи бўлиш, ахмоқ бўлиш қашшоқликдир. Баъзан тасалли-ю тоқат билан озчилик қувватли, тасалли-ю тоқатдан бебахралар кўпчилик бўлса-да, заиф бўлади. Ёш боланинг тарбияни қабул қилишидан умид бор, ёши улуғлардан бу натижани кутиб бўлмайди. Сен назарга илмаган киши тарафидан яхшиликка эришасан ва билаги кучга тўла навжувон йигит деб ўйлаганинг ишончингни окламайди. Ҳаддан ошган катта ёмонлик ўчади, сен ўт қўйган кичкина ёмонлик каттайиб кетади. Кишининг камоли унинг дини чиройлилигидандир. Фожирлик кишини

бузади, гарчи унинг ёши улуг бўлса ҳам. Агар инсоннинг кимлигини билмасанг, унинг маслаҳатчиси, ўринбосарига қара. Гавданинг катта, келишган бўлиши кишига зийнат эмас, балки саховатли ва яхши амалли бўлиши унинг учун зийнатдир”.

الصَّابِرُ عَلَى نُوبِ الْأَيَّامِ مِنْ أَخْلَاقِ الْكَرَامِ، الْعِلْمُ خَلِيلُ الْمُؤْمِنِ، وَالْحُلْمُ وَزِيرُهُ، وَالْعَقْلُ  
 دَلِيلُهُ، وَالْعَمَلُ قَائِدُهُ، وَالرِّفْقُ وَالِدُهُ، وَالصَّابِرُ أَمِيرُ جُنُودِهِ، فَنَاهِيكَ بِحَصْلَةٍ تَتَأَمَّرُ عَلَى هَذِهِ الْحِصَالِ  
 الشَّرِيفَةِ. الظَّفَرُ يَعْشِقُ الصَّابِرَ كَمَا يَعْشِقُ الْحَدِيدُ الْمِعْنَاطِيسَ

Кунларнинг мусибат-балоларига сабр қилиш улуғларнинг хулқлариданdir. Илм мўминнинг дўсти, ҳилм вазири, ақл йўлбошловчisi, амал етакchisi, мулоjимлик отаси, сабр қўшинингнинг амири. Демак, бу хислатлардан биттаси бўлса, сенга етарли, у барча хислатларнинг амири бўлган – сабрdir. Falaba сабрнинг ошиғидир, худди темир оҳанрабо (магнит)нинг ошиғи бўлгани каби.

شعر:

الصَّابِرُ أَوَّلَ بِوَقَارِ الْفَتَّى مِنْ قَلْقٍ يَهْتَكُ سَرَّ الْوَقَارِ	مَنْ لَزِمَ الصَّابِرَ عَلَى حَالٍ كَانَ عَلَى أَيَّامِهِ بِالْخِيَارِ
---	---

Шеър (насрий баён): “Йигитни виқорли кўрсатишга энг муносиб хислат сабрdir. Сабрсизлик виқор пардасини йиртади. Кимки ўрнида сабрли бўла олса, кунларига ихтиёри бўлади, яъни кунлари унинг измида бўлади”.

ظِلُّ الصَّبْرِ ظَلِيلٌ وَمَطْلُهُ ذَلِيلٌ. الصَّبْرُ دَرَجٌ يُفْضِي بِمَنْ عَرَجَ إِلَى الْفَرْجِ . أَقْلُ فَوَائِدِ الصَّبْرِ عَلَى الْبَلَيْةِ أَنْ تُنَعِّضَ بِهِ لَذَّةَ عَدُوِّكَ الشَّامِتِ بِكَ.

Сабрнинг сояси қуюқ ва уни бўш қўйган киши хордир. Сабр шундай нарвонки, ундан кўтарилиган кишини кенгликка олиб чиқади. Балога сабр қилиш фойдаларининг энг ками – сенга етган мусибатдан хурсанд бўлаётган душманингнинг лаззатини йўқ қиласди.

شعر:

كُنْ عَنْ هُمُوكَ مُعْرِضًا  
وَكِلِ الْأُمُورَ إِلَى الْقَضَاءِ  
فَلَا تَكُنْ مُتَعَرِّضًا  
اللَّهُ عَوَدَكَ الْجَمِيلَ

Шеър (насрий баён): “Ғамларингдан юз ўгир ва барча ишларни казою қадарга топшир. Аллоҳ сени чиройли ишларга одатлантириди, шундай экан (одатингга кўра иш қил), ғамларга берилиб бу йўлда кўндаланг турувчи бўлма”.

الْدُّنْيَا سَبِيلٌ يَعْبُرُ وَلَا يُعْمَرُ وَمَرُ سَالِكٌ لَا مَقْرُ مَالِكٌ ثُقِيلٌ إِقْبَالٌ الطَّالِبٌ وَتُدْبِرٌ إِدْبَارٌ  
الْهَارِبُ .

Дунё обод қилинадиган эмас, ўтиб кетиладиган йўл. Дунё йўлчи бир қўниб ўтадиган қўнимгоҳ, муқим қолинадиган қароргоҳ эмас. Дунё келар экан, кучоқ очиб келади, кетар экан, орқа ўгириб қочади.

شعر:

وَمَنْ يَحْمَدِ الدُّنْيَا لِأَمْرٍ يَسُرُهُ  
فَعَمَّا قَلِيلٌ بَعْدَ ذَاكَ يَلُومُهَا  
إِذَا أَذْبَرْتَ كَانَتْ عَلَى الْمَرْءِ حَسْرَةً وَإِنْ أَقْبَلْتَ كَانَتْ كَثِيرًا هُمُومُهَا

Шеър (насрий баён): “Кимки дунёни кўзини қувнатган бир иши учун мақтаса, озгина ўтганидан сўнг уни маломат килади. Чунки дунё кетар экан, (бой берилган имкониятларидан) киши ҳасрат чекади. Дунё келганида ҳам қўплаб ғам-ташвишлари билан келади”.

إِذَا تُبَسْتُ عَلَيْكَ الْمَصَادِرُ فَفَوْضُ إِلَى الْقَادِرِ الْقَاهِيرِ . ارْجِعْ عَنْ تَدْبِيرِكَ لِنَفْسِكَ فَقَدْ أَرَاحَكَ مِنْهُ غَيْرُكَ . وَقِسْنَ يَوْمَكَ عَلَى أَمْسِكَ فَعَلَى حَذْوِهِ مَصِيرُكَ .

Қачонки, сен содир бўлган турли-туман воқеа-хабарлар ичра довдираб қолсанг, ҳар ишга Қодир ва ҳар нарсадан Ғолиб Зотга уларни топшири. Ўзинг учун ўйлашдан ҳам қайт, негаки, сендан бошқаси (яъни Аллоҳ таоло) ғамингнинг тадбирини қилиб қўйибди. Бугунингни кечангга қиёсла, натижа ўхшаш бўлади.

غیره، شعر:

سَلِيمٌ لَهُ الْأَمْرُ عَلَى الدَّهْرِ إِنْ تَمَادَى  
وَاصْبِرْ عَلَى الدَّهْرِ إِنْ تَمَادَى  
كَمْ جُمْرَةً قَدْ ذَكَثْ بِلَيْلٍ  
وَاصْبَحَتْ نَارُهَا رَمَادًا

Бошқа шеър (насрий баён): “Ишни Аллоҳга топшири, шояд шунда саломат қолсанг. Агар замон (истагингга тескари) туриб қолса, сабр қил. Кечаси ловиллаган қанча чўғлар тонг отганида кулга айланиб қолади”.

مَنْ صَبَرَ عَنِّيْمَ وَمَنْ تَفَكَّرَ عَلَيْمَ. مِمَّا يَدْلُّ عَلَى أَنَّ الْإِنْسَانَ مُصَرَّفٌ مَغْلُوبٌ وَمُدَبَّرٌ مَرْبُوبٌ أَنْ يَتَبَلَّدَ رَأْيُهُ فِي بَعْضِ الْحُطُوبِ وَيَعْمَى عَلَيْهِ الصَّوَابُ الْمَطْلُوبُ فَإِذَا كَانَ كَذَلِكَ فَتَدْمِيرُهُ فِي تَدْبِيرِهِ وَاغْتِيَالُهُ فِي احْتِيَالِهِ وَهَلْكَتُهُ فِي حَرَكَتِهِ.

Сабр қилган киши ўлжа олади, фикрлаган киши илм ҳосил қиласи. Баъзан мусибатларга йўлиққанда фикрнинг сустлашиб қолиши, тўғри йўлни қўрмай қолиш инсоннинг ихтиёrsиз ва мағлуб, тадбир ва тарбияга муҳтож хилқат эканига далолат қиласидан белгилардандир. Шундай экан, инсоннинг бу мусибатлар йўлидаги тадбири унинг фалокатига, ҳийаллари ўлимига, ҳаракати ҳалокатига сабаб бўлади.

شعر:

لَسْتُ أَدْرِي وَلَا الْمُنَجِّمُ يَدْرِي عَيْرَ أَنِّي أَقُولُ قَوْلًا صَحِيحًا كُلُّ مَنْ كَانَ مُحْسِنًا قَابِلَتُهُ	مَا يُرِيدُ الْقَضَاءُ بِالإِنْسَانِ وَأَرَى الظَّنَّ فِيهِ مِثْلُ الْعَيَانِ حَرَكَاتُ الْأَفْلَاكِ بِالْحُسَانِ
---	---

Шеър (насрий баён): “Қазою қадар инсонга нимани ирода қилганини мен ҳам, мунахжим ҳам билмайди. Бироқ битта тўғри гап бор, айтаман ва унинг тўғрилиги ҳақидаги гумоним худди кўз билан кўргандек менга аён: кимки яхшилик қиласар экан, бутун фалакларнинг ҳаракати унга яхшилик билан юзма-юз келади”.

شعر:

إِذَا سَرَّ مِنْهُ جَانِبٌ سَاءَ جَانِبٌ	وَمِنْ عَادَةِ الْأَيَامِ أَنَّ صُرُوفَهَا
--	--

Шеър (насрий баён): “Кунларнинг одати айланиб туриш, унинг бир тарафи хурсанд қилса, бошқа тарафи хафа қилади”.

إِحْتَرِسْ مِنْ تَدْبِيرِكَ عَلَى عَدُوّكَ كَاحْتِرَاسِهِ مِنْ تَدْبِيرِهِ عَلَيْكَ فَرُبَّ هَالِكٍ بِمَا دَبَّرَ وَمَكَرَ  
وَسَاقِطٌ فِي الْبَئْرِ الَّذِي حَفَرَ وَجَرِيحٌ بِسِلَاحٍ الَّذِي شَهَرَ. إِذَا كَانَ بِقِسْمَةِ اللَّهِ تَبَّحِرِي الْأُمُورُ  
فَالا جُتْهَادُ مَحْضُورٌ وَتَارُكُهُ مَشْكُورٌ.

Душманингга қарши қилмоқчи тадбирингдан эҳтиёт бўл, худди душманинг сенга қарши қилмоқчи тадбиридан эҳтиёт бўлгани каби. Чунки кўпинча ҳалокатга учраганлар ўзи қилган тадбири ва макри сабабли ҳалок бўлган, ўзи кавлаган қудукқа йиқилган, ўзи ялонғочлаган қилич билан жароҳатланган. Ишлар Аллоҳнинг қисмати билан жорий бўлар экан, энди бу йўлдаги ҳаракат бекор, ҳаракатни тарк қилган киши раҳматга лойик.

شِعْرٌ:

إِذَا هَوَنَ اللَّهُ مِنْهَا يَهُنْ وَإِنْ كُنْتَ قَدْ شِئْتُهُ لَمْ يَكُنْ	دَعَيْنِي وَحَظِّي فَإِنَّ الْأُمُورَ فَمَا شَاءَ كَانَ وَمَا مَمِّ يَشَاءُ
--	--

Шеър(насрий баён): “Эй нафс, мени насибам билан бирга тек қўй. Чунки ишлардан Аллоҳ осон қилгани енгил амалга ошади. Шундай экан, Аллоҳ ниманики хоҳласа, шу бўлади. Ниманики хоҳламаса, гарчи сен уни хоҳлаётган бўлсанг-да, бўлмайди”.

إِذَا لَمْ يَمْشِ الزَّمَانُ مَعَكَ عَلَى مَا تُرِيدُ فَامْشِ مَعَهُ عَلَى مَا يُرِيدُ. إِنَّ الْإِنْسَانَ عَبْدُ الزَّمَانِ  
 وَالزَّمَانُ عَدُوُّ الْإِنْسَانِ. ضَلَّ سَعْيُهِ مِنْ رَجَحاً غَيْرَ اللَّهِ.

Қачонки, замон сенинг хоҳишингга кўра юрмаса, сен замоннинг хоҳишига кўра юр. (*Аслида, замон ҳеч қачон инсоннинг истагига қараб турланмайди, балки аксинча, инсон замонга мослашади. Шунинг учун ҳам айтилияпти:*) Инсон замоннинг қули ва замон инсоннинг душмани. Аллоҳдан ўзгасидан умид қилган инсоннинг ҳаракати адашади.

شعر:

إِذَا طَالَبْتُكَ النَّفْسُ يَوْمًا بِشَهْوَةٍ  
وَكَانَ إِلَيْهَا فِي الْخِلَافِ طَرِيقٌ  
فَخَالِفْ هَوَاهَا مَا اسْتَطَعْتَ فَإِنَّمَا  
هَوَاهَا عَدُوُّ وَالْخِلَافُ صَدِيقٌ

Шеър (насрий баён): “Агар нафс бир куни сени шаҳватга – ўз истакларига чорласа ва унга қарши чиқишига ҳам бошқа йўл бўлса, қўлингдан келгунича шаҳватга хилоф йўл тут. Чунки нафс истаклари душман, унинг хилофи эса дўстдир”.

قَالَ حَكِيمٌ: يَنْبَغِي لِلْعَاقِلِ إِذَا دَهَمَهُ مَا لَا قِبَلَ لَهُ بِهِ أَنْ يَلْزَمَ الصَّبَرَ وَالْتَّسْلِيمَ لِحُكْمِ قَاسِمٍ  
الْحُظُوظِ وَلَا يُضِيِّعَ مَعَ ذَلِكَ نَصِيبَهُ مِنَ الدِّفاعِ بِحَسَبِ طَاقَتِهِ، فَإِنَّهُ إِنْ لَمْ يَحْصُلْ عَلَى الظَّفَرِ حَصَلَ  
عَلَى الْعُذْرِ.

Донишманд деди: “Оқил тоқати етмайдиган ишлар унга ёприлганида сабр қилиши, насибаларни тақсимловчи Зотнинг ҳукмига таслим бўлиши ва шу билан бирга тоқати даражасида ўзини мудофаа этишдан иборат насибасини зое қиласлиги керак. Шунда у гарчи ғалаба қозона олмаса ҳам узрни қозонади”.

شعر:

مَا لَا يَكُونُ فَلَا يَكُونُ بِحِينَةٍ  
أَبَدًا وَمَا هُوَ كَائِنٌ سَيَكُونُ

Шеър (насрий баён): “Бўлмайдиган нарса хийла билан ҳам ҳеч қачон амалга ошмайди, бўладиган нарса албатта бўлажак”.

طَاعَةُ الْهَوَى مِنْ غَيْرِ تَبْصِرَةٍ ضِدُّ الْخَزْمِ. أَوَّلُ الْهَوَى هُونُ وَآخِرُهُ هَوَانُ. لِلَّهُوَى طَاغِيَةٌ مِنْ مَلَكَهُ أَهْلَكَهُ.

Ўй-мулоҳазасиз нафс хоҳишига бўйсуниш эҳтиёткорликнинг зиддидир. Бу хоҳишининг аввали енгиллик, охири хорлик. Нафс хоҳиши зулм қилувчи, у кимни эгалласа, ҳалок қилади.

شعر:

إِذَا مَا تَحَسِّرَتِ فِي حَالَةٍ  
وَلَمْ تَدْرِ فِيهَا الْحَطَا وَالصَّوَابُ  
فَحَالِفُ هَوَاكَ فِيَّ إِنَّ الْهَوَى  
يَقُودُ التُّفُوسَ إِلَى مَا يُعَابُ

Шеър (насрий баён): “Бир ишни хатоми ё тўғрими деб иккиланиб қолганингда, нафс хоҳишига тескари йўл тут. Чунки хоҳишлар нафсларни айблар томон етаклайди”.

أَهْوَى كَالَّنَارِ إِذَا اسْتُحْكِمَ إِيْقَادُهَا عَسْرَ إِحْمَادُهَا أَهْوَى كَالسَّيْلِ إِذَا اتَّصَلَ مَدْهُ تَعَذَّرَ  
صَدْهُ، لَيْسَ الْأَسِيرُ مَنْ أَوْثَقَهُ عَدُوُهُ أَسْرًا، إِنَّمَا الْأَسِيرُ مَنْ أَوْثَقَهُ هَوَاهُ قَسْرَى.

Нафс хоҳиши ўтга менгзайди. Қачонки, у аланга олиб, оловга айланса, ўчириш қийин бўлади. Нафс хоҳиши селга ўхшайди, агар

унинг оқимлари туташиб кетса, тўсишнинг имкони қолмайди. Душман кишанбанд қилган киши асир эмас, балки зўрлик билан нафси кишанлаб ташлаган киши ҳақиқий асиридир”

شعر:

فَتَعَرَّى صَبْرُهُ وَأَنْتَهَكَـا	رُبَّ مَسْتُورٍ سَبَّتُهُ صَبَوَةُ
غَلَبَ الشَّهْوَةَ صَارَ الْمَلِكَـا	صَاحِبُ الشَّهْوَةِ عَبْدٌ فَإِذَا

Шеър (насрий баён): “Кўп мастур, яъни айдан тўсилиган кишилар борки, ишқ уни асир қилиб олар экан, сабр (либос)и ечилиб, шарманда бўлади. Шахват эгаси қулдир, агар у шахватни енгса, подшохга айланади”.

كُنْ مِنْ عَيْنَيْكَ عَلَى حِذْرٍ فَرَبَ جُنُوحٍ حِينَ جَنَاهُ جُمُوحٌ عَيْنٍ، مَنِ اتَّبَعَ لَحْظَةً هَوَاهُ  
أَذْحَضَهُ وَأَهْوَاهُ ، مَا أَخْرَى الْمَلُولَ أَنْ يُحْرَمَ الْمَأْمُولَ، مَنْ صَبَرَ فَمَا أَقَلَّ مَا يَصْبِرُ وَمَنْ جَزَعَ فَمَا  
أَكْثَرَ مَا يُمْنَعُ، إِذَا حَلَّتِ الْمَقَادِيرُ بَطَّلَتِ التَّدَابِيرُ، إِذَا نَزَلَ الْقَدْرُ بَطَّلَ الْحِذْرُ.

Сен кўзларингдан эҳтиёт бўл. Кўпинча бир лаҳза қараш билан бу қараш эгаси кўз ўжарлигининг гуноҳи қурбони бўлади, яъни манъ қилинган нарсага бир лаҳза қараган кўз энди ўша тикилган нарсасидан кўзини ололмасдан гуноҳга ботади. Ким бир лаҳза нафс хоҳишига эргашса, ўша хоҳиши уни тойилтиради ва қулатади. Эринчоқ кишига ўз орзусидан маҳрум бўлиш нақадар муносиб! Сабр қилган киши учун сабр қийинчилиги бунчалар оз, сабрсизлик қилган киши учун тўсилиган нарсалари бунчалар кўп! Қазои қадар келганида тадбирлар бекор, белгиланган тақдир юзага чиққанида эҳтиёткорлик ботил.

شعر:

إِذَا عَقَدَ الْقُضَاءُ عَلَيْكَ أَمْرًا  
فَلَيْسَ يَحْلُّهُ إِلَّا الْقُضَاءُ

Шеър (насрий баён): “Агар тақдирнинг хукми билан бир ишинг боғлаб қўйилса, фақат тақдирнинг хукми уни ечади”.

مَنْ غَرَسَ الصَّبَرَ اجْتَنَى الظَّفَرَ، وَمَنْ غَرَسَ الْعِلْمَ اجْتَنَى النَّبَاهَةَ، وَمَنْ غَرَسَ الرُّزْهَدَ اجْتَنَى الْعِزَّةَ، وَمَنْ غَرَسَ الْوَقَارَ اجْتَنَى الْمَهَابَةَ، وَمَنْ غَرَسَ الْمَدَارَةَ اجْتَنَى السَّلَامَةَ، وَمَنْ غَرَسَ الْكِبْرَ اجْتَنَى الْمَقْتَ، وَمَنْ غَرَسَ الْإِحْسَانَ اجْتَنَى الْمَحَبَّةَ، وَمَنْ غَرَسَ الْفِكْرَةَ اجْتَنَى الْحِكْمَةَ. وَمَنْ غَرَسَ الْكَرَمَ اجْتَنَى الْأُلْفَةَ، وَمَنْ غَرَسَ الْحِرْصَ اجْتَنَى الدُّلُّ، وَمَنْ غَرَسَ الطَّمَعَ اجْتَنَى الْخِزْيَ، وَمَنْ غَرَسَ الْحَسَدَ اجْتَنَى الْكَمَدَ. وَمَنْ طَالَ صَبَرُهُ بَحْثٌ أَمْرُهُ. مَنْ عَجَّلَ عَشَرَ. مَنْ رَكِبَ الْعَجَلَةَ لَمْ يَأْمَنِ الْكَبُوَّةَ.

Ким сабр экса – ғалаба, ким илм экса – огоҳлик, ким дунё муҳаббатидан воз кечишни экса – азизлик, ким викорни экса – салобат, ким муроса экса – саломатлик, ким кибр экса – ўзига нисбатан нафрат, ким яхшилик экса – муҳаббат, ким фикр экса – ҳикмат, ким саховат экса – ошнолик, ким очкўзлик экса – хорлик, ким тамаъ экса – шармандалик, ким ҳасад экса – ғам мевасини теради. Кимнинг сабри узун бўлса, иши муваффақият қозонади. Ким шошилса, қокилади. Ким шошқалоқликни улов қилса, қулашдан эмин бўлолмайди.

شعر:

لَا تَعْجَلْنَ فَرِيمَا عَجِلَ الْفَتَى فِيمَا تَضُرُّهُ

وَلَرِبِّمَا كَرِهَ الْفَتَى  
أَمْرًا عَوَاقِبُهُ تَسْرُّهُ

Шеър (насрий баён): “Шошилма, кўпинча йигит ўзига зарар берадиган нарсага шошади. Кўп ҳолларда у натижалари хурсанд қиладиган ишни ёмон кўради”.

مَنْ قَرَعَ الْبَابَ وَلَجَ، وَمَنْ طَلَبَ الْحَقَّ بَلَجَ. مَنْ خَالَفَ الصَّبَرَ ظَفَرَ . مَنْ مَسَّهُ الْفَقْرُ حُقِرَ.  
إِذَا لَمْ تَتَفَجَّعْ لَمْ تَتَمَّعَ . لَا يَنْفَعُ الْحِذْرُ مَعَ الْقَدَرِ. فَازَ بِالدُّرِّ الْغَائِصُ وَحَازَ الصَّيْدَ الْقَانِصُ. الْغَرَّةُ  
ثُمَّةُ الْجَهْلِ وَالْتَّخْرِبَةُ مِرَآةُ الْعَقْلِ. وَالصَّبَرُ عَلَى النُّصَّةِ يُؤْدِي إِلَى الْفُرْصَةِ. فَوْضِيَ الْأَمْرُ لِمُؤْلَكِ  
ثُكْفَ مُؤْنَةَ بَلْوَاكَ.

Эшик қоккан кишига эшик очилади ва у ичкари киради. Ҳакни истаган киши уни топади ва хурсанд бўлади. Сабр билан ошна тутинган киши зафар қучади, камбағалликка домига тушган киши таҳқирланади. Қийинчилик кўрмасанг, манфаат кўрмайсан. Тақдирнинг ёнида эҳтиёткорлик фойда бермайди. Дурни ғаввос қўлга киритади, ўлжани овчи овлайди. Мағрурлик – нодонлик меваси, тажриба ақл ойинаси. Ғам-ғуссага сабр қилиш қулай фурсатга етаклайди. Ишингни ҳожангга топшири, сенинг бу таслимиятинг сенга юзланмакчи балоларга қарши захира бўлишга кифоя қиласди.

شعر:

إِذَا كَانَ بَيْنَ الْمَرْءَ وَالشَّرِّ لَيْلَةٌ  
فَمَا عَلِمْنَا مَا اللَّهُ فِي الصُّبْحِ صَانِعٌ

Шеър (насрий баён): “Қачонки, киши билан ёмонлик ўртасида бир кеча бўлса, Аллоҳ эрталаб нима қилишини билмаймиз”. (Балки Аллоҳ таоло у ёмонликни эрталабгacha яхшиликка айлантириб қўяр?!)

مَنْ شَكَرْ دَامَتْ نِعْمَتُهُ وَمَنْ صَبَرْ حَفَّتْ مُحْمَنْتُهُ. مَنْ عَوَلَ عَلَى الْقَضَاءِ حَصَلَ عَلَى الرَّجَاءِ.

Шукур қилган кишининг неъмати давомли, сабр қилган кишининг, меҳнати енгил, тақдирга суюнган кишининг умиди ҳосил бўлади.

شعر:

طَ بِكَ الْعَدُوُّ وَلَا تَغْرِي	قَالُوا تَنَامُ وَقَدْ أَحَادَ
مَمْ يَنْتَفِعُ بِالْعِلْمِ عُرْ	فَأَجَبْتُهُ وَالْمَرْءُ مَا

Шеър (насрий баён): “Айтишдики, душман сени ўраб олган-у, қочмасдан ухлаб ётибсан. Мен дедим: илм билан манфаатланмаган киши алданади”. Яъни, тақдир Аллоҳдан эканини билмаган киши бўлмайдиган шини бўлдирмоқчи бўлиб тўхтовсиз тиришиади, натижса тескари бўлиб чиқаверади. Мана шу илмдан бебаҳралиги сабаб у ҳар сафар алданишига маҳкум.

غيره:

دَ وَلَا رَأَتْ أَمْرًا يَسْرُرُ	لَا بَلَغَتْ نَفْسِي الْمُرَا
يَرَ اللَّهُ يَنْفَعُ أَوْ يَنْزُرُ	إِنْ كُنْتُ أَعْلَمُ أَنْ غَ

Бошка шеър (насрий баён): “Агар Аллоҳдан бошқаси фойда ё зарар беради деб билсам, нафсим муродига етмасин ва қувонтирадиган ишни кўрмасин”.

مَنْ تَجْزَعَ مُرَاثِ الصَّابِرِ فَازَ بِحَلَاؤَاتِ الظَّفَرِ كُمْ زَاجَ خَابَ وَآيِسٍ أَصَابَ عَدَمُ الرِّضَاءِ مِنْ  
مُعَادَاتِ الْقَضَاءِ

Ким сабрнинг аччиқларини ютса, зафарнинг ширинликлари билан ғалаба қозонади. Қанча умид қилувчилар ноумид бўлди, қанча ноумидлар мақсадига етди. Розиликнинг йўқлиги қазою қадарга душманликнинг белгиларидандир.

شعر:

الدَّهْرُ لَا يَبْقَى عَلَى حَالٍ  
لَا بُدَّ مَا يُقْبِلُ وَيُدْبِرُ  
فَاصْبِرْ فَإِنَّ الدَّهْرَ لَا يَصْبِرْ  
فَإِنْ تَلَقَّاكَ إِمَكْرُوْهِ

Шеър (насрий баён): “Замон доим битта ҳолатда турмайди, унинг иқболи (юзланиши) ёки идбори (юз ўгирини) бор. Агар замон ёқмайдиган бир иш билан сенга юзма-юз келса, сабр қил, чунки замон сабр қилмайди”.

إِذَا اشْتَدَّتِ الْأَزْمَةُ انْحَلَّتِ الْحَزْمَةُ أَوْلُ الْفَرَجِ آخِرُ الضِّيقِ وَأَشَدُ الْأَعْدَاءِ أَقْرَبُ صَدِيقٍ لِكُلِّ  
بَاطِنٍ ظَاهِرٌ وَلِكُلِّ أَوْلِ آخِرٍ.

Қачон муваффакиятсизлик кучайса, тугун ечилади. Кенгликнинг бошланиши – торликнинг охири, яъни тугаш жойидир. Душманларнинг энг ашаддийси – дўстнинг энг яқинидир. Ҳар бир ичкарининг ташқариси, ҳар бир бошланишнинг охири бор.

شعر:

إِذَا تَضَمَّيْقَ أَمْرٍ فَانْتَظِرْ فَرَجًا  
فَاصْبِقُ الْأَمْرِ أَدْنَاهُ إِلَى الْفَرَجِ

Шеър (насрий баён): “Қачон иш кескинлашиб, торайиб кетса, кенгайишини кут, ишнинг энг торайгани кенгликка энг яқинидир”.

لَا تَمْدُحِنَ الدَّهْرَ فِي الْإِقْبَالِ وَلَا تَذَمَّنَهُ فِي الْإِدْبَارِ، فَهُوَ لِذَوِي الْعِزَّةِ مِثَالٌ، وَلِذِي الْفِكْرَةِ  
إِعْتِبَارٌ، لَا تَضْحِرْ إِذَا أَدْبَرَ، وَاصْبِرْ عَلَيْهِ تَطْفَرْ.

Замон сенга юзланса, уни мақтама, тескари ўгирилса, уни сўкма. Замоннинг гоҳ ундаи, гоҳ бундай ҳолати иззат эгалари учун бир мисол, фикр эгалари учун бир ибратдир. Замон тескари ўгрилар экан, сиқилма, сабр қил, зафар қучасан.

شعر:

إِصْبِرْ لِدَهْرٍ نَالَ مِنْكَ  
فَهَكَذَا مَضَتِ الدُّهُورُ  
لَا الْحُزْنُ دَامَ وَلَا السُّرُورُ  
فَرَحًا وَحُزْنًا مَرَّةً

Шеър (насрий баён): “Сенга мусибат келтирган замонга сабр қил. Бир гал қувонч, бири гал ғам келтириб замонлар шундай ўтаверади. Замоннинг қувончи ҳам, ғами доимий эмас”.

إِذَا مَمِكُنَ الْمُرَادُ بِيَدِكَ فَاحْرُمْ أَنْ تُسَلِّمَ لِسَيِّدِكَ، مَنْ أَلْقَى السِّلَاحَ فَازَ بِالنَّجَاحِ، الْيَأسُ يُعِزُّ  
الْفَقِيرُ وَالظَّمْعُ يُذَلِّ الْأَمِيرُ مَنْ طَالَ أَمْلُهُ سَاءَ عَمَلُهُ، مَنْ فَوَضَ لِمَوْلَاهُ وَقَاهُ وَنَجَاهُ، مَنْ أَخْلَصَ  
التَّوْكِلَ تَرَكَ التَّعَلُّلَ.

Модомики, мақсад қўлингда эмас экан, ўзингни хўжайинингга – Аллоҳга топшириб қўйишинг тадбирдир. Куролни ташлаган киши

муваффақият қозонади. Яъни, ҳақиқий ғолиб қурол ишлатмасдан енгган кишиидир. Одамларнинг қўлидаги нарсадан умидлик қилмаслик фақирни азиз қиласди, тамаъ амирни хор қиласди. Кимнинг орзуси узун бўлса, амали бузилади. Ким ўзини хожаси – Аллоҳга топширса, Ўзи уни саклайди ва нажот беради. Ким Аллоҳга ҳақиқий суюнса, баҳонани тарк қиласди. Яъни, суюнган суюнчи ишончли бўлгани учун иккиланишларини оқладиган баҳоналарга ҳожсат қолмайди.

شعر:

وَالجُهْدُ وَالكُدُّ وَالإِتْعَابُ وَالخَطْرُ وَالْعِلْمُ وَالحَلْمُ وَالتَّذَكَّارُ وَالنَّظَرُ وَلَا يَسْوُفُونَ شَيْئًا عَاقَةُ الْقَدْرُ وَإِنْ تَسْخَطْ فَلَيْسَ إِلَيْكَ الدَّهْرُ يَعْتَذِرُ	الْحَزْمُ وَالْعَزْمُ وَالإِدْلَاجُ وَالبُكْرُ وَالْهُمُّ وَالْغَمُّ وَالْأَفْكَارُ وَالسَّهْرُ لَا يَرْزُقُونَكَ شَيْئًا أَنْتَ مُحْرِمٌ فَإِنْ قَنَعْتَ بِمَا أُوتِيتَ عِشْتَ
--	--

Шеър (насрий баён): “Тадбиркорлик, азму қатъият, кечаси юриш, эрта билан уйғониш, жидду жаҳд қилиш, машаққатга кўмилиш, ҳориб-чарчаш, хатарга ўзни уриш, қайғу, ғам чекиш, фикрни ишлатиш, сахарларни ухламай ўтказиш, ишни билиш, шу йўлда ҳалим бўлиш, билганларни такрор ёдлаш ва уларга чукурроқ назар қаратиш сени бирорта нарса билан ризқлантирмайди, агар ундан маҳрум қилинган бўлсанг. Шунингдек, бу ҳаракатларинг бирорта нарсани сенга яқинлаштиrmайди, агар сен билан ўша нарса ўртасини тақдирнинг ҳукми тўсган бўлса. Демак ўзингга берилганига қаноат қилдинг, яхши яшадинг. Акс ҳолда, замондан норози бўлиб, нафратга берилсанг, замон сенга узр сўраб ўтиrmайди”.

القَنَاعَةُ عِزُّ الْمُعْسِرِ وَالصَّدَقَةُ حِرْزُ الْمُوْسِرِ مَا مَضَتْ سَاعَةٌ مِنْ نَفْسِكَ إِلَّا بِيَضْعَةٍ مِنْ  
نَفْسِكَ مَا مَضَتْ سَاعَةٌ مِنْ دَهْرِكَ إِلَّا بِقِطْعَةٍ مِنْ عُمْرِكَ مَنْ رَضِيَ الْقَدَرَ إِسْتَحْفَّ بِالْعَبْرِ مَنْ  
رَضِيَ بِقَضَاءِ اللَّهِ لَمْ يُسْخِطْهُ أَحَدٌ وَمَنْ قَنَعَ بِعَطَائِهِ لَمْ يَدْخُلْهُ حَسْدٌ.

Қаноат камбағалнинг азизлиги, садақа бойнинг қўрғони. Ҳар олаётган нафасинг жонингдан бир қисмини, яшаётган замонингдан ўтаётган ҳар фурсат умрингнинг бир бўллагини олиб кетяпти. Аллоҳнинг тақдирига рози бўлган киши ибратларга аҳамият бермайди. Яъни, ибратлардан хулоса чиқариши лозим эканини тан олган ҳолда у “сўнгги натижса Аллоҳнинг ҳукмига боғлиқ” деган қарашни устун қўяди. Кимки Аллоҳнинг қазою қадарига рози бўлса, ҳеч ким уни ғазаблантиrolмайди. Аллоҳнинг берганига қаноат қилган кишининг қалбига ҳасад кирмайди.

Шур:

وَأَمْرُ اللَّهِ مُنْتَظَرٌ	هِيَ الْأَيَّامُ وَالْعَبْرُ
فَأَيْنَ اللَّهُ وَالْقَدَرُ	أَتَيْأَسُ أَنْ تَرَى فَرَجًا

Шеър (насрий баён): “ У кунлар, ибратлар, Аллоҳнинг ишлари қутилган нарсадир. Шундай экан, сен (шунча торликлардан сўнг) кенглик келишидан ноумид бўласанми, у ҳолда Аллоҳ ва тақдирга келтирган иймонинг қаерда қолди?! ”.

مَنْ تَعَزَّزَ بِاللَّهِ لَمْ يُذْلِلَهُ سُلْطَانٌ وَمَنْ تَوَكَّلَ عَلَيْهِ لَمْ يُضْرِبَ إِنْسَانٌ الصَّابِرُ عِنْدَ الْمَصَابِرِ مِنْ  
أَعْظَمِ الْمَوَاهِبِ.

Ким Аллоҳга иймон келтириш билан азиз бўлган бўлса, уни ҳеч бир султон хор қилолмайди, ким Аллоҳга суянса, унга ҳеч бир инсон зарар етказолмайди. Мусибатлар келганида сабр қилиш Аллоҳ ато этган ҳадяларнинг энг улуғидир.

شعر:

عَظَمْتُ دُونَهُ الْخُطُوبُ وَجَلَّتْ سَعَمْتُ نَفْسُكَ الْحَيَاةَ وَمَلَّتْ كُشِفْتُ عَنْكَ جُمْلَةً وَخَلَّتْ	وَإِذَا مَسَّكَ الرَّمَانُ بِضُرِّ وَأَتَتْ بَعْدَهُ نَوَائِبُ أُخْرَى فَاصْطَبِرْ وَانْتَظِرْ بُلُوغَ الْأَمَانِي وَإِذَا أَوْهَنَتْ قُواَكَ وَحَلَّتْ
---	--

Шеър (насрий баён): “Қачонки, сенга замондан бир зарар етиб, фалокатлар каттариб, кучайиб кетса, ундан сўнг яна бошқа мусибатлар ёприлса ва нафсинг ҳаётдан ноумид бўлиб, безовталанса, сабр қил, орзулар ушалишига кўз тик! Чунки мусибатлар изма-из келар экан, унинг орқа ўгириб кетиши яқин. Қачонки, қувватинг кетиб, мадорсиз қолган пайтингда мусибатлар ариб, барча чигалларинг ечилади, ғамдан озод бўласан”.

الْدُّنْيَا لَا تَصْفُو لِشَارِبٍ وَلَا يَخْلُو لِصَاحِبٍ إِنْ أَقْبَلَتْ فَهِيَ فِتْنَةٌ أَوْ أَدْبَرَتْ فَهِيَ مَحْنَةٌ فَأَعْرِضْ  
 عَنْهَا قَبْلَ أَنْ تُعْرِضَ عَنْكَ وَاسْتَبِدْلْ بِهَا قَبْلَ أَنْ يَسْتَبِدْلَ بِكَ أَخْوَاهُ لَا تَزَالْ تَتَنَقِلُ وَأَطْوَارُهَا لَا  
 تَبْرُحْ تَتَبَدَّلْ.

Дунё ҳеч бир ичувчи учун соф эмас, бирорта дўст учун унинг қалбида жой йўқ. Унинг сенга қучоқ очиб келиши фитна, юз ўгириши ранжу меҳнат. Дунё сендан юз ўгиришидан олдин ундан юз ўгир, дунё

сени алмаштириб юборишидан олдин уни алмаштирир. Дунё доим бир ҳолатдан бошқа ҳолатга кўчиб туради ва унинг атвори доим ўзгаришда.

شعر:

وَمَا هِيَ إِلَّا سَاعَةٌ ثُمَّ تَنْقَضِي  
وَيَدْهُبُ هَذَا كُلُّهُ وَيَرُولُ

Шеър (насрий баён): “Бу дунё ҳеч нима эмас, магар бир соат холос, кейин у тугаб, ҳаммаси кетади, йўқ бўлади”.

لَذَّاتُهَا فَانِيَّةٌ وَتَبِعَاتُهَا بَاقِيَّةٌ فَاغْتَنِمْ صَفْوَ الزَّمَانِ وَانْتَهُزْ فُرْصَةَ الْإِمْكَانِ

Дунёнинг лаззатлари ўткинчи, мاشаққатлари қолгувчи. Шундай экан, замоннинг тозалигини ғанимат бил ва қулай имкониятдан фойдаланиб қол.

شعر:

وَمَنْ يَطْلُبُ الْأَعْلَى مِنَ الْعَيْشِ لَمْ يَرَ  
حَزِينًا عَلَى الدُّنْيَا رَهِينَ عُبُونَهَا  
عَلَى حَالَةٍ إِلَّا رَضِيَّتْ بِدُونِهَا  
إِذَا شِئْتَ أَنْ تَحْيِي سَعِيدًا فَلَا تَكُنْ

Шеър (насрий баён): “Кимки ҳаётнинг энг олий айшини суриб ўтаман деган истак билан яшаса, хиёнатлари гаровга қўйилган дунё учун чекадиган ғам-ташвиши доимий бўлади. Агар сен баҳтли яшашни хоҳласанг, фақат мавжуд ҳолатингдан пастрофига рози бўлган ҳолда бўл”.

أَجْهَلُ سَفَهٌ وَالْأَيَامُ دُولٌ وَالدَّهْرُ عَبَرٌ. الْمَرءُ مَنْسُوبٌ إِلَى فِعْلِهِ وَمَأْخُوذٌ بِعَمَلِهِ. رَبٌّ عَطَابٌ  
تَحْتَ طَلَبِ رَبِّ مَنِيَّةٍ تَحْتَ أَمْنِيَّةٍ. كُلُّ مَحْنَةٍ إِلَى زَوَالٍ. وَكُلُّ نِعْمَةٍ إِلَى اِنْتِقَالٍ.

Жоҳиллик ақлсизликдир, кунлар айланиб турувчилир, замонлар ибратларга тўладир. Киши қилган ишига мансуб ва амали билан ушлангувчилир. Яъни, инсоннинг қилган иши унинг кимлигини белгилайди ва ҳар қилган амалига жавоб беради. Ҳалокатнинг қўпи истак-хоҳиш сабабли, ўлимнинг қўпи орзу-ҳавас сабабидир. Ҳар бир машаққат йўқ бўлишга, ҳар бир неъмат кўчиб туришга юзланади.

Шур:

فَلَا الْغَابُ مَحْرُوسٌ وَلَا الْيَثُ وَاثِبُ إِذَا اخْضَرَ مِنْهَا جَانِبُ حَفَّ جَانِبُ عَلَى ذَاهِبٍ مِنْهَا فَإِنَّكَ ذَاهِبٍ فَطَافِ عَلَى ظَهِيرِ التُّرَابِ وَرَاسِبُ	هُوَ الْقَدَرُ الْمَحْتُومُ إِنْ جَاءَ مُقْبِلاً أَلَا إِنَّمَا الدُّنْيَا نَصَارَةٌ أَيْكَةٌ فَلَا تَكْتَحِلْ عَيْنَاكَ مِنْهَا بِعَبْرَةٍ وَمَا النَّاسُ إِلَّا خَائِضُوا غَمْرَةَ الرَّدِي
--	--

Шеър (насрый баён): “Бу “қадарул маҳтум”, яъни “белгиланган тақдир”га рўбарў келган киши учун ўрмон асрайдиган жой эмас, шер ҳам унга ташланолмайди. Огоҳ бўл, дунё яшнаган боғчадир, бир томони кўкарса, бошқа томони қурийди. Шундай экан, дунёдан кетувчига ғам чекиб, кўзларингни ёшлар билан сурмалама, чунки сен ҳам ундан кетувчисан. Инсон ҳеч нарса эмас, магар ҳалокат гирдобига шўнғигувчилир. Бас, у тупроқ устида кезади ва тупроқ остига кетади”.

لَا يَبْقَى أَحَدٌ عَلَى حَالٍ وَلَا تَخْلُو سَاعَةٌ مِنْ اسْتِحَالَةٍ، رُبَّ مَأْمُولٍ يَضُرُّ وَمَحْدُورٌ يَسُرُّ، مَنْ عَاتَبَ الدَّهْرَ طَالَ عِتَابُهُ وَمَنْ سَالَمَهُ خَابَ طِلَابُهُ، كُنْ مِنْ دَهْرِكَ حَذُورًا وَعَلَى دِينِكَ عَيْوَرًا، كَمْ خَطَبٌ طَالَ ثُمَّ زَالَ، كَمْ حَالٍ مَضَى وَآتٍ اُنْقَضَى.

Хеч ким доимий бир ҳолатда турмайди ва бирор дақиқа ўзгаришдан холи бўлмайди. Орзу қилинган нарсаларнинг кўпи зарар етказади, қўрқиладиган нарсаларнинг кўпи хурсанд қиласди. Замонни сўккан кишининг сўкиши чўзилади, замонасозлик қилган кишининг истаклари юзага чиқмайди. Замонангдан эҳтиёт бўл ва динингнинг устида ғайратли бўл. Қанча ҳалокатлар бор, узундан-узоқ чўзилди ва йўқолди, қанча ҳолат ўтди ва келувчилари тугади.

شعر:

يَسْعَى إِمْرُؤْ لِيَنَالَ مَا يَسْعَى لَهُ	وَالْأَمْرُ يَصْرُفُ الْقَضَاءَ الْغَائِبُ
وَالدَّهْرُ مُخْتَلِفٌ عَلَى حَالِهِ	وَالْحَالُ يَعْلَمُهَا الزَّمَانُ الْغَالِبُ
يَأْتِي بِلَا طَلْبٍ أُنَاسًا حَظُّهُمْ	وَيُخْبِرُ بِالْطَّلْبِ الْمَلِيقُ الطَّالِبُ
لَا تَرْضَى بِاللَّعِبِ الصَّدِيقُ فَرِيمَا	جَرَّ الْقَطِيعَةَ بِالْمَزَاجِ الْلَّاعِبُ
وَاحْدَدَ رَعَاقِبَ وَرَدِ اُمْرَكَ صَادِرًا	فَلِكُلِّ وَرْدٍ مَصْدَرٌ وَعَوَاقِبُ
لَا تَسْأَلْنَ عَنِ اُمْرِيٍّ وَاسْأَلْ بِهِ	إِنْ كُنْتَ تَجْهَلُ اُمْرَهُ مَا الصَّائِبُ

Шеър (насрий баён): “Киши харакат қилган нарсасига этиш учун тинмайди. Ҳолбуки, ишни кўздан ғойиб тақдир айлантириб туради. Замон ўз ҳолатига кўра фарқланувчи бўлгани учун ҳам ғолиб замон ҳолатдан устун бўлади. Баъзи инсонларга истамасалар ҳам насибалари келади, баъзилари истаклари йўлида тиришиб бенасиб қолади. Дўстингга ҳазил-хузул қилишдан тийил, чунки бундай “ўйин”лар сабаб ора узилади, муносабат бузилади. Ишингни бошлиётганда унинг оқибатидан эҳтиёт бўл, чунки ҳар бир ишнинг боши ва охири бор. Бирор ҳақида кимлигини сўрама, балки унинг ишидан бехабар экансан, дўсти ким деб сўра”.

إِذَا حَضَرْتَ بِمَحَالِسِ الْمُلُوكِ فَغُصَّ عَيْنَيْكَ وَضُمَّ شَفَقَتِكَ وَلَا تَقْلُنْ فِي عَيْنِهِمْ مَا لَا تَقُولُهُ فِي حَضْرَتِهِمْ، فَإِنَّكَ لَا تَأْمَنُ مِنْ أَنْ يَكُونَ لَهُمْ عَلَيْكَ عَيْنٌ تَرْفَعُ لَهُمْ أَخْبَارَكَ وَتَوَصَّلُ لَهُمْ أَسْرَارَكَ. وَإِذَا جَلَسْتَ عَلَى مَوَائِدِهِمْ فَصُمْ عَنِ الْكَلَامِ وَلَا تَشْرِهِ إِلَى الطَّعَامِ، وَإِذَا حَدَّثَكَ مَلِكٌ فَاصْنُعْ إِلَيْهِ وَأَقْبِلْ بِوَجْهِكَ عَلَيْهِ، وَإِذَا أَهَّلَكَ الْمَلِكُ لِمُنَادَمَتِهِ وَجَعَلَكَ مِنْ خَاصِّتِهِ فَلَا تُؤْمِنْ عَلَى دَعْوَتِهِ وَلَا تُشَمِّتُهُ عَلَى عَطَسَتِهِ.

وَلَا تَسْأَلُهُ عَنْ حَالِتِهِ وَلَا تُفَاتِحُهُ فِي الْكَلَامِ وَلَا تُزَاجِمُهُ الْاسْتِلَامَ وَلَا تُشَارِكُ فِي التَّدْبِيرِ وَلَا تُعَاتِبُهُ عَلَى التَّقْصِيرِ، وَإِذَا لَأَعْبَكَ فَأَحْسِنِ الْأَدَبَ وَاحْسَنْ مِنْهُ سَوْرَةَ الغَضَبِ ثُمَّ لَا يَخْرُجَنَّكَ مَا تَرَاهُ مِنْ أُنْسِيهِ بِكَ إِلَى الصَّبَاحِ عَنْ مَكْرُوهِ بِكَ فِي حَالَةِ الْمُزَاحِ، وَإِيَّاكَ وَالْقَدَحَ فِي الْمُلُوكِ وَإِنْ مَضَى زَمَانُهُمْ وَانْقَضَى سُلْطَانُهُمْ، فَإِنَّ ذَلِكَ مِمَّا يَضَعُ بِقَدْرِكَ وَيَنْطِقُ بِعُذْرِكَ وَيَشْهُدُ بِلَوْمِ سَجِيَّتِكَ وَيَدْلُلُ عَلَى سُوءِ طَوِيَّتِكَ، لَأَنَّ مَنْ أَنْكَرَ حَقَّ الْمَاضِي كَانَ لِحَقِّ الْبَاقِي أَنْكَرَ وَمَنْ كَفَرَ سَالِفَ الْمَعْرُوفَ كَانَ لِآنِفِهِ أَكْفَرَ. لَا تُحَدِّثِ الْمَلِكَ بَادِيَا وَلَا تُعِدْ لَهُ حَدِيثَكَ ثَانِيَا وَلَا تُغْرِضْ عَنْهُ إِذَا أَكْثَرَ وَلَا تُكْثِرْ عَلَيْهِ إِذَا اسْتَخْبَرَ وَلَا تَصِلْ حَدِيشًا بِحَدِيشِ وَلَا تُعَارِضْ أَحَدًا فِي تَحْدِيثِ وَلَا تَغِيظَ أَحَدًا فِي مَجْلِسِهِ وَإِنْ كَثُرْتُ عَيْوَبُهُ وَزَادَتْ ذُوبَبُهُ . رَضِّ نَفْسَكَ بِطَاعَةِ سُلْطَانِكَ وَاحْفَظْ رَأْسَكَ مِنْ عَثَرَةِ لِسَانِكَ وَاجْعَلْ لِدِينِكَ مِنْ دُنْيَاكَ نَصِيبًا وَاجْعَلْ مِنْ نَفْسِكَ رَقِيبًا وَصَيْرِ لِكُلِّ جَارِحةٍ مِنْ جَوَارِحِكَ زَمَانًا وَلِكُلِّ حَرْكَةٍ مِنَ الْحَزْمِ بِحَامًا. لَا تَرْفَعْ لَهُ حَاجَةً إِلَّا إِنْ رَأَيْتَ وَجْهَكَ بِسِيطًا وَبَشِّرَهُ بَادِيَا وَقَلْبَهُ نَشِيطًا وَلَتُكِنِّ الْحَاجَةُ عَلَى مِقْدَارِ حَقِّكَ وَحُرْمَتِكَ وَكَدِكَ وَهَمَتِكَ وَقَصِّرْ عَلَيْهِ السُّؤَالُ وَتَوَقَّ الإِمْلَالَ وَلَا يَحْمِلَنَّكَ فَرْطُ مَيْلِهِ إِلَيْكَ وَشَدَّهُ إِفْبَالِهِ عَلَيْكَ عَلَى كَثْرَةِ الْمَقَالِ وَفُوَّةِ الْإِسْتِرْسَالِ. وَإِذَا نَادَمْتَهُ فَتَوَقَّ الْاِقْتِحَامَ وَتَوَخَّ الْاِحْتِرَامَ وَلَا تَبْتَدِئْهُ بِمَقَالٍ وَاجْعَلْ جَوابَكَ عَلَى قَدْرِ السُّؤَالِ فَوَكِلْ بِشَفَقَتِهِ نَاظِرَكَ وَبِحَدِيشِهِ خَاطِرَكَ وَاسْتَمِعْ إِسْتِمَاعَ مُسْتَعْرِبِ لَهُ مُسْتَظْرِفٌ وَإِنْ أَحْكَمْتَهُ عِلْمًا وَأَتَقْتَهُ فَهُمَا. وَلَا يَحْلِمَنَّكَ هَرْلَهُ مَعَكَ عَلَى ابْتِدَائِكَ بِالْهَزْلِ، فَإِنَّ قَلْبَهُ يَتَقَلَّبُ وَمَا خَفِيَ عَنْكَ أَعْجَبُ وَالْزَمْ عِنْدَهُ الْوَقَارُ وَكُنْمَ الْأَسْرَارِ.

Қачонки, подшохлар мажлисида хозир бўлсанг, кўзингни юм, оғзингни бекит. Уларнинг ёнида айтмайдиган гапингни уларнинг

йўғида ҳам айтма. Чунки сен айтган гапларингни, сирларингни уларга етказадиган кўздан сақланган эмассан. Агар уларнинг дастурхони атрофида ўтирсанг, сўздан тийил, таомга мулозамат қилма. Подшоҳ сенга гапирса, тингла ва унга юзланиб тур. Агар у сени ўзининг яқини санаб, хос муомалада бўлса, яхши кўриниш учун унинг дуосига бақириб “амин” дема, акса урса, жавобига “ярҳамакаллоҳ” ҳам дема. Унинг ҳолини сўрама, гапни аввал бошлама, ҳар қандай ҳолатда подшоҳга танглик туғдирма, тадбирда унга шериклик қилма. Ундан қусурли бир иш содир бўлса ҳам, тузатма. Агар сенга ҳазил қилса, одобни чиройли қил, ғазаб ҳолатида ундан ҳайиқиб тур. Шоҳнинг сени ўзига ошно тутишини кўриб, ўзингдан кетиб қолма. Подшоҳларни сўкма, гарчи уларнинг замони ўтиб, салтанати тугаган бўлса ҳам. Чунки бундай қилишинг қадрингни кеткизади, узрингни, яъни ожизлигингни намоён этади, табиатинг ёмонлигига гувоҳлик беради, ичинг қоралигига далолат қиласи. Негаки, ким ўтмишни инкор этса, келажакни янада қўпроқ инкор этгувчироқ бўлади. Кимки, ўтган яхшиликка ношукр бўлса, келадиган яхшиликка янада ношукроқ бўлади. Подшоҳга аввал сўз бошлама, гапингни икки марта қайтарма, агар сўзи чўзилиб кетса ҳам, ундан юзингни ўгирма. Агар сендан бирор нарсани сўраса, гапни чўзма, сўзга сўзни улама, ҳеч ким билан тортишма. Подшоҳ мажлисида бирорнинг аччиини чиқарма, гарчи унинг айби кўп, гуноҳи зиёда бўлса ҳам. Нафсингни подшоҳга итоатда чиниктир, бошингни тилингнинг қоқилишидан сақла. Дининг учун дунёнгдан улуш ол. Ўзингта ўзингдан рақиб ҳозирла, токи у сени кузатиб, тергаб турсин. Ҳар бир аъзонг учун жилов, ҳар бир ҳаракатинг учун юган ҳозирла. Кайфияти чоғ, юзи очик, қалби қувнаган пайтдагина подшоҳга ҳожатингни айт ва сўраётган ҳожатинг сенинг подшоҳ олдидағи ҳаққи-хурматинг, меҳнатинг ва ҳимматинг миқдорида бўлсин. Сўрашни қисқа қил, уни бездириб қўйма.

Подшоҳнинг сенга бўлган зиёда майли, кучли иштиёқи сенда қўп гапиришга, сўзомолликка рағбат уйғотмасин. Подшоҳга яқин бўлар экансан, келиб ўч олинишидан эҳтиёт бўл, доим хурматини сақла. Гапни сен бошлама, жавобинг саволга баробар бўлсин, кўзингни унинг лабларига, ақлингни унинг сўзларига вакил қил. Ундан ноўринроқ гапни эшитсанг, худди ўткир фикр каби тингла, гарчи унинг илми сен туфайли мустаҳкамланган, фаҳми сен туфайли камолга етган бўлса ҳам. У сенга ҳазиллашгани учун ҳазилни аввал бошлаб қолма, чунки унинг қалби ўзгариб туради ва қалбida сенга яширин нарсалар бўлиши мумкин. Подшоҳнинг олдида ўзингни викорли тут ва сирларингни бекит.

شعر:

مِنَ التَّقْوَىٰ أَعَزَّ مَلْبِسٍ	إِذَا صَحِبَتِ الْمُلُوكَ فَالْبَسْ
وَأَخْرُجْ إِذَا مَا خَرَجْتَ أَخْرَسَ	وَادْخُلْ إِذَا مَا دَخَلْتَ أَعْمَىٰ

Шеър(насрий баён): “Подшоҳ билан яқин бўлсанг, эҳтиёткорлик либосининг энг улуғини кий. Подшоҳнинг ҳузурига кираётганингда кўр бўлиб кир, чиқаётганингда соқов бўлиб чик”.

### ضرب مثل

#### Зарбулмасал

حُكِيَ أَنَّ شَعْلَبَا گَانَ يُسَمَّى ظَالِمًا، وَكَانَ لَهُ جُحْرٌ يَأْوِي إِلَيْهِ وَكَانَ مَسْرُورًا بِهِ وَلَا يَبْتَغِي عَنْهُ بَدَلًا فَخَرَجَ مِنْهُ يَوْمًا يَبْتَغِي مَا يَأْكُلُ ثُمَّ رَجَعَ فَوَجَدَ فِيهِ حَيَّةً فَانْتَظَرَ حُرُوجَهَا فَلَمْ تَخْرُجْ وَعَلِمَ أَنَّهَا قَدْ أَوْطَنَتْهُ فَعَلِمَ أَنَّهُ لَا سَبِيلَ إِلَى السُّكُونِ مَعَهَا فَدَهَبَ يَبْتَغِي لِنَفْسِهِ جُحْرًا غَيْرَهُ فَانْتَهَى بِهِ النَّظَرُ إِلَى جُحْرٍ حَسَنِ الظَّاهِرِ حَصِينِ الْمَوْضِعِ فِي مَكَانٍ خَصَبٍ ذِي أَشْجَارٍ مُلْتَقَةٍ وَمَاءٍ مَعِينٍ فَأَعْجَبَهُ

وَسَأَلَ عَنْهُ فَأَخْبَرَ أَنَّهُ لِشَغْلٍ يُسَمَّى مُقَوِّضًا وَأَنَّهُ وَرِثَهُ عَنْ أَيِّهِ فَنَادَاهُ ظَالِمٌ فَخَرَجَ إِلَيْهِ وَرَحَبَ بِهِ وَأَدْخَلَهُ الْجُحْرَ وَسَأَلَهُ عَمَّا قَصَدَهُ لَهُ فَقَصَّ عَلَيْهِ خَبْرَهُ وَشَكَا إِلَيْهِ مَا نَالَهُ فَرَقَ لَهُ مُفَوِّضٌ ثُمَّ قَالَ لَهُ: إِنَّ مِنَ الْهِمَّةِ أَنْ لَا تَقْصُرَ عَنْ مُطَالَبَةِ عَدُوِّكَ وَأَنْ تَسْتَفِرَ جُهْدَكَ فِي ابْتِغَاءِ دَفْعِهِ فَرُبَّ حِيلَةٍ أَنْفَعُ مِنْ قِبِيلَةٍ وَالرَّأْيُ عِنْدِي أَنْ تَنْطَلِقَ مَعِي إِلَى مَأْوَاكَ الَّذِي أُنْتَزَعَ مِنْكَ غَصْبًا حَتَّى أَطْلَعَ عَلَيْهِ فَلَعْلَّي أَهْتَدِي إِلَى وَجْهِ الْحِيلَةِ إِلَيْهِ وَإِلَى تَمْكِينِكَ مِنْهُ، فَإِنَّ صَوَابَ الرَّأْيِ مَا أُبَسِّسَ عَلَى الرُّؤْيَاةِ.

فَانْطَلَقا مَعًا إِلَى ذَلِكَ الْجُحْرِ فَتَأَمَّلَهُ مُفَوِّضٌ وَأَدْرَكَ غَرَضَهُ مِنْهُ ثُمَّ أَقْبَلَ عَلَى ظَالِمٍ فَقَالَ لَهُ: قَدْ شَاهَدْتُ مِنْ مَسْكِنِكَ مَا فَتَحَ لِي بَابَ الْحِيلَةِ فِي خَلَاصِهِ فَقَالَ لَهُ ظَالِمٌ: أَطْلَعْنِي عَلَى مَا ظَهَرَ لَكَ فَقَالَ مُفَوِّضٌ: إِنَّ أَضْعَفَ الرَّأْيِ مَا سَنَحَ فِي الْبَدِيهَةِ وَلَكِنْ إِنْطَلِقْ مَعِي لِتَبِيَّنَ عِنْدِي لَيْلَتِي هَذِهِ لَأَنْظُرْ رَأْيِي فِيمَا ظَهَرَ لِي فَفَعَلَ بَاتَ مُفَوِّضٌ مُفَكِّرًا فِي ذَلِكَ وَجَعَلَ ظَالِمٌ يَنَامُ مَسْكِنَ مُفَوِّضٍ فَرَأَيَ مِنْ سَعْيِهِ وَطِيبِ تُرْبَتِهِ وَحَصَانَتِهِ وَكُثْرَةِ مَرَافِقِهِ مَا اشْتَدَّ إِعْجَابُهُ وَحِرْصُهُ عَلَيْهِ وَشَرَعَ يُدَبِّرُ فِي غَصْبِهِ وَطَرْدُ مُفَوِّضٍ مِنْهُ

وَفِي الْحِكْمَةِ: الْئِتِيمُ كَالنَّارِ إِكْرَامُهَا إِضْرَامُهَا وَكَالْحُمْرِ حَبِيبُهَا سَلِيبُهَا وَتَبِيعُهَا صَرِيعُهَا فَلَمَّا أَصْبَحَا قَالَ مُفَوِّضٌ لِظَالِمٍ: إِنِّي رَأَيْتُ ذَلِكَ الْجُحْرَ بِمَوْضِعٍ بَعِيدٍ مِنَ الشَّجَرِ وَالْخَيْرِ فَاصْرَفْ نَفْسَكَ عَنْهُ وَهَلْمُمْ أُعِينُكَ عَلَى حَفْرِ مَسْكِنٍ قَرِيبٍ مِنْ جُحْرِي هَذَا فَإِنَّ هَذِهِ الْأَرْضَ حِصْبَةً مُتَبَيِّسَةً الْمَرَافِقِ فَقَالَ لَهُ ظَالِمٌ: إِنَّ ذَلِكَ لَا يُمْكِنُنِي لَأَنَّ نَفْسِي تَهْلِكُ لِبَعْدِ الْوَطَنِ حَنِينًا وَلَا تَمْلِكُ لِفُقدِ الْمَسْكِنِ سُكُونًا

فَلَمَّا سَمِعَ مُفَوِّضٌ مَقَالَةَ ظَالِمٌ وَمَا تَظَاهَرَ بِهِ مِنَ الرَّغْبَةِ فِي وَطَنِهِ، قَالَ لَهُ: إِنِّي أَرَى أَنْ تَذَهَّبَ يَوْمَنَا هَذَا فَنَحْتَطِبْ حَطَبًا وَنَرِطَ مِنْهُ حُرْمَتَيْنِ فَإِذَا أَقْبَلَ اللَّيْلُ انْطَلَقْتُ أَنَا إِلَى بَعْضِ هَذِهِ الْحَيَاةِ فَأَتَيْتُ بِقَبَسِ نَارٍ وَاحْتَمَلْنَا الْحَطَبَ وَالْقَبَسَ وَقَصَدْنَا إِلَى مَسْكِنِكَ فَجَعَلْنَا الْحُرْمَتَيْنِ عَلَى بَابِهِ وَأَضْرَمْنَاهُمَا نَارًا فَإِنْ خَرَجَتِ الْحَيَاةُ احْتَرَقَتْ وَإِنْ لَرِمَتِ الْجُحْرَ أَهْلَكَهَا الدُّخَانُ، فَقَالَ ظَالِمٌ: نِعَمْ الرَّأْيُ هَذَا

فَانْتَلَقَا فَاخْتَطَبَا وَرَيَطَا مِنَ الْحَطَبِ حُزْمَتَيْنِ بِقَدَرِ مَا يُطِيقَانِ حَمْلُهُ، وَلَمَّا جَاءَ اللَّيْلُ وَأَفْجَلَ  
وَأَوْقَدَ أَهْلُ الْخَيْمَ النَّارَ انْطَلَقَ مُفَوِّضٌ لِيَأْخُذَ قَبْسًا فَعَمِدَ ظَالِمٌ إِلَى إِحْدَى الْحُزْمَتَيْنِ فَأَرَاهَا إِلَى  
مَوْضِعِ غَيْبَاهَا فِيهِ ثُمَّ جَرَّ الْحُزْمَةَ الْأُخْرَى إِلَى بَابِ مَسْكِنِ مُفَوِّضٍ وَدَخَلَهُ وَجَدَبَهَا إِلَيْهِ فَأَدْخَلَهَا فِي  
الْبَابِ فَسَدَّهُ بِهَا وَقَدَرَ فِي نَفْسِهِ أَنَّ مُفَوِّضًا إِذَا أَتَى الْجُحْرَ لَمْ يُمْكِنْهُ الدُّخُولُ إِلَيْهِ لِحِصَانَتِهِ وَلَأَنَّ  
بَابَهُ مَسْدُودٌ بِالْحَطَبِ سَدًا مُحْكَمًا وَأَكْثَرُ مَا يَقْدِرُ عَلَيْهِ أَنْ يُحَاصِرَهُ فَإِذَا يَكُسَّ مِنْهُ ذَهَبَ فَنَظَرَ  
لِنَفْسِهِ مَأْوِي

وَقَدْ كَانَ ظَالِمٌ رَأَى فِي مَنْزِلِ مُفَوِّضٍ أَطْعَمَةً كَثِيرَةً إِدْخَرَهَا مُفَوِّضٌ لِنَفْسِهِ، فَعَوَّلَ ظَالِمٌ عَلَى  
الْأَقْتِيَاتِ مِنْهَا فِي مُدَّةِ الْحِصَارِ وَدَهَلَهُ الشَّرْهُ وَالْحِرْصُ عَلَى الْبَعْيِ عَنْ فَسَادِ هَذَا الرَّأْيِ وَأَنَّهُ مُتَعَرِّضٌ  
لِمِثْلِ مَا عَزَّمَ عَلَيْهِ أَنْ يَفْعَلَهُ بِالْحَيَاةِ

ثُمَّ إِنَّ مُفَوِّضًا جَاءَ بِالْقَبْسِ فَلَمْ يَجِدْ ظَالِمًا وَلَا وَجَدَ الْحَطَبَ، فَظَرَّ أَنَّ ظَالِمًا قَدِ احْتَمَلَ  
الْحُزْمَتَيْنِ مَعًا تَخْفِيفًا عَنْهُ وَأَنَّهُ ذَهَبَ إِلَى الْجُحْرِ الَّذِي فِيهِ الْحَيَاةُ فَظَاهَرَ لَهُ مِنَ الرَّأْيِ أَنْ يَتْرُكَ النَّارَ  
وَيَسْرَعَ فِي الْمَسْيِ لِيُدْرِكَهُ وَيُسَاعِدَهُ فِي حَمْلِ الْحَطَبِ فَأَلْقَى النَّارَ مِنْ يَدِهِ ثُمَّ خَشِيَ أَنْ يُطْفِئَهَا  
الرِّيحُ فَيَحْتَاجُ إِلَى نَارٍ أُخْرَى فَأَدْخَلَهَا فِي بَابِ الْجُحْرِ لِيَسْتَرِهَا مِنَ الرِّيحِ فَأَصَابَتِ الْحَطَبَ فَأَضْرَمَتْهُ  
نَارًا وَاحْتَرَقَ ظَالِمٌ فِي الْجُحْرِ وَحَاقَ بِهِ مَكْرُهٌ

فَلَمَّا اطْلَعَ مُفَوِّضٌ عَلَى ظَالِمٍ قَالَ: مَا رَأَيْتُ كَالْبَعْيِ سِلَاحًا أَكْثَرَ عَمَلَهُ فِي مُخْتَمِلِهِ  
ثُمَّ تَمَّهَلَ حَتَّى طَفِئَتِ النَّارُ وَدَخَلَ فِي جُحْرِهِ وَاسْتَخْرَجَ جِيفَةً ظَالِمٌ فَأَلْقَاهَا وَاسْتَقَرَ فِي مَأْوَاهُ وَفَوْضَ  
أَمْرَهُ إِلَى مَوْلَاهُ.

Хикоя қилинишича, Золим исмли бир тулки бўлган экан. У ўз уясига эга ва уясидан жуда хурсанд, уни бошқасига алиштиргиси келмас эди. Бир куни у озиқ истаб инидан чиқди. Қайтиб келганида уяда илон ётганини кўриб, унинг кетишини кутди, аммо илон уяни тарк этмади. Золим англадики, илон бу жойда маскан тутган ва у билан яшашнинг ҳеч иложи йўқ. Кейин тулки бошқа уя излаб кетди. Нихоят, дарахтлари кўп, серўт, булоқлари сувга тўла маконда жойлашган,

атрофи қўрғонланган, кўриниши чиройли бир уяга кўзи тушди. Бу уя унинг эътиборини тортди. Кейин у суриштириб, бу уянинг Муфаввиз деган тулкига тегишли эканидан хабар топди. Уя Муфаввизга отасидан мерос экан. Золим уни чақирди, Муфаввиз унинг олдига чиқиб, саломлашди ва Золимни уясига чорлади. Муфаввиз унинг нима мақсадда келганини сўрагач, Золим унга бўлган воқеанинг хабарини берди ва ўзига етган мусибатдан шикоят қилди. Муфаввиз унга раҳми келиб, деди: “Душманингдан уянгни талаб қилишда чекинмасдан ҳиммат кўрсатишинг, илонни инингдан ҳайдаб чиқаришга бор кучингни сарфлашинг лозим. Менинг раъйим шуки, сендан тортиб олинган уянгга бирга борайлик, у ерни бир қўрай, балки бир ҳийлага йўл очилар, уянгни қайтариб олиш имкони туғилар. Чунки тўғри фикр вазиятни кўз билан кўрганда юзага чиқади”. Сўнгра улар биргаликда ўша уя томон кетишиди. Муфаввиз бир ҳийла ўйлаб топди ва Золимга юzlаниб деди: “Масканингни кузатиб, уни илондан халос килишнинг ҳийласи менга аён бўлди”. Шунда Золим унга: “Қани, аён бўлган ишни менга ҳам билдир-чи”, – деди. “Фикрларнинг энг заифи бадиҳатан келган, яъни энг аввал хаёлга келган фикрdir. Сен бу кеча мен билан уямда тунаб қол, хаёлимга келган фикрни обдон ўйлаб қўрай” – айтди Муфаввиз. Улар шундай қилишиди. Муфаввиз тунни хаёлига келган ҳийлани фикрлаш билан ўтказди. Золим эса Муфаввизнинг масканини ўзлаштириш ҳақида ўй сурарди. Кўрдики, уя анча кенг ва мустаҳкам, тупроқлари майин. Хуллас, бу жойда Золимнинг ҳайратини ва ҳирсини оширадиган қулайликлар кўп эди. Золим бу уяни эгаллаб, Муфаввиздан уни тортиб олиш ҳақида ўйлай бошлади. Ҳикматларда келганки, пасткаш худди оловга ўхшайди: оловга йўл берсанг, куйдиради. Шунингдек, пасткаш маст қилувчи ичкиликка ўхшайди: унга меҳр берсанг, бор-будингни тортиб олади, унга эргашсанг, охир мағлуб бўласан. Иккала тулки тонгни оттиргач, Муфаввиз Золимга айтди:

“Мен уянгнинг дарахтлардан ва бошқа қулайликлардан узоқлигини кўрятман. Яхиси, ўша уядан кечиб қўяқол, кел, менинг уямга яқин жойдан сенга ин қуришга ёрдам берай, бу ер серҳосил, қулайликлар бисёр”. Шунда Золим: “Бу мумкин эмас, чунки мен ўз масканимдан узоқда жоним ачишиб, сиқилиб қоламан, ўрганиб қолган ердан ажралишимнинг иложи йўқ” – деди. Муфаввиз Золимнинг бу гапини эшитгач, ва унинг ўз уясига рағбати борлиги зоҳир бўлгач, деди: “У ҳолда, менинг фикрим шуки, бугун уянгга борамиз, ўтин териб, уларни икки боғ қилиб боғлаймиз. Кеч кирганда мен тикилган чодирларнинг биридан чўғ олиб келаман. Сўнгра икки боғ ўтин билан йўлга тушиб, уларни уянинг эшиги олдига тахлаб, ўт қўйиб юборамиз. Агар илон чиқса, куяди, уяда қолса, тутундан бўғилиб ўлади”. Шунда Золим: “Қандай яхши фикр!” – дея Муфаввизни маъқуллаган бўлди. Кейин улар ўтин теришиб, ўzlари кўтарадиган даражада ўтиналарни икки боғ қилиб боғлашди. Кеч кириб, чодирларда ўт ёқилгач, Муфаввиз чўғ олиб келиш учун кетди. Золим эса икки боғ ўтиндандан бирини бошқа жойга беркитиб қўйди. Қолган бир боғ ўтинни Муфаввизнинг уаси эшиги олдига тортиб олиб келди. Кейин ўзи уяга кириб, боғлам ўтиналарни ичкари тортиб киргазди ва у билан гўё кирадиган эшикни маҳкам ёпди. У ўзича ўйладики, энди Муфаввиз уяга киролмайди, чунки ўтиналар эшикни ичкаридан маҳкам тамбалаб, бекитиб турибди. Муфаввизнинг фақат уя атрофини вақтинча ўраб қўйишгагина кучи етиши мумкин. Кейин барибир ноумид бўлиб, уяни тарк этади. Золим уяга қараб ўйлади, қамал муддати қанчага чўзилса ҳам, Муфаввиз ўзи учун ғамлаган озиқлар унга бемалол етади. У Муфаввизнида тунаган кечаси бу озиқларга кўзи тушган эди. Очкўзлик ва адолатсизлик Золимни бу бузук фикрдан ғофил қолдирди. Шундай қилиб, илонга ишлатмоқчи ҳийла тузоғига Золимнинг ўзи рўпара келди. Кейин Муфаввиз чўғни олиб келди, лекин келишилган жойда на Золим бор

эди, на ўтинлар?! Шунда у: Золим менга енгиллик бўлсин деб икки боғ ўтинни ўзи кўтариб кетганмикан, деб ўйлаб илон эгаллаб олган уя томон кетди. Тезроқ Золимга етиб олиб, унга кўмаклашиш учун чўғни қолдириб кетмоқчи бўлди-ю, аммо ўйлаб қолди, шамол уни ўчириб қўйса-чи?! Қайтадан оловга бориб келишдан хавфсираб, чўғни шамолдан пана қилиб, уя эшиги олдида қолдирди. Чўғ алангаланиб, эшик ичкарисида турган ўтинга олов тегди ва уяда бекинган Золим куйиб кул бўлди. Муфавиззга Золимнинг макри аён бўлди. Кейин олов ўчгунча кутди ва уясига кириб, Золимнинг жасадини чиқариб ташлади. Сўнгра ўз уясида ўрнашиб, ишини Аллоҳга топширди.

## الأُسلُوبُ السَّابُعُ

### Еттинчи услуб

فِيمَا يَتَخَلَّقُ بِهِ الْإِنْسَانُ مِنَ الْبَغْيِ وَالْعُدْوَانِ

## Зулм ва душманликда фарқланадиган инсонлар ҳақида

قَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:

{أَعْتَى النَّاسِ عَلَى اللَّهِ، وَأَبْغَضُ النَّاسِ إِلَى اللَّهِ، وَأَبْعَدُ النَّاسِ مِنَ اللَّهِ رَجُلٌ وَلَاَهُ اللَّهُ تَعَالَى مِنْ أُمَّةٍ مُحَمَّدٌ شَيْئًا وَلَمْ يَعْدِلْ فِيهِمْ}.

(لم أجده فيما وقفت عليه من مصادر كتب الحديث)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам деди: “Аллоҳ учун одамларнинг энг хаддан ошгани, одамларнинг Аллоҳга энг ёмон кўринадигани, одамларнинг Аллоҳдан энг узоғи шундай кишики, Аллоҳ уни Мухаммад умматидан қилиб, унга бир нарсани топширди (яъни, уни бошчи қилиб қўйди), лекин у одамлар ичидаги адолат билан ҳукм юритмади”.

وَأَوْصَى عَلَيْ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ مُحَمَّداً فَكَانَ مِنْ وَصِيَّتِهِ لَهُ: يَا بُنَيَّ، بِئْسَ الزَّادُ لِلْمَعَادِ ظُلْمٌ الْعِبَادِ رُتْكٌ لِلْبَاغِيْنَ مِنْ أَحْكَمِ الْحَاكِمِينَ فِي كُلِّ جَرْعَةٍ شَرْقَةٌ وَفِي كُلِّ أَكْلَةٍ غُصَّةٌ.

Алий розияллоҳу анҳу ўғли Мухаммадга васият қилди. Унинг васиятлардан бири шундай эди: “Эй ўғилчам, Охират учун ғамланган озиқнинг энг ёмони бандаларга зулм қилишдир. Раббинг зулм қилувчилар устидан ҳукм қилувчиларнинг энг одилидир. Ҳар бир қултумда тиқилиш, ҳар ейишда бир кусиш бор”.

وقال عامرُ بْنُ الظَّرْبِ: إِيَّاكُمْ وَالشَّرَّ فِإِنَّ لَهُ بَاقِيَّةً وَادْفَعُوا الشَّرَّ بِالْخَيْرِ يَعْلَمُهُ، فَمَنْ دَفَعَ الشَّرَّ بِالشَّرِّ رَجَعَ عَلَيْهِ، وَإِيَّاكُمْ وَالْحَسَدُ فِإِنَّهُ شَوْمٌ وَنَكْدُ.

Омир ибн Мутриб айтди: “Ёмонликдан сақланинглар, чунки ёмонликнинг қолдиги бор (яъни, ёмонлик ҳар қандай ҳолда ўзидан асорат қолдираверади). Ёмонликни яхшилик билан кеткизинглар,

яхшилик ёмонликдан ғолиб келади. Кимки ёмонликни ёмонлик билан кеткизар экан, ёмонлик унга қайтиб келади. Ҳасаддан сақланинглар, чунки у бадбаҳтлик ва балодир”.

وقال حكيم: وَإِلَى الْعَدْرِ مَعْزُولٌ، وَسَمِينُ الْغَضْبِ مَهْزُولٌ، وَجَيْشُ الْعُدُوانِ مَعْلُولٌ، وَعَرْشُ الطُّغْيَانِ مُثْلُولٌ مَنْ طَالَ عُدُوانُهُ زَالَ سُلْطَانُهُ.

Донишманд деди: “Хиёнаткор бошлиқ – (аслида) мансабдан тушган, ғазаби семирган (аслида) озиб-тўзган, тажовузкорнинг қўшини ичи ғилли-ғашга тўла, зулм устига курилган тахт емирилгандир. Кимнинг золимлиги чўзилса, султонлиги тугаб битади”.

Шур:

أَحْسَنْتَ ظَنَكَ بِالْأَيَامِ إِذْ حَسِنْتَ  
وَلَمْ تَخْفِ سُوءَ مَا يَأْتِي بِهِ الْقَدْرُ  
وَعِنْدَ صَفْوِ الْلَّيَالِي يَحْدُثُ الْكَدْرُ  
وَسَالَمْتُكَ الْلَّيَالِي فَاغْتَرَرْتَ بِهَا

Шеър (насрий баён): “Кунлар яхши ўтаётганида доим шундай бўлади деган гумонда бўлдинг ва Аллоҳнинг тақдиридан келадиган ёмонликдан қўрқмадинг. Тунлар сен билан келишиб дўстлашганида унга алдандинг, холбуки, тун (осмони) роса тиник тортиб, (сўнг) хиралашади”.

إِذَا كَانَتِ الْإِسَاءَةُ طَبْعًا لَمْ يَمْلِكْ لَهَا إِلَّا نَسَانُ دَفْعًا العَاقِلُ يُقَدِّمُ التَّجْرِيبَ عَلَى التَّقْرِيبِ،  
وَالْخِتَارَ عَلَى الْخِتَارِ وَالثِّقَةَ عَلَى الْمَقَهِ، الْعَاقِلُ لَا يَرْكِبُ مَطِيَّةً فَوَاهَا الْعُدُوانُ وَلَا يَتَبَوَّأُ مِنْزَلًا  
عَمَرَهُ الطُّغْيَانُ وَقَالَ حَكَيمٌ: الْبَاغِي بَاحْثٌ عَنْ حَكْمِهِ بِظَلْفِهِ، يَرِدُ مَهَاوِيَ التَّلْمِيْرِ بِمَسَاوِيَ التَّدْبِيرِ.

Агар ёмонлик табиатга айланса, инсон уни даф қилишга қодир эмас. Оқил киши тажрибани – тахминдан, аввал синааб кўришни – ўйламасдан қилиб қўйишдан, ишончни – нафратдан муқаддам тутади. Оқил киши зулмдан қувват олган маркабга минмайди,adolatсизлик барпо қилган манзилга ўрнашмайди. Донишманд деди: “Золим тирноклари билан ўзининг ўлимини ахтарувчиdir. У ёмон тадбирлари билан ҳалокат ҷоҳига қараб боряпти”.

شعر:

فِإِنَّكَ فِيهَا دُونَهُ سَوْفَ تُصْرَعُ  
وَلَا تَحْتَفِرْ بِئْرًا تُرِيدُ أَخَا بَهَا

Шеър (насрий баён): “Биродарингнинг учун чуқур ковлама. Чунки ўша чуқурга у эмас, ўзинг тушасан”.

ما اجتمع مُلْكٌ وَبَغْيٌ عَلَى سَرِيرِ الْأَخْلَاءِ. لِكُلِّ مَصَابٍ رَاحِمٌ إِلَى الْبَاغِيِّ، مَا أَعْطَى الْبَغِيِّ  
شَيْئًا لَأَحَدٍ إِلَّا أَخَذَهُ مِنْهُ مَضَاعِفًا، الْشَّرُّ شَرَّةٌ يُتَنَجِّهَا طَبَّعُ، وَيُهَيِّجُهَا طَمَعٌ؛ الْحَرْصُ أَبُوهُ، وَالْبَغِيِّ  
أَبْنُهُ، وَالظَّمَعُ شَقِيقَهُ، وَالذُّلُّ رَفِيقَهُ، مَنْ شَرَّهُ وَقَعَ فِيمَا كَرِهَ.

Шоҳлик билан зулм битта тахтда жамланмайди, магар бири келса, бошқаси кетади. Ҳар бир мусибатланган кишига раҳм қилгувчи бор, магар золимга раҳм қилгувчи йўқ. Зулм ҳеч кимга бир нарса бермайди, (гарчи золим олдим деб ўйласа ҳам, аслида) зулм ундан бир неча баробар қилиб олади. Ўткирлик инсон табиатининг маҳсули, тамаъ уни қўзғайди. Ҳирс ўткирликнинг отаси, зулм унинг ўғли, тамаъ унинг туғишиган акаси, хорлик унинг дўстидир. Очкўз кимса ўзи ёмон кўрган чуқурга тушади.

الظالم أدعى شئ إلى تغيير النعمة، وتعجّل النعمة، يوم المظلوم على الظالم أشد من يوم  
الظالم على المظلوم، لا تركن لأول مخبر ولا تشمن بأول محليس، لباس الظالم في الدنيا ملامه وفي  
الآخرة ندامة، يندمل من المظلوم جراحه إذا انكسر من الظالم جناحه.

Неъматни (кулфатга) ўзгаришишга ва ўчни тезлатишга сабаб бўлгувчи нарсаларнинг энг кучлиси зулмдир. Мазлумнинг золим устидан хукм юритадиган куни золимнинг мазлум устидан хукм юритган кунидан шиддатлироқдир. Биринчи эшитилган хабарга суюниб қолма, бир марта қилган сухбатингга ишонма. Бугунингнинг экини эртангнинг ҳосилидир. Золимнинг либоси бу дуёда маломат, Охиратда пушаймонликдир. Мазлумнинг жароҳати золимнинг қаноти синган кун тузалади.

شعر:

فَالظُّلْمُ آخِرَهِ يَأْتِيْكَ بِالنَّدَمِ	لَا تَظْلِمَنَّ إِذَا مَا كُنْتَ مُقْتَدِرًا
يَدْعُو عَلَيْكَ وَعَيْنُ اللَّهِ لَمْ تَنْمِ	نَامَتْ عَيْوَنَكَ وَالْمَظْلُومُ مُنْتَهٍ

Шеър (насрий баён): “Бировга зуғум қилишга қувватинг етса ҳам, зулм қилма. Чунки зулмнинг охири сенга пушаймонлик келтиради. Сенинг қўзларинг уйқуга кетади, мазлум эса уйғоқ, сени доибад қиласди ва айни пайтда Аллоҳ ҳам ухламайди, балки у ҳамиша уйғоқ Зотдир”.

مَنْ جَاهَ حُكْمَهُ أَهْلَكَهُ ظُلْمُهُ . مَنْ أَحْسَنَ فِنْفَسِيهِ عُنِيَّهُ ، وَمَنْ أَسَاءَ فَعَلَيْهَا جَنَّهُ .  
مَنْ كَثُرَ تَعَدِّيْهِ كَثُرَتْ أَعَادِيْهِ . الظُّلْمُ سَالِبٌ لِلنِّعَمِ وَالْبَغْيُ جَالِبٌ لِلنِّقَمِ .

Кимнинг ҳукми жавру зулмдан иборат бўлса, зулми унинг ўзини ҳалок килади. Кимки яхшилик қиласа ҳам, ёмонлик қиласа ҳам, ўзига килган бўлади. Кимнинг ҳаддан ошиши кўпайса, душманлари ҳам кўпаяди. Зулм неъматни ечинтирувчи, адолатсизлик ўчни жалб қилувчидур.

شعر:

يَا أَيُّهَا الظَّالِمُ فِي فَعْلِهِ  
إِلَى مَتَى أَنْتَ وَحْتَى مَتَى  
الْظُّلْمُ مَرْدُودٌ عَلَى مَنْ ظَلَمَ  
عَلَى الْمَصَابِ تَنْسَى النَّقَمَ

Шеър (насрий баён): “Эй, қилмиши зулм бўлган золим! Зулм уни қилган кишига қайтаришувчидир. Сен токай, қачонгача ўч олинишини унутиб, қийналганларни қийнайсан?!”

أَقْرَبُ الْأَشْيَاءِ صرعةُ الظَّلَمِ، وَأَنْقَدُ الْأَشْيَاءِ دَعْوَةُ الْمَظْلومِ، مَنْ أَكْثَرُ الْعُدُوانَ لَمْ يَأْمُنْ أَبَدًا، وَمَنْ سَلَكَ الْعَدْلَ لَمْ يَخْشِ أَحَدًا، مَنْ أَسَاءَ اسْتَعْجَلَ الْوَجْلَ، وَمَنْ أَحْسَنَ إِسْتَقْبَلَ الْأَمْلَ مَنْ تَعَدَّى فِي سُلْطَانَهُ عُدُّ مَنْ عَوَادَيْ زَمَانِهِ.

Нарсаларнинг энг яқини – золимнинг қулаши ва нарсаларнинг энг ўткири – мазлумнинг дуоси. Кимда тажовузкорлик кўпайса, ҳеч хотиржам бўлолмайди. Ким адолат йўлини тутса, ҳеч кимдан қўрқмайди. Ким ёмонлик қиласа, хавф-хатарни (ўзи томон) тезлатган бўлади. Ким яхшилик қиласа, орзурага рўбарў бўлади. Ким ўз султонлигига ҳаддан ошса, у замонасининг кулфатларидан саналади.

شعر:

الشَّرُّ مَصَارُعُ لَهُ شَكُوٰهٌ  
تَسْتَنْزِلُ الْجَبَارَ عَنْ عَرْشِهِ

گَالْمَيْتِ مَحْمُولًا عَلَى نَعْشِهِ  
 وَأَنْتَ إِنْ لَمْ تَرْجُ لَوْ تَتَّقِي  
 فَقَلَّ مَنْ يَسْلِمُ مِنْ بَحْشِهِ  
 لَا تَنْجُشِ الشَّرَّ فَتُبْلِي بِهِ  
 أَدْخَلَ رَأْسَ الْكَبْشِ فِي كَرْشِهِ  
 إِذَا طَغَا بِالْكَبْشِ لَهُمُ الْكَلَاءُ

Шеър (насрий баён): “Ёмонлик тиканларга тўла йиқитадиган жойдир, у золимни тахтидан туширади. Агар сен тақволи бўлишни умид қилмасанг, бамисоли тобутга юкланган ўликсан. Ёмонликни оширма, сабаби ўзинг унга мубтало бўласан. Негаки, ёмонликни кўпайтиришдан саломат қолган киши кам. Қачонки, қўчқорнинг буйраги ёғ боғлаб, ҳаддидан ошса, бу семириш қўчқорнинг калласини ичагига тиқиб қўяди (яъни, у хасипга айланади)”.

شُرُّ النَّاسِ مَنْ يَنْصُرُ الظَّلُومَ، وَيَخْذُلُ الْمَظْلُومَ. مَنْ رَكِبَ الْحَقَّ، غَلَبَ الْخُلُقَ. مِنْ أَسْوَأِ  
 الْخَتِيَارِ إِسَاءَتُهُ الْجِوَارِ. مَنْ سَاءَ إِخْتِيَارُهُ قَبَحَتْ آثَارُهُ . مَنْ تَبَاهَى عَلَى ذَوِيهِ، تَنَاهَى فِي تَعَدِّيَهِ .

Одамларнинг ёмони золимга ёрдам бериб, мазлумни чорасиз қолдирадиганлари. Ҳақиқатни маркаб қилган киши халқ устидан ғолиб бўлади. Танланган ишларнинг энг ёмони – қўшничиликни ёмон қилиш. Кимнинг танлайдигани ёмон бўлса, ундан хунук излар қолади. Ўзидан улуғларга мақтанчоқлик қилган кимса ҳаддидан ошишни энг чекка чегарасигача етказибди. Ким етимга зулм этса, у ўз болаларига зулм килибди. Ишнинг бошини бузган киши ишнинг охирини ҳам бузган бўлади.

مَنْ ظَلَمَ يَتِيمًا ظَلَمَ أُولَادَهُ . مَنْ أَفْسَدَ مَبْدَأً أَفْسَدَ مَعَادَهُ . مَنْ طَلَبَ رَاحَةً نَفْسِهِ إِجْتَنَى  
الآثَامَ، وَمَنْ طَلَبَ رَاحَةً بَيْنِهِ رَحْمَ الْأَيْتَامَ . مَنْ رَكِبَ الْبَعْيَى لَمْ يَئَلْ بُعْيَتَهُ، وَمَنْ أَسَسَ الظُّلْمَ هَدَمَ  
بُعْيَتَهُ . أَوْحَشُ النَّاسِ مَنْ أَخْحَذَ بِغَيْرِ حَقٍّ وَأَخْسَهُمْ مَنْ لَوْالِدَيْهِ عَقَّ

Нафсиning роҳатини излаган гуноҳлар ҳосилини теради, фарзандларининг роҳатини излаган етимларга меҳрибонлик қиласи. Ким тажовуз отига минса, мақсадига етолмайди. Ким зулмни пойдевор қиласа, вужуд биносини бузади. Одамларнинг энг ваҳшийи биронинг мулкини ноҳақ оладигани, одамларнинг энг пасткаши ота-онасига оқ бўлгани.

مَنْ غَدَرَ شَانَهُ غَدْرُهُ . وَمَنْ مَكَرَ حَاقَ بِهِ مَكْرُهُ . الْحُقُّ أَفْوَى أَمِينٍ وَالصِّدْقُ أَفْضَلُ قَرِينٍ .  
مَنِ اسْتَعْمَلَ الْعَدْلَ حَصَنَ مُلْكَهُ وَمَنْ ظَلَمَ عَجَّلَ هُلْكَهُ . إِيَّاكَ وَالْبَعْيَى، فَإِنَّهُ يُزِيلُ الْبَعْمَ وَيُطِيلُ  
النِّقَمَ . الْبَعْيَى يَصْرُعُ الرِّجَالَ وَيَقْطَعُ الْأَجَالَ .

Ким хиёнаткор бўлса, хиёнати уни айбли қиласи, ким маккор бўлса, макри унинг ўзини ўраб олади. Ҳақиқат – ишонилиши керак нарсанинг энг қучлиси, ростгўйлик – дўстнинг энг афзали. Ким адолатни касб этса, мулкини кўргонлаб олибди, ким зулмни касб этса, ҳалокатини тезлаштирибди. Тажовузкорликдан сақлан, чунки у неъматларни йўқقا чиқаради ва ўч-кеқнинг умрини узайтиради. Ҳаддан ошиш инсонни қулатади, умр муддатини кесиб қисқартиради.

شعر:

فَلَا تَأْمِنِ الدَّهْرَ حُرَّاً ظَلَمَتَهُ  
فَمَا لَيْلٌ بَجْرُوحٌ الْفُؤَادِ بِنَائِمٍ

Шеър (насрий баён): “Озод бир инсонга зулм қиласар экансан, умр бўйи ундан хотиржам бўлолмайсан, чунки унинг жароҳатланган қалби туни билан ухламасдан сенга қарши Аллоҳга нола қилади”.

مَنْ أَولَعْ بِقُبْحِ الْمُعَالَمَةِ أَوْجَعَ بِسُوءِ الْمَقَابِلَةِ . مَنْ أَضْعَفَ الْحَقَّ وَخَذَلَهُ أَهْلَكَهُ الْبَاطِلُ  
وَجَنَدَهُ . مَنْ سَأَمَ النَّاسَ رَبَحَ السَّلَامَةَ، وَمَنْ تَعَدَّى عَلَيْهِمْ اكتسب الندامة.

Қўпол муомалага мойил кимсага ёмонликка юзма-юз бўлишдек дард берилади. Кимки хақни заифлаштириб, уни кўмаксиз қолдирса, ботиллик уни ҳалокатга судраб йиқитади. Одамлар билан келишувни одат қилган киши саломатликни қўлга киритади, уларга тажовуз қиласидиган киши, пушаймонликни топади.

مَنْ طَالَ كَلَامُهُ سُئِمَ وَمَنْ كَثُرَ جَوْرُهُ شُتِمَ . مَنْ قَالَ بِلَا احْتِرَامٍ، أُجِيبَ بِلَا احْتِشَامٍ . مَنِ اغْتَرَ  
بِمُسَالَمَةِ الزَّمَنِ، عَثَرَ بِمُصَادَفَةِ الْمِحْنِ . مَنِ اغْتَرَ بِمُطَاوِعَةِ الْقَدَرِ، أُمْتَحِنَ بِمُسَارَعَةِ الْغَيْرِ .

Гапи чўзилган кишидан зерикилади, жавр-зулми кўпайган кимса қарғаб сўкилади. Бехурматлик билан гапирган кишига беҳаёлик билан жавоб қайтарилади. Ким замоннинг тинчлигига алданса, қўққис келадиган бало-синовлар сабабли қоқилади. Ким тақдирнинг бир зайлда кетаётганига алданса, бир умрга ибрат бўладиган қийинчиликлар билан тез-тез имтиҳон қилинади.

شعر:

فَإِنْتُمْ فُتِنْتُمْ وَاغْتَرْزُتُمْ بِمُهْلَلٍ  
وَلَمْ تَعْلَمُوا أَنَّ الزَّمَانَ يَحْوِنُ  
إِذَا لَمْ تَكُنْ كَائِنْ فَسَوْفَ تَكُونُ  
خُلُدُوا حِذْرَكُمْ لِلنَّائِبَاتِ فَإِنَّهَا

Шеър (насрий баён): “Сизлар замон хиёнат қилаётганини билмаган ҳолда ўзингизга берилган мухлатга алданиб, фитна ичра колдингиз. Мусибатлардан эхтиёт бўлиш йўлини маҳкам ушланглар, агар ҳали мусибатларга йўлиқмаган бўлсангиз, энди келади, тайёр туринг”.

مَنْ وَفَىٰ بِمَا عَلَيْهِ، وَصَلَ حَقَّهُ إِلَيْهِ. لَا تَظْلِمْ أَحَدًا تَلْقَ في كُلِّ الْأَمْوَارِ رُشْدًا.

Ким зиммасидаги ишларни тўла адо этса, ҳаққи унга етиб келади. Бирор кишига зулм қилма, шунда ҳамма ишда тўғри йўлни топиб кетаверасан.

شعر:

لِكُلِّ وَلَائِيَةٍ لَا بُدَّ عَزْلٌ  
وَأَحْسَنُ سِيرَةٍ تَبْقَى لِوَالِّ  
وَصَرْفُ الدَّهْرِ عَقْدٌ ثُمَّ حَلٌّ  
عَلَى الأَيَامِ إِحْسَانٌ وَعَدْلٌ

Шеър (насрий баён): Ҳар қандай подшоҳликнинг бир кун кетиши бор, замоннинг айланиши – тугулиш кейин ечилишдан иборат. Подшоҳ учун боқий турадиган энг яхши хулқ – яхшилик ва адолат қилиш”.

وَقَالَ حَكِيمٌ: أَرْبَعَةُ تُرْفَعُ عَنْهُمُ الرَّحْمَةُ إِذَا نَرَلَ بِهِمُ الْمَكْرُوهُ: مَنْ كَذَبَ طَبِيبَةً فِيمَا يَصِفُ لَهُ  
مِنْ دَائِيَهِ وَمَنْ تَعَاطَى مَا لَا يَسْتَقْلُ بِأَعْبَائِيهِ وَمَنْ أَضَاعَ مَالَهُ فِي لَذَّاتِهِ وَمَنْ قَدِمَ عَلَى مَا حُذِرَ مِنْ  
آفَاتِهِ.

Донишманд деди: “Тўрт тоифа одам борки, уларнинг бошига бир ёмонлик тушса, раҳм қилинмайди: табибиға ўзининг касалини сифатлар

екан, ёлғон гапирган киши; күтаришга тоқати етмайдиган ишга уринган киши; молини ўз лаззатлари йўлида совурган киши; офатларидан огохлантирилган ишга қадам урган киши”.

وَقَالَ آخَرُ: الْحَلْمُ كَظْمُ الْغَيْظِ، وَالْكَرْمُ الْتَّنَزُّهُ عَنِ الْعُيُوبِ، وَالْمُرْوَءَةُ تَرْكُ الظُّلْمِ.

Яна бир донишманд деди: “Ҳалимлик – ғазабни ютиш, улуғлик – айблардан пок бўлиш, мурувват – зулмни тарк қилиш”.

وَقَالَ آخَرُ: الْعَالَمُ يَعْرِفُ الْجَاهِلَ لَاَنَّهُ كَانَ قَبْلَ عِلْمِهِ جَاهِلًا وَالْجَاهِلُ لَا يَعْرِفُ الْعَالَمَ إِذْ لَمْ يَكُنْ قَبْلَ جَهْلِهِ عَالَمًا.

Бошқа донишманд айтди: “Олим киши жоҳилни танийди, чунки у олим бўлишидан аввал жоҳил эди. Жоҳил кимса олимни танимайди, чунки у жоҳиллигидан аввал олим бўлган эмас”.

وَقَالَ حُكَّمَاءُ الْهِنْدِ: لَا ظَفَرٌ مَعَ بُغَى وَلَا صِحَّةٌ مَعَ نَهَمٍ وَلَا شَرَفٌ مَعَ سُوءٍ أَدَبٍ وَلَا بِرٌّ مَعَ شُحٍّ وَلَا اجْتِنَابٌ مُحَرَّمٌ مَعَ حِرْصٍ وَلَا وَلَايَةٌ حِكْمَةٌ مَعَ عَدَمٍ فِقْهٍ وَلَا سُودَدٌ مَعَ انتِقَامٍ وَلَا ثَبَاتٌ مُلْكٌ مَعَ تَهَاؤِنٍ.

Хинд олимларидан бири деди: “Зулм билан ғалаба, очофатлик билан саломатлик, кибр билан бирга мақталиш, одобсизлик билан шараф, баҳиллик билан яхшилик, очқўзлик билан ҳаромдан четланиш, билимсизлик билан ҳукм юритиш, интиқом билан улуғлик йўқ, сусткашлик билан салтанатнинг мустаҳкам туриши йўқ”.

شعر:

أَبْكَاكَ مَضْمُونُهُ مِنْ مُفْتَنِيَّكَ دَمًا  
فِي حَبْهَةِ الدَّهْرِ سَطْرٌ إِنْ نَظَرَتْ لَهُ  
مَنْ يَأْمَنِ الدَّهْرَ يَوْمًا قَطُّ مَا سَلِمًا  
إِحْذِرْ إِذَا كَانَتِ الْأَيَّامُ مُقْبِلَةً

Шеър (насрий баён): “Замонанинг пешонасида бир битик бор, агар у битикка яхшилаб назар солсанг, унинг мазмунни иккала кўзингни қон йиғлатади: қачонки, кунлар сенга қучоқ очиб келса, эҳтиёт бўл, чунки қайси кундир замонга ишонган киши, ўша кундан бошлаб замоннинг телба-тескари эврилишларидан омон бўлолмайди”.

وَقَالَ حَكِيمٌ: رُمْ مَا شِئْتَ بِالْإِنْصَافِ وَأَنَا زَعِيمٌ لَكَ بِالظَّفَرِ بِهِ.

Донишманд дейди: “Хоҳлаган нарсангни инсоф билан иста, мен ўша истагингга эришишингга кафилман”.

يَنْبَغِي لِلْعَاقِلِ أَنْ يَكُونَ فِي الدُّنْيَا كَالْمَرِيضِ، لَا بُدَّ لَهُ مِنْ قُوَّتٍ، وَلَا يُوَافِقُهُ كُلُّ طَعَامٍ لَيْسَ فِي الْجُنَاحِ نَعِيمٌ أَعْظَمُ مِنْ عِلْمٍ أَنَّهَا لَا تَزُولُ. إِحْفَظْ مَا بَيْنَ فَكَيْكَ إِلَّا مِنَ الصَّدِيقِ وَمَا بَيْنَ رِجْلَيْكَ إِلَّا مِنَ الْحَلَالِ.

Оқил инсон дунёда худди бир бемордек бўлиши лозим, бемор кишига озиқ керак, лекин ҳамма ейдиган нарса ҳам унга тўғри келмайди. Жаннат неъматлари ичida шу неъматларнинг мангу бўлишини билишдан ортиқ неъмат йўқ. Иккала жагинг орасидаги нарса – тилингни сақла, лекин дўстингга нисбатан эмас. Икки оёғинг ўртасидаги нарсани сақла, лекин сенга ҳалол бўлган аҳли аёлингга нисбатан эмас.

## روضه رائقة Гўзал боғча

سُئلَ أَنُوشِرْوَانُ عَنِ السِّيَاسَةِ فَقَالَ: إِسْتِحْلَابُ مَحَبَّةِ الْخَاصَّةِ بِإِكْرَامِهَا وَاسْتِعْبَادُ الْعَامَةِ  
بِإِنْصَافِهَا.

Ануширвондан сиёsat ҳақида сўралди. Шунда у: “Хос кишиларни хурмат-иззат қилиб муҳаббатини қозониш ва оммага инсоф қилиш билан уларни ўзингга қул қилиб олиш”, – деди.

وَقَالَ الْأَخْنَفُ بْنُ قَيْسٍ: الْسُّؤْدُدُ: تَرُكُ الظُّلْمِ، وَالْهِبَةُ: قَبْلُ السُّؤْالِ. وَقَالَ آخْرُ: لَا سِيَادَةَ مَعَ بَعْيٍ وَلَا مُلْكَ مَعَ انتِقامٍ. وَقَالَ آخْرُ: إِنَّمَا النَّاسَ أَبَا وَأَخَا وَابْنًا ثُمَّ يَرَ أَبَاكَ وَصِيلَهُ أَخَاكَ وَارْحَمَ ابْنَكَ. وَقَالَ ابْنُ الْمُعْتَزِ: عَظِيمُ الْكَبِيرِ فَإِنَّهُ عَرَفَ اللَّهَ قَبْلَكَ، وَارْحَمِ الصَّغِيرِ فَإِنَّهُ أَغْرَى بِالدُّنْيَا مِنْكَ.

Аҳнаф ибн Қайс айтган экан: “Улуғлик – зулмни тарк қилиш, ҳадя – сўрашидан олдин бериш”. Бошқа бир киши деди: “Улуғлик зулм билан бирга бўлолмайди, ўч олиш билан мулк боқий турмайди”. Яна бир донишманд айтди: “Одамларнинг бирини ота, бирини ака, бирини ўғил деб бил. Кейин отангга яхшилик қил, аканг билан бордикелди қил ва ўғлинга раҳм қил”. Ибн Муътоз дейди: “Ёши катталарни улугла, чунки у Аллоҳни сендан олдин таниган, кичикларга раҳм қил, чунки у сендан кўра дунёга алдангувчироқ”.

شعر:

أَيُّهَا الشَّامِتُ الْمُعَيْرُ شَيْيِي  
ليس هذا الشبابُ منك افتخاراً

فَرَأَيْنَا الشَّبَابَ ثُوْبًا مُعَارًّا  
قَدْ لَيْسَنَا الْمَشِيدَ بِثُوْبًا جَدِيدًا

Шеър (насрий баён): “Эй, менинг қарилигимни айблаб устимдан кулгувчи, сенинг бу ёшлигинг фахр эмас. Ҳа, биз қариликнинг янги либосини кийдик ва кўрдикки, ёшлик вақтинчага берилган либос экан”.

كُلُّ إِنْسَانٍ يُنْسَبُ إِلَى مَا كَانَ يَفْعَلُهُ، وَيُذْكُرُ بِمَا كَانَ يَعْمَلُهُ، فَإِنْ رَغِبَ بِذِرْ إِلَيْهِ الْحَسَانَ وَأَنْفِ عنْ نَفْسِكَ عَيْبَ الْعُدُوانِ. وَإِيَّاكَ وَاللَّذِكْرِ الْقَبِيْحِ بَعْدَ حُلُولِكَ بِالضَّرِبِ فِيمَا النَّاسُ أَخْبَارُ وَالدُّنْيَا  
أَسْمَاءُ.

Хар бир инсон нима қилганига қараб баҳоланади ва қилган амали билан эсланади. Шундай экан, яхшилик уруғини эк ва тажовузкорлик айбини ўзингдан кеткиз. Қабрга тушганингдан сўнг сен ҳақда ёмон сўзлар айтилишидан сақлан. Чунки одамлар хабарлардир (яъни, инсон ўлганидан кейин дунёда унинг ўзи эмас, у ҳақдаги хабарлар қолади), дунё кечқурунги сухбатлардир (яъни, бу дунё худди турли-туман мавзулардан иборат кечқурунги сухбатларга ўхшайди).

شعر:

فَخِيَارٌ يَوْمَكَ أَنْ تُرَى مَسْتُوْلًا	لا تَدْخُلْنَاكَ ضَجْرَةً مِنْ سَائِلٍ
خَبَرًا فَكُنْ خَبَرًا يَرُوقُ جَمِيلًا	وَاعْلَمْ بِأَنَّكَ عَنْ قَرِيبٍ صَائِرٍ

Шеър (насрий баён): “Кимдир нимадир сўраса, бундай сўровчиларнинг борлигидан сиқилма. Кунларингнинг яхиси – сўраладиган инсон бўлиб кўринишингдир! Билгилки, сен яқинда

хабарга айланиб қоласан. Демак, сен ёруғлик таратадиган гўзал хабар бўл (яъни, сендан яхши ном қолсин)!”

الْمَدْحُ بَعْدَ الْمَوْتِ حَيَاةً وَالْمَذْمَةُ فِي الْحَيَاةِ مَوْتٌ. وَسُئِلَ دُوْلُقْرَنْيَنْ: أَيُّ شَيْءٍ مِنْ مَلْكَتِكُمْ أَنْتَ فِيهِ أَكْثَرُ سُرُورًا؟ فَقَالَ شَيْئَانِ: أَحَدُهُمَا الْعَدْلُ وَالثَّانِي أَنْ أَكَافِئَ مَنْ أَحْسَنَ إِلَيَّ بِأَكْثَرِ مِنْ إِحْسَانِهِ

Ўлгандан кейинги мақтов тириклик, тириклиқдаги мазаммат ўлимдир. Зулқарнайндан: “Мамлакатингизда қайси нарса сизни кўпроқ хурсанд қиласди?” – деб сўралди. “Иккита нарса мени қувонтиради: бири – адолат, иккинчиси – менга яхшилик қилган одамга унинг яхшилигидан кўра кўпроқ мукофотлантиришим” – деди у.

وَقَالَ آخَرُ: ثَرَةُ الْحِكْمَةِ الرَّاحِلُهُ وَثَرَةُ الْمَالِ التَّعَبُ. وَقَالَ آخَرُ: أَيُّ شَيْءٍ أَفْرَبُ؟ فَقَالَ: الأَجْلُ، فَقَالَ لَهُ: أَيُّ شَيْءٍ أَبْعَدُ؟ فَقَالَ: الْأَمَلُ. ظُلْمُ الظَّالِمِ يَقُودُهُ إِلَى الْهَلَاكَ وَعُقُوبَتُهُ سُرْعَةُ الْمَوْتِ. كَفَى بِالشَّيْءِ دَاءً. كَفَى بِالْحَسُودِ حَسَدًا. كَفَاكَ مِنْ عُيُوبِ الدُّنْيَا أَنْ لَا تَبْقَى . كَفَاكَ هَمًا عِلْمُكَ بِالْمَوْتِ.

Донишмандлардан бири айтди: “Роҳат – ҳикматнинг меваси, чарчоқ – мол-дунёнинг меваси”. Бошқаси сўради: – Қайси нарса яқинроқ? – Ажал, –деди у. Яна сўради: – Қайси нарса узокроқ? Орзуҳавас, – жавоб берди у. Золимнинг зулми уни халокатга етаклайди ва унинг жазоси ўлимнинг тез етишидир. Кексаликнинг ўзи етарли дард (яъни, бошқа дард ортиқча). Ҳасад қилувчига ҳасадининг ўзи кифоя (яъни, бошқа душман керак эмас). Дунёнинг абадий эмаслиги дунёнинг айб-нуқсонли эканига етарли сабаб. Бир кун ўлим келишини билишинг умрингни ғам-қайгу билан ўтказишинг учун кифоя.

شعر:

بِرْأِيِ الَّذِي لَا يَأْمُنُ الدَّهْرَ مُفْتَدِي  
وَمَنْ يَأْمُنِ الدَّهْرَ الْحُلُونَ فَإِنَّ

Шеър (насрий баён): “Кимдир хиёнаткор замонга ишонади. Мен эса замонга ишонмайдиган кишининг қарашига эргашувчиман”

ليس للحسود راحه. لكل عداوة مصلحة إلا عدواة الحسود. مهلكة المرض حدة طبعه. هلك الحريص وهو لا يعلم. لا فقر للعاقل لا حرمته للفاسق.

Ҳасадгўйга роҳат йўқ. Ҳар бир душманликда бир манфаат бор, фақат ҳасадгўйнинг душманлигига фойда йўқ. Кишининг ҳалокати табиатининг ўткирлигидандир. Очкўз ўзи билмаган ҳолда ҳалок бўлади. Оқил учун қашшоқлик, фосик учун хурмат йўқ.

سُئِلَ حَكِيمٌ: أَيُّ شَيْءٍ يَقْبَحُ مِنَ الْعَاقِلِ؟ فَقَالَ: مَدْحُهُ نَفْسَهُ؛ لَأَنَّهُ مَعَ الصَّدْقِ يُسَأَمُ وَمَعَ الْكَذْبِ يُلَامُ. لَا تَجِدُ ذَا غَضَبٍ مَسْتُورًا، وَلَا عَاقِلًا حَرِيصًا، وَلَا كَرِيمًا حَاسِدًا، وَلَا قَنُوطًا غَنِيًّا.

Донишманддан сўралди: – Оқил кишидан содир бўладиган хунук иш қайси? Донишманд деди: – Ўзини мақташи, чунки айтгани рост бўлса, зериктиради, ёлғон бўлса, маломат қилинади. Сен ғазабнок кишини хурсанд, оқилни очкўз, сахийни ҳасадгўй, ноумид кишини бой ҳолда кўрмайсан.

مَنْ لَمْ يَنْصُفْ مِنْ نَفْسِهِ لَمْ يَخْلُصْ مِنْ حُرْزِهِ. مَنْ أَطْلَقَ يَدَهُ بِالْعَطَاءِ أَشْرَقَ وَجْهُهُ بِالضَّيَاءِ.  
الشَّبَابُ رَضِيعُ الْجُنُونِ وَالشَّيْبُ قَرِينُ السُّكُونِ.

Ким ноинсоф бўлса, хафаликдан қутулолмайди. Ким қўлини саховатга очса, чехраси нурга тўлиб, зиё сочади. Ёшлик –

жинниликтининг Эмиқдош биродари, қарилик – тинчлик, хотиржамликнинг ўртоғи.

شعر:

أَيُّهَا الطَّالِبُ التَّلَذُّذَ بِالْعِيشِ  
زَمَانَ الْمَشِيدِ غَرَبْتَ نَفْسُكَ  
لَذَّةُ الْعِيشِ بِالشَّبَابِ فِإِنْ فَانَ  
تَكَ يَوْمٌ فَمِثْلُ مَا فَاتَ أَمْسُكَ

Шеър (насрий баён): “Эй, қариган пайтида ҳам ҳаётдан лаззат олиш талабидаги инсон, билгилки, нафсинг сени алдабди. Ҳаётнинг лаззати ёшлиқда бўлади. Мисоли кечаги кунинг ўтганидек, бугунинг ҳам ўтиб кетади”.

وَقَالَ سُلَيْمَانُ بْنُ عَبْدِ الْمَلِكِ لِعُمَرَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: كَيْفَ تُرِى مَا نَحْنُ فِيهِ؟  
فَقَالَ عُمَرُ: سُرُورُ لَوْلَا أَنَّهُ عُرُورٌ وَحُسْنٌ لَوْلَا أَنَّهُ هُلْكٌ وَنَعِيمٌ لَوْلَا أَنَّهُ عَدِيمٌ  
وَغَنِيٌ لَوْلَا أَنَّهُ فَنٌ وَحَمْدُ لَوْلَا أَنَّهُ مَفْقُودٌ.

Умар ибн Абдулазиз розияллоҳу анҳуга Сулаймон ибн Абдумалик деди: – Бизнинг ҳозирги мавқемизни қандай сифатлайсан? – Умар деди: –

Агар алданиш бўлмаганида эди, уни хурсандчилик, агар ғами бўлмаганида эди, уни яхшилик, агар ҳалокати бўлмаганида эди, уни подшоҳлик, агар маҳрумлиги бўлмаганида эди, уни неъматларга бурканиш, агар қўлдан кетиши бўлмаганида эди, уни бойлик, агар йўқолиши бўлмаганида эди, уни мақтовга сазовор мавқе деган бўлар эдим.

شعر:

لَوْ كَانَ فِي الْعَالَمِ مِنْ يَسْمَعُ  
قَدْ نَادَتِ الدُّنْيَا عَلَى نَفْسِهَا  
وَجَامِعٌ فَرَقْتُ مَا يَجْمَعُ  
كَمْ وَاثِقٌ بِالْعُمَرِ وَأَرِبْتُهُ

Шеър (насрий баён): “Дунё ўзига-ўзи нидо қиляпти, қани энди уни эшитадиган бир киши бўлса: “Умрига ишонганларнинг қанчасини тупроғимга ўрадим. Қанча бойлик тўплаганларнинг мол-дунёсини тўзитдим!”

أَكْثُمْ عَيْبَ أَخِيلَّ بِمَا تَعْلَمُ مِنْ نَفْسِكَ. أَشْرَفُ الْكَرَمِ غَفَلْتُكَ عَمَّا تَعْلَمُ. أَحْمَقُ النَّاسِ مِنْ  
أَنْكَرَ مِنْ غَيْرِهِ مَا هُوَ مُقِيمٌ عَلَيْهِ.

Модомики, ўзингнинг айбингни билар экансан, биродарингнинг айбини бекит. Билган нарсангни билмасликка олишинг улуғликнинг энг шарафлисиdir. Одамларнинг энг ахмоғи ўзи қилиб турган хатони бошқа бирорда кўриб, уни инкор қилган кишидир.

شعر:

أَصَبْتَ حَلِيمًا أَوْ أَصَابَكَ جَاهِلٌ	إِذَا أَنْتَ لَمْ تُعرِضْ عَنِ الْجَهَلِ وَلَخَنَاءِ
سَفِيهًًا وَإِمَّا نِلتَ مَا لَا تُحَاوِلُ	فَأَصْبَحْتَ لَمَا نَالَ عِرْضَكَ جَاهِلٌ

Шеър (насрий баён): “Агар сен нодонлик ва қўполлиқдан юз ўгирмасанг, ё бир ҳалим кишига озор етказасан ёки бир жоҳилдан озор кўрасан. Натижада сен, ё нодон жоҳил сабабли обрўси тўкилган кишига ёки ўзинг хоҳламаган ишга йўлиққан кишига айланиб қоласан”.

وَقَالَ آخَرٌ :

رِأَيْتَ الْمُبَرَّأَ الْمَؤْفُرُ يَامَ أَوْ أَنْتَ جَاهِلٌ مَغْرُورٌ ذَا عَلَيْهِ أَنْ يُضَامَ خَفِيرٌ وَانْ أَمْ أَيْنَ قَبْلَهُ سَابُورٌ مَا إِلَى الصَّبْرِ فِي ذُرَاهُ وَكُورٌ  طَهُ حَيٌّ إِلَى الْفَنَاءِ يَصِيرُ تَرَفَ يَوْمًا وَلِلْهُدَى تَفْكِيرٌ طَهُ حَيٌّ إِلَى الْفَنَاءِ يَصِيرُ؟ حَيْثُ لَمْ يَبْقَ مِنْهُمْ مَذْكُورٌ حِينَ مَالَتْ بِهِ الصَّبَا وَالدَّبُورُ دَحِيلَةً بُجْحَى إِلَيْهِ حُبُورٌ	أَيَّهَا الشَّامِتُ الْمُعَيْرُ بِالدَّهِ أَمْ لَدِيْكَ الْعَهْدُ الْوَثِيقُ مِنَ الْأَ أَرَيْتَ الْمَنْوَنَ خَلَدَنَ أَمْ مَنْ أَيْنَ كِسْرَى الْمُلُوكِ أَنُوشِرْ شَادَهُ مَرْمَرًا وَحَلَّاهُ كِلْسًا  فَارْعَوَى قَلْبَهُ وَقَالَ وَمَا غَبَ تَأْمَلُ رَبَّ الْحَوْرَنَقِ إِذَا أَشَدَ فَارْهَوَى قَلْبَهُ وَقَالَ وَمَا غَبَ وَبَنُوا الْأَصْفَرِ الْمَلُوكِ تَقْضَوْا ثُمَّ أَمْسَوْا كَانَهُمْ وَرْقُ غُصْنِ وَأَنْحُو الْحِصْنِ إِذَا بَنَاهُ وَأَرْدَاهُ
---	--

Бошқа шоир деди (насрий баён): “Эй замонни айблаб, унинг устидан кулувчи! Ўзинг беайб, мукаммалмисан? Ё сен “ўтаётган кунларнинг менга ҳеч таъсири йўқ” деган ишончли ахд-паймон олганмисан ёки алданган бир нодонмисан? Манун қабиласининг мангу қолганини кўрдингми, яъни улар ҳам йўқолиб битди-ку! Ёхуд қўриқчиси зулмдан сақланган бирор киши борми? Подшоҳлар подшоси Кисро, Ануширавон ёки ундан олдин ўтган Сабур қани? Машхур Рум подшоҳлари қани, улардан ҳатто тилга олинадигани ҳам қолмади-ку? Улар Сабо (шарқдан эсадиган шамол) ва Дабур (ғарбдан эсадиган шамол) эгиб қўядиган шоҳдаги баргга ўхшаб қолдилар гўё. Анави қалъанинг эгаси қани? У қалъани қурган эди, Дажла ва Хобур қабилалари унга солиқ тўлашарди, қалъа мармарлар билан кўтарилиган, ганжлар билан безалган эди. Қалъа қушлар унинг томига ин қўя

олмайдиган даражада баланд эди. Хаварнақ деб аталмиш қаср эгаси бир куни қаср томига чиқиб ўйлаб қолди... аслида, тафаккур түғриликка йўллади... Кейин у хушига келиб деди: “Йўқлик кетаётган жонзотнинг қувончи нима ҳам бўларди?!”

أَعْقَلُ النَّاسِ مَنْ أَنْصَفَ عَقْلَهُ مِنْ هَوَاهُ وَمَنَعَ نَفْسَهُ مَا يَكُونُ سَبَبًا لِسُلُوهُ وَلَحْظَ الْأَشْيَاءِ بِعِينِ  
فِكْرِهِ وَإِضْمَارِهِ فَعَلِمَ مِنْ وُرُودِ الْأَمْرِ عَاقِبَةَ إِصْدَارِهِ. الْوَضِيعُ إِذَا ارْتَفَعَ تَكْبِرَ وَإِذَا حَكَمَ تَجْبَرَ وَإِذَا  
تَمَوَّلَ صَالَ وَإِذَا تَمَكَّنَ جَالَ.

Ақлини дунё муҳаббатидан ажратган, нафсини балога сабаб бўладиган ишлардан тўсган, нарсаларга фикр ва қалб кўзи билан қараган, натижада, ишнинг бошланишиданоқ охирини билган инсон одамларнинг энг оқилидир. Пасткаш кимса бирор мансабга кўтарилса, кибрли, ҳоким бўлса, золим, бойиб кетса, хужумкор, имкониятли бўлса, бекарор бўлиб қолади.

لَا يَكَادُ يُوجَدُ كَرِيمٌ حَتَّى يُخَاضَ إِلَيْهِ أَلْفُ لَثِيْمِ. كَفَى بِالْكِبْرِ شِيمَةً مَشْؤُمَةً وَخَلِيقَةً مَذْمُومَةً.  
مَنْ نَقَضَ عَهْدَهُ وَمَنَعَ رِفْدَهُ فَلَا خَيْرٌ عِنْدَهُ. لِيْسَ الْعَاقِلُ مَنْ تَخَلَّصَ مِنْ مَكْرُوهٍ وَقَعَ فِيهِ بَلِ الْعَاقِلُ  
مَنْ لَا يُوقِعُ فِي نَفْسِهِ فِي أَمْرٍ يَحْتَاجُ إِلَى الْخَلَاصِ مِنْهُ.

Улуғ инсон юзага чиқмайди, то мингта пасткаш унга ёприлмагунча, яъни улуғ инсон унга ёприлиб ташланган мингта пасткашнинг ичидан ёриб чиқади. Бадхулқ ва ёмон табиатли бўлиш кишининг такаббур деб саналишига кифоя. Аҳдини бузган ва ёрдамини аяган кишида яхшилик йўқ. Ёмонликка дуч келиб, ундан халос бўлган киши эмас, балки халос бўлишга муҳтоҷ бўладиган ҳолатга тушмаган инсон оқилдир.

كَمَا تُحِبُّ أَنْ يَقْبَلَ النَّاسُ أَمْرَكَ يَنْبَغِي لَكَ أَنْ تَقْبَلَ أَمْرَ عَيْرِكَ. وَيَنْبَغِي لِلْعَاقِلِ أَنْ لَا يَرْفَعَ نَفْسَهُ فَوْقَ قَدْرِهِ وَلَا يَضْعَهَا عَنْ دَرْجَتِهِ. ارْتِفَاعُ الْجَاهِلِ فَضْيَحَةٌ كَارِثَقَاعِ المَصْلُوبِ. وَالْحُمُولُ خَيْرٌ لِلْجَاهِلِ مِنَ النَّبَاهَةِ لِأَنَّ الْحُمُولَ سُتْرٌ لِمَعَايِهِ وَالنَّبَاهَةَ نَشْرٌ لِمَتَالِيهِ.

Одамлар сенинг ишингни қабул қилишини яхши күрганингдек, сен ҳам бошқаларнинг ишини қабул қилишинг лозим. Оқил киши қадрини ўзининг даражасидан күттармаслиги ва туширмаслиги вожиб. Жоҳилнинг күтарилиши шармандалик, худди дорга осилган одамнинг күтарилигани каби. Жоҳил учун шухрат топиш эмас, машҳур бўлмаслик хайрлидир. Чунки у қанча кам танилса, шунча айблари ёпилади, қанча кўп танилса, шунча айблари очилади.

مَنِ افْتَصَرَ عَلَى قَدْرِهِ كَانَ أَبْقَى لِحْمَالِ وَجْهِهِ. مَنِ قَابَلَ السَّيِّئَةَ مِنْ عَدُوُهُ بِالْحُسْنَةِ فَقَدِ انتَقَمَ مِنْهُ. إِذَا عَدَلَ السُّلْطَانُ فِيمَا قَرُبَ مِنْهُ صَلَحَ لَهُ أَمْرُ مَا بَعْدَ عَنْهُ. إِذَا كَانَ إِمَامُكَ عَادِلًاً كَانَ لَهُ الْأَجْرُ وَعَلَيْكَ الشُّكْرُ وَإِذَا كَانَ جَائِرًا كَانَ عَلَيْهِ الْوِزْرُ وَعَلَيْكَ الصَّبْرُ.

Ким ўз қадрига яраша иш қиласа, юзининг чиройини сақлаган бўлади. Душмандан етган ёмонликка яхшилик билан юзланган киши душманидан ўч олибди. ҳақиқатда ундан ўч олибди. Агар подшоҳ ўзининг яқинларига адолат қиласа, ундан узоқдагиларнинг иши ҳам яхши бўлади. Агар бошлиғинг одил бўлса, бунинг учун у ажр олади, сенга шукур лозим бўлади. Агар у золим бўлса, гуноҳкор бўлади, сенга эса сабр вожиб бўлади.

شعر:

فيها وإنْ كانَ ذَا عِزٍّ وَسُلْطَانٍ حَوَادِثُ الدَّهْرِ بِالْفَضْلِ بْنِ مَرْوَانَ	لا تَغْبِطَنَّ أَخْخَا الدُّنْيَا بِمَنْزِلَةِ يَكْفِيْكَ مِنْ عِبَرِ الْأَيَّامِ مَا فَعَلْتَ
--	---

إِنَّ الْلَّهَيْ إِلَيْهِ لَمْ تُحْسِنْ إِلَيْهِ أَحَدٌ  
إِلَّا أَسَاءَتْ إِلَيْهِ بَعْدَ إِحْسَانٍ

Шеър (насрий баён): “Бу дунёда бирор ўринда бойнинг мартабасини орзу қилмагил, гарчи у ғалаба ва салтанат эгаси бўлса-да. Замоннинг Фазл ибн Марвонга кўрсатган хунарлари ўтаётган кунлардан ибратланишингга етарлидир. Бу кечалар ҳеч кимга яхшилик қилмаган, магар бирорга яхшилик қилган бўлса, ўша яхшилигининг орқасида алабтта ёмонлик келган”.

لَا سُلْطَانٌ إِلَّا بِجُنْدٍ وَلَا جُنْدٌ إِلَّا إِمَالٌ وَلَا مَالٌ إِلَّا بِحَبَائِيَّةٍ وَلَا حَبَائِيَّةٍ إِلَّا بِعِمَارَةٍ وَلَا عِمَارَةٍ إِلَّا  
بِعَدْلٍ فَالْعَدْلُ أَسَاسٌ لِسَائِرِ الْأَسَاسَاتِ . مَنْ حُرِمَ الْعَدْلَ فَلَا خَيْرٌ لَهُ وَلَا لِلنَّاسِ فِي سُلْطَانِهِ . شَرُّ  
الزَّادِ لِلْمَعَادِ: الْذَّنْبُ بَعْدَ الذَّنْبِ، وَشَرُّ مِنْ هَذَا ظُلْمُ الْعِبَادِ .

Қўшинсиз подшолик, молсиз қўшин, солиқсиз мол йўқ. Ободлик бўлмаса, солиқ йигилмайди, адолат бўлмаса, ободлик бўлмайди. Демак адолат бошқа барса асосларнинг асосидир. Адолатдан маҳрум кишининг на ўзига ва на салтанатида одамларга хайри йўқ. Охират озиғининг энг ёмони – гуноҳдан кейин гуноҳ қилиш, ундан ҳам ёмонроғи бандаларга зулм қилиш.

الْخَصْلَةُ الَّتِي يَخْلُدُ بِهَا ذِكْرُ الْمُلُوكِ عَلَى غَابِرِ الْأَزْمَانِ وَالدُّهُورِ: عَدْلٌ وَاضْرِحْ أَوْ جَوْزٌ فَاضْرِحْ  
هَذَا يُوجِبُ لِهِ الرَّحْمَةَ وَهَذَا يُوجِبُ لِهِ اللَّعْنَةَ، مَلْكُ اللَّهِ لَعْبٌ سَاعَةٌ وَدَمَارٌ دَهْرٌ، زَوَالُ الدُّولَ  
بِإِرْتِفَاعِ السُّقَلِ .

Замонлару даврлар ўтишига қарамасдан подшоҳлар зикрини боқий қолишига сабаб бўладиган хислат – очик-ойдин адолат ёки шармандали зулмдир. Адолат подшоҳнинг раҳмат қозонишига, зулм унинг лаънатланишига сабаб бўлади. Маишатга берилган подшоҳлик –

бир соатлик ўйин-кулгу ва мангу ҳалокатдир. Давлатларнинг заволи ахмоқларнинг подшолиги сабаблидир.

الكَبِيرُ يُوجِبُ الْمَقْتَ وَمَنْ جَفَّتْهُ الرِّجَالُ لَمْ يَسْتَقِمْ لِهِ حَالٌ وَمَنْ أَبْعَضَتْهُ بِطَانَتُهُ كَانَ كَمْنَ عُصَّ بِالْمَاءِ وَمَنْ كَرِهَتْهُ الْحَمَاهُ تَطَاوَلَتْ عَلَيْهِ الْعَدَاةُ

Мансаб эгаларидан жафо кўрган кишининг ҳолати бир текис бўлмайди. Кимни ёнидаги яқинлари ёмон кўрса, у томоғига сув тиқилган одамга ўхшайди. Кимни қўриқчилари ёмон кўрса, душманлари уни бемалол сўка бошлайди.

وَقَالَ يَحْيَى بْنُ نَحَالِدٍ: آخِرُ مَا وَجَدْتُ فِي طِرَازِ الْحِكْمٍ مِنَ الْبَلَاغَةِ: الْبَخْلُ وَالْجَهَلُ مَعَ التَّوَاضُعِ خَيْرٌ مِنَ الْعِلْمِ وَالسَّخَاءِ مَعَ الْكَبِيرِ فِيَّا لَهَا حَسَنَةٌ غُطِّتْ عَلَى سَيِّئَتَيْنِ وَيَا لَهَا سَيِّئَةٌ غُطِّتْ عَلَى حَسَنَتَيْنِ.

Яхё ибн Холид айтди: “Тирозул ҳикам” (“Ҳикматлардан намуна”) китобидан топганим энг таъсири ўринлардан сўнгиси шу бўлди: “Ўзи баҳил ва жоҳил бўлса ҳам камтар бўлган киши – ўзи олим ва сахий бўлишига қарамасдан такаббур бўлган кишидан яхшироқдир. Ажабо, буниси қандай яхшилики, иккита ёмонлик билан ўраб қўйилибди?! Ажабо, униси қандай ёмонлики, иккита яхшилик билан ўраб қўйилибди?!” (такрор, 136-бетда келган!!!)

وَقَالَ أَنُوشِرْوَانُ: مَا اسْتَنْجَعَتِ الْأُمُورُ بِمَثْلِ الصَّبَرِ وَلَا اكْتُسِبَتِ الْبَغْضَاءُ بِمَثْلِ الْكَبِيرِ. الْعَدْلُ يُوجِبُ اجْتِمَاعَ الْقُلُوبِ وَالْجُوْرُ يُوجِبُ الْفُرْقَةَ وَحُسْنُ الْحُلْقِ يُوجِبُ الْمَوْدَةَ وَسُوءُ الْحُلْقِ يُوجِبُ الْمُبَاعَدَةَ وَالْأَنْبَاطُ يُوجِبُ الْمَوَانَسَةَ وَالْأَنْقَاضُ يُوجِبُ الْوَحْشَةَ وَالْكَبِيرُ يُوجِبُ الْمَقْتَ وَالتَّوَاضُعُ يُوجِبُ الْمَقْةَ. الطَّاعَةُ تُؤَلِّفُ شَمْلَ الدِّينِ وَتُنَظِّمُ أَمْرَ الْمُسْلِمِينَ.

Ануширвон айтди: “Ишларнинг яхисини тополмайсан, мисоли сабрдек, нафратга энг лойик сифатни тополмайсан, мисоли кибрдек. Адолат қалбларни жамлашга, жавру ситам фироқка, яхши хулқ дўстликка, ёмон хулқ узоклашишга, кенг феъллик улфат бўлишга, тор феъллик ёлғизланишга, кибр адоватга, тавозуъ муҳаббатга сабаб бўлади. Тоат-ибодат динни тарқоқ ҳолатдан бир бутун ҳолатга жамлайди ва мусулмонларнинг ишини тартибга солади”.

عِصْيَانُ الْأَئِمَّةِ هَدْمُ أَرْكَانٍ الْمَلَةِ. عَلَى الرُّعْيَةِ الْانْقِيَادُ وَعَلَى الْأَئِمَّةِ الْاجْتِهَادُ. أَفْضَلُ الْمُلُوكِ مَنْ كَانَ شِرَكَةً بَيْنَ الرَّعَايَا لِكُلِّ وَاحِدٍ مِنْهُمْ قِسْطُهُ لَيْسَ أَحَدٌ أَحَقُّ بِهِ مِنْ أَحَدٍ. لَا يَطْمَعُ الْقَوْيِيُّ فِي حَيْفَهُ وَلَا يَئْسُنُ الْضَّعَيْفُ مِنْ عَدْلِهِ.

Бошликларга итоатсиз бўлиш миллатнинг устунларини вайрон қилишдир. Халқнинг зиммасидаги мажбурият – бўйсуниш, бошликларнинг зиммасидаги мажбурият – халқ ғамида жидду жаҳд қилишдир. Подшоҳларнинг афзали халқи билан шерикликдаги подшоҳки, у бошқарадиган халқнинг ҳар бир вакилида подшоҳлик улуши бор, бирортаси бу улушда бошқасидан ҳақлироқ эмас. Кучлилар унга адолатсизлик қилишга ботинолмайди, заифлар унинг адолатидан ноумид бўлмайди.

وَفِي حِكْمَ الْهِنْدِ: أَفْضَلُ السُّلْطَانِ مَنْ أَمِنَهُ الْبَرِيءُ وَخَافَهُ الْجُرمُ، وَشَرُّ السُّلْطَانِ مَنْ خَافَهُ الْبَرِيءُ وَأَمِنَهُ الْجُرمُ. إِنَّ أَحَقَ النَّاسِ أَنْ يُحْذَرَ: الْعَدُوُ الْفَاجِرُ وَالصَّدِيقُ الْعَادِرُ وَالسُّلْطَانُ الْجَائِرُ.

Хиндарнинг ҳикматида келади: “Подшоҳларнинг афзали – яхшилар ундан хотиржам бўлиб, жиноятчилар ундан қўрқиб турадигани. Подшоҳларнинг ёмони – яхшилар ундан қўрқиб, жиноятчилар ундан хотиржам бўладиганидир”. Ундан энг эҳтиёт бўлиниши керак бўлган кимса: фожир (яъни шариатнинг риоясини қилмайдиган) душман, хиёнаткор дўст ва золим султон.

الْعَدْلُ فِي الرَّعِيَّةِ خَيْرٌ مِنْ كُثْرَةِ الْجُنُودِ. وَلَمَّا عَزَّا سَابُورُ دُوَ الأَكْنَافِ مَلِكَ الرُّومِ وَأَخْرَبَ بِلَادَهُ وَقَتَلَ جُنْدَهُ وَأَفْنَى بَطَارِقَتَهُ، قَالَ لَهُ مَلِكُ الرُّومِ: إِنَّكَ قَدْ قَتَلْتَ وَأَخْرَبْتَ فَأَخْبِرْنِي مَا الْأَمْرُ الَّذِي تَشَبَّثُ بِهِ حَتَّى قَوِّيْتَ عَلَى مَا أَرَى وَبَلَغْتَ السِّيَاسَةَ مَا لَمْ يَبْلُغْهُ مَلِكٌ فَإِنْ كَانَ مِمَّا يُضْبِطُ الْأَمْرُ بِمِثْلِهِ أَدَدْتُ لَكَ الْخَرَاجَ وَصِرْتُ كَبَعْضِ الرَّعِيَّةِ بِالطَّاعَةِ لَكَ. فَقَالَ سَابُورُ: إِنِّي لَمْ أَرِدْ فِي السِّيَاسَةِ عَلَى ثَمَانِ خَصَائِصٍ: لَمْ أُهْزَمْ فِي أَمْرٍ وَنَهَى وَلَمْ أُخْلِفْ فِي وَعْدٍ وَلَا وَعِيدٍ وَوَلَيْتُ أَهْلَ الْكِفَايَةِ وَأَثْبَتُ عَلَى الْغَنَى لَا عَلَى الْهَوَى وَضَرَبْتُ لِلَّادَبِ لَا لِلْغَضَبِ وَأَوْدَعْتُ قُلُوبَ الرَّعِيَّةِ الْمُحْبَةَ مِنْ غَيْرِ جَرَاءَةٍ وَالْهِبَةِ مِنْ غَيْرِ ضَغْيَنَةٍ وَعَمَّمْتُ بِالْفُضُولِ فَأَدْعَنَ لَهُ مَلِكُ الرُّومِ وَأَدَدَ لَهُ  
الْخَرَاجَ

Халққа адолат қилиш қўшиннинг кўплигидан яхшироқдир. Дунёнинг кўп тарафларини эгаллаган Сабур Рум подшосига қарши уришиб, унинг шаҳарларини хароб қилди, лашкарларини ўлдирди, роҳибларини қириб йўқотди. Шунда Рум подшоси унга: “Одамларни қирдинг, шаҳарларни вайрон қилдинг, энди менга айт-чи, қайси ишни маҳкам тутиб, бунчалар кучайдинг, ҳозир мен кўриб турган ҳолатга етдинг, сиёсатда ҳеч бир подшоҳ етолмаган даражага кўтарилдинг?! Агар ҳар бир ишда муваффакиятга эришиш сен айтгандек бўладиган бўлса, ўлпон тўлайман ва бир оддий фуқоранг каби сенга итоат қиласман” – деди. Сабур унга айтди: “Мен сиёсатда саккизта хислатни маҳкам тутдим, ундан ортиқ иш қилмадим: бир ишга буюрганимда ва бир ишдан қайтарганимда енгилмадим, яъни орқага қайтмадим, айтганим эшитувчига хоҳ ёқсин, хоҳ ёқмасин, ваъдамга хилоф қилмадим, муносиб кишиларни иш бошига қўйдим, ҳою-ҳавасдан эмас, хазинадаги бойлиқдан келиб чиқиб мукофотладим, ғазабдан эмас, адаб бериш учун жазоладим, халқнинг қалбиға дағалликдан холи муҳаббатни ва нафратдан холи ҳайбатни омонот қўйдим, барчани

кифоя қиласынан даражадаги озиқ билан таъминладим, ортиқчасидан қайтардим”. Шунда Рум подшоси унга бўйсуниб, хирожини тўлади.

تاج الملک عفافهُ وَحُسْنَهُ إِنْصَافهُ وَسِلَاحهُ كَفَاعَهُ وَمَالُهُ رَعِيَّتُهُ.

Подшоҳнинг тожи – унинг поклиги, ҳусни – унинг инсофи, қуроли – унинг бағрига олиши, мол-давлати – унинг халқидир.

وَقَالَ حُكَّمَاءُ الْهِنْدِ: لَا ظَفَرَ مَعَ بُغَى وَلَا صِحَّةَ مَعَ نَحْمٍ وَلَا شَرَفَ مَعَ سُوءٍ  
أَدَبٌ وَلَا بِرٌّ مَعَ شُحٍّ وَلَا سُؤْدَدَ مَعَ انتِقامٍ وَلَا ثَبَاتٌ مُلْكٌ مَعَ تَهَاوُنٍ.

Хинд донишмандлари айтади: “Зулм билан ғалаба, очофатлик билан саломатлик, такаббурлик билан мақтовга сазовор бўлиш, одобсизлик билан шараф, баҳиллик билан яхшилиқ, интиқом билан улуғлик, сусткашлик билан салтанатнинг мустаҳкам туриши йўқ”. (такрор, 185-бетда келган, сал фарқ билан!!!)

وَقَالَ حَكِيمٌ: لَا يَطْمَعَنَّ ذُو الْكَبْرِ فِي الشَّاءِ وَلَا حَسُودٌ فِي كُثْرَةِ الصَّدِيقِ وَلَا سَيِّءُ الْأَدَبُ  
فِي الشَّرْفِ وَلَا حَرِيصٌ فِي قَلَةِ الذَّنْبِ وَلَا الْمَلِكُ الْجَائِرُ فِي بَقَاءِ الْمُلْكِ.

Бир донишманд айтди: “Кибр эгаси мақтовни, ҳасадгўй дўсти кўп бўлишини, одобсиз киши шарафни, очкўз гуноҳи кам бўлишини, золим подшоҳ салтанати мустаҳкам туришини умид қилмасин”.

شعر:

وَمَنْ ظَنَّ مِنْ يُظْهِرُ السُّوءَ أَنَّهُ  
يُجَازِي بِلَا سُوءٍ فَقَدْ ظَنَّ مُنْكِرًا

Шеър (насрий баён): “Ёмонлик қилган киши ёмонликдан бошқа нарса билан мукофатланади, деган ўйдаги кимсанинг гумони шариатга хилофдир”.

الْعَدْلُ إِسْتِشْمَارٌ دَائِمٌ وَالْجُورُ إِسْتِصَالٌ مُنْقَطِعٌ. الْعَدْلُ فِي الْأَقْوَالِ أَنْ لَا تُخَاطِبَ الْفَاضِلُ  
بِخُطَابِ الْمَفْضُولِ وَلَا الْعَالَمُ بِخُطَابِ الْجُهُولِ وَأَنْ تَحْعَلَ لِسَانَكَ فِي مِيزَانٍ فَتَحْفَظُهُ مِنْ رُجْحَانٍ أَوْ  
نُقْصَانٍ.

Адолат доимий ҳосил берувчи, жавру зулм таг-томири билан узиб олгувчидир. Гапдаги адолат – фазилатли инсонга фазилатсиз кимсага мурожаат қилгандек, олимга жохилга муомала қилгандек хитоб этмаслиқдир. Тилингни тарозидек адл ушлашинг лозим. Шундагина тарозини палланинг бири оғир ё енгил келиб қолишидан саклайсан.

شعر:

إِحْفَظْ لِسَانَكَ إِنْ حَصَّلَتْ بِمَجْلِسٍ  
وَزِنُ الْكَلَامَ وَلَا تَكُنْ مِهْرَارًا  
وَلَكِنْ نَدِمْتُ عَلَى الْكَلَامِ مَرَّةً  
مَا إِنْ نَدِمْتُ عَلَى سُكُوتِي مَرَّةً

Шеър (насрий баён): “Агар бир мажлисда ҳозир бўлсанг, тилингни сақла, ўлчов билан гапир, ҳазил-хузул қилиб, кўп вайсама. Сукут қилганимга ҳеч афсус емадим, лекин гапириб қўйганимга қўп пушаймон бўлганман”.

حُكَّيٰ عَنْ سُلَيْمَانَ ابْنِ دَاؤْدَ أَنَّهُ قَالَ: أُعْطِيْتُ مَا أُعْطِيَ النَّاسُ وَمَا لَمْ يُعْطَوْا وَعَلِمْتُ مَا  
عَلِمَ النَّاسُ وَمَا لَمْ يَعْلَمُوا، فَلَمْ أُعْطِ شَيْئًا أَفْضَلَ مِنَ الْحَقِّ فِي الرِّضَى وَالْعَصَبِ، وَالْقَصْدِ فِي الْغُنَّى  
وَالْفَقْرِ وَخَشْيَةِ اللَّهِ فِي السِّرِّ وَالْعَلَانِيَةِ.

Сулаймон ибн Довуд алайхимассаломдан ҳикоя қилинади: “Инсонларга берилган ва берилмаган нарсалар менга ато этилди, мен одамларнинг билган нарсаларини ва билмаган нарсаларини ҳам билдим. Лекин рози бўлган пайтда ҳам, ғазабланган пайтда ҳам – ҳақни айта олиш, бойликда ҳам, қашшоқликда ҳам – ўртacha ҳолни сақлаш, ботинда ҳам, зоҳирда ҳам – Аллоҳдан қўрқишдан афзалроғи менга берилмади (яъни, менга берилган нарсалар ичida энг афзали мана шулар эди).

أَخْبَثُ النَّاسِ: الْمُسَاوِي بَيْنَ الْمَحَاسِنِ وَالْمَسَاوِيِ.

Одамларнинг энг пасткаши яхшилик билан ёмонликни баравар кўрадиганларидир.

إِجْتَدِبْ بِأَفْعَالِكَ مَا نَاسَبَهَا، وَقَابِلْ بِمَجَازَاتِكَ مَا أُوجَبَهَا.

Қилган ишларинг сабабли ўша ишларга лойифини тортиб олавер ва берган жазоларинг сабабли ўша жазоларни вожиб қилган нарсаларга йўлиққин.

وَقَالَ الْحَسْنُ الْبَصْرِيُّ: الْمُؤْمِنُ لَا يَحِيفُ عَلَى مَنْ يُبْغِضُ وَلَا يَأْتِمُ فِيهِنْ أَحَبَّ.

Ҳасан Басрий дейди: “Мўмин киши ёмон кўрган кимсасига зулм қилмайди ва яхши кўрган кишиси учун гуноҳга бормайди.

لَا تَصْطَنِعْ مَنْ خَانَةُ الْأَصْلُ وَلَا تَصْحَبْ مَنْ فَاتَةُ الْعَقْلُ.

Асли хиёнат қилган, яъни асли номаълум кимсага яхшилик қилма, ақли тарқ этган кимсага дўст бўлма.

سُئِلَ حَكِيمٌ عَنِ الْمُسِيَءِ فَقَالَ: هُوَ مَنْ لَا يُبَالِي أَنْ يَرَاهُ النَّاسُ مُسِيئًا. الْدَّهْرُ حَسُودٌ لَا يُأْتِي عَلَى شَيْءٍ إِلَّا غَيْرَهُ. أَصَابَ الدُّنْيَا مَنْ حَذَرَهَا وَأَصَابَتِ الدُّنْيَا مَنْ أَمْنَهَا. إِحْذِرْ الْجَدِيدَيْنِ: فِلَالْأَقْدَارِ أَوْقَاتٌ تَعْجِزُ عَنْ إِذْرَاكِهَا الْأَفْكَارُ.

Бир донишманддан ёмон кимса ҳақида сўралди, шунда у деди: “Ёмон киши одамлар уни ёмон дейишига парво қилмайдиган кимсадир”. Замон ҳасад қилувчидир, у бирор нарсанинг устига келар экан, албатта уни ўзгартириб, бузиб ўтади. Дунёдан ҳазар қилган киши дунёга етишади, дунёга ишониб қолган кишини дунё эгаллаб олади. Иккита янгидан (кеча ва кундуздан) эҳтиёт бўл, чунки тақдирларда шундай вақтлар борки, фикрлар уни идроқ қилишдан ожиз.

شعر:

إِنَّ لِلَّدَهِرِ سَطْوَةً فَاحْذَرْنَهَا  
لَا تَبِيَّنَ قَدْ أَمِنْتَ الدُّهُورَا

Шеър (насрий баён): “Албатта бу замоннинг бир ҳамласи бор, бас, ундан эҳтиёт бўл. Бирорта кечангни унга ишонган ҳолда ўтказма”.

مَنْ مَنْ يُرْضِيهِ لَمْ يَدْعِ الْمِرَاءَ، مِنْ عَلَامَةِ الدَّوْلَةِ قِلَّةُ الْعَفْلَةِ.  
مَنْ قَلَّتْ بَحْرِبُتُهُ خُدِيعٌ وَمَنْ قَلَّتْ  
مُبَالَاتُهُ صُرَعٌ. الْعَاقِلُ مَنْ كَانَ الْجِدْرُ جُنَاحَهُ وَالْأَسْتَظْهَارُ عُدَّتَهُ. الْمَرءُ بِسَاعَاتِهِ وَالْدَّهْرُ فِي مُسَاعَاتِهِ.

Ким ўз обрўсини миннат қилса, боши чиқмайди. Давлати борлигининг белгиси ғафлатнинг камлигидир. Тажрибаси оз киши алданади, бепарво киши енгилади. Эҳтиёткорлик – қалқони ва маслаҳат

сўраш – қуроли бўлган киши ҳақиқий оқилдир. Кишининг соатлари белгиланган, замон у билан рақобатда.

المُضطُرُ جَسُورٌ وَالْقَادِرُ عَيُورٌ . إِصْنَعِ الْخَيْرَ عِنْدِ إِمْكَانِهِ، يَبْقَى لَكَ حَمْدُهُ بَعْدَ زَوَالِ زَمَانِهِ .  
اَلْدُنْيَا إِنْ بَقِيَتْ لَكَ لَمْ تَبْقَ لَهَا، وَلَمْ مَنْ يَتَعَرَّضْ لِلنَّوَائِبِ تَعَرَّضَتْ لَهُ .

Ночор киши ботир, қодир киши ҳамиятли бўлади. Имкони пайтда яхшилик қил, шунда яхшиликнинг замони ўтгандан кейин ҳам унинг мақтови сен билан қолади. Топган дунёнг сен учун туриб берса ҳам, сен дунё учун боқий туролмайсан. Ким мусибатларга рўбарў бўлмаса, мусибатлар унга рўбарў келади.

شعر:

أَرَى طَالِبَ الدُّنْيَا وَإِنْ طَالَ عُمُرُهُ  
وَنَالَّ مِنَ الدُّنْيَا سُرُورًا وَأَنْعَمًا  
فَلَمَّا اسْتَوَى مَا قَدْ بَنَاهُ تَهَدَّمَ  
كَبَانٍ بَنَى بُنْيَانَهُ وَأَنْعَمَهُ

Шеър (насрий баён): “Мен дунё истаган кишини, гарчи унинг умри узун бўлиб, дунёнинг курсандчилик ва неъматларига етган бўлса ҳам, уни шундай қурувчига ўхшатаман: у бино қурилишини бошлаб, иморатни тўла битказиб, уй тикка бўлгач, ўзи ҳам, уйи ҳам вайрон бўлади”.

الزَّمَانُ يَتَقَلَّبُ بِالْلَوَانِهِ وَيَخْشُنُ بَعْدَ لِيَابَانِهِ فَيَسْتَلُبُ مَا أَعْطَى وَيُفَرِّقُ مَا جَمَعَ إِنَّ لَهُ صُرُوفًا لَسْتَ  
عَنْهَا مَصْرُوفًا .

Замон турли-туман ранглари билан айланиб туради, мулойимлигидан сўнг дағаллашади, оқибатда, берганини қайтиб олади,

жамлаганини тарқатади. Ҳақиқатда замоннинг шундай тескари айланишлари бор, сен уни айланиб ўтолмайсан.

شعر:

إِنَّ الزَّمَانَ وَإِنْ أَلَا  
نَ لَأَهْلِهِ لِمُحَاشِنٍ  
وَتَبَاعُثُ الْمُتَحَرِّكًا  
ثُ كَانَهُنَّ سَوَاكِنْ

Шеър (насрий баён): “Албатта замон гарчи ўз аҳлига мулойим бўлса ҳам, ҳақиқатда у дағал, қўполдир. Унинг ҳаракатлардан иборат ҳамлалари гўё ҳаракатсиз, тинч турганга ўхшайди”.

إِنْتَهِزْ فُرْصَةً مُكْتَنِفَةً بِعَرَضِ الصَّنَائِعِ لِتَكُونُ لَكَ ذُخْرًا فِي النَّوَافِدِ وَخَلْفًا فِي الْعَوَاقِبِ وَلَا  
يُلِهِكَ اسْتِكْفَاوُكَ عَنِ الْاسْتِظْهَارِ وَلَا يَنْعُكَ اسْتِغْنَاوُكَ عَنِ الْاسْتِكْثَارِ إِنْ يَوْمٌ فَلَيْتَنِي مِنْ  
نَوْمٍ.

Яхшиликларни мақсад қилиш билан имконингда бор фурсатни ғанимат бил, шунда у яхшиликлар мусибат етган кунларда захира ва ишларингнинг сўнгига сенга ўринбосар бўлади. Қаноатли бўлганинг сени маслаҳат сўрашдан чалғитиб қўймасин, беҳожатлигинг маслаҳат сўрашни кўпайтиришдан тўсмасин. Киши шу кунининг фарзанди, бас, у уйқусидан уйғонсин.

شعر:

تَنْفَلُكُ تَسْمَعُ مَا حَيَيْتَ  
بِهَالِكٍ حَتَّى تَكُونَهُ  
وَالْمَرءُ قَدْ يَرْجُو الرَّجَا  
ءَ مُؤْمِلًا وَالْمَوْتُ دُونَهُ

Шеър (насрий баён): “Модомики, ҳаёт экансан, “фалончи дунёдан ўтибди, ҳалок бўлибди” деган гапларни то ўзинг билан ҳам шу воеа содир бўлгунча, яъни ўлгунингча эшитаверасан. Киши орзу-хавасга берилиб умид қилаверади, ҳолбуки ўлим унинг олдида турибди”.

مَنْ كَفَّ نَفْسَهُ عَنِ الْقَبِيحِ أَمَنَ مِنْ وَجْلِهِ، وَمَنْ قَبَضَ يَدُهُ عَنِ الإِسَاءَةِ سَلِيمٌ مِنْ رَلِهِ وَمَنْ تَطَاوَلَ بِالْقُدْرَةِ غَفَلَ وَهُوَ مَطْلُوبٌ، وَأَمَنَ وَهُوَ مَسْلُوبٌ. بِاعْتِزَالِكَ لِلشَّرِ يَعْتَرِلُكَ الضَّالُّونَ وَبِالنَّصَفَةِ يَكْثُرُ الْوَاصِلُونَ. لَا تَغْتَرَ بِالْأَمْلِ وَلَا تَسْتَكِثِرُ الْعَمَلَ وَلَا تُلْهِكَ الدُّنْيَا بِغُرُورِهَا تَقْعُ في هَفَوَاتِ شُرُورِهَا.

Ким ўзини хунук ишдан тийса, ўша ишнинг хавфидан сақланган бўлади, ким қўлини гуноҳдан тийса, гуноҳнинг тойилтиришидан саломат бўлади. Ким куч-кудрати билан катта кетса, ҳали куч-кудрат талаб қилинаётган ҳолида ғофил қолган ва куч-кудратдан маҳрум қилинаётган ҳолида хотиржам турган кишидир. Ёмонликдан узоклашишинг сабабли адашганлар сендан узоклашади, инсофли бўлишинг сабабли сен томон келувчилар кўпаяди. Орзуга алданма ва қилаётган ишингни кўп санама. Дунё ўзининг алдовлари билан сени чалғитмасин, акс ҳолда унинг ёмонликлари чоҳига қулайсан.

شعر:

غَيْرَ أَنْ لَا بَقَاءَ لِإِلْأَنْسَانِ	أَنْتَ نِعْمَ الْمَتَاعُ لَوْ كُنْتَ تَبْقَى
عَابَةُ النَّاسُ غَيْرَ أَنَّكَ فَانِ	لَيْسَ فِيمَا بَدَا لَنَا مِنْكَ عَيْبٌ

Шеър (насрий баён): “Сен қандаям яхши бир ҳолдасан, кошки бу ҳолатинг боқий турса, бироқ инсон учун боқийлик йўқ! Сенда одамлар айтса бўладиган, бизга кўринган бирор айб йўқ, фонийлигингдан бўлак!”

مُخَالَطَةُ الْجَاهِلِ أَضَرٌ مِنَ السَّمِّ وَأَنْفَدُ مِنَ السَّهَمِ. يَضْعُفُ الْجَاهِلُ إِنْ تُورِكَ وَيَقُوَى إِنْ شُورِكَ.

Нодон билан ошночилик захардан кўра зарарлироқ, ўқдан кўра ўткирроқдир. Нодонни эътиборсиз ташлаб қўйилса – заифлашади, агар унга шерик бўлинса – кучаяди.

قِيلَ: فِي بَعْضٍ كُتُبٍ عَنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ: أَبْعَدْ عَنِ الْجَاهِلِ إِنْ طَلَبَ الرَّاحَةَ، فَإِنَّ حَمْلَ الرَّمْلِ وَالْحَدِيدِ أَسْهَلٌ مِنَ الْمَشْوِي مَعَ الرَّجُلِ الْجَاهِلِ، وَضَرَرُ الْجَاهِلِ أَعَمُّ مِنْ ضَرَرِ الشَّرِ لَانَّ قَانُونَ الشَّرِ مَعْلُومٌ وَقَانُونَ الْجَاهِلِ غَيْرُ مَعْلُومٍ.

Бани Исроил китобларидан бирида айтилган: “Агар роҳат истасанг, жоҳилдан узок бўл. Чунки қум ва темирни кўтариш жоҳил билан бирга бўлишдан осонроқ. Жоҳилнинг зарари ёмонликнинг зараридан кўра умумийроқ (хар томонламадир). Чунки ёмонликнинг қонун-қоидаси маълум, жоҳилнинг қонун-қоидаси эса номаълумдир”.

لِكُلِّ شَيْءٍ لُبَابٌ، وَلُبَابُ النُّفُوسِ الْأَلْبَابُ وَقَالَ حَكِيمٌ: مُخَالَطَةُ الْأَشْرَارِ مِنْ أَعْظَمِ الْأَخْطَارِ مِنْ قَصَيْتَ وَاجِبَةً أَمِنْتَ جَانِبَهُ. لَيْسَ يَكْفِيَكَ مَنْ لَمْ تَكْفِهِ. لَيْسَ جَزَاءُ مَنْ سَرَّكَ أَنْ تَسْوَءَهُ مَنْ حَسُنَ وَدَادُهُ قَبْحٌ اسْتِفْسَادُهُ. مَنْ يَخْنُنْ يَهُنْ.

Хар бир нарсанинг мағзи бор, жонларнинг мағзи ақллардир. Донишманд деди: “Ёмонлар билан ошно бўлишнинг ўзи хатарларнинг энг улканидир”. Кимнинг мажбуриятини адо қилсанг, у томондан энди хотиржамсан. Сенинг фойданг тегмаган кишидан сенга ҳам фойда етмайди. Сени хурсанд қилган кишининг мукофоти унга ёмонлик

килишинг эмас. Ким дўстлигини чиройли қилса, уни бузиш хунук бўлади. Ким хиёнат қилса, хорланади.

الْعَجْزُ نَائِمٌ وَالْحَزْمُ يَقْظَانُ. مَنْ لَمْ يَلْنَمْ نَفْسَكَ حَقَّكَ لَا تُلْنِمْ نَفْسَكَ حَقَّهُ. لِكُلِّ بَنَاءٍ أُسْ<sup>١</sup>  
وَلِكُلِّ تُرَابٍ غَرْسٌ لَا خَيْرٌ فِي مُعِينٍ مُهِينٍ وَلَا فِي صَدِيقٍ ضَنِينٍ كَثْرَةُ النُّصْحِ تَحْمِلُ عَلَى سُوءِ  
الظُّنُنِّ. مِنْ ضَعْفِ الْأَمْرِ إِعْلَانُهُ قَبْلَ إِحْكَامِهِ. الْوَاقِيَّةُ خَيْرٌ مِنَ الرَّاقِيَّةِ. مَنْ بَسَطَهُ إِلَدْلَالُ قَبَضَهُ  
إِلَدْلَالُ إِذَا زَادَكَ الصَّدِيقُ إِقْبَالًا رِدْهُ إِجْلَالًا.

Ожизлик – мудроқлик, эҳтиёткорлик – уйғоқликдир. Сенинг ҳурматингни ўрнига кўймаган кишининг ҳурматини сен ҳам ўрнига кўймайсан. Ҳар бир бинонинг пойдевори ва ҳар бир тупроқнинг кўчати бор. Таъна қилаверадиган ёрдамчидаги ва баҳил дўстда хайр йўқ. Холисликнинг кўпи ёмон гумон туғилишига сабаб бўлади (яъни, бирорга холис яхшиликни кўпайтирсангиз, унинг кўнглида сизга нисбатан шубҳа пайдо бўлади). Ишни пишиқ қилиб битирмасдан олдин эълон қилиш иш ҳали заифлигидан нишона. Сақланиш бетиним унибўсиб кетишдан яхшироқдир. Кимни эркалик ёйиб юборса, хорлик уни йиғишириб олади. Дўстинг сен томон юзланишни зиёда қилса, сен унинг ҳурматини зиёда қил.

شعر:

فَرِبَّمَا أَوْرَثَ إِلَدْلَالُ إِدْلَالًا	إِنْ قَرَبُوكَ فَلَا تَأْمَنْ بِعَادَهُمْ
يُعَوِّضُونَكَ بِالإِدْبَارِ إِقْبَالًا	وَإِنْ جَفَوْكَ فَلَا تَيَأسْ لَعَلَّهُمْ
قَدْ يُخَدِّثُ اللَّهُ بَعْدَ الْحَالِ أَحْوَالًا	وَالْأَمْنُ وَالْيَأسُ لَا تَسْلُكْ طَرِيقَهُمَا
قَالَتْ لَكَ النَّفْسُ مَاتَ الْهَجْرُ فُلْنَ لَا لَا	وَانْحَشَ الصُّدُودَ إِذَا مَا وَاصَلُوكَ وَإِنْ

Шеър (насрий баён): “Агар сени ўзларига яқинлаштиришса, узоклаштиришларидан хам хотиржам бўлма. Кўпинча эркаликлар хорликка сабаб бўлади. Агар сени ўзларидан айирсалар, ноумид бўлма, шояд сендан орқа ўгиришлар сенга юзланишга айланиб қолса. Хотиржамлик ва ноумидликнинг йўлига юрма, Аллоҳ гоҳо бир ҳолатдан сўнг яна қанча ҳолатларни пайдо қиласди. Сен уларга қўшилиб юрганингда, ора тўсилиб қолишидан қўрқиб тур. Агар нафсинг сенга: “айрилиқ ўлди” деса, сен: “йўқ, йўқ” деб тур”.

لَا تَقْمِنْ بِرِبِِّ الْأَنْوَاعِ مُتَّقِمٌ أَتَعِبُ قَدَمَكَ فَكُمْ تَعِبُ قَدَمُكَ مَنْ أَحَبَّ الشَّهَوَاتِ أَبْعَضَ نَفْسَهُ .  
أَحَقُّ النَّاسِ بِالنَّفْعِ وَبِالصَّيْنِيَّةِ الشَّكُورُ وَبِالْمَنْعِ الْكَافُورُ .

Сендан ўч олиш қасди бўлган кишига тегишли худудда яшама. Тўхтама, қадам босиб, қадамларинг чарчасин. Чунки қанча чарчоқлар бор, сени пешқадам қиласди. Нафс хоҳишларини яхши қўрган кимса ўзини ёмон қўрган кимсадир. Манфаат ва яхшиликка одамлар ичida энг ҳақдори – шукр қилувчи киши, манъ қилинишга энг лойифи – яхшиликни билмайдиган кўрнамак кимсадир.

لَنْ يَنْصَحِّكَ مَنْ غَشَّ نَفْسَهُ وَلَنْ يَنْفَعَكَ مَنْ ضَرَّهَا بَعِيدٌ مِّنْ أَسْقَطَ حَقَّ نَفْسِهِ أَنْ يَقُومَ بِحَقِّ عَيْرِهِ وَصَعْبُ عَلَى مَنْ أَلْفَ إِسْقَاطَ الْحُقُوقِ التَّكْلُفُ أَنْ يُحِولَ عَنْهُ .

Ўзига сохта муносабатда бўлган киши ҳеч қачон сенга холис муносабатда бўлолмайди ва ўзига зарар берган киши ҳеч қачон сенга фойда бермайди. Ўз ҳаққига эътиборсиз кишининг бошқа бироннинг ҳаққини адo қилиши ақлдан узоқ иш. Ўзининг ҳақларини эътиборсиз ташлаб қўйишга ўргангандан кишининг бу одатни ўзгартиришга уриниши амри маҳол.

ذُو الْمُرْوَةِ يَرْتَفِعُ وَتَارِكُهَا يَهْبِطُ. الارتقاء صعبٌ والانحطاط هينٌ كالحجر الثقيل رفعه عسٰيرٌ وَحَطْهُ يَسِيرٌ. هَدِّبْ نَفْسَكَ مِنَ الدَّنَسِ تَهَذَّبْ جَمِيعُ أَتْبَاعِكَ، وَتَزِّهَّ نَفْسَكَ عَنِ الطَّمَعِ يَنْتَزِهَ جَمِيعُ حُلْقَائِكَ. مَا زَانَكَ مَا أَضَاعَ زَمَانَكَ وَلَا شَانَكَ مَا أَصْلَحَ شَانَكَ.

Мард киши юксалади, номард эса қулайди. Юксалиш оғир, қулаш осон, худди оғир тошни юқорига құтариш қийин, пастга қулатиш осон бўлгани каби. Нафсингни кирдан тозаласанг, сенга эргашувчилар ҳам тоза бўлади. Нафсингни тамаъдан покласанг, барча ўринбосарларинг ҳам тамаъдан пок бўлади. Вақтингни зое қилган нарса сенга зийнат эмас, шаънингни ўнглаган нарса сенга айб эмас.

الْأَقْدَارُ إِذَا انْفَضَّتْ، كَالْكَوَاكِبِ إِذَا انْقَضَّتْ. إِخْفَضْ جَنَاحَكَ لِمَنْ عَلَا، وَوَطِئُ كَنَفَكَ لِمَنْ دَنَى، وَبَخَافَ الْكِبِيرُ تَمْلِكُ مِنَ الْقُلُوبِ مَوْدَتَهَا، وَمِنَ النُّفُوسِ مُسَاعَدَتَهَا.

Тақдир (хукмлари)нинг юзага чиқиши учиб тушган юлдузларга ўхшайди (яъни, уни изга қайтаришнинг иложи йўқ). Ўзини баланд олган кишига қанотингни паст тут, сенга яқин келган кишига ёнингдан жой бер. Кибрдан ўзингни узоқ тутсанг, қалбларнинг дўстлиги ва кўмагига молик бўласан.

كُنْ صَبُورًا فِي الشِّدَّةِ، شَكُورًا فِي النِّعْمَةِ. لَا تُبْطِرْكَ السَّرَّاءُ، وَلَا تُدْهِشْكَ الضَّرَاءُ، لِتَكَافَأَ أَحْوَالُكَ وَتَعْتَدِلُ حِصَالُكَ فَتَسْلِمُ مِنْ طَيْشِ النَّظَرِ وَسَكْرَةِ الْبَطْرِ. كُنْ لِلشَّهْوَاتِ عَزُوفًا تَنْفَلُكَ مِنْ أَسْرِهَا، فَمَنْ قَهَرَتْهُ الشَّهْوَةُ كَانَ عَبْدًا لَهَا، وَمَنْ اسْتَعْبَدَتْهُ الشَّهْوَةُ دُلَّ بِهَا.

Қийинчилик кунларда ўта сабрли, неъматларга бурканган кунларда ўта шукрли бўл. Хурсандчилик сени маст қилмасин, мусибат сени даҳшатга солмасин. Ҳар қандай вазиятда ҳолатларинг бир хил,

хислатларинг мўътадил бўлсин. Шунда енгилтаклиқдан ва ҳаддан ошиш мастилигидан саломат бўласан. Нафс хоҳишлирига нафратли бўл, шунда унга асир бўлишдан қутуласан. Ким нафс хоҳишига мағлуб бўлса, унинг қулига айланади. Хоҳишига қул бўлган киши ўша хоҳиши сабабли хор бўлади.

كُنْ بِالرَّمَانِ خَيْرًا تَسْلِمْ مِنْ عَشْرَتِهِ، فَإِنَّ الْغُرُورَ بِهِ مُرِدٌ، وَقَدْمٌ لِمَعَاذِكَ مَا تُحِبُّ أَنْ تَرَاهُ هنَاكَ  
 فَلَنْ تَجِدَ إِلَّا مَا قَدَّمْتَ وَلَنْ تُخَازِي إِلَّا بِمَا صَنَعْتَ وَاسْتَقْلَلَ مِنَ الدُّنْيَا تَنَاهٍ عِزًّا فَلَنْ يَذَلِّ إِلَّا  
 صَاحِبُهَا وَلَنْ يَخْزُنَ إِلَّا طَالِبُهَا إِذَا كَانَتِ الدُّنْيَا غَدَارَةً فَمَا مُوجِبُ الْطَّمَائِيْنَةِ إِلَيْهَا، وَإِذَا كَانَتِ  
 الْأَشْيَاءُ غَيْرَ دَائِمَةٍ فَفِيمَ السُّرُورُ بِهَا.

Замондан хабардор бўлиб тур, шунда унинг тойилтиришларидан омон бўласан. Чунки замонга алданиш ҳалок қилувчидир. Қайтиб борадиган сўнгги манзилинг учун ўша манзилда кўришни истаган нарсангни олдинроқ жўнат, чунки у ерда фақат жўнатган нарсангнигина топасан ва қилмаганинг билан эмас, қилган ишинг билангина жазоланасан. Дунёдан озини сўра, азизликка эришасан. Чунки фақат дунё эгасигина хорланади, фақат дунёни талаб қилгувчигина ғам-ташвишдан боши чиқмайди. Агар дунё хиёнаткор экан, дунёга хотиржам бўлишга мажбур қилаётган нарса нима?! Агар дунё доимий эмас экан, у билан хурсанд бўлиш нима ўзи?!

الْقُلْبُ الْعَلِيُّ يَمْلِئُ إِلَى الْأَبَاطِيلِ. مِنْ أَشْرَفِ الْأَخْلَاقِ صِيَانَةُ النَّفْسِ عَنِ التِّفَاقِ. تَقْرِيبُ  
 السُّفَلِ يُرِيْلُ الدُّوَلَ. الْحُزْنُ أَسْدُ الْأَرَاءِ وَالْغَفْلَةُ أَضْرَرُ مِنَ الْأَعْدَاءِ. بِالْإِسَاعَةِ يَفْوُتُ الْمُرَادُ وَبِالْعَدْلِ  
 تُعَمَّرُ الْبِلَادُ وَتُسْتَمَالُ الْعِبَادُ. بِالظُّلْمِ يَرُولُ الْمُلْكُ وَبِاللُّطْفِ تُفْتَنَصُ الْأُسُودُ وَيَحْصُلُ كُلُّ مَفْصُودٍ.

Нософлом қалб ботил нарсаларга мойил бўлади. Ўзни мунофиқликдан сақлаш хулқларнинг энг улуғидир. Пасткашларни яқинлаштириш давлатларни

йўқ қилади. Эҳтиёткорлик фикрларнинг энг тўғриси, ғафлат душманнинг энг зарарлисиdir. Ёмонлик сабабли мақсад бой берилади,adolat сабабли шаҳарлар обод бўлади ва бандалар ўзга мойил қилинади. Зулм сабабли подшоҳлик кетади, мулојимлик билан шерлар овланади ва ҳар бир мақсад ҳосил бўлади.

لَيْسَ الْوَهْمُ كَالْفَهْمِ وَلَا الْحَبْرُ كَالْعِيَانِ . طَهْرٌ نَفْسَكَ مِنَ الْبَغْيِ وَأَنْجِنٌ مِنْ قَلْبِكَ الْكَبِيرِ  
وَاجْتَدِبِ الْقُلُوبَ بِالإِسْتِعْطَافِ وَاسْتَمِلِ النُّفُوسَ بِالإِنْصَافِ . إِحْذِرْ دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ وَتَوْقَّهَا وَرَقَّ لَهَا  
إِنْ وَاجَهَكَ بِهَا وَلَا تَبْعَثْلُكَ الْعِزَّةُ عَلَى الْبَطْشِ فَتَزَدَّادَ بِيَطْشِكَ ظُلْمًا وَبِعِزْتِكَ بَغْيًا وَحَسْبُكَ مَنْصُورًا  
مَنْ كَانَ اللَّهُ نَاصِرَهُ .

Ваҳм (яъни, ўй-хаёл) фаҳм (яъни, фаҳм юритиш) эмас ва эшитилган хабар кўз билан кўргандек эмас. Нафсингни зулмдан покла, қалбингдан кибрни кеткиз. Қалбларни юмшоқлик билан ўзингга торт ва уларни инсоф билан ўзингга мойил қил. Мазлумнинг дуосидан эҳтиёт бўл, ундан қўрқ. Агар мазлум дуоси билан сенга рўбарў келса, унга юмшоқ муомалада бўл. Азизлигинг ҳамла қилишга сабаб бўлмасин, акс ҳолда бу ҳамланг билан зулмни, азизлигинг билан ҳаддан ошишни зиёда қилган бўласан. Аллоҳ ёрдамчиси бўлган кишининг ғолиблиги ибратланишингга кифоядир.

وَقَالَ أَحَدُ الْحُكَمَاءِ يَنْصُحُ صَدِيقًا لَهُ : إِعْلَمْ يَا أَخِي أَنَّ الدُّنْيَا دَارُ فَنَاءٍ وَرَوَالٍ وَهَذَا حَكْمُ  
الْمُولَى عَزَّ إِسْمُهُ عَلَى كُلِّ حَيٍّ وَأَذَنَ بِالرَّحِيلِ مِنْهَا وَالاِنْتِقالِ وَقَضَى بِالموتِ عَلَى الْكَبِيرِ وَالصَّغِيرِ  
وَقَدَرَ بِالْفَوْتِ عَلَى الْمَأْمُورِ وَالْأَمْيَرِ وَصَيْرَهَا دَارَ هُمُومٍ وَأَكْدَارٍ وَمَتَاعِبٍ وَأَخْطَارٍ وَمَصَائِبٍ وَأَحْزَانٍ  
وَنَوَائِبٍ مُتَوَالِيَّةٍ عَلَى تَوَالِيِ الزَّمَانِ لَا تَبْقَى مَعَ وَاحِدٍ عَلَى حَالٍ وَلَا تَخْلُو دَائِمًا مِنَ الْاسْتِحَالَةِ إِنْ  
حَلَتْ إِنْحَالَتْ أَوْ هَنَتْ أَوْهَنَتْ وَإِنْ كَسَتْ أَوْكَسَتْ أَوْ جَلَّتْ أَوْجَلَتْ فَيَا لَهَا مِنْ دُنْيَا غَدَّارَةٍ غَرَّارَةٍ  
خَوَانَةٍ مَكَارَةٍ تَغُرُّ الْأَمْيَرَ حَتَّى يَظْنَنَ أَنَّهَا تَدُومُ لَهُ وَتَخَادِعُهُ وَتَضْحَكُ عَلَيْهِ لِتُجَنِّدِهُ وَتَبْلُغُهُ مَهْمَأَ  
يَهْوَى وَيُرِيدُ وَمَا يَرِوُمُ وَمَا يَدْرِي أَنَّهَا عَلَى إِضْرَارِهِ عَازِمَةٌ وَأَنَّهَا حَوْلُهُ بِالْحَوَادِثِ حَائِمَةٌ وَأَنَّهَا فِي كُلِّ

يَوْمٌ تُخَاوِلُ عَلَى هَلَاكَهُ وَفِي كُلِّ وَقْتٍ وَسَاعَةٍ تُسَاوِمُ الرَّدَى وَتَنْصِبُ لَهُ أَشْرَاكَهُ وَتُظْهِرُ الْمَغْرُورَ  
أَنَّهَا صَدِيقَةٌ لَهُ وَهِيَ فَتَانَةٌ فَتَّاكَةٌ.

Донишмандлардан бири дўстига насиҳат қилди: “Билгил, эй биродар! Дунё ўткинчи ва йўқ бўлувчи бир уйдир. Исми буюк бўлган Хожамиз – Аллоҳ ҳар бир тирик жонзотга мана шу ўткинчилик ва йўқ бўлиш ҳукмини жорий этди, бу уйдан кетиш ва кўчиш борлигини билдириди, бошлиқقا ҳам, хизматкорга ҳам кетишни тақдир этди, бу дунёни ғам, қайфу, мashaққат, хатар, мусибат, хазинлик, кетма-кет келаётган замонларга мос турли-туман кулфатлар диёрига айлантирди. Дунё бирорта кишига нисбатан бир ҳолатда қолмайди, доимо ўзгариб туради. Дунё келса – кетади, қондирса – заифлаштиради, кийинтиrsa – баҳони туширади, кўп бўлса – хатарга солади. Эҳ, бу дунё гаддор, алдамчи, хиёнаткор, маккор! У мартаба эгаси бўлмиш амирни шундай аврайдики, ҳатто у амир бу дунёни ўзи учун доимий турадигандек гумон қиласди, дунё эса уни жойидан қулатиш учун ҳийлага солиб, устидан кулади, амирни ўзи хоҳлаган, ўзи ихтиёр этган жойга етказади. Амир дунё унинг заарига қасд қилувчи эканини, турли ҳодисалари билан уни гирдобга тортаётганини, ҳар куни уни ҳалок қилишга уринаётганини, ҳар соат, ҳар сония ўлим у билан олишаётганини ва тузоққа илинтириш учун тўрларини ёйиб қўйганини билмайди. Дунёга алданган кишига дунё ўзини дўст кўрсатади, аслида у ҳалокатга элтувчи фитнадир”

فَبَيْنَمَا الْأَمِيرُ فِي دُولَتِهِ وَالْعَزِيزُ فِي عِرَقِهِ وَالْحَاكُمُ فِي سَطْوَةِ حُكْمِهِ وَالْمَلِكُ فِي قُوَّةِ عَزْمِهِ إِذْ  
هِيَ هَجَّمَتْ عَلَيْهِ بِالْحَوَادِثِ وَأَوْصَلَتْهُ الْمَصَابِ وَالنَّوَابِ وَلَا تُبَالِي مَنْ أَجْحَدَهُ وَلَا مِنْ عَشَراتِ  
الْمَحْدِقِينَ بِهِ وَلَا تَسْتَحِي مِنْ أَحْبَابِهِ وَهُمْ حَوْلَهُ جُلُوسٌ وَلَا تُرَاعِي لِكَثْرَةِ الْحَادِمِينَ إِلَيْهِ وَعَصَبَةُ الْعَبِيدِ

الواقفينَ بَيْنَ يَدِيهِ وَلَا تَكُرْمَ لَأَحَدٍ مِنْ أَصْحَابِهِ وَالذِّينَ يَأْلُفُونَهُ مِنْ أَحْبَابِهِ وَهُمْ بِهَا مَسْرُوْرُونَ فَمَا تَرَاهَا إِلَّاَ هَدَمَتْ جِدَارَهُ وَأَخْرَبَتْ بَيْتَهُ وَقَلَّقَتْ نِسَاءَهُ وَسَلَّبَتْ قَرَارَهُ وَنَزَعَتْ رُوحَهُ مِنْ جَسَدِهِ وَأَخْرَجَتْهُ فَارِغًا مِنْ كُلِّ شَيْءٍ كَانَ مَالِكُهُ فِي قَبْضَةِ يَدِهِ وَأَوْرَثَتْهُ الْحَسْرَةَ عَلَى مَالِهِ وَأَوْلَادِهِ فَيَهُمْ وَيَنْدِهُشُ وَيَخْتَارُ فِي عَقْلِهِ وَفِكْرِهِ وَيُدَكِّرُهَا وَفَاءَهَا لَهُ فَلَا يَرِي مِنْهَا غَيْرَ الإِعْرَاضِ وَالْإِدْبَارِ يَصِّنُعُ وَيَسْتَغِيْثُ فَلَا يَجِدُ مِنْ يَغِيْثُ وَأَعْزَزُ أَصْحَابِهِ يُسَلِّمُهُ لِلْمَوْتِ يَسْرَعُ أَهْلُهُ وَخُدَامُهُ وَأَوْلَادُهُ لِلْمُوَارَثَةِ فِي مَتَاعِهِ، وَلَا يَنْفَعُهُ فِي هَذَا الْحَادِثِ أَعْزَزُ أَصْحَابِهِ، وَلَا أَحَدٌ يَقْدِرُ يَرُدُّ عَنْهُ مُصَابَهُ الَّذِي جَرَى لَهُ، وَالَّذِي كَانَ يَظْهَرُ لَهُ أَنَّهُ أَعْزَزُ مِنْ أَبِيهِ وَأَشْفَقُ مِنْ أُمِّهِ فَيَنْدَمُ عَلَيْهِ حَدَّ النَّدَمِ وَلَا يَنْفَعُهُ شَيْءٌ وَيَصِيرُ إِلَى الْمَقَابِرِ رَمَّةً مِنَ الرَّسَمِ وَبَعْدَ ذَلِكَ يُحْسَبُ عَلَى النَّقِيرِ وَالْقَطْمَمِيرِ وَذَلِكَ الْجَمْعُ لَا يَنْفَعُهُ مِنْهُ لَا قَلِيلٌ وَلَا كَثِيرٌ وَيَقْتَسِمُ أَعْدَاءُهُ أَمْوَالَهُ وَعِيَالَهُ تَنَزَّوْجُ وَيَنْسَاهُ جَمِيعُ النَّاسِ وَالذِّينَ يَأْخُذُونَ أَمْوَالَهُ لَا يَتَرَحَّمُونَ عَلَيْهِ.

Амир ўз давлатига эга, ғолиб ғалаба нашидасини суроётган, ҳоким ҳукмини юритаётган, подшох ўз салтанатида пайтда дунё унга ўз ҳодисалари билан хужум қиласи, мусибат ва фалокатлар етказади. Дунё унинг қўшинларига, унга кўз тикиб турган яқинларига парво қилмайди, унинг атрофида йигилган дўстларидан тортиниб ўтирмайди, хизматкорларининг қўплигини, олдида турган тўп-тўп қулларни дунё эътиборга олмайди, унинг бирорта дўстига хурмат кўрсатмайди. Ҳолбуки, у дўстлар ўша мартаба эгаси билан улфат тутинган, унга берилган дунё билан хурсанд эдилар. Энди эса дунёни салтанат эгасининг деворини бузаётган, уйини вайрон қилаётган, хотинларини бесаранжомликка солган, қарорини ўғирлаган, жонини танасидан суғириб олаётган ҳолда қўрасан. Қўлга киритган барча нарсаларидан фориғ ҳолда дунё уни ҳайдаб чиқаради, мол-давлати, фарзандлари учун ҳасратни унга мерос қиласи. Шунда у хайронлик ичра лол қотади, даҳшатга тушади, ақли, фикри довдираб қолади, “сен менга вафодор эинг-ку” деб дунёга эслатган бўлади, аммо дунёни ўзидан юз бурган,

орка ўгирган ҳолда кўради. Бақиради, ёрдам сўрайди, лекин бирорта ёрдамчини тополмайди. Энг кучли дўстлари уни ўлимга топширади. Яқинлари, хизматкорлари, фарзандлари ундан қолган матоҳларни мерос қилиб олишга шошилишади. Бир пайтлар “сен менга отамдан азизрок, онамдан меҳрибонроқсан” деб яқинлигини изҳор қилган энг ишончли дўстлардан ҳам бу ҳолатда манфаат йўқ, бирор киши унга етган бу мусибатни қайтаришга қодир эмас. Кейин у чексиз пушаймон чекади, ҳеч нарса фойда бермайди, қабрларда чириган сүякка айланади. Ундан сўнг хурмо данаги устидаги юпқа пардачалик нарса учун ҳисобга тортилади. Тўплаган моллари кўп бўлсин, оз бўлсин, фойда бермайди, душманлари уларни бўлиб олади. Аёллари эрга тегиб кетади, ҳамма одамлар уни эсдан чиқаради. Молини олаётганлар унга раҳм қилмайди.

وَلَا يَحْصُلُ بَعْدَ تِلْكَ الدَّوْلَةِ وَكَثْرَةِ الْأَمْوَالِ إِلَّا عَلَى الْوَبَالِ وَالْخُسْرَانِ وَاعْلَمُ يَا أَخِي أَنَّ هَذَا  
حَالُ الدُّنْيَا فِي كُلِ الدُّهُورِ وَمَنْ يَظْنُ أَنَّ الْحَوَادِثَ لَا تَأْتِي عَلَيْهِ فَهُوَ مُجْنُونٌ مَغْرُوزٌ وَاعْلَمُ أَيْضًا أَنَّ  
النَّصِيحَةَ مِنَ الْإِيمَانِ وَكَمَا يَدِينُ الْفَقَئِ يُدَانُ فَارْجَعٌ إِلَى نَفْسِكَ وَحَاسِبِهَا قَبْلَ أَنْ يَطُولَ عَلَيْكَ  
الحِسَابُ، وَتَيَقِّظِ الْيَوْمَ قَبْلَ تَعَذُّرِ الْمَتَابِ فَاللَّيْلَةُ حُبْلَى وَكَانَكَ إِلَيْهَا وَقَدْ وَلَدَتِ الْعَجَائِبِ وَمَنْ لَمْ  
يَتَفَكَّرْ بِالْعَوَاقِبِ مَا لَهُ فِي الدُّهُورِ صَاحِبُ، وَعَمَّا قَرِيبٍ يَظْهَرُ الْأَمْرُ وَيَنْكِسُ الظَّهَرُ وَيَخُونُ الدُّهُورُ  
وَيَنْقُذُ الصَّبَرُ وَيَنْدَمُ الرَّجُلُ حَيْثُ لَا يَنْقُعُهُ النَّدَمُ وَيَعْمَمُ الْبَصَرُ مِنَ الْكَرْبِ وَزَلَّةُ الْقَدْمِ فَانْفَعَ  
نَفْسَكَ وَأَنْقِذَهَا مِنَ الْمَهَالِكِ لَا تَكَ الْيَوْمَ لِذَلِكَ مَالِكُ وَعِنْدَ هَجُومِ الْحَوَادِثِ مَا يُمْكِنُكَ ذَلِكَ  
فَلَعْلَكَ تَعْتَبِرُ وَتَتَفَكَّرُ وَتَرْجِعُ إِلَى نَفْسِكَ وَتَتَدَبَّرُ

Шунча давлат ва кўп мол-дунёсидан сўнг у фақат заар ва зиённи ҳосил қиласиди. Билгилки, эй дўстим, ҳамма даврларда дунёнинг ҳоли шу экан, кимки, бу ҳодисалар менинг бошимга тушмайди, деб ўйласа, у алданган жиннидир. Яна билгилки, насиҳат иймондандир. Йигит

диёнатига яраша жазо олади. Шундай экан, ўзингга қайт, узундан- узоқ хисобга тортилишингдан олдин ўзингни хисобга торт. Эртага тавба килишинг кеч бўлиб қолишидан олдин – бугун уйғонгил. Чунки бу кеча ҳомиладор, гўё сен шу кеча ичидасан, у ҳали ажиб нарсаларни туғади. Ишларнинг охирини фикр қилмайдиган киши учун бу замонда бирорта дўст йўқ. Озгина вақт ўтиб, ишлар ошкор бўлади, бел синади, замон хиёнат қилади, сабр тугайди, киши афсус чекади, аммо афсуси фойда бермайдиган ўринда туради, ғам-қайғудан, қадамлар тойилишидан кўзлар кўр бўлади. Шундай экан, нафсингга манфаат етказ, уни ҳалокатдан қутқар. Чунки бугун сен шунга қодирсан, балолар ёприлган пайтда бунга имконинг бўлмайди. Шояд, бундан ибратлансанг, тафаккур қилсанг, ўзингга қайтсанг, тадаббур этсанг.

فَبَاعِدْ نَفْسَكَ مِنَ الضرِّ وَتَأْمُلْ إِشَارَاتٍ فِيهَا عِرْبَةٌ مِنْ اعْتِبَرِ، فَلَعِلَّكَ تَنْجُو مِنَ الْخَطَرِ وَإِذَا  
كَانَ لَا يَنْفَعُ حَذْرٌ مِنْ قَدْرٍ، إِذَا نَرَأَ الْقَضَاءُ عَمِيَ الْبَصَرُ، فَأَكْتَسِبِ بِمَا أَنْعَمَ اللَّهُ بِهِ عَلَيْكَ، وَاقْبَلْ  
بِمَا وَصَلَ مِنَ النِّعَمِ إِلَيْكَ، الْقَناعَةُ كَنْزٌ لَا يَفْنَى وَالْحَرْصُ كَمْ أَنْبَتَ مِنَ الذَّلِ غَصْنًا، وَلَا تَطْلُبِ  
الْزِيَادَةَ بِالْمَالِ لَا يَأْنَهُ كَالْمَاءُ الَّذِي فِي بَيْتٍ وَاحِدٍ سُدَّتْ مَسَارِيْهِ، وَإِذْ لَمْ يَجِدْ لَهُ مَنْقَدًا يَخْرُجُ مِنْهُ  
غَرَقَ بِهِ صَاحِبُهُ.

Бас, нафсингни заардан узоқлаштири, ибрат оладиган киши учун ичи ибратларга тўла ишораларни англа. Шунда шояд, хатардан нажот топсанг. Қачонки, тақдирдан эҳтиёт бўлиш фойда бермас, қазо-қадар келганида кўзлар кўр бўлар экан, Аллоҳ неъмат қилиб берган нарсалар билан кифоялан, сенга етган неъматга қаноатлан. Қаноат туганмас хазина, очкўзлик эса хорликнинг қанча шохларини ўстирган! Молдунёни кўпайтиришга қизиқма. Чунки у бир уйнинг ичida ҳамма томондан тўсилган сувга ўхшайди. Агар бу сув чиқадиган йўл тополмаса, уй билан бирга уйнинг эгасини ҳам ғарқ қиласди.

أَمَا تَعْلَمُ أَنَّ الدُّنْيَا قَلِيلَةُ الْوَفَاءِ سَرِيعَةُ الْإِنْقَلَابِ وَالْجُحْفَاءِ، حَلَّا لَهَا حِسَابٌ وَحَرَامُهَا عِقَابٌ لَا تَخْلُو أَبْدًا مِنَ الْأَكْدَارِ، وَلَا تَحْصُلُ إِلَّا بِالْمَتَاعِبِ وَالْأَخْطَارِ، وَالْعَاقِلُ مَنْ قَدْ رَفَضَهَا وَأَقْبَلَ عَلَى صَالِحٍ أَعْمَالِهِ، وَلَا يَغْتَرُ بِمَنْصِبِهِ وَلَا بِمَالِهِ.

Дунёнинг вафоси оз, ўзгариши ва жафоси тез эканини наҳот билмасанг?! Унинг ҳалолига ҳисоб, ҳаромига азоб бор. Дунё ҳеч қачон кирлиқдан холи эмас, унга фақат машаққат ва хатарлар орқали эришилади. Дунёдан кеча олган ва яхши амалларига юзланган, мансаби ва молига алданиб қолмаган киши оқилдир.

النِّعْمُ وَإِنْ كَانَتْ زَائِدَةً لَكِنَّهَا لَا مَحَالَةَ زَائِلَةٍ، وَالسُّرُورُ بِالنِّعْمِ إِذَا أَقْبَلْتُ يُعْقِبُهُ الْحُزْنُ عَلَيْهَا إِذَا أَدْبَرْتُ، وَعَلَى قَدْرِ السُّرُورِ تَكُونُ الْأَحْزَانُ، وَالْعَاقِلُ مَنْ رَاقَبَ حَوَادِثَ الزَّمَانِ، وَمَنْ بَلَغَ غَايَةَ مَا يُحِبُّ وَقَعَ فِي غَايَةِ مَا يَكْرُهُ، فَدَارِكَ نَفْسَكَ قَبْلَ أَنْ تَمُوتَ وَاغْتَنِمْ عُمْرَكَ قَبْلَ أَنْ يَفُوتَ، فَمَا كُلُّ حِينٍ يُدْرِكُ الْمَرءُ مَا يَتَمَنَّاهُ، وَلَا كُلُّ نَحْمٍ يَسْتُرَكَ مَسْرَاهُ.

Неъматлар гарчи келувчидир, лекин кетиши ҳам ҳеч маҳол эмас. Неъматлар келганидаги хурсандчиликка неъматлар кетганидаги ғамгинлик эргашади ва ғам-ташвишлар ўша хурсандчилик миқдорида бўлади. Замон ҳодисаларини кузатиб, текшириб турган киши оқилдир. Кимки яхши кўрган нарсасининг энг чўққисига етса, ёмон кўрган нарсасининг энг тубига тушиб қолади. Шунинг учун ўлишингдан олдин нафсингни ўнгла, ўтиб кетишингдан илгари умрингни ғанимат бил. Вақтнинг ҳаммаси ҳам кишини орзуисига эриштиравермайди, ҳамма юлдузнинг учиши ҳам сени хурсанд қилавермайди.

وَكُنْ خَدَعْتِ الدُّنْيَا إِمْرَاءَ قَبْلَكَ، وَكُمْ غَرَّتْ عَزِيزًا مِثْلَكَ، اغْجَلْتَ بِالْخَلَاصِ مِنْهَا وَأَنْتَ  
مُحَمَّدٌ، فَقَلَّمَا يَقُولُ أَمْرٌ وَيَعُودُ، وَلَا تَسْتَبِعِ الْمُكْرِهَا وَالْعُقْدَةُ الَّتِي  
تَحْلُّهَا بِيْدِكَ خَيْرٌ مِنَ الْتِي يَحْلُّهَا لَكَ النَّاسُ، وَأَوَّلُ ضَرْبَةٍ تَقَعُ فِي الرَّأْسِ فَاقْبَلَ النُّصْحَ وَلَا تَلْتَفِتْ  
لِمَنْ يُرْخِرُّ لَكَ الْأَقْوَالَ، فَمَا كُلُّ الرِّجَالِ رَجَالٌ، وَلَا كُلُّ مَا يُعْلَمُ يُقَالُ، وَلَيْسَ لِلأَيَامِ أَمَانٌ،  
وَاللَّيَالِي فِطْنَةُ الْحَدَثَانِ.

Бу дунё сендан илгари қанча йигитларни авраган, сенга ўхшаш қанча азизларни алдаган. Бас, мақталган ҳолингда (яъни, ўз ихтиёринг билан) бу дунёдан халос бўлишга шошил. Кетган ишнинг қайтиши камдан-кам бўлади. Дунёнинг хиёнат қилишини узоқ санама ва унинг макридан хотиржам бўлма. Тугунни ўз кўлинг билан ечишинг одамлар сенга ечиб беришидан яхшироқ. Зарбанинг биринчиси бошга тушади, шундай экан, насиҳатларни қабул қил. Сенга сўзларини зийнатлаб гапираётган кишига боқма. Чунки ҳамма кишилар ҳам эркак эмас, ҳамма билинган нарса ҳам айтилавермайди, кунларда хотиржамлик йўқ, кечаларда янгиланиб турувчи фитналар бор.

شعر:

إِنَّ الْخَطُوبَ لَهَا سُرَى	يَا رَاقِدَ اللَّيلِ إِنْتِبَهْ
ثِقَةُ مُحَلَّةِ الْعُرَى	ثِقَةُ الْفَقَتِ بِزَمَانِهِ

Шеър (насрий баён): “Эй, кечаси ухлагувчи, уйғон! Балосиновларнинг тунги сайри бор. Йигитнинг замонга ишониб қолиши – узилган ҳалқага ишонишdir”.

وَالْدُّولُ لَا مُحَالَ تَرُولُ وَكُلُّ مُتَوَلٍ مَعْزُولٌ

Давлатларнинг заволга юз тутиши ва ҳар бир иш бошқарувчининг ишдан четлаштирилиши бор.

شعر:

إِنْ كُنْتَ مُنْكِرًا ذَا فَأَيْنَ الْأُولُ  
وَإِذَا عَزَّلْتَ فِإِنَّهَا لَا تُعْزِلُ  
إِنَّ الْوِلَايَةَ لَا تَدُومُ لِوَاحِدٍ  
وَافْعَلْ مِنَ الْفَعْلِ الْجَمِيلِ صَنَائِعًا

Шеър (насрий баён): “Бошқарувчилик ҳеч бир киши учун доимий эмас. Агар буни инкор этувчи бўлсанг, сендан аввалги бошқарувчилар қани? Бас, чиройли ишлардан иборат шундай яхшиликлар қилгилки, гарчи сен ишдан олинсанг-да, қилган яхшиликларинг қолади”.

فَاطِرِ الدِّنِيَا خَلَفَ ظَهَرِكَ وَاشْتَغَلَ فِي صَلَاحِ أَمْرِكَ، فَمَا بَعْدَ الْخَبَرِ إِلَّا العِيَانُ، وَكَأَنَّكَ عَنْ قَرِيبٍ يُقَالُ فِي حَقِيقَتِكَ كَانَ فُلَانَ وَقَابِلٍ إِحْسَانٍ رِتَّكَ بِالْإِحْسَانِ، فَهَلْ جَزَاءُ الْإِحْسَانِ إِلَّا إِلْهَيْسَانٌ، وَكَمَا يَدِينُ الْفَتِيْيُدَانُ، وَالْكَيْسُ مَنِ اتَّعَظَ بِغَيْرِهِ، وَالْحَازُمُ مَنْ كَفَّ عَنِ النَّاسِ شَرَّهُ وَعَامَلَهُمْ بِخَيْرِهِ.

Дунёни ортга улоқтири ва ишингни ўнглаш билан машғул бўл. Хабардан кейин фақат кўз билан кўриш бор (яъни, аввал “фалончи ўлибди” деган хабарни эшитасан, кейин ўз ўлимингни кўрасан). Гўёки озгинадан сўнг сен ҳақингда “фалончи ҳам бор эди” дейилади. Парвардигоринг қилган яхшиликка яхшилик билан юзлан. Яхшиликнинг мукофоти фақат фақат яхшиликдир. Йигит қандай ҳукм қиласа, шундай ҳукм қилинади. Ўзгадан ибрат олган киши – закий, одамларга ёмонлик қилишдан тийилган ва уларга яхши муомалада бўлган киши – ҳақиқий эҳтиёткордир.

وَالظُّلْمُ مَشْوُومٌ وَصَاحِبُهُ مَلُومٌ، فَإِذْ دَعَوْتَ الْمَظْلُومَ فَإِنَّهَا مَا بَيْنَهَا وَبَيْنَ اللَّهِ حِجَابٌ، وَدُعَوْتُ الْمَظْلُومَ تَفْعَلُ مَا تَفْعَلُهُ الْأَسْنَةُ الْأَمْمَةُ وَالسُّيُوفُ الْقَاطِعَةُ وَلَا تَعْتَرَ بَعْدَمِ عَجَلَةِ اللَّهِ بِالْعَقُوبَةِ، فَمَا يَعْجَلُ إِلَّا الَّذِي يَخَافُ الْفَوْتَ وَقُدْرَةُ مَوْلَاكَ نَافِذَةٌ فَهُوَ يُمْهَلُ وَلَا يُهْمَلُ. وَفِي الْحَدِيثِ يَقُولُ اللَّهُ تَعَالَى لِلْمَظْلُومِ: وَعِزَّتِي وَجَلَّتِي لَا نَصْرَنَّكَ وَلَوْ بَعْدَ حِينٍ.

Зулм ёмонлик келтирадиган иш, золим эса ҳамма жиҳатдан маломатга лойик кимсадир. Мазлумнинг дуосидан сақлан, чунки бу дуо билан Аллоҳнинг ўртасида тўсиқ йўқ. Мазлумнинг дуоси ялтироқ ўткир тиғлар ва кескир қиличларнинг ишини қиласди. Аллоҳ жазосини тезлатмаганидан алданиб қолма. Чунки ҳозир жазоламаса, кейин бу имконни бой бериб қўйишдан қўрқсан киши жазолашга шошилади. Хожанг бўлган Аллоҳнинг қудрати ҳеч қачон таъсир кучини йўқотмайди, у муҳлат беради, лекин эътиборсиз ташлаб қўймайди. Қудсий ҳадисда Аллоҳ таоло мазлумга айтади: “Улуғлигим ва буюклигимга қасамки, гарчи озгина вақт ўтса-да, албатта сенга ёрдам бераман”.

شعر:

وَمَا تَدْرِي الَّذِي فَعَلَ الدُّعَاءُ	أَتَهَزُّ بِالدُّعَاءِ وَتَزَدِّرُهُ
لَهَا أَمْدٌ وَلِلْأَمْدِ انْقِضَاءُ	سَهَامُ اللَّيلِ صَائِبَةٌ وَلَكِنْ

Шеър (насрий баён): “Сен дуони мазах қилиб, уни енгил санайсанми? Ҳолбуки, бу дуонинг нималарга қодир эканини билмайсан. Кечалари қилинган дуо нишонга аниқ етувчи ўқдир. Лекин ўқ нишонга етиб боргунча бир муддат бор. Муддат бор экан, муддатнинг тугаши ҳам бор”.

ولَكَ فِي خَلَاصَكَ فَكْرَةٌ، وَلَا تَسْتَمِرُ عَلَى هَذِهِ السَّكْرَةِ، فَكَمْ أَمِيرٌ تَهَاوَنَ فَقْبِهِرَ، وَكَمْ كَبِيرٌ تَكَاسَلَ فَنَدِمَ وَغُدِرَ، وَالْتَّقْوَى خَيْرٌ زَادِ، وَلَا أَحَدٌ خَالِفٌ وَصِيَّةَ مُحِبِّهِ وَسَادَ، وَمَنِ اسْتَيْقَظَ سَلِيمٌ وَمَنْ تَهَوَّرَ نَدِمٌ، وَاسْأَلْ نَفْسَكَ عَنْ لَذَّةِ الْحُكْمِ، فَإِنَّهَا حَلَوَةٌ مَّشْوَبَةٌ بِسَمٍ.

Сенда ўзингни (дўзахдан) кутқариш фикри бўлсин, (дунёнинг) бу мастилиги сенда давомли бўлмасин. Қанча амирлар сусткашлик қилиб енгилган, қанча улуғлар дангасалик қилиб пушаймон бўлган ва алданган. Тақво захиранинг энг яхшисиdir. Бирорта инсон йўқки, ўзи суйган кишининг насиҳатига тескари иш қилиб баҳтли бўлган бўлсин. Уйғоқ киши мудом саломат, ўйсиз, бемулоҳаза кимса хамиша пушаймондир. Ўзингдан ҳокимликнинг лаззати хақида сўрагил. Билгилки, у лаззатнинг шириналигига заҳар аралаштирилган.

وَالَّذِهْرُ دَوَارٌ، وَلَيْسَ لِبَحْرٍ الطَّمَعِ قَرَارٌ وَانْطُرُ حَالٌ مَّنْ مَضَى مِنَ الْأَمْرَاءِ، تَجْدُ دَوْلَتَهُمْ قَدْ ذَهَبَتْ، وَمَحَاسِنُهُمْ قَدْ نَفَذَتْ، وَاسْتَوْلَى أَعْدَاؤُهُمْ عَلَى أَمْوَالِهِمْ وَتَزَوَّجُوا نِسَاءَهُمْ وَمَلَكُوا دِيَارَهُمْ وَمَنَاصِبَهُمْ تَلَذَّذُوا بِمَا جَمِيعُهُ لَهُمْ مِّنَ الْمَالِ وَهُمْ مُعَذَّبُونَ بِهِ فِي غَايَةِ الْعِقَابِ وَالْوَبَالِ وَإِذَا احْتَكَتِ النِّصَالُ إِنْكَشَفَ الْمُغَطَّى وَبَانَ الْحَالُ

Бу замон айланиб турувчи, тамаъ денгизида эса қарор йўқ. Ўтган амирларнинг ҳолига бок, уларнинг давлатини йўқ бўлиб кетган, яхши кўрган нарсалари тугаб битган, душманлари уларнинг мол-дунёсини эгаллаб олган, аёлларига уйланган, диёрлари, мансабларини қўлга киритган, улар ўзи учун тўплаган мол-мулқдан бошқалар лаззатланаётган ва айни тўплаган моллари учун уларни қаттиқ жазо, зиён билан азобга тортилаётган ҳолда топасан. Тиглар тўқнашганда пардалар очилади, ахвол аён бўлади.

وقال الأمام عمر بن الخطاب رضي الله عنه: العاجز من عجز عن سياسة نفسه، والعاقل من اعتبر يومه بأمسيه والدنيا {كَسَرَابٍ بِقِيعَةٍ يَحْسَبُهُ الظَّمآنُ مَاءً حَتَّىٰ إِذَا جَاءَهُ لَمْ يَجِدْهُ شَيْئًا} (النور-39) لَذَّاتِهَا أَضْعَافُ أَحْلَامٍ وَحَقِيقَتُهَا كَخَيَالٍ مِنَامٍ، وَعَادُهَا افْتَرَاسُ الرِّجَالِ، وَشَأْلُهَا التَّغْيِيرُ وَالتَّقْلُبُ مِنْ حَالٍ إِلَى حَالٍ، تَسْعَى فِي إِعْمَارِهَا وَهِيَ تَسْعَى فِي خَرَابِ عُمُرِكَ، وَتَجْتَهِدُ فِي إِصْلَاحِهَا، وَهِيَ مُجْتَهِدَةٌ فِي فَسَادِ أَمْرِكَ، وَرُبَّمَا بَاتَ الْمَرءُ مُسْرُورًا ضَاحِكًا، وَالْمَوْتُ عَلَى بَابِ دَارِهِ وَاقِفًا.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳу деди: “Ўз нафсиға сиёсат қилолмаган киши ҳақиқий ожиздир. Кечаги кунидан бугуни учун ибрат олган киши ҳақиқий оқилдир”. Дунё мисоли сахродағи сароб. Ташна одам уни сув деб ўйлар, то қачон унинг олдига келгач, ҳеч нарса тополмайди. Дунё лаззатлари бир-бирига боғланмаган, алақ-жалақ тушга ўхшайди. Унинг ҳақиқати бамисоли уйқудаги хаёл. Одати – инсонни парчалаш, иши – ўзгартыриш, бир ҳолдан бошқа ҳолга айлантириш. Сен уни обод қилиш илинжида юрасан, у эса умрингни хароб қилиш мақсадида ҳаракатланаверади. Сен дунёни тузатишга жидду жаҳд қиласан, у эса бу ишингни бузишга ҳаракат қиласан, унинг эшиги олдида турган бўлади.

وَرُبَّمَا أَمَلَ أَمْلًا وَالْأَقْدَارُ سَاعِيَةً فِي مَحْوِ آثَارِهِ، وَكُمْ عَزِيزٌ بَاتْ آمَنًا يَرْفُلُ فِي ثُوبٍ مَجْدِهِ أَصْبَحَ إِلَى الْقَبْرِ حَمْمُولًا بِالذَّلَّةِ وَالإِهَانَةِ، وَقَدْ كَانَ قَبْلَ ذَلِكَ بِيَوْمٍ فِي غَايَةِ الْعَزَّةِ وَالصِّيَانَةِ.

Кўпинча киши орзуга берилади, тақдир эса унинг изларини ўчириш қасдида бўлади. Қанча азиз кишилар бор, улуғлик либосини ерга судратган кўйи осуда ҳолда кечасини ўтказиш умидида бошини ёстиққа қўяди. Эрталаб эса уни хор ва аянч ахволда қабрга кўтариб кетишади. Ҳолбуки у бир кун олдин ғоят иззат-ҳурматда, химояланган ҳолда эди.

شعر:

رَزِيْهُ مَالٍ أَوْ فِرَاقٌ حَبِيبٍ  
وَمَا الْدَهْرُ وَالْأَيَامُ إِلَّا كَمَا تَرَى

Шеър (насрий баён): “Бу замон ва кунлар кўриб турганингдек ҳеч нарса, магар талофтотга учраган мол ё ёрнинг фироки”.

قال بعضُ الْحَكَماءِ: لَمْ تَرِ شَيْئًا يَقْنَى مَعَ بَقَاءِ الدَّهْرِ كَالذِكْرِ الْجَمِيلِ أَوِ الْقَبِيْحِ فَانْتَهَزْ فَرْصَةً  
الْعُمَرِ، وَنَفَادَ الْأَمْرِ، وَمُسَاعَدَةَ الْأَيَامِ، قَدْمٌ لِنَفْسِكَ خَيْرًا تُذَكَّرُ بِهِ.

Донишмандлардан бири айтган: “Замон ўтиши билан ҳамма нарса йўқолади, лекин қоладигани: яхши ёки ёмон ном. Ундан бошқа қолган нарсани кўрмайсан. Шундай экан, умринг фурсатини, буйруғинг ўтиб турганини, кунларнинг ёрдам бериб турганини ғанимат бил, ўзинг учун яхшиликлар ҳозирла, токи у туфайли эсга олинсанг”.

شعر:

يَفْنِي وَتَبَقَّى مِنْهُ آثَارُهُ  
الْمَرءُ بَعْدَ الْمَوْتِ أَحْدُوثَةٌ  
تَطِيبُ بَعْدَ الْمَوْتِ أَخْبَارُهُ  
وَأَحْسَنُ الْأَخْوَالِ حَالُ امْرَىءٍ

Шеър (насрий баён): “Киши ўлимдан сўнг сўзларга айланади. Ўзи тугаб битади, лекин ундан излар қолади. Кишидаги ҳолатларнинг энг яхиси ўлимидан сўнг ундан қолган энг яхши хабарлардир”.

سُئلَ بعْضُ الْمُلُوكَ بَعْدَ زِوْلِ مُلْكِهِ: مَا الَّذِي سَلَبْتَ مَا كُنْتَ فِيهِ؟ قَالَ: شَهَوْاتُنَا شَغَلْتُنَا عَنِ التَّفْرِغِ لِمُهِمَّاتِنَا، وَوَثِقْنَا بِكَفَاءَتِنَا فَأَثْرَوْا صَلَاحَهُمْ عَلَى صَلَاحِنَا وَظَلَمْ عَمَّالُنَا رَعَيَّتُنَا، فَفَسَدَتْ نِيَّاتُهُمْ عَلَيْنَا وَتَمَنَّوْا الرَّاحَةَ هُنَّا.

Салтанати заволга учраган подшоҳларнинг биридан сўралди: “Эга бўлган мулкингдан сени маҳрум этган нарса нима? У айтди: “Дунё истаклариға берилганимиз бизни вазифаларимизни бажаришдан чалғитди ва уларни ёнверимиздагиларга ишониб топширдик, улар эса ўз манфаатини бизнидан устун қўйишиди. Амалдорларимиз халқимизга зулм қилди. Одамларнинг бизга нисбатан нияти бузилди ва биздан қутилишни орзу қилиб қолишиди.

رُوِيَّ عن النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: اتَّقُوا دُعَوَةَ الْمُظْلُومِ فِإِنَّمَا يَسْأَلُ اللَّهَ حَقَّهُ وَأَنَّ اللَّهَ لَا يَنْعِزُ ذَا حَقِّ حَقَّهُ.

Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилинади: “Мазлумнинг дусидан қўркинг, чунки у Аллоҳдан ўз ҳаққини сўрайди. Албатта Аллоҳ ҳақ эгасини ўз ҳаққини олишдан тўсмайди”.

## ضَرْبٌ مَثَلٍ Зарбулмасал

حُكِيَ أَنَّ لَبُوءَةً كَانَتْ سَاكِنَةً بِعَابَةٍ، وَجِوَارِهَا غَرَالٌ وَقِرْدٌ قَدْ أَلْفَتْ جَوَارُهُمَا وَاسْتَحْسَنَتْ عِشْرَتُهُمَا، وَكَانَ لِتِلْكَ الْلَّبُوءَةِ شِبْلٌ صَغِيرٌ قَدْ شَعَفَتْ بِهِ حُبَّا، وَقَرَّتْ بِهِ عَيْنًا، وَطَابَتْ بِهِ قَلْبًا، وَكَانَ لِجَارِهَا الغَرَالِ أَوْلَادٌ ضَعَارٌ، وَكَانَتِ الْلَّبُوءَةُ تَذَهَّبُ كُلَّ يَوْمٍ تَبَغِي فُوتًا لِشِبْلِهَا مِنَ النَّبَاتِ وَضِعَارِ الْحَيْوَانِ، وَكَانَتْ تُمُرُّ فِي طَرِيقَهَا عَلَى أَوْلَادِ الْغَرَالِ وَهُنَّ يَلْعَبُنَ بِبَابِ جُحْرِهِنَّ، فَحَدَّثَتْ

نَفْسَهَا يَوْمًا بِأَقْتِنَاصٍ وَاحِدٍ فَتَجْعَلُهُ قُوتَ ذَلِكَ الْيَوْمِ وَتَسْتَرِيهِ فِيهِ مِنَ الدَّهَابِ ثُمَّ أَفْلَعَتْ عَنْ هَذَا  
الْعَزْمِ لِحِرْمَةِ الْجِوَارِ ثُمَّ عَاوَدَهَا الشَّرَهُ ثَانِيًّا مَعَ مَا تَجْدُ مِنَ الْفُؤَادِ وَالْعَظِيمِ، وَأَكَّدَ ذَلِكَ ضُعْفُ الْغَزَالِ  
وَاسْتِسْلَامُهَا لِأَمْرِ الْبَبُوءِ، فَأَخَذَتْ ظَبَيَا مِنْهُمْ وَمَضَتْ. فَلَمَّا عَلِمَتِ الْغَزَالُ دَاخِلَهَا الْحُزْنُ وَالْقُلَاقُ  
وَلَمْ تَقْدِرْ عَلَى إِظْهَارِ ذَلِكَ وَشَكَّتْ بِحَارِهَا الْقِرْدُ فَقَالَ لَهَا: هَوَيْنِي عَلَيْكَ فَلَعْلَهَا تُقْلِعُ عَنْ هَذَا،  
وَنَحْنُ لَا نَسْتَطِيعُ مُكَاشَفَتَهَا، وَلَعَلَّيْ أَنْ أُذْكِرَهَا عَاقِبَةَ الْعُدُوَانِ وَحُرْمَةَ الْجِيَارِ. فَلَمَّا كَانَ الْعَدْ  
أَخَذَتْ ظَبَيَا ثَانِيًّا، فَلَقِيَهَا الْقِرْدُ فِي طَرِيقِهَا فَسَلَّمَ عَلَيْهَا وَحَيَاهَا وَقَالَ لَهَا: إِنِّي لَا آمِنُ عَلَيْكِ عَاقِبَةَ  
الْبَغْيِ وَإِسَاءَةَ الْجِوَارِ، فَقَالَتْ لَهُ: وَهَلْ أَقْتِنَاصِي لِأَوْلَادِ الْغَزَالِ إِلَّا كَافِتِنَاصِي مِنْ أَطْرَافِ الْجِيَالِ  
وَمَا أَنَا تَارِكَةُ قُوتِي قَدْ سَاقَهُ الْقَدْرُ إِلَى بَابِ بَيْتِي.

فَقَالَ لَهَا الْقِرْدُ: هَكَذَا اغْتَرَ الْفِيلُ بِعُظُمِ جُثَيْهِ وَوُفُورِ قُوتِهِ فَبَحَثَ عَنْ حَتْفِهِ بِظِلْفِهِ وَأَوْبَقَهُ  
الْبَغْيِ رَغْمَ أَنْفِهِ فَقَالَتِ الْبَبُوءُ كَيْفَ كَانَ ذَلِكَ؟

قَالَ الْقِرْدُ: ذَكَرُوا أَنَّ قُنْبِرَةً كَانَ لَهَا عُشٌّ فَبَاضَتْ وَفَرَخَتْ فِيهِ، وَكَانَ فِي نَوَاحِي تِلْكَ الْأَرْضِ  
فِيلٌ، وَكَانَ لَهُ مَشْرُبٌ يَسْرَدُ إِلَيْهِ، وَكَانَ يَمْرُّ فِي بَعْضِ الْأَيَامِ عَلَى عُشِّ الْقُنْبِرَةِ، فَفِي ذَاتِ يَوْمٍ أَرَادَ  
مَشْرِبَهُ فَعَمِدَ إِلَى ذَلِكَ الْعُشِّ وَوَطِئَهُ وَهَشَمَ رُكْنَهُ وَأَتَلَفَ بَيْضَهَا وَأَهْلَكَ فِرَاخَهَا. فَلَمَّا نَظَرَتِ الْقُنْبِرَةُ  
إِلَى مَا حَلَّ بَعْشَهَا سَاءَهَا ذَلِكُ، وَعَلِمَتْ أَنَّهُ مِنَ الْفِيلِ، فَطَارَتْ حَتَّى وَقَعَتْ عَلَى رَأْسِهِ باكِيَةً  
وَقَالَتْ لَهُ: أَيْهَا الْمَلِكُ، مَا الَّذِي حَمَلْتَ عَلَى أَنْ وَطَئْتَ عُشَيْيِ، وَهَشَمْتَ بَيْضَيِ، وَقُتِلَتْ أَفْرَاجِيِ،  
وَإِنَّنَا فِي جِوَارِكَ؟ أَفَعَلْتَ ذَلِكَ اسْتِضْعَافًا بِحَالِي وَقِلَّةِ مُبَالَاهٍ بِأَمْرِي؟ قَالَ الْفِيلُ: هُوَ كَذَلِكُ.

فَانْصَرَقَتِ الْقُنْبِرَةُ إِلَى جَمَاعَةِ الطَّيُورِ فَكَشَفَتْ إِلَيْهِمْ مَا نَاهَا مِنَ الْفِيلِ، فَقَالَتْ لَهَا الطَّيُورُ:  
وَمَا عَسَانَا أَنْ نَبْلُغَ مِنَ الْفِيلِ وَنَحْنُ طَيُورُ؟ فَقَالَتْ لِلْعَقَاعِقِ وَالْغَرَبَانِ: إِنِّي أُرِيدُ مِنْكُمْ أَنْ تَسِيرُوا  
مَعِي إِلَيْهِ فَتَفَقَّهُوا عَيْنِي، فَأَنَا بَعْدَ ذَلِكَ أَحْتَالُ عَلَيْهِ بِحِيلَةٍ أُخْرَى

فَأَجَابُوهَا إِلَى ذَلِكَ وَمَضَوْا إِلَى الْفِيلِ وَلَمْ يَزَالُوا بِهِ يَتَشَارُوْنَ بَيْنَهُمْ وَيَنْقُرُونَ عَيْنِي إِلَى أَنْ  
فَقُوُّهُمَا وَبَقِيَ لَا يَهْتَدِي إِلَى طَرِيقِ مَطْعَمِهِ وَلَا مَشْرِبِهِ فَلَمَّا عَلِمَتْ ذَلِكَ جَاءَتْ إِلَيْهِ نَهْرٌ فِيهِ  
ضَفَادِعُ فَشَكَّتْ مَا نَاهَا مِنَ الْفِيلِ فَقَالَتِ الضَّفَادِعُ: مَا حَيَّلْتُنَا مَعَ الْفِيلِ وَلَسْنَا كُفُوُّهُ وَأَيْنَ نَبْلُغُ

منه قالِتِ الْقُنْبَرَةُ: أُحِبُّ مِنْكُنَّ أَنْ تَذْهَبَنَ معي إِلَيْ وَهَدَةٍ بِالْقَرْبِ مِنْهُ فَتَقِفُوا وَتَصِحُّوا بِهَا إِذَا سمعَ أصواتَكُنَّ لَمْ يَشُكُّ أَنَّ بِهَا مَاءٌ فَيُكِبُّ نَفْسَهُ فِيهَا

فأَجَابَهَا الضَّفادُعُ إِلَى ذَلِكَ فَلَمَّا سمعَ الْفَيْلُ أصواتَهُنَّ فِي قَعْرِ الْحُفْرَةِ تَوَهَّمَ أَنَّ بِهَا مَاءً وَكَانَ عَلَى جَهَدٍ مِنَ الْعَطْشِ فَجَاءَ مُكَبًا عَلَى طَلَبِ المَاءِ فَسَقَطَ فِي الْوَهَدَةِ وَلَمْ يَجِدْ مَخْرَجًا مِنْهَا فَجَاءَتِ الْقُنْبَرَةُ تُرْفِرُفُ عَلَى رَأْسِهِ وَقَالَتْ لَهُ: أَيْهَا الْمُغَتَرُ بِقُوَّتِهِ الصَّائِلُ عَلَى ضَعْفِي، كَيْفَ رَأَيْتَ عَظِيمَ حِيلَتِي مَعَ صَغْرِ جُنْحَنِي وَبِلَادَةَ فَهْمِكَ مَعَ كِبِيرِ جِسْمِكَ؟ وَكَيْفَ رَأَيْتَ عَاقِبَةَ الْبَغْيِ وَالْعُدُوانِ وَمُسَالَمَةَ الزَّمَانِ؟ فَلَمْ يَجِدِ الْفَيْلُ مَسْلَكًا لِجَوَاهِرِهِ لَا طَرِيقًا لِخِطَابِهَا

فَلَمَّا انتَهَى الْقَرْدُ فِي غَايَةِ مَا ضَرَبَهُ لِلْبَوْءَةِ مِنَ الْمَثَلِ، أَوْسَعَتْهُ إِنْتَهَارًا وَأَعْرَضَتْ عَنْهُ اسْتِكْبَارًا ثُمَّ إِنَّ الْغَرَالَ إِنْتَقَلَتْ بِمَا بَقَيَّ مِنَ أَوْلَادِهَا تَبَغِي لَهَا جَحْرًا آخَرَ، وَإِنَّ الْبَوْءَةَ خَرَجَتْ ذَاتِ يَوْمٍ تَطْلُبُ صَيْدًا وَتَرَكَتْ شِبْلَهَا فَمَرَّ بِهِ فَارِسٌ، فَلَمَّا رَأَهُ حَمَلَ عَلَيْهِ فَقَتَلَهُ وَسَلَحَ جَلْدَهُ وَأَنْحَدَهُ وَتَرَكَ لَهُمْ وَذَهَبَ فَلَمَّا رَجَعَتِ الْبَوْءَةُ وَرَأَتْ شِبْلَهَا مَمْتُولًا مَسْلُوكًا رَأَتْ أَمْرًا فَظِيْعًا فَامْتَلَأَتْ غَيْظَا وَنَاحَتْ نَوْحًا عَالِيَا، وَدَانَلَهَا هَمُّ شَدِيدٌ، فَلَمَّا سمعَ الْقَرْدُ صَوْتَهَا أُقْبِلَ عَلَيْهَا مُسْرِعاً فَقَالَ لَهَا: وَمَا دَهَاكَ؟ فَقَالَتِ الْبَوْءَةُ: مَرَّ صَيَادٌ بِشِبْلِي فَفَعَلَ بِهِ مَا تَرَى

فَقَالَ لَهَا: لَا تَحْزَنِي وَلَا تَحْزَنِي، وَانْصِفِي مِنْ نَفْسِكَ وَاصْبِرِي مِنْ غَيْرِكَ كَمَا صَبَرَ عَيْرُوكَ مِنْكَ، فَكَمَا يَدِينُ الْفَقِيْهُ يُدَانُ، وَجَزَاءُ الدَّهْرِ بِمِيزَانٍ، وَمَنْ بَذَرَ حَبَّا فِي أَرْضٍ فَقِدَرْ بِذَرَهِ يَكُونُ الشَّمْرُ، وَالْجَاهَلُ لَا يَبْصِرُ مِنْ أَيْنَ تَأْتِيهِ سَهَامُ الْقَدْرِ، وَإِنَّ حَقَّا عَلَيْكَ أَنْ لَا تَحْزَنِي مِنْ هَذَا الْأَمْرِ، وَأَنْ تَتَدَرَّعِي لَهُ بِالرَّضْيِ وَالصَّبَرِ

فَقَالَتِ الْبَوْءَةُ: كَيْفَ لَا أَجْزَعُ وَهُوَ قُرْبَةُ الْعَيْنِ وَوَاحِدُ الْقَلْبِ وَنَزْهَةُ الْفَكْرِ؟ وَأَيُّ حَيَاةٍ تَطِيبُ لِي بَعْدَهُ فَقَالَ لَهَا الْقَرْدُ: أَيَّتَهَا الْبَوْءَةُ، مَا الَّذِي كَانَ يُعْدِيْلُكَ وَيُعَشِّيْلُكَ؟

قَالَتْ: لُحُومُ الْوُحُوشِ

قَالَ الْقَرْدُ: أَمَا كَانَ لِتَلْكَ الْوُحُوشِ الَّتِي كُنْتِ تَأْكِلُنَّهَا آبَاءُ وَأَمْهَاتِ

قَالَتْ: بَلَى

قال القردُ: فما بالنا لا نسمع لتلك الأباءِ ولا الأمهاتِ صياغاً وصريحاً كما سمع منك؟ ولقدْ أنزل بك هذا الأمر جهلاً بالعواقب، وعَدْمُ تفگرٍ فيها، وقد نصحتك حين حقرت حقَّ الجِوارِ، وألْحَقْتِ بنفسك العار وجأوازْتِ بِقوتك حَدَّ الإنصافِ، وسَطَوتِ على الظِّباءِ الضِّعافِ، فكيف وَجَدْتِ طُعمَ مُخالفةِ الصديق الناصحِ؟

قال اللبوءةُ: وَجَدْتُهُ مُرَّ المذاقِ وَلَمَّا عَلِمْتُ اللبوءةَ أَنَّ ذلك بما كسبتْ يَدَاهَا مِنْ ظلمِ الوحشِ رَجَعْتُ عن صيدها ورمتْ نفسها باللؤم وصارتْ تَقْنَعُ بِأكل النباتِ وحشيشَ الْفَلَوَاتِ.

## Арслон, кийик ва маймун...

Хикоя қилинишича, ўрмонда бир урғочи шер яшарди. Кийик ва маймун унга қўшни эди. Шер бу қўшничиликдан мамнунлик туяр, ўзаро яқинликдан хурсанд бўларди. Она шернинг кичик шербачаси бўлиб, уни қаттиқ яхши кўрар, у кўзининг қувончи, қалбининг овунчи эди. Кўшниси кийикнинг ҳам ёш болалари бор эди. Она шер ҳар куни боласи учун ўт-ўлан ва кичкина ҳайвонлардан иборат егулик истаб чиқарди. У йўлда кетаётганида кийик болаларининг олдидан ўтар, улар ўз уяси атрофида ўйнаётган бўларди. Бир куни она шернинг нафси ўйнаб қолиб, ўзига-ўзи: шу кийик болаларидан бирини овласам, ўша кунги емишни ҳозирлаган ва озиқ излаш мashaққатидан қутулган бўлардим, деб ўйлади. Кейин қўшничилик ҳурматини саклаб бу фикридан қайтди. Лекин сўнг яна унинг очкўзлиги қўзиб қолди. Ўзининг куч-қувватига ишонди, кийикнинг шерга нисбатан ожизлиги, шернинг амрига бўйсунмасдан бошқа иложи йўқлиги бу ишончини янада ортириди.

Шер кийик болаларидан биттасини олиб кетди. Она кийик воқеадан хабар топгач, қўнгли ғамга тўлди, тинчини йўқотди. У ичидагини шерга билдиришга кучи етмасди. Шунинг учун қўшниси маймунга шикоятини оғриниб етказди. Маймун унга: “Ўзингни кўп қийнама, балки энди у бу ишидан тўхтар, биз у билан teng келолмаймиз. Шояд мен унга душманликнинг оқибатини, қўшничилик ҳурматини эслатиб қўйсам”, – деди.

Шер эртасига кийикнинг иккинчи боласини ҳам олиб кетди. Кейинроқ шер ўз йўлидан кетаётганида унга маймун йўлиқиб қолди. Маймун она шерга салом бериб, унга саломатлик тилади ва:

—Сенинг бу душманчилигинг, ёмон қўшничилигинг бошингга бало бўлади, бунинг оқибатидан омон қолишингга кўзим етмаяпти, — деди. Шунда она шер:

—Менинг кийик болаларини овлашим билан тоғ атрофига чиқиб ов қилишим ўртасида қандай фарқ бор, хар иккаласи баробардир. Тақдир эшигим олдига насибамни ҳайдаб келган экан, мен уни қандай тарк қиласман?! —деб жавоб қилди.

— Фил ҳам улкан жуссаси ва тўла қувватига алданиб, туёқлари билан ўз ўлимини ахтарганди. Албатта, фил бундай ҳолатга тushiшни хоҳламасди, лекин қилган зулми уни ҳалок қилди”, — деди маймун. Шунда она шер:

—Бу қандай бўлган эди? — сўради.

—Айтишларича, деб сўзини бошлади маймун, — бир тўргайнинг йўл ёқасида ини бор эди. Қуш шу ерга тухум қўйиб, жўжа очди. Ўша ернинг яна бир тарафида фил яшарди. Фил сув ичиш учун шу йўлдан ўтиб-қайтиб турар, баъзи кунлари тўргайнинг уяси устидан ҳатлаб ўтарди. Кунлардан бир кун фил сув ичишга отланар экан, тўғри тўргайнинг ини томон йўналди ва уни бузиб, тухумларни эзиб, жўжаларни босиб-янчиб ўтиб кетди. Тўргай бу ҳолни кўриб ғамга ботди ва билдики, буларни фил қилган. Кейин қўкка кўтарилиб, фил томон учди, филни топиб бошига қўнди ва йиғлаб деди:

—Эй подишоҳ! Инимни тепкилаб, тухумларимни босиб-янчиб, полапонларимни ўлдиришга сени нима мажбур қилди? Ахир, қўшни эдик ёки мени ожиз санаб, ишимни арзимас деб билганинг, мени менсимаганинг учун шундай қилдингми?!

—Ха, шундай,— деди фил.

Сўнг тўргай у ердан кетди ва тўғри бир тўп қушларнинг олдига бориб, уларга филнинг қилмишларидан шикоят этди. Қушлар унга:

—Филга бас келишга бизга йўл бўлсин, биз бор-йўғи бир қуш бўлсак, нима ҳам қила олардик? — дейишди. Шунда тўрғай ҳакка ва қарғаларга айтди:

—Менинг сизлардан истагим шуки, мен билан бирга учиб, филнинг кўзини чўқиб ўясизлар. Ана ундан сўнг мен филга бошқа бир ҳийлани ишлатаман.

Кушлар тўрғайнинг бу таклифини қабул қилиб, барчаси фил томон учдилар, тинимсиз унга ташланиб, то ўйилгунча филнинг иккала кўзини чўқидилар. Фил на ейиш учун, на ичиш учун борадиган йўлини тополмайдиган бўлиб қолди. Тўрғай филнинг бу ҳолидан воқиф бўлгач, дарё томон йўл олди. У ерда бақаларга учраб, уларга филнинг қилмишидан шикоят қилди. Бақалар фил каби улкан махлуқка баробар эмасликларини, унга бас келолмасликларини билдиришди. Шунда тўрғай уларга айтди: “Сизлардан истагим шуки, мен билан бориб, филга яқин жойдаги жарликда тўхтайсизлар ва ўша ерда сайрайсизлар. Фил сизларнинг овозларингизни эшитиб, ҳеч шубҳаланмасдан у ерда сув бор деб ўйлади ва ўзини чукурга отади”.

Бақалар бу таклифга рози бўлишди. Ташналиқдан қийналган фил чукур қаъридан келаётган овозларни эшитиб, у ерда сув бор деган гумонда ўзини жарга отди ва юз тубан йиқилди. Лекин чукурдан чиқиш имконини тополмади. Шунда тўрғай филнинг боши узра қанот қоқиб деди: “Эй, қувватига алданган, менинг заифлигим узра савлатини кўз-кўз қилган махлуқ! Жуссам кичик бўлса ҳам, ҳийлам қанча катталигига, жисминг катта бўлса ҳам, фаҳминг қанчалик пастлигига энди амин бўлдингми? Зулмнинг, тажовузкорликнинг, эгаллаган мавқесига ишониб қолишининг оқибати қандай бўлишини энди кўрдингми?!?” Фил тўрғайга жавоб беришга на бир сўз, бу аянч ҳолатдан чиқишга на бир йўл топа олмай қолди.

Маймун бу зарбулмасални ҳикоя қилиб бўлгач, “нималарни менга мисол қилиб келтиряпсан” деган маънода шер уни жеркиб юборди ва катта кетиб, маймундан юз ўғирди.

Кейин кийик қолган болаларини олиб, бошқа уя илинжида бу ердан кўчди. Бир куни она шер боласини ёлғиз қолдириб, ўлжа излаб чиқди. Ўша ердан ўтаётган бир отлик киши ёлғиз юрган шербаччани кўриб, уни ўзи билан олди. Кейин уни ўлдириб, терисини шилди ва гўштини ташлаб кетди. Она шер овдан қайтгач, шербаччанинг ўлдирилиб, териси шилиниб олинганини кўрди ва даҳшатга тушди. Ғазабдан баланд овозда бўкириб юборди, ичи ғамга тўлган эди. Шернинг даҳшатли бўкиригини эшитган маймун шошиб унинг олдига келди ва:

–Нима фалокат? – сўради.

–Овчи шербаччам ёнидан ўтиб кетаётиб, уни тутиб олибди, мана унинг болам билан нима қилганини қўрмайсанми?! – Шунда маймун она шерга деди:

–Ўзингни бос, сиқилма, инсоф қил, бошқадан етган балога сабр қил, худди сендан етган балога бошқалар сабр қилгани каби. Киши қандай жазо берса, шундай жазо олади. Замоннинг жазоси ўлчовли. Ким бир ерга дон экса, эккани микдорида ҳосил олади. Нодон тақдир ўқининг қаердан келаётганини англамайди. Энди сенинг қилишинг керак бўлган иш – бу мусибат учун дод-вой солмаслик, розилик ва сабр совути билан ҳимояланмоғингдир.

–Қандай дод-вой солмай, ахир шербачча кўзимнинг қувончи, қалбимнинг ягонаси, хаёлимнинг ардоғи эди! Энди ундан сўнг менга ҳаёт татийди-ми?! – деда она шер зорланди. – Шунда маймун унга деди:

–Эй она шер! Сен эрталаб ва кечқурун нима билан озиқланардинг?

–Ҳайvonларнинг гўшти билан.

–Сен гўштини еган ўша ҳайvonларнинг отаси ва онаси бормиди?

–Ха, бор эди.

–Нега у ҳолда худди сенинг бўкирганингни эшитгандек ўша ота, ўша оналарнинг дод-вой солиб қичқираётганини эшитмаяпмиз? Сенга етган бу мусибат ишнинг оқибатини билмаганинг, бу ҳақда фикр юритмаганинг сабабли рўй берди. Қўшничилик ҳаққига риоя этмаганингда мен сенга насиҳат қилган эдим, сен эса ўшанда ўзингга уятли ҳолни лойиқ кўрдинг ва кучингга ишониб,

инсоф чегарасидан чиқдинг. Заиф кийикчаларга ҳамла қилдинг. Энди холис насиҳатгўй дўстга қарши йўл тутишнинг таъмини тотдингми, қандай экан?! – деди маймун. Шунда она шер:

– Таъми жуда аччиқ экан, – деди. Она шер ҳайвонларга ўз қўли билан ўтказган зулмини англагач, уларни овлашдан қайтди, нафсига маломатлар ёғдирди ва энди гиёҳлар, чўл ўт-ўланларини еб қаноатланадиган бўлди.

### خاتمة

## Хотима

في حِكْمٍ مُنْتَشِرَةٍ مِّنَ الْاثْنَيْنِ إِلَى الْعَشْرِةِ

“Иккиталик”дан “ўнталик”гача тарқалган ҳикматлар ҳақида

“Иккиталик” ҳикматлар боғчаси

عَنْ أَبِي سَعِيدِ الْحُدْرِيِّ: قَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "خَصْنَانِ لَا تَجْتَمِعَانِ فِي مُؤْمِنٍ: الْبُخْلُ وَسُوءُ الْخُلُقِ". الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ الْمَفْرُدِ (282)

Абу Саъид ал-Худрийдан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассаллам:

“Икки хислат мўмин кишида жамъ бўлмайди. Биринчиси баҳиллик, иккинчиси бадхулқлик ”, дедилар”.

. وَقَالَ أَيْضًا: "شَيْئَانِ لَا يَجْتَمِعَانِ فِي بَيْتٍ: الْغِنَى وَالنِّزَافَةُ".

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: “Икки нарса бир уйда жам бўлмайди. Биринчиси бойлик, иккинчиси зино”, дедилар.

قال صلی اللہ علیہ وسلم خصلتان لا یجتمعان فی مؤمن البخل و سوء الخلق. و قال ايضا شیئان لا یجتمعان فی بیت الغنی و الزنی.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Мўминда иккита хислат жамланмайди: баҳиллик ва ёмон хулқ”. Яна айтдилар: “Бир уйда икки нарса жамланмайди: бойлик ва зино”.

وَقَالَ مُعَاذُ بْنُ جَبَلٍ: لَيْسَ فِي الدُّنْيَا خَيْرٌ مِّنْ اثْنَيْنِ: رَغِيفٌ تُشْبُعُ بِهِ كَيْدًا جَائِعًا وَكَلْمَةٌ تُفَرِّجُ  
بها عن مُلْهُوفٍ

Муоз ибн Жабал деди: “Дунёда икки нарсадан яхшироғи йўқ: оч қорнингни тўйдирган битта кулча нон ва ғамли кўнгилни кўтаришинг учун айтган битта сўз”.

وَقَالَ الْعَبَّاسُ بْنُ مُحَمَّدٍ لِلرَّشِيدِ: يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ إِنَّمَا هُوَ دِرْهَمٌ وَسَيْفُكَ فَإِذْرَغْ بِذَلِكَ مَنْ  
شَكَرَكَ وَاحْصُدْ بِهَذَا مَنْ كَفَرَكَ فَقَالَ الرَّشِيدُ: لَمْ أَجِدْ لِلْمَلِكِ غَيْرَ هَذِينَ.

Аббос ибн Мұхаммад Ҳорун ар-Рашидга айтди: “Эй мўминлар амири, сенинг бор мулкинг дирҳаминг ва қиличингдир. Дирҳаминг билан сенга “раҳмат” айтадиган кишиларни экиб кўкартири. Сенга итоатсизлик қиласидиган кимсаларни қиличинг билан ўр”. Ҳорун ар-Рашид деди: “Подшоликда шу икки нарсадан бошқа мулкни топмадим”.

شعر:

لِلْمَرْءِ كَالدِّرْهَمِ وَالسَّيْفِ  
لَمْ أَرْ شَيْئًا صَادِقًا نَفْعُهُ  
وَالسَّيْفُ يَحْمِيهُ مِنَ الْحَيْفِ  
يَقْضِي لِهِ الدَّرْهُمُ حَاجَاتِهِ

Шеър (насрий баён): “Кишига танга билан қиличдек фойдаси аниқ тегадиган нарсани кўрмадим. Танга унинг ҳожатларинираво қилса, қилич уни зулмдан ҳимоя қиласди”

شیئانِ إذا حَفِظْتُهُمَا لَا تُبَالِي بِمَا صَنَعْتَ بَعْدَهُمَا: دِرْهُمُكَ لِمَعَاشِكَ وَدِينُكَ لِمَعَاذِكَ

Иккита нарса бор, агар уларни сақлай билсанг, кейин нима қилсанг ҳам зиёни йўқ: тирикчилигинг учун тангангни ва охиратинг учун динингни сақлаш.

شیئانِ، لَا تَتِمُّ مَعَهُمَا حِيلَةً: إِقْبَالُ الْمَرْءِ وَإِدْبَارُهُ

Иккита нарсага нисбатан ҳийла кетмайди: омаднинг келиши ва омаднинг юз ўгириши (яъни, омад келаётганида унинг олдини тўсишнинг ва омад юз ўгираётганида уни тўхтатиб қолишнинг иложи йўқ).

قِيلَ لِعَبْدِ الْوَاحِدِ بْنِ سُلَيْمَانَ بْنِ عَبْدِ الْمَلِكِ: مَا الَّذِي أَذْهَبَ مُلْكَكُمْ؟ فَقَالَ: شِئَانٌ تَحَاسَدُ الْأَكْفَاءِ وَانْقِطَاعُ الْأَخْبَارِ.

Абдулвоҳид ибн Сулеймон ибн Абдурмалиқдан сўралди: “Подшоҳлигингиз қўлдан кетишига нима сабаб бўлди?” У деди: “Икки нарса – тенг-тўш (яқин)ларнинг ўзаро ҳасади ва (халқнинг аҳволи хақидаги) хабарларнинг узилиб қолиши”.

وقال رجلٌ للأَخْنَفِ: ذُلَّنِي عَلَى مُؤْنَةٍ بِلا تَعِيرُ . قَالَ: عَلَيْكَ بِالْخُلُقِ السَّاجِحِ وَالْكَفِ عن القبيح، وَاعْلَمْ أَنَّ الدَّاءَ الَّذِي أَعْيَا الْأَطْبَاءَ: الْلِّسَانُ الْبَذِيءُ وَالْعُقْلُ الرَّدِيءُ .

Бир киши Ахнаф ибн Қайсга деди: “Менга мاشаққатсиз қўлга кирадиган захирани кўрсатинг”. Ахнаф айтди: “Чиройли ҳулқни ўзингга лозим тут ва хунук ишлардан ўзингни тий. Билгил, табибларни ожиз қолдирадиган (яъни, улар даволай олмайдиган) касаллик – бузуқ тил ва паст ақлдир”.

وَقَالَ عَلَيْهِ بْنُ عِيسَى: الْعَجْزُ شَيْئًا: التَّقْصِيرُ فِي طَلَبِ الشَّيْءِ وَقَدْ أَمْكَنَ وَاجْلَدُ فِي طَلَبِهِ وَقَدْ فَاتَ.

Алий ибн Ийсо айтди: “Ожизлик бу иккита нарса: бир нарсани қўлга киритиш имкони бўлатуриб сусткашлик қилиш ва фурсати бой берилган нарса учун жидду жаҳд қилиш”.

قِيلَ لِأَبِي الْحَارِثِ: مَنْ يَخْضُرُ مائِدَةً مُحَمَّدٌ بْنُ عِيسَى؟ فَقَالَ: أَكْرَمُ الْخَلْقِ وَالْأَمْمَهُمْ. قِيلَ مَنْ هُمَا؟ قَالَ: الْمَلَائِكَةُ وَالْذِبَابُ.

Абу Ҳорисдан сўралди: “Муҳаммад ибн Ийсонинг дартурхонига ким ҳозир бўлади? Абу Ҳорис деди: “Халқнинг энг улуғи ва пасткаши”. “Ким улар?” – сўрашди. “Фаришталар ва пашшалар”, – жавоб берди у.

قَالَ بَعْضُ الْحُلَفاءِ: يُعْجِبُنِي شَيْئًا قَدْ غَفَلَ الظُّرْفَاءُ عَنْهُمَا: بُحُوْجَةُ الْخُلُقِ الطَّيِّبِ وَيَسِيرُ الْحِوَلَ فِي الْعَيْنِ السَّاحِرَةِ.

Халифалардан бири айтган экан: “Хатто зийрак кишилар ҳам сезмайдиган иккита нарса бор, мени ажаблантиради: чиройли овозга эга ҳалқумдаги бир гириллаш ва сехрли кўздаги озгина сузуклик”.

وَقَالَ آخْرُ: لِيْسَ شَيْءٌ أَضَرَّ بِالشَّيْخِ مِنْ أَمْرِينِ: أَنْ يَكُونَ لَهُ طَبَّاخٌ حَادِقٌ وَجَارِيَةٌ حَسْنَاءُ،  
لَاَنَّهُ يَسْتَكْثِرُ مِنَ الطَّعَامِ فَيَسْقُمُ وَمِنَ الْجَمَاعِ فَيَهْرُمُ.

Бошқа бири деди: “Кекса киши учун икки нарсадан заарлироғи йўқ: уста ошпаз ва чиройли хотин. Чунки таом ширин тайёргани учун кўп еб қўйиб, ҳазм қилолмасдан қийналади, хотини чиройли бўлса, жимоъга кўп харакат қилганидан, баттар қариб тўзади.

شعر:

عَيْنَائِي حَتَّى يَؤْذَنَا بِذَهَابٍ	شَيْطَانٌ لَوْ بَكَّتِ الدَّمَاءَ عَلَيْهِمَا
شَرُّ الشَّيْبَابِ وَفُرْقَةُ الْأَحَبَابِ	لَمْ يَقْضِيَا الْمُعْشَارَ مِنْ حَقَّيْهِمَا

Шеър (насрий баён): “Иккита нарса учун кўзларим кўр бўлгунча қон йиғласа, у нарсанинг ўндан бирининг ҳаққини ҳам адо қилолмайди, бу иккита нарса: кўркам ёшлиқ ва дўстлардан ажраш”.

سُئِلَ بِعَضُهُمْ عَنِ السُّرُورِ فَقَالَ: شَيْطَانٌ رَفْعٌ وَدُودٌ وَوَضْعٌ حَسُودٌ.

Улуғларнинг биридан хурсандчилик ҳақида сўралганида деди: “Хурсандчилик иккита нарсададир: суюкли дўстнинг мартабаси кўтарилишида ва ҳasad қилувчи мартабасининг тушишида”.

وقال آخر: آنَّهُ شَيْئَانِ: الْحَلْمُ عِنْدَ الغَضْبِ وَالْعَفْوُ عِنْدَ الْقُدْرَةِ.

Улуғлардан бошқаси деди: “Иккита олижаноблик бор: ғазаб қўзиганда халим бўлиш ва зарар беришга қодир бўлган холда кечириш.

وَقَالَ الْمَنْصُورُ لِبَعْضِ أَوْلَادِهِ: حُذْ عَيْ بِغَيْرِ تَفْكِيرٍ وَلَا تَعْمَلْ بِغَيْرِ تَدْبِيرٍ.

Мансур фарзандларидан бирига айтди: “Мендан иккита насиҳатни ол: ўйламасдан гапирма ва тадбirsiz иш қилма”.

وَقَالَ بْنُ الْمُعَنَّى: عَظِيمُ الْكَبِيرِ فَإِنَّهُ عَرَفَ اللَّهَ قَبْلَكُمْ وَأَرْحَمَ الصَّغِيرَ فَإِنَّهُ أَغْرَى بِالدُّنْيَا مِنْكُمْ

Ибн Муътаз деди: “Ёши катталарни улуғла, чунки улар сендан олдин Аллоҳни таниган. Ёшларга раҳмли бўл, чунки улар дунёга сендан кўра алданганроқ”.

وَقَالَ آخْرُ: عَلَى الْعَاقِلِ أَنْ يَتَحَفَّظَ مِنْ شَيْئِينَ: مَكْرُ أَعْدَائِهِ وَحَسَدُ أَصْدِقَائِهِ. وَأَنْ يَرْغَبَ فِي شَيْئِينَ إِرْتِكَابُ الْعَدْلِ وَأَكْتِسَابُ الْفَضْلِ وَأَنْ يَزْهَدَ فِي شَيْئِينَ: إِسْتِشَارَةُ النِّسْوَانِ وَإِمَارَةُ الصِّبِيَّانِ.

Бошқа донишманд айтди: “Оқил икки нарсадан сақланмоғи лозим: душманларнинг макридан ва дўстларнинг ҳасадидан. Оқил икки нарсага рағбат қилмоғи лозим: адолатли бўлиш ва фазилат касб қилиш. Оқил икки нарсадан ўзини тийиши керак: хотинлар билан маслаҳатлашишдан ва ёш болаларнинг бошқарувидан”.

Шур:

شَيْئَانِ يَأْنُفُ دُو الرِّيَاسَةِ عَنْهَا  
 رَأْيُ النِّسَاءِ وَإِمْرَةُ الصِّبَّيَانِ  
 وَأَخُو الصَّبَاءِ يَجْرِي بِكُلِّ عِنَانٍ  
 أَمَّا النِّسَاءُ فَمَيْلُهُنَّ إِلَى الْهُوَى

Шеър (насрий баён): “Бошлиқ икки нарсадан ор қиласи: хотинлар фикри ва ёш боланинг амирлиги. Чунки хотинларнинг нафси доим ҳою-ҳавасга мойил бўлади, ёшлар эса ҳар қандай тизгинда юриб кетаверади.

شَيْئَانِ يَجْلِبَانِ الْحُزْنَ: الطَّمَعُ فِي جُودِ الْبُخَلِاءِ وَالْمُمَرَّاحَةُ مَعَ الْوُضَعَاءِ.

Хафаликни етаклаб келадиган икки нарса бор: бахилларнинг саховатидан умид қилиш пасткашлар билан ҳазиллашиш.

شَيْئَانِ يَتَزَرَّئُ بِهِمَا إِلِّيْهِنَّ: نَشْرُ الْبِشْرِ وَتَرْكُ الْكِبِيرِ

Инсонни икки нарса зийнатлайди: хушчехра бўлиш ва кибрни тарк қилиш.

شَيْئَانِ مِنْ أَخْلَاقِ الْكَرِيمِ: إِذَا أُبْعِدَ مَدَحَ وَإِذَا ضُوِيقَ سُمَحَ.

Икки нарса улуғ, сахий кишининг ахлоқидандир: (нафақат одамларнинг эътиборида бўлган пайтда, балки уларнинг эътиборидан қолган,) узоклаштирилган пайтда ҳам (уларни) мақтайди ва танг ахволда қолганида кенглик қиласи (саховатини тўхтатмайди).

شَيْئَانِ مَقْرُونَانِ بِشَيْئِينِ: الصَّبْرُ مَقْرُونٌ بِالظَّفَرِ، وَالْحَرْمَانُ مَقْرُونٌ بِالضَّجْرِ.

Икки нарса икки нарсага яқин бўлади: сабр ғалабага ва маҳрумлик безовталика.

شعر:

شَيْئَانِ لَوْ أَنَّ لَيْثًا يُبَتَّلَى بِهِمَا  
فَقُدُّ الشَّبَابِ فَمَا يَأْتِي لَهُ عِوَضٌ  
فِي غَابَةٍ مَاتَ مِنْ هَمٍ وَمِنْ كَمَدٍ  
وَالْبُعْدُ بِالرَّغْمِ عَنْ أَهْلٍ وَعَنْ وَلَدٍ

Шеър (насрий баён): “Икки нарса бор, агар улар ўрмондаги шернинг бошига тушса, ўша шер ҳам бу ғамдан, бу қайфудан ўлиб қоларди. Биринчиси, ёшликни йўқотиш, чунки унинг ўрнига эваз йўқ. Иккинчиси, яқинларидан, фарзандидан узоклашиш, гарчи ўзи буни хоҳламаса-да”.

### رَوْضَةٌ فِي الْثَّالِثَةِ

#### “Учталик” ҳикматлар боғчаси

قَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "إِرْحَمُوا ثَالِثَةً: عَزِيزٌ قَوْمٌ ذَلٌّ وَغَنِيٌّ قَوْمٌ اِفْتَقَرَ وَعَالِمًا بَيْنَ جُهَّاَلٍ". وَقَالَ أَيْضًا: "ثَالِثَةُ مُهْلِكَاتٌ وَثَالِثَةُ مُنْجِيَاتٌ. فَالْمُنْجِيَاتُ: خَشِيَّةُ اللَّهِ فِي السِّرِّ وَالْعَلَانِيَّةُ، وَالْعَدْلُ فِي الرِّضَى وَالْغَضَبِ، وَإِنْصَافُ النَّاسِ. وَالْمُهْلِكَاتُ: شُحٌّ مُطَاعٌ، وَهُوَ مُتَبَّعٌ، وَإِعْجَابُ الْمَرءِ بِنَفْسِهِ".

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Уч тоифага раҳм қилинглар: қавмнинг азизи бўлиб, кейин хор бўлиб қолган кишига; қавмнинг бойи бўлиб, сўнг камбағал бўлиб қолган кишига; жоҳиллар ичida қолган олимга”. Яна айтдилар: “Учта ҳалок қилувчи ва учта нажот берувчи нарса бор. Нажот берувчи нарсаларнинг биринчиси – хоҳ яширин, хоҳ ошкор ҳолатда бўлсин, Аллоҳдан қўрқиши; иккинчиси – розилик ҳолатида ҳам, ғазабга мингандага ҳам адолатли бўлиш; учинчиси – одамларга инсоф қилиш (яъни, оғиру енгил кунларда уларга шерик бўлиш). Ҳалок қилувчи нарсаларнинг

биричиси – бурнингдан тизгинини ўтказиб олган хасислик; иккинчиси – етовига солиб олган ҳавою ҳавас; учинчиси – кишининг ўз-ўзига ошуфта бўлиб, ўзи билан фахрланиши”.

وَقَالَ أَبُو بَكْرٍ الصِّدِّيقُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: ثَلَاثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ كُنَّ عَلَيْهِ: الْبَغْيُ وَالنَّكْثُ وَالْمَكْرُ  
لَائَ اللَّهُ تَعَالَى يَقُولُ: {إِنَّمَا بَغْيُكُمْ عَلَى أَنفُسِكُمْ}. {وَمَنْ نَكَثَ فَإِنَّمَا يَنْكُثُ عَلَى نَفْسِهِ}.  
{وَلَا يَحِيقُ الْمَكْرُ السَّيِّئُ إِلَّا بِأَهْلِهِ} .

Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳу айтдилар: “Кимда ушбу уч феъл бўлса, унга зиён келтиради: ҳаддан ошиш, аҳдни бузиш ва маккорлик. Чунки Аллоҳ таоло айтади: “Албатта бу тажовузкорлигингиз (ҳаддан ошишингиз) фақат ўзингизнинг зиёningизгадир” (Юнус, 23-оят); “Ким ўз аҳдини бузса, у фақат ўз зиёнига бузур” (Фатҳ, 10-оят); “Ёмон макр-хийла фақат ўз эгаларини ўраб ҳалок қилур” (Фотир, 43-оят).

وَقَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: ثَلَاثٌ تُثْبِتُ لَكَ الْمَحَبَّةَ عِنْدَ أَخِيهِ: أَنْ تَبْدَأَهُ  
بِالسَّلَامِ، وَأَنْ تُوَسِّعَ لَهُ فِي الْمَحِلِّسِ، وَأَنْ تَدْعُوهُ بِأَحَبِّ الْأَسْمَاءِ إِلَيْهِ.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтди: “Учта нарса биродарингда муҳаббат пайдо қиласди: биринчиси – унга ундан аввал салом бериш; иннинчиси – унга жой бўшатиш; учинчиси – унга ёққан исмлар билан уни чақириш”.

وَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ: ثَلَاثَةٌ مِنَ الْفَوَاجِرِ: جَاهِزٌ إِنْ رَأَى حَسَنَةً سَتَرَهَا وَإِنْ رَأَى سَيِّئَةً  
نَشَرَهَا، وَامْرَأٌ إِنْ حَضَرَتَهَا أَذْتَكَ وَإِنْ غَبَتْ عَنْهَا لَمْ تَأْمَنْ عَلَيْهَا، وَسُلْطَانٌ إِنْ أَحْسَنَتْ لَمْ يَأْمُنْكَ  
وَإِنْ أَسَأَتْ قَتَلَكَ.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху деди: “Учта нарса бузуқликданdir (яни, қуидаги учта феъл шу ишни қилувчининг бузуқлигига далолатдир): бир қўшни, агар яхшиликни кўрганида яшириб, ёмонликни кўрганида ёйса; бир хотин, ёнида бўлганингда ундан озор кўрасан, ёнида бўлмаганингда ҳам ундан хотиржам бўлолмайсан; бир подшоҳ, агар яхшилик қилсанг, сенга ишонмайди, ёмонлик қилсанг, сени ўлдиради”.

وَقَالَ جَعْفَرُ الصَّادِقُ: لَمْ يَتِمُ الْمَعْرُوفُ إِلَّا بِشَكَّٰتِهِ: تَعْجِيْلُهُ وَتَصْغِيْرُهُ وَسَرْتُهُ، لَأَنَّكَ إِذَا عَجَّلْتَهُ هَنَّأْتَهُ، وَإِذَا صَعَّرْتَهُ كَبَّرْتَهُ، وَإِذَا سَرَّتَهُ أَظْهَرْتَهُ.

Жафар Содик айтди: “Яхшилик учта нарса билан мукаммал бўлади: яхшиликка шошилиш билан, қилган яхшилигини кичик санаш билан, қилган яхшилигини яшириш билан. Чунки яхшиликка шошилсанг, уни муборакбод қилган бўласан, қилган яхшилигинги кичик санасанг, уни улуғлаштирган бўласан, қилган яхшилигинги яширсанг, уни юзага чиқарган бўласан”.

وَقَالَ عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ زِيَادٍ لِبَعْضِ جُلَسَائِهِ: احْفَظْ عَنِّي ثَلَاثًا: لَا تُكْثِرْ عَلَيَّ فَأَمْلَأَكَ، وَلَا تُبْطِئْ عَنِّي فَأَنْسَاكَ، وَلَا تُكْثِرْ مِنْ حَوَائِجِ غَيْرِكَ فَتُحْرَمَ مَا يَحْصُلُكَ مِنْهَا.

Абдуллоҳ ибн Зиёд йигилишидагиларидан бирига деди: “Мендан учта нарсани ёдлаб ол: олдимга кўп келаверма, токи сендан зерикиб қолмай. Узоқлашиб ҳам кетма, токи сени унутиб қўймай. Бошқаларнинг эҳтиёжларини қондириш хақида кўп гапирма, ўз эҳтиёжларинг қондирилишидан маҳрум бўласан”.

وَقَالَ مُعَاوِيَةُ لِعَرَابَةِ الْأَوْسِيِّ: يَمْ سُدْتَ قَوْمَكَ يَا عَرَابَةُ؟ قَالَ: بِشَلَاثٍ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ قَالَ: وَمَا هُنَّ؟ قَالَ: أَحَلْمُ عَنْ جَاهِلِهِمْ وَأَجُودُ عَلَى سَائِلِهِمْ وَأَسْعَى إِلَى حَوَّاجِهِمْ. فَقَالَ مُعَاوِيَةُ: اللَّهُ دَرُّ الْطُّرْمَاحِ مَا أَصْدَقَهُ فِي قَوْلِهِ فِيهِ.

شعر:

رَأَيْتُ عَرَابَةَ الْأَوْسِيِّ يَسْمُو  
إِلَى الْخَيْرَاتِ مُنْقَطِعَ الْقَرِينِ  
إِذَا مَا رَأَيْتُ رُفَعْتُ لِمَجْدِ  
تَلَقَّاهَا عَرَابَةُ بِالْيَمِينِ

Муовия розияллоху анҳу Авс қабиласидан бўлган Ароба исмли кишидан сўради: “Қандай қилиб қавмингнинг саййиди бўлиб қолдинг?”

– Учта нарса сабаб, – деди Ароба.  
 – Улар қайсилар? – сўради мўминлар амири, – шунда Ароба:  
 – Қавминг жоҳилига ҳалим бўлдим, тиланчиларига сахийлик қилдим, эҳтиёжманларининг ҳожатларини чиқариш учун шошдим, – деди. Шунда Муовия: “Шоир Тирмоҳ сен ҳақингда қандаям тўғри сўзларни айтган экан, деб шоирнинг шеърини ўқиди (насрий баён): “Авслик Аробани ёнида яқинлари бўлмаган ҳолда яхшиликларга нақадар кўтарилганини кўрдим. Агар улуғлик учун бир байроқ тикланса, Ароба уни ўнг қўли билан ушлаган бўларди”...

وَقَالَ أَحْمَدُ بْنُ مُسْلِمٍ: لَذَّةُ الدُّنْيَا فِي ثَلَاثَةِ: مُعَاشَةُ الْأَحْبَابِ، وَمُعَاقَرَةُ الشَّرَابِ وَمُذَاقَةُ

الآدابِ

Аҳмад ибн Муслим айтдилар: “Дунёнинг лаззати уч нарсададир. Биринчиси, яхши кўрган одам билан бирга яшаш, иккинчиси, доимий шароб ичиш, учинчиси, одобни тақрор ўқиб туриш”.

وقال المأمون: الإخوانُ ثلَاثٌ طبقاتٍ: طبقةُ الْغِذَاءِ لَا يُسْتَغْنِي عَنْهَا، وَطَبَقَةُ الْدَّوَاءِ يُحْتَاجُ إِلَيْهَا، وَطَبَقَةُ الدَّاءِ لَا يُحْتَاجُ إِلَيْهَا أَبَدًا.

Маъмун айтди: “Дўстлар уч табақага бўлинади. Биринчиси – озиқقا ўхшайди, унга доим эҳтиёж бўлади. Иккинчиси – дорига ўхшайди, унга баъзан эҳтиёж тушади, учинчиси – касалликка ўхшайди, унга умуман ҳожат йўқ”.

وَقَالَ خَالِدُ بْنُ صَفْوَانَ: ثَلَاثَةُ لَيْسَ لَهَا حِيلَةً: فَقْرُ مُكَارِجُهُ كَسْلٌ وَعَدَوَاهُ يُدَاخِلُهَا حَسَدٌ وَمَرَضٌ يُقَارِنُهُ هَرَمٌ. وَبَعْضُهُمْ أَبْدَلَ الْكَسْلَ أَوِ الْحَسَدَ بِالْقُدْرَةِ.

Холид ибн Сафвон деди: “Учта нарсадан қутилишнинг иложи йўқ; камбағалликка дангасалик ҳам аралашган бўлса; душманликка ҳасад ҳам қўшилган бўлса; касалликка қарилик ҳам яқин, ёndoш бўлса. Баъзилар юқорида айтилган дангасалик ёки ҳасадни “куч-қудрат” билан алмаштириб айтишган.

وَقَالَ الْعَتَابِيُّ: ثَلَاثَةُ لَا يُعْرُفُونَ إِلَّا فِي ثَلَاثَةِ أَحَوَالٍ: الْحَلِيمُ عِنْدَ الْغَضْبِ وَالشَّجَاعُ عِنْدَ الْحَرْبِ وَالصَّدِيقُ عِنْدَ الْحَاجَةِ إِلَيْهِ.

Ал-Аттобий айтди: “Уч тоифа киши уч хил ҳолатда билинади: ҳалим киши ғазабланалидиган пайтда, шижоатли киши жанг пайтида, дўст унга ҳожат тушган пайтда”.

وَمَرِضَ عَلَيِّ بْنُ عُبَيْدَةَ فَعَادَهُ الْجَاحِظُ فَقَالَ لَهُ: مَا تَشْتَهِي يَا أَبَا الْحُسَنِ؟ فَقَالَ: ثَلَاثَةٌ أَشْيَاءٌ: عَيْنُ الرُّقَبَاءِ وَأَلْسِنَ الْوُشَاءِ وَأَكْبَادَ الْحُسَادِ.

Али ибн Убайда хасаталанганида Жоҳиз уни кўргани борди. Жоҳиз ундан: “Нимага иштаҳангиз бор, нима егингиз келяпти?” – деб сўради. Али ибн

Убайда: “Учта нарсани: рақибларимнинг кўзларини, чақимчиларимнинг тилини ва ҳасадгўйларимнинг жигарини” – деган экан.

وَقَالَ عَلِيٌّ بْنُ رَزِينَ اجْتَنَبَ ثَلَاثَةً وَعَلَيْكَ بِثَلَاثَةٍ وَلَا حَاجَةٌ لَكَ إِلَى طَبِيبٍ اجْتَنَبَ  
الْغَبَارَ وَالدُخَانَ وَالنَّتَنَ وَعَلَيْكَ بِالْحَلْوَى وَالدَّسْمِ وَالْطَّيْبِ.

Али ибн Разин деди: “Учта нарсадан узок бўл ва учта нарсани маҳкам тут, шунда табибга ишинг тушмайди: чангдан, тутундан ва сассиқ нарсадан узоклаш ва билъакс шириналликни, ёғни ва хушбўйликни ўзингга лозим тут”.

وَقَالَ أَبُو زَكَرِيَّا النَّسِيْبَيُورِيُّ: ثَلَاثُ عِلَّلٍ صِعَارٍ أَمَانٌ مِنْ ثَلَاثٍ كَبَارٍ: الْزُّكَامُ أَمَانٌ مِنَ السِّرْسَامِ وَالرَّمَدُ أَمَانٌ مِنَ الْعُمَى وَالدُّمَلُ أَمَانٌ مِنَ الطَّاعُونِ.

Абу Закариё Найсабурий деди: “Учта кичкина касаллик учта катта касаллиқдан сақлайди: тумов сирсон (менингит – бош ёки орқа мия қобигининг яллиғланиши) касаллигидан, кўз оғриғи, кўзнинг ёшланиши қўр бўлиб қолишдан, чипқон, хуснбузар каби иллатлар вабога чалинишдан сақлайди”.

وَقَالَ حَكِيمٌ: ثَلَاثٌ تَسْرُّعُ الْعَيْنَ: الْمَرْأَةُ الْمُوَافِقةُ وَالْوَلَدُ الْأَدِيْبُ وَالْأَخُ الْوُدُودُ ثَلَاثٌ تُنَكِّدُ  
الْعَيْشَ: جَاهُ السُّوءِ وَالْوَلَدُ الْعَاقُ وَالْمَرْأَةُ الْحَائِنَةُ، ثَلَاثٌ يُسْتَأْنَسُ بِهَا: الْرَّمَانُ الْمُقْبِلُ وَالسُّلْطَانُ  
الْعَادِلُ وَالصَّدِيقُ الصَّادِقُ.

Бир донишманд айтди: “Уч нарса кўзни қувонтиради: эрга мувофиқ хотин, одобли фарзанд ва яхши қўрувчи дўст. Учта нарса ҳётни ғуссага тўлдиради: ёмон қўшни, оқпадар фарзанд, хиёнаткор хотин. Учта нарса билан

ошно бўлинади: иқболли замон (яъни, замон сиз томон юзланган бўлса), одил султон ва ростгўй дўст”.

**ثَلَاثَةُ مِنْ أَفْضَلِ مَا تَرِثُهُ الْأَبْنَاءُ عَنْ آبَائِهِمْ: الْشَّنَاءُ الْحُسْنَ وَالْأَدَبُ وَالصَّاحِبُ التِّقَةُ.**

Фарзандлар оталаридан мерос олган нарсанинг афзали учта: чиройли мақтов, одоб ва ишончли дўст.

**ثَلَاثُ تَمْنَعُ الْمَرْأَةِ عَنْ طَلْبِ الْمَعَالِيِّ: قِصْرُ الْهِمَةِ وَقَلَّةُ الْحِيلَةِ وَضُعْفُ الرَّأْيِ.**

Учта нарса кишини олийликка интилишдан тўсади: химматнинг пастлиги, ҳийла(яъни, ишни амалга ошириш йўлларини излаб топиш)нинг озлиги, фикрнинг заифлиги.

**ثَلَاثَةُ مِنْ طِبَاعِ الْجُهَّاَلِ: الْغَضَبُ مِنْ غَيْرِ شَيْءٍ وَالْإِعْطَاءُ مِنْ غَيْرِ حَقٍّ وَعَدَمُ التَّمْيِيزِ بَيْنَ الصَّدِيقِ وَالْعَدُوِّ.**

Учта нарса нодонларнинг табиатидан: сабабсиз ғазабланиш, ўринсиз сахийлик ва дўст билан душманни ажратмаслик.

**ثَلَاثَةُ تُورِثُ الْمَحَبَّةَ: الْأَدَبُ وَالتَّوَاضُعُ وَالدِّينُ**

Уч нарса муҳаббатни пайдо қиласди: одоб, камтарлик ва дин.

**ثَلَاثَةُ لَيْسَ مَعْهُنَّ عُرْبَةً: كَفُّ الْأَذَى وَحُسْنُ الْأَدَبِ وَمُحَانَبَةُ الرَّئِبِ.**

Учта нарса бўлса, ғариблик бўлмайди: озордан тијилиш, чиройли одоб гумондан четланиш.

ثَلَاثَةُ تُكْسِبُ الْمَقْتَ: الْكُبْرُ وَالظُّلْمُ وَالْبَخْلُ.

Учта нарса нафрат уйғотади: кибр, зулм ва баҳиллик.

ثَلَاثَةُ جَمَعَتِ الرُّشْدَ كُلُّهُ: مُشَاوِرَةُ النَّصِيحِ وَمُدَارَأَةُ الْحَاسِدِ وَالتَّحْبُبُ عَنِ النَّاسِ.

Учта иш түғриликтинг барчасини ўзида жамлайди: холис киши билан маслаҳатлашиш, ҳасадгүй билан муроса қилиш ва одамлардан ўзни четга тортиш.

ثَلَاثَةُ تُحَصِّنُ الْمُلْكَ: الْرَّأْفَةُ وَالْعَدْلُ وَابْلُوغُدُ.

Учта нарса мулкни қўриқлайди: юмшоқлик, адолат ва саховат.

ثَلَاثَةُ تَرِيدُ فِي الْمَوَدَّةِ: التَّزَارُورُ فِي الرِّجَالِ وَالتَّحَدُّثُ عَلَى الْمَائِدَةِ وَمَعْرِفَةُ الْمَرْءِ حُدَّامَ أَخِيهِ وَحَاشِيَتِهِ.

Уч нарса дўстликни зиёда қиласи: зиёратлашиш, дастурхон атрофида сухбатлашиш ва биродарининг ходимлари ва атрофдагиларини таниш.

ثَلَاثُ خَصَالٍ تُحَمَّدُ فِي الْحُلْوَةِ: تَوْقِيرُ الْعِرْضِ وَسُرُّ الْفَاقَةِ وَإِسْقَاطُ الْكُلْفَةِ فِي الْحُقُوقِ الْلَّازِمَةِ.

Учта хислат хилватда ҳам (яъни, мазкур хислат эгаси ўзи йўғида, ортидан ҳам) мақталади: бирорнинг обрў-эътиборини ҳар қандай ҳолатда ўрнига кўйиш, камбағалликни яшириш ва адо қилиниши лозим бўлган ҳақни қийнамасдан бериш.

ثَلَاثَةُ لَا تُوجَدُ فِي ثَلَاثٍ أُمِّمٍ: الْوَقَاءُ فِي التُّرْكِ وَالْجُهُودُ فِي الرُّومِ وَالْهُمُّ فِي الزَّنجِ.

Учта миллат бор, уларда учта нарса топилмайди: туркларда вафо, арабларда саховат, занжиларда ҳиммат.

شعر:

فَلَيْسَ عَلَيْهِ فِي سِوَى ذَلِكِ مِنْ ضَيْرٍ وَصِحَّةُ جِسْمٍ ثُمَّ خَاتَمَةُ الْخَيْرِ	ثَلَاثٌ مِنَ الدُّنْيَا إِذَا مَرَءُ نَاهَا غَيْرَ عَنْ بَنِيهَا وَالسَّلَامَةُ مِنْهُمْ
--	---

Шеър (насрий баён): “Дунёда учта нарса бор, агар киши шу учтасига эришса, ундан бошқасида зиён йўқ: фарзандларига мухтож бўлмаса, фарзандларидан саломат бўлса (яъни, фарзандларининг ҳам унга иши тушмаса), жисми саломат бўлса, кейин умрининг хотимаси ҳам хайрли бўлса”.

ثَلَاثٌ مِنَ الْخِصَالِ فِي الْأَرْضِ: يُشْبِعُ الْجَائِعَ وَيُجْعِي الشَّبِيعَانَ وَيَرِيدُ فِي الْعُمْرِ لَاَنَّهُ يَرِى أَحْلَامًا حَسَنَةً وَمَنْ رَأَهَا كَانَهُ لَمْ يَنْمِ وَمَنْ لَمْ يَنْمِ كَانَهُ زِيَادَةً فِي عُمْرِهِ لَاَنَّ النَّوْمَ أَخْوُ الْمَوْتِ.

Гуручда учта хислат бор: очни тўйдиради, тўқни оч қиласди ва умрни узайтиради. Сабаби, гуруч еган киши яхши тушлар кўради, яхши тушлар кўрган киши гўё ухламагандек бўлади. Кимки ухламаса, бамисоли умри узаяди, чунки уйқу ўлимнинг укасидир.

ثَلَاثٌ إِذَا امْتَحَنْتَهُمْ فِي ثَلَاثَةِ أَحْوَالٍ خَسِرْتَهُمْ: مَوَدَّتَكِ فِي حَالٍ اسْتَقْلَالِكَ وَصَدِيقُكِ فِي حَالٍ اخْتَلَالِكَ وَامْرَأَتَكِ فِي حَالٍ اكْتَهَالِكَ.

Учта инсон бор, уларни учта ҳолатда синасанг, улардан сенга зиён етади: камбағаллигингда дўстлигингни синама, бошингга иш тушганида дўстингни синама ва қариганингда хотингингни синама.

ثَلَاثَةٌ لَا تُقَابِلُ إِلَّا بِالْبِشَرِ: الْنِعَمُ وَالصَّدِيقُ وَالْعَرِيمُ.

Учта нарсага киши кулиб қарайди: неъматга, дўстга ва ўзидан қарздор кишига.

شعر:

ثَلَاثٌ قَدْ بُلِيَّتُ بِهَا فَأَضْحَى لِنَارِ الْقُلْبِ مِنِّي كَالْأَثَاثِ مِنَ الْجُبْرَانِ شَابَ لَهُ عُدَافِي لِمَنْ يُبَلِّي بِفُقدَانِ الْكَفَافِ	دُبُونُ أَنْقَلَتْ ظَهْرِي وَجَوْزٌ وَفُقْدَانُ الْكَفَافِ وَأَيُّ عَيْشٍ
---	--

Шеър (насрий баён): “Учта балога йўлиқдим, бу балолар юрагимда ёнган олов учун гўё учта тошдан ясалган ўчоққа айланди: гарданимга оғир ботган қарзлар, кўшниларнинг чакка соchlаримни оқартирган жабри, ўлмагудек озиқнинг ҳам йўқлиги. Ўлмагудек озиқ тополмасликка мубтало бўлган кишининг ҳаёти қандай ҳаёт бўлиши мумкин?!”

شعر:

{إِذَا مَرَءُ عُوْيَنِ فِي جَسْمِهِ وَأَعْطَاهُ مَوْلَاهُ قَلْبًا قَنْوَعًا فَذَاكَ الْمَلِيْكُ وَلَوْ مَاتَ حُوْعًا}	وَأَعْرَضَ عَنْ كُلِّ مَا لَا يَلِيْقُ
---	--

Агар кишини танаси саломат бўлса,  
 Роббиси унга қаноатли қалб ато қилган бўлса,  
 Шунда у нолойиқ нарсалардан юз ўгирса,  
 Подшоҳ бўлар экан, гарчи оч-яланғоч ўлса.

رَوْضَةٌ فِي الْأَرْبَعَةِ

## “Тўртталик” ҳикматлар боғчаси

قالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”أَرْبَعٌ مِنْ كُنُوزِ الْجَنَّةِ: كِتْمَانُ الْمَرْضِ وَالصَّدَقَةِ وَالْفَقْرِ وَالْمُصِيْبَةِ“.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Тўртта нарса жаннат хазиналариданdir: касалликни яшириш, садақани яшириш, камбағалликни яшириш, мусибатни яшириш”.

وَقَالَ جَعْفَرُ الصَّادِقُ: عَجِبْتُ مِنْ أَرْبَعَةِ كَيْفَ يَغْفِلُونَ عَنْ أَرْبَعَةِ؛ عَجِبْتُ مِنْ أُبْتُلَيَ بِالْغَمِّ كَيْفَ يَغْفَلُ أَنْ يَقُولَ {لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ} وَاللَّهُ تَعَالَى يَقُولُ: {فَاسْتَجَبْنَا لَهُ وَنَجَّيْنَاهُ مِنَ الْغَمِّ} وَعَجِبْتُ لِمَنْ يَخَافُ الْعَدُوَّ كَيْفَ لَا يَقُولُ {حَسْبُنَا اللَّهُ وَنِعْمَ الْوَكِيلُ} وَاللَّهُ تَعَالَى يَقُولُ عَقِبَهَا {فَانْقَلَبُوا بِنِعْمَةِ مِنَ اللَّهِ وَفَضْلِ لَمْ يَمْسِسْهُمْ سُوءٌ} وَعَجِبْتُ مِنْ كَادَهُ الْعَدُوُّ كَيْفَ لَا يَقُولُ {وَأَفَوْضُ أَمْرِي إِلَى اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ بَصِيرٌ بِالْعِبَادِ} وَاللَّهُ تَعَالَى يَقُولُ عَقِبَهَا {فَوَقَاهُ اللَّهُ سَيِّئَاتِ مَا مَكَرُوا} وَعَجِبْتُ مِنْ يَسْتَحْسِنُ شَيْئًا وَيَخَافُ عَلَيْهِ الْعَيْنَ كَيْفَ لَا يَقُولُ {مَا شَاءَ اللَّهُ لَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ} وَاللَّهُ تَعَالَى يَقُولُ: {وَلَوْلَا إِذْ دَخَلْتَ جَنَّتَكَ قُلْتَ مَا شَاءَ اللَّهُ لَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ} .

Жаъфар Содик розияллоҳу анҳу деди: “Тўртта нарсадан ғофил қолган тўрт кишидан ажабланаман: биринчиси, бошига ғам тушган ва: “Ҳеч илоҳ йўқ, магар Ўзинг бордирсан, эй пок Парвардигор, дарҳақиқат, мен (ўз жонимга) жабр қилгувчилардан бўлиб қолдим” – дейишни унуган кишидан ажабланаман. Ахир, Аллоҳ таоло: “Бас, Биз унинг (дуосини) мустажоб қилдик ва уни ғам-ғуссадан қутқардик” (Анбиё, 87-88-оятлар), – дейди. Иккинчиси: ”Бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир” (Оли

Имрон, 173-оят) – дейишни унугиб, душмандан кўрқкан кишидан ажабланаман. Ахир, Аллоҳ таоло кейинги оятда: “Бас, (у юришдан) бирор нохушлик етмай Аллоҳнинг неъмат ва фазли билан қайтдилар” (Оли Имрон, 174-оят), – дейди. Учинчиси, душман макр ишлатганида: “Мен ўз ишимни Аллоҳга топшируман, зеро Аллоҳ бандаларини кўриб тургувчиидир” (Фоғир, 44-оят), – дейишни унуган кишидан ажабланаман. Ахир, Аллоҳ таоло кейинги оятда: “Бас, Аллоҳ у (иймон келтирган киши)ни уларнинг ёмон макр-хийлаларидан сақлади” – дейди. Тўртинчиси, бир нарсанинг чиройли эканини тан олатуриб, “Аллоҳ хоҳлаган нарсагина (бўлур), бор қуч-қувват ёлғиз Аллоҳ биландир” демасдан, ўша чиройли нарсага кўз тегишидан кўрқкан кишидан ажабланаман. Ахир, Аллоҳ таоло: “Аллоҳ хоҳлаган нарсагина (бўлур), бор қуч-қувват ёлғиз Аллоҳ биландир” (Кахф, 39-оят), – дейди”.

وَقَالَ بَعْضُهُمْ: عَلَامَاتُ الْعُقْلِ أَرْبَعٌ: أَنْ لَا يَشْكُو مِنَ الْمَصَائِبِ، وَأَنْ يُدَارِيَ الْعِبَادَ عَلَى تَفَاعُوتِ أَخْلَاقِهِمْ، وَأَنْ يَتَحَمَّلَ أَذَاهُمْ وَلَا يُكَافِئُهُمْ، وَأَنْ لَا يَجْعَلَ عَمَلَهُ رِيَاءً.

Улуғлардан бири айтди: “Ақлнинг аломати тўртта: мусибатлардан шикоят қилмаслик, бандаларнинг хулқларидағи фарқларга қарамасдан улар билан муросада бўлиш, кишилардан етган озорларга сабр этиб, уларни жазолашга интилмаслик, амални риё – “эл кўрсин” учун қилмаслик”.

قَالَ حَكِيمٌ: أَرْبَعَةُ أَشْيَاءٍ مِنْ أَعْظَمِ الْبَلَاءِ: كَثْرَةُ الْعِيَالِ مَعَ قِلَّةِ الْمَالِ، وَالْجَاحِرُ السَّيِّئُ الْجِوَارُ، وَالْمَرْأَةُ الَّتِي لَيْسَ لَهَا وَقَارٌ، وَصُحْبَةُ الْفُجَارِ.

Донишманд деди: “Тўртта нарса балоларнинг каттасидир: “мол-дунёси кам бўлиб, бола-чақасининг кўплиги, қўшничилик муомаласини ўрнига қўймайдиган ёмон қўшни, босиқлиги йўқ хотин ва фожирлар билан ҳамсухбат бўлиш”.

وَقَالَ قَيْسُ بْنُ زَهِيرٍ: أَرْبَعَةُ لَا يُطَاقُونَ: عَبْدُ مَلَكَ، وَنَدْلُ شَبَّعَ، وَأَمَةُ وَرِثَتْ، وَقَبِيْحَةُ تَرَوَّجَتْ.

Қайс ибн Зухайл айтди: “Түрт тоифа кишига ҳеч тоқат қилиб бўлмайди: кул (масалан, насли номаълум киши) подшоҳ бўлиб қолса, пасткаш кимса тўйиб қолса (“кўрмаганни куни қурсин” деганларидек), чўри меросхўр бўлиб қолса, хунук аёл эрга тегиб қолса”.

وَقَالَ أَزْدُشِيرُ: أَرْبَعَةُ تَحْتَاجُ لِأَرْبَعَةٍ: الْحَسْبُ لِلَّادِبِ، وَالسُّرُورُ لِلَّامِنِ، وَالْقَرَابَةُ لِلْمَوَدَةِ، وَالْعَقْلُ لِلتَّحْرِيَةِ

Ардашер дейди: “Тўртта нарса тўртта нарсага муҳтож: “Насаб одобга, ҳурсандчилик хотиржамлиkkа, қариндошлик дўстликка ва ақл тажрибага муҳтож”.

وَقَالَ أَنُوشِرْوَانُ: أَرْبَعَةُ أَيَّامٍ لِأَرْبَعَةِ أَعْمَالٍ: يَوْمُ الْعَيْمِ لِلصَّيْدِ، وَيَوْمُ الرِّيحِ لِلنَّوْمِ، وَيَوْمُ الْمَطَرِ لِلْمُنَادَمَةِ، وَيَوْمُ الصَّحْوِ لِلْكَسْبِ.

Ануширвон деди: “Тўрт кун тўрт иш учун яхши: булуғли кун ов учун, шамолли куни уйқу учун, ёмғирли кун сухбатлашиб ўтириш учун, очик кун касб қилиш учун яхши”.

وَقَالَ عَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ مَرْوَانَ: أَرْبَعٌ إِذَا ظَفَرْتَ بِهَا لَا يَضُرُّكَ مَا فَاتَكَ بَعْدَهَا: حُسْنُ خُلْقٍ وَصِدْقُ حَدِيثٍ، وَعَفَافُ نَفْسٍ، وَحِفْظُ أَمَانَةٍ.

Абдурмалик ибн Марвон деди: “Тўрт хислат бор, уларни эгалласанг, ундан сўнг бой берганларинг сенга зарап етказмайди: гўзал хулқ, ростгўйлик, покиза нафс ва омонатни сақлаш”.

وَقَالَ حَكِيمٌ: يَنْبَغِي لِلْمَرْءِ أَنْ يُرْتَبِ أَمْرَهُ مَعَ عَدُوِّهِ عَلَى أَرْبَعَةِ أَوْجُهٖ: الَّذِينُ ثُمَّ الْبَدْلُ ثُمَّ الْكَيْدُ  
ثُمَّ الْمُبَايَنَةُ إِذْ لَيْسَ آخِرُ عِلَاجٍ إِلَّا الْكَيْ

Донишманд деди: “Киши душмани билан бўладиган муносабатда тўрт хил иш тутиши лозим: аввал мулойимлик қилиши, агар у фойда бермаса, саховатни ишга солиши, у ҳам иш бермаса, ҳийлага ўтиши, ундан ҳам фойда бўлмаса, орани очиши. Чунки жароҳатнинг охирги чораси куйдириш (буғунги тилда *кесиб олиб ташлаш*)дир”.

وَقَالَ ابْنُ الْأَعْرَابِيِّ: أَرْبَعَةٌ فِي أَرْبَعَةِ: الْحُسْنُ فِي الْأَنْفِ، وَالْحَلَاؤُ فِي الْعَيْنِ، وَالْمَلَائِكَةُ فِي الْفَمِ،  
وَالظَّرْفُ فِي الِّسَانِ.

Ибн Арабий айтди: “Тўрт нарса тўрт нарсада бўлади: чирой бурунда, ҳаловат кўзда, малоҳат оғизда, зарофат тилда.

وَقَالَ أَبُو الْحَطَابِ الصَّابِئِيِّ: خَيْرُ الْأَبْيَنَةِ مَا اتَّسَعَ صَحْنُهُ وَارْتَفَعَ سَقْفُهُ وَطَالَ مَدْخَلُهُ وَبَعْدَ  
مُتَوَضَّهٌ وَخَيْرُ الْأَطْعَمَةِ مَا طَابَتْ رَائِحَتُهُ وَحَسْنَ مَنْظَرُهُ وَلَذَّ طَعْمُهُ وَجَادَ غِذَاؤُهُ، وَخَيْرُ الْأَشْرِبَةِ مَا  
يَرُوقُ الْعَيْنَ وَلَيْلُدُ الْفَمَ وَيَسُرُّ الْقَلْبَ، وَخَيْرُ الثِّيَابِ مَا رَقَّ عَزْلُهُ وَرَاقَ نَسْجُهُ وَلَاَنَّ مَسْهُ وَطَابَ  
لُبْسُهُ.

Абу Хаттоб Собиъий деди: “Уйларнинг яхиси – саҳни катта, шифти баланд, йўлаги узун ва таҳорат қиласиган ўрни узоғроқда бўлганидир. Таомларнинг яхиси – хиди хушбўй, кўриниши чиройли, таъми ширина ва

қувватни оширадиган бўлганидир. Ичимликнинг яхиси – кўзни қувнатадиган, оғизга лаззат берадиган, қалбга суур багишлайдиган ва ақлни кеткизмайдиганидир. Кийимларнинг яхиси – тўқилиши ингичка, матоси нозик, ушлаганда майин ва кийишга қулай бўлганидир”.

وَقَالَ عَبْدُوْنُ: أَرْبَعَةُ تُغَذِّي مِنْ غَيْرِ أَكْلٍ وَلَا شُرْبٍ: الْنَّظَرُ إِلَى كُلِّ شَيْءٍ حَسِنٌ، وَشَمْ الْطِّيبٌ، وَالنَّوْمُ بَعْدَ الْغَدَاءِ، وَافْتِرَاشُ الْفُرْشِ الْوَطِينَةِ.

Абдун айтади: “Тўрт нарса кишини емаса ҳам, ичмаса ҳам тўйдиради: ҳар қандай чиройли нарсага қараш, хушбўйни ҳидлаш, таомлангандан сўнгги уйқу ва юмшоқ тўшакларни тўшаш”.

وَأَرْبَعٌ تَضْرُّ البَصَرَ وَتَعُودُ عَلَى النَّفْسِ بِالضَّرِّ: الْنَّظَرُ إِلَى عَيْنِ الشَّمْسِ، وَوَجْهُ الْعَدُوِّ، وَالْجُرْحَى، وَالْقَتْلَى.

Тўрт нарса кўзга зарар қилади ва қалбга зиён етказади: қуёшга тикилиш, душманнинг юзига боқиш, жароҳатланганларга ва ўлганларга қараш.

وَقَالَ ثَابِتُ بْنُ فُرَّةً: رَاحَةُ الْجَسْمِ فِي قِلَّةِ الطَّعَامِ، وَرَاحَةُ الرُّوحِ فِي قِلَّةِ الْآثَامِ، وَرَاحَةُ الْقَلْبِ فِي قِلَّةِ الْإِهْتِمَامِ، وَرَاحَةُ الْإِلْسَانِ فِي قِلَّةِ الْكَلَامِ.

Собит ибн Қурра дейди: “Таннинг роҳати оз ейишда, жоннинг роҳати гуноҳнинг озлигига, қалбнинг роҳати ғамнинг камлигига, тилнинг роҳати оз гапиришдадир”.

أَرْبَعَةُ لَا تَشْبَعُ مِنْ أَرْبَعٍ: عَيْنُ مِنْ نَظَرٍ، وَأَذْنُ مِنْ خَبَرٍ، وَأَنْشَى مِنْ ذَكْرٍ، وَأَرْضٌ مِنْ مَطَرٍ.

Тўрт нарса тўрт нарсага тўймайди: кўз қарашга, қулоқ хабарга, хотин эркакка, ер ёмғирга тўймайди.

أَرْبَعَةُ لَا يُؤْثِقُ بِهَا: رُهْدُ الْحَصِي، وَتَوْبَةُ الْجُنْدِي، وَسُلْكُ النِّسَاءِ، وَتَفْوَى الْأَخْدَاثِ.

Тўрт нарсага ишониб бўлмайди: бичилганинг зухдига, аскарнинг тавбасига, хотинларнинг ибодатига ва ёшларнинг тақвосига.

أَرْبَعَةُ لَا يَثْبِتُ مَعَهَا مُلْكٌ: غِشُّ الْوَزِيرِ، وَسُوءُ التَّدْبِيرِ، وَجُبْتُ النِّسَيَةِ، وَظُلْمُ الرَّعِيَّةِ

Тўрт нарса билан мулк турмайди: вазирнинг ёлғончилиги, тадбирнинг ёмонлиги, ниятнинг бузуқлиги, қўл остидагиларга зулм қилиш.

أَرْبَعَةُ يُسْتَدَلُّ بِهَا عَلَى الدَّهَاءِ: تَحْرُّعُ الْغُصَصِ وَاتْهَازُ الْفُرَصِ وَاسْتِمْدَادُ الْآرَاءِ وَمُدَاهَاهُ  
الْأَعْدَاءِ

Тўртта нарса кишининг доҳийлигига далолат қиласди: ғуссаларни ютиш, фурсатлардан унумли фойдаланиш, ўзгалар фикридан қувват олиш ва душманлар билан муроса қилиш.

أَرْبَعَةٌ إِذَا أَفْسَدَهُمُ الْبَطْرُ لَمْ تَزْدُهُمُ التَّكْرِمَةُ إِلَّا فَسَادًا: الْوَلَدُ وَالرَّوْجَةُ وَالْخَادِمُ وَاللَّئِيمُ.

Эркалик (табиатини) бузган тўрт тоифа киши бор, уларга хурмат кўрсатилса, бузилиши яна ортади: бола, хотин, хизматкор, пасткаш одам.

أَرْبَعَةٌ لَا ثُقَابَلُ بِالْعُنْفِ فِي أَرْبَعَةِ أَحْوَالٍ: الْمَلِكُ فِي حَالٍ غَضِيبٍ، وَالسَّيْلُ فِي حَالٍ صَدْمَتِهِ، وَالْفَيْلُ فِي حَالٍ غُلْمَتِهِ، وَالْعَامَّةُ فِي حَالٍ هَيْجَهَا.

Тўрт нарсага тўрт хил ҳолатда қўполлик билан муомала қилинмайди: газаби келган пайтда подшохга, тошиб оқаётган селга, шахвати қўзиган ҳолатдаги филга ва ҳаяжонда қўзғалган ҳалқقا.

أَرْبَعَةُ لَا تَقْدِمُ عَلَيْهَا حَتَّى تَسْأَلَ عَنْهَا الْخَيْرُ: السُّوقُ لَا تَقْدِمُ عَلَيْهِ حَتَّى تَعْلَمَ النَّافِقَ وَالْكَاسِدَ، وَالْمَرْأَةُ لَا تَخْطِبُهَا حَتَّى تَسْأَلَ عَنْ مَنْصِبِهَا وَخُلُقِهَا، وَالطَّرِيقُ لَا تَسْلُكُهَا حَتَّى تَسْأَلَ عَنْ أَمْنِهَا وَحَوْفِهَا، وَالْبَلْدُ لَا تَسْتَوْطِنُهَا حَتَّى تَسْأَلَ عَنْ سِيرَةِ سُلْطَانِهَا وَأَخْلَاقِ أَهْلِهَا.

Тўрт нарса томон қадам ташлама, то бир хабардор кишидан у нарсалар ҳақида сўраб билмагуnungча: бозорга қадам босма (яъни, тижоратни бошлама), то у ерда нима ўтади-ю, нима касодга учрашини яхши билмагуnungча; совчиликка борма, токи у аёлнинг насаби, қўни-қўшнилар орасида тутган ўрни ва хулқи ҳақида сўраб билмагуnungча; бир йўлга юрма, токи у йўлнинг тинч ва хавфдан омон эканини сўраб билмагуnungча; бир шаҳарда ватан тутма, токи ўша ердаги подшоҳнинг сийрати ва ўша ер ахлининг аҳлоқи ҳақида сўраб билмагунча.

بَحَنَبْ أَرْبَعَةً لِتَخْلُصَ مِنْ أَرْبَعَةٍ: بَحَنَبْ الْحَسَدَ لِتَخْلُصَ مِنَ الْحُزْنِ، وَلَا تُحَالِسْنَ حَسِيْسِيًّا لِتَسْلِمَ مِنَ الْمَلَامَةِ، وَلَا تَرْكِبِ الْمَعَاصِي لِتَسْلِمَ مِنَ النَّارِ، وَلَا تَهْتَمَ بِجَمْعِ الْمَالِ لِتَسْلِمَ مِنْ مُعَادَةِ النَّاسِ.

Тўрт нарсадан халос бўлиш учун тўрт нарсадан сақлан: ғам-қайғудан қутулиш учун ҳасаддан узоқ бўл; маломатдан омон бўлиш учун баҳиллар билан ҳамсуҳбат бўлма; дўзахдан омон бўлиш учун гуноҳ қилма; одамларнинг душман бўлиб қолишидан омон бўлишинг учун мол-дунё тўплашга берилма.

أَرْبَعَةٌ لَا تَسْتَغْنِي عَنْ أَرْبَعَةٍ: الرَّعْيَةُ مِنَ السِّيَاسَةِ وَالْجُنُوشُ عَنِ الْقَادِهِ وَالرَّأْيُ عَنِ الإِسْتِشَارَهِ  
وَالْعِزُّ مِنَ الْإِسْتِخَارَهِ.

Түрт нарса түрт нарсага муҳтоҗ: халқ сиёсатга, аскар лашкарбошига, фикр маслаҳатга ва азизлик яхшилик сўраб қилинадиган дуога муҳтоҗ.

وقال أَبُو نَوَّاسٍ: أَرْبَعَةٌ مَذْهَبٌ لِكُلِّ هُمٍ وَحُزْنٌ: الْمَاءُ وَالْقَهْوَهُ وَالْبُسْتَانُ وَالْوَجْهُ الْخُسْنُ.

Абу Наввос айтди: “Тўртта нарса ҳар қандай ғам-қайгуни аритади: сув, қаҳва, боғча ва гўзал юз”.

### روضة في الخمسة

#### “Бешталиқ” ҳикматлар боғчаси

قَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِغْنِتِمْ حَمْسًا قَبْلَ حَمْسٍ: شَبَابَكَ قَبْلَ هَرَمَكَ، وَصِحَّتَكَ قَبْلَ  
سِقَمَكَ، وَفَرَاغَكَ قَبْلَ شُغْلِكَ، وَغِنَاكَ قَبْلَ فَقْرِكَ، وَحَيَاتَكَ قَبْلَ مَوْتِكَ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Бешта нарсани бешта нарсадан олдин ғанимат бил: қариликдан олдин ёшлигингни, хасталикдан олдин соғлигингни, ишга чалғиб қолишингдан илгари бўш вақtingни, камбағалликка йўлиқишингдан олдин бойликни, ўлим келишидан олдин хаётингни ғанимат бил”.

وَقَالَ بَعْضُهُمْ: أُمُورُ الدُّنْيَا تَجْرِي عَلَى حَمْسَةَ عَشَرَ وَجْهًا، فَخَمْسَةُ مِنْهَا بِالْعَادَةِ وَهِيَ: الْأَكْلُ وَالشُّرْبُ وَالْمَسْيُ وَالنِّكَاحُ وَالصَّلَاةُ. وَخَمْسَةُ مِنْهَا بِالتَّعْلِيمِ وَهِيَ: الْأَدْبُ وَالْكِتَابَةُ وَالرَّمْمُ وَالسِّبَاحَةُ وَالصِّنَاعَةُ. وَخَمْسَةُ مِنْهَا بِالتَّقْدِيرِ وَهِيَ: الْحَسْنُ وَالْقُبْحُ وَالْغَنَى وَالْفَقْرُ وَالْعُمْرُ.

Улуғлардан бири деди: “Дуёнинг ишлари ўн беш хил тарзда жорий бўлади. Шулардан бештаси одатга биноан амалга ошади: ейиш, ичиш, юриш, никоҳланиш ва намоз (яъни, инсон кўриб, одатланиб бу ишларни қилишига ўрганиши мумкин). Яна бештаси таълим – ўргатиш натижасида ҳосил бўлади: одоб, ёзиш, камондан ўқ узиш, сузиш ва ҳунар. Қолган бештаси тақдирга боғлиқ: чирой, хунуклик, бойлик, камбағаллик, умр (яъни, инсоннинг чиройли ё хунук бўлиши, бой ё камбағал бўлиши ёки умрининг қисқа ё узун бўлиши ўзининг ёки ўзига ўхшаган инсонларнинг хоҳииш-иродасига эмас, тақдирда белгиланганига боғлиқ).

وَقَالَ بُزْرُجٌمِهْرُ: تُسْتَحِبُّ خَمْسَةً مِنْ خَمْسَةِ الْعُشْبِ مِنَ الرَّيْبِ وَالْحِصْبِ مِنَ الْحَرِيفِ وَالْحَلَاوَةِ مِنَ الْجَارِيَةِ وَالْكِيَاسَةِ مِنَ الْعُلَامَ وَالإِنْقِبَاضُ مِنَ الْعَرِيبِ.

Бузружмехр айтди: “Беш нарсанинг беш нарсага сабаб бўлиши чиройли: баҳор келиб, атроф кўкаламзор бўлса; куз келиб, серобчилик бўлса; чўрининг ёқимли бўлиши (яъни, чўрининг буюрилган ишни қойиллатиб бажаришига яна унинг ёқимлилиги ҳам қўшилса); ходимнинг зийраклиги, мусофирикнинг уялиб, қимтиниб туриши (мусофирикнинг тўрга ўтиб, талтайиб ўтириб олишидан кўра тортиниб туриши чиройлироқ).

وَقَالَ كُشَاجِمُ: حَمْسُ فَوَائِدَ مَحْبُوبَةٌ: مُبَادَرَةُ الْغِذَاءِ دُبُرُ الشَّرَابِ، وَقِلَّةُ الدُّبَابِ، وَالْمُبَادَرَةُ إِلَى سُكِينٍ كُلِّ الْجُوعِ، وَطَطِيْبُ النَّكْهَةِ، وَأَمْنُ الشَّرَهِ إِلَى طَعَامٍ غَيْرِكَ.

Кашожим айтди: “Суюкли саналган бешта фойдали иш бор: ичимликнинг изидан дарҳол таом берилса; пашша кам бўлса; итдек очганда уни тинчилишга шошилиш; оғизни хушбўй қилиш; биронинг таомига сукланиб қарамайдиган даражада хотиржамлик”.

وَقَالَ أَبُو عَلِيِّ الصَّاغَانِيِّ: لَيْسَ شَيْءٌ أَبْغَضَ إِلَيْهِ مِنْ حَمْسَةٍ: قِرَاءَةُ مَكْتُوبٍ، وَامْتِنَاعٌ مِنْ دَعْوَةِ إِلَى مُؤَاكَلَةٍ، وَرُؤْيَاةِ مُتَكَبِّرٍ، وَرُؤْيَاةِ شَيْخٍ يَتَصَابَّى، وَامْرَأَةٌ تَتَأَمَّرُ.

Абу Алий Соғоний айтди: “Бешта нарса менинг нафратимни қўзгайди: хатимни бошқа биронинг ўқиши; меҳмонга чорлаганимда таклифимни рад қилган киши; мутакаббир кишини кўришим; ошиқ бўлиб қолган қарияни кўришим; ўзини бошлиқдай туваётган хотиндан нафратланаман”.

وَقَالَ آخَرُ: [فِي الْأَطْفَالِ] حَمْسُ خِصَالٍ لَوْ كَانَتْ فِي الرِّجَالِ بَلَغُوا دَرَجَةَ الْكَمَالِ: لَا يَهْتَمُونَ بِالرِّزْقِ وَلَا يَشْتَكُونَ مِنَ الْمَرَضِ وَلَا يَحْقِدُونَ عِنْدَ الْخِصَامِ وَيَخَافُونَ إِذَا خُوِّفُوا بِأَدْنَى تَحْوِيفٍ وَتَدْمَعُ أَعْيُنُهُمْ مِنْ ذِكْرِ الْأَهْوَالِ.

Бошқа бир донишманд деди: “**Болаларда бор бешта хислат** катталарда ҳам бўлса эди, комиллик даражасига етган бўлишарди: ризқ учун ғам чекмаса, касалликдан шикоят қилмаса, тортишганида гина-кудурат сақламаса, сал пўписа билан қўркса, даҳшатли манзаралар эслатилганида кўзларига нам ёшланса”.

شِعْرٌ :

لِإِشْعَالِهَا حَمْسًا غَدَثْ خَيْرٌ أَعْوَانٌ لِمَنْ يَعْتَرِيهِ الْهُمُّ أَوْثَقُ أَرْكَانٍ وَنَعْمَةُ الْحَانِ وَطَلْعَةُ إِخْوَانٍ	إِذَا حَمَدَتْ نِيرَانُ صَفْوَكَ فَاعْتَمَدْ وَلَا تَعْتَمَدْ شَيْئًا سِوَاهَا فَإِنَّهَا فَرَاحُ وَرَيْحَانُ وَسَاقُ مُهَفَّهَفُ
--	---

Шеър (насрий баён): “Мусаффо ёшлигинг олови сўнган бўлса, уни кайтадан алангалиши учун бешта нарсага суюн. Шунда улар энг яхши ёрдамчига айланади. Улардан бошқасига суюнма. Чунки улар кишининг ғамини аритишида энг ишончли суюнчлардир: хурсандчилик, хушбўй, нозик болдир, куй-қўшиқ ва дўстлар дийдори”.

### رَوْضَةٌ فِي السِّتَّةِ وَمَا بَعْدَهَا

#### “Олтиталик” ва ундан сўнгги ҳикматлар боғчаси

فَالْحَكِيمُ: سِتَّةٌ لَا يُفَارِقُهُمُ الْحُرْنُونُ: فَقَيْرُ قِرِيبُ عَهْدٍ بِغِنَىٰ، وَمُكْثِرٌ يَخَافُ عَلَىٰ مَالِهِ التَّلْفَ، وَمَرِيضٌ لَا طَيِّبٌ لَهُ، وَمُحِبٌ لَامْرَأَتِهِ وَهِيَ خَائِنَةٌ، وَالْحَسُودُ، وَالْحُقُودُ.

Донишманд деди: “Олти тоифа киши доимо ғам-ташвишда юради: олдин бой бўлиб, яқинда камбағал бўлиб қолган киши, мол-дунёсига талофат етиб қолишидан қўрқиб юрадиган бой, даволовчи табиби йўқ хаста, хотинини яхши кўрадиган, аммо хотини унга хиёнат қиласидиган киши, ҳасадгўй ва гина-кудурат саклайдиган киши”.

وَقَالَ الْأَحْنَفُ بْنُ قَيْسٍ: سِتَّةٌ حِصَالٌ يُعْرَفُ بِهَا الْجَاهِلُونُ: الْشَّقَةُ بِكُلِّ أَحَدٍ، وَالْكَلَامُ فِي غَيْرِ نَفْعٍ، وَالْعَضَبُ مِنْ غَيْرِ سَبَبٍ، وَالْعَطِيلَةُ فِي غَيْرِ مَوْضِعِهَا، وَإِفْشَاءُ السِّرِّ إِلَى كُلِّ أَحَدٍ، وَعَدَمُ التَّمْيِيزِ بَيْنَ الْعَدُوِّ وَالصَّدِيقِ.

Аҳнаф ибн Қайс деди: “Олтита ҳислат билан кишининг нодонлиги билинади: дуч келган кишига ишонавериш, фойдасиз гапириш, сабабсиз

ғазабланиш, ўрни бўлмаган ерга саховат қилиш, ҳаммага сирни очавериш, дўст билан душманни ажратмаслик”.

وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: سَبَعَةٌ يُظْلَهُمُ اللَّهُ فِي ظِلِّهِ يَوْمَ لَا ظِلَّهُ: إِمَامٌ عَادِلٌ، وَشَابٌ نَشَأَ فِي عِبَادَةِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ، وَرَجُلٌ قَلْبُهُ مُعَلَّقٌ فِي الْمَسْجِدِ إِذَا خَرَجَ مِنْهُ حَتَّى يَعُودَ إِلَيْهِ، وَرُجَالٌ تَحَابَّا فِي اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ اجْتَمَعُوا عَلَى ذَلِكَ وَافْتَرَقُوا، وَرَجُلٌ دَعَتْهُ اِمْرَأَةٌ ذَاتُ مَنْصِبٍ وَجَمَالٍ فَقَالَ: إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ، وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ صَدَقَةً فَأَخْفَاهَا حَتَّى لَا تَعْلَمَ شَهَادَهُ مَا تُنْفِقُ يَمْنُهُ، وَرَجُلٌ ذَكَرَ اللَّهَ تَعَالَى خَالِيَّا فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Етти тоифа инсонни Аллоҳ таоло ҳеч бир соя йўқ кунда Ўз соясида тутади: адолатли имом (бошлиқ, раҳбар); улуғ ва қудратли Аллоҳнинг ибодатида вояга етган ўспирин йигит; қалби масjidга шу даражада боғланган киши, агар масжиддан чиқса, қайтгунча ошиқади; улуғ ва қудратли Зот – Аллоҳ йўлида ўзаро муҳаббат билан дўст тутинган икки киши, улар Аллоҳнинг йўлидаги мана шу муҳаббатга кўра учрашади ва мана шу муҳаббатга кўра ажрашади; мансабдор ва чиройли хотин хилватга чорлаганида (мен бундай ҳаром ишни қилишдан) Аллоҳдан кўрқаман, деган инсон; садақани ўнг қўли берса, чап қўли билмайдиган даражада маҳфий берадиган киши; ёнида ҳеч ким йўқ, холи, ёлғиз ҳолда Аллоҳ таолони зикр қилиб, кўзларидан ёш қуюлган киши”.

وَقَالَ أَبُو يَعْقُوبَ الْخَزِينِيُّ: فِي الْعُمَى سَبْعُ خِصَالٍ: إِجْتِمَاعُ الرَّأْيِ، وَصَفَاءُ الدِّهْنِ، وَفُؤَّهُ الْحِدْقِ، وَجَوْدَهُ الْحِفْظِ، وَسُقُوطُ الْوَاجِبِ مِنَ الْحُقُوقِ، وَالْأَمَانُ مِنْ فُضُولِ النَّاظَرِ الدَّاعِيَةِ إِلَى الدُّنُوِّبِ، وَفُقدَانُ النَّاظَرِ إِلَى الشُّقَالَاءِ وَالْأَعْدَاءِ.

Абу Яқуб Ҳузаймий айтди: “Аъмолик – кўзи ожизлиқда етти хислат бор: кўр кишининг фикри доим жам, зеҳни пок, топқирлиги кучли, хотираси мустаҳкам, (айрим) вожиб ҳақлар(масалан, ҳажга бориш)дан соқитлик, гуноҳга

чорловчи ортиқча сабабларга қарашдан омон бўлиш, оғир, сухбати зерикарли кишиларга ва душманларга боқишининг йўқлиги”.

وَقَالَ يَحْيَى بْنُ خَالِدٍ: الدُّنْيَا ثَمَانٌ: الْطَّعَامُ، وَالظِّيَابُ، وَالْمَاءُ الْبَارِدُ، وَالثَّوْبُ الْلَّيْنُ، وَالْفِرَاشُ الْوَطِيءُ، وَالدَّارُ الْوَاسِعَةُ، وَالْمَرْأَةُ الْمُوَافَقَةُ، وَالْخَادِمُ الْأَمِينُ، وَالْقُدْرَةُ عَلَى الْإِحْسَانِ إِلَى الْإِخْوَانِ.

Яҳё ибн Холид айтди: “Дунё саккиз хил нарсадан иборат: таом, хушбўйлик, муздай сув, мулойим кийим, юмшоқ тўшак, кенг ҳовли, табиатга мувофиқ хотин, ишончли хизматкор, дўстларга яхшилик қилишга қодир бўлиш”.

وَقَالَ بَعْضُهُمْ

شِعْرٌ:

لا لَوْمَ فِي وَاحِدٍ مِنْهَا إِذَا صُفِعَا وَدَاهِلُ الْبَيْتِ تَطْفِيلًا بِغَيْرِ دُعَا وَدَاهِلٌ فِي كَلَامِ اثْنَيْنِ مُنْدَفِعًا وَقَاصِدٌ مُجْلِسًا عَنْ قَدْرِهِ إِرْتَفَعَا وَطَالِبُ النَّصْرِ مِنْ أَعْدَائِهِ طَمِعًا	أَحَقُّ بِالصَّفَعِ فِي الدُّنْيَا ثَمَانِيَّةٌ الْمُسْتَحِفُ بِسُلْطَانٍ لَهُ قَدْرٌ وَآمِرُ نَاهٍ فِي غَيْرِ مَنْزِلِهِ وَمُتْحِفٌ بِحَدِيثٍ غَيْرِ سَائِلِهِ وَطَالِبٌ لِجُودٍ مِنْ لَا سَمَاحَ لَهُ
--	---

Улуғлардан бири айтди (шеърнинг насрий баёни): “Дунёда тарсакига лойик саккиз тоифа бор, агар улардан бирига шапалоқ тортилса, ҳеч ҳам маломат қилинмайди: биринчиси, қадр-қийматга эга сultonини бехурмат қилувчи; иккинчиси, чақирилмаса ҳам кимгадир эргашиб келган меҳмон; учинчиси, ўз ўрнини билмасдан амру нахй қилувчи; тўртинчиси, гаплашаётган

икки кишининг орасига ўзбошимчалик билан сўз қўшувчи; бешинчиси, сўралмаган ўринда гапиравчи; олтинчиси, ўзининг қадр-қийматидан баландроқ мажлисни кўзловчи; еттинчи, хасисдан саховат талаб қилувчи; саккизинчи, душманларидан ёрдам истовчи”.

وَقَالَ الْجَاحِظُ: تَسْعُ مَوْجُودَةٌ فِي تَسْعٍ: الْخَفَّةُ فِي الصُّمِّ وَالْهُوَجُ فِي الطَّوَالِ وَالْعُجْبُ فِي الْقَصَارِ  
وَالنَّبِلُ فِي الرَّبْعَةِ وَالْمَلَأَحَةُ فِي الْحَوْلِ وَالْدَّكَاءُ فِي الْخَرْسِ وَالْحِفْظُ فِي الْعُمَيَانِ وَالثِّقْلُ فِي الْعَوْرِ  
وَالنَّشَاطُ فِي الْحَدِيثِ.

Жоҳиз деди: “Тўққиз тоифа кишида тўққиз нарса бўлади: карларда енгилтаклик, новчаларда аҳмоқлик, паканаларда кеккайиш, ўрта бўйли кишиларда олийжаноблик, кўзи бир томонга сузилганроқ кишиларда гўзаллик, соқовларда зийраклик, кўрларда кучли хотира, ғилайларда оғирлик, ёшларда ҳиммат-ғайрат”.

وَسُئِلَ إِسْحَاقُ الْمُوصِلِيُّ عَنْ عَدَدِ النُّدَمَاءِ، فَقَالَ: وَاحِدٌ غَمْ، وَاثْنَانِ هَمْ، وَثَلَاثَةُ نِظَامٌ،  
وَأَرْبَعَةُ تَحَامٌ، وَخَمْسَةُ زِحَامٌ، وَسِتَّةُ حُمَامٌ، وَسَبْعَةُ مَوْكِبٌ، وَثَمَانِيَّةُ سُوقٌ، وَتِسْنَعَةُ جِيشٌ، وَعَشَرَةُ نَعْوُدُ  
بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِمْ.

Исҳоқ Мувсилийдан дўстларнинг сони ҳакида сўралди: “Биттаси ғам, иккитаси ташвиш, учтаси интизом, тўрттаси тамом (яъни, тугал), бештаси тиқилинч, олтиласи ҳаммом, еттитаси жамоат, саккизтаси бозор, тўққизтаси лашкар, ўнта бўлса, Аллоҳ уларнинг ёмонлигидан сақласин”.

نُبْدَةٌ مِنَ الْحِكْمِ الْعِذَابِ يَخْتِمُ بِهَا الْكِتَابُ

## Китоб хотимасида ширин ҳикматлардан бир парча

اَهْوَى سُلَافُ مُوثِّقٌ مَشْوُبٌ بِتَلَافٍ مُوبِقٍ.

Хою-ҳавас ҳалок қилувчи талофат аралашган ўта кучли шаробдир.

اَهْوَى دَاءُ قَدِيمٌ، لَمْ يَسْلَمْ مِنْهُ قَرُومُ الْفُرُونِ.

Хою-ҳавас шундай эски қасалликки, замонанинг улуғлари ҳам ундан холи (саломат) бўлмаган.

مَنْ كَانَ لِعِنَانِ هَوَاهُ أَمْلَكَ، كَانَ لِسَيِّلِ رَشَادِهِ أَسْلَكَ.

Ким нафс истакларини жиловлай олса, тўғри йўлга юрувчи бўлади.

مَنْ خَافَ هَوَاهُ أَمِنَ كَيْدَهُ أَعْدَاءُهُ.

Ким нафсининг ҳавосидан қўрқиб, унга йўл берса, душманлари у кимсанинг хийласидан омон бўлади (яъни, нафсига қул киши душманларига қарши қанча ҳийла ишлатмасин, душманлари унинг бу хийлаларини назарга илмайди).

شعر :

فَقَدْ ثَكِلَتُهُ عِنْدَ ذَاكَ ثَوَاكِلُهُ وَقَدْ وَجَدَتْ فِيهِ بَحَالًا عَوَادِلُهُ مِنَ النَّاسِ إِلَّا حَازِمُ الرَّأْيِ كَامِلُهُ	إِذَا مَا رَأَيْتَ الْمَرْءَ يَقْتَادُهُ اَهْوَى وَقَدْ أَشْتَمَتَ الْأَعْدَاءَ جَهْلًا بِنَفْسِهِ وَمَا قَمَعَ النَّفْسَ الْعُزُوفَ عَنِ اَهْوَى
--	---

Шеър (насрий баён): “Қачонки бир кишини ҳавойи нафси етаклаб кетаётганини кўрсанг, энди унинг ҳолига боласини йўқотиб қўйган онадек йиғловчилари йиглайверсин. Нодонлиги сабаб у душманларини хурсанд қилди ва маломатчилар (унинг устидан кулишга) йўл топди. Факат қатъий, фикри комил кишигина қайсар нафсни ҳою-ҳавасдан тўса олади”.

قَلْبُ الْمُحِبِّ مَفْسُومٌ بَيْنَ الْهُمَزَةِ وَالْوُجُومِ وَطَرْفُهُ مَوْسُومٌ بِالسُّجُومِ وَرَغْبِي النُّجُومِ. الْمُحِبُّ  
مَنْ دَمْعُهُ مُطْلَقٌ وَنَوْمُهُ مُوْتَقٌ. الْمُحِبُّ مَنْ تَصَعَّدُ رَفَاتُهُ وَتَنْحَدِرُ عَبَرَانُهُ رُبَّمَا تَلِفَ مَنْ كَلِفَ. لَيْسَ  
حَرُّ الْعَاشِقِ كَبَرٌ قَلْبُ الْمَعْشُوقِ. لِلْحَبِيبِ أَنْ يَتَذَلَّ، وَعَلَى الْمُحِبِّ أَنْ يَتَذَلَّ. وَهَجْرُ الْحَبِيبِ  
كَلْفٌ الْهَوَاجِرِ، وَوَصْلُهُ كَنْسِيْمِ الْأَصَائِلِ. لَا يُقَاسِي الْمُحِبُّ أَشَدَّ مِنْ قَسْوَةِ الْحَبِيبِ.

Ошиқнинг қалби ғам билан сукут орасида талош бўлади. Унинг қўзи ёшларга тўла ва юлдузлар подасини ҳайдаш билан овора (яъни, туни билан бедор). Ошиқнинг кўз ёшлари ўз эркига қўйиб юборилган, уйкуси эса кишанланган. Ошиқнинг “оҳ-воҳ”лари кўкка ўрлаган, кўз ёшлари пастга думалаган. Ким ошиқ бўлса, кўпинча у талофат кўради. Ошиқ қалбининг ҳарорати маъшуқ қалбининг совуқлигидек эмас (яъни, ошиқ қанчалик ёниб-куйса, маъшуқ шунчалик совуқкон). Севилувчида эркаланиш, севувчида хорланиш бор. Маҳбубнинг ҳижрони қоқ пешиндаги офтобнинг куйдиришига, маҳбубнинг васли оқшом пайтида эсадиган майин шабадага ўхшайди. Ошиқ қалбининг қаттиқ қийналиши Маъшуқнинг қалби шу даражада қаттиқки, ошиқ қанча қаттиқ қийналса ҳам бу қаттиқликни юмшатолмайди.

شعر:

لَا يَعْرِفُ الشَّوْقَ إِلَّا مَنْ يُكَابِدُهُ  
وَلَا الصَّبَابَةَ إِلَّا مَنْ يُعَانِيهَا

Шеър (насрий баён): “Шавқ (яъни, ишқ истаги)ни татиб кўрган, ишқни бошидан кечирган билади”.

الْحُسْنُ الْفَائِقُ بِدُعَةِ الْأَمْصَارِ وَنُزْهَةُ الْأَبْصَارِ الشَّوْقُ الْلَّطِيفُ هُوَ الْعِشْقُ الْعَنِيفُ الشَّوْقُ  
يَطْوِي الْفِرَاشَ الْوَطِيءَ وَيَحْثُثُ الْمَطِيءَ. الشَّوْقُ مَا فَضَّ عَقْدَ الدُّمُوعِ وَرَضَّ عَقْدَ الضُّلُوعِ.  
مَنِ امْتَطَى رَاحِلَةَ الشَّوْقِ لَمْ يَشْقَ عَلَيْهِ بُعْدُ السَّفَرِ.

Ўта чиройлилик шаҳарларнинг гўзаллиги ва кўзларнинг қувончидир. Кўзга кўринмайдиган даражадаги энг нозик шавқ, аслида, энг кучли ишқдир. Шавқ юмшоқ тўшакларни ўраб қўяди ва энг секин юрадиган ҳайвонни ҳам югурадиган қилади. Шавқ кўз ёшлар мунчоғини тешган ва қовурғалар бўғимини ушатган (яъни, ишқ туфайли тинимсиз тўкилган кўз ёш бир шода марваридга ўхшатиляпти ва ишқ сабабли жисм шу даражада озиб-тўзганки, қовурғалар бир-бирига киришиб кетган). Ким шавқ маркабини миниб олган бўлса, унга сафарнинг узоқлигидан мاشаққат йўқ.

مُذَكَّرَةُ الْأَدَبِاءِ أَمْتَعُ مِنْ نَسِيمِ السَّحَرِ، الْمُتَعَطِّرُ بِزَهْرِ الشَّمْرِ. مُحَادَثَةُ الْإِخْوَانِ الَّذِينَ مِنْ مُعَارَلَةِ  
الْغِزَّلَانِ وَأَبْهَجُ مِنْ حَرَكَاتِ الرَّاحِ بَيْنَ الرِّيحَانِ. لِقاءُ الْأَدِيبِ كَلِقاءُ الطَّيِّبِ يَدْعُ الْهَمَّ مُولِّيَاً وَالْأَنْسَ  
مُسْتَوْلِيَاً.

Адаб илми олимлари билан суҳбат қуриш меваларнинг гулларидан бўй олган сахарги шабададан фойдалериоқдир. Дўстларнинг суҳбати охуларнинг ажиб ўйинлариidan лаззатлироқ ва хушбўйлар тарататётган шаробнинг харакатидан кўра қувончлироқ. Адаб илми сохибига йўлиқсангиз, табибга учрагандек бўласиз: ғамни кеткизади, дўстлик-ошноликка эга қилади.

شَرُّ الْإِخْوَانِ مَنْ إِذَا حَضَرَ أَنَّهُ وَمَدَحَ وَإِذَا غَابَ عَابَ وَقَدَحَ شَرُّ الْإِخْوَانِ مَنْ ظَاهِرُهُ مُوَافِقٌ وَبَاطِنُهُ مُنَافِقٌ. خَيْرُ الْإِخْوَانِ مَنْ يَسْلَقُ أَخَاهُ بِالْيَمِينِ وَيُحَلِّهُ مَحَلَّ الْعِقْدِ الشَّمِينِ، وَشَرُّهُمْ مَنْ يَزِنُهُ بِالْمِيزَانِ الْحَقِيفِ وَيُقَوِّمُهُ بِالثَّمَنِ الْلَّطِيفِ.

Дўстларнинг ёмони борингизда сизни мақтаб, олқиши ёғдирадигани, йўғингизда эса айблаб, ғийбат қиласидиганидир. Дўстларнинг ёмони кўринишидан сизга мувофиқ, ичкарисидан эса сизга тескари, мунофиқ бўлгани. Дўстларнинг яхшиси дўстини ўнг бўладиган ишлар билан қабул қилиб, уни энг кийматли шоданинг ўрнига қўядиганидир. Дўстларнинг ёмони дўстини энг енгил тарозида тортиб, арзимас қиймат билан ўлчайдиганидир.

مَنْ كَرُمَتْ حِصَالُهُ وَجَبَتْ وِصَالُهُ مَنْ كَثُرَ هَجْرُهُ وَجَبَ هَجْرُهُ إِذَا طَارَ الْقَلْبُ بِجَنَاحِ الْحَوْفِ  
وَالْفَزَعُ فَأَحْرَصَ عَلَيْهِ مِنَ الضَّحَرِ وَالْجَزَعِ.

Кимнинг хислати улуғ бўлса, у билан борди-келди қилиш, кимнинг дўстни тарқ қилиши қўпайса, уни тарқ қилиш вожиб бўлади. Агар қалб ҳавф ва қўрқинч қаноти билан учадиган бўлса, қалбни сиқилиш ва безовталикдан эҳтиёт қил.

أَقْصُدْ مَنْ يُنْعِمُ بِالدُّنْيَا بِالْعَطَايَا الْفَاعِرَةِ، وَإِذَا اسْتَرْجَعَتْهَا كَانَتْ مِنْ عَطَايَا الْآخِرَةِ، وَتَوَكَّلْ  
عَلَيْهِ فِيمَا يَعْشَالَكَ، تَأْمَنْ غَوَائِلَ دُنْيَاكَ وَأَخْرَاكَ، وَتَوَسَّلْ بِمُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شِفَاءَ السَّقِيمِ  
وَهَادِيَ الصِّرَاطِ الْمُسْتَقِيمِ، فَهُوَ بَيْتُ عَمَرَةَ التَّنْزِيلِ وَخَدَمَةُ جِبْرِيلِ.

Бу дунёда сенга улуғ неъматларни инъом этган Зотга интил. Агар У Зот неъматларини қайтариб олса (яъни, дунёдан ўтсанг), сен учун Охират неъматлари бор. Сени балолар ўраб олганида У Зотга суян, шунда дунёнгдаги ва Охиратингдаги кулфатлардан ҳам омон бўласан. Мухаммад соллаллоҳу

алайҳи ва салламни восита этиб Аллоҳга таваккул қил. Пайғамбар алайҳиссалом дардмандга дармондир, тӯғри йўлга бошловчиdir. Мухаммад алайҳиссалом шундай уйки, бу уйни Қуръон обод қилган, бу уйнинг хизматкори Жаброил алайҳиссаломdir.

وَاسْأَلِ اللَّهَ فِإِنَّهُ أَكْرَبُ مَنْ نَاجَيْتَ وَأَجْوَبُ مَنْ نَادَيْتَ  
اللَّهُمَّ أَخْرِجْنَا مِنْ ظُلْمَاتِ الْوَهْمِ إِلَى نُورِ الْفَهْمِ، وَاجْعَنَا مِنْ يَرْجُوكَ وَيَخْشَاكَ، وَوَفِقْنَا لِمَا يُوَافِقُ  
رِضَاكَ، وَارْزُقْنَا مِنَ النِّعْمَةِ أَخْضَرَهَا وَمِنَ الْمَعِيشَةِ أَنْضَرَهَا، بِحَمَّاهِ نَبِيِّكَ وَخَاصَّتِيهِ

وَصَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَعَلَيْهِمْ صَلَّاةً تَلِيقُ بِكَرَامَةِ مَرْتَبَتِهِ  
وَعَلَى آلِهِ أَجْمَعِينَ، وَصَحَابَتِهِ  
وَالْتَّابِعِينَ، آمِينَ.

Фақат Аллоҳдан сўра! Чунки муножот қилиб сўраладиган зотнинг энг яқини ва чақирганингда энг тез жавоб берадигани Аллоҳ таолодир.

Аллоҳим! Бизни ҳар хил нотӯғри ўйлар зулумотидан тӯғриликка бошлайдиган фаҳм нурига чиқаргил.

Бизни Ўзингдан қўрқиб, Ўзингдан умид қиласиганлар тоифасидан қил ва Ўзингнинг розилигингга мувофиқ ишларга бизни муваффақ қил.

Пайғамбарингнинг мартабаси ва хос хусусиятлари шарофати билан бизни неъматнинг энг кўрками билан, ҳаётнинг энг яшнагани билан ризқлантиргил.

Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга, олдин ўтган жамики пайғамбарларга у зотларнинг улуғ мартабаларига муносиб Аллоҳнинг солавоти ва саломи бўлсин ва яна Пайғамбарингнинг жамики аҳлига, сахобаларига, тобеинларга Аллоҳнинг саломи бўлсин, омийн.

تَمَّ الْكِتَابُ بِحَمْدِ اللَّهِ بَارِئِنَا وَمَنْ يَلِأْ شَلَّى بَعْدَ الْمَوْتِ يُحْيِينَا  
يَا رَبِّ فَاغْفِرْ لِعَبْدِكَانَ كَاتِبِهِ يَا فَارِئَ الْخَطِّ فُلْ بِاللَّهِ آمِينَا

Шеър (насрий баён): “Яратгувчимиз Аллоҳнинг ҳамди билан китоб ниҳоясига етди. Шак йўқки, У бизни ўлгандан кейин тирилтирадиган Зотдир. Эй Раббим, бу китобни ёзган қулингни мағфират қил! Эй бу хатни ўқувчи, Аллоҳ ҳаққи, бу тилагимга “омийн” дегил”.